

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚЎМИТАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
«МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ»
ЖАМОАТЧИЛИК МАРКАЗИ

Бош муҳаррир

Озод ШАРАФИДДИНОВ

Таҳрир ҳайъати:

Неъмат АМИНОВ
Муҳаммадали АҲМЕДОВ
Шароф БОШБЕКОВ
Жамолиддин БЎРОНОВ
Эркин ВОҲИДОВ
Одил ЁҚУБОВ
Неъматулла ИБРОҲИМОВ
Мурод МУҲАММАД ДЎСТ
Мирпўлат МИРЗО
(бош муҳаррир муовини)
Абдулла ОРИПОВ
Ғайбулла САЛОМОВ
Жавлон УМАРБЕКОВ
Шоир УСМОНХЎЖАЕВ
Рустам ШОҒУЛОМОВ
Файзи ШОҲИСМОИЛ
(масъул котиб)
Саидбек ҲАСАНОВ

4.1997

МУНДАРИЖА

ИГОРЬ БУНИЧ. Партиянинг олтинлари 3

XX АСР РОМАНИ

АРТУР ХЕЙЛИ. Оқшом хабарлари. Охири 71

ШЕЪРИЯТ МИНТАҚАЛАРИ

Гулларга бурканди олхўри шоҳи. Корея мумтоз шеъриятидан. 114

НАСР

ЖУРЖИ ЗАЙДОН. Хорун ар-Рашиднинг синглиси. *Роман*. Охири . . 127

МОЗИЙ САДОЛАРИ

ЖАВОҲАРЛАЪЛ НЕРУ. Дунё тарихига назар. 180

МАНГУЛИККА ДАҲЛДОР

Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 750 йиллигига

МАТНАЗАР АБДУЛҲАКИМ. Илоҳий имтиёз 189

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

МУҲСИН УМАРЗОДА. Овисто сирлари 195

СОЛНОМА

Қозоғистонда маданий ҳаёт 203

Игорь БУНИЧ

Партиянинг олтинлари

БИРИНЧИ ҚИСМ

БОСҚИН

Владимир Ильич Ленин жаҳон инқилоби ҳақидаги ардоқли орзуларига берилар экан, уларни амалга ошириш учун бирон-бир давлатнинг бутун бойликлари, иқтисодий захиралари ва табиийки, хазинадаги олтинларини қуролли куч ёрдамида қўлга киритиш зарурлигини яхши биларди. Шуниси борки, буларни ўйлаганда у ҳеч қачон Россияни назарда тутган эмас. Сабаби, Россиянинг иқтисодий аҳволи ҳамisha ночор, бошқа давлатлардан қарзи катта, хазинаси қуп-қуруқ бўлган. Ленин Швейцарияни зимдан кўз остига олиб юрган. У дунёга эгаллик қилиш борасидаги режаларини рўёбга чиқариш учун мўъжазгина бу мамлакатни жуда қулай деб ҳисоблаган. Оврупонинг марказида жойлашган, аҳолиси ҳар хил миллатлардан таркиб топган (тайёр Байналмилал!), халқаро банклар тизими орқали олтин чангаллари билан бутун дунёни бўғзидан тутган. Доҳийнинг режаларига кўра, айти шу Швейцариядан инқилоб бутун Оврупо бўйлаб ғолибона юришини бошламоғи керак. Инқилоб Швейцариядаги минглаб тонна олтиннинг кучи билан ўзига йўл очиши мумкин эди. Мутахассисларнинг чамасига кўра, Лениннинг ҳамёни коқ-қуруқ бўлган, шу сабабдан унинг кўнглида Швейцария ҳақидаги хом хаёллар туғилган. Онаси вафот этгандан кейин унга Россиядан пул келмай қолган, доҳийнинг ўзи эса тирикчилигини ўтказиш учун ишлаб пул топишга ожизлик қилган. Шунинг учун ширин-ширин орзулар унинг васвасага учраган онгида Швейцария банкининг зирҳли сандиқлари тарзида намоён бўлган. Аммо, минг афсуски, пролетариат доҳийсининг чангалига Швейцария эмас, Россия тушиб қолди ва жуда уддабурролик билан бир зумда уни жаҳон инқилоби учун бир майдонга айлантирдилар.

Ҳамма доҳиёна ишлар каби Лениннинг сиёсати ҳам анчайин жўн эди. Бу сиёсатга асос қилиб К. Маркс томонидан «Коммунистик манифест»ида эълон қилинган социализмнинг асосий ғояси олинган эди. Бу ғояга кўра «ишчиларнинг ватани йўқ», шунинг учун социалистлар ҳеч қачон ва ҳеч қандай шароитда давлат манфаатларини химоя қилмасликлари керак. Ильич бунини сон-саноксиз нутқлари, мақолалари, маърузалари, тезислари, қайдларида такрор-такрор таъкидлашдан эринмас эди. Масаланинг бу тарзда қўйилиши бир зумдаёқ яхши самаралар берди. Бугун биз бемаъни мафкуравий назарияларнинг қобикларини бир чеккага суриб қўйиб, ҳодисаларга етмиш беш йиллик масофадан назар ташлаб, эҳтимолки биринчи марта — Россияда 1917 йилнинг октябрида нима воқеа рўй берганини ҳамма англайдиган содда тилда тушунтириб беришга уриниб кўрамиз. Шунда чорак кам бир аср ўтгандан сўнг — 1991 йилнинг августида содир бўлган воқеаларни тушуниш анча осон кўчади...

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

3

Ўшанда қуйидаги воқеалар рўй берган эди. Россияда монархия ағдариб ташлангандан кейин демократик бошбошдоқлик бошланди. Бундан фойдаланган халқаро террорчилар ташкилоти мамлакатда ҳокимиятни босиб олди. Молиявий жиҳатдан бу ташкилотни ўзининг тинчлигини ўйлаган Германия таъминлаб турарди. Инсоният тарихида ҳали бунақаси кўрилмаган эди. Бу жаҳон учун мутлақо қутилмаган бир воқеа бўлди. Очиғини айтганда, воқеа иштирақчиларининг ўзи ҳам, яъни талвасага тушган раҳнамолари теварағига жипслашган бир тўда қаланғи-қасанғи муттаҳамлар ҳам омад бунчалик кулиб боқишини кутишмаган эди. Улар енгиб чиқишларига сира ишонишган эмас, шу туфайли — феълу атворлари ва қилғиликлари ҳам шунга яраша бўлган. Большевиклар кассаларига хорижий паспортни солиб олиб, қандай қилиб қутилмаганда Россияда пайдо бўлган бўлсалар, худди шундай кўққисдан жуфтакни ростлашга тайёр эдилар. Шунинг учун улар мамлакатнинг миллий бойлигини талон-торож қилишга киришдилар, уни тўрт томонга тортқилаб, хорижга жўната бошладилар.

Аваллига бу иш шошма-шошарлик билан ва ўқувсиз тарзда қилинди. Бу талон-торож эртага давом этадими-йўқми — ҳеч ким билмас эди. Шунинг учун имкони борича бугун юлиб қолиш керак. Шу билан бирга жиноятчи унсурларнинг рақобатидан халос бўлмоқ зарур. Бу унсурлар янги ҳокимиятнинг «Талангани тала!» деган шиорини бажону дил қабул қилдилар-у, лекин ўлжаларини ҳукумат билан бўлашишни хаёлларига ҳам келтирмадилар. Ҳолбуки, бу шиор уларга аталган эмас эди. Бунга кўп ўтмай амин бўлишди, чунки ҳеч қандай суду терговсиз — қўлга тушган жойларида шафқатсизлик билан отиб ташлана бошладилар.

Янги ҳокимият жиноятчи унсурларга қараганда яхшироқ уюшган ва қуролланган эди. Улар ўзларининг хатти-ҳаракатларини ҳуқуқий жиҳатдан асослаш учун ғанимат вақтларини сарфлаб ўтиришни истамас эдилар. Шунга қарамай мафқуравий асос керак эди. Бу асос дохийнинг ақл бовар қилмайдиган каттакон миясидан чиқди ва ашаддий хомхаёллиги билан энг яқин шерикларни ҳам даҳшатга солди. Чоризм ва золимлар томонидан халқдан талаб олинган бойликларнинг ҳаммасини большевиклар тортиб олади. Бундан кузатилган ягона мақсад бор — бу бойликлар кейинчалик ҳамма меҳнаткашларга барабар тақсимлаб берилади. «Ё Парвардигор! — дея хитоб қилган эди кўрқоқ ва анойи — гўл Бухарин. — Наҳотки бунга ишониб бўлса?!» «Ишониади! Ишонмай иложлари қанча?» — деган эди уни тинчлантирган Дзержинский «пролетариат диктатураси» учун мусодара қилинган бриллиантлардек мастона сузук кўзларини чақнатиб.

Чинданам ишонишди! Иван тентак ҳақидаги эртаққа анойи, лақма ва ҳамиша алданиб келган халқ чуқур ишонганини эсланг. Бу эртаққа кўра, Иван тентак подшо бўлганидан кейин мамлакат хазинасини ҳам, қатл қилинган боёнларнинг хазинасини ҳам халққа бўлиб берган ва бу воқеа шарафига уч ҳафта базми жамшид уюштирган. Бу «эртақ»ка ишонмаганларни эса отишган, сувга чўктиришган, церковларда ёндиришган, ертўлаларда судсиз — терговсиз газ билан заҳарлашган. «Ўрнак бўладиган даражада шафқатсиз бўлинг!» — деб таълим беради Ильич. — «Ҳеч кимдан сўраб ўтирмай, аҳмоқона даҳмазаларга йўл қўймай, отиб ташлансин!» Болшевиклар жаҳонда биринчи бўлиб ўз халқини янгича усулда оммавий қирғинга дучор қилди. Бу эса, албатта, бир тўда ҳаромиларга ҳокимиятни сақлаб қолиш имконини берди. Жаҳоннинг казо-казолари овсарлик билан қонли тузумнинг муқаррар ҳалокатга учрашини башорат қилишган эди. Аммо бу башорат амалга ошмаганини кўриб ларзага тушдилар. Жаҳон большевикларнинг янги усулларидан беҳабар эди. Мабодо хабардор бўлганда ҳам, бундай усулларни ХХ аср амалиётида яқиндагина ўзини Оврурога мансуб деб юрган бир мамлакатда қўллаш мумкинлигига сира-сира ишонмас эди.

Аммо чекистларнинг ўқларидан кўра большевиклар тарқатган одамларнинг ялпи тенглиги ҳақидаги заҳарли гоя кўрқинчлироқ бўлиб чиқди. Айни

шу ғоя халқаро террорчиларнинг байроқлари остига Россиядаги миллион-миллион омmani жам қилди. Айни шу ялпи тенглик ғоясини дастак қилиб, беҳисоб талашлар, мусодаралар, тортиб олишлар амалга оширилди, айни шу ғоя йўлида сон-саноксиз қурбонлар берилди; айни шу ғоя большевикларга ҳокимият тепасида қолишга имкон туғдирди ва айни шу ғоя важдан уларнинг бутун мамлакатни қоплаган оммавий телбаликни мантйқ ва ақл кучи билан тўхтатишга уринган рақиблари мағлубиятга учради. Большевизм вас-васаси — бутун мамлакатнинг қутуришига ўхшаган бир хасталиқдир. Минг афсуски, ижтимоиётчилар бу ташхисни жуда кечикиб қўйдилар ва бундан буёғига психиатрлар иш олиб бормоғи керак деб ҳисобладилар. «Социализм — ҳасад мафкурасидир» — деб хулоса чиқарган эди Бердяев 1918 йилдаёқ, лекин афсуски, унинг гапига ҳеч ким қулоқ солгани йўқ. Акс ҳолда уни турган жойидаёқ маҳв этардилар. Бу — қутуриш микроблари ёки ҳасад мафкурасими, ёки униси ҳам, буниси ҳам эдими? Қўйинг, майли, буни келажак олимлари аниқласин — қон ва талов асосида жаннатмонанд салтанат барпо этиш мумкин деб ишонган улкан мамлакат халқларини қандай қилиб шу қадар бемаъни гап билан лақиллатиш мумкин? Қонига беланган, қон билан тер тўккан халқ янги чиққан дохийлари мусодара қилинган бойликларни қачон тақсимлаб бера бошлашини, нарком билан оқсоч хотин қачон ўзларининг тенг улушларини олишларини кутиб ўтирар экан, воқеалар тамом бошқача йўлдан кета бошлади.

1917 йилнинг октябрида Ленин томонидан тузилган жаҳондаги ишчи ва деҳқонларнинг биринчи Социалистик давлати аслида ўз моҳиятига кўра Германияга қарам бўлган ва Германия кунфаяқун бўлгунча, яъни 1918 йилнинг ноябрига қадар қарамлигича қолган эди. Бугун буни камдан-кам одам билади. Шарқий фронтни вайрон қилиб бергани, кейинчалик эса Россия империясини тугатгани учун Лениндан миннатдор бўлган немислар бу янги туғилган тузумдан моддий ва маънавий ёрдамни аямадилар. Немислар большевикларнинг Россиядаги ёш ва ҳали ҳар жиҳатдан ғўр демократияга қарши фитнасига кўмак тарзида немис Бош қароргоҳининг миллион-миллион пулини сарфладилар ва бу билан ҳам чекланмай, Октябрь тўнтаришида бевосита иштирок этдилар. Уларнинг иштироки шунда кўриндики, немис «ҳарбий асирлари»дан ташкил топган отрядлар Петроградни генерал Краснов казакларидан сақлаб қолди ва Москва Кремлига бомба ёғдириб, уни ишғол этишга раҳбарлик қилди.

Ленин ўз валломатларига миннатдорлигини Брест сулҳи билан ифодалади. Бу сулҳга кўра собиқ Россия империяси Ғарбий ҳудудларининг салкам ярми немисларга берилди. Бунинг эвазига Ленин ўз каллакесарлари назоратида бўлган ерларда истаган номаъқулчилигини қилиш имкониятига эга бўлди. Аммо у бу ҳудудда қанча вақт даври давра суражаги ҳақида заррача тасаввурга эга эмас эди. Немислар Россияда қанақа безориликларни ҳокимият тепасига чиқаришганини секин-аста тушуна бошладилар, большевиклар ўз тасарруфларига тўғри келган халқни қандай усуллар билан мажбурлаб «бахтиёр» қилаётганликларини кўриб даҳшатга тушдилар ва бу қонли режимни бошқа бирон дурустроқ тузум билан алмаштириш ҳақида ўйлай бошладилар. Сирасини айтганда, буни жуда осон уйдalasа бўларди — Петроград билан Москвани босиб олиш учун немис қўшинига 48 соатдан 72 соатгача вақт кифоя эди. Аммо немислар Брест сулҳи мисолида мислсиз совға олдилар. Бунақа совға уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган эди. Шунинг учун немислар аввалги турли сиёсий гуруҳларнинг вакиллари, император хонадонининг омон қолган аъзолари ҳамда Муваққат ҳукумат ва Бош штаб вакиллари билан музокара олиб борар эканлар, большевикларни ағдариб ташлашда уларга ёрдам беришни ваъда қилдилар ва бунинг эвазига фақат битта нарсани — Брест сулҳи моддаларини тасдиқлашни талаб қилдилар. Музокарада Россия томонида қатнашаётганларнинг ҳаммаси бу таклиф-

ни ижирганиб рад этишди, немислар эса ҳеч нарсада ён беришмади. Немислар очофатлиги, руслар ҳалоллиги учун кўрадиганларини кўрдилар.

Ленин немисларнинг найрангларидан хабардор эди. У ҳар куни немис кўшинлари хуружидан хавотирланарди — ахир, немис найзалари уни умум-россия тахтига нечоғлик осон чиқариб қўйган бўлса, яна шундай тушириб ҳам қўяларди. Вазият кутиб ўтиришга йўл қўймасди. Ленинга тан бериш керак — унинг асаблари темирдан экан — у ўғрибоши «паханлар»га ўхшаб қаттиққўллик билан иш юритди ва ваҳимага тушиб титраб-қақшаётган, кўрқувдан юраги ёрилаёзган яқин шерикларининг тумтарақай бўлиб кетишига йўл қўймади.

Кейинчалик самимий ёзилган хусусий мактубларидан бирида Николай Бухарин буни завқ-шавқ билан хотирлайди: «Бошқа биров эмас, айти Лениннинг ўзи аввал эсэрларни, кейин меньшевикларни чув тушириб, ҳаммасининг калласига урди, кейин қўлига тўқмоқ олди. У ҳатто биз билан ҳам ҳамма нарсани узил-кесил ечиб бўлгандан кейингина гаплашарди. — Биз индамасдик, бўйсунардик ва назария билан дастуримизга хилоф ўларок, ҳамма ишларимиз ўнгидан келарди. Деникин Тулага яқинлашиб қолгани, биз чамадонларимизни жойлаб тахт қилиб қўйгандик, киссаларимизда сохта паспортлар. Мен, биласан, қуш жиннисиман, Аргентинага жўнаб, тўтиқуш овлаш билан жиддий шуғулланишни кўнглимга тугиб олгандим. Шунда бошқа биров эмас, айти Ленин мутлақо хотиржам эди. У: «Бундан баттар бўлмайди. Аммо ҳамиша омадимиз юришиб келган. Бундан кейин ҳам шундай бўлади!» — деб башорат қилди.

Хўш, большевиклар хорижга жўнашни кўнгилларига тугиб, ҳатто Аргентинага борадиган йўлни ҳам белгилаб қўйган эканлар, ўзлари билан нимани олиб кетмоқчи эдилар?

Ҳали немис «байналмилалчилари» Пулково адирларидаги ҳандақларда ётган, «Озодлик тонги» линкори эса (собиқ «Император Александр II») ўн икки дюймли тўплари билан Петербургни жанубдан кўриқлаб турган пайтда, тўнтаришдан кейин Петроградда мустаҳкамлашиб олишга улгуриб-улгурмай, ишлар қандай кетиши ҳали номаълум бўлса-да, Ленин ўзига хос андишасизлик билан «қизил гвардиянинг капиталга қарши ҳужуми»ни эълон қилди. Қасрлар, шу жумладан, Кишки сарой ҳам талон-торож этилган, банклар, заргарлик дўконлари, йирик савдо корхоналарининг кассалари, хусусий ўзаро ёрдам кассалари, банкларнинг заводлардаги тармоқлари босиб олинган эди.

Аввалига ишлар кўнгилдагидек силлиқ бормади. Қайлардадир қуролли соқчилар қаттиқ отишдилар, қайдадир айрим кишилар қаршилиқ кўрсатишди, қайдадир олтин ва қимматбаҳо тошлар сақланадиган хазиналар ёки темир сандиқларнинг калитлари ҳадеганда топила қолмади, қайдадир банкларнинг қуролсиз ходимлари ва молия вазирлигининг амалдорлари оқибатини ўйлаб ўтирмай бўйсунидан бош тортдилар — уларнинг аксарияти кексайиб қолган одамлар эди, чунки ҳамма ёшларни уруш гумдон қилгани. Аммо аҳвол дастлабки кезлардагина шундай эди.

Большевиклар нафасларини ростлаб, теварак-атрофга қараб, ҳеч ким уларга ҳалақат бермаслигини ва жиддий қаршилиқ кўрсатмаслигини англагач, анча ишонч билан ҳаракат қила бошладилар. 1917 йилнинг 3 ноябрида Ленин қуйидаги буйруқни беради: «Ишчи-деҳқонлар Ҳукумати — Халқ Комиссарлари Советини тан олишдан бош тортган ва банк бўйича ишларни топширишни истамаган Давлат банки ходимлари қамоққа олиниши керак. Имзо чекканлар: Халқ Комиссарлари Советининг Раиси: В. Ульянов (Ленин); Халқ Комиссарлари Советининг Котиби: Н. Горбунов».

Можаронинг моҳияти икки масалада эди. Биринчидан, банк ўз тиллалари сақланадиган жойни айтиб беришни истамаган; иккинчидан эса, Лениннинг кўрсатмасини бажармагани. Бу кўрсатмага кўра, банк зудлик билан Ленин учун жорий ҳисоб рақами очиши ва унга активдан беш миллион тилла сўм ўтказиши, кейинчалик ҳам ҳеч қандай қаршилиқ кўрсатмасдан бу

ҳисобга талаб қилинган миқдордаги пулни ўтказиб туриши шарт эди. Бу ҳисобдаги пуллари фақат Лениннинг ўзи ёхуд Горбуновгина олиши мумкин экан. Давлат банкининг ходимлари билан бирга пойтахтдаги ҳамма коммерциал ва хусусий банкларнинг хизматчилари ҳам қўлга олинди. Оддий рус молия ходимларининг матонатига тан бериш керак — уларнинг номлари деярли номаълумлигича қолиб кетган. Улар қамоқда ўтириб, турли қийноқлар ва таҳқирларни бошларидан кечирар эканлар, ўнлаб йиллар мобайнида барпо этилган рус молия тизимини сақлаб қолиш учун мардона курашганлар. Бироқ дунёдаги биронта молиячи давлатнинг ўзи уюштирган юксак даражадаги қуролли босқинчиликка шахсан қаршилик кўрсатолмайди.

Ҳеч қандай жавобгарликнинг йўқлиги ва уччига чиққан масъулиятсизлик босқинчилик кўламини кенгайтиришга имкон берди. Декабрда Россия Давлат банкни «миллийлаштириш» тўғрисида декрет чиқди, шунингдек, жамики хусусий ва тижорат банклари мусодара қилинди. 1917 йил 23 декабрдаги кўшимча фармон билан хусусий корхоналарнинг акциялари ва ҳиссалари бўйича дивидендлар тўлаш, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар ва ҳисса олиб бориладиган ҳамма ишлар тўхтатилади. Барча Россия банклари тугатилади, банк иши «Халқ банки» деб аталган ягона банк сиймосида партия монополияси деб эълон қилинди. Большевиклар назорати остидаги ижроия ҳокимияти вакилларига «ишлаб чиқариш, тақсимот ва давлат томонидан молиявий маблағ ажратиш соҳасида мусодара этиш, реквизиция қилиш, секвестрлаш, саноат ва савдонинг турли соҳаларида ва бошқа тадбирларида мажбурий синдикатлаштириш ҳуқуқи берилади».

1917 йил ноябридан саноат корхоналарини «халқ фойдаси»га мусодара қилиш бошланади. Бу иш Ликин мануфактурасини мусодара қилишдан бошланади. 1917 йил 9 декабрда Халқ Комиссарлари Советининг Ленин раислигида ўтган мажлисида Тоғ конлари ҳиссадорлик жамияти мулкани мусодара этиш ҳақида қарор қабул қилинади. 27 декабрда Сергинск-Уфалей ва Каштин тоғлиқ вилоятидаги ҳиссадорлик жамияти мулкларини, Антардаги аэроплан заводи мулкларини мусодара қилиш, Путилов заводини «халқ мулки»га айлантириш ҳақида фармон чиқади. Мамлакатнинг миллий бойлигини талон-торож этиш иши тез суръатларда борди. Унинг самарадорлиги ортгандан орта борди ва дунёга донғи кетган йирик банклар ҳамда ҳиссадорлик жамиятлари даражасидагина чекланиб қолгани йўқ. Ҳатто майда-чуйда ўлжасини ҳам қўлдан чиқаришни истамаган овчи каби жазавага тушган Ленин Дзержинскийга кўрсатма бериб, қай бир даражада оилавий бойликлар ва жамғарма тўплаши мумкин бўлган ҳамма шахсларни зудлик билан рўйхатга олишни буюради.

Бундайларга кимлар кирган?

1. Бадавлат синфларга мансуб, яъни ойига 500 сўм ва ундан ортиқ даромади бўлган шахслар, шаҳарларда кўчмас мулкка, 1000 сўмдан ортиқ миқдордаги пул ва акцияларга эга бўлган одамлар, шунингдек, банк хизматчилари, ҳиссадорлик корхоналари, давлат муассасалари ҳамда жамоатчилик ташкилотлари ходимлари 24 соат мобайнида (кўпроқ муддат беришга Лениннинг сабри чидамаган, қолбуки янги ташкил қилинган сиёсий полициянинг сардори муддатни уч кун деб белгилашга мажбур бўлган) уй кўмиталарига уч нусхада ўзлари имзо чеккан аризалар бериб, унда ўз манзилларини, даромадларини, хизматларини ва машғулотларини кўрсатишга мажбурдирлар.

2. Уй кўмиталари бу аризаларни имзо билан тасдиқлайдилар, унинг бир нусхасини ўзларида сақлаб қоладилар, қолган икки нусхасини эса шаҳар Бошқармасига ва Ички ишлар Халқ Комиссарлигига (НКВД) топширадилар.

3. Мазкур қонунни бажармасликда (ариза бермасликда ёхуд ёлғон маълумотлар беришда) айбдор шахслар ҳар бир бўйин товлашгани учун 5000

сўмгача¹ пул жаримаси билан, айбининг даражасига қараб бир йилгача қамоқ жазоси билан жазоланади ёхуд фронтга жўнатилади.

4. Биринчи моддада кўрсатилган шахслар юқорида зикр этилган аризаларнинг нусхасини доимий равишда ёнларида олиб юришга мажбурдирлар. Аризалар уй кўмиталари, шунингдек, бошқа бошлиқлар ёхуд сайлаб қўйилган муассасалар томонидан берилган гувоҳномалар билан тасдиқланган бўлиши керак.

5. Бу шахслар мазкур қонун нашр этилгандан сўнг бир ҳафта муҳлат давомида ҳар ҳафталик даромад ва буромадларини ёзиб бериш учун ва уларни кўмиталар ҳамда муассасалар берган гувоҳномаларга ёзиб қўйиш учун истегъмолчи ишчи карточкалари тутишга мажбурдирлар (карточка нусхаси илова қилинади)².

Ленинга мансуб ҳамма ҳужжатлар каби буниси ҳам ўз вазифасига тўла мос келадиган тарзда ёзилган. Ойига 500 сўм ва ундан ортиқ олинadиган даромад ўрта ҳол савдогарларни ва зиёлиларни, айниқса, адвокатлар, журналистлар, ноширлар каби ижодий зиёлиларни абгор қилади. 1000 сўмлик кўчмас мулк эса бирийўла барча майда-чуйда увоққина дўкончалар, Охтадаги поллизлар, Виборг томонидаги уйларнинг эгаларини қамраб олади. Бу ҳужжат ўз руҳига ва мазмунига кўра немис оккупацион ҳукумати яхудийларни рўйхатдан ўтказиш ҳақида чиқарган буйруғини эслатади ва мамлакатни беҳаё ҳамда шафқатсиз босқинчилар босиб олганини яққол исбот қилади. Аммо Лениннинг иштаҳаси шу билан қаноатлангани йўқ. Хўш, даромади камроқ бўлган, кўчмас мулки 1000 сўмлик эмас, айтайлик, 25 сўмлик одамларни нима қилиш керак? Доҳий ўртоқ Дзержинскийга ёзган доврўқли мактубини машҳур 7-модда билан тугатади-да, ўз афсонавий даҳосини яна бир бор ёрқин намоён этади:

7. «Биринчи моддадаги шартларга тўғри келмайдиган шахслар ўзларининг даромадлари ва хизмат жойлари ҳақида уй кўмиталарига бир нусхада ариза берадилар. Бу ариза уй кўмитаси томонидан тасдиқланган бўлиши керак».

Текшириб аниқлаб ўтиришнинг нима ҳожати бор? Талайдиган бўлгандан кейин ҳаммани бирварақайига талайверилади-да! Ярим кечаси муз билан қопланган Фин қўлтиғи орқали ёхуд жануб томонга қочиб қолганларни айтмаса, лақмалик қилиб рўйхатдан ўтганларнинг уйига ўша заҳотиёқ бостириб кириб тинтув ўтказишган. Бу тинтувлар баъзан ойлаб давом этган. Масалан, заргар Николаев ёхуд муҳандис Куравскийнинг уйи шунақа узок текширилган. Деворлар бузиб кўрилган, поллар қўпорилган, мебелнинг авра-астари ағдарилган, уй эгаларини калтаклашган, қийнашган, уларнинг кўз ўнгларида қизларини, хотинларини зўрлашган, болаларини хўрлашган. Бундай тинтувлар оқибатида мабодо бир нарса топиб олишса, масалан, гимназияни аъло битиргани учун берилган олтин медаль ҳам кифоя — оила бошлиғини турмага олиб кетишар (кўпинча у ердан қайтмас эдилар), оилани эса кўчага ҳайдардилар.

Россияда ҳам бошқа ҳамма мамлакатлардаги каби юз минглаб одамлар жамғармаларини банкларда сақлашга одатланиб қолишган эди. Бунинг учун улар хусусий сейфлардан ёки ўша вақтнинг тили билан айтганда, пўлат кутилардан фойдаланар эдилар. Турли қалам ҳақлари, акциялардан келадиган фойдалар, сармоядан олинadиган фоизлар шу қутига ўтказиларди. Жамғармаларни сир тутиш банк тизимининг асосидир. Шунинг учун пўлат кутиларнинг эгалари ким эканидан кўпинча банк ходимларининг хабари

¹ Бу рақам ўчирилиб 10000 қилиб тузатилган. Илҳом ижод вақтида келади-да...

² Аммо Гитлернинг бундай ишларни амалга оширадиган ходимлари бор эди. Унинг ўзи бунақа ҳужжатларнинг биронтасида бармоғи изини қолдирган эмас. Жаҳон пролетариатининг доҳийси эса бундай қоғозларни ўзи ёзган.

бўлмас эди. Улар шифру калитнинг номерини билишарди, холос. Банкларни босиб олишганда большевиклар бу қутиларнинг ҳаммасини синдириб, ичидагини қоқлаб олишлари мумкин эди, албатта. Аммо бу жуда ибтидий иш бўларди. Хусусий сейф эгаларини қўлга олиш ўзгача гашт берарди. Негаки, уларнинг бойликлари фақат шу қутидагилар билан чекланмайди деб тахмин қилинарди. Натижада 1917 йилнинг 14 декабрида Ленин Бутун Россия Ижроия Қўмитасининг «Пўлат қутиларни тафтиш қилиш тўғрисида»ги қарорини тасдиқлади. Унда қуйидаги гаплар бор эди:

«1. Банкларнинг пўлат қутиларида сақланувчи ҳамма пуллар мижозларнинг Давлат банкидаги жорий ҳисобига ўтказилмоғи керак.

Изоҳ: Тилла тангалар ва қўйма олтин мусодара қилиниб, умумдавлат олтин жамғармасига топширилади.

2. Пўлат қутиларнинг ҳамма эгалари пўлат қутилар тафтишида иштирок этиш учун дақирилганда калит билан банкка келишга мажбур.

3. Уч кун давомида келмаганлар тафтишдан қасдан бўйин товлаган деб ҳисобланадилар.

4. Тафтишдан қасдан бўйин товлаган шахсларга қарашли қутилар Давлат банки комиссарлари белгилаган тафтишчи комиссия томонидан очилади ва унинг ичидаги ҳамма мулк Давлат банки томонидан халқ мулки тарзида мусодара қилинади».

Тафтишда қатнашиш учун келганлар эса дарҳол қамоққа олинарди ва улардан бошқа бойликлари ҳақидаги маълумотлар ҳар қандай йўл билан бўлса-да суғуриб олинарди.

Мамлакатни талаш билан бир қаторда бу жараёнга ҳеч ким халақит бермаслиги ҳам пухта ўйланган. Ўз-ўзидан аёнки, большевиклар, айниқса, офицерлардан хавотир олишган. Ўша кезларда Петроградда 50 мингга яқин офицер бор эди. Армия вайрон бўлиб, уни тарқатиб юбориш ҳақидаги фармон чиққандан сўнг офицерлар уй-уйларига қайтиб кетишганди. Уларнинг кўплари фаол қаршилик кўрсатишни хаёлларига ҳам келтирмай, нима қилиб бўлса-да, бу даҳшатли кунлардан ўтиб олишга умид боғлашарди. Тўрт йиллик жаҳон урушида уларнинг суроби тўғриланиб қолганди. Аммо омон қолишнинг иложи бўлмади. Ҳамма офицерлар хизмат жойларига келиб рўйхатдан ўтиши зарурлиги тўғрисида фармон чиқди. Келмаганлар отилар эди. Рўйхатдан ўтгани келганларни эса баржаларга жойлаб, Фин қўлтиғига олиб бориб, чўктириб юборишди. Ўша кезларда «аксилинкилоб гидраси» деган машҳур атама юзага келди. «Гидра» деганини қуйидагича ясар эдилар: учта ё тўртта офицерни бир-бирларига орқама-орқа қилиб боғлашарди-да, сувга улоқтиришарди. Аммо фавқулодда ҳолларда — чекистлар кўнгил очишни истаб қолганларидагина шундай қилинарди. Одатда эса уларни синфий жиҳатдан алоҳида хавфли унсурлар сифатида жўнгина сувга чўктиришар ёки отиб ташлашар эдилар. Айни чоқда уларнинг диққат-этиборлари асосий вазифадан — Россияни талаш вазифасидан бир дақиқа ҳам чалғимас эди.

Россиянинг шимолий ва марказий губерналаридаги қўрқиб кетган мингларча аҳоли жануб томонга — Украинага қоча бошлади. Унинг мустақиллиги Брест шартномаси билан кафолатланган ва немис кўшинлари томонидан ҳимояланган эди. Немислар РСФСР чегаралари бўйлаб Украинадан то Болтиқбўйигача жойлашган эдилар. Улар бир томондан большевикларни ташқи хуружлардан ҳимоя қилар ва айни чоқда ўз ҳудудларини кенгайтиришларига ҳам йўл қўйишмасди. Кўшинлар қочоқларни орқага қайтаришар, қай бир йўл билан ўтиб кетганларини ушлаб, большевикларга топширардилар. Аллақачон «ноқонуний тарзда чегарадан ўтганлар» тўғрисидаги Ленин декрети амалга кирганди. Бу декретда чегарани бузганларни отиб ташлаш кўзда тутилганди. Большевиклар томонидан босиб олинган ҳудудда қолган кўпгина одамларнинг қариндошлари ва дўстлари Украина ҳукуматини илтимосномаларга кўмиб ташлашди. Бу илтимосномаларда қариндошларининг тақдирига

аралашини ва уларни коммунистик «жаннатдан» халос бўлишларига кўмаклашини сўралган эди.

Украина ҳукумати ёрдам сўраб немисларга мурожаат қилди. Улар Москвадаги элчилари Мирбах орқали большевикларнинг кўнглига қўл солиб кўрдилар. Немисларни ҳайрон қолдириб, Ленин бу таклифни бажонидил қабул қилди. Гетман ҳукумати «текинхўр синфлар» ҳақида шунчалик ғамхўрлик қилар экан, совет ҳукумати истаганча одамни Украинага жўнатишга мутлақо қарши эмас, фақат... бу иш бепул битмайди. Майли, Киевда одамларнинг фамилиялари ва манзилларини кўрсатиб рўйхатлар тузишсин-да, уни Москвага жўнатишсин. Ҳар бир қочоқ учун 2000 фунт-стерлинг ёхуд тилла сўм тўлаш керак бўлади. Лекин, майли, жин урсин сизларни, пул бўлмаса, буғдой бера қолинглар. Фақат шошилинглар. Фурсат ўтиб борапти. Доҳийнинг сўнгги сўзларида ошқора шама бор эди. Орадан кўп ўтмай Украинадан шимолга ғалла ортилган эшелонлар йўл олди. Булар ўша пайтда бутун Россияда «гетман эшелонлари» деб танилган эди. Улар кўплаб маҳкумларга озодлик ва ҳаёт элтдилар. Жануб томонга Украинада қариндошлари ва дўстлари бор қочоқлар тўлиб-тошган поездлар йўлга чиқди. Чегарадаги бекатларда қочоқларни тинтиб, бор-будларини шилиб олишарди. Поездлар суткалаб туриб қоларди. Ҳеч қанақа кафолат йўқ эди. Истаган одамни тўсатдан қамаб кўйишлари ва ҳатто перроннинг ўзидан отиб ташлашлари ҳам ҳеч гап эмасди.

Аммо буларнинг бари ҳали ҳолва эди. Россияда жуда бадавлат одамлар унчалик кўп эмасди ва уларнинг ҳаммаси отнинг қашқасидай маълум эди. Ленин Дзержинскийга мактубида оғзидан бол томиб тилга олган ўртаҳол одамлар кўпроқ эди, аммо улар ҳам аҳолининг умумий саноғида жуда кам фоизни ташкил қиларди. Шунинг учун уларни талаш ва маҳв этиш осон эди. Бунинг устига — тан олиш керак — уларни жамоатчилик деярли қўллаб-қувватламасди, чунки ҳасад мафқураси ўз ишини қилиб бўлганди.

Аммо ўн миллионлаб майда мулкдорлар — меҳнаткаш сарроқлар, мўйнадўз, кўнчи, этикдўз, мўмчи, дурадгор, шишасоз, тунукасоz, печкачи, мукавасоз, зардўз, сураткаш ва бошқа касбдагилар бор эди. Мамлакат аҳолисининг катта қисмини ташкил қилувчи бу касиблар ўз ҳунари билан тирикчилигини ўтказардилар. Улар ҳаддан ташқари меҳнатсевар эдилар, ўз ишларига бениҳоя моҳир эдилар; улар шафқатсиз рақобат шароитида узоқ йиллар давомида уч-тўрт танга жамғаришга муваффақ бўлишганди. Уларнинг ҳаммаси комил ишонч билан ўзларини меҳнаткаш деб ҳисоблар ва большевиклар бизнинг номимиздан ҳам иш юритишяпти деб ўйлашарди. Завод ишчилари белгиланган вақтлардагина ишлар эдилар. Косиблар эса улардан фарқ қилароқ, эртаю кеч тиним билмасдан меҳнат қилишар ва фақат байрам кунларидагина ҳордиқ олишга ўзларига изн беришарди. Ахир, шулар бўлмаса, ким меҳнаткаш аталади? Улар ҳам шундай деб ҳисоблашган. Аммо кўп ўтмай маълум бўлдики, беҳуда умидланган эканлар. Уларни ипидан-игнасигача шилиб олмай туриб, большевикларнинг кўнгли жойига тушмасди. Россияда бунақа меҳнаткаш деганнинг саноғи йўқ — уларнинг ҳаммаси биргаликда партия ғазнасини анча тўлдириши турган гап. Уларнинг ҳиссаси ҳеч бўлмаганда йирик буржуазиядан ва зиёлилардан талаб олинган маблағнинг ярмига тенг бўлиши мумкин эди.

Ҳалати жойи шундаки, Ленин айна ана шу меҳнаткаш майда мулкдорларни йирик капиталистлардан кўра кўпроқ ёмон кўрган. Бунинг боиси шундаки, «жаҳон пролетариатининг доҳийси» ўзининг жамики ҳамтовоқларидан муғомбирроқ ва ақллироқ бўлгани учун теварагидагиларга қараганда анча узоқни кўра олган. Улар ўзларига топширилган вазифани, яъни Россияни ипидан-игнасигача талаш вазифасини бажаришган ва ўзларининг ақл бовар қилмайдиган ўлжалари билан бирга бир зумда жуфтакни ростлашга тайёр туришган. Улар бутун ғайратларини ва «инқилобий шижоатлари»ни айна шу мақсадга қаратишган. Ленин эса мамлакатдаги ва дунёдаги аҳволни синчик-

лаб кузатиб боргани учун ҳокимиятни қўлида тутиб қолиш имконини кўра бошлаганди. Кўшма Штатлар урушга қўшилгандан кейин қайзер Германиясининг аҳволи кун сайин оғирлашиб бормоқда эди. Шарқий фронт йўқ эканига қарамай, Германия иқтисодий ва ҳарбий ҳалокатга, бинобарин, таслим бўлишга маҳкум этилганди. Бу эса ўз навбатида Брест шартномаси бекор бўлишини англатарди. «Советлар Республикаси» немисларга қарамликдан халос бўлиб, мутлақо мустақил ва тақдири номаълум бир ўлкага айланиши мумкин эди. Бу кунни тегишли тайёрлик билан кутиб оломоқ керак. Бунинг учун фақат буржуазия билан зиёлиларни тугатишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу осон ва қулай. Эндиги вазифа мураккаброқ бўлади. Лекин маълумки, большевиклар уддасидан чиқмайдиган вазифа йўқ.

«Социализмнинг бош душмани,— дейди Ленин,— майда буржуазия дунёсидир». Сўнг у давом этади: «Майда буржуйлар бир неча минглаб пулларини яшириб қўйганлар. Улар бу пулларни ҳар хил «тўғри» ва айниқса, «қинғир» йўллар билан топишган... Пул жамият бойлигини олишга имкон берадиган ҳужжатдир. Шунинг учун кўп миллионли майда мулкдорлар қатлами бу ҳужжатни жуда эҳтиёт қилиб сақлайди, ҳеч қанақа коммунизм-у социализмга ишонмагани учун пулини давлатдан яширади. Мингларча сўмини авайлаб-асровчи майда буржуа... душмандир. У мингларча сўмини, албатта, ўзига сарфлашни истайди». Йўқ, ўзгаларнинг чўнтагидаги пуллар Ленинга тинчлик бермайди. Албатта, бу пулларни биринчи навбатда тортиб олиш зарур. Лекин гап фақат пулдагина эмас. Ахир майда мулкдорлар (уларга деҳқонлар ҳам киради)— улкан бир мамлакатнинг ўзича фаолият кўрсатадиган аҳолисидир. Ўзича фаолият кўрсатади дегани мустақил дегани ҳамдир. «Жаҳон пролетариати доҳийси»нинг олисни кўзлаб белгилаган вазифасига кўра эса уларни талашнинг ўзи кифоя эмас, балки мустақилликдан маҳрум ҳам қилиш керак. Шунда улар Лениннинг хоҳишларини сўзсиз бажарувчи муте кулларга айланади. Ленин заррача хижолат тортмай, ўз ҳамтовоқлари-га бу улуғвор вазифани қандай бажариш кераклиги ҳақида таълим беради:

«Ғалла монополияси, нон карточкаси, ялпи меҳнат мажбурияти пролетар давлатининг қўлида, тўла ҳуқуқли советлар қўлида ҳисоб-китоб ва назоратнинг жуда қудратли қуролидир... Меҳнатга мажбур қилиш ва назоратнинг бу воситаси конвентнинг қонунларию гильотинасидан зўрроқдир. Гильотина фақат кўрқитарди, фаол қаршиликни синдирадди, холос. БУ БИЗГА КИФОЯ ҚИЛМАЙДИ. Биз капиталистларни кўрқитиб қўймоғимиз керак, токи улар пролетар давлатининг қудратини билиб қўйишсин ва унга фаол қаршилик кўрсатишни хаёлларига ҳам келтиришмасин. Шу билан бирга биз уларнинг пассив қаршиликларини ҳам синдиримоғимиз лозим, негаки бу янада хавфлироқ ва зарарлидир. Биз нафақат ҳар қандай қаршиликларни синдирамиз. Биз уларни янги ташкилий давлат муассасаларида ишлашга мажбур қиламиз. Бунинг учун қўлимизда воситамиз бор... Бу восита — ғалла монополияси, нон карточкаси, ялпи меҳнат мажбуриятидир».

Бундан очикроқ айтиб бўлмайди. Агар ҳокимиятни қўлда тутиб қолишга муваффақ бўлинса (ва ҳокимиятни қўлда тутиб қолиш учун ҳам) мамлакатнинг ҳамма бойлигини қўлга олиш керак (аллақачон қўлга олинганга ҳам), ҳамма ғаллани, ҳамма озиқ-овқат маҳсулотини, ҳамма турар жойларни, хуллас, одамларнинг тириклиги нимага боғлиқ бўлса, шуларнинг ҳаммасини қўлга олиш керак. Сўнгра уларни шундай тақсимлаш керакки, силласи қуриган ва очликдан кўп хўрликлар кўрган одам бор-йўғи нон карточкаси учун бажонидил меҳнат қиладиган ва умуман буюрилган ҳар қандай ишни бажарадиган бўлмоғи керак. Жуда оддий ва доҳиёна! Тўғри, ҳали баъзи жиҳатлари сал қоронғироқ — масалан, бу ажойиб ақида кимга татбиқ қилинади? Капиталист, буржуй, қулоқ деган тушунчалар бир оз мужмалроқ. Ҳатто Лениннинг ўзи ҳам ҳаммага ёрлиқ осавериб чалкашиб кетди, энди эса бу тушунчаларнинг аниқ чегарасини даромад, маош, умумий аҳволга нисбатан аниқ белгилай олмай қолди. Энди эса «бой синфлар» тушунчаси чегара-

сини ойига 100 сўмгача даромад қиладиганлар билан белгилаб ўтиришти. Шундай бўлса ҳам, биринчи навбатда кимни тунаш ва кимга зўрлик ишла-тиш масаласида ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа уйғонмаслиги учун Ленин сира иккиланмай шундай изох беради:

«Бадавлат одамларга қўлланадиган мажбурий меҳнат принциpidан ҳокимият аста-секин бу принципни кўпчилик ишчи-деҳқон меҳнаткашларига нисбатан қўллашга ўтмоғи керак, тўғрироғи, муайян принципларни (нон кар-точкаси, мажбурий меҳнат ва мажбур қилиш) маълум тартибда қўлламоғи зарур. Совет раҳбарларининг, сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган, диктатор-лик ваколатларига эга бўлган диктаторларнинг фармойишларига сўзсиз бўйсунушларига эришмоқ керак».

Марказқўм аъзолари кўрқувдан ранглари бўзарди. Бу энди синфий ку-раш эмас, бутун халққа қарши эълон қилинган уруш эди. Биринчидан, бу жуда хатарли, иккинчидан эса... «Ахир, Россиядан нима қолади? — деб даҳшат ичида минғирлайди садоқатли Бонч-Бруевич. — Бунинг оқибатида минг йилдан бери яшаб келган Россия бутунлай маҳв бўлади-ку?!..»

Ленин кескин ҳаракат билан катта бармоқларини нимчаси ичига тикиб, кўзларини қисади-да, Халқ Комиссарлари Советининг Иш бошқарувчисига ёмон тикилади. Қолганларнинг дами ичида.

«Эсингизда бўлсин, азизим, — дейди Ленин Бонч-Бруевичга мурожаат қилиб, лекин ҳамма эшитадиган баланд оҳангда. — Эсингизда бўлсин, Росси-яга тупураман. Чунки мен — большевикман!» Лениннинг бу севимли ибора-си унинг шериклари учун шиор бўлиб қолди. Улар бу иборани ўрни бўлса-бўлмаса такрорлашни яхши кўришарди. Ниҳоят, вақти-соати келиб Иосиф Виссарионович уларнинг овозини ўчирди, чунки Лениннинг бу даҳшатли ибораси «бир мамлакатда социализм қуриш» мумкинлиги ҳақидаги Сталин-нинг «куфрона» назариясига тўғри келмас эди. Шундай қилиб, уруш эълон қилинди. Ўнлаб йиллар давомида изга тушган ҳамма нарса бир зумда вай-рон бўлди — шаҳарлар инфраструктураси бузилди, савдонинг ҳамма турла-ри ўлди, хизмат кўрсатиш соҳалари дабдала қилинди. Қочишга улгуролма-ган уй эгалари ва меҳмонхоналарнинг хўжайинлари ё ўлдирилди, ё қамокқа олинди, ё эса омади чопганлари кўчага улоқтирилди. Бир замонлар бутун Оврупога машҳур бўлган магазинлар ва рестороанлар, биринчи даражали меҳмонхоналар, клубларнинг витриналари синдирилди, ё фанер билан қоп-ланди. Нафақат улар, кичик дўкончалар, йўл бўйларигаги ётоқхоналар, кар-вонсаройлар, устахоналар, емакхоналар, ижарага қўйиладиган хоналар ҳам ёпилиб қолди. Табиийки, бир лаҳзанинг ичида сотувда ҳамма нарса ғойиб бўлди, биринчи навбатда, нон йўқ бўлди.

«Буржуазияни бостириш нима дегани? — деб тушунтирди Ленин. — По-мешчикни бостириш ва маҳв этиш учун уни ердан маҳрум қилиб, ерини деҳқонларга берсанг кифоя. Аммо йирик сармояни тугатиш билан буржуази-яни бостириш ва йўқ қилиш мумкинми? Марксизмдан салгина хабардор ҳар қандай одам биладики, бундай йўл билан буржуазияни бостириб бўлмайди, чунки буржуазия товар ишлаб чиқаришдан туғилади; товар ишлаб чиқариш шароитидаги деҳқонни олиб кўрайлик — унинг юз пуд ортиқча ғалласи бўлса, у бу ғаллани давлатга топширмай, чайқовда сотса — ким бўлади у? Буржуазия дегани шу эмасми?.. Ана шуниси даҳшатли! Социал инқилоб учун энг хатарли жойи ана шунда». «Ва албаттаки, мамлакатдаги бутун сав-до тизимини маҳв этган большевиклар ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулотлари сотишни чайқовчилик деб эълон қилдилар. (Хўб ажойиб сўз топилган эди-да!» Бу сўз 74 йил мобайнида коммунизм сари музаффарона одим отиб кел-ди, мана, эндиликда у тузум ўлиб кетди, аммо бу сўз яшамокда, афтидан, чайқовчилик бизнинг мамлакатимизда мангулик касб этган кўринади.)

1917 йилнинг 10 декабридаёқ чайқовчилар халқ душманлари деб эълон қилинадилар, уч ой ўтгандан кейин эса Ленин имзолаган декретда аниқ

кўрсатма берилади: «чайқовчилар... жиноят қилган жойларининг ўзида отиб ташланади».

Уйларда, деворларда, симёғочларда — ҳамма жойларда буйруқлар пайдо бўлди: «Кимда-ким чайқов, олди-сотди масаласида совет ҳокимияти томонидан нашр қилинган мавжуд қонуларга чап беришни ўйласа, унинг молу мулки мусодара қилинади, ўзи отилади...»

Машҳур адиба Зинаида Гиппиуснинг моҳир қалами ўша даҳшатли даврнинг юракларни орзиқтирувчи ҳақиқатини бизга шундай етказади:

«...сон-саноқсиз (баъзан бир-бирига зид ва чалқаш, лекин ҳаммиша таҳдидли) декретлар билан ҳамма нарса «миллийлаштирилди» — большевиклаштирилди. Ҳамма нарса «давлатники» (большевикларники) деб ҳисобланарди. Баъзи бир қолган-қутган заводлар ва фабрикаларни айтмаганда, ҳамма дўконлар, ҳамма магазинлар, ҳамма корхоналар, кўчмас мулклар: деярли ҳамма (йирик) кўчувчи мулклар — бари давлат тасарруфига ўтказилган ва давлат мулки деб ҳисобланарди. Декретларнинг ҳаммаси шу ғояни амалга оширишга йўналтирилган эди. Ғоянинг амалга ошиши силлиқ кечган деб айтиш қийин. Сирасини айтганда, буларнинг бари ҳамма нарсани қўлга олиш иштиёқидан бошқа нарса эмас эди. Ва кўпинча буларнинг бари вайроналик ва хунрезлик билан, тортиб олинган нарсанинг маҳв этилиши билан тугар эди».

Мусодара этилган магазинлар, корхоналар ва заводлар ёпилиб қолади; хусусий савдонинг тугатилиши умуман ҳар қандай савдонинг тўхташига олиб келди, ҳамма магазинлар ёпилди, яширинча савдо қилиш, чайқовчилик ва ўғирлик авж олди. Большевиклар хоҳласа-хоҳламаса бунга панжа орасидан қарашга мажбур эдилар ва аҳён-аҳёндагина кўчаларда, хусусий биноларда, бозорларда олди-сотди билан шуғулланаётганларни босиб, жазога тортар эдилар. Бозорлар деярли ҳамма учун ягона тириклик манбаи бўлиб, у ҳам бошдан-оёқ хуфия тарзда иш тутарди. Баъзан террорчи отрядлар бозорга ҳужум қилар, тарс-турс ўқ отиб, одамларни ўлдираш ва сотилаётган озиқ-овқатларни отряд фойдасига мусодара қилар эди. Даставвал озиқ-овқат тортиб олинарди, аммо бозорда йўқ нарса бўлмасди. Шунинг учун бошқа нарсалар ҳам — эшикларнинг туткичими, бронза шамдонларми, қадимги духоба муқовали инжилми — тортиб олинаверарди... Мебель ҳам давлат мулки ҳисобланарди. Аммо диванни этагинг тагига яшириб сотолмайсан, шунинг учун одамлар чармини қирқиб олиб, уни бирон егулик нарсага алмаштириш пайидан бўлишарди... «Қизил аскарлар келяпти!» деган хитобни эшитиш билан савдо қилаётганлар бақриб-чақриб тўрт томонга тирақайлаб қочишини бир кўрсангиз эди! Лаш-лушини кўкрагига босиб олган одамлар жонжаҳдлари билан югурар, бир-бирини турткилар, эгасиз ертўлаларга суқулиб олишар, синиқ деразалардан ошиб ичкари киришарди... Харидорлар ҳам шунақа жойларда бошпана топишга интилишарди, чунки Совдепияда бир нарсани харид қилиш ҳам уни сотишдан кам жиноят эмас деб ҳисобланарди. Қолбуки, Зиновьевнинг ўзи яхши билардики, бу «жиноят» бўлмаса, Совдепияда фуқаро қолмас, унинг умри эса 10 кунга бориб-бормай тугаб битарди.

Россияда ҳозир жуда арзимаган бир гуруҳ одамлар ҳукмбардорлик қилмоқда. Аҳолининг қолган қисми ва айниқса, саводли одамларнинг кўпчилиги уларга салбий қарайди, ҳатто душманлик билан муносабатда бўлмоқда. Чинакамига бегона бир юртни босиб олгандай таассурот қолади.

Латиш, немис, австрия, венгер ва хитой полклари бу таассуротни янада тўлдиради. Большевикларнинг шахсий соқчилари латишлар ва мўғуллардан таркиб топган. Хитойлар қўлга тушган маҳбусларни отиб ташлашади. («Маҳкумлар»ни деб ёзворишимга сал қолди, бироқ маҳкумлар йўқ, чунки қамоққа олинганлар устидан суд бўлмайди. Уларни шундоқ отиб ташлайверишади)... «Мўғул истилосидан нима фарқи бор бунинг?»

Босиб олинган шаҳарлардаги аҳвол шунақа эди. Аммо Россия қишлоқ мамлакати — аҳолининг кўпчилик қисми Россияни тўйғизадиган миллион-

миллион деҳқонлар. Улар ҳам таланмаслиги ва янчиб ташланмаслиги мумкин эмасди. Негаки, уларнинг ҳам озми-кўпми йиғиб қўйган тиллалари бор эди. Маълумки, «тилла» деганда Ильичнинг жини қўзийверади, тинчини йўқотади. Лекин деҳқонлар тилладан ҳам қимматлироқ бойликка эга — уларнинг ғалласи бор. Ғаллага эгалик қилмаса «жаҳон пролетариатининг дохийси» нима қилишини билмай қоларди. Гарчи у даврда ҳокимиятни қўлда сақлаб қолиш имконияти анча шубҳали кўринса-да, аҳолининг шунча катта қисмини таламай қолдириш ҳам ақлга сиғмасди.

Лениндан таралган оммавий тентаклик ғайрати энг маъқул йўлни топишга ёрдам берди. «Бизнинг энг муҳим вазифамиз,— деб эълон қилади дохий,— аввал деҳқонларни помешчикларга қарши қайраб солиш, кейин эса, ҳатто кейин ҳам эмас, балки ўша вақтнинг ўзида ишчиларни деҳқонларга қарши қайраб солишдир».

Аммо вазифа аҳолининг турли тоифаларини бир-бири билан уриштириб қўйишдан иборат эмас эди. Бу большевиклар тилида «синфий кураш» деб аталарди. Вазифа васваса ичида шу курашда иштирок этувчи томонларнинг ҳаммасини ипидан игнасиғача шип-шийдам тунаш эди. Ҳар қандай айлан-тирманг, масала очикчасига кўндаланг қўйилган эди: деҳқонни ғалла сотиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш керак ва табиийки, бир тийин ҳам тўламасдан давлат номидан бу ғаллани эгаллаб олиш зарур. Буни фақат бир йўл билан — куч ишлатиб амалга ошириш мумкин, чунки деҳқон ғалласини шундоққина теп-текинга бериб қўйишига ҳеч ким ишонмас эди. Шунинг учун тезлик билан озик-овқат отрядлари туза бошладилар. Бу отрядлар қишлоқ аҳолисининг қўлидаги ғаллани тортиб олиши керак эди, табиийки, йўл-йўлакай бошқа бойликлар ҳам эътиборсиз қолдирилмасди. Аммо қишлоқ жойларида иш шаҳарлардагидек силлиқ кўчмади. Деҳқонлар дарҳол қаттиқ қаршилиқ кўрсата бошладилар. Марказий Россиядаги 20 та районнинг ўзида 1918 йилда деҳқонларнинг 245 та йирик ғалаёни бўлди. Қишлоқларда ҳақиқий жанглар рўй берди. Ленин режасининг моҳияти ҳар қандай қилиб бўлса-да «ғалла монополияси»ни таъминлаш эди, чунки бу монополиясиз улкан мамлакатнинг икки юз миллионли аҳолисини қулларга айлантириб бўлмасди.

«Бирон пуд ғалла ҳам,— деб кўрсатма беради дохий,— эгаларининг қўлида қолмаслиги керак. Ортиқча ғаллага эга бўлган ва уни белгиланган оморларга олиб бориб топширмаганларни халқ душмани деб эълон қилиш керак, уларни инқилобий судга бериш зарур. Суд эса уларни 10 йилдан кам бўлмаган муддатга қамоққа ҳукм қилмоғи керак. Улар жамоадан бутунлай ҳайдаб чиқарилсинлар, молу мулклари эса тўлалигича мусодара қилинсин...»

Аммо «10 йилдан кам бўлмаган муддатга қамоқ» ва ҳамма молу мулкни мусодара қилиш — фақат дебоча эди, холос. Бир неча муддат ўтгач, ялли талонларга қаршилиқ кўрсатилаётганидан қаттиқ ғазабланган Ленин ўнгу сўлига қуйидаги мазмунда буйруқлар бера бошлайди: «...Жуда ажойиб режа! Уни ўртоқ Дзержинский билан бирга қиёмига етказинг. Ўзингизни «яхшилар» қиёфасида кўрсатинг (кейинчалик биз ҳаммасини уларга тўнкаймиз). Отда 10—20 чақирим ўтиб боринг-да, ҳамма қулоқларни, руҳонийларни, помешчикларни осинг. Ҳар бир дорга тортилган одам учун мукофот — 100000 сўм».

Қишлоқлардаги босқин шаҳардагидан даҳшатлироқ эди. Деҳқонларнинг уйларида тинтувлар ўтказилди. Ғалла билан бирга жўнгина деҳқон кулбаларидан тошилган ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар мусодара қилинди. Пуллар-ку, албатта, тортиб олинарди, аммо улар билан бирга аёлларнинг тилла суви югуртирилган тақинчоқлари ҳам, ўз вақтида уезд ярмаркасидан харид қилинган майда-чуйдалар ҳам олиб қўйиларди. Ғалла, одатда, уезд марказидан нарига олиб кетилмасди, у ерга олиб бориб, тўғри келганича оморга тўкиларди ва шу ерда чириб, нобуд бўларди. Ғазаб ўтида ёнган деҳқонлар паншаҳа ва сўйиллар билан пулемётларга қарши тик боришарди.

«Тоғ-тоғ мурдаларга қарамасдан,— деб хабар қилади Москвага ижрочилардан бири,— уларнинг қахру ғазабини тасвирлашга қалам ожиз». Кўпгина озик-овқат отрядлари қишлоққа етиб бормай, йўлдаёқ қириб ташланган. Бундай ҳолларда қишлоққа жазо отрядлари юборилган. Улар ўн беш-йигирма деҳқонни отиб ташлаб, қолганларини қамоққа олган ва шаҳарга ҳайдаб кетган. Кейин янги отряд келган, аммо уни ҳам келган куниёқ қириб ташлашган. Яна янги жазо отряди етиб келган ва ҳамма нарса бошидан бошланган. Шу тарзда бу ҳодиса даҳшатли халқ уруши тусига кира борган.

1918 йилнинг ёзида Ленин деҳқонларнинг қаршичилигини бостириш учун қишлоқлардан гаровга одам олишни таклиф қилган. У, асосан, аёллар ва болаларни гаровга олиш кераклигини айтган. «Бадавлат деҳқонлар орасидан 25—30 тасини гаровга олиш керак,— дея илҳом билан кўрсатма берганди Ильич ўзининг безориларига.— Улар ғаллани йиғиш ва жўнатиш учун ўз ҳаётлари билан жавоб берсин». Ҳолбуки, ҳали «қизил террор» эълон қилингани йўқ эди. Аммо рус деҳқонлари ўзларини шаҳарлардаги буржуазия ва зиёлилардек ночор ҳис қилгани йўқ. Бунақа йўллар билан қишлоқни бўйсундириб бўлмас эди. Бу жазоларга деҳқонларнинг берган биринчи ва мутлақо табиий жавоби шу бўлдики, улар экин экишни бутунлай йиғиштириб қўйдилар. Содда рус деҳқонлари бундай қилинса, ҳукмдор безориларга қўл келишини хаёлларига ҳам келтирмаган эдилар. Мамлакатда сунъий равишда очлик уюштирилди, бунинг учун айб деҳқонларга тўнқалди, кейин «ғаламис»лардан ўн-ўн беш миллиони қириб ташланди.

Немис найзалари паноҳи остида давлат тепасига келган Ленин мазкур худудда нима ишлар қилиш берасида аниқ-равшан кўрсатмалар олган эди: ўзларига бино қўйган немислар большевикларнинг қанча муддат ҳукмронлик қилиши ўз қўлимизда деб ўйлардилар. Шу ҳукмдорлик даврида улар бир қатор тадбирларни амалга оширмоғи керак. Бунинг оқибатида қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган даражада талон-торож қилинган Россия бутунлай ҳолдан тойиб, улуг империя сифатида жон таслим қилади. Шу тарзда Германия рейхига таҳдид солувчи бир давлат ғойиб бўлади. Немислар ҳам, большевиклар ҳам ўзларининг ўйинларини ўйнашган. Аммо улар ўзаро келишиб, ўзаро ҳамкорликда ўйнаганлар.

Ярославль губернасида деҳқонларнинг биринчи йирик исёни бостирилгандан кейин бир мўъжиза билан омон қолган деҳқонлар немисларга таслим бўлиши — ўша кезларда «Совет Россия»нинг ҳамма губерналарида немис комендатуралари бор эди. Бу комендатуралар Брест шартномасининг махфий қайдномаларига асосан тузилган эди. Ярославль губернасидаги немис Комиссиясининг раиси немис лейтенанти Балк 1918 йил 21 июль куни чиқарилган буйруғида (4-сон) Ярославль шаҳрининг граждaн аҳолисига Шимолий кўнгилли деҳқон армиясининг отряди герман Комиссиясига таслим бўлганини эълон қилади. Таслим бўлганлар большевиклар ҳукуматига топширилади. Топширилган 428 кишининг ҳаммаси ўша заҳотиёқ немисларнинг кўз ўнгиде отиб ташланади. Лейтенант Балк ўз комендатураси орқали ўтган, большевикларга қайтариб берилган ва отиб ташланган одамларни соф немисларга ҳос синчковлик билан ҳисобини олиб борган. Шу ҳисоб-китоби асосида у ўз кўмондонлигига маълумотномалар юбориб, большевиклар Германия қаршисида зиммаларига олган ҳамма мажбуриятларини оғишмай бажараётганларини хабар қилиб турган. Комиссия (комендатура) Ярославль губернасида кўчириб юборилган вақтга келиб лейтенант Балкнинг ҳисоб-китобида 1918 йил мартдан ноябригача отиб ташланган 50247 киши қайд қилинган эди. Шўринг қурғур деҳқонлар — келиб-келиб немис кўмондонлигидан паноҳ излайдими?!

Уруш борган сари авж олаверди — унинг ўз қонун-қоидалари бор эди. Мусодарачи отрядлар уезд шаҳарларига жойлашиб олиб ва байналмилал горнизонларга таяниб, қишлоқлар устига очикдан-очик босқинчилик юришларини уюштирар ва деҳқонларни кўнгилларига сиққанича талаб, ўлдирар

эдилар. Ғалла ёнар, қишлоқлар кул бўлар, одамлар қирилди. Бунга жавобан деҳқонлар мусодара қўмиталари тузишар, мусодарачи отрядларни қириб ташлашар, кўпинча уезд шаҳарларини босиб олишар ва ўз навбатида уларни талаб, малъун ҳокимиятнинг ҳамма вакилларини Пугачеву Разин замонларидагидек шафқатсизлик билан қириб ташлашарди. Иккала томон ҳам қатл қилишда ўрта асрларга хос усулларни қўллашарди — тириклай ёндиришар, қозикқа ўтқазिशар, икки оёғидан икки дарахтга боғлаб, чотидан йириб ташлашарди. Ленинга хуш ёқадиган фуқаролар уруши авж олди. Россия эса шитоб билан ваҳшийлик зулматига чўма бошлади. Сирасини айтганда, Ульянов 1917 йилнинг мартада Германия орқали келаётганида айни шуни ваъда қилган эди. «Пролетар» матбуоти исёнчи деҳқонлардан тортиб олинган уезд шаҳарларидан маҳобат билан репортажлар берди. «Правда»нинг мухбири Ливнада деҳқонлар исёнининг тор-мор қилиниши ҳақида шундай хабар берди: «Шаҳар нисбатан кам талафот кўрди. Ҳозир шаҳар кўчаларидан мурдалар ва ярадорларни йиғиб олишяпти. Кейинроқ етиб келган мададчилар орасида йўқотишлар нисбатан кам. Фақат шавкатли байналмилалчиларгина оғир талафотларга учрадилар. Лекин ўзлари ҳам кулоқларнинг мурдаларини тоғдек уйиб ташладилар — шаҳар кўчалари уларга тўлиб кетди».

Россиянинг ички губерналарига ҳатто мўғул истилолари вақтида ҳам душманнинг қадами етиб бормаган эди. Хўш, шу ички губерналарни қиличдан ўтказган, унга ўт қўйган, Россиянинг бой ғаллакор масканларини култепаларга, хувиллаган саҳрога айлантирган «шавкатли байналмилалчилар» кимлар? Уларни барпо этиш тарихи мана бундай: 1917 йилнинг март ойидаёқ Ленини ва унинг шерикларини Россияга Германия орқали ўтказиб юбориш масаласи ҳал қилинаётганда ва бўлғуси Брест шартномасининг дастлабки шартлари келишиб олинаётганда, Герман қўмондонлиги большевикларга кўпуровчилик фаолиятлари учун зарур миқдорда пул ажратиш билан бир қаторда, ҳокимият қўлга киритилган тақдирда уларга дарҳол ҳарбий ёрдам кўрсатиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилади. Шу мақсадда 1917 йилнинг апрелида сохта швед паспорти билан Петроградга герман Бош штабининг полковниги Генрих фон Рупперт келади. У немис ва австрия ҳарбий асирларига большевикларга қуроллик ёрдам кўрсатиш тўғрисида махфий буйруқ олиб келади. Асирларни қурол билан большевиклар таъминламоғи керак эди. Германия ва Австро-Венгрия Бош штабларининг бошлиқлари томонидан имзоланган бу буйруқларни америкаликлар иккинчи жаҳон урушидан кейин немис архивларидан топишган эди. Бу ҳужжатлар КПСС Марказқўм архивларидан ҳам топилса ажаб эмас.

Петроград яқинида немис ва австрия ҳарбий асирларининг бир нечта лагерлари жойлашган эди. Масалан, Колтуми қишлоғининг ёнида, Катта Охта билан шундоққина ёнма-ён император Вильгельмнинг 3-Кирасир полки деярли тўла таркибда лагер қурган эди. Ўз вақтида бу полк генерал Ренненкамф казаклари томонидан асирга олинган эди. Уларга яқин жойда 142-Бранденбург полки жойлашганди. Гарчи ҳеч қандай қийинчилик туғдирмасида, ҳарбий асирлар лагерларидаги немис ва Австро-Венгрия ҳарбий қисмларини санаб чиқиш унча шарт эмас. Муваққат ҳукумат барпо этган демократик бошбошдоқлик туфайли ҳарбий асирларни яқин келажакдаги вазифалари билан бемалол таништиришга ва бу ишларга уларни яхшилаб тайёрлашга муваффақ бўлинди.

Ҳамма нарса майда-чуйдасигача пухта ўйланган эди. Ҳатто немислар рус бешотарлари, наганлари ва бошқа қуроллари билан таниш эмаслиги ҳам эътибордан четда қолмади. Шу муносабат билан русларнинг «Лочин» деган соқчи кемаси Фридрихсхафенга бориб, у ердан 12000 немис милтиқлари ва миллионлаб ўқларни роппа-роса 25 октябрга етказиб олиб келди. Шунинг учун бу тема «Улуғ Октябрь кемалари» рўйхатига мангуликка ёзиб қўйилди. Бундан ташқари, «Лочин» ўзидан икки баравар катта бир солни шатакка олиб келди. Энг ҳалол совет тарихчилари бу солда нима олиб келингани но-

маълумлигини эътироф этишади. Бошқа тарихчилар уни тилга олмай қўя қоладилар, учинчи тоифа олимлар эса бу солда «инқилобий матрослар десанти» келтирилган дейишади. Бу матрослар Фридрихсхафенга қаёқдан бориб қолган? Ҳолбуки, ҳозир «Лочин» милтиқлардан ташқари Петроградга немис замбаракларини олиб келгани унчалик сир бўлмай қолди. Агар бирон-та одам ҳамон анойилик қилиб, Петрограддек катта шаҳар Кронштадтдан «Амур» кемасида келган икки минтагина матрос билан назорат остига олинган деб ўйлашда давом этаётган бўлса ёки ҳарб ишларидан мутлақо бе-хабар бўлган ишчи олийлари шаҳарни забт этаолади деб ҳисоблаётган бўлса, у билан мунозара қилиб ўтирмайлик. Бугун шу нарса ҳам равшан бўляптики, ўша ишчи олийлари тўнтаришни душманлик кайфияти билан қарши олган экан.

Ҳа, гарнизон тўлалигича ноқобил бир аҳволга келиб, тартибни ҳимоя қилувчи органлар бутунлай издан чиққан бўлса, бундай ҳодиса назарий жиҳатдан юз бериши мумкин. Лекин шундай тақдирда ҳам большевиклар ҳокимияти бир кундан ортиқ яшаёлмас эди, чунки тўнтаришнинг эртасигаёқ генерал Красновнинг суворийлари шаҳарга яқинлаша бошлади. Краснов ка-заклари тўплардан икки марта ўқ узиб, Павловск ва Царское Селодаги «қизил гвардиячилар»ни тиркиратиб юборгач, Пульково адирлари томонидан пойтахтга силжий бошладилар. Олдинда ҳаракат қилаётган Ўрол казакларининг илғорлари дабдурустдан адирларни эгаллашга уриниб кўрдилар, аммо жуда яхши уюштирилган ва усталик билан бошқарилаётган замбараклар зарбасига дуч келиб, чекинишга мажбур бўлдилар. Уруш оловларида тобланган казак офицерлари адирларда мудофаа марраларини кимлар эгаллаганини бир зумдаёқ билиб олди. Немислар! Уларга ишонмаган генерал Краснов шахсан кўриқчи-кузатиш маррасига борди. Шубҳага ўрин йўқ эди. Немис пиедалари билан замбараклари «инқилобий» Петроград йўлини тўсиб турарди.

Немис ва австрия солдатлари ҳеч қийналмасдан Петрограддаги ҳарбий билим юртлари исёнини зўр мамнуният билан бостиришди. Улар шўрлик рус йигитчаларини замбаракка тутиб, найзалар билан илма-тешик қилишганди. Ҳар томонга томир отган вайроналик ва лоқайдлик шароитида билим юрти талабаларининг ашаддий истибдодга қарши мардона чиқишларини ҳеч ким қўллаб-қувватламади.

Ленин 29 октябр куни немис батальонларини кўриқдан ўтказмоқчи бўлади. «Жаҳон пролетариати доҳийси»нинг режасига кўра «байналми-лал»чилар Смоленскнинг зинапояларида турган Ленин ва «ишчи-деҳқон» ҳукуматининг бошқа аъзолари олдидан шахдам қадам билан ўтиш керак эди. Доҳийларнинг олдидан ўтаётган кечаги ҳарбий асирлар «Яшасин жаҳон инқилоби!» деб хитоб қилишлари шарт эди. Албатта, немис тилида. Доҳийнинг ўзи ҳам, унинг теварагидагилар ҳам бу тилни жуда яхши, ҳатто рус тилидан яхшироқ билишарди. Аммо ишнинг пачаваси чиқди. Қадди-қоматлари келишган, немис аскарларигагина хос шахдам қадам ташлаган жангчилар инқилоб доҳийлари ёнидан ўтиб борар эканлар, бир овоздан: «Яшасин кайзер Вильгельм!» деб ҳайқирдилар. Бундан Ленин қаттиқ таҳқирланди. Немислар шу билан содир бўлаётган воқеаларни мутлақо тўғри тушунаётганларини намоён қилган эдилар.

Орадан кўп ўтмай тузилган Брест шартномасида ҳарбий асирларни репатриация қилиш кўзда тутилган эди, бироқ ундан кейин генерал фон Людендорфнинг махфий буйруғи чиқди. Буйруқда немис ва австрия ҳарбий асирларига большевиклар ҳукуматини қўллаб-қувватлайдиган отрядлар тузиш тавсия қилинган. Буйруқ шундай тузилганки, бундай отрядларга солдатлар ва офицерлар гўё кўнгилли тарзда кириши шарт бўлган. Бироқ немис армиясидаги тартибларни ва «кўнгилли» қисмларни шакллантириш усуллари билан одам бу шароитда, лоқал дастлабки даврларида тўғридан-тўғри буйруқ билан иш қилинганига шубҳаланмайди.

Ярашиш ва сулҳ тузиш бўйича герман миссиясининг аъзолари генерал Гофман ва юқорида номи зикр этилган полковник Рупперт бир нечта лагерга ташриф буюриб, ҳарбий асирларга вазифаларини тушунтириб беришди. Файерландга хизмат қилиш ва айни чоқда бегона ҳудудда одамларни талаш имкони кўпларнинг кўнглига илҳом солди ва ҳамма ҳарбий тизимлар дабдала бўлиб ётган бир шароитда большевиклар гўё бирор сеҳргарнинг фатвоси вожиб бўлгандай, жуда яхши ўргатилган ва яхши уюштирилган армияга эга бўлиб қолди. Унинг таркибида уч юз минг киши бор эди.

Уша кезларда бунақа ҳарбий кучга қарши тура оладиган бирор куч йўқ эди. У йилларда буни ҳеч ким сир деб билган ҳам эмас. Немис аскарлари ва офицерлари хизматдан бўш вақтларида Петроград ва Москва бўйлаб бемалол сайр қилиб юришган, немис офицерлари учун қиморхона ишлаб турган, газеталар нашр этилган. Ҳеч кимда ҳеч қанақа шубҳа туғилмаслиги учун немис генерали Кирхбах Псковда ҳали ман этилмаган «Речь» газетасининг мухбирига интервью берар экан «Немис қўшинлари томонидан Петроград ва Москванинг ишғол қилиниши мумкинми?» деган саволга немисларга хос чўрткесарлик билан: «Ҳа, агар большевиклар ўрнатаётган тузумга хавф туғилса, ишғол қилинади», деб жавоб берган¹.

Шундай қилиб, уч юз мингта «байналмилалчи-жангчи» йўл-йўлакай маҳаллий аҳолидан чиққан ҳар хил қаланғи-қасанғиларни ёнига олиб, Россия давлатини маҳв этишни самарали таъминлади. Сон жиҳатидан улар немис қўмондонлиги Брест шартномаси бўйича ўз тасарруфига ўтган ҳудудни назорат қилиб туриш учун ажратган оккупацион қўшинлардан ҳам кўп эди. Оккупацион қўшинлар 280 минг кишидан иборат бўлиб, 43 пиёда ва етти суворий дивизиядан ташкил топган, 108 та оғир замбаракка ва 1614 майда замбаракларга эга эди. 2000 га яқин денгизчи собиқ рус флотини назорат қилмоғи керак эди. Шартномага кўра унинг асосий қисми немисларга берилган эди. Адмирал Шацкий флотни Гельсингфорсдан Кронштадтга олиб кетди ва шу билан Ленинни ўз хўжайинлари олдида мутлақо аҳмоқона аҳволга солиб қўйди. Шунинг учун уни отиб ташладилар.

Одесса ва унинг теварагидаги районларни генерал Бем-Эрмолит қўмондонлиги остидаги 2- Шарқий немис-австрия армияси эгаллади. Бу армиянинг учта корпуси оккупацион штабларини Одессага, Херсонга ва Каменец-Подольскага жойлаштирди. Немисларнинг «Киев» деган армиялар гуруҳи бутун Украинани, Кримни, Дон қўшинлари вилоятини, Белоруссиянинг жанубий қисмини, Грузиянинг Қора денгиз соҳилидаги районларини қамраб олувчи жуда катта ҳудудни ишғол қилди. Бу армиялар гуруҳи аввал генерал Лизинген, кейин эса генерал-фельдмаршал Эйхгорн қўмондонлиги остида эди. Кейинчалик Эйхгорн барча немис оккупацион кучлари устидан қўмондон қилиб тайинланди. «Киев» армиялар гуруҳининг олтита корпуси ўзларининг оккупацион штабларини Гомель, Новгород-Волинск, Киев, Харьков, Таганрог ва Симферополга жойлади. Полесьедан шимол томонни «Д» армия гуруҳининг 10- армияси ва 8- армияси оккупация қилди; уларнинг штаблари Минск, Двинск, Рига, Ревель ва Виборгда жойлашган эди. Шимоли ғарбий йўналишдаги немис қўшинларига атоқли генерал фон дер Гольц қўмондонлик қилган. Аввал у «темир гренадерлар» дивизиясининг қўмондони бўлган. 1918 йилнинг 25 майида немислар Потига уч минг кишилик десант туширдилар, 10 июнда эса герман қўшинлари Тифлисга кирди. Бир неча кун ўтгач, 58- Берлин пиёда полки Керчь бўғозини кечиб ўтиб, Та-

¹ «Байналмилал» деб аталмиш қўшинлар шаҳарларда оммавий камашлар вақтида, деҳқонларнинг исёнлари ва ишчиларнинг чиқишларини бостириш пайтида ўзини жуда садоқатли куч сифатида кўрсатди. Улардан машҳур ЧОН, «Тўсувчи отрядлар», Қизил Армиядан қочганларни ушловчи отрядлар, Чеканинг махсус отрядлари тузилган. «Мустақил» мамлакат армиясида шу кадар кўп миқдорда ажнабийлар мавжудлиги бу «мустақаллик» қанақа бўлганини кўрсатиб турипти.

манни ишғол қилди. Аллақачон Сибирь темир йўлини босиб олиш ва Хева, Бухоро, Туркистон ва Марвни «немис манфаатларига мослаб мақсадга мувофиқроқ тарзда қайта уюштириш» режалари тузиб чиқилганди.

Немис кўшинларига Ҳиндистон сари тўғри йўл очилди. Бунақа истиқбол одамни эсанкиратиб, энтиктириб қўярди. Энг учқур хаёллар амалга ошаётгандай, энг хуфиёна орзулар рўёбга чиқаётгандай кўринарди. Янги оламшумул империя майдонга келмоқдайди. Бунақа империяни ҳатто Наполеон етти ухлаб, тушида ҳам кўрган эмас. Яна унинг пойтахти Париж эмас, Берлин эканини айтмайсизми? Аммо большевиклар бериб қўйган районларнинг ҳаммасини ўзлаштириш учун куч етишмасди. Ғарбий фронт ҳамма захираларни ямлаб ютиб бўлган эди. Мавжуд 280 минг кишилиқ ҳарбий хизматчилар эса сира етарли эмасди. Фельдмаршал Эйхгорннинг штабида большевиклар назорати остидаги ҳудудлардан юз минглаб немис солдатларини қайтариб олиб келиш истаги тез-тез қўзиб турарди, чунки бу солдатлар кайзерона каскаларини ечиб, ўрнига, услубига кўра «будённовка»га ўхшаб кетадиган бир нарсга кийиб олишганди. Улар яна шунинг учун ҳам зарур эдиларки, талон-торож ва мусодара ишларида анча пишиб қолгандилар. Аммо бу истакдан воз кечишга тўғри келди. Немислар ленинча услубда ишлашга журъат қила олмадилар. Бунинг устига олий қўмондонлик ҳам «байналмилалчилар»дан фойдаланишга ижозат бермади.

Большевикчасига ҳаракат қилишга журъатлари етмаган немислар шунга қарамай ўз усуллари билан иш олиб бордилар. Бу усул большевикларники сингари ошқора «қароқчилик» усули бўлмаса-да, етарли даражада қатъий, изчил ва қаттиққўл эди. Фақат 1918 йилнинг 31 июлига қадар немислар оккупация қилинган вилоятлардан 60 миллион пуд ғалла ва ғалла маҳсулотлари, ем ва мойли ўсимликларнинг уруғи, 500 миллион дона тухум, тирик вазда 2 миллион 750 минг пуд шохли қорамол, бир ярим миллион пуд картошка ва сабзавот олиб кетишди. Бундан ташқари Англия исканжасида бўғилиб ётган рейхга, 3,5 миллион пуд темир рудаси, 42 миллион пуд марганец рудаси ва ҳар ойда 300 вагондан махсус навдаги ёғоч жўнатилди. Ҳатто ҳар хил латта-путталар билан темир-терсақларгача олиб кетилди. Олиб кетиладиган бойлик бор эди-да!

Немис линкори «Гебен» Севастополни ўққа тутиб, шу билан Туркиянинг Россияга қарши Германия томонида урушга қўшилишига баҳона бўлди. Бу эса Россияни иттифоқчилардан буткул ажратиб қўйди, чунки бўғозлар ёпилиб қолганди. Русларнинг ташқи савдосига даҳшатли зарба берилган эди: рус экспорти 98 фоиз, импорти 95 фоиз камайиб кетди. Бу эса Россиянинг ҳарбий жиҳатдан толиқиб қолиши ва охир-оқибатда қонга ботиб, бошбошдоқлик ичида емирилишига асосий сабаблардан бири бўлди. Четга олиб кетилиши керак бўлган маҳсулот уч йил давомида омборларда қолиб кетди, кейин эса немислар ва большевиклар томонидан босиб олинди. «Кема компаси ихтиро қилингандан бери,— деб эслайди Черчилл,— ҳали ҳеч қачон битта жанговар кеманинг ҳаракати 1914 йилнинг август-октябрь ойидаги немис крейсери «Гебен»нинг ҳаракатидек катта ва даҳшатли оқибатларга олиб келмаган эди».

У ер-бу ерини таъмирлаб оладиган докка ва ҳатто тузукроқ бошпана бўладиган кўналғага эга бўлмаган шавкатли «Гебен» бутун уруш йилларида русларнинг Қора денгиз флотини зир титратиб турди ва гўё ўзининг тантанавор зафарини намоиш қилгандек 1918 йилнинг ёзида немис кўшинлари томонидан босиб олинган Севастополга келди. Кема бутун уруш давомида шу ердагина биринчи марта докда таъмирланди, чунки ҳарбий база жамики асбоб-ускунаси билан немисларга топширилган эди. Буни лоақал 1917 йилда ҳеч ким тасаввур ҳам қила олмас эди.

Большевиклар босиб олган ҳудуддан ҳам Германияга эшелон-эшелон поездлар жўнаб турди. Петроград портининг кўналғаларига немис савдо кемалари, турли-туман сирли швед ва норвег параходлари, Дания, АҚШ ва

Аргентинадан хусусий байроқлар остида аллақандай тушуниб бўлмайдиган юкчи кемалар, Швейцариянинг Қизил Хоч жамиятининг байроғини тутган сохта «госпитал» кемалари келиб турарди. Порт райони ЧОН томонидан ўраб олинганди. Кимда-ким ортиқчароқ қизиқиб қолса, ўша жойнинг ўзида отиб ташланарди. Шимолий денгизда ўз базаларига тиқиб қўйилган ва инглизлардан қўрққанлари учун тумшукларини чиқаришга ҳам журъат этмаган немис флоти Болтиқ денгизда дориломон ҳаракат қиларди. Миналарга тўлиб-тошган денгиз (уруш йилларида ҳар икки томон Болтиқ денгизига 120 минг дона мина қўйган) жуда хатарли эди, фақат ҳаддан ташқари зарур бўлгандагина кема эгалари Петрограднинг чалажон портларига ўз кемаларини жўнатарди. Шундай бўлса-да, немис флоти бу ердаги кемада юк ташини ишларини таъминлаб турди.

Денгиздаги ишлар чатоқ бўлганига яраша темир йўллар узлуксиз ишлаб турди. Улар «Советлар ва пролетар диктатураси» республикасини Польша, Белоруссия ва Болтиқбўйининг немис кўшинлари ишғол қилган ҳудудлари орқали Германия билан боғлаб турарди. Гальсингфорсгача ва ундан нари Скандинавия мамлакатларигача шимолий темир йўл тармоғи ҳаракатда эди. Темир йўлларнинг узлуксиз ҳаракат қилиб туришини таъминлаш учун немислар большевикларга 50 минг тонна кўмир етказиб бериши керак эди. 1918 йилнинг 18 апрелида кечкурун чегарадаги Орша бекатида иккита поезд учрашди: уларнинг бири Москвага йўл олган — унда граф Мирбах бошчилигидаги немис элчихонасининг ходимлари бор эди. Иккинчи поезд эса «ишчи-деҳқон ҳукуматининг мухбир вакиллари»ни Берлинга олиб кетмоқда эди. «Ваколатхона»нинг таркиби ғалати эди. Унинг бошлиғи А. А. Иоффе деган одам бўлиб, юмшоқроқ қилиб айтганда, у кўп ажабтовур эди. У 1883 йилда туғилган, 1900 йилларнинг бошида эса машхур Парвуснинг таъсирига тушиб қолганди. Ўзининг улуғ устозидан таълим олган А. А. Иоффе бир оддий ҳақиқатни яхшилаб англаб олди — у шундан иборат эдики, жаҳон инқилобини амалга ошириш учун аввал етарли миқдорда пул йиғиб олиш керак. Троцкий, Урицкий, Володарский ва Ганецкий билан бирга Иоффе Лениннинг қошидаги Парвус «гвардия»сини ташкил қиларди. 1917 йилнинг октябрга қадар у немислар билан бевосита алоқани амалга ошириб турган, кейин эса Брест-Литовскдаги сулҳ музокараларида «совет» делегациясига раҳбарлик қилган. Ва табиийки, айти шу одам Берлинга жўнатилади. Бунинг устига Берлинда уни севимли устози Парвус билан учрашув кутарди.

Улар билан бирга «ваколатхона» таркибида Я. С. Ганецкий ҳам бор эди. Ленин Краковда «эзилиб» юрган кезларида у «дохий»нинг ўнг қўли бўлганди. Маълумки, урушнинг биринчи кунларида Краковда Ленинни рус жосуси сифатида қамоққа оладилар. Шунда Ганецкий Берлинга югуради-ю, герман пойтахтидаги ва Венадаги ҳамма социал-демократларни оёққа турғизиб, нафақат Ленинни қамоқдан озод қилинишига эришади, балки уни шошилинч поездда Цюрихга жўнатишга ҳам муваффақ бўлади. 1915 йилда Парвус Ганецкийни Стокгольмга чақиради — немис разведкасининг Россияга қарши ҳамма қўпоровчилик ишлари шу ердан бошқарилар эди. 1917 йилнинг мартда Ленин билан Парвус ўртасидаги келишувга кўра Ганецкий «Марказқўмнинг хорижий бюроси» таркибида вақтинча Стокгольмда қолади. Немислардан олинадиган пул маблағларини узлуксиз равишда Россияга — большевикларга жўнатиб туриш унинг зиммасига юкланганди. Парвуснинг ёрдамида Ганецкий ажнабий банклар билан алоқалар ўрнатади. Октябр тўнтарилишидан кейин у банкларнинг бош комиссари ва Молия халқ комиссарлигининг коллегия аъзоси қилиб тайинланади, яъни талон-тороғга бошчилик қилган ва ҳамма таланган нарсаларни қабул қилиб олган муассасанинг раҳбариятига киради. Бу лавозимда у назорат остидаги ҳудудда ҳисоб-китоб ишларини олиб боради («Социализм — ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилишдир»).

Ваколатхонанинг учинчи аъзоси машхур Красин эди. Агар сўнгги 75 йил мобайнида бу киши ҳақида лоақал бир оғиз рост гап ёзилганида ҳам уни таништириб ўтиришга ҳожат бўлмасди. У истеъдодли мухандис бўлган, аммо бутун руҳиятию малакасига кўра профессионал жиноятчи эди. Шунинг учун беихтиёр большевикларга талпинган. 1905 йил инқилоби пайтида у Парвуснинг одамлари билан бирга Волга-Кама банкининг Петербург бўлимини талашда иштирок этган ва ўлжанинг анчагина қисмини уриб қолганди. Бу иши Парвусни қаттиқ норози қилган эди.

Аммо орадан кўп ўтмай Парвус зудлик билан чет элга қочишга мажбур бўлади, Красин эса Россияда қолган ва икки инқилоб ўртасида жуда фаол иш олиб боради. Унинг қилган ишларини ёзаман деса, бир неча жилдли жиний иш бўлади. У банкларнинг пул ташувчи араваларига босқинлар уюштирган, пойтахтдаги электр тармоғини ишдан чиқаришга тайёргарлик кўрган, қалбаки пул яшаш билан шуғулланган, полициячиларни ўлдиришда қатнашган. Қалтис ишларни яхши кўрадиган, довюрак ва саргузаштталаб Красиннинг нима сабабдандир Лениндан кўнгли қолган ва унинг Цюрихдан юбориб турадиган Швейцарияда инқилоб қилишга ундаб ёзилган мақолаларини очикдан-очик масхара қилган. Таниқли Георгий Соломон муҳожирликда муҳтожликда яшаётган жаҳон пролетариатининг доҳийси учун (доҳий зарур пайтларда баджаҳлроқ бўлсин деб Парвус унга бериладиган маблағларни чеклаб кўярди) маблағ йиққани Петербургга келганида Красин унинг илтмосини эшитган-у, ёнидан ҳамёнини олиб, ундан иккита беш сўмлик чиқариб Соломонга узатган. Бундан Соломон қаттиқ ғазабланган ва Красинга «сенсиз ҳам кунимиз ўтиб қолар» деган. «Ўзингиз биласиз,— деб елкасини қисган Красин пулни ҳамёнига қайтариб солиб кўяр экан. Ва яна Соломонга дўстона оҳангда шундай деган: — Аччиғингиз келмасин, Георгий. Ленин ёрдам беришга арзимайди. У ҳамма нарсани вайрон қилиш касалига учраган. Эртага қандай ҳаракат қилишини олдиндан айтиб бериб бўлмайди. Унинг қалласида эртага қанақа фикр туғилишини ҳеч ким билмайди. Келинг, кўйинг Ленинингизни. Ундан кўра, юринг, тушлик қилайлик».

Аммо Ленин тўнтаришдан кейин мамлакатдаги ҳамма савдони маҳв қилиб бўлгач, нима сабабдандир айни Красинни Савдо Халқ комиссари этиб тайинлайди. Красиннинг наркоматига миллион-миллион маблағ билан иш юритувчи йирик савдо фирмаларидан ҳам бор-йўғи уч юз сўмлик савдо қилиб улгурган кичкина дўконлар ва устахоналардан мусодара қилинган пуллари моллар оқиб келарди. Пул билан қимматбаҳо буюмлар Халқ банкига ва унинг қошида ташкил қилинган «олтин жамғармаси»га топшириларди, буюмлар эса омборларга жўнатиларди. Уруш туфайли ташқи савдода пайдо бўлган турғунлик вазидан омборлар шипларигача буюмга тўлиб кетган эди. Красин «ёпиқ омборлар» тизимини ўйлаб топганлардан бири бўлди. Бунинг маъноси шу эдики, мамлакатда ҳамма зарур нарса ошиб-тошиб ётгандай кўринса-да, ҳеч нарса сотилмас, балки тақсим қилинарди, холос. Бу тизим бизнинг кунларимизда ҳам яшаб, аввалгидай самара билан қўлланмоқда. Фақат фарқи шундаки, у йилларда очлик ва муҳтожлик туфайли пичоқ суяқларига бориб қадалган одамлар омборларга ҳужум қилишарди. Ҳужум вақтида уларни шафқатсизлик билан пулемётдан отишар, кейин эса ҳар битта ўлган одамни алоҳида инқилобий трибунал ҳукми билан отилган деб расмийлаштириб кўйиларди. Тўғри, омборлар ҳисобсиз эмас эди. Вақти-вақти билан айнаган маҳсулотлар тун қоронғусида ва соқчиларнинг қаттиқ назорати остида шаҳар ташқарисига олиб бориб, ахлатхонага ташланарди. Яна уларнинг устидан оҳак тўкиларди. Худо кўрсатмасин, бирон бетамиз бу маҳсулотларга кўз олайтирмасин-да! Ахлатхонага етиб боргунча йўл-йўлакай албатта, у-бу нарсалар ўғирланар ва кейин у бозорда пайдо бўларди. Айнаган маҳсулотлар туфайли ялпи касалликлар тарқалиб турарди. Бунга эса, табиийки, чайқовчиларни айбдор қилишарди.

Айтганча, яқин орада омборларнинг бўшаб қолиши хавфи бор эди — Красин худди шу мақсадда Германияга йўл олган эди.

Берлинга кетаётганлар орасида энг ажойиби — «ваколатхона»нинг тўртинчи ходими Вячеслав Менжинский эди. Шахсан Лениннинг кўрсатмасига мувофиқ у немис пойтахтида РСФСР Бош консули мансабини эгаллаши керак эди. Вячеслав Менжинский — большевиклар раҳбариятидаги энг машҳум шахс ҳисобланади. «Темир Феликс»нинг биринчи муовини, ВЧК коллегиясидаги энг ашаддий қонхўрлардан бири бўлмиш бу одам айтиш чоқда Молия Халқ комиссари мансабини ҳам эгаллаб турар ва «халқ банки»нинг асосий комиссарларидан бири эди. Бунақа хилма-хил мансабларни эгаллаб туриш кўп ғаройиб эмасми, а? Бир қўли билан таласа ва отса-ю, иккинчи қўли билан таланган нарсаларни жамлаб, яширса! Афтидан, аллақандай муҳим сабаблар туғилганки, Менжинский Россиядаги сермашаққат ва сердаромад ишларни ташлаб, Берлинга жўнашга мажбур бўлган¹. Берлиннинг Силезия вокзалида вакилларни Германия Ташқи Ишлар вазирлигининг аллақайси майда ходимлари билан бирга улуғ Парвуснинг ўзи кутиб олди.

Россия тақдирида бу одамнинг аҳамияти шу қадар катта бўлса-да, у ҳақда шу қадар кам билишадикки, буни ўйласанг, алам қилар экан кишига. Негаки, айтиш Парвус Лениннинг муаллими ва устози бўлган эди. Айтиш ана шу Парвус биринчи бўлиб Ильич сиймосида ўзининг бениҳоя бойиб кетиш борасидаги беқиёс режаларини амалга оширишга қурби етадиган одамни кўрган эди. Эътироф этиш керакки, гарчи Парвус 1905 йилда қандайдир қора ишлар билан шуғулланишга мажбур бўлган эса-да, аслида бундай ишларга асло тоби йўқ эди. Парвуснинг ҳақиқий фамилияси Гельфанд деб ҳисобланади, лекин сўнги маълумотлар бунга шубҳа билан қарашга ундайди. Бунақа кўламдаги халқаро фирибгарларнинг ҳақиқий фамилиясини топиб олиш жуда қийин. У Лениндан уч ёш катта бўлган, 1867 йилда Минск губерниясидаги Березино шаҳрида туғилган. Болалиги Одессада ўтган, 1885 йилда шу ерда гимназияни тугатган, кейин таҳсилни давом эттириш учун Германияга кетган. 1891 йилда Парвус иқтисод ва молия курси бўйича Базель дорилфунунини тугатади. Шундан сўнг бир неча йил мобайнида Германия ва Швейцария банкларида хизмат қилади. Афтидан, марксистлик сафсатадан истаган иқтисодий ва ҳарбий жиноятни хаспўшлашда фойдаланиш мумкинлигини биринчи бўлиб англаган кўринади. Россия тарихини, унинг ҳўжалиги ва молиявий аҳволини берилиб ўрганган. У рус жамиятининг ҳамма табақаларини ич-ичидан емириб ётган чуқур зиддиятга эътиборни қаратган ва агар бу жамият дворянлар ва зиёлилардан иборат омонат ҳимоя қатламидан маҳрум бўлиб қолса, жуда ночор ва ожиз бўлиб қолишини башорат қилган. Унинг бу каромати Ленинга жуда катта таассурот қолдирган.

Ленин «социал-демократик» муҳитда фақат Парвус билангина баҳслашишга журъат этган эмас. Ҳолбуки, кимда-ким марксизмни сал бошқачароқ талқин қиладиган бўлса, Ленин унга даканг хўроздай ташланиб, дабдаласини чиқарар эди. Бунақа пайтда у рақибини аяб ўтирмай, энг дағал ибораларни ҳам қўллаверарди. «Малай, оқсоч, ёлланган, аблаҳ, фоҳиша, сотқин» — рақиблари билан баҳсга киришганда Ленин ана шунақа ҳақу ноҳақ адабий-мунозаравий ибораларни қўллашда сира тортиниб ўтирмасди.

¹ 1916 йилнинг июлида Менжинский Парижда чиқадиган «Бизнинг садо» деган муҳожирлар газетасида Ленин ҳақида ғоятда эътиборга сазовор мақола эълон қилганди. Унда шундай дейилган: «Ленин — сивёсий мунофиқ. Кўп йиллар мобайнида у марксизмни ҳозирги дақиқада ўзи учун зарур бўлган кнѣфага солиб келмоқда. Ҳозирги пайтда у ўз назариялари ичида узил-кесил гангиб қолди. Ленин — рус абсолютизмнинг ҳароми фарзанди. У рус тахти бўшаб қолса, бу ўринга ўзини бирдан-бир муносиб номзод деб ҳисоблайди. Мабодо унга ҳокимият тегиб қолса, Павел I дан камроқ номаъкулчиликлар қилмайди... Ленинчилар ҳатто фракция ҳам эмас, балки камчиларнинг қарсиллаши билан пролетариятнинг овозини ўчиришга тирishaётган от ўғрилари дидир». Кремлга хўб ғаройиб улфатлар тўпланиб олмаганим?

Аммо дохий Парвусни ҳаммадан кўра ёмон кўрарди, ундан нафратларди, лекин шундай бўлса ҳам на матбуотда, на оғзаки унга тил теккизишга журъат қилмасди. Аксинча, унинг гапларини эътибор билан тинглар экан, кўпинча «бўлмаган гап! Ўта бемаънилик! Лекин масалага диалектик қараладиган бўлса, марксизм деганлари айнан шунинг ўзи бўлади!» деб хитоб қиларди. Амалий марксизм, Парвуснинг фикрича, қуйидагилардан иборат эди: бутун жаҳон миқёсида ҳукмронликка эришиш; буни марксизм лаҳжасида «жаҳон инқилоби» дейдилар. Бунга эришишнинг фақат битта йўли бор — жаҳон молия тизими устидан назоратни қўлга олмақ керак. Бунинг учун эски тизимни, яъни мавжуд молия қурилмаларини, албатта, ағдариб ташлаш шарт эмас, деб ҳисобларди Парвус, балки бу тизимга бир амаллаб суқилиб кириб олиб, уни аста-секин ўз назорати остига олиш ва шу зайлда ўз мақсадларини рўёбга чиқаришга эътибор бериш кифоя. Бунга эришмоқнинг яккаю ягона шарти шуки, бирорта озми-кўпми бадавлат давлатни босиб олиш зарур ва унинг жамики бойлигини, ҳамма кўчувчи ва кўчмас мулкни пулга айлантириб, халқини соф Афлотун социализмида (яъни энг расво қуллик шароитида) яшашга мажбур қилиш лозим. Шу йўл билан йиғилган маблағни эса жаҳон молиявий тизимига сингдириш керак. Агар маблағ етарли даражада катта бўлса, унинг ёрдамида жаҳонга ўзи ис-таган мафқурани қабул қилдириш мумкин. («Ўта бемаънилик!») Табиийки, буни оммавий ва шафқатсиз қирғинсиз амалга ошириб бўлмайди, аммо «пролетариат диктатураси», «синфий кураш», «ўлиб бораётган синфлар», «ялли тенглик», «тўла эркинлик» каби иборалардан маҳорат билан фойдаланилса ва «муваффақиятга эришиш», «муваффақиятни мустаҳкамлаш», «муваффақиятни ривожлантириш» деган жуда жўн бир йўсинда пухта ўйланилган ҳаракат тактикасини қўлласа, бу билан қирғинларни никоблаш учун жуда кенг имкониятлар туғилади. Ўз сафларингда темир интизом ўрнатиш керак, ихтилоф деган нарсага сира йўл қўйиб бўлмайди, раҳбариятнинг турмуши мутлақо пинҳона кечмоғи лозим, бу раҳбариятни аста-аста илҳомлантириб бориш шарт. («Ўта бемаъни! Лекин масалага диалектик қаралса...»)

Булар ҳали фармонлар ва декретлар: кўрсатмалар ва буйруқлар, махфий ва мутлақо махфий қўлланмалар, сирни ошкор қилиб қўйса ўлим жазосига мустаҳқиқ қилиш билан қўрқитувчи дўқ-пўписалар эмас эди. Булар ҳозирча шинам кафеларда ёхуд кўнгилочар зиёфатларда ўтириб қилинган башоратлар эди, холос. Бу ўтиришларда фортепьянода «Варшавянка»ни ча-лиш ёхуд «Йўқолсин ҳокими мутлақлик!» деганга ўхшаш умумий хитобларни айтиш учига чиққан қаҳрамонлик деб ҳисобланарди. Аммо «сценарий» қанақа бўлиши ҳақидаги гаплар ўртага тушган эди. Дарҳол бир-бирига зид фикрлар туғилди. Парвуснинг фикрича: дастлабки режани амалга оширмоқ учун Россиядан қулайроқ мамлакатни ўйлаб ҳам топиб бўлмайди. Ленин эса бунга бутунлай қарши эди. Лениннинг фикрича, Россияда ҳеч нарса қилиб бўлмайди. Парвус эса аксинча, Россияда ҳамма нарсага имкон бор, ҳатто асло мумкин бўлмаган нарсаларни ҳам қилишга йўл топилади деб ҳисобларди. Рус-япон урушидаги шармандали мағлубиятлар туфайли минг йиллик рус қудрати зил кетди. Шунда Парвус вазиятга дарҳол баҳо бериб, халқ чоризм тузумини бу мағлубият учун кечирмайди деди. Негаки, халқ асрлар давомида зўр-зўр ғалабаларни кўрган, енгил-елпи жангарилик руҳида тарбияланган. Энди таҳқирли мағлубиятни кўриб ўтирипти. Бу енгиллиш империянинг ифтихори бўлмиш улуғ флотни барбод қилди — ҳозир унинг ярми японлар қўлига ўтиб кетди ва япон байроқлари остида сузиб юрипти. Буни англаш учун марксчи бўлиш шарт эмас эди. Герценнинг оддийгина сўзларини эсда тутиш кифоя эди: «Урушларда алқайдиган нарса музаффарият эмас, мағлубиятдир... Негаки, халқ учун энг бақувват кишанлар музаффарият қиличларидан ясаллади».

Японлардан икки миллион фунт-стерлинг пул олгач, Парвус фурсатдан фойдаланиб, 1905 йил инқилобининг дохийси ва раҳбари бўлиб олди. (Япон

пулидан Ленинга ҳам жиндай улуш тегди — уларнинг кучи билан РСДРПнинг учинчи қурултойи ўтказилди ва «Вперёд» газетаси ташкил қилинди. Аммо Ленин Россияга ишонамаганидан, Парвусни кўзига порози кўринса-да, кўнглида унга қойил қолгани ҳолда унинг хатти-ҳаракатларини хориждан кузатиб турди.

Парвуснинг услубиёти жуда аниқ эди: мамлакатдаги инқилоб — пойтахтда инқилоб дегани. Пойтахтда бошланса, акс-садо беради. Парвус «шўро»ларни ташкил қилади ва ўзи Петербург шўросининг раиси лавозимини эгаллайди. Унинг молиявий манифестиши кўрсангиз! Урушга қарши йўналтирилган ва мағлубият кайфиятларини тарғиб қилувчи хитобларини айтмайсизми! 2- Тинч океан эскадрасининг очиқ денгизга чиқиш йўлини тўсиб қўйган «Бургут» кемасининг ҳалокати-чи?! 1905 йил 9 январдаги халқ намоёнчилигининг уюштирилиши-чи?! Ўшанда Парвуснинг жангарилари Александр боғидаги дарахтларга чиқиб олиб, у ердан Кишки саройни химоя қилиб турган солдатларга ўқ узишган ва шу билан машҳур Қонли яқшанбани бошлаб беришганди. Банкларни босиш-чи? Кронштадт, Севастополь, Свеаборгни айтнинг! «Потемкин» ва «Очаков» кемалари-чи? Ҳаммаси жуда ажойиб тарзда амалга оширилган эди. Фақат бир нарса чатоқ бўлганди. Улар дарҳол оммавий қирғинни бошлаб юбормадилар ва охир-оқибатда ҳамма ишни бой бердилар. Ленин гарчи ҳеч қайси воқеада шахсан иштирок этмаган бўлса-да, ҳамма нарсани диққат билан кузатиб, хатоларни белгилаб борди. Ва яна бир қарра амин бўлдики, Россияда исён қилса бўлади, тартибсизликлар, ур-йиқитлар, иш ташлашлар уюштириш мумкин, аммо кўнгилиларида ўйлаб қўйган тузумни ҳеч қачон қура олмайдилар. Йўқ, Россия бунга ярамайди. Фарбий Овруподан бошламоқ керак.

Қамоққа олинган ва бадарга қилинган Парвус Сибирга олиб кетилаётганида соқчилар қўлидан қочиб... Туркияда пайдо бўлиб қолди. Бу ерда у Ёш турклар ҳукуматининг иқтисодиёт ва молия масалалари бўйича маслаҳатчиси бўлиб олганди. Бу мансабда бир неча миллион ишлаб олгач, халқаро банклар ва картелларнинг жаҳонга машҳур намоёндалари билан алоқалар ўриятган Парвус ўзининг асосий режасини — Россияни хароб қилишни бир лаҳза ҳам эсидан чиқаргани йўқ. Эсидан чиқаргани йўғ-у, лекин қайнаб-тошган иқтисодий фаолиятдан ҳам чалғимади. Унинг молиявий даҳоси, Троцкийнинг ўта ўринли ибораси билан айтсақ, рус эмантини қулатаётган болтадан турк сарвиги қувват бахш этувчи боғбон белкурагига айланди. Парвус вайрон бўлаётган Усмоли империясини иқтисодий ҳалокатдан сақлаб қолганди. Албатта, бу ишларни қилар экан, Парвус ўзини асло унутгани йўқ. Ленин ва унга содиқ бир гуруҳ тарафдорлари муҳожирликда зўр-базўр умргузаронлик қилаётган бир шароитда Парвус банклар очди ва савдо корхоналарига асос солди. У жуда катта пул маблағлари билан иш юритарди. Ленин гоҳ «экспроприация қилинган» пулларга яшарди Камо билан Кобани қамаб қўйганларига қадар), гоҳ онаси юборган пулларга тирикчилик қиларди (онаси ҳаётлигида), гоҳ дўстларининг хайри ионасига (ҳамманинг жонига тегиб кетмагунча), гоҳ қўли очиқ, кўнгилидан швейцария социалистларининг ҳомийлигида кун ўтказарди.

Аммо Парвус уни ҳеч қачон эсидан чиқармаган, чунки ўз режаларини Лениндан кўра тузукроқ уддалаб бажарадиган одам йўқлигини тушунар эди.

Сараевода яшраган ўқ овози Парвус учун жанговар қақирқандай бўлди. У бир лаҳза Туркия Германия томонида туриб урушга қўшилса, бу Россия учун нима билан тугашини чамалаб, ҳисоблаб чиқди.

У эҳтиросли нотик ҳарорати билан қатъий ҳаракат қилувчи, лекин унча олисши кўролмайдиган Анвар пошшога ва унинг «ёш туркларига» Туркия фақат Германия томонида туриб урушмоғи кераклигини уқтира бошлади. Фақат шундагина Туркияда улуғ империя қайтадан тикланади, шундай қилгандагина Туркия ўз тарихининг сўнгги йиғирма йили мобайнида бошидан кечирган беҳисоб мағлубиятлар ва таслимлар, қўпол таҳқирлар ва камси-

тишлар доғини ювиб ташлай олади. У қаҳва ичиб, сигара чекиб ўтириб Германиянинг Туркиядаги элчиси фон Вангейн билан суҳбатлашади ва олис Константинополдан Германияга телеграмма жўнатди. Унинг оқибатида Ўрта ер денгизидagi кемаларини Шимолий денгизга жўнатишни режалаштирган адмирал Сушон «Гебен» линкорини орқага қайтариб, Дарданелл бўғозига жўнатади. Парвус махфий шайинларни ҳаракатга келтиради, натижада Туркияга ғалла, темир, дастгоҳлар ва ўқ-дорилар кела бошлади, юкларнинг бир қисми эса йўл-йўлакай Булғорияга туширилади. Парвус асло амалга ошириб бўлмайдиган ишни бажарди — асрлар мобайнида бир-бирига ашаддий душман бўлиб келган икки мамлакат — Булғория билан Туркия ҳар қандай панславизм ва панисламизм ғояларини емириб, Россияга қарши урушга қўшилди. Парвуснинг қалин дўсти Туркиянинг ҳарбий министри ва ҳарбий ҳукуматининг бошлиғи Анвар пошшо бекорга мўйловини кайзерни-кига ўхшатиб қўйиб олди, дейсизми? У ҳатто Коминтернга аъзо бўлиб кирди ва 1922 йилда Тожикистонда қонли жанглардан бирида шаҳид кетди.

Аммо бу ҳали ҳолва эди. Россияга жанубдан қилинадиган ҳужумни таъминлаган Парвус ҳеч қутилмаганда бриллиант тугмалари ва тилла узукларининг жилваси билан қашшоқ рус муҳожирлари кўзини қамаштириб, «социал-демократлар» орасида пайдо бўлди.

Унинг «Демократия учун! Чоризмга қарши!» деган машҳур рисоласи аллақачон шов-шувларга сабаб бўлган эди. Негаки, анчадан бери сукут сақлаб келган Парвус партиявий публицистика майдонида яна кўринишга журъат қилиб, «социалистик» ҳаракатнинг навбатдаги вазифаларини мутлақо янгича шарҳлаган эди. Бу янгича шарҳ собиқ партиядош ўртоқларининг кўпчилигини даҳшатдан лол қолдирди. Янги «назария»нинг моҳияти қуйидагича эди: урушнинг айбдорлари ким экани ҳақида масала қўйиш керак эмас, «ким биринчи ҳужум қилганини» ҳам ахтариб ўтиришга ҳожат йўқ. Бу аҳамиятсиз нарса. Жаҳон империализми ўнлаб йиллар мобайнида қирғинбаротларини тайёрлаб келган. Шундай бўлгач, кимдир ҳужум бошлаши керак эди-да! Ҳеч кимга кераги йўқ сабабларни излаб вақт кетказиб ўтирадиган пайт эмас, социалистик йўсинда фикрлашга ўрганмоқ лозим. Яъни биз жаҳон пролетариати урушдан қандай фойдаланмоғимиз ва кимнинг томонида урушмоғимиз кераклигини аниқлаб олишимиз шарт. Ҳаммага маълумки, дунёдаги энг қудратли социал-демократия Германия социал-демократиясидир. Агар Германияда социализм тор-мор этилса, уни ҳамма жойда мағлуб қилажақлар. Жаҳон социализмининг ғалабасига олиб борадиган йўл — Германиянинг ҳарбий хатти-ҳаракатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашдир. Рус чоризми Антанта томонида туриб уруш қилаётгани бизга социализмнинг ҳақиқий душмани ким эканини очиқ-ойдин кўрсатиб турипти. Шундай қилиб, бутун дунё ишчилари рус чоризмига қарши урушмоқлари керак. Жаҳон пролетариатининг вазифаси — Россияни тор-мор келтириб, унинг ичидаги инқилобни маҳв этишдир. Агар Россия майда бўлақларга бўлиб юборилмаса ва демократлаштирилмаса, у бутун дунёга таҳдид қилади. Модомики, Москва империализмига қарши курашнинг асосий қийинчилиги Германия зиммасига тушаётган экан, бундан «Германиянинг ғалабаси — социализм ғалабасидир!» деган бирдан-бир хулоса чиқариш унча қийин эмас.

Ленин айтганидек, «Ўта бемаъни, лекин диалектик нуқтаи назардан қаралса...»

Ҳа, Ленин қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар, Парвус «назарияси» ўзи олдинга сурган «таслимчилик» ғоясининг жуда чиройли ва бежирим нусхаси эканини тан олмаслиги мумкин эмасди.

Парвусга хос бўлган кенг кўламдорлик Ленинда етишмас эди, чунки Ленин иқтисодчи эмас эди. Парвус эса апил-тапил гапдан амалий ишга кўчади-ю, Берлинга бориб, Россияда «ашаддий сўл экстремистларни ҳокимият тепасига келтириш йўли билан» Россияни йўқ қилиш режасини баён қилади. Режа ҳарбийларники сингари жуда аниқ эди. Биринчи навбатда

подшоһи тахтдан ағдариш керак. Чоризмга қарши кураш олиб бориляпти, аммо пулнинг кучи билан эртадан бошлабоқ бу курашга бутун дунёдаги социалистик матбуотинигина эмас, балки барча либерал матбуоти ҳам жалб қилса бўлади. Шундай қилинса, ўз-ўзидан Россиядаги турфа хил либерал муҳолифат ҳам воқеалар гирдобига жалб этилади.

Жуда содда йўл: Подшо — урушнинг айбдори, миллионлаб қурбонлар, ҳарбий муваффақиятсизликлар сабабчиси. Малика — немис; бинобарин, жосус. Бир оз жўн мулоҳаза, албатта. Аммо Россияга ўтаверади. Тахт вориси бедаво дардга чалинган, бинобарин, сулоланинг куни битиб қолган. Давлат думаси деярли бошдан-оёқ буржуа вакилларида таркиб топган — улар бундан қармоқни осонгина лиқиллатиб ютиб юборади. Подшо тахтдан ағдарилиши биланоқ Россия лахтак-лахтак бўлиб бўлиниб кетади. Кейин у ҳеч қачон ўнганмайди. Негаки, балиқ қуруқликда яшаёлмаганидек, империя ҳам демократия шароитида умр кечиролмайди. Тоифалараро, миллатлараро, уруғлараро низолар ҳаддан ташқари кескин. Энг муҳими эса — иқтисодиёт қил устида турипти. Иш ташлашлар йўли билан уни узил-кесил издан чиқариш мумкин. Иккинчи босқичда ҳаракат қилиш анча осон кўчади. «Ер — деҳқонларга!» деган жўнгина хитоб шунга олиб келадики, деҳқонлар помешчиклардан ерни зўрлик билан тортиб ола бошлайдилар, солдатлар эса офицерларини отиб ташлаб, ер тақсимотидан қуруқ қолмаслик учун ҳандақларни ташлаб қочишади. Армия фалаж бўлади, саноат мажақланади, қишлоқ хўжалиги бошбошоқликка учрайди. Ана шундай шароитда ҳокимиятни сўл экстремистлар эгаллаб оладилар, Германия билан сулҳ тuzадилар ва янги қонунлар чиқариб, империянинг вайрон бўлишини кучайтирадилар. Шундай қилишар экан, табиийки, улар герман қуролининг ёрдамига таянадилар, шунда турли-туман кутилмаган касофатлардан халос бўладилар. Ҳозир бу касофатларнинг ҳаммасини назарда тутиб бўлмайди.

Албатта, немисларга режанинг фақат уларга тааллуқли қисмигина кўрсатилган эди. Немислар ҳамма гапдан хабардор бўлишлари шарт эмас эди. Аммо Парвус айтган тахминларнинг ўзиданоқ одам энтикиб кетарди. Клаузевиц ва Улуғ Фридрих тарбиясини кўриб вояга етган катта Мольтке ва кичик Мольткеларнинг стратегияси, Овруподаги урушни икки ойда (Францияга — 30 кун, Россияга — 30 кун) тугатишни таклиф қилган А. Шлифеннинг соату дақиқаларгача ҳисоб-китоб қилиб чиқилган ажойиб режаси, «Парвардигор, Англияни жазола!» деган хитоб замирида ёмғирдан кейинги кўзиқориндай болалаган дунёдаги энг яхши ҳарбий кемалар, беқиёс аниқлик билан ишлайдиган штаблару, армиянинг темир интизоми — буларнинг бари бир сароб бўлиб чиқди. Ғарбий ва Шарқий фронтлардаги қирғинбарот, Англия амалга ошираётган денгиз қамалининг тобора сиқиб келаётган сиртмоғи, заҳираларнинг шитоб билан қуриб бораётгани, бутун-эрта Кўшма Штатларнинг урушга қўшилудан ҳадиксираш немисларга уларнинг истиқболи нақадар мудҳиш эканини рўй-рост намойиш қилди. Албатта, пруссларга хос тарзда калта ўйлайдиган немислар Парвус режаларини бор кўлами билан кўра олганлари йўқ, лекин улар бу режаларида ўзларининг фикру зикрини ҳаммадан ортиқ банд этиб ётган нарсани — ўзларининг энг дахшатли ва энг қудратли душманларини урушдан ва Атлантадан чиқариш имконини кўрдилар. Бунинг устига бу режани аллақандай ўткинчи бир муттаҳам эмас, балки ўзлари яхши билладиган Парвус таклиф қиляпти. У Биринчи Рус инқилобининг отаси ҳисобланади, иш ташлашлар, кўча намойишлари, қонли тартибсизликларни уюштиришда унга тенг келадигани йўқ. Немислар яхши эслайдилар — у арзмаган ҳақ эвазига машҳур Обухов иш ташлашини уюштираган эди. Шу иш ташлаш оқибатида рус линкорлари учун янги замбараклар ишлаб чиқарувчи янги технологик линияни узоқ муддатга сафдан чиқаришга муваффақ бўлинган эди. Шунинг учун улар Парвуснинг режасига жон-жаҳдлари билан ёпишиб олишди-да, унинг баҳосини сўрашди. 50 миллион, — деб жавоб берди аллақачон ҳаммасини ҳисоб-китоб қилиб кўйган

Парвус. Албатта, у бу пулнинг камида ярмини ўз ҳамёнига уришни ҳам ўйлаб қўйганди. Савдолашишнинг ўрни йўқ эди. 50 миллион олтин марка дегани нима ўзи? Битта чала битган линкорнинг пули! Ғалати-я! (Севастополда портлатилган «Императрица Мария» кемасининг ўзигина 1919 йилгача бўлган сарф-ҳаражатларнинг ҳаммасини бемалол қоплайди).

Немисларни бошқа нарса ташвишлантирар эди — Россия тахти бўшаб қоладиган бўлса, унга Парвуснинг ўзи даъвогарлик қилмасмикан? Саволлар, албатта, бениҳоя хушмуомалалик билан берилган эди, аммо савол берувчиларнинг кўзида немисларга хос антисемитизмнинг совуқ нурлари жилоланиб турарди. Россиядаги жамоатчилик ҳар қанча инқилоблашган бўлмасин, мамлакатдаги олий мансабни, юмшоқ қилиб айтганда, «православ эътиқодида бўлмаган» одам эгаллашни унча хушламаса керак. О, Парвус бу майда гаплардан юқори турарди. Биринчидан, у рус жамоатчилиги ҳақида ўз фикрига эга эди, иккинчидан эса, режанинг немислар билмайдиган қисмида мамлакатдаги ҳар қандай жамоатчилик фикрини шитоб билан қатъий равишда маҳв этиш назарда тутилган эди. Учинчидан эса, парвус сира ҳам Россияга қайтмоқчи эмас, агар бутун халқ йиғлаб-сиқтаб уни Борис Годунов каби тахтга чиқишга ундаса ҳам, у рус тахтини эгаллаш ниятида эмас эди.

Бу йиллар мобайнида у ҳаддан зиёд бойиб кетди — унинг Берлинда уйи, Берлинда хос ҳовлиси, Стокгольмда хос ҳовлиси, Швейцария Альпида чорбоғи, тўртта хусусий банки, яна олтита банкда ҳиссадор тарзидаги иштироки, Копенгагенда импорт-экспорт идораси, темир йўл ва кема қатнови жамиятларида анча-мунча акциялари бор эди. У шунақа мартабага эришган эдики, тахтда ўтириб, бир мамлакатни бошқаришдек заҳматли ишни зиммасига олишни ўзига эп кўрмасди. Бу иш учун унинг бошқа бир номзоди бор эди — кўп йиллар давомида уни назаридан қочирмай кузатиб келарди. Уларнинг бир замонлардаги ҳамкорлиги аллақачон ўтмишда қолиб кетган, улар кўпдан бери учрашмас эдилар. Аммо Парвус яккаю ягона, ўзига хос тарзда бетакрор бу «социалист»ни бир лаҳза ҳам унутгани йўқ. Негаки, у ҳукмдор бўлиш, бутун жаҳоннинг хўжайини бўлиш дардига чалинган, хижолату андиша деган нарсалардан бутунлай холи, ўз мақсадига эришиш йўлида энг мудҳиш воситаларни қўллашдан ҳам тоймайдиган, ҳар қандай энг жирканч ниятларини ҳам сафсата оқимиға кўмиб юборадиган, бемалол ёлғону чала ёлғонларни қалаштириб ташлайдиган бир одам эди. Ўша кезларда унинг вулқондай қайнаб-тошган ғайрати беҳуда нарсаларга сарф бўлмоқда эди — у газеталар саҳифаларида майда-чуйда ғийбатларга ўраллашиб қолган, ўзининг Овруро учун мутлақо кадрсиз эканини англаб ва асосий зарбани қаерда бериш керак эканини била олмай ғазаб ўтида қоврилиб ётарди. Аммо у ҳар қандай вазиятга мослашиб кетадиган, тутуриқсиз ва қаттиққўл, ақл бовар қилмайдиган даражада ишчан ва энг қонхўр аблаҳларни атрофига тўплай оладиган мўъжизавий қудратга эга эди. Бунинг устига ҳукмдор бўлиш дардига йўлиққан бўлиб, соф осиеча мустабиллик қилиқлари бор эди. Шу сифатларига кўра бу одам, Парвуснинг фикрича; Россияда ва фақат Россиядагина ҳаракат қилиш учун энг муносиб номзод эди. Бутун жаҳон кўламида иш юритиш учун у анча ожизлик қиларди, аммо «жаҳон пролетариатининг доҳийси» бўлиш унга жуда хуш ёқар экан, майли, бўлақолсин — Парвус бунга эътироз билдирмади. Энг муҳими — ишни бажарса бўлгани.

Лениндан бошқа яна ким ҳам Парвуснинг ажойиб ниятлари қадрига етиши мумкин эди? Россияни мангу ҳалокатга учратиш учун ва бутун инсониятни жаҳаннам лабига олиб бориб қўйиш учун курраи заминга ким томонидан юборилгани номаълум бўлган бу икки улуғ ва мудҳиш даҳо Лениннинг Цюрихдаги фақирона уйда — торгина ошхонада дўнг пешоналарини бир-бирига уриб олай деб рўпарама-рўпара ўтиришпти. Улар дунёга уч йил фарқ билан келишган (1867 ва 1870 йилда), лекин дунёдан бир йилда — 1924 йилда кетишди. Буниси ҳам ғаройиб ва мудҳиш...

Аммо Ленин Парвуснинг ниятини бошқа ҳар қандай одамдан кўра яхши-

роқ англаган бўлса-да, бу ниятни амалга оширишда шахсан иштирок этиш ҳақидаги таклифдан боши осмонга етгани йўқ. Ахир Россия нима бўлипти! Россия — нажосат! Россиядан бошламаслик керак. Ахир ҳеч ким Маркс айтган социализмни Россияда қуриш вазифасини кўяётгани йўқ-ку?! Россия бутун ишни жаҳон миқёсида уюштириш учун маблағ беради, дейсизми? Бўлмаган гап! Россия қашшоқ, бўйнигача қарзга ботиб ётибди! Қарздор бўлса, биров сизни Россиянинг қарзларини тўлашга мажбур қилармиди? Қашшоқлиги масаласига келсак... Россиядаги ҳамма чўнтакларни ағдарса, озмунча маблағ чиқмаса керак. Немислар-чи? Немислар нима қилиб берарди? Мени уларнинг пулига муҳтож деб ўйлайсизми? Мен бу пулларни немисларсиз ҳам топаман. Ҳатто ундан ҳам кўпроқ топишим мумкин. Мен бу пуллар воситасида немисларни режага дахлдор қилиб қўярдим, чунки немисларсиз иш чиқариб бўлмайди. Армияни хароб қилсак, ўзимиз нима билан қоламиз? Армия керак, лекин рус армияси эмас. Акс ҳолда, бизни бўрон супуриб ташлайди. Тушуняпсизми? Немисларнинг паноҳи остида биз бу ишимизни қиламиз-у, яна уларнинг паноҳида жўнаб қоламиз. Кейин-чи? Кейинми? Россияда қўлга киритган пулимизга бутун Оврупони сотиб оламиз. Ана сизга жаҳон инқилоби! Агар жиддий айтсак, ҳамма ишни иккита жуда оддий хитоб билан амалга ошириш мумкин: тинчлик ва ер!

Ленинда чиндан ҳам стратегик кўлам етишмас эди. Буни Парвус тўғри тушунарди. Ўз бидъатлари, ўз қодалари ва бемаъни ғоялари Ленинни исқанжадек қисиб олган эди, лекин тан бериш керакки, у жуда яхши тактик эди. Шунинг учун Парвуснинг ниятини унинг ўзидан ҳам чуқурроқ англади. Силезия вокзалидаги учрашув хурсандлик билан, лекин ортиқча эҳтиросларсиз ўтди. Хушмуомалалик билан шляпалар бошдан сал кўтарилди, қўллар қаттиқ қисилди, немис тилида калта-калта жумлалар айтилди. Фақат кўзлар чақнаган эди — режалар ўнг келди ва амалга оша бошлади. Ҳозирча — ишқилиб кўз тегмасин — ҳамма ишлар силлиқ кетяпти. Берлиндаги Унтердер Линден деган икки томонига қатор арғувонлар экилган кенг марказий кўчада жойлашган XIX асрнинг охирларида империяга хос виқор билан қурилган, 1914 йилдан бери хувиллаб ётган собиқ рус элчи-хонасининг биноси яна жонланиб қолди. Бу 1918 йилнинг 20 апрелида содир бўлди (бўлғуси фюрер Гитлернинг туғилган кунида. Ўша куни Гитлер Ғарбий фронт хандақларида кун ўтказмоқда эди).

Кимсасиз баҳайбат иморатда собиқ элчининг деразаларига оғир пардалар осилган, «модерн» услубида жиҳозланган хонасида иш қайнаб кетди. Мармар кулдонлар устида сигаралар тутаб ётар, саксон чиннисидан ясалган чашкаларда кофе ҳовури чиқиб турар, ботен биллуридан бино бўлган қадаҳлардаги майлар қизил-зангори жилолар тарқатиб товланарди. Парвус ишда ҳар қанча талабчан ва қаттиққўл бўлмасин, Октябрь тўнтаришидан бери ўтган олти ой мобайнида Молия Халқ Комиссарлиги ва Халқ банки томонидан қилинган ҳаддан зиёд катта ва машаққатли ишни кўриб қойил қолмай туролмади. Уюм-уюм ведомостлар, қатор-қатор рақамлар, инвентар рўйхатлари, қарз ҳақидаги сертификатлар ва яна бошқа ўнлаб ҳужжатлар — ҳаммаси тартибланган ва ҳисоблаб яқун қилинган. 1897 йилда (олтин тангалар зарб қилина бошланган йили) Давлат хазинаси ўн беш сўмлик олтин тангалардан ҳаммаси бўлиб 178 миллион 500 минг сўм миқдорда 11 миллион 900 минг дона чиқарган. 1918 йилнинг 10 апрель кунигача ҳаммаси бўлиб 142 миллион 500 минг сўмлик 9 миллион 500 минг дона олтин танга қўлга киритилган ва даромад тарзида расмийлаштирилган.

7 сўм 50 тийинлик тилла тангалардан ҳаммаси бўлиб 126 миллион 217 минг 500 сўмлик 16 миллион 829 минг дона чиқарилган. 1918 йил 10 апрелга қадар шундан ҳаммаси бўлиб 500 минг сўмлик 2 миллион 100 минг сўмлик олтин танга қўлга киритилган ва ҳужжатларда расмийлаштирилган.

5 сўмлик олтин тангалар ҳаммаси бўлиб 26 миллион 860 минг сўмлик миқдорда 5 миллион 372 минг дона зарб қилинган. 1918 йил 10 апрелига

қадар шундан 111 миллион 375 минг сўмлик 2 миллион 100 минг дона танга қўлга киритилган.

1898 йил... 1899 йил.. Йиллар лип-лип ўтади, улар билан бирга миллион-миллион тилла тангалар ўтади — тилла тангалар эмас, бутун бошли уммонга айланиб кетган олтин дарёлар. Беш, ўн, йигирма, эллик ва юз франклик француз тилла пуллари, қиролича Виктория, қирол Эдуард VII ва Георг V нинг тасвири зарб қилинган олтин гинейлар ва соверенлар. Қоғоз фунтлар, франклар, маркалар Шимолий Америка долларлари. Қимматли қоғозлар, заёмлар, облигациялар тарзида чиқарилган қоғозлар... Ажнабий давлатларнинг рус банкларида сақланувчи олтин пуллари ҳақидаги маълумотлар, ажнабий қарзлар юзасидан гаровга қўйилган рус олтинлари. Отилганларнинг қўлидан сириб олинган тилла узуклар, талаба қизларнинг қулоқларидан юлиб олинган тилла исирғалар: деҳқон кулбаларидаги иконалар ордидан топилган тилла билакузуклар. Кумуш тангалар, қуйма кумушлар, қиммат баҳо маъданлардан ишланган буюмлар, кумуш ва бронзадан ишланган ноёб санъат буюмлари (минглаб сўмларда). Музейлардаги, хусусий уйлардаги, давлат омборларидаги бойликлар ҳозирча расмийлаштирилгани йўқ. Вақт бўлмади. Аммо яқин ўртада ҳаммаси рўйхат қилиниб, расмийлаштирилади.

Ҳаммаси бўлиб 1913 йил курси бўйича 2,5 миллиард сўмлик тилла пул. Ундан шахсий ҳисобларга, «умумий иш» учун, немисларга моддама-модда:

а) ажратилган молиявий маблағлар; б) ҳарбий ёрдам кўрсатиш учун; в) армияга сарфланадиган харажатлар; г) тўхтатиб қўйилган немис депозитлари; д) мусодара қилинган товарлар; е) бузилган шартномалар, немисларга қарши ур-йиқитлар ва бошқа сабаблар туфайли шахсий одамларга ва мулкка етказилган зарарлар.

Жами: Германия банкларига, Швейцария банкларига, Скандинавия банкларига, бошқа банкларга... транспорт харажатлари; ижрочиларнинг ғаразлари туфайли кўрилган зарарлар фоизи... Жами... Шахсий ҳисобларига... Шифрлар... Калитлар... Немис саноатининг акцияларида ва бетараф мамлакатлар саноатининг акцияларида... Жами...

...Парвус қалин лабларини қимтиб, ғамзали кўзларини устун-устун рақамларга югуртиради ва қовоғини осади. Кам!

...Вақт етарли эмас эди. Бу, албатта, ҳали ҳаммаси эмас. Мана мўйна, ғалла, ёғоч, руда, рангли маъданлар бўйича маълумотлар. Немисларнинг ҳамма даъволари қондирилгандан кейин биз шулардан бошламоқчи эдик... Ҳа, биз тушунамиз, ҳозир буларнинг барини немислар ўзлари билан олишлари мумкин. Аммо, мана, Лениннинг ўз қўли билан ёзган мактуби. Бу мактубни у немис ҳамкасабаларининг қулоғига етказишни сўраган: «...уруш йўли билан биздан ҳеч нарса ололмайсизлар, ҳаммасини ёқиб юборамиз!» Ленин Ленин-да! Ҳар бир қилиғида ғаламислик бор. Албатта, бунга ҳайрон қолмаса ҳам бўлади, аммо мактубнинг сўнгида унинг бутун моҳияти акс этган: «Немисларга хом ашё бера оламиз».

Жанжалнинг ҳожати йўқ. Боадаб одамлар каби мурсога келайлик. Ҳа, энди, озликка оз... Яна беш баравар кўпроқ бўлиши керак. Кам деганда. Бундай бўлаётганининг сабаби бор: экспроприация ҳовлиқмалик билан чуқур ўйланмасдан амалга ошириляпти. Жуда кўп маблағ ижрочиларнинг қўлида қолиб кетяпти. Қаттиққўлроқ бўлиш керак, қатъий назорат ўрнатмоқ лозим. Ҳақиқий назорат бўлсин. ВЧКнинг тузилгани жуда яхши бўлди, аммо унда ҳаддан ташқари ўғри кўп. Тушунарли, албатта, сизда фурсат кам эди, аммо бу ёғида қанча қолганини ҳам ҳеч ким айта олмайди. Яна қатъийроқ ва шафқатсизроқ ҳаракат қилинглр!

Ақл ўргатар экан, Парвус ўн хонали сонларни ҳаддан ташқари осонлик билан чақиб ташлаб, ҳужжатларни ўрганишда давом этди. Кутилмаганда улуг молиячининг кўксидан бир хитоб кўтарилди — бу ғазабмиди, норозиликмиди, ўйлаган ёмон нарсаси чиқиб қолганидан ранжишмиди — ажратиб олиш қийин эди. Камомад!

Рақамлар тўғри келмаяпти. Бўлиши мумкин эмас! Бўлиши мумкин эмас? Мана, ўзингиз кўринг. Хўб, ғалати иш бўлипти-да! Етмиш беш... йўқ, кечирасиз... етмиш саккиз миллион тилла сўм. Дарҳол тергов бошланди. Ҳар томонга махфий телеграммалар учди. Дзержинский Москвада (Швейцарияга бориб келиб туради), Менжинский Берлинда. Текшириш натижалари ақл бо-вар қилмайдиган бўлиб чиқди. Ўғирлик Петроградда содир бўлар экан. «Юк»ни аллақадёққа Скандинавиянинг хусусий банклари орқали жўнатаётиб уриб қолишар экан. Айбдорларни ҳам тез топишди. Урицкий, Володарский ва Кронштадт ЧКсининг раиси Андроников¹. Парвуснинг чуқур хўрсинишдан бошқа иложи қолмаган эди. Урицкий билан Володарский унинг севимли шогирдлари. Буюк инқилобий ғояларга жуда ҳам берилган кўринишарди. Бошқа кўплар қатори Лениннинг ёнига махсус кўйиб кўйилган эди. Уларнинг назоратида бўлса Ленин бирон кутилмаган ножўя иш қилиб кўймайди деб ўйлашган эди. Текшириб кўришни ваъда қилишди. Чиндан ҳам жуда тез фурсатда ҳамма нарсани аниқлашди... Бир ойдан кейин Володарскийнинг суробини тўғри қилишди.

Берлиндаги музокаралар силлиқ ўтмоқда эди. Ганецкий молиявий иш-ларга. Берлин, Гейдельберг ва Цюрих университетларида бежиз ўқимаган эди. У қатъий валютани қаерда, қандай қилиб, қайси шартлар асосида жой-лаштириш кераклигини жуда яхши биларди. Ленин ҳақидаги завку шавққа тўла хотираларида Ганецкий ҳузурланиб ўша қушларни эслайди. Ҳузурланмай ўлсинми 1932 йилда ГПУ Швейцария банкларидан бирида шахсан Ганецкийнинг номида 60 миллион франк борлигини аниқлаган Ганецкий ёзади: «Гарчи зангори стол теварагида немис банкларининг Мендельсон, Глазенап ва бошқа казо-казолари билан учрашишга уничалик кўнглим чопмаётган бўлса-да, делегациямиз музокараларни чакки олиб бормади. Бу музокаралар натижасида Брест-Литовский шартномасига қўшимча битимлар имзоланди. Бу битимларга кўра Германиянинг молиявий даъволари бўйича тўланадиган тўловлар миқдори аниқ белгиланган ва айни чоқда ички иқтисодий сиёсат соҳасида Совет Россиясининг тўла мустақиллиги таъминланган эди». Серзарда немис банкирлари ва уларнинг швейцариялик ҳамкасблари пулларни топиш йўллари масаласида нималардир деб эътироз билдиришга уриниб кўришган. «Аммо биз уларнинг юзига рўй-рост айтдик — бизнинг ишларимизга аралашманглар, жаноблар!» («Кекса большевикларнинг хотираларини ўқисанг, маза қиласан-да!»)

Ганецкий банкирларнинг кўнглини овлаш билан банд экан, Красин саноатчилар билан шуғулланди. Россияда жуда кўп мулкдан жудо бўлган ва бунинг учун бирон-бир товон ундириш илинжида юрган донғи дунёга кетган Сименс — унинг ўз сўзлари билан айтганда, Красин билан учрашувга герман саноатининг кўзирларидан «бутун бир полк»ини таклиф қилган. Улар жуда жиддий одамлар саналади, ўзларининг халқаро обрў-эътиборларини кўз қорачиғидай авайлаб эҳтиёт қилишади (банклар бу масалада жиндай андишасизроқ бўлишади). Саноатчилар аввалига сергакроқ туришди. Шу туфайли улар янги бино бўлган савдо халқ комиссарининг ўтмиши билан танишиб чиқишдан ҳам эринишмади, аммо наркомнинг «мана ман» деб турган жиноятларга тўла ҳаёт йўли саноатчиларга унча маъқул келмади.

Аммо танлаш учун имконият йўқ — бориға қаноат қилиш керак эди. Бир томондан қуруқликдаги фронтлар исканжасида, бошқа томондан денгиздаги инглиз қамали туфайли бўғилиб қолган Германия жон талвасасида эди —

¹ Князь Андроников Распутиннинг дўсти, Синоднинг обер-прокурори қошида махсус топшириқларни бажарувчи собиқ мансабдор, подшо оиласи билан борди-келдиси бор. Пикуль томонидан «Сўнги ҳудуд олдида» романида завк-шавк билан тасвирланган: «Жаҳон пролетариати» хўб ғалати ижрочилар гуруҳига эга бўлган-да! Октябрь тўнтаршидан кейин Андроников конли Кронштадт ЧКсининг бошлиғи бўлганга шубҳа қиладиганлар бўлса, «Ленин ва ВЧК» деган китобни кўришсин. Москва. 1975, 229- саҳифа.

унинг кўшинлари Ғарбда Франциянинг ярмини эгаллаб турган ва шарқда Тифлис кўчаларида гурсиллатиб қадам ташлаётган бўлсалар-да, бу уларнинг аҳволини енгиллатолмас эди. Денгиз савдоси 1914 йилдаёқ тўхтаб қолганди. Германиянинг ифтихори бўлган ва Кайзер жуда бошқача меҳр қўйган денгиз флоти эса бутун уруш давомида мамлакатнинг бурнидан инглиз сиртмоғини олиб ташлаш учун бор-йўғи бир мартагина кўрқа-писа уриниб кўрди, холос. Саноатни қайта тикламаса бўлмас эди. Красин эса уларга хомашё таклиф қиляпти. Яна шунақа миқдордаки, бунча хомашё немисларнинг тушига ҳам кирмаган. Таклиф қилинаётган хомашё миқдорини улар 1917 йилнинг бошига келганда Россияда стратегик хомашё захиралари қанча қолгани ҳақидаги разведка маълумотлари билан солиштириб кўришади. Ё Парвардигор! Бутун уруш йилларида рус саноати минг машаққат билан тўплаган хомашёнинг ҳаммасини супуриб-сидириб олиб кетишни таклиф қилишмоқда. Шу гапларнинг ҳаммаси чинмикан? У ерда ҳокимият тепасига келганлар қанақа одамларикин? Бу ишларда алланечук фирибгарлик йўқмикин? Бу таклифларни яна бирон одам тасдиқлаши мумкинми? Марҳамат! «Германияга товарлар сотиш ва харид қилишга тааллуқли ҳамма масалаларда бевосита генерал консулликка, жаноб В. Р. Менжинскийга мурожаат қилинсин». Лениннинг айтишича, бу одамнинг обрў-эътиборида тангадек доғ йўқ... Худди шу пайтда Иоффе билан Менжинский қўли қўлига тегмай, ваколатхона ва генерал консуллик номига ҳам қуруқликдан, ҳам денгиз йўлидан келаётган беҳисоб юкларни қабул қилиш билан овора эдилар. Баъзи бир яшиқлар билан контейнерларни тушириб ҳам ўтирмай, тўғри Швейцарияга жўнатиб юборишарди.

Парвус ҳамма гапдан хабардор бўлганида бу ишлардан мамнун бўларди, албатта. Аммо у анча-мунча ишлардан беҳабар эди. Бир амаллаб унинг ҳомийлигидан қутулиб олган Ленин собиқ устозига ҳамма режаларини батафсил маълум қилиш ниятида эмасди. Ҳар томони дипломатик сўргичлар билан қопланган баъзи бир яшиқларда большевиклар томонидан хорижга олиб кетилаётган тилла тангалар, ёмбилар, заргарлик буюмлари ва санъат асарлари, платина ҳамда қимматбаҳо тошлар йўқ эди. Аксинча, большевиклар немис тилида апил-тапил босиб чиқарган рисоалар ва варақалар жойлашган эди. Уларда эса Германия ишчилари ва деҳқонлари ўз мамлакатларида ҳозир Россия бошидан кечираётган қонли бошбошдоқлик ҳолатини жорий этишга чақирилганди. Баъзи яшиқларда эса милтиқлар ҳам бор эди. Бутун жаҳонга вабо тарқатиши мумкин бўлган ажал уруғи борган сари ёйилиб бормоқда эди. «Агар Россия бошига солган кунларимизни Германия бошига ҳам солиш имконияти туғилиб қолса, биз бу имкониятдан мутлақо юз ўтирмаймиз», — деб эътироф этганди сурбет Радек.

Хўш, Менжинский-чи? У қандай гуноҳ қилган эдики, хўжайини Держинский Лубянкадаги ишларини ташлаб, қутилмаганда Швейцарияга келишга мажбур бўлди? Гап Воровский, Володарский ва кейинчалик маълум бўлишича, Зиновьев ҳам ўғирликка қўл урганида ҳам эмас. Тўғрироғи, фақат шунда эмас. Гап бу ёқда эдики, Парвус энди Ленинга малол кела бошлаган эди. Йўқ, йўқ, у жаҳон пролетариатининг дохийси бўламан деб даъво қилаётгани йўқ ёки матбуотда Ильич билан назарий баҳслар олиб боргани журъат ҳам қилмади (табиийки, Парвус «партиявий публицистика» деб аталган марказ ҳақида ўйлашни аллақачон хаёлидан ҳам чиқариб юборган эди). Аммо Ленин Парвус ўз ҳаётида қанақа роль ўйнаганини ва махсус вагонда урушаётган Германиядан ўтар экан, унинг олдида зиммасига қандай мажбуриятлар олганини бир дақиқа бўлсин унутгани йўқ эди. Ленин Парвусни жуда хавфли гувоҳ деб билар ва бу фикрида жон бор эди. Бундан ташқари, режанинг муаллифи Парвус эди, аммо режа ўнг келиб, амалга ошиб қолгандан кейин Лениннинг ўзи унга муаллиф бўлишни хоҳлаб қолди.

Аммо бу ҳам ҳали энг асосий сабаб эмасди, асосий сабаб шунда эдики,

Парвус ўз бақалоқ гавдаси билан Ғарб банкларининг кенг тармоқ ёйган тизими билан алоқа қилинадиган ҳамма йўллари тўсиб олган эди. Шу тарзда у қандайдир ўйин қилар ва бунинг оқибатида ўз ҳамёнига қанча уриб қолаётгани маълум эмасди. Лубянка ертўласида халқаро тажрибага эга бўлган анча-мунча кекса ва пихини ёрган молиячилар тўпланиб қолди. Улар қийноққа олингач (кўпинча эса қийноқсиз ҳам) молия дунёсидаги жуда катта сирларни ва алоқаларни айтиб беришди. Бу эса Парвус кўзда тутган ишларни янада каттароқ кўламда Германиясиз ҳам амалга ошириш имконини берарди. Аммо бу келажакдаги иш, ҳозирча эса Парвус керак эди. Шунинг учун уни йўқотиш масаласи орага тушган бўлса ҳам, ҳали фурсати етгани йўқ деб тан олинди ва кечиктирилди. Мутлақо ҳолис бўлмоқлик учун яна шуни эътироф этиш керакки, 1918 йилнинг 19 июлида Кремлда бўлиб ўтган мажлисда (шу мажлисдан кейин Николай II ва унинг оила аъзолари отилгани ҳақидаги дастлабки маълумотлар бутун дунёга тарқаган эди) Парвуснинг фамилияси тез-тез тилга олиниб турган бўлса-да, уни тугатиш муносабати билан эмас, балки унинг «Кам!» деган машҳур луқмаси ва пухта ўйланмаган ҳамда назоратсиз амалга оширилган экспроприация (миллийлаштириш) ҳақидаги мутлақо ҳақли мулоҳазалари муносабати билан айтилганди. Кейинчалик Лениннинг ўзи ҳам бунақа хитобларда русча бўлмаган сўзларни қўллаш маъқул эмаслигини тан олди ва «Таланганни тала!» деган машҳур шioriни ўртага ташлади.

Хуллас: Эшитилди. Қарор қилинди. Кейин эса Қизил террор бошланиб кетди.

Урицкийни тугатишни буюриб ва ўзига қарши уюштирилган суиқасддан фойдаланиб Ленин инсоният тарихида биринчи марта аҳолининг бутун-бутун қатламларини оммавий қириб ташлашга фотиҳа беради. Ўшанда ўлимга маққум қилинганларнинг ижтимоий аҳволи «буржуй» деган мужмал бир тамға билан белгиланган эди. Бўлғуси қурбонларнинг рўйхати тўнтаришдан кейиноқ тайёрлана бошланган эди. Ўшанда «бадавлат синфлар»га мансуб одамлар турар жойи бўйича шахсан Лениннинг буйруғи билан рўйхатга олиб чиқилганди. Гарчи «бадавлат синфлар»га мансуб одамлар дейилган бўлса-да, амалда мамлакатнинг ҳамма аҳолиси тўла-тўқис қамраб олинганди. Лениннинг рус халқининг 90 фоизи қирилса қирилиб кетсин, атиги 10 фоизигина жаҳон инқилобига етиб борса бас, деган машҳур ибораси мислсиз бир кўламда амалга ошира бошланди. Бу ибора Лениннинг ҳамкорларини жуда қойил қолдирганди, тўғри, улар бу иборани муболаға деб ҳисоблашганди. Бу пайтга келиб, большевиклар назорати остида бўлган ҳудудлар турли-туман уезд, губерна ва бўлис ЧКларининг шунақанги қалин тўрлари билан ўраб олиндики, ҳатто «Правда» газетаси ҳам «шўролар ҳокимияти» амалда «чекалар ҳокимияти» билан алмаштириб бўлинганини оғзидан бол томиб қайд қилган эди. Бутун мамлакатни қоплаб олган ана шу идораларга Москвадан эълон қилинган террорнинг маъносини тушунтириб берувчи қўлланмалар юборилди: «Биз айрим шахсларга қарши уруш олиб бораётганимиз йўқ. Биз буржуазияни синф сифатида қириб ташламоқдамиз. Тергов вақтида айбланувчининг совет ҳокимиятига қарши иш билан ёхуд оғизда ҳаракат қилганини исботловчи материаллар излаб ўтирманглр. Сиз айбдорларга берадиган биринчи савол унинг ижтимоий келиб чиқишини, олган тарбияси, маълумоти ва касби-кори ҳақида бўлмоғи керак. Шу саволлар айбланувчининг тақдирини белгилаб бермоғи шарт. «Қизил террор»нинг маъноси ва моҳияти ана шунда!»

Аммо унинг маъноси расмий қўлланманинг бир шапалоқ матнида ифодаланганига қараганда анча чуқур эди. «Отиб ташлаш учун бизга на далил, на сўроқ, на гумон керак. Биз лозим кўрсак бас, отиб ташлайверамиз, вассалом!» — деб тобеларига уқтирган Дзержинский. Шу билан у ўз ходимларига бу тадбирга «бадавлат синфлар»ни шунчаки махв этиш деб эмас, балки анча кенгрок қараш зарурлигига ишора қилган. Гап умуман олганда бутун халқ

тўғрисида бормоқда эди. «Қизил террор» билан бир пайтда гаровга олинганлар тўғрисидаги машҳур Буйруқ ҳам эълон қилинади. Унда шундай дейилган: «Буржуазия ва офицерлардан жуда кўп одам гаровга олинмоғи керак. Оқгвардиячилар орасида қаршилик кўрсатишга қаратилган жиндай уриниш ёхуд жиндай хатти-ҳаракат бўлса, бунга қарши ҳеч қандай гап-сўзсиз оммавий отиш татбиқ қилинмоғи зарур». Террор бир зумда тизгинсиз қонли қирғин тусини олди. Мамлакатда узоқ йиллар чўзилиб кетадиган даҳшатли ва сертомир ўзбошимчаликнинг пойдевори ўшанда қўйилган эди. Биз бугун ҳам унинг самараларини кўриб турибмиз.

Аммо масалага янада чуқурроқ қарасак, «қизил террор» большевикларнинг шунчаки навбатдаги молиявий тадбири бўлган эди. Большевиклар аҳолининг қўлида ҳали халқ банклари ва молия халқ комиссарлиги томонидан тортиб олинмаган оз-моз пул қолганига алам қилиб, шу тадбирни ўтказган эдилар.

Инқилобдан олдин фалокат босиб дворян, савдогар, фахрий фуқаро, адвокат офицер деб аталиб қолган, эндиликда эса «буржуй» деб ном олган шўрликлар истиқомат қиладиган уйларнинг ҳаммасига бошдан-оёқ қуролланган большевиклар ярим гунда бостириб кирар, синчиклаб тинтув ўтказар, пул ва қимматли ашёларини тортиб олар, одамларнинг на жинси, на ёши, на соғлиғига қарамай, баъзан эса ҳатто терлама билан ётганларни ҳам юпун кийимда кўчага судраб олиб чиқишар ва аввалдан тайёрлаб қўйилган араваларга ўтказиб, соқчиларнинг милтиқлари остида шаҳардан ташқарига олиб чиқиб кетишарди. Уларнинг бир қисмини, айниқса, ёш ва бақувват йигитларни жойида отиб ташлашар, қолганларини турли қамоқхоналарга тиқиб ташлашар эдилар. Жувонларни кўпинча зўрлашар, кейин ўлдириб юборишарди. «Буржуй»ларнинг молу мулки гўё «ишчиларга тарқатиш учун» мусодара қилинарди. Аммо ўша пайтларда, яъни бутун мамлакат бўйлаб иш ташлаганлар оммавий тарзда отиб ўлдирилаётган бир шароитда кейинчалик ишчиларга нима текканини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади. Олтин билан қимматбаҳо буюмлар топширилар эди (ижрочиларнинг ҳамёнига ўрта ҳисобда уларнинг 15 фоизидан ортиғи кирмас эди), китоблар, қўлёзмалар, истеъдодли лойиҳалар, бебаҳо архивлар тўғридан-тўғри ташлаб юборилар, бир қисми ўғирланар, бир қисми эса чайқовчиларга сотиларди. Ўз навбатида чайқовчилар бу буюмларни сотаётганларида қўлга олиниб, кўпинча харидорлар билан биргаликда отиб ташланарди. Буларнинг бари у ёки бу кўринишда бутун мамлакат бўйлаб содир бўларди. Аммо булар қуйи даражада юз бераётган ишлар эди. Бир баҳя юқори даражада иш «салмоқлироқ» асосда олиб бориларди. Мабодо бирорта одамнинг пули кўп деб тахмин қилинса ва ҳатто ажнабий банкларда яшириб қўйган маблағи бор деб ўйланса, уни чақириб олиб, очикчасига гаплашиларди: унга «сен ижтимоий келиб чиқишингга, олган тарбиянгга ёхуд касби-корингга кўра тугатилишга маҳкумсан, бундан қутулиб қолишнинг иложи йўқ. Аммо шўро ҳукумати инсонпарвар ҳукумат, у ўзининг қонун-қоидаларига хилоф бўлса-да, сенинг ҳаётингни ва эркинлигингни сақлаб қолишни таклиф қилади. Бунинг учун сен тилла баҳосида 400 минг сўм тўлашинг ёки шунга барабар истаган валютада пул беришинг керак. Бунинг эвазига тўғри хорижга жўнаб кетаверасан», дейишарди. Кимда-ким бунга дарров кўнса-ю, пули ва қимматбаҳо ашёларини яшириб қўйган жойини айтиб берса, уни бойликларини ҳукуматдан яшириб келганликда айблаб отиб ташлашарди. Агар борди-ю, ўжарлик қилиб айтмаса, уни беқиёс қийноқларга дучор қилишар, кўз ўнгида бутун оила аъзоларини қийнашар, кейин эса натижа қандай бўлишидан қатъи назар, барибир, бутун оиласи билан бирга отиб ташлашарди. Аста-секин таслим бўлиб борганларни турмада 1934 йилгача ушлаб туришган ва ундан миллионларини оз-оздан суғуриб олишган.

Лекин, ростини айтмайлик — баъзи одамларни турмадан чиқаришган

ҳам, чунки уларнинг молу дунёси беҳисоб бўлган, «инқилоб шунқорлари» эса аллақачон порахўрлик ботқоғига шу қадар ботиб улгурган эдиларки, кўпинча нафс балоси олдида тиз чўкишган. Бу масалада, айниқса, Петроград ЧКси ва унинг инқилобий Кронштадт бўлими ажралиб турган. Бу бўлимга биз юқорида танишган князь Адронников бошчилик қилган. Урицкий ўлдирилгандан сўнг «инқилоб бешиги» ҳисобланмиш шаҳар ЧКсига Глеб Бокий бошчилик қилди. У Держинскийнинг арзандаларидан эди, ўзининг собиқ бошлиғи Урицкийга қарши суиқасдни зўр маҳорат билан уюштирганидан сўнг хизмат пиллапояларидан жуда тез кўтарилди бошлади. Гаровга олинганлардан пулини суғуриб олиш маҳорати Москвадагиларнинг ҳасадини кўзгаганди. Пойтахт ҳайвонот боғидаги жониворларни отилганлар гўшти билан боқиш ҳақидаги фикр айна шу Бокийнинг миясидан чиққан. Олис мамлакатлардан келтирилган ҳайвонлар қиммат турарди ва большевиклар ўнг келиб қолганда уларни кимларгадир пуллашни кўнгилларига тутиб қўйгандилар.

Аммо энг муҳими бунда эмас эди, албатта. Муҳими шунда эдики, Петроградда гаровга олинганларни пул эвазига қўйиб юбора бошлашди. Москвада бу ҳақда Бокийнинг муовинларидан бири машҳур Яковлевнинг махфий ахбороти орқали хабар топишди. Маълум бўлдики, империянинг собиқ марказида сирли ишлар амалга ошириляётган экан. Гаровга олинганларни пинҳоний равишда қамоққа оладилар, уларни аллақайларда яширин хонадонларда сақлайдилар, жуда катта миқдорда гаров ҳақи ҳақида келишиб олишади, кейин уни махфий равишда фин чегарасидан ўтказиб юборишади. Улардан олинган пул ҳеч қайси кассага келиб тушмайди ва расмийлаштирилмайди. Шу тарзда асло хорижга чиқариб юборилиши мумкин бўлмаган бир қатор шахслар омон қолди. «Ҳозирги пайтда,— деб хабар қилади Яковлев,— Петропавловск қалъасида тутиб турилган собиқ улуғ князлар Николай Михайлович, Дмитрий Константинович ва Павел Александровичлар билан махфий музокаралар олиб борилмоқда. Уларга жуда катта товон эвазига озодлик ва хорижга жўнатиб юбориш ваъда қилинган. Аллақачон катта миқдорда пул олинган. Келишувга мувофиқ собиқ улуғ князь Александр Михайлович, хотини Ксения Александровна (собиқ подшонинг синглиси) ва олти фарзанди билан хорижга ўтказиб юборилган. У серфарзанд одам бўлгани учун ака-укалар, у биринчи бўлиб халос бўлмоғи керак, деган тўхтама келишибди»¹. Яковлевнинг ахборотидан аён бўлдики, Петроградда шахсий бойлик орттириш мақсадида аксинқилобий фитна амалга оширилмоқда.

Шармандали ғалва кўтарилди. Гуноҳдан холи бўлиш учун ҳамма улуғ князларни зудлик билан отиб ташлашди. Лениннинг бевосита кўрсатмаси туфайли шошилишч ўтказилган тергов бу «махфий операция»га Держинский бошчилигида ЧКнинг юқори доиралари алоқадор эканини аниқлади. Держинский, Бокий ва яна бир қатор шахслар эгаллаб турган лавозимларидан вақтинча четлаштирилдилар. Ленин Держинскийга бақариб, ЧКни тарқатиб юбораман деб дўқ урди. Держинский тиржайганича индамай турди. У ҳазилни билар эди. Балоба қолган «сурнайчи» топила қолди. Петроградда дабдаба-ю асъаса билан ҳамма ёққа жар солишиб, ЧК район бўлимларидан бирининг бошлиғини қамоққа олдилар. У Козирев деган одам экан. Махфий хонадонда аллақандай ажнабийлардан заргарлик буюмларини фунт-стерлингга алмаштириб олаётганда қамоққа олинди. Уни ошқора, инқилобий тарзда суд қилишди. Буни қарангки, «ўртоқ Козирев» жуда тубанлашиб кетган экан, у ҳатто ЧКнинг ошхонасидан тилла тарел-

¹ Улуғ князь Николай Михайлович жаҳон миқёсида танилган тарихчи. М. Горький унинг учун илтимосномалар ёзган. Ленин зўр жавоб берган: «Инқилобга тарихчиларнинг кераги йўқ!» Улуғ князь Георгий Михайлович ҳам дунё миқёсида танилган археолог, кўпгина илмий асарлар муаллифи.

калар, қошиқлар ва санчқилар қаердан келиб қолганини аниқлагани йўқ. Табиийки, суд вақтида бу тўғрида савол берадиган биронта мард топилмади.

Германия пойтахтига қимматбаҳо буюмлар дарёдай оқиб бормоқда эди. Мамлакатда қон билан бирга сўриб олинган бойликлар ғарбга, халқаро банкларнинг кенг тармоқлаган томирларига бориб қуйиларди. Давлатнинг асосий бойлигини ташкил қилувчи ташаббускор, тadbиркор, истедодли, меҳнаткаш халқни минг-минглаб гўрга тиқишмоқда эди. Биронта мард бўлса, майли, чиқиб айтсин: мамлакатни босиб олган жиноятчилар тўдасининг бу юртни талаб маҳв этишдан бошқа бирон мақсади бўлганми-йўқми? Ҳамма нарсани икир-чикиригача аниқ ҳисоб-китоб қилиб юрадиган немислар ўзларининг 1918 йил ноябрь ойидаги ҳалокатларига қадар «совдепия»дан олиб чиқиб кетган нарсаларини хатлаб қўйган эканлар: 2 миллион пуд қанд, 9132 вагон ғалла, 841 вагон ёғоч материаллари, 2 миллион пуд каноп толаси, 1218 вагон гўшт, 294 вагон мўйна ва ҳоказолар.

Бунга миннатдорлик юзасидан немислар байналмилал армияга Дон сари кенг йўл очиб беришди. Қанотларида немисларнинг мададини ҳис қилган байналмилалчилар армияси Дон казаклари ўлкасига ёриб кирдилар. Уларнинг қўлида Ленин билан Свердлов имзо чеккан дастуруламал бор эди: «Казаклар муаммосини... уларни ялпи қириб ташлаш йўли билан ҳал қилиш керак... Бадавлат казакларга қарши оммавий террор ўтказиб, ҳаммасини битта қўймай кириш керак... Ёнидан ё уйдан қурол чиққан кишиларни отиб ташлаш керак... Ҳамма пул ва қимматбаҳо буюмларни мусодара қилиб, даромад дафтарига ёзиш ва топшириш зарур...» Айни шу кезларда шўринг қургур Гитлер беморхонада ётиб, инглизларнинг газли ҳужумидан кейин эндигина ўзига келмоқда эди...

1918 йилнинг ноябрида Германия кулади ва таслим бўлди. Бундан аввалроқ совет элчиси Иоффе варақа тарқатаётганда қўлга тушиб қолиб, мамлакатдан чиқариб юборилган эди. Тўғри, кўп ўтмай у яна қайтди, аммо бу гал тўғридан-тўғри совет элчихонасининг ҳовлисида варақа эмас, милтиқ тарқатди. Ғарбий иттифоқчилар томонидан немислар зиммасига юкланган таслим шартлари анча қаттиқ эди — унга кўра Германия томонидан босиб олинган ҳамма ҳудудлардан немис кўшинлари тезлик билан олиб чиқиб кетилиши зарур эди. 1918 йил 3 ноябрда ярим кечада Петрограддаги немис консули Зиновьевнинг ҳузурига хайрлашув ташрифи билан борди. Ўтган йил давомида уларнинг ҳамкорлиги чакки бўлмаганди. Коминтернинг раиси бўлган Зиновьев Петрограддаги Андронников, Урицкий ва Володарский билан боғлиқ можароларга аралашиб қолган эди. Ленин буни «халқаро» жанжалга айланишини истамайди ва Зиновьевни шу ғалвалардан омон-эсон олиб чиқиб кетади.

Зиновьев консул билан бир оз асабий ҳолатда хайрлашди. Ҳар жиҳатдан пухта ўйланган оламшумул режа ниҳоясига етмоқда эди. Бу режа ҳар икки томонга ҳам беқиёс даражада катта даромад келтирди. Ҳозирча Болтиқ бўйи орқали алоқа йўли ишлаб турипти. Уни фон дер Гольцнинг «темир гренадерлари» муҳофаза қилишмоқда, аммо шундай бўлса-да, ҳамма орзу-умидлар чиппака чиқиб бўлганди. Ҳозирги шароитда ҳатто фон дер Гольцнинг ҳам ҳеч нарсага кучи етмаслиги аниқ эди.

Германиянинг истиқболи ва тақдири ғоят туманли эди. Большевиклар ҳам ундан баттарроқ аҳволда қолганди. Немисларнинг мададидан маҳрум бўлгач, улар нима ҳам қила оларди? Немислар жуда катта иш қилишди — ҳанг-манг бўлиб қолган рус жамиятидаги ҳар қандай кучларнинг большевикларга қарши уюшган тарзда бош кўтаришга уринишига асло йўл беришмади. Шу жумладан, Дон ва Кубан казаклари билан Кўнгилли армия ўртасида туғилиб келаётган қудратли иттифоқни йўқ қилишди.

Аммо немислар Кремлдаги тўдани фақат уруш тугагунча сақлаб ту-

ришни ўйлашган эди. Немислар урушни ҳар ҳолда ғалаба билан ёки ҳеч бўлмаганда ўзлари учун фахрли сулҳ билан якунлашни мўлжал қилишганди. Бир томондан, Кремлда Либкнехт ва Люксембург томонидан берилган кафолат бор эди — унга кўра Германия бугун бўлмаса, эртага Россия сингари чоҳга қулатилмоғи керак эди. Шунинг учун Германияга қочиш режаси деярли ўзгармасдан қолганди. 1917 йилдаёқ ишлаб чиқилган бу режа бўйича афсонавий тарзда жуда тез ғойиб бўлинарди. Икки марта бу режа ҳаракатга келаёзди. Биринчи марта немис элчиси Мирбах ўлдирилганда — ўшанда немислар Москвани босиб олади деб ўйлашганди, чунки немисларнинг сабр-тоқати тамом бўлди деб ҳисоблашга ҳамма асослар бор эди. Иккинчи марта эса инглизларнинг Архангельскка аскар туширгани ҳақидаги хабар етиб келганида. Негаки, уларга қарши турадиган ҳеч қандай куч йўқ эди. Аммо инглизлар Кремлдаги ваҳима-ю, ҳақиқий аҳволдан мутлақо беҳабар эдилар. Улар бирор ёққа ҳужум қилишни хаёлларига ҳам келтиришгани йўқ. Уларга урушнинг охириги йилида Архангельск портида тўпланиб қолган тоғ-тоғ қурулни назорат остига олиш юклатилганди, чунки инглизлар бу қурулларни большевиклар немисларга бериб юборишидан хавотирда эдилар. Энди эса учинчи марта яна ўша режани амалга оширишга эҳтиёж пайдо бўлди — ҳозир «тайёргарлик даври» эълон қилинганди, чунки немислар кетгандан кейин мамлакатдаги аҳвол қандай бўлиши мутлақо номаълум эди.

Немис консули ҳар қандай дипломат зиммасига юклатиладиган бурчни ўтаб, ўтган йил давомида Германия ва РСФСР ҳукуматлари ўртасида жуда самарали ҳамкорлик бўлганини айтди ва энди бу фаолият ниҳоясига етгани учун таассуф билдирди. Сурбет Зиновьев эса дипломатик одоб доирасида қолишни лозим кўрмади — сирасини айтганда, у бу одобни билмас ҳам эди. Коминтерннинг бошлиғи бир замонлар бошланғич инқилобий маълумотни Одесса баққолларидан олган эди — ҳозир консулга ўшаларнинг тилида хитоб қилди: «Нимасига таассуф қиласиз? Брест сулҳига кўра анча нарса ўмардинлар. Мамнун бўлсаларинг ҳам бўлаверарди».

Кайзер дипломатиясининг эски мактаби ўз вакиллари ҳар қандай вазиятда ҳам темир бардошли бўлишини, босиқлигини йўқотмаслигини жуда қадрларди. Консул ўзини босди, лекин шундай бўлса-да, Зиновьевга жавоб беришда дипломатик одобга жиндай хилоф иш тутди: «Брест сулҳи кимга кўпроқ фойда келтирди — сизгами, бизгами? Бу ҳали маълум эмас». Шундай деб улар хайр-маъзур қилишди.

Немисларнинг кетиши большевикларга қарши курашаётган миллий кучларни илҳомлантириб юборди. Улар тарқоқ ва кучсиз эдилар, қуруллари ҳам йўқ даражада эди. Уларни немис найзалари ва иттифоқчиларнинг бефарқлиги тийиб турарди, лекин, шундай бўлса-да, улар Россиянинг бошига тушган бу касофатни улоқтириб ташлашга жон-жаҳдлари билан уришиб кўришди. Собиқ император армиясидаги бир ҳовуч катта офицерлар ўзларининг оз сонли аскарлари билан дадил ҳаракат қилиб, Россиянинг босиб олинган Марказий ва Шарқий районларига шиддатли ҳужум қила бошладилар. Аммо афсуслар бўлсинки, большевизмнинг заҳарли микроблари оқ армиянинг орқа томонини ҳам ва ундан кўпроқ даражада армиянинг ўзини ҳам заҳарлаб улгурган эди. Лениннинг «Россияга тупурдим, чунки мен большевикман» деган сўзларида аниқ ифодаланган бу микроб ялпи тенглик ҳақидаги айюҳаннослар билан бирга рус жамиятининг Ленин декретларида «душман синфлар» деб аталган ва аямай маҳв этилаётган табақаларини ҳам қамраб олганди.

Генерал Деникин ҳасрат билан эслайди: «Чайқовчилик бекиёс кўламда ёйилди. У ўзининг жинояткорона доирасига турли-туман тоифалар, ҳар хил партиялар ва турли касб-корга мансуб одамларни жалб қилди... Ҳеч шубҳа йўқки, қимматчилик ва у билан чамбарчас алоқада бўлган чайқовчиликнинг

туб сабаблари айрим одамларда эмас, балки халқ ҳаёти ва ҳўжаликнинг умумий ҳодисаларидадир. Уларни вужудга келтирган нарса умуман пул муомаласи ва товар алмаштиришнинг издан чиққани, меҳнатдан путур кетгани, урушу инқилоб оқибатида кириб келган яна бошқа кўпгина моддий ва маънавий омиллардир... Давлат маблағларини ўғирлаш, порахўрлик, харомхўрлик оддий ҳодиса бўлиб қолди, бутун бошли бирлашма ва уюшмалар бу дардга чалинди. Маошларнинг камлиги ва ўз вақтида берилмаслиги бу ҳодисаларнинг сабабларидан бири бўлди. Масалан, темир йўл транспорти ўз ходимлари томонидан аёвсиз таланди. Оддий йўл билан поездда юриш ва унда юк жўнатишнинг иложи бўлмай қолди.

Дон ҳукумати Кубандан тўғри йўл билан ғалла олишга эришолмагач, уни харид қилишни йирик ишбилармон Молдавскийга топширди. Ғалла Дон ҳукуматига ҳаддан ташқари қимматга тушган бўлса-да, чиндан ҳам катта миқдорда кела бошлади. Молдавскийнинг одамлари оддий станица мирзаси-ю, темир йўлнинг мойловчисидан бошлаб энг катталаригача оғизларини мойлади. Ҳатто Кубан Радасида Молдавский бутун маъмуриятни айнитиб юборгани ҳақидаги масала кўтарилган эди. Аммо менга шундай туюлдики, Раданинг зорланиши унча ўринли эмас, негаки олувчиларни ҳам, берувчиларни ҳам бирини-бирига урса бўлади. Қонунга чап бериш анъанаси бутун халқ ҳаётига сингиб кетган эди. Бу ҳар хил катта-кичик фирибгарлар ва муттаҳамларни пайдо қилди. Шаҳарларда бузуқчилик, жиноятчилик, пиёнисталик, қиморбозлик учига чиқди. Фронтдан келаётган офицерлар бу ботқоққа бошлари билан шўнғидилар. «Ҳаётнинг икки пуллик қиммати йўқ. Бир кун бўлса ҳам яшаб қол!» Улат вақтидаги маишат эди бу!»

Ҳатто мана шундай шароитда ҳам аср бошидаги истеъдодли рус саркардаси ўз кўшинини шиддат билан Москва сари бошлаб борган. Генерал Деникиннинг армияси қудрати равнақ топган йилларда ҳам 150 минг кишидан ошган эмас, шунга қарамай, у бир неча ой мобайнида жуда катта ҳудудни большевиклардан тозалади. У Харьков, Полтава, Киевни озод қилди (немислар Украинадан чиқиб кетаётиб, Киевни Ленинга бериб кетишганди). Воронеж ва Орёлни эгаллади. Кучларини янгидан саралаш мақсадида тўхтаган Деникин Москвани ишғол қилиш учун казак генерали Мамонтовнинг 7000 қиличга эга бўлган отлиқ корпусини юборди. Мамонтовга берилган буйруқда унинг вазифаси аниқ кўрсатилган эди: «Сиз йўл-йўлакай аҳолининг аксилбольшевик кайфиятдаги тоифаси ҳисобига сафларингизни тўлдирингиз бориб, Москвага ҳужумни кучайтиришингиз керак. Ҳужум вақтида душманнинг орқа томонини тор-мор қилиш ва Москва йўналишидаги асосий йўллари назорат остига олиш зарур. Токи бу юқорида зикр этилган йўналишда армиянинг умумий ҳаракатига қулайлик туғдирсин».

Қизил байналмилалчилар фронтини осонгина ёриб ўтган Мамонтов чавандозлари Россиянинг қадимий пойтахти сари йўл олди. Аммо унинг ҳужумкорлик руҳи бир лаҳзада сўнди. Ҳар бир шаҳарда, аҳоли яшайдиган ҳар бир манзилда маҳаллий чекалар ва инқилобий кўмиталарнинг ертўлалари Алибобо ғоридагидек афсонавий бойликка тўла эди. Казакларнинг нигоҳи олдида беҳисоб олтин, дуру жавохирлар, заргарлик буюмлари, тангалар, ёмбилар, санъат дурдоналари намоён бўлди. Бир зумда казаклар олтин вазвасасига учрадилар. Ҳамма ҳарбий вазифалар бир зумда эсдан чиқди. Москвага юриш қилиш ўрнига Мамонтов уюшган қаршиликка деярли дуч келмай, ЧК ва РВК ертўлаларини тозалаш билан шуғулланди.

Бу воқеаларга шохид бўлганларнинг сўзларига қараганда, казаклар ўлжани қўлга киритгач, орқага — Деникин армияси билан қўшилишга эмас, балки уйга — Донга қараб йўл олганида, Мамонтовнинг қарвони 60 қақиримга чўзилиб кетган экан. Тинч Доннинг шону шавкатга тўлган кун-

лари, XVI—XVII асрдаги дориламон замонлар гўё қайтиб келгандай эди. У пайтларда Доннинг шунқор йигитлари узоқ-яқин элатлар устига тез-тез босқин қилиб туришар ва ҳар гал ўз қулбаларига бой ўлжалар билан қайтишарди. Мамонтовнинг корпуси армия қанотини яланғоч қолдириб ўз юртига қайтиб келди. Казаклар ўзларининг станциялари ва хуторларига тарқаб кетишди. Новочеркасскда бутхоналарнинг қўнғироқлари чалиниб, босқиндан қайтган Мамонтов корпусини қутлади. Забардаст генерал 2000 казакни ўзи билан олиб келди, беш минг казак йўл-йўлакай тум-тарақай бўлган эди. Ҳамма беҳад шод эди. Генерал Мамонтов ўлжанинг шахсан ўзига тегадиган улушидан Новочеркасск черковларининг бутлари ва гум-базлари учун 20 пуд тиллани иона қилди. (О, бу тиллаларнинг ғалваси ҳали кейин чиқади. ГПУ ва НКВДнинг фавқулодда тергов комиссияси 1941 йилга қадар собиқ мамонтовчилардан бу тиллани астар-авраси билан бирга суғуриб олади. Уларнинг ҳаммаси хатга тушади. Ҳатто хорижга қочиб кетганлар ҳам қолмайди. Мамонтовнинг омади келиб, кўп ўтмай ўлиб кетади. У партия олтинига қўл кўтариб, Оқлар ишини барбод қилганини англамай, оламдан кўз юмади).

Қозонда авж олган қизил террор саккиз ой мобайнида партия хазинасини олтинга тўлдирди. Аммо Қозондан шу қадар зудлик билан шаталоқ отиб қочишга тўғри келдики, оқибатда ҳеч нарсани олиб кетишга имкон бўлмади. Гаровга олинган маҳбусларни отиб ташлашга базўр улгурдилар, холос. Чеканинг ертўдалари мурдаларга тўлиб кетган эди, шунинг учун олтинларни маҳаллий банкнинг кенг ертўдаларига қўйган эдилар. Большевиклар шаҳардан чиқиб кетган, оқлар эса ҳали шаҳарга кириб улгурмаган бир пайтда, олғир оломон нақ тўрт соат мобайнида банкни роса талади. Йиртқич бир қиёфа касб этган оломон эшикларни парчалаб, бир-бирларини босиб-янчиб суякларини синдириб, қийқириб, қақириб-чақириб, энсизгина айланма зинада дуч келганларни топтаб ўлдириб, олтинларга ва қимматбаҳо тошларга ташланди. Тилла тангалар ва дуру жавоҳирларни челақларда, қалпоқларда, этикларда, тоғорачаларда, кўйлақлардан қилинган халталарда, ҳовучларида ташидилар. Аммо оломоннинг бу ур-йиқит талони Ленин уюштирган мунтазам ва изчил таловчиликдан шу билан ажраладики, оломон талонида унчалик кўп нарсани олиб кетолмайсан.

Оқ аскарлар ўқ узиб оломонни қувлагач, банк биносини ўз химоясига олдилар. Бу банкдаги олтинлар кейинчалик ёмонотлиқ бўлиб донги чиққан Колчак қўлига ўтган эди. Бу тиллаларнинг изини ҳанузга қадар тополмайдилар. Адмирал Колчакнинг армияси унча кўп шаҳарни эгаллаган эмас, аммо қўлга киритган шаҳарларида адмирал 8878 пуд, яъни 142 тонна олтин тўплаган. Унинг бир қисми қурол-аслаҳа сотиб олишга сарфланган, бир қисмини эса Колчак ўз ҳаётини хавф остида қолдириб, хорижга чиқариб юборган ва у ерда тиллаларни ўғирлаб кетишган.

Москва ваҳимада қолганди, бироқ Петрограддаги аҳвол ҳам бундан кам эмас эди. Шаҳарга жануб томондан ярми гимназист йигитчалардан ташкил топган кичиккина армия билан Юденич яқинлашиб келмоқда эди. Большевиклар ҳали отиб улгурмаган одамларни шошилишча равишда йўқ қилишга киришдилар. Бутун-бутун оилаларни отиб ташлашди. «Агар енгиб чиқса, бизни узоқ вақт эслаб юришсин!» Зиновьев қўрққанидан жони чиқиб кетгудай аҳволда эди. Ленин телеграммалар йўллаб унга мадад берган бўлди. Телеграммаларда ишчиларни қуроллантириб, Юденичга қарши ташлашга, чекинишни хаёлларига ҳам келтирмаслик учун «байналмилалчи»ларнинг пулемётларини қўйишга маслаҳат берилганди. Сафарбар қилинган офицерларнинг оилаларини гаровга олиш керак-да, агар Юденичнинг ҳужуми тўхтатилмаса, оилалари отиб ташланиши ҳақида уларни огоҳлантириб қўйиш шарт. Ҳаммасини отиш керак. Айниқса, собиқ йирик ҳарбийлар ва амалдорларнинг ҳаммасини ёшига қарамай отиб ташлаш зарур. Уларнинг ёнида ҳеч мириси йўқ, лекин ҳар балони кутса бўлади.

Оммавий қатллар бўронида ажойиб рус саркардалари, флот бошлиқлари, олимлар нобуд бўлди: Адмирал Скридлов, Иессен, Штакельберг, Бахирев ва Развозовлар... Аммо фақат оммавий қирғинлар билангина бўлғуси ҳалокатнинг аламини олиш мумкин эмас эди. Бошқа чоралар ҳам кўрилди.

Аввалига ҳамма нарса одатдагидек ўта уқувсизлик билан қилинди. Дағдағ қалтираб отилишини кутиб турган гаровга олинган бадавлат одамга кўчмас мулкни бошқа бир шахсга сотиш таклиф қилинарди. Харидор кўпинча ажнабий фуқаро бўларди. Ҳар икки томоннинг имзолари ва шахсий муҳрлари қўйилган тегишли ҳужжатлар расмийлаштириларди. Бу кўчмас мулк (заводлар, магазинлар, кемалар, темир йўллар, наشريётлар ва ҳоказолар) аллақачон тартиб олиб қўйилганини ҳеч ким эсламас эди. Ўлимга маҳкум қилинган одам ҳам ҳеч қанақа ортиқча савол бериб ўтирмас эди, чунки мулкни сотиши эвазига унинг ҳаётини сақлаб қолиш ваъда қилинарди. Иш битгандан сўнг эса гаровга олинган одам отиб ташланар, унга тааллуқли ҳамма ҳужжатлар йўқ қилинарди. У одам дом-дараксиз ғойиб бўлганга чиқариларди. Унинг ҳамма мулкига эса бошқа одам эгалик қилаверарди.

Шундай қилиб большевиклар, ҳозирги тил билан айтганда, бегоналарнинг мулкни приватизация қилиш йўли билан бозорга кирмоқчи эдилар. Агар, айталик, оқлар ғалаба қозонсалар, биринчи навбатда қисқа фурсатларда хўжаликни изга солиб юборишлари керак бўларди. Бирон завод хусусий одамнинг қўлида бўлса, оқлар буни, албатта, маъқуллаган бўларди. Заводнинг хўжайини авваллари ҳеч ким танимаган жаноб Н. деган одам бўлиб чиқди. Аммо бу завод Парамонов деган савдогарники эканини ҳамма яхши эслайди. Жаноб Н. ҳужжат кўрсатади. Унда айтилишича, савдогар Парамонов заводни унга 1916 йилдаёқ сотиб юборган экан. Нега буни ҳеч ким билмаган? Бу тижорат сири. Гап шундаки, заводнинг собиқ хўжайини жуда оғир молиявий аҳволга тушиб қолган ва бундан одамлар воқиф бўлишини истамас эди. Қаерда у ҳозир? Номалум. Жаноб Н. айтадики, савдо пишгандан кейин у Россиядан хорижга кетган эди, жаноб Парамоновни 1916 йилдан бери кўргани йўқ. Қанақа замонлар бўлганини биласиз-ку? Ҳамма ҳар ёққа тирқираб кетди. «Аммо шундай маълумотлар ҳам борки, Парамонов большевикларнинг қўлига тушган ва бутун оиласи билан отиб ташланган». «О, Парвардигор! Қандай ваҳшийлик-а! Жуда ажойиб одам эди марҳум!»

Албатта, баъзан бундай ишларнинг пачаваси ҳам чиққан. Ҳар хил фош қилишлар бўлиб турган. Ҳар нарсани кавлаштирадиган журналистлар бунақа кўзбўямачилик қандай амалга оширилгани ҳақида бирон дадил фаразни ўртага ташлашлари ҳам эҳтимолдан холи эмас эди. Улар гувоҳлар ҳам топиши ва мамлакатнинг бутун иқтисодиёти большевик жосусларнинг қўлида деб шовқин кўтаришлари мумкин эди. Аммо аксарият ҳолларда далил-исбот топишнинг иложи бўлмасди. Далил-исбот топилмади деб ўз иқтисодиётингни хароб қилмайсан-ку! Ҳаммаси ишлаб турипти, яна нима керак? Завод эгаларининг сиёсий эътиқодларига келсак, бу энди иккинчи даражали масала.

Бир оз кейинроқ ЧКда графологлар ва қалбаки пул ясовчилар бўлими пайдо бўлгандан сўнг гаровга олинганларга ҳеч қанақа таклиф билан мурожаат қилмай қўйдилар — энди уларни тўғридан-тўғри отиб ташлашар, керакли ҳужжатларни эса жуда ўхшатиб мустақил ясаб, ўзлари расмийлаштирар эдилар. Жуда катта миқдорда сохта банк дафтарлари, векселлар, қарз ҳақидаги тилхатлар, олди-сотди ҳужжатлари расмийлаштирилди. Улар 1912 йилгача ҳар хил саналарга эга бўлиб, анча-мунча машҳур одамлар номидан ясалган эди. Бу одамларнинг бир қисми ўз ажали билан ўлиб кетган, яна бир қисми эса маҳв этилганди. Бундай одамлар кўпинча нафақат оиласи билан

йўқ қилинарди, агар қўлга тушиб қолишса, яқин ходимлари ҳам отиб ташланарди.

Буларнинг барини тузум барбод бўлиб, мамлакатдан қочишга тўғри келиб қолганда амалга ошириш режалаштирилган эди. Аммо большевиклар ўзларининг 74 йиллик ҳукмдорлик даврларида ҳеч қачон эртанги кунлари учун беҳавотир яшамадилар. Шу пайтга қадар ўзларини улоқтириб ташламаганлари учун уларнинг ўзи ҳам кўп ҳайрон қолганлар. Шу сабабдан режа доимий равишда янгиланиб, тузатилиб борилган ва у ҳатто бизнинг кунларимизга ҳам етиб келган. Аммо, афсуски, тузум қуламади. «Биз Россияда тўғридан-тўғри ёки бевосита тарзда онасини, отасини, акасини, қизини, ўғлини ёки умуман биронта яқин одамни ўлдирмаган битта ҳам хонадон йўқ, — деб таажжуб билан ёзади Бухарин. — Шундай бўлса ҳам Феликс жуда хотиржам тарзда деярли ҳеч қандай соқчиларсиз (ҳатто баъзан кечалари) Москва кўчаларида пиёда юради. Биз унга бунақа олифтагарчиликни тақиқлайдиган бўлсак, у ижирғаниб кулади-да, «Нима? Чоғлари келмайди итваччаларнинг» деб жавоб беради. Ҳа, унинг гапи тўғри: журъатлари етмайди... Кўп қизик мамлакат-да!» Ва бу мамлакатда чиндан-да кўп ғалати воқеалар содир бўлган. Хориждан Москвага қуйидаги мазмунда махфий маълумотлар келган: «Кройз ва Фуна (Берн) банкидаги ҳисоблар шифрини ечишга муваффақ бўлинди. 13 номерли лотинча, С — номерли лотинча, уч юз қирқ саккиз ўн беш тўқсон олти ноль-ноль ўн етти, зет лотинча, Т. Жорий ҳисобдаги бир миллион 800 минг швейцария франки Никодим Пантелеевич Парфеновники. У «Кавказ ва Меркурий» жамиятининг ҳиссадори. Ҳисобнинг девизини аниқлашнинг иложи бўлмади. Керд».

Дзержинский Швейцарияга бежиз бормаган эди. Парвузнинг уринишлари ҳам беҳуда эмасди. Банклар нафақат қон юки сақланиб қолган тиллаларни қабул қилган, балки ўзларининг миқозларига ЧКни гижгижлатишдан ҳам тоймаган. Негаки, юқоридагига ўхшаш хуфийа хатни фақат банк ходимигина юбориши мумкин. Махфий мактубга қуйидаги маълумотнома бириктириб қўйилган: «Никодим Пантелеевич Парфенов кўприк қурувчи инженер, завод эгаси, Волга-Каспий дарё кемачилиги уюшмаларининг ҳиссадори. Ҳозирги пайтда Киевда оқлар қўли остида».

Ҳечқиси йўқ. Кутамиз. Ҳеч қаёққа кетолмайсан, азизим. Девизингни ҳам, пулни олиш учун зарур бўлган бошқа нарсаларни ҳам ўзинг айтиб берасан. Керак бўлиб қолса, хориждан ҳам сени топиб оламиз.

Албатта, янги ҳокимият бошлиқлари билан қай бир даражада алоқада бўлган одамларнинг ҳаммаси кармонларини валюта ва тилла тангаларга тўлдириб олишган эди. Негадир у пайтларда бу кимга мумкин-у, кимга мумкин эмаслиги ҳали унча аниқ эмас эди. Ажнабий валюта билан қўлга тушганлар орасида ҳатто Финляндия темир йўлининг 293- номерли «машҳур» паровозини қайдовчи машинист Ялава ҳам бор эди. У тўнтариш арафасида Ленинни ўз паровозида Петроградга олиб келганди. Бир-бирини такрорловчи кўпдан-кўп декретлар ва фармонларда ажнабий валютани ва олтинни сақлагани учун ҳеч қандай суду терговсиз отиб ташлаш кўзда тутилган эди. Борди-ю жуда омадинг келиб қолса, молу мулқинг мусодара қилинарди. Машинист шўрликни шахсан Лениннинг ўзи қутқаришга жазм қилди. Таниқли чекист-жаллод Уншлихтга жаҳон пролетариатининг дохийси ёзади: «Ўртоқ Ялавани 1917 йилдан бери шахсан танийман. Унинг ҳалоллигига шак-шубҳа йўқ эканини тасдиқлайман. Ундан олиб қўйилган пулларни дарҳол қайтариб бериш тўғрисида кўрсатма беришингизни илтимос қиламан. Кўрсатмангиздан бир нусхасини уни бажаришга жавобгар одамнинг исми-фамилияси билан бирга менга жўнатишингизни сўрайман».

Иккинчи: ўртоқ Ялаванинг уйида ўтказилган тинтув ҳақидаги ҳамма ҳужжатларни талаб қилиб олсангиз-да, менга жўнатсангиз. Иловани қайтаришингизни сўрайман. Коммунистик салом билан Ленин».

«Ўртоқ Ленинга,— деб шошилишч телеграмма жўнатади Уншлихт.— Мавжуд қондаларга кўра ажнабий валюта мусодара қилиниши керак. Петроград Губерна ЧКси шундай қилган кўринади. Ялаванинг қачон ва қаерда қамоққа олингани кўрсатилмаган. Бу Сизнинг топшириғингизнинг зудлик билан ижро этилишига таъсир қилади. Коммунистик салом билан Уншлихт».

Телеграмма устида Лениннинг резолюцияси бор: «Ўртоқ Н. Горбунов!.. Натижасини менга маълум қилинг: 1) Пуллар қайтарилдими? 2) Ялава қандай жазога тортилди ва уни қачон ўтаб бўлди? II—VI. Ленин».

Иш бошқарувчининг сўровига ВЧК «Тилла, кумуш ва ажнабий валютадан бошқа ҳамма нарса қайтариб берилди», деб жавоб берган.

Шундай қилиб, Скандинавия банкларига тилла олиб бориб турган Ялава қўлга тушиб қолган, негаки, унча-мунча пул унинг «ҳамёнига ҳам ўтиб қолган». Табиийки, бу маълум бўлган ва пулни олиб қўйишган.

Аммо эски хизматлари бор одамларнинг ҳаммаси ҳам бунақа осон, яъни оддий мусодара билан қутулган эмас. Кронштадт ЧКсининг раиси донгдор князь Андронников бунга мисол бўла олади. Князь катта ўғирлик қилар, лекин ўлгудай ишлар ҳам эди. Кронштадт орқали юкларни Германия ва Скандинавияга ва ундан нари Америка Қўшма Штатларига жўнатишдан ташқари у яна машхур Кронштадт турмаларидаги ҳар бир маҳбусни қўлидан ўтказарди. Бу ерга энг ашаддий, энг ўжар, ҳар қандай қийноқ остида ҳам молу мулкани беришни истамаган, олди-сотди ҳужжатларига имзо чекмаган, ўз ҳисоб рақамини айтмаган маҳбуслар жўнатиладди. Собик князь уларнинг ҳар бири билан шахсан ўзи алоҳида иш олиб борар, уларнинг ичидаги ҳамма гапни суғуриб олар, лекин бошлиқларга билиб олганларининг ҳаммасини ҳам айтавермас эди. Бу борада унинг ўз махфий ҳисоб-китоб дафтари бор эди. У икки марта Урицкийнинг ишидан ҳам, Бокийнинг ишидан ҳам омон чиқди, жуда усталик билан пулларини Швейцария ва Швеция банкидаги ўз махфий ҳисобига ўтказди, аммо у ҳам соддалигига бориб, банклардан Кремлга махфий ахборот келиб туришидан беҳабар эди... «Ҳаддан ташқари муҳим» ва махфий ишларни князь-чекист тўнтаришдан олдин ҳам, кейин ҳам бажарган. Кронштадт ЧКсига Ленин ва Дзержинскийнинг тавсияси билан тайинланган князь Кронштадт соҳилларидан аллақандай англаб бўлмайдиган байроқлар остида, кўпинча эса ҳеч қандай байроқсиз Болтиқ денгизининг туманли зулмати қаърига кетаётган сирли кемалар қаёққа йўл олганини ва қандай юк олиб кетаётганини жуда яхши биларди. Шунинг учун Германия ҳалокатга учраши биланоқ у билан ҳам ҳисоб-китоб қилиш фурсати келди. Аммо князь Андронниковга ўхшаган одамни орадан кўтариб ташлаш унча осон иш эмасди. ЧКда жуда катта обрў-эътиборга эга эди. Шунинг учун ишни ҳаддан ташқари нозиклик билан олиб бориш керак эди.

Лениннинг ҳузурда бунақа нозик ишларни бажарадиган махсус гуруҳ бор эди. Бу кичкина гуруҳнинг ЧКга ҳеч қандай алоқаси йўқ бўлиб, Халқ Комиссарлари Совети Бошқармаси қошида ҳисобда турарди. Улар партиянинг ички можароларини ҳал қилиш билан, айниқса, партияга инқилобдан олдин кирган эски большевикларнинг ножўя ишларини тафтиш қилиш билан шуғулланарди. Партия назорати комиссиясига сал-пал ўхшаб кетарди-ю, лекин жуда катта ваколатларга эга эди. Князнинг кирдикорларини ЧК эмас, ана шу гуруҳ текширди. Бунинг учун Ленин Петроградга — Зиновьевга қуйидаги мазмунда махфий хат жўнатди: «Ўртоқ Зиновьев! Тажрибали, мутлақо ишонса бўладиган партия аъзоларидан иборат бир комиссия тузиб, унга Кронштадтда ЧКда хизмат қилаётган собик князь (Распутиннинг, Дубровиннинг ошнаси ва ҳоказо) Андронниковнинг хулқини тафтиш қилиш топширилсин. Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. Ульянов (Ленин)».

Собиқ князнинг ҳамма кирдикорларини эсга олишти — унинг Распутин билан ошначилиги ҳам, Дубровин билан ҳамтовоқ бўлгани ҳам, Синодда ишлаганлари-ю подшо саройидаги ишлари ҳам тилга олинди, лекин уни Германия фойдасига жосуслик қилган деб отиб ташлашди.

1919 йилнинг 1 мартида Москвада «сўл социал-демократик партияларнинг халқаро съезди очилди. 4 март куни съезд ўзини Коминтерннинг Биринчи Конгресси деб эълон қилди. Бунга ҳаваси келган ва қойил қолган жаҳондаги жамики саргузашт талаб унсурулар инсоният тарихидаги бекиёс талондан ўзига бирон улуш олмоқ илинжида ва ўз мамлакатларини ҳам шундай талаб юлқимоқ бобида йўл-йўриқ берилармикан деган умидда Москвага ёпирилди. Ленин ўзининг жаҳонга хўжайин бўлиш борасидаги режаларини ҳеч қачон яширган эмас эди. Энди у жазавага тушди: «Биз ҳеч қачон яширмаганмиз — бизнинг инқилобимиз ибтидо, холос. Биз бутун дунёни ана шундай инқилоб алангаси билан ёндирганимиздан кейингина бу инқилоб ўзининг ғолибона интиҳосига етмоғи мумкин... Совет ҳокимиятини ўрнатиб, биз пролетариат диктатурасининг халқаро оламшумул шаклини топа бошладик. Бизнинг ишимиз — бутун жаҳон пролетар инқилобининг ишидир, бутун жаҳон Совет республикасини барпо этиш ишидир... Халқаро пролетариатнинг буржуазияга қарши кураши шафқатсиз ашаддий синфий кураш характериға эға бўлмоғи керак. Ҳатто ҳозир (1919 йилда) Россияда пролетариат буржуазияга қарши фуқаролар уруши олиб бораётганини (ва бундай уруш бутун дунёда пишиб, етилиб келаётганини) фақат уччига чиққан нодон одамгина тушунмайди, чунки фуқаролар урушида мазлум синф эзувчи синфни охиригача маҳв этиш учун, бу синфнинг яшашиға имкон берувчи иқтисодий шароитларни бутунлай маҳв этиш учун ҳаракат қилади!» Бутун жаҳон миқёсида босқин уюштиришға шунақа оташин қақириклар янграб турса, қандай қилиб Москвага ёпирилмаслик мумкин?

1919 йилнинг 5 мартида Катта Кремль саройида конгресс вакиллари-нинг шарафига қабул маросими бўлди. Қаср деворларидаги архитектор Тон яратган қадимий ўймакор безаклар электр нурларида товланади. Столлар устида турли нозу неъматлар. Увулдирик солинган нақшин ликопчалар, бутун пиширилган осетр, дастурхоннинг учдан бир қисмини эгаллаган белуга, чўчка болалари, ананасу узум, кўҳна шароблар (уларнинг кўпларида ҳали хусусий коллекцияларнинг муҳри сақланиб қолган). Ленин шахсан имзо чекиб, Горбуновға Халқ Комиссарлари Советининг захираларидан «110 пуд увулдирик, чўчка болаларидан 800 пуд, қизил балиқдан 200 пуд» олиб, дастурхонга қўйиш тўғрисида кўрсатма берган. Энг сўнгги оврупоча бичимда кийинган эркақларнинг бежирим костюмлари-ю, аёлларнинг яланғоч елкалари «халқ» комиссарларининг расмий кийимларига терс бўлса-да, алланечук бир жозоба касб этганди. Буларнинг барини кўриб, жаҳон инқилоби унчалик ёмон иш эмас экан-да, модомики бу нарса Россияда синаб кўрилган экан, унинг йўлида жиндай таваккал қилса арзийди, деб ўйлаш мумкин эди.

Ҳолдан тойган ва таланган мамлакатда очлик ғужғон ўйнамоқда эди, одамлар бир-бирини ея бошлашганди, судсиз ва терговсиз оммавий қирғин бормоқда, Бутир турмасиға ялпи йўқ қилиш учун «бадавлат синфлар»нинг фарзандлари келтирилмоқда, ичтерлама касаллиги кутуриб хуруж қилмоқда, гаровға олинганлар тириклай чириб-ириб бормоқда эди. Қор босган кўчаларда иситилмаган ва ёритилмаган уйлар бамисли жонсиз танадай сўппайиб турарди. Бу ерда эса аллақачон ёлғондакам бир кичик давлат барпо этилган, маҳв этилган Россиянинг ўртасида коммунизм қуриб битирилганди. У ҳаманинги кўзидан пинҳон бўлиб, ҳар қандай давлат ва ҳарбий ишлардан кўра қаттиқроқ кўриқланарди.

Ишчилар синфининг бахти учун, шунингдек, бошқа мазлум синфларнинг бахти учун кураш ўз самараларини бераётганиға ҳеч кимда ҳеч қандай шуб-

ҳа қолмаслиги учун меҳмонларни Гохранга олиб боришди¹. Бу ташкилотни Ленин 1917 йилдаёқ тузган эди. Бу марказий омбор бўлиб, талаб олинган бойликларнинг ҳаммаси шу ерга олиб келинар ва сўрғичланган яшиқларда яна аллақаяқларга жўнатилар эди. Ҳар қандай учқур хаёл эгаси ҳам бу омборда нималар борлигини тасаввур қила олмас эди. Унда мамлакат ва унинг аҳолиси томонидан бир неча асрлар мобайнида тўпланган бойликлар жамланган эди. Иван Грозний инглиз қироличаси Елизавета томонидан Москвага юборилган элчига ўз хазинасининг битмас-туганмас бойликларини кўз-кўз қилиб мақтанган эди. Аммо Гохрандаги бойликлар қаршисида Иван Грознийнинг мақтаниши ҳеч гап бўлмади қолади. У Лениннинг бойликларини кўрганида эди! Уни кўриб делегатларнинг эси оғиб қолди. Коминтернчилардан бири ҳатто асабийлашиб, жазавага тушди. Шу билан у ўзининг майда буржуа моҳиятини фош қилиб қўйди. Уни қамоққа олишга тўғри келди. Фақат уч йилдан кейин — 1922 йилга келибгина мамлакатдан чиқариб юборишди. Тафтиш қилишган-да!

Делегатлар юртларига қукур ҳаяжон ичида хурсанд бўлиб тарқалишди. Москвада мезбонлар хасислик қилишгани йўқ — конгресс аъзоларининг ҳар бири киссасида анча-мунча маблағ билан уйига қайтди. Бу маблағ ўз мамлакатда «большевистик ташкилотлар»ни барпо этиш ва жаҳон инқилобини амалга ошириш учун кифоя қиларди. Ўша кезларда айтилганидек, «ҳамма буржуйларни доғда қолдириб, жаҳонни инқилоб алангасига чулғаймиз!»

Албатта, ҳамма нарсаси ҳам силлиқ кечавермайди. Фин чегарачилари машҳур Отто Куусиненни ушлаб олишди. У Москвадан берилган бриллиантларни яширинча Финляндияга олиб ўтмоқчи бўлган. Бу жавахирларнинг баъзи бирлари халқаро рўйхатларга киритилган бўлиб, уларнинг эгалари яхши маълум эди. Жанжал кўтарилди. Бу жанжалнинг шов-шуви Москвагача етиб бормаган бўлса-да, дунёда анча-мунча акс-садо берди. Орадан кўп ўтмай фин ишчилар ҳаракатининг шармандаси чиққан дохийиси Фин кўлтиғи музликлари орқали полициядан қочишга ва Москвада умрбод яшаб қолишга мажбур бўлди. Бу ерда Ленин миннатдорлик юзасидан уни Коминтерн Ижроқўми котиблигига сайлаб қўйди. Сталин эса уни ҳатто Финляндияга президент қилишни режалаштирган.

¹ Худди шу вақтда, яъни 1919 йилнинг мартида арзон сафсатага учган очлик ва ночорлик туфайли кулга айлантirilган ишчилар «ишчилар» ҳукуматининг эътиборини ўз аҳволига жалб қилиш учун кўрка-писи урина бошлаган эдилар. Улар тинч ишталашлар уюштиришди. Бу воқеа кўпгина шаҳарларда юз берди, аммо ҳамма жойда унинг натижаси бир хил бўлди — ишчиларни қонга ботирдилар. Астраҳанда ўн минг кишилик митинг бўлди. Унда маҳаллий заводлар ва балиқчи артелларнинг ишчилари ўзларининг ҳаддан ташқари оғир моддий аҳволларини муҳокама қилдилар. (Кремлдаги зиёфатда дастурхонга қўйилган белуга ва осетр балиқларини эсланг). Биринчи нотиклар нутқларини тугатиб улгурмай, майдонни ЧК кўшинлари қуршаб олишди. Ишчиларга қараб пулемёт ва милтиқлардан оғоҳлангизиб ўтirmай ўт очдилар, қўл гранатаси отилди. Ишчилар тум-тарақай қочишди, майдонда 2000 кишининг ўлиғи қолди. Митингнинг даярли ҳамма қатнашчилари қамоққа олинди ва ЧКнинг олтита комендатурасида ертўлаларга ташланди, лангар ташлаб турган «Гоголь» кемасининг тубидаги омборларга, баржаларга жойлаштирилди. Исён ҳақида Москвага хабар қилинди. Москвадан дарров лўнда жавоб келди: «Шафқатсизлик билан бартараф қилинсин!!!» Иш қизиб кетди. Одамларни ЧК ертўлаларида отдилар, бир-бирларига боғлаб Волгага ташладилар. Мурдаларни гўристонга олиб боришга зўрга улгуришарди. У ерда уларни ярим яланғоч, ҳамма ёғи қонга беланган ҳолда қок ерга тўп-тўп уйиб қўйиларди. 13—14 март кунлари фақат ишчилар отилди, кейин ҳукмдорлар эсларни йиғиб олдилар шекилли, айбни «иғвогар буржуйларга» ағдармоқ учун зивилларни, собик уй эгаларини, савдогарларни, балиққурушлар ва баққолларни ялпи қамоққа ола бошладилар. Юзлаб отилган «буржуйлар»нинг рўйхати эълон қилинди. Ишчилар рўйхатини эълон қилмай отишди. Бу иш апрелнинг ўртасигача давом этди. Шундай таассурот туғиладики, большевиклар бутун мамлакат бўйлаб 1919 йил мартда содир бўлган забастовкалар учун Астрахан ишчиларидан алам олмоқчи бўлишган. Тула, Петроград ва Брянскда ҳам кўп ишчилар отилди. Англияда эълон қилинган маълумотларга кўра 1919 йилнинг дастлабки уч ойи давомида 138 минг одам отилган. «Аммо бу рақам,— деб ёзади большевикларнинг ваҳшийликларини ҳолис тадқиқ қилган С. Мельгунов,— Россияда ҳақиқатда рўй берган воқеалар ҳақида жуда юзак тасаввур беради».

Шунга ўхшаш ғалвалар баъзи бир бошқа мамлакатларнинг делегатлари бошига ҳам тушди, аммо бунинг унча аҳамияти бўлмади. Негаки Москва ҳеч қанақа даъволарни тан олмади ва уларга қулоқ солмади. Аксинча, Москва бир нарсадан ғоятда мамнун эди — ҳамма жойда большевистик партиялар ўрмондаги сассиқ алафдек потирлаб ўса бошлади. Уруш давридаги муҳтожликлар бунга яхши замин тайёрлаб берганди. Фақат бир нарса ташвишга соларди — Венгриядан бошқа ҳеч қерда ҳеч ким фаол ҳаракат қилишни хаёлига ҳам келтирмапти.

Тўғри, Венгрияда ҳам большевикларнинг фаоллиги узоқ давом этгани йўқ — Бела Кун Москвага қочиб жон сақлашга мажбур бўлди, аммо шундай бўлса-да, венгер олтинининг бир қисмини ўмариб, хорижга жўнатишга муваффақ бўлинди. Тўғри, бу борада венгерлар ўз йўлларидан боришди. Ленин ўша вақтдаёқ керагидан ортиқроқ даражада абжир бўлган бу венгерга жиндай шубҳа билан қарай бошлаган эди, аммо Бела Кун Венгрияда зўр ҳафсала билан бошлаган қирғинни кўриб, дохийнинг кўнгли анча таскин топганди. Афсуски, Бела Кун бошлаган ишини охирига етказа олмади. Вақт етишмади бунга. Таскин яна шунинг учун керак эдики, немис ўртоқлар ҳам ўзларига хос пролетар инқилоби билан роса панд бериб қўйишди. Ахир, уларга ҳамма нарса ипидан-игнасиғача тушунтириб берилган эди. Йўқ, бўлмади.

Монархия қулагандан кейин ҳокимият тепасига келган куёнорак социал-демократлар Германияда Ленинча усулларни қўллашга журъат қилмадилар. Бу ҳам етмагандай, Кайзернинг Голландияга қочишига йўл қўйиб беришди. Бундан ташқари улар коммунистлар исёнини қуролли куч билан бостириб, советларнинг Германиядаги мухтор вакили Радекни мамлакатдан чиқариб юборишди. Ҳолбуки, Радек Берлинга «немис инқилобини чуқурлаштириш учун» юборилган эди. Москва билан дипломатик муносабатлар узилиб қолди. Бу орада Лениннинг одамлари — К. Либкнехт ва Р. Люксембург ўлдирилди, бир қатор банклардаги маблағлар хатлаб қўйилди. Бу маблағларни Парвуснинг маслаҳати билан Германия банкларига қўйиб, хўп бе-маза иш қилинган экан-да! Бунақа бўлиб кетиши кимнинг ҳам хаёлига келипти дейсиз?

Фигони фалакка етган Ленин ҳар галгидек кечаги дўстларини аямай сўкишга тушди: «Германиядаги бутун жаҳонга намуна қилиб кўрсатса арзийдиган марксистик ишчи партиясининг раҳбарлигини бир гуруҳ ашаддий разиллар, капиталист аблаҳларга сотилган бир тўда ифлослар, монархия ва аксилинқилобий буржуазияга хизмат қилувчи ишчилардан чиққан жаллодлар эгаллаб олган экан. Германияда ҳокимият тепасига «буржуа» партиялари қайтиб келгандан кейингина улар билан муносабатлар қайта тикланди. Ленин жуда ҳам кекчи эди.

1920 йилнинг июлида аввал Петроградда, кейин Москвада Коминтерннинг II Конгресси очилди. Биринчи Конгрессда Коминтерннинг раҳбарияти сайланиб, унга Зиновьевни раҳнамо қилиб белгилашган, кейин эса тўйиб ебичиб, мириқиб маишат қилиб, киссаларини тилла ва бриллиантга тўлдириб тарқалишган эди. Иккинчи Конгрессда эса жиддий гаплар бошланди. Энди шароит ҳам бошқача эди. Кўнгиллилар армиясини ўз ҳолига ташлаб кетган Дон ва Кубан казаклари Оқлар ҳаракатининг емирилишини бошлаб берган эдилар. Бу ҳаракатнинг «Ягона ва бўлинмас Россия» учун деган шиори жон таслим қилаётган империянинг кўп миллатли аҳолисига унча маъқул бўлмади. Деникин билан бирга ҳаракат қилишга рози бўлган поляклар ўзларининг мустақилликларини тан олишни талаб қилдилар. Финлар ҳам Петроград устига бирга юриш қилиш ҳақидаги музокараларда шу шартни қўйишди. «Биз Россияни чакана қилмоқчи эмасмиз»,— деб жавоб беришарди бунга Оқ ҳаракатнинг сардорлари. Улар ўзларининг муқаддас ватанпарварлик ақидаларидан воз кечгандан кўра муқаррар мағлубиятни афзал кўришганди.

Россияни бошқалар бозорга солишганди ва бунда анча омадлари чопганди. Оқ ҳаракатнинг емирилиши бутун жаҳон миқёсида инқилобий тўнтаришларни амалга оширишга умид туғдирганди. Шунинг учун II Конгресснинг диққат марказида фаолият дастури, стратегия, тактика ва Коминтерни ташкил қилиш масалалари турди. II Конгресс бу масалаларнинг ҳаммаси бўйича бевосита Ленин раҳбарлигида ишлаб чиқилган қарорлар қабул қилди. Шу қарорлар Коминтерн дастури ва жамики фаолияти учун асос бўлди. Конгрессни очар экан, Ленин ўзининг севимли шиорини эълон қилди: «Бизнинг ишимиз — бутун жаҳон пролетариати инқилобининг ишидир, бутун жаҳон миқёсидаги Совет республикасини барпо этиш ишидир» (узоқ давом этган қарсақлар, оркестр «Байналмилал»ни чалади).

Лениннинг фикрларини Коминтерн раиси Зиновьев давом эттирди. У бир нечта мажлисда делегатларга ақл ўргатиб, бутун жаҳонда ҳукмронликни осонгина қўлга киритиш учун ишни қандай ташкил қилиш кераклигини уқтирди. «Биз учун курашнинг ҳал қилувчи воситаси қуроли қўзғолондир, бунинг учун эса инқилобий кучларни ҳарбий изларда уюштириш талаб қилинади, бинобарин, марказлашган партия керак».

Қўйилган вазифага мувофиқ Конгресс Коминтерннинг уставини қабул қилди. Бу устав бўйича Коминтерн ягона халқаро коммунистик партия деб қараларди, турли мамлакатларда унинг миллий «секциялари» бор эди. Натижада, табиийки, Коминтерннинг ҳарбий бўлими тузилди. У ўз вазифасини қуйидагича белгилаган эди: «Тарихий инқилобий жараён тақозосига кўра, қулай шароит вужудга келганда ишчилар синфи ҳужумга ўтишга мажбур бўлади... Ишчилар синфининг қуроли бўлмиш Қизил Армия бўлғуси фронтнинг истаган жабҳасида ўз зиммасидаги ҳужумкорлик вазифасини бажара оладиган қилиб тайёрланмоғи керак... Бу фронт ҳудудлари эса яқин ўрталарда жамики эски дунё китъасининг ҳудудларидан ўтади». Иштаҳалар ана шунақа карнай эди.

Коммунистик байналмилалнинг асосий вазифалари тўғрисида Конгресс томонидан қабул қилинган қарорда шундай дейилган: «Буржуазияни зўрлик билан ағдариб ташлашгина, унинг молу мулкни мусодара этишгина, буржуа давлат идорасининг ҳаммасини пастдан юқоригача вайрон этишгина, парламент ҳокимиятини, суд тизимини, ҳарбий қурилмаларни, маъмурий, муниципал ва бошқа маҳкамаларни парчалаб ташлашгина пролетар ғалабаси тантанасини таъминлайди». Унинг муваффақияти учун халқаро коммунистик партия «пролетариатча темир централизм» ва «ҳарбий интизом» асосида қурилмоғи керак.

Бундан ташқари конгресс бутун дунёнинг барча меҳнаткашларига қарата «империализмни ўлдириш»га чақириб хитобнома қабул қилди. Ўта эзмалик билан ёзилган бу хитобнома ашаддий жангари руҳда эди. Аммо бунга ўхшаш халқаро ҳарбий-террористик ташкилотнинг самарали иш олиб бориши учун марксизмдан, тийиксиз завқу шавқдан, ғайри инсоний шафқатсизликдан, ҳар хил низомномалару, дастурлардан, қарору хитоблардан ташқари жуда катта миқдорда пул ҳам зарур эди. Хўш, уларни қаердан олиш керак? Албатта, бўлғуси бутун жаҳон пролетар империясининг пойтахтидан олинди-да! Ҳозир конгресс бўлаётган шаҳардан, яъни Москвадан олинмаса, қаердан олинади? Шунинг учун «Россия Коммунистик партиясига мурожаат қилиб, Коминтерн Ижроия қўмитасининг иши билан боғлиқ моддий сарф-харажатларнинг асосий оғирлигини вақтинча (?) ўз зиммасига олиб туришни илтимос қилишга қарор қилинади».

Талаб олинган пулни сарфлаш осон бўлади. Дарҳол бу илтимосга иккита жавоб келди: бири Лениндан, иккинчиси Зиновьевдан.

Ленин ўзига хос бўлмаган назокат билан ёзипти: «Россия коммунистик партияси, албатта, Ижроия Қўмитанинг бу таклифини инобатга олишни ўзи учун шараф деб ҳисоблайди». Зиновьев ҳам унинг гапларини такрорлайди: «Россия коммунистик партияси ихтиёрида бор нарсаларнинг бари

билан қардош партияларга ёрдам беришни ўзи учун буюк шараф деб ҳисоблайди».¹

Москвадан жуда катта миқдорда маблағ олган «қардош» партияларнинг вакиллари зудлик билан ишга киришадилар. Чинакам ва қалбаки фирмалар ҳамда ҳиссадорлик жамиятлари тузилади, кўчмас мулклар харид қилинади, давлат арбоблари сотиб олинади, иш ташлашлар уюштирилади ва ҳатто саботажлар ташкил қилинади. Уруш туфайли ҳолдан тойган Оврупони турлитуман коммунистик газеталар ва журналлар қуяндай босади. Улар Оврупо цивилизациясининг ҳалокати муқаррар эканини каромат қиладилар ва йўл-йўлакай фашизм, нацизмга ўхшаш хилма-хил оқимларни туғдирадилар. Коминтерннинг ҳарбий бўлими ҳам қўл қовуштириб ўтирмайди, у бутун Оврупо бўйлаб «пролетариатнинг жанговар отрядлари»ни тузади. Шундайлардан бири Ротфронткамфбунд бўлиб, Чилининг бўлажак президенти Альенде шу отрядда ўз фаолиятини бошлаган. Уларга ҳарбий кийимлар тикишган, қурол-яроғ харид қилишган. Зарур бўлиб қолганда эса қуролни истаган совет элчихонасидан ёхуд савдо ваколатхонасидан бепул олса ҳам бўлаверар эди. Хуллас, «умумоврупо пролетар» инқилоби пишиб қолмоқда эди. Аммо бу ҳар қанча тантанавор кўринмасин, Оврупони қонли фуқаролар уруши майдонига айлантириш аввалдан бир муҳим тадбирни тақозо этар эди: Россиядан талаб олинган олтинларни хавф-хатарсизроқ жойга жўнатиш тадбирини кўриш зарур эди. Швейцария билан Швеция тўғри келмайди. «Аблахлар ва сотқинлар» этагида бўлган Германия-ку асло муносиб эмас. Айниқса, Швейцария. У ерда банкларнинг сейфларидаги маблағни Альп тоғларидаги хуфий омборларга кўчириш режаси пухта ўйлаб пишитиб қўйилган. Бу омборларни ҳатто «бутун жаҳон ЧКси» ҳам юз йил қидирганда тополмайди. Шунинг учун пулларни ҳамма қоидаларга риоя қилган ҳолда Қўшма Штатлар банкларига кўчира бошлашга қарор қилинди. Америка олисда эди, яқин ўртада у ерда инқилоб қилиш Лениннинг режаларига кирмаганди. Бундан ташқари Швейцариянинг тўнкага ўхшаган гунг банкирларидан кўра Американинг етакчи молиячилари билан мулоқотда бўлиш маъқулроқ эди.

Бироқ чатоқ жойи шунда эдики, Америка қонунларига кўра АҚШ банкларига йирик миқдордаги маблағларни жойлаш учун Америка фирмалари билан кенг миқёсда савдо муносабатларига эга бўлиш талаб қилинарди ва бу муносабатлар ҳукумат томонидан маъқулланиши шарт эди. Швейцария

¹ Худди шу кунларда ҳамма фронтларда Қизил Армия қарши ҳужум олиб бормоқда эди. Энди қимматбаҳо буюмлар ва пулларни тортиб олишнинг янгича усуллари қўллана бошлади. «Қизиллар» бирор шаҳарни ишғол қилганларида, шаҳарнинг катта-кичаклигига қараб, ундан хирож олар эдилар. Масалан, Киевдан олтин ҳисобида 400 миллион сўм, Одессадан 500 миллион сўм, Харьковдан эса негадир атиги 100 миллион сўм талаб қилинган. Хирожни истаган тилла тангалар, заргарлик буюмлари, ёмбилар, дуру жавоҳирлар, баъзан расмлар билан тўлаш мумкин эди. Одатда 2—3 кун муддат белгиланарди. Агар хирож муддатида тўланмаса, ҳукумат ҳар беш аҳолидан бири отиб ташланишини эълон қилган. Бир неча миқдор хирож тўланган, кейин ялпи тинтувлар бошланган. Бундан ишчилар учун ҳеч қандай истисно берилган эмас. Кўпгина ишчилар шаҳар теварақларида ўз хусусий уйларида истиқомат қилишарди. Уларнинг уйлари аввал ағдар-тўнтар қилиб, кейин кўпинча ўт қўйиб юборишган. Оммавий қатллар шафқатсиз тарзда давом этган. Киевда бир кунда собиқ офицерлардан 2000 кишини рўйхатдан ўтказиш баҳонасида шаҳар театрига йиғиб, отиб ташлайдилар. Петроградда уч ой мобайнида (июль, август, сентябрь) 5000 одам отилган. Қронштадтга қўтилмаганда 20 та врачни «ишчилар орасида ҳаддан зиёд машхур бўлганликлари» учун отиб ташлайдилар. Екатеринбургда иш ташламоқчи бўлгани учун 100 та темирўлчи отилди. Ивано-Вознесенскда РВК ҳамма аҳолини отув билан кўрқитиб, тикув машиналарини (?) топширишни буюради. Архангельскда «қизиллар» келиши биланок генерал Мюллернинг қўлида хизмат қилган 800 офицер отиб ташланади. Бу ерга Жанубда асир олинган офицерлар ва казакларни олиб кела бошлайдилар. Улар Холмогорда шошилинч равишда ташкил қилинган биринчи ўлим лагерда бятда ҳам қолдирмай отиб ташланади. Машхур Кедров 1200 офицер ортилган икки баржани чўктиришга шахсан раҳбарлик қилади. Москвада манка касаллиги тарқалади. Аниқланган ҳамма касалларни жойида отиб ташлашади. Улар бирга бирга терламага чалинган беморлар ҳам отилади. ЧКнинг махфий буйруғига кўра захм билан оғриган беморларни ҳам аниқлаб, йўқ қилиб юборадилар. Бўлгуси империянинг пойтахти ҳар хил иллатлардан холи бўлмоғи керак-да!

банкларидан фарқ қилароқ, Америка банклари ҳеч қачон шунчаки оддий омбор бўлган эмас, балки ҳамisha олтинни миллий иқтисод қон томирларига ҳайдаб берадиган юрак ҳисобланган. У пайтларда ҳали на халқаро Валюта жамғармаси, на иқтисодий иттифоқлар, на халқаро банклар тизими бўлган. Ҳозирги даврдан фарқ қилароқ, Швейцария банклари ҳали жаҳон иқтисодиётига жалб қилинмаганди, негаки ҳали «жаҳон иқтисодиёти» деган нарсанинг ўзи йўқ эди. Шунинг учун Швейцария банклари, қўпол қилиб айтганда, оддий судхўрлик билан ва бойлик йиғиш билан банд эди. Империализмнинг ҳали куни битганича йўқ, у эндигина туғилиб келмоқда эди. Унинг айни чақалоқ чинқириғини Ленин жон таслим қилиш олдидаги инқираш деб қабул қилди ва бундан илҳомланиб, шоду хуррамлик билан империализмга гўр қазий бошлади. Аммо охир-оқибатда бу гўрга бемаъни «таълимоти» билан ўзи тушишига тўғри келди.

Америка эса ҳамisha Америка бўлиб қолган. У XIX асрдаги Оврупони тушунган эмас, Россияни-ку айтмай ҳам қўя қолайлик. Ўзининг 50 асрлик ривожда инсоният тарихи кўрмаган, эшитмаган ва билмаган қонли тузумни, инсонга нафрат билан суғорилган тартибларни Америка қаёқдан ҳам тушунсин?! Россияда қандай ҳодиса рўй берганини 1917 йилдаёқ англаб етган Америка элчиси Фрэнсис давлат департаментига нома устига нома жўнатиб, бу ишларга аралашшига ва «халқаро гангстерларнинг бу қонли зулмини» улоқтириб ташлашга чақирди. Аммо унинг чақириқлари беҳуда кетди. Президент Вильсон «Россиянинг ички ишларига аралашмаймиз» деб оёқ тираб туриб олди. 1918 йилнинг сентябрь ойида Москвадаги Америка консули Д. Пул бегуноҳ одамларнинг оммавий қатл қилинишига қарши расмий норозилик билдирди. Бир неча бетараф мамлакатларнинг вакиллари бу норозиликни қувватлаб чиқдилар. Ленин Чичерин орқали уларга жавоб бериб, бу норозиликлар «Россиянинг ички ишларига йўл қўйиб бўлмайдиган тарзда аралашшидан ўзга нарса эмас» деб хитоб қилди ва йўл-йўлакай «буржуазия» баъзи бир мамлакатларда «меҳнаткаш оммага» қарши уюштираётган террорни ғазаб билан фош қилди. 1918 йилнинг октябрида Ленин Президент Вильсонга телеграмма жўнатиб, «халқлар иттифоқининг асосига ҳамма мамлакатларда капиталистларнинг сармояларини мусодара қилишни қўймоқ керак», деб таклиф қилади.

Аммо ҳар бир нутққа, ҳужжатга, мактубга қарши бутунлай тескари мазмундаги нутқи, ҳужжати, мактуби бўлмаса Ленин отини бошқа қўярди. Бу унинг доҳиёна нозик фикрлашидан эмас, балки тобора зўрайиб бораётган руҳий хасталигидан далолат берарди. Мана, етмиш беш йилдики, тарихчилар бир-бирларини Лениндан олинган матн парчалари билан тўқмоқдек савалаб, бу парчаларнинг қай бири «жаҳон пролетариати доҳийсининг доҳиёна ниятларини» яхшироқ акс эттиришини аниқлашга беҳуда уриниб ётишипти.

Бу бемаъни нотадан кейин орадан кўп ўтмай Вильсонга хушомадлик қилиб, тинчликпарварлик ва дўстлик руҳи билан тўла мактуб юборилди. Нотада Вильсонни ишонтириб айтиладики, «Сизнинг тинчлик дастурингизнинг кўп моддалари рус ишчилари ва деҳқонларининг анча теран ва кенг дастурига киради», «Қизил террор» деб аталмиш ҳодиса чет элларда жуда муболағали тарзда таърифланяпти ва тўғри тушунилмаяпти, бу «қизил террор» иттифоқчиларнинг рус худудига бостириб киришининг бевосита натижаси ва оқибатидир» ва «кураш билан истило давом этадиган бўлса», «ғазабга тўлган омма рус буржуазиясини тўла-тўқис қириб ташлаши мумкин». Нотада таъкидланадики, «Россия ишчилари ва деҳқонлари ўзларининг бахтиёр бўлишларидан ва ўзга миллатларга хавф туғдирмайдиган халқаро биродарликдан бошқа ҳеч нарса билмайдилар». Президент Вильсон Мармар денгиздаги Принкипо оролида тинчлик конференцияси ўтказишни мўлжаллаб қўйганди. У большевикларнинг қанақа махлуқлар эканини билмас эди, шунинг учун уларни оқлар билан бир стол тегра сига ўтқазиб, «бирон битимга келишар-ку» деган хаёл билан ўзаро музокарага кириштирмоқчи эди. Ал-

батта, бундан ҳеч нарса чиқмади. Шунда Президент Россияда нималар бўлаётгани тўғрисида «биринчи манба»дан маълумот олишга қарор қилиб, Москвага Париждан давлат департаменти ходими Уильям Буллитни жўнатди. Унга «большевикларнинг дохийлари билан бевосита алоқага киришиш ва шу асосда Россиядаги сиёсий ва иқтисодий аҳволи ҳақида давлат департаментига доклад тайёрлаш топширилди.

1919 йилнинг март ойда Буллит Москвага келди ва бу ерда бир ҳафта бўлди. У роса коньяк ичди, «жуда ажойиб рус шоколадни» газак қилди. Шоколад унга шунчалик ёқиб қолдики, ундан бир неча килограммини иккита сухсур терига кўшиб Америкага ҳам олиб кетди. Бунинг орасида у Ленин, Чичерин ва Литвиновлар билан учрашиб, «давомли ва ёқимли суҳбатлар» қурди. Буллит уларни «жуда зиёли ва маданий одамлар экан» деган хулосага келди. Шунинг учун ҳам Давлат департаментига ёзган докладида шоколадга кўшиб айтилган эртақларга чиппа-чин ишониб, «коммунистик партия сиёсий ва ахлоқий жиҳатдан жуда соғлом» дея тақрорлади. Петроград ва Москвада тўла тартиб ҳукм сурмоқда. Ҳеч қанақа террор йўқ. Очлик ҳақида гапиришнинг ўзи кулгили! (Албатта-да!) Таълим бобида катта муваффақиятларга эришилган. Давлат котиби Лансинг анча эс-хушли одам эди — у бу бемаъни алжирашни дарҳол архивга, Буллитнинг ўзини эса истеъфога жўнатди.

Худди шу кезларда, яъни Буллит Ленин билан бирга «Мартини» ичиб, унинг чўпчакларини тинглаб ўтирганида, томдан тараша тушгандай, аллақандай Л. Мартенс деган одам пайдо бўлиб қолди. 1898 йилдан бери партия аъзоси бўлган бу одам Ленин теварагидаги аъёнлар ичида энг шубҳалиларидан бири эди. Қўшма Штатлар билан РСФСР ўртасида ҳеч қандай дипломатик муносабатлар йўқлигига қарамай, Мартенс ўзини «РСФСРнинг АҚШдаги вакили» деб эълон қилади. У уй сотиб олади, унда ўзининг бюросини очади ва давлат департаментига узундан-узоқ мактуб йўллайди. Мактубда Россиядаги аҳвол тушунтирилган ва ўзининг вазифалари ҳақида маълумот берилганди. У мактубида «совет ҳокимияти аҳолининг ҳамма табақалари томонидан назорат қилинадиган ва улар орасида масъулиятли ҳукумат экани, бу аҳоли фойдали меҳнат билан шуғулланишни исташи», «Россия аҳолисининг 90 фоизи ҳамма сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлган ҳолда жамиятни бошқаришда бевосита иштирок этиши» таъкидланган. Шундан сўнг Мартенс мактубининг хулоса қисмида ўзининг АҚШда қандай мақсадда пайдо бўлиб қолганини ошқора айтади: «Харид қилинган нарсаларга тўлов учун Россия ҳукумати Америка банкларига дарҳол олтин ҳисобида 200 миллион доллар пул қўйишга тайёр».

200 миллион доллар — Қўшма Штатларнинг федерал қонунини бузмаслик ва унинг банк тизимида ўрнашиб олиши учун илк бор қўйиладиган маблағ — Қонунга кўра 5 миллион доллар миқдордаги омонат «йирик ажнабий» ҳисобланади. Бу ерда эса оз эмас, кўп эмас — 200 миллион! (долларнинг ҳозирги курси бўйича тахминан 4 миллиард!) таклиф қилинмоқда. Давлат департаментида бунга ишонилмади, анчагача сукут сақлашди, кейин баёнот эълон қилишди. Унда «АҚШ ҳукумати «Совет ҳукумати» деб аталмиш ҳукуматни тан олмаслиги таъкидланган ва ўзини «большевиктик ҳукуматнинг» вакили деб атаётган одамлар билан муомаллада «ғоят эҳтиёт бўлиш» тавсия этилган эди.

Бошқача қилиб айтганда, нима қилсаларинг қилаверларинг, биродарлар, аммо шундан огоҳ бўлиб қўйингки, Москвадан келган бу корчалонлар уччига чиққан фирибгар бўлиши мумкин. Шуниси ҳам борки, АҚШ ҳукумати Россиянинг вакили сифатида ҳамон рус элчиси Б. Бахметьевни тан олишда давом этади. Уни эса бу лавозимга Муваққат ҳукумат тайинлаган эди.

Аммо Лениннинг хонаки вакили унча-мунчага чўчидиганлардан эмас эди. Келиб чиқишига кўра ҳам, тобелигига кўра ҳам немис бўлган Людвиг

Карл Мартенс бунақа ишларда пихини ёрган эди. Инқилобдан олдинок рус заводларида тартибсизликлар уюштирмоқчи бўлгани учун уни икки марта қамоққа олишиб, Германияга жўнатиб юборишган эди. У пайтда жосус деб гумонсирашганди. Россияга Ленин билан бирга 1917 йилнинг апрелида қайтиб келди, лекин ўзининг ҳамюртлари билан алоқасини узмади. 1919 йилда немис социалистларининг «сотқинлиги» аён бўлиб қолганда қизиқ устида қамоққа олинди ва отилиб кетишига сал қолди. Лениннинг кўрсатмаси билан «мутлақо ишончли ўртоқ» сифатида қамоқдан озод қилинди. Ўзининг яширин ҳолатда эканига қарамасдан Мартенс Америка банклари ва фирмалари билан кенг кўламда музокаралар олиб боради ва уларга тахминан 8 миллиард доллар пул кўйиб, буюртмалар беради. Москва шоширмоқда эди. 1919 йилнинг 27 майида Мартенс Литвиновнинг имзоси билан телеграмма олади. Литвинов Англиядаги худди шундай операцияга ҳам раҳбарлик қилаётган эди. Сўнгги йил мобайнида бизнинг бутун ташқи сиёсатимизда Америка билан яқинлашиш иштиёқи қизил ип бўлиб ўтади.

Ҳар гал ўнг келганида биз Америка билан мулоқотга киришмоқчи эканимизни кўрсатиш имконини бой берганимиз йўқ... Биз америкаликларни бошқа ажнабийлардан афзал кўриб, уларга ҳар хил иқтисодий концессиялар беришга тайёрмиз». Режага кўра Оврупога бостириб кириш олдиан Американинг кўнглини овлашга қаттиқ ҳаракат қилинмоқда эди. Аммо пул ва концессиялар билан Кўшма Штатларнинг хайрихоҳлигини қозонишга уриниш чоғида ўзларининг маънафатларини асло унутганлари йўқ.

Гарчи Мартенс ўлиб-тирилиб, «совет ҳукуматининг бениҳоя тинчликпарвар ҳукумат эканига ва АҚШнинг ички ишларига мутлақо аралашини истамаслигига «Америка ҳукуматини ишонтирмоқчи бўлса-да, «совет ваколатхонаси» биносида тинтув ўтказган полиция у ерда мазмуни ошқора ғаламислик билан суғорилган даста-даста варақалар топди. «Америка ишчиларига!— деб хитоб қиларди варақалар.— Ишчиларнинг империализмга қарши кураши — фуқаролар урушидир. Бу уруш ошқора тарзда ҳокимият учун қуролли кураш тусини олади. Коммунистик Байналмилал — бунақа фуқаролар уруши ва жаҳон инқилобининг Бош штабидир. Америка ишчилари! Биз тўғридан-тўғри сизларга мурожаат қилмоқдамиз, чунки сизларнинг вазифаларингиз жаҳон инқилоби учун энг муҳим вазифа ҳисобланади. Бутун дунёдаги энг кучли ва энг ваҳший империализм бўлмиш Америка империализмининг — халқаро ишчилари томонидан ағдариб ташланиши жаҳон инқилобининг ҳал қилувчи босқичи бўлади. Бу сизнинг ва шу билан бирга бизнинг ҳам вазифамиздир!»

Мартенс АҚШдан чиқариб юборишди. Тинтув вақтида «Коминтерн» айғоқчиларининг рўйхати топилган эди. Шу рўйхат асосида Америка полицияси 249 кишини қамоққа олди ва уларни «номатлуб ажнабийлар» сифатида АҚШдан чиқариб юборди. Уларнинг ҳаммасини кемага ўтқазиб, Россияга жўнатишди. Мартенс ҳеч қачон дипломатик дахлсизлик мақомига эга бўлган эмас эди, аммо яширин ҳолатда эканига қарамай, «шундай дахлсизликка эгаман» деб ўзини-ўзи ишонтирган эди. Эҳтимол, шундан бўлса керак, «Коминтерн» айғоқчиларининг рўйхатини енгилтаклик билан ваколатхонада сақлаган. Тинтув вақтида яна кўпдан-кўп молиявий ҳужжатлар ҳам топилганки, улар Москванинг «вакили» Оврупо ва Америка банклари ўртасидаги воситачидан ўзга кимса эмаслигини ошқора фош этган.

«Россияда содир бўлаётган большевистик инқилоб, — деб ёзган эди «Нью-Йорк Геральд Трибюн» газетаси, — аслини олганда жуда катта кўламда амалга оширилаётган молиявий операцияга ўхшайди. Унинг мақсади жуда катта пул маблағларини руслар назоратидан чиқариб, Оврупо ва Америка банклари назорати остига кўйишдир. Бундай ҳаракатларнинг асл сабаби, афтидан, Кремлга маълум бўлса керак, аммо ҳозирнинг ўзидаёқ бир нарсани аниқ айтиш мумкин: мистер Ленин ва унинг шериклари томонидан жаҳон большевистик инқилоби ҳақида ва капитализмнинг муқаррар ҳалокати

тўғрисида қандай жангари нутқлар ирод этилмасин, уларнинг ўзи, эҳтимол, ўзлари англамаган ҳолда, кўп йиллар давомида бизнинг иқтисодийтимизнинг гуллаб-яшнаши ва жуда тез ўсиши учун ҳамда долларнинг мағизи тўқ бўлиши учун жуда катта ишлар қилмоқдалар. Мистер Людвиг Мартенснни Кўшма Штатлардан чиқариб юборишди, ҳолбуки, адолат юзасидан айтганда, унга Линкольнникидан кичкина бўлмаган ҳайкал қўйиш керак эди». (1921 йил 24 январь, «Сохта элчи АҚШдан чиқариб юборилди»).

АҚШда икки йил турган Мартенс ҳеч бўлмаганда ўз вазифасининг бир қисмини адо этди. Беқарор Овруподан АҚШ банкларига жуда катта миқдорда олтин кўчириб қўйилди, банклар билан алоқа ўрнатилди, уларнинг баъзи бирлари эса тўғридан-тўғри сотиб олинди, кўшма фирмалар тузилди (албатта, АҚШнинг юмшоқ қонуларидан фойдаланиб, бировларнинг номида), бир неча газеталарни чиқариш йўлига қўйилди ва АҚШда бир эмас, иккита коммунистик партияси тузилди (кейинчалик улар бирлашиб кетишди).

Бу орада Россияда воқеалар шиддат билан ривожланиб бормоқда эди. Оқларнинг қолдиқлари Қримга чекинди. Қуруқликдан уларнинг йўли тўсиб қўйилган ва мағлубияти муқаррар бўлиб қолганди. Ленин ифтихор билан шундай деди: «Ҳозирги вақтда Россияда душманнинг қаршичилигини енгиб ўтиш ва бостириш вазифаси, асосан, бажарилди. Россия большевиклар томонидан забт этилди». (1941 йилнинг сентябрида Гитлер армия гуруҳларининг қўмондонлари олдида нутқ сўзлаганда худди шунақа беҳаё ошкоралик билан ўзининг мавқеини очик баён қилган эди: «Биз Россияни большевистик тузумдан халос этаётганимиз йўқ. Биз уни забт этаймиз. Шунинг учун ҳам оккупацион тартиблар жуда қаттиқ бўлмоғи керак»¹).

Шундай қилиб Россия забт этилди. Хўш, энди бу ёғига нима қилиш керак? Маълум бўладики, бу ҳақда ҳеч ким тузукроқ ўйлаб кўрмаган экан, негаки Россияни забт этамиз деб чинакамига умид ҳам қилишмаган. Каллага бундан 2000 йил аввал Афлотун ишлаб чиққан алмисоқдан қолган «Олий табақа — Соқчилар — Қуллар» деган «социалистик» тизимдан бошқа нарса келмади. Соқчилар олий табақа билан қулларнинг ўртасида туради. Бинобарин, улар ғайратига ёки қилмишига кўра, олий табақа қаторига ўтиб қолиши ёхуд қуллар сафига тушиб қолиши мумкин. Соқчиларни тарбиялаш учун ёлғон-яшиқ ривоятлар зарур, қуллар эса олий табақа ҳақида ҳеч нарса билмаслиги керак. Афлотун бунақа тизимни «Мукамал давлат» деб атаган эди. Кекса файласуф бу мулоҳазаларни айтар экан, социализмни қулдорлик жамиятидан бошқа ҳеч қандай жамиятда қуриб бўлмайдиган деб тўғри таъкидлаган эди.

Дехқонларга ҳамма нарса аён бўлиб қолган эди. Улар ғаллани текинга топширишлари керак, ўзларига чалақурсоқ ҳолда ҳаёт кечирришга етадиган

¹ Ленин томонидан забт этилган мамлакатда ўрнатилган оккупацион тартиблар Гитлерникидан фарқ қилса, фақат янада ваҳшийроқлиги билан фарқланади. Мана, Бутунроссия Ижроия Қўмитасининг 1921 йил 11 июнь қарорига асосланиб чиқарилган комендатура буйруғи:

«1. Исми-фамилиясини айтишдан бош тортган фуқаролар жойида сўзсиз отиб ташлансин.

2. Қурол яширган қишлоқ аҳолисига гаровга олиниши ҳақидаги ҳукм эълон қилинсин ва қуролни топширмаган ҳолларда отиб ташлансин.

3. Уйларида бандитларни (яъни ипидан-иғнасигача таланган, қаршилик кўрсатишга журъат этган дехқонни — И. Б.) яширган оилалар қамоққа олинмоғи ва бадарға қилинмоғи, молу мулки мусодара қилинмоғи керак. Бундай оиланинг ишлайдиган каттаси жойида судсиз отилсин.

4. Бандитнинг оиласи қочиб кетса... Уй-жойи ёқиб юборилсин.

5. Бу буйруққа шафқатсиз ва қаттиққўллик билан амал қилинсин».

Бошқа буйруқ:

«1. Оқлар ва яшилларни яширган станицалар ҳамда қишлоқлар йўқ қилинади, унинг аҳолиси отиб ташланади, молу мулки мусодара қилинади.

2. Бандитлар билан ҳамкорлик қилган шахсларнинг ҳаммаси дарҳол отиб ташланади».

Тахминан шу вақтларда Ленин ҳуқуқ бобида назариябозлик қилиб, Адлия халқ комиссари Д. Курскийга шундай ёзган эди: «Ўртоқ Курский! Менимча, отиш жазосини кенгроқ қўллаш керак». Доҳийнинг фикрича, «ҳамкорлик қилган» ва «ҳамкорлик қилиши мумкин бўлган» (!) шахслар, яъни инсталланган одам отиб ташланиши мумкин.

миқдордагина қолдиришлари мумкин, кейинги йилда экиш учун уруғликни давлат беради. «Ғалла монополияси» деган гап оғизнинг бир чеккасидан чиқиб кетади,— деб ақл ўргатади Ленин.— Лекин бунинг маъноси нима эканини чуқурроқ ўйлаб кўриш керак. Бунинг маъноси шундан иборатки, ҳамма ортиқча ғалла давлатники бўлиши керак, ҳар бир ортиқча пуд ғаллани давлат ўз қўлига олиши керак. Ҳар бир ортиқча пуд ғаллани қидириб топиб, олиб келиб омборга тўкиш керак».

Озиқ-овқат соҳасидаги бунақа мустабидлик ҳар қанча шафқатсиз ва инсонийликдан холи бўлмасин, албатта ягона мақсад эмас эди — негаки, фақат олий табақа ва соқчиларнигина эмас, қулларни ҳам боқиш керак эди. Қуллар эса муте бўлсаларгина уларга овқат берилишини ҳар доим эсда тутишлари керак. Шунинг учун ҳам ҳамма ғаллани қўлда сақлаб туриш ва ўз ихтиёрига қараб тақсимлаш зарур эди. «Чунки уни тақсимлаш билан,— дея қаромат қиларди жаҳон пролетариатининг дохийси,— биз меҳнатнинг ҳамма соҳаларига хўжайинлик қиламиз». Йўқ, йўқ, Лениннинг даҳолигига шак келтириб бўлмайди. Фақат шуниси борки, уларнинг барини Афлотун ўйлаб топганди.

Дехқонлар масаласи ҳал бўлди, шекилли. Хўш, ишчиларни нима қилиш керак? Маълумки, большевиклар шу ишчилар номидан ва уларнинг манфаати йўлида ҳаракат қилади. Улар заводларда чалақурсоқ ҳолда чор-ночор ҳаёт кечирarmoқда. Кўпчилиги фуқаролар уруши оловларида, террор бўронларида қирилиб кетди. Қолганлари эса қачон большевиклар ваъдаларини бажо келтира бошлашини беҳуда кутиб ётишибди. Ахир, улар ҳамма нарсани баб-баравар тақсимлаб беришмоқчи эди-ку. Уларнинг ажойиб ниятлари бор эди. Бу ниятга кўра, ишчиларни меҳнат армияларига бирлаштириш, уни полклар ва батальонларга ажратиш ва темир интизом ўрнатиш керак эди. Бу лойиҳанинг муаллифи Троцкий дейишади. Ленин ҳам уни маъқуллагандек эди. Мабодо, бу масалада Троцкий билан Ленин ўртасида бирор келишмовчилик мавжуд бўлган бўлса, улар майда-чуйдалардаги арзимас ихтилофлардан иборат эди. Троцкий меҳнат армияларида ҳарбий жазоларни жорий қилиш билан чекланишни таклиф қилган, Ленин эса доно бошини сарак-сарак қилиб туриб: «Отишларни кенг қўллаш керак»,— деб таълим берган. Акс ҳолда ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Шундай дегану, лекин бу гапида қаттиқ турмаган. Бу борада Ленин ҳақ эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатади. Ғалаёнчиларни (большевиклар иш ташлаган ишчиларни шундай атай бошлашган эди), албатта, судсиз отиб ташлаш керак. Бу масалада ҳамманинг фикри бир жойдан чиққан. Гарчи буларнинг бари изчиллик билан ғоятда шафқатсиз равишда амалга оширилаётган бўлса-да, негадир иккинчи даражали масалалар деб қараларди.

Россия забт этилди, энди эса Лениннинг лутфи бўйича: «Оврूपони найза билан қитиклаб кўриш фурсати етди!»

Қизил Армиянинг Польшага бостириб кириши бутун жаҳон Инқилобини рўёбга чиқариш йўлидаги биринчи қадам эди. Лениннинг таҳлилига кўра, Оврूपо мамлакатларининг мувозанати Версал шартномаси деган омонат асосга таянади. «Қизил Армиянинг ғолибона ҳужуми яна бир неча кун давом этса,— дея қаромат қилади жанговар жазавага тушган дохий,— нафақат Варшава ишғол қилинади, (бу унчалик муҳим ҳам эмас), балки Версал сулҳи барбод бўлади...» Польша — Қизил Армиянинг Оврूपо сари йўлида бир кўприк, холос. Польша кўприги орқали Германия пролетариатига ёрдам сари олға!

Совет қўшинларининг қўмондони М. Тухачевский Зиновьевга машҳур мактубини йўллайди. Совет Иттифоқининг бўлғуси маршали ҳарбий назария бобида илк бор жавлон урар экан, Коминтерннинг бош штабини чақиритиш кераклигини ёзади. Поляклар узил-кесил тор-мор қилингандан сўнг бу штаб зудлик билан Оврүпога ёриб кириш режасини ишлаб чиқиши зарур. Бунинг учун Қизил Армия сафларини бутун дунё пролетариати ҳисобига тўлдириш

керак. Шунда «бутун жаҳондаги буржуа давлатларини забт этиш учун етарли куч барпо этилган бўлади».

Қизил Армиянинг Варшава остоналарида тор-мор этилиши, унинг елдек чекиниши (Алам қилмайдими! Ахир, Гайнинг суворийлари Германияга кириб боришган эди-я!) Кремлдаги саргузашт талаб муттаҳамларнинг тарвузини қўлтиғидан туширди. Исён кўтарган Кронштадт замбаракларининг садоси жаҳонга ҳукмрон бўлиш ҳақидаги Лениннинг телбаларча ғоялари устидан мотам маршидай янгради.

Бутун мамлакат исёнлар алангасига чулганган эди. 1920 йилнинг 13 август куни машҳур Антонов қўзғолони бошланди. Бу қўзғолон бутун Тамбов губернасига ва унинг теварак-атрофларига ёйилди. 40 минг ишчи ва деҳқон қўлига қурол олди. Тамбов исёнчиларининг қурултойи совет ҳокимияти тугатилди деб эълон қилди ва Таъсис мажлисига янги сайловлар ўтказишни талаб қилди.

1921 йилнинг январида Ғарбий Сибирда исёнлар гулхани гуриллаб ёнди. Бу ердаги исён 20 та уездга ёйилди. 60 минглик деҳқон халқ армияси тузилди, бу армия ҳамма йўлларни тўсиб қўйди ва бир нечта шаҳарни, шу жумладан, Тобольскни ишғол қилди.

Украинада Григорьев исёни катта донг чиқарди. Исёнчиларнинг ўз замбараклари ва зирҳли поезди ҳам бор эди. Бу ғалаён халқаро аҳамият касб этди. Шу туфайли Қизил Армия Руминия орқали Венгрияга бостириб киришга ва Бела Куннинг жинояткорона тузумини тиклашга эриша олмади. Бела Кун яна Москвага қочиб келишга мажбур бўлди. Забт этилган мамлакатда унинг қиладиган ишлари кўп эди.

Ижевскда ялпи иш ташлаш бўлиб ўтди. Унинг оқибатида ўттиз минг кишилик «Ижевск Халқ Армияси» тузилди. Шуниси ажабланарлики, ишчилар соф деҳқонча талаблар билан чиқдилар: улар озиқ-овқат солиғини бекор қилиш ва деҳқонларнинг молу мулкани мусодара қилишни талаб қилдилар. Қизил Армияга ҳам ишониб бўлмай қолганди. Армиядан қочиш ва хизматдан бўйин товлаш ўрта ҳисобда 20 фоизни ташкил қиларди, баъзи районларда эса бу рақам 90 фоизга етарди. Фақат марказий губерналарнинг ўрмонларида 250 мингта қуролли қочоқ дайдиб юрарди. Тула деҳқонларидан ташкил топган бир пиёдалар бригадаси Белоруссияда исён кўтарди. Бу ерда маҳаллий қўзғолончи деҳқонлар бирлашган ва «Коммунистларсиз, отувларсиз ва босқинларсиз Халқ республикаси» тузишган эди.

1920 йилнинг июлида Сапожников деган қизил командир 2700 та қизил аскардан иборат қисмини исёнга кўтарган. Бу исён Волга бўйидаги кўпгина худудларга ёйилган ва Сапожников ўлиб кетгандан кейин ҳам давом этган. Сапожников ҳалок бўлгандан кейин ҳам исёнчилар Серов бошчилигида 1922 йилнинг январигача фаол ҳаракат қилган.

1920 йилнинг декабрида Вакулин деган бошқа бир қизил командир Донда исён кўтарган. Вакулин ҳалок бўлгандан кейин унинг ўрнига бошчилик қилган Попов 1921 йилнинг мартага келиб 6000 кишидан иборат қуролланган қудратли суворийлар қўшилмасига эга бўлган. 1921 йилнинг январида бригада командири Маслак 1-отлиқ Армия таркибидаги бригадасини олиб кетиб, деҳқонларнинг дондгор сардори Нестор Махнога қўшилади.

Албатта, 1921 йилнинг мартада Кронштадтдаги ҳарбий-денгиз базаси бош кўтарганда қўзғолонлар ўзининг энг юксак чўққисига чиққан эди. Ушанда линкорлар замбаракларининг қудратли садоси ҳамма ёқни ларзага солганди. Сурбет Троцкий тўғри қайд қилганди — Кронштадтда «деҳқон Ленин билан суҳбатлашиб, ҳамма гапи унинг қўлоғига етиб борсин учун кема-ларнинг залварли тўпларидан карнай ўрнида фойдаланган эди».

Бу Лениннинг қўлоғига етиб борди. Жон-пони чиқиб кетган доҳий 1921 йилнинг 15 мартада: «Биз ҳокимият тепасида зўрға сақланиб қолдик» деб тан олади. Кўркув ва ўз-ўзини сақлаб қолиш туйғуси унга бирдан-бир тўғри йўлни кўрсатиб берди. Бу — НЭП йўли эди.

Бухарин эслайди: «Биз ҳаммамиз бамисоли қўйдек ашаддий ҳарбий коммунизмга тарафдор бўлиб турганимизда ва малъун деҳқонни отувлар билан қўрқитиб, бор ғалласини беришга мажбур қилаётганимизда, бутун бўлмаса эртага шармандан шармсор бўлишимиз муқаррар эканини ҳамда ярамас Пахом калламизни сапчадек узиб ташлаши мумкинлигини кўриб, бизга «Тўхталаринг! Бас қилларинг, каллаварамлар! Қайтар араванинг орқага!» деб хайқирган Ленин эмасми? Ленин эмасми энг сўнгги дақиқада озиқ-овқатни тортиб олишга чек қўйиб, озиқ-овқат солиғига ўтишимизга мажбур қилган? Айтганча, унинг рисоласи «Озиқ-овқат солиғи» тўғрисида деб аталарди. Назарий жиҳатдан жуда ночор бўлган бу рисола мени роса чангини қоқиб дўппослагандим. «Соф» коммунистларни даҳшатга солиб (бинобарин, мени ҳам даҳшатга солиб) НЭПни эълон қилишга журъат қилган ва худди шу иши билан бутун партияни қутқариб қолган Ленин эмасми?!» Ҳамма нарса шундан далолат берадики, Ленин бу даврда бутунлай ваҳимага тушиб қолган ва ҳамма нарсадан ҳафсаласи пир бўлган эди. «НЭП»нинг жорий қилиниши шуни яхши исботлайдики, бу жинояткор муттаҳамлардан бирон-таси ҳам ҳеч қачон, на 1917 йилдан аввал, на ундан кейин бирон давлат тизими ёки қурилиши ҳақида аниқ режага эга бўлмаган. (Афлотуннинг режасини айтмаганда. Кейинчалик Сталин уни намуна қилиб олиб, ўз империясини курган.) Уларнинг хатти-ҳаракатларига раҳнамо бўлган ягона нарса — Россияни талаш ва маҳв этиш, унинг халқини ва маданиятини талон-торож қилишдан иборат эди. Жаҳон инқилоби масаласида ҳам ҳеч қандай аниқ ва жўяли режа кўринмайди. Ҳамма нарса йўл-йўлакай хаёлга келиб қолган тарзда қилинаверган. Жаҳонга ҳукмрон бўлишнинг аниқ режасини кейинроқ Сталин тузиб чиқади ва бу режанинг рўёбга чиқишига сал қолади, фақат бунга Гитлер билан Рузвельт халақит берган.

Лениннинг кўнглини забт этган ваҳима ўз шерикларининг аҳволи нақадар ночор эканини англаш туфайли туғилган эди. Бу ваҳима террорни янада кучайтиришга олиб келди. Петроградда шоша-пиша жуда уқувсизларча Таганцев ишини шов-шув қилишади. Гарчи бу иш аввалги қирғинлардан омон қолган денгиз офицерларига қарши йўналтирилган бўлса-да, унда Гумилев ҳалок бўлади. Флот офицерларсиз кун кўролмайди, шунинг учун кемаларда собиқ гардемаринлар, мичманлар ва лейтенантлардан таркиб топган анча-мунча командирлар бор эди. Уларнинг ҳаммасини бирваракайига қўлга олишди. Бу Кронштадт исёни учун интиқом эди, ҳолбуки улар бу исёнда иштирок этишмаганди. Исёнда қатнашганлар муз орқали Финляндияга ўтиб кетишганди. Лениннинг осийча кекчилиги ана шунақа эди. Интиқомга чоғланган Ленин Совет республикасига флот керак эмас деб эълон қилади ва уларни ВЧКнинг денгиз қисмлари билан алмаштириш керак деб ҳисоблайди¹.

¹ 1920 йилнинг ноябрида оқлар Қримни ташлаб кетишди. Айни шу вақтда Қримда ўз ватани Венгриядан қочган Бела Кун машҳур Землячка билан бирга пайдо бўлиб қолади. Землячка деганларини кейинчалик Сталин, жонига теккан Крупскаянинг таъзирини бериб қўйиш учун, Ленинга бева қилмоқчи бўлган эди. Ҳамма нарса анъанага кўра офицерларни рўйхатга олишдан бошланди. Фрунзе тантана билан уларга афви умумий ваъда қилган эди. Аммо бир зумда отишлар бошланиб кетди. Кўп ўтмай бу оммавий қирғинга айланди. Ўлганларни кўҳна Генуаз кудукларига ташлашди, кудуклар тўлиб битгандан кейин эса маҳкумларни ўзлари учун қабр казишга мажбур қилишди. Одамларга тўла баржаларни денгизларга олиб бориб, чўктириб юборишган. Оилалар ҳам йўқ қилинган. Ҳатто эмизикли болали аёллар ҳам бағри тошлик билан отиб ташланган. Госпиталлар ва касалхоналарга бостириб кириб ҳаммани бир бошдан отиб ташлаётган. Врангел ўзининг ярадорларини Қримда Халқаро Қизил Хоч ташкилотининг паноҳида қолдирган эди. Аммо большевиклар касалхоналар устида ҳалпираб турган қизил хочли байроқларга парво ҳам қилишмаган. Сўнгра Қримнинг ҳамма аҳолисига анкеталарни тўлдириб, уларни маҳаллий ЧКга топшириш буюрилган. Базармаганлар ўлим жазосига маҳкум бўлган. Ленин Қримда зарур тадбирларни ўтказиш тўғрисида Троцкийга маслаҳат берар экан, донолик билан қайд қилади: «Қрим ўзининг инқилобий ҳаракатида уч йил орқада қолди. Уни зудлик билан Россиядаги умумий инқилобий савия даражасига кўтармоқ керак». Ҳаммадан ҳам кўра отишлар

Лениннинг кайфияти бежиз бузилмаганди. Лаънати «НЭП» Лениннинг ҳамма одамларини қаттиқ ғазаблантирди. Уларнинг кўпчилиги Россияда муқим туриб қолиш ниятида эмас эди, аксинча, улар ўлжани тақсим қилиб олгач, қандай пайдо бўлиб қолишган бўлса, худди шундай қўққисдан ғойиб бўлиш пайида эдилар. Имкони борича бу ерда қолиб ҳукмронлик қилиш орзусида бўлганлар ҳам норози эдилар. Савдо эркинлиги ва эркин бозор туфайли уларнинг тахтларидан муқаррар тарзда путур кетарди. Ахир, Лениннинг ўзи Кронштадт исёни арафасида Х қурултой минбаридан туриб, ўз ҳамкорларининг қулоқларига қуйиб, эркин савдонинг жорий қилиниши «муқаррар тарзда оқгвардиячилар ҳукмронлигига, капитализм тантанасига, эски тузумни тўлалигича тиклашга олиб келади. Мен такроран айтаман: бу сиёсий хатарни жуда аниқ тушуниб олиш керак», — деган эди-ку! Ленин имкони борича уларни тинчлантиришга уринди. У яқин сафдошларига шахсан хатлар йўллади, уларда кўп айтиладиган сийқа гаплар бор эди: «Биз стратегик чекинишни амалга оширмоқдамиз. Бу бизга яқин келажакда кенг кўламда ҳужум бошлашимизга имкон беради. Нэп террорга хотима берди,

Севастополда, Ялтада, Балаклавада ва Керчда кўп юз берди. Севастополда биринчи навбатда 500 дан ортиқроқ порт ишчиларини отиб ташлашди — улар генерал Врангелнинг жўнаб кетаётган кемаларига юк ортишда қатнашган экан. Отилганларнинг рўйхатини эълон қилишдан уялишмади. 28 ноябрдаёқ Севастополда отилганларнинг биринчи рўйхати эълон қилинди — унда 1634 кишининг, шу жумладан, 278 аёلнинг исми бор эди. 30 ноябрда иккинчи рўйхат эълон қилинди — 1202 киши, шу жумладан, 88 аёл. Фақат биринчи ҳафта мобайнида Севастополда отилган 8364 та одамнинг рўйхати эълон қилинди. Отишдан ташқари осий йўли билан ҳам оммавий қирғин амалга оширилди. «Нахимов проспекти, — деб эслайди шохидлардан бири, — кўчада қамоққа олинган ва шу жойнинг ўзида қатл этилган офицерлар, солдатлар ва оддий фуқароларнинг жасадига тўлиб кетган. Офицерларни, албатта, ҳарбий кийимларида, елкаларида погонлари билан қатл этишди. Ҳарбий бўлмаганлар ярим яланғоч қолда осийиб турарди. Бошқаларга «ибрат» бўлсин учун ҳамма устунлардан, дарахтлардан, ҳатто ҳайкаллардан фойдаланишган. Тарихий хиёбон ҳавода чайқалиб турган жасадларга тўлиб кетди. Нахимов проспектида ҳам, катта Денгиз бўйи кўчасида ҳам, Денгиз бўйи хиёбонида ҳам аҳвол худди шундай эди. Ижрочилар, албатта, «байналмилалчи»лар эди. Уларга Кайзер армиясининг собиқ офицери Бемер кўмондонлик қилган. (1918 йилда у Севастополнинг немис комендант бўлган эди). Унинг совет комендант сифатида чиқарган биринчи буйруғи аҳолига «совет ҳокимиятининг ижрочилари устидан шикоят қилишга ҳақи йўқлигини, чунки аҳоли оқгвардиячилар билан ҳамкорлик қилганини тушунтирувчи буйруқ бўлди. Бемер заррача тап тортмай отиш ҳақидаги буйруқларга имзо чекарди. Жумладан, унинг госпиталлардан бирида хизмат қилувчи 23 ҳамширани «офицерларни яширгани учун» ва Халқаро Қизил Хоч ташкилотининг 18 ходминини ҳам шундай «жинояти» учун отиб ташлаш ҳақидаги буйруғи сакланиб қолган. Бир амаллаб омон қолганлар минглаб концлагерларга жўнатилар эди. Улар ўша кезлардаёқ Архангельск губернасида кўплаб пайдо бўла бошлаган эди.

Хўш, Бела Кун билан Землячка нима бўлди? — дersen. Улар нима билан машғул бўлишган?

Ҳикоя қилишларича, Землячка баъзида одамларни отиш ва қийнашларда шахсан иштирок этган экан, аммо бу бевосита унинг вазифасига кирмаган, балки унинг учун шунчаки эрмак бўлган. Землячка билан Кун туни билан тонггача Қримда топилган тилла ва бошқа қимматбаҳо буюмларни тўплаш, ҳибсга олиш ва транспортда жўнатиш билан банд бўлишган. Террор ҳар доимдагидек бир ниқоб бўлган, холос. Офицерларда мону дунё кўп бўлмайди, албатта. Аммо баъзи бировлардан озмунча нарса олинмаган. Аммо биронта одамни шип-шийдам қилишгандан сўнг қўйиб юборганлари тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Эҳтимол, биронта одамни қўйиб юборган бўлишлари ҳам мумкин, аммо Ғарбда бунақа одамлардан ҳеч ким пайдо бўлгани йўқ. Ўлпонни олишга олишган-у, кейин отиб ташлаётган. Қимматбаҳо буюмлар икки йўл билан жўнатилган — бири Ғарбга (масъул Бела Кун), иккинчиси Шимолга — Москвага Гохранга (масъул ўртоқ Землячка).

деб ўйлаш катта хато бўлур эди. Биз тез орада сиёсий террорга ҳам, иқтисодий террорга ҳам қайтмоғимиз керак». Лениннинг мия хасталиги зўрайди¹.

Инесса Арманд вафот қилди — у Ленин яхши кўрган ягона аёл эди. Мамлакатда даҳшатли очлик бошланди. Волгада одамхўрлик ҳоллари рўй берди.

Гўё буларнинг ҳаммаси етмагандай, тилла тўла сандиқлар Гохрандан аллақайққа ғойиб бўлаётгани ҳақида чақув келди. Чақувни 1921 йил 16 май куни машҳур Яков Юровский ёзган эди. Бу ўша — 1918 йилнинг июль ойида Екатеринбургда подшо оиласини отишга раҳбарлик қилган, кейин уларнинг бойликларини Москвага олиб келган Юровский эди. Ана шу иккиёклама «қаҳрамонлиги» учун Юровский Гохранда ишлашга мушарраф бўлган эди. Ленин дарҳол Юровскийни ҳузурига чақиради ва салкам уч соатлик суҳбатдан кейин аллақандай номаълум одамлар Гохрандан машиналарда тонна-тонна олтинни олиб чиқиб кетишга кетишганини билиб олади. Бу одамларнинг қўлида Халқ Комиссарлари Советининг ишлар бошқармаси имзо чеккан ва Лениннинг ўзи розилигини ёзма ифодалаган буйруқлари бор экан. Юровский бу буйруқларнинг гўё қалбаки эканини маълум қилди. Унинг гапига кўра, бу ишга Гохраннинг баъзи бир ходимлари иштирок этган бўлиб, уларни ЧК апрелдаёқ қамокқа олган ва отиб ташлаган.

Маълум бўладики, Ленин бу гаплардан бутунлай беҳабар экан. Аммо бундан кейин ҳам тилла ва бриллиантларни олиб чиқиб кетиш давом этаверган. Юровский гўё янги-янги қамашларга кўрсатма берган, унга энди Бокий ҳалақит бера бошлади. Петроградда улуғ князлар билан бўлган можародан кейин Бокий Москвага ишга ўтказилган эди. Бу ерда у ЧК коллегиясининг ходими сифатида Гохран ишларини назорат қиларди. Ғазаб ўтида ёнган Ленин Бокийдан жавоб талаб қилади. У Бокийнинг қанақа одам эканини ва ишни улгуржи қилишини билиб олганди. Уни вақти-вақти билан фош этиб туриш керак эди. Шунда у қўлга киритган ўлжаларини фақат бевосита бошлиқлари билангина эмас, олий раҳбарлар билан ҳам баҳам кўрарди. Қизиғи шундаки, Юровскийнинг чақувини Ленин айти Бокийга жўнатган ва бу қанақа гап эканини тушунтириб беришни талаб қилган. Бокий телефоннома юбориш билан чекланиб, Лениннинг сўровига дудмалгина жавоб берган. 23 май куни у Юровскийнинг маълумотлари, юмшоқ қилиб айтганда, жуда муболағали деб айтган. Ўғирликлар чиндан ҳам содир бўлган, лекин шунчалик майда ва арзимаски, бу тўғрида гапириб ўтириш ҳам ортиқча, Юровский айтган ҳужжатлар масаласига келганда, уларнинг ҳаммаси ҳақиқий ҳужжатлардир, улар махфий ҳужжатлар сирасига киради, лозим бўлса, Лениннинг ўзи бунга ишонч ҳосил қилиши мумкин. Аллақачон Гохранда майда ўғирликларни имкони борича камайтириш тадбирлари кўриб қўйилди. Аммо, деб таъкидлайди Бокий, — Гохранда ҳозирги ходимлар бор экан, ўғирликка бутунлай барҳам беришнинг иложи йўқ. Бу гапи билан Бокий Юровскийга шама қилаётган кўринади.

Бу ишда Лениннинг ўзини тутиши бир оз ғалатиноқ. 1921 йил 24 майда у Бокийга асабий бир мактуб йўллайди. Бу мактубда Юровский тилга олган гўёки қалбаки бўлган ҳужжатлар ва уларда ўзининг ҳамда Горбуновнинг имзолари бор экани тилга ҳам олинмайди. «Ўртоқ Бокий! Сиз жўнатган телефонномани олдим. Мутлақ қаноат ҳосил қилмадим. Бунақаси кетмайди. Сиз бу ишни синчиклаб тафтиш қилиб чиқишингиз ва менга аниқ маълумотлар беришингиз керак. Сиз бўлсангиз «умумий нигоҳ», «муболаға»,

¹ Ленин ўлгандан кейин ёриб кўрган врачлар миясининг ярми туғилгандан бери ишламаганини кўриб лол қолишди. Иккинчи ярми ҳам оҳаксимон тузилмалар билан қопланган бўлиб, шу аҳволда эканки, жаҳон пролетариатининг доҳийси қандай қилиб тирик юрганни мутлақо тушуниб бўлмасди. У болалигидаёқ ўлиб кетиши керак экан. Врачлар бунақа мия билан инсон яшаши мумкин эмас, деган тўхтамага келишади. Шундай экан, Ленин бўлганмида — йўқми?

«Ўғирликка бутунлай барҳам беришнинг имкони йўқ» (???) деган гапларни гапирасиз. Бу доклад эмас, бемаъниликдир.

- 1) Менга ҳамма масъул шахсларни номма-ном айтинг.
- 2) Иш қандай ташкил қилинганини айтинг.
- 3) Ҳамма ўғирликларни санаб кўрсатинг, ҳаммаси аниқ бўлсин, қачон, қанча ўғирланган?
- 4) Ишлаётганларнинг ҳаммаси қанча? (Уларнинг таркиби? Стажи? ва ҳ.к.).
- 5) Бу ердаги ўғирликларни тўхтатиш учун қанақа тадбирлар кўриляпти?
- 6) У ерда қачон суд бўлган (IV, 1920)? Ҳамма йирик суд мажлислари? Қанча одам жазоланган? Буни олганингиз ҳақида ва ижро этиш муддати тўғрисида мени огоҳ қилинг.

ХКС Раиси В. Ульянов (Ленин).

ВЧКнинг тафтиш ўтказишини кутмай, Ленин 29 май куни Молия Халқ комиссарларининг муовини Альскийга мактуб йўллайди. У бу ишга яқинда ўтказилган бўлиб, илгари ЧКнинг ҳисоб-тақсимот бўлимида мудир бўлиб ишлаган эди. Альский (яна бир фамилияси Мальский) ишонса бўладиган одам, Парвус мактабини кўрган, Ленин билан бирга Россияга 1917 йил апрелида келган, ўз ишини яхши билади. Ленин унга Гохрандаги тартибларни мустақкамлаш тўғрисида шахсан ўзи тузган қўлланмани жўнатади. Қўлланма дўқ-пўписаларга ҳам тўла бўлади. Лениннинг фикрича, Альский уларни тушунмаслиги мумкин эмас: «Ўртоқ Альский! Мен учун тайёрланган куйидаги докладга эътиборингизни жалб этмоқчиман. Уни ўртоқ Дзержинский билан келишилган ҳолда мен томондан махсус вакил қилинган ВЧК ходими тайёрлаган. Гохранда аҳвол ёмон.

Бу масалага сизнинг жуда жиддий эътибор бермоғингизни сўрайман. Биринчи навбатда сиз, кейин Молия Халқ комиссарлиги коллегиясининг ҳамма аъзолари ва ўртоқ Бош махсус Гохранга ўн баробар ортиқроқ эътибор билан қарашларингиз талаб қилинади. Агар қисқа муддатда Гохрандаги ишлар бутунлай янгидан ташкил қилинмаса ва бунинг натижасида ўғирлик қилиш имкониятларига бутунлай хотима берилмаса, айтиш чоқда, ҳамма ишлар тезлаштирилиб, кўлами кенгайтирилмаса, Нарком муовини ва Молия Халқ комиссарлиги коллегиясининг ҳамма аъзолари нафақат партиявий, балки жинсий жавобгарликка ҳам тортилади. Гохрандаги ишлар суи борадиган бўлса (қишда ишлаш қийин, қишгача кўп нарсани қилиб улгуриш керак), бу ердаги ўғирликка хотима берилмаса, бундан Республика жуда катта талафот кўрмоқда, негаки, айтиш ҳозирги пайтда — оғир кунларда биз хориж билан товар алмашиш учун жуда тез суръатларда имкони борича катта маблағни қўлга киритмоғимиз керак. (Бу сатрлар эсингизда турсин, биз ҳали уларга яна қайтамиз — И. Б.)

Куйидагиларни бажариш зарур:

- 1) Гохран ишларини зудлик билан қайта қуриш учун ўртоқ Бокий билан тез-тез кенгашлар ўтказиб туриш керак.
- 2) Гохранни кўриқлаш ва назорат қилишни бениҳоя мукамаллаштириш лозим (махсус тўсиқлар, кийим-кечак учун жовонлар, махсус тўсилган кийиниш жойлари, қўққисдан қилинадиган тинтувлар, жинсий кидирув санъатининг ҳамма қодаларига амал қилган ҳолда икки қайта ва уч қайталаб ўтказиладиган текширувлар ва ҳ.к., ва ҳ.к.).
- 3) Зарур бўлган ҳолларда Москвадаги ўнлаб ва юзлаб масъул ҳамда ҳалол коммунистларни бир ойда бир марта ё икки марта қўққисдан ўтказиладиган кундузги ва тунги тафтишларга жалб қилмоқ лозим. Ходимларга ҳам, тафтишчиларга ҳам бериладиган қўлланмалар имкони борича ба-тафсил бўлсин.

4) Молия Халқ Комиссарлиги коллегиясининг ҳамма аъзолари бемустасно равишда ойда камида бир марта кўққисдан кечаси ва кундузи Гохранда ходимларнинг иш жойида ва ўғирлик бўлиши мумкин бўлган жойларда шахсан тафтиш ўтқазилари шарт.

Бу қоғоз махфий бўлгани учун, уни дарҳол менга қайтариб юборишингизни талаб қиламан, унга Молия Халқ комиссарлиги коллегиясининг ҳамма аъзолари танишганлари ҳақида имзо чексин.

29.V. ХКС Раиси В. Ульянов (Ленин).

(Р. С. Агар Чусткаев кетиб қолмаган бўлса, у ҳам ўқиб чиққан, унинг ҳам гуноҳи кичкина эмас.)

Бу ҳужжатда Ленин қанақа «жуда катта талафот» ҳақида гапиряпти? Яна уни махсус таъкидлаб қўйишти. Наҳотки, юкчилар, нарх қўювчилар, сараловчилар каби майда хизматчиларнинг ўғирликлари Гохранда «жуда катта талафотни» келтириб чиқариши мумкин? Ахир, бу ердаги ходимларнинг ҳаммаси ҳар бир дақиқада жиндай кирдикорлари учун қамоққа олиниши ва отиб ташланиши мумкинлигини яхши билишарди-ку?! Гохранда ишлайдиганларнинг деярли ҳаммаси айни чоғда ВЧКнинг ходими эди. Шундай бўлгач, яна қанақа тафтишу текширишларга ҳожат бор? Ниҳоят, Ленин Альскийга шама қилиб, «имкони борица катта маблағ керак» деган товар айрибошлаш шу пайтларда қайси хорижий мамлакат билан содир бўлмоқда эди? Бу саволлар ҳар қанча сирли кўринмасин, жавоблари унчалик ҳам яширин эмас.

1920 йилнинг октябрь ойидаёқ ўзини озми-кўпми дадилроқ ҳис қилган Ленин «Хорижга антиқа бойликларни сотиш тўғрисида»ги декретга имзо чекади. Бу декрет билан у Россиянинг миллий бойликлари хорижга кўчишига имкони борица ошқора тус бермоқчи бўлган. Сабаби шундаки, шунга қадар амалга оширилган махфий операциялар анча-мунча қалтис бўлиб, харажати ҳам қимматга тушарди. Оврупога «эксперт комиссияси» жўнатилади, унга «ҳаддан зиёд ишончли» одам Ракитский бошчилик қилади.

Парижда, Лондонда ва Флоренцияда дастлабки ким ошди савдолари уюштирилади. Улар жуда катта шов-шувга сабаб бўлади. Катта жанжал келиб чиқади. Негаки, ким ошдига қўйилган буюмларнинг эгаларини кўпгина одамлар танир эди. Буюмларнинг собиқ эгалари отиб ташлангани ёки бедарак йўқолганидан ҳам хабардор эдилар. Аммо ҳеч ким антиқа буюмларнинг ғайриқонуний сотилаётганини тасдиқловчи ҳужжатларни кўрсата олмади. Шу сабабдан иш судгача етиб бормади. Савдога қўйилган буюмлар бағоят ноёб бўлгани ва нархи жуда арзон бўлганидан ким ошдига жуда кўп одам йиғилди. У жуда катта даромад бериши керак эди. Юзлаб фирмалар Лениннинг «экспертлари»ни кучоқ очиб кутиб олди ва талончиликда шерик бўлиш истагини билдирдилар. Бу пайтга келганда Россияда мусодара қилинган қимматбаҳо буюмларнинг миқдори минглаб тонналаб, кўпинча эса кубометрлаб ўлчанган. Бир масала тўғрисида Оврупо газеталари аввалига таажжуб билан ёзишди, кейин эса бу «ошқора» савдода иштирок этувчиларнинг ҳаммаси масаланинг бир жиҳатига эътибор беришди. Гап шунда эдики, ким ошди савдосида тушган пулларнинг ҳаммасини совет экспертлари Россияга жўнатишни эмас, Оврупо ва Америка банкларига ўтказишни илтимос қилишди. Баъзи бир экспертлар ким ошдида сотилган нарсаларнинг пулини нақд олишди — уларнинг чемоданлари қоғоз пулларга тўлди. Иш оламшумул кўлам касб эта бошлади.

Бу даврга келиб, ленинча номенклатуранинг шакли-шамойили анча номён бўлиб қолганди. Унинг аъзолари дабдурустданоқ ўзининг ҳаддан ташқари беҳаёлиги ва очкўзлигини кўрсатди. Марказқўм аъзоларининг кўпчилиги қадимий қасрларда истиқомат қиларди. Улар қимматбаҳо уй-анжомларини, тилла ва кумуш идишларни, ноёб гиламларни, шунингдек, қадимий усталарнинг залворли олтин рамкалардаги расмларини жондилларидан яхши кўришарди. Шинел билан итёқа кўйлақлар учун алланечук махсус кийимлар вазифасини ўтарди. Қасрларда ҳатто бурунги замонларда хизматкорлик ҳадисини олган одамлар ҳам ишлашар эди. Москва яқинидаги князь Юсуповнинг қасрида Троцкий истиқомат қиларди. Бу ерда ҳатто собиқ корнетлардан чиққан абжир адъютантлар бор эди. Улар шахдам қадам ташлаб, келиштириб чест беришар ва эскичасига сочларининг ўртасидан фарқи очилган бошларини бежирим эгиб туришарди.

Ленин гарчи бу ишларга кулиб қараса-да, лекин ҳеч қайсисига қаршилиқ кўрсатган эмас, негаки унинг ўзи ўша одамлардан аъло эмас эди. Ҳар куни Марказий Қўмита ошхонасининг талабномалари ва Кремлдаги хизмат кўрсатувчи ҳар хил соҳаларнинг қоғозларини имзолар экан, Ленин уларга берилаётган озиқ-овқатларнинг хилларини диққат билан кузатиб турган. Бу овқатларнинг хилларига албатта, увулдуруқнинг уч нави, гўштнинг хилма-хил навлари, колбаса, пишлоқ, тансиқ балиқлар, Ленин ўзи жуда яхши кўрадиган шўр бодринглар, қўзиқоринлар, уч хил кофе кирган.

Хуштаъм овқатлар бобида Лениннинг суяги йўқ эди. Ҳар куни ўн минглаб одамларнинг ҳаётини олиб кетаётган бекиёс очлик вақтида у Горбуновга танбеҳ бериб, «кеча увулдуруқ жиндай ҳидланиб қолипти», «қўзиқориннинг суви айнаб қолган экан», «ошпазни бир ҳафта қамаб қўйилса чакки бўлмас эди», деган гапларни бемалол айтаверган. Улуғ князь Сергей Александровичнинг Москва яқинидаги Горки қишлоғида жойлашган қасри Лениннинг тасаруфига ўтди. Қишлоқнинг ҳамма аҳлиси кўчирилди. Бўшаб қолган уйларга «байналмилалчи» соқчилар жойлашди. Уларнинг ҳаммаларини бугун негадир бирваракайига «латиш ўқчилари» деб аташади. Ҳолбуки, бу соқчилар сафида бор-йўғи йигирмата латиш бор эди, холос.

Бунақа ҳаёт, албатта, жуда хуш ёқар эди ва ҳеч ким ундан маҳрум бўлишни истамасди. Шунинг учун Лениннинг ҳамма бойликларини аввал «жаҳон инқилоби манфаатлари йўлида хорижга ўтказиб, ундан сўнг жуфтакни ростлаб қолиш ҳақидаги дастлабки режасидан хабардор бўлган аъёнлар «қочиш учун ҳеч қанақа асос йўқ» деган маънода доҳийга мунтазам тазйиқ ўтказиб келдилар. Россияда «социализм» қуришда давом этиш керак — буни амалга ошириш йўллари жуда яхши ишлаб чиқилган: мусодара ва отув. Ленин ҳар гал бу фикрларга қўшилар эди. Ҳатто 1921 йилнинг мартада ҳам у ўзининг нутқлари ва мақолаларида партиянинг ақидалари ҳамда сиёсатида ҳеч қандай заифлашиш ва ўзгариш бўлмайти, деб сафдошларини ишонтирганди.

«НЭП»нинг эълон қилинишини, яъни мамлакатнинг озми-кўпми маданийлашган ривожланиш йўлига ўтказилишини кўплар «сотқинлик» деб, таслим бўлиш ва «қочишга тайёргарлик кўришга» чақирӣқ деб қабул қилди. Ленин бунинг аксини исбот қилишга ҳар қанча уринмасин, ҳамма унинг тутуриқсизлиги, муғомбирлиги ва айёрлигини яхши билиб қолган эди. ЧКнинг эгри-бугри йўлақлари бўйлаб бир фикр илондай вишиллаб ўрмалай кетди: «Ильични орадан кўтариш керак». ЧК қимматбаҳо буюмларни Гохрандан ўзининг махфий омборларига кўчириш операциясини бошлаб юборди. Бошқача айтганда, мамлакатда қолмоқчи бўлганлар мамлакатни тарк этмоқчи бўлганлардан ўз улушини ола бошлади. Аммо Лениннинг ҳокимияти ҳали анча қудратли эди. Бундан ташқари, ЧК билан Марказқўм ўртасида

ҳам яқдиллик йўқ эди, аини шунинг оқибатида Лениннинг қаттиқ ғазабини қўзғаган Юровскийнинг чақуви пайдо бўлган эди.¹

Глеб Бокий буйруққа биноан терговни бошлади. Биринчи бўлиб Гохран ходими Яков Шелехес қамоққа олинди ва ўғирликда айбланди. У Юровскийнинг дўсти эди. Уларнинг иккови ҳам инқилобгача заргар ва соатсоз бўлишган. Шелехесдан тез орада керакли кўрсатмаларни ола бошлади. Юровский Лениннинг ҳузурига югурди ва Ленин дарҳол Шелехесни ЧКнинг чангалидан қутқаришга урина бошлади. 1921 йилнинг 8 августида У Держинскийнинг муовини ва Бокийнинг бевосита бошлиғи Уншлихтга махфий мактуб йўллади:

«ВЧКга. Ўртоқ Бокийга. Фуқаро Яков Савельевич Шелехеснинг қамоққа олиниш сабабларини сўрайман. Суд бўлгунга қадар уни партиядош ўртоқлари кафиликка олиб турса ёхуд ВЧК ҳибсхонасидан Бутир турмасига ўтказиб турса бўладими?

ХКС Раиси В. Ульянов (Ленин)».

Йўқ, овора бўласиз! Шелехеснинг қамалиши ленинчи-большевиклар сафида чинакам саросималик туғдирди. Аммо ВЧК эҳтимолки, ўзи бино бўлган кундан бери биринчи мартадир, ваҳимага тушган дохийларнинг оҳ-воҳини эшитмаётганга солди. Лениннинг мактубига Уншлихт шундай шарҳ ёзди:

«Ўртоқ Бокий! Зудлик билан менга маълумотнома беринг...» Худди шу қоғознинг ўзига Бокий Ленин номига бутун бошли бир мактуб ёзган. Терговни бошлаш ҳақида Лениннинг ўзи буйруқ берганини эслатиб, Бокий ўз таажжубини изҳор қилади — нега энди ҳозир — ўғирлик қилган одам фош этилиб, қамоққа олинганда ва шерикларини айтиб бераётган бир пайтга унга, яъни Бокийга очикчасига тазйиқ ўтказиб, Шелехесни жазодан қутқариб қолишга уринилмоқда? Шелехес ҳақида, деб таъкидлайди Бокий тажанглик билан, ҳар куни ўн марталаб сўрашади. Бу ишга халақит бермоқда. Балки, деб ошқора таҳқир оҳангида савол беради Бокий, — Ленин билан Шелехес ўртасида унга, яъни Бокийга маълум бўлмаган қандайдир алоқалар бордир? Бўлмаса, Ленин нима учун жон куйдириб уни ҳимоя қиляпти ва қутқармоқчи бўляпти? Мактубининг охирида Бокий «Лениндан Гохран иши бўйича бўлаётган ҳар хил тазйиқлар ва талабномаларга эътибор бермаслик учун

¹ Худди кироли Людовик XIV каби Ленин ҳам ўзини фуқароларнинг ҳаётигагина эмас, мулкига ҳам ҳўжайин деб ҳисоблар эди. Аммо «кирол-офтоб»дан фарқ қилароқ у фақат ўзининг майлига қараб иш юритарди, чунки мамлакатда ҳеч қанақа қонун йўқ эди. Фақат битта масалани ҳал қилса бўлди: мухалиф — буржуйми, йўқми? Машҳур тупроқшунос профессор А. Яриловни Ленин кўпдан бери танир, унинг 1905 йил инқилобда қатнашганидан хабардор, ҳатто муҳожирликда бирга бўлганди. Ижрочилар саводсизлиги туфайли, албатта, уни танишмайди ва уни экспроприацияга мустаҳик қиляшади, яъни буржуй ҳисоблаб, унинг ҳамма молу мулкани, ҳатто чойшаб билан руйжаларини ҳам мусодара қиляшади. Профессор Ленинга арз қилади. Воқеа Краснодарда содир бўлган эди. Ленин дарҳол Краснодарга телеграмма беради: «Кавказ. Краснодар: Ижрокўм раисига. Арсен Ярилов оиласига 24 март кунин Краснодарда мусодара қилинган буюмларининг ҳаммасини, кийим-кечагини, чойшабу руйжаларини ва бошқа уй анжомларини қайтариб беришни илтимос қиламан. Агар мусодара қилинган нарсаларини қайтариш иложи бўлмаса, унинг ўрнига бошқа буюмлар билан товон тўлансин. Шунини тасдиқлайманки, Ярилов на молу мулкига қараб, на мафқураси бўйича буржуазия синфига мансуб деб ҳисобланиши мумкин эмас. Совнарком Раиси Ленин. 1921 йил 30 май». Лениннинг телеграммаси муносабати билан Кубан Қора денгиз вилоят ижроия кўмитасининг Раёсати профессор Яриловнинг оиласига буюмларини қайтариб бериш тўғрисида қарор чиқаради. Ленин кўпинча «баъзи бир ҳолларда ким буржуйи, ким буржуй эмаслигини фақат мен ҳал қилиб бера оламан», деб тез-тез таъкидлаб турарди. Бейхотиёр кейинроқ фашистлар Германиясда рўй берган бир воқеа эсга тушади: ҳаммани зир қакшатадиган рейхсмаршал Герингнинг олдига гестапо офицерлари келиб, Геринг штабидаги бир қатор офицерлар, шу жумладан, унинг ёрдамчиси генерал Мильх ҳам яҳудий эканини исботловчи ҳужжатларни кўрсатишади. Геринг ҳужжатлар билан танишади-да, гестапочиларга қараб: «Ўзимнинг штабимда ким яҳудий-у, ким яҳудий эмаслигини ўзим ҳал қиламан», — дейди. Герингни Лениндай қўламли шахс билан сира ҳам таққослашни истамаган ҳолда, мен ўзбошимчалик усулларининг нақадар бир хил эканини таъкидламоқчиман, холос.

ижозат сўрайди» ва Лениннинг сўровига кесиб жавоб беради: «Тергов давомида судга қадар озодликка чиқариш мумкин эмас деб ҳисоблайман».

Лениннинг ғазаби ошиб-тошади. У энди ҳаддидан ошган сурбет ижрочиларга бевосита ВЧК раиси — Феликс Дзержинскийнинг ўзи орқали таъсир кўрсатишга ҳаракат қилади. Аммо Дзержинский билан Бокий аввалдан топишган, бир-бирининг тилига тушунишади. Муғомбир Дзержинский гап нимадалигидан яхши хабардор, лекин шундай бўлса-да, Лениннинг жонини ҳалқумига келтириб, хуноб қилади: «Ахир, ўзингиз буюргансиз-ку, Владимир Ильич? Бу Шелехес деганларининг беғуноҳ эканига нега бунча ишонмасангиз?» Дзержинский Ленинга ваъда бериб, Шелехеснинг кўрсатмалари ЧКда гўрга тикилишини (Шелехес билан бирга) айтади. Ленин шеригини қутқаришнинг иложи йўқлигини тушунади, ЧК анчадан бери ўзига қарши ҳам материаллар йиғиб юрипти. Саросима ичида у Бокийга мактуб ёзиб, нега Шелехеснинг тақдирига қизиқаётганини ва унинг қисматини юмшатмоқчи бўлаётганини зўрма-зўраки тушунтирмоқчи бўлади:

«1921 йил 9 август.

Ўртоқ Бокий!

Шелехес (Яков Савельевич) ҳақидаги мактубда сиз «ҳатто Ленингача унинг ташвишида юришипти» деб ёзасиз ва Гохран иши бўйича бўлаётган ҳар қанақа тазйиқлар ва талабномаларга мутлақо эътибор бермасликка ижозат сўрайсиз.

Бунга ижозат беролмайман.

Мен томондан юборилган сўров на «тазйиқ», на «талабнома», на биров дардидаги «ташвиш» эмас.

Модомики, менга биров ишнинг тўғрилигига шубҳа бор эканини айтишганда, бу масалани сўров йўли билан аниқлаш бурчимдир.

Сиз менга бор гапни айтишга мажбурсиз, «далиллар ёки фoш қилувчи ашёлар бор», «улар фалондақа, пистондақа, жуда жиддий» демофингиз лозим. Мен «озод этишга», «юмшатишга» ва ҳ.к., ва ҳ.к.ларга қаршиман.

Шундай тарзда сиз менга масаланинг моҳияти бўйича жавоб бермофингиз керак.

Талабнома ва «ташвишлар»ни рад этишингиз мумкин, «тазйиқ» ғайриқонуний ҳаракат. Аммо такроран айтаман—ХКС Раисининг сўровини талабнома, ташвиш ва тазйиқ билан аралаштириб юборишингиз хатодир.

ХКС Раиси В. Ульянов (Ленин)».

Хўп, яхши, яхши. Кечирасиз, Владимир Ильич. Биз сизга асло панд бермоқчи эмасмиз. Аммо сиз ҳам, марҳамат қилиб, бизнинг ишимизга аралашманг-да! Ахир, гап нимада эканини ўзингиз яхши биласиз-ку! Ахир, сиз ўзингиз 1921 йилнинг апрелида бизга қуйидаги мактубни юборган эдингиз:

«Мутлақо махфий!

Ўртоқ Уншлихт ва Бокийга! Бу иш эмас, расвогарчилик! Бунақа ишлаб бўлмайди. Нималар деб ёзаётганларига қизиқиб кўринг. Зарур бўлса, Молия Халқ Комиссари ва ўртоқ Баш билан бирга ўғирлик қандай содир қилинаётганини топинг.

Қоғозларни махфийлиги сабабли илова билан ўз фикрингиз билан бирга дарҳол менга қайтаринг.

24.IV. ХКС Раиси Ленин».

Илова «Нью-Йорк таймс» газетасидан қирқиб олинган парча эди. Унинг таржимаси ҳам бор бўлиб, ёзувига қараганда таржимани шахсан Лениннинг ўзи қилган:

«Большевистик Россиядаги ишчи раҳбарларнинг кўзлаган савдойи орзуси иккинчи Хорун-ар-Рашид бўлишга уринишга ўхшайди. Фақат фарқи шундаки, афсонавий халифа беҳисоб бойликларини Бағдоддаги ўзининг қасрида ертўлаларда асраган, большевиклар эса, аксинча, барча бойликларини Оврупо ва Америка банкларида сақлашни афзал кўрадилар. Бизга маълум бўлдики, фақат ўтган йилнинг ўзида большевик раҳбарларининг ҳисобига куйидаги пуллар тушди: Троцкийдан АҚШнинг фақат битта банкига 11 миллион доллар ва Швейцария банкига 90 миллион швейцария франки;

Зиновьевдан Швейцария банкига 80 миллион швейцария франки;

Урицкийдан Швейцария банкига 85 миллион швейцария франки;

Дзержинскийдан 80 миллион швейцария франки;

Ганецкийдан 60 миллион швейцария франки ва 10 миллион АҚШ доллари;

Лениндан 75 миллион швейцария франки.

Афтидан, «жаҳон инқилоби»ни «жаҳон молиявий инқилоби» деб атасак тўғрироқ бўлади, шекилли. Бу «инқилоб»нинг бутун маъноси шундан иборатки, жаҳоннинг жами пулини йигирма-ўттизта одамнинг жорий ҳисобига ўтказиш керак. Лекин буларнинг баридан биз битта бемазароқ хулоса чиқарамиз: Большевиклар нуқтаи назаридан швейцария банклари Америка банкларига қараганда ҳар қалай, ишончлироқ бўлган. Ҳатто мархум Урицкий ҳам пулларини шу ерда сақлашда давом этади. Шундай экан, биз ўзимизнинг молиявий сиёсатимизни уни кўпроқ федераллаштириш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз керак деган хулоса келиб чиқмайдими?»

Тергов шиддат билан бошланди. Москвада «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг мухбири Америка фуқароси Маргарет Гаррисон жосусликда айбланиб қамоққа олинди, бир оз ўтгандан сўнг Москвага Америка социалистик ишчи партиясидан Коминтерннинг III Конгрессига вакил бўлиб келган америка журналисти Адольф Карн қамоққа олинди. Америка фуқароларидан яна бир неча киши банди қилинди. Уларнинг ҳаммаси ҳарбий ва сиёсий характердаги разведка материаллари тўплашда айбландилар. «Нью-Йорк таймс» — америка газетаси, шундай бўлгач, унинг кирдикорларига америкаликлар жавоб бериши керак.

Бундай мулоҳаза замиридаги темир мантиққа қарамай, Ленинда бошқа бир фикр пайдо бўлди: Бу воқеалар жараёнида ВЧКси тушмагур ўғирлик изларини қидираётгани йўқ, балки ана шундай оддий муғомбирлик билан Лениннинг Америка сенатори Френс, инженер Вандербильт ва корчалон Хаммер билан бўладиган музокараларига раҳна солмоқчига ўхшайди. Айтганча, ВЧК берган маълумотномага ишониб Ленин Вандербильтни миллиардер деб ҳисоблаб юрган эди, ҳолбуки у оддий инженер экан. Доҳийнинг доҳиёна калласида Россиянинг жамики ерости бойликларини сотиш фикри пайдо бўлиб қолди ва у зўр бериб «концессиялар» ҳақидаги ўз ғоясини тарғиб қила бошлади. Чет элларда турмага тушиб қолган фуқароларни қутқариб олиш учун ҳамиша имкони бор жамики хатти-ҳаракатни қиладиган америкаликлар Ленин билан кўпроқ Карна ва Гаррисонни озодликка чиқариш тўғрисида гаплашишди. Улар масаланинг моҳияти ҳақида камроқ гаплашишди, ҳолбуки бу моҳият улар учун ғоятда қизиқарли ва ақл бовар қилмайдиган даражада даромадли эди... Маълум бўлдики, Маргарита Гаррисон Мэриленд штати губернаторининг синглиси экан, музокаралар олиб бораётган Френс бўлса шу штатнинг сенатори бўлиб чиқди. Буларнинг бари Ленинни терговни шахсан ўз назорати остига олишга мажбур қилди ва Ленин бир зумда чекистлар «ўйин» қиляпганига амин бўлди. Америкаликларни қўйиб юбордилар. Ленинга аён бўлдики, «ўғирликлар»нинг изланаётган излари тўғри

ЧКнинг ич-ичига сингиб кетган. Энди эса «ўғирлик»нинг бош айбдори сифатида унга Шелехесни рўпара қилишяпти.

Тилла билан ҳокимият Лениннинг қўлидан сирғалиб чиқиб кетмоқда эди. Партия билан унинг жанговар отряди бўлмиш ВЧК Ленинни четлаб ўтиб, икки лагерга бўлиниб кетипти. Улар иккита қудратли сиймо — Троцкий билан кучайиб келаётган Сталин теварагига уюшишган. Бу икки сиймода бир-бирига зид икки тамойил мужассамлашган — уларнинг бири ўлжани олиб қочиш пайида, иккинчиси эса шу ерда қолиб социалистик давлат қуриш ниятида. Шуниси борки, ҳали бу мамлакатнинг ҳамма бор-буди шилиб олингани йўқ. Рақибларни фақат бир нарса бирлаштириб туради — ҳар икковининг ҳам «НЭП»га тоқати йўқ эди. Ленин буларнинг барини жуда яхши кўриб турар ва бир-бирига душман тўдаларни яраштиришнинг иложи бўлмаса, лоақал ўзининг теварагига яна жипслаштириш учун мудом ҳаракат қиларди. Лекин Шелехес иши доҳийга ёмон панд берди. У жазавага тушади, сўроқ қайдномаларини ўзига юборишларини талаб қилади, аммо ЧК доҳийнинг кўрсатмаларини бажаришга сира ошиқмайди. Лениннинг тоқати тоқ бўлади ва 19 август куни Уншлихтга қуйидаги мактубни йўллайди:

«19. VIII. Мутлақо махфий.

Ўртоқ Уншлихт! Илтимос — тегишли одамга топширсангиз — у менга қуйидагиларни жўнатсин:

1) қанақа далиллар борлиги ҳақида аниқ маълумотнома.

2) Шелехеснинг сўроғи ёки сўроқларидан бир нусха. Мен бу тўғрида ёзган эдим. Тегишли одамга танбеҳ беринг. Бундан кейин имилламасин. Коммунистик салом билан Ленин».

Аммо олтин икки йўл билан — хорижга ва ВЧКнинг махфий омборларига ғойиб бўлишда давом этади. Ҳар икки томон ҳам бир-бирини фош қилиш учун имкони бор ҳамма ишни қилади, ҳатто айрим материалларнинг ғарб матбуотида пайдо бўлишига ҳам йўл очиб беришади.

«Нью-Йорк таймс» 1921 йил 23 август сонида ёзади: «1917 йилда Россияда тўнтарошга ўзларининг немис филиаллари орқали маблағ берган «Кун, Лейба ва К⁰» банки миннатдор мижозлари томонидан унутилгани йўқ. Жорий йилнинг фақат биринчи ярми мобайнида банк советлардан 102 миллион 290 минг долларлик маблағ олди. Инқилоб доҳийлари АҚШ банкларидоги ўз ҳисобларига қўйилган омонатни тобора кўпайтириб бормоқдалар. Масалан, Троцкийнинг бор-йўғи иккита америка банкидаги жорий ҳисобидаги пул сўнгги пайтда 80 миллион долларга етди. Ленин масаласига келадиган бўлсак, у ўз жамғармаларини зўр бериб Швейцария банкида сақлашда давом этмоқда, қолбуки, бизнинг эркин китъамизда йиллик фозизлар анча юқори».

1921 йилнинг октябрида Шелехесни отиб ташлашди. «Бечора заргар»ни Бутунроссия Марказий Ижроия Қўмитаси қошидаги Олий Трибуналнинг Ҳарбий коллегияси суд қилди. Гўё Шелехес оддий бир заргар эмас, балки инқилоб доҳийларидан бири ёхуд марксизм назарийтчисига айланган эди.

Аммо Ленин курашни давом эттиришга уринади. 1921 йилнинг 18 ноябрида у ВЧКга, Москва ЧКсига ва Молия Халқ комиссарлигига буйруқ йўллайди:

«Ҳозирги пайтда турли-туман давлат муассасаларида сақланаётган жамики бойликларни бир жойга жамлаш мақсадида мазкур буйруқ қўлга тегиши билан уч кунлик муддат ичида ҳозир ВЧК ихтиёрида бўлган жами қимматбаҳо буюмларни Гохранга топширишни таклиф қиламан. Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. Ульянов (Ленин)».

Ҳеч кимдан садо чиқмайди. Бу ҳам майли-я, Ленинга Гохрандан ахборот келмай қўяди. Ахборот ўрнига «Гохранга — зарбдор меҳнат!» қабилидаги

шиорлар кела бошлайди. Гўё «Владимир Ильич, ўзингизнинг «НЭП»ингиз билан шуғулланавering, биз сизга ортиқ ишламаймиз. Ўлжага биз ҳам шерик бўлишни истаймиз», деб писанда қилишаётгандай.

1921 йилнинг 2 декабрида Ленин ўзининг садоқатли Горбуновини махфий топшириқ билан ВЧКга Менжинский хузурига юборади. Горбунов унга Лениннинг мактубини топширади:

«Мутлақо махфий.

Менга махфий равишда Горбунов орқали ҳозир Гохрандаги аҳвол қанақа экани тўғрисида ахборот юборсангиз. Халқ Комиссарлари Советининг Раиси В. Ульянов (Ленин)».

«Гохранда ишлар зарбдорларча бормоқда»,— деб жавоб беради Менжинский ва иши кўплигини рўқач қилиб, Горбуновни хузуридан жўнатиб юборади. Ҳаракатлар манотиғи Ленинга эслатадики, у сафдошларини ўз теварагида фақат битта йўл билан — уларни янги оммавий таловларга жалб этиш билангина бирлаштириши мумкин.

Мамлакатда даҳшатли очлик бўрони қаттиқ хуруж этмоқда эди. Очлик Волгабўйи ва Украинанинг жуда кенг ҳудудларига ёйилди. Тахминан болаларни ҳам кўшганда 20 миллион одам очликдан ўлиш хавфи остида қолди. Кремл ҳукумати пул йўқлигини рўқач қилиб, амалда очларга ҳеч қандай ёрдам кўрсатгани йўқ.

«Ҳамёнимизда ҳемири йўқ» деб тақроп-тақроп айтарди Ленин минбарлардан ҳам, Алексей Максимович Горький билан қилган хусусий суҳбатларида ҳам, Америка бизнесменлари билан бўлган мубоҳасаларда ҳам. Пул йўқ, аммо очларнинг ғалаёнлари ўта шафқатсизлик билан оммавий отиш орқали бостирилади. 1921 йилнинг июнида Екатеринославнинг оч темирйўлчилари иш ташлади. Ишчиларни пулемётдан ўққа тутдилар. Иш ташлаш жойида 240 одам қўлга олинди, улардан 53 киши ўша заҳотиёқ Днепр бўйида отиб ўлдирилиб сувга ташланди. Қолганларини Умумукраина ЧКси жазолаш учун талаб қилиб олиб, Украинанинг ўша пайтдаги маркази Харьковга олиб кетишди. Махсус мақсадга хизмат қилувчи қисмлар (ЧОН) оч қишлоқларга ёпирилиб кириб, ҳаммани ялпи отиб ташлашар, кейинчалик бу қишлоқда «эсэр-меньшевиклар фитна кўтарган» деб хужжатларни расмийлаштириб қўйишарди. Мамлакат бўйлаб бошпанасиз қолган миллионлаб болалар тўда-тўда бўлиб дайдиб юришарди. Улар большевикларнинг оммавий қирғинлари туфайли ота-оналаридан ажраган. Очлик янги-янги ҳудудларни эгаллаб, борган сари кенгроқ ёйилмоқда. 35 миллионга яқин одам очлик гирдобида ҳалок бўлиши мумкин.

Петроград, Одесса, Николаев шаҳарларининг элеваторлари ёнида эса ажнабий компанияларнинг кемаларига ғалла ортилмоқда. Бу ғалла олтин эвазига четга жўнатилмоқда эди. Ленин ажнабий биржалардаги аҳволни ўрганиб, олтин ҳисобида миллиард сўмлик рус ёғочларини сотиш имкони бор-йўқлигини аниқлайди. Америкалик «контессионерлар» доҳий билан мулоқотда Россия ерости бойликларини сотиб олиш тафсилотларини аниқлайдилар. Энг майда тафсилотларгача, масала, шаҳарларда, конларда рус ишчиларига қанча ҳақ тўлаш кераклигигача аниқланади. Америкаликлар кунига бир ярим доллардан тўлашни таклиф қилишади. Ленин буни эшитиб даҳшатга тушади. Зинҳор-базинҳор бир тийин ҳам тўлаш керак эмас. Биз ўзимиз тўлаймиз. Сиз, жаноблар, ташвиш чекмай қўяверинглар. Америкаликлар қандайдир найранг бўлаётганини ҳис қилишади. Қаердаки ҳеч қанақа пул олишмас экан, у ерда, албатта, аллақандай фирибгарлик бўлади. Мамлакат эса ҳамон очликдан қирилиш ёқасида. Лениннинг «ғалла монополияси» ҳақидаги доҳиёна башоратлари жуда ажойиб натижалар бермоқда. Майда буржуазия мафкурасининг асосини, яъни деҳқонларни очлик билан бутунлай ҳолдан тойдириш имкони вужудга келди. Бу отувлардан яхшироқ-да! Очликдан телба бўлган оломон ғалла омборларига ҳужум қилади. Ёғоч миноралардаги пулемётлардан ҳеч бир огоҳлантиришсиз ўт

очилади ва оломон шафқатсизлик билан қирилади. Атиги бир неча йилдан кейин бу дохиёна режа Сталин томонидан такрорланади, аммо уники бир неча баробар самаралироқ бўлади.

20-йиллардаги очликнинг кўлами ва оқибатлари баъзи жиҳатларига кўра 1932—1933 йиллардаги сунъий туғдирилган очликка қараганда ёмонроқ бўлган. Лекин жуда муҳим фарқи ҳам мавжуд. Агар 1932—1933 йиллардаги очлик жаҳон афкор оммасидан бутунлай яширилган бўлса, 20-йиллардаги очлик, аксинча, большевиклар матбуотида ҳар томонлама кенг ёритилган. Матбуот ҳукуматнинг буткул ожизлигини таъкидлаб, Ғарбнинг инсоний ёрдамига тавалло қилган. Гарчи партия ўзининг ақл бовар қилмайдиган беҳисоб бойликларидан бир тийин сарфлашни ҳаёлига келтирмаган бўлсада, унинг айрим вакиллари ўзларининг жуда паст даражадаги синфий онгини намоиш этиб, қирилиб бораётган Россия баҳонасида озиқ-овқат омборларини ва олтин хазиналарини очмоқчи бўлишган. Лениннинг Владимир Бонч-Бруевич деган эски ошнаси бор эди. Бу ношуд «Ленин сабоқлари»ни ўзлаштиролмай ўтиб кетди. У Кремль ҳукмдорларини қўлга киритилган ўлжанинг бир қисмини халқ фойдасига сарфлаш кераклигига кўндирмоқчи бўлди. Модомики, биз давлат эканмиз, дея уқтирмоқчи бўлди у (нима ҳам дейсан — зотиға тортади-да, у чор амалдорларининг ўғли, чор генералининг укаси эди-да) — ҳозир мусодара қилинган мулк ҳам давлатники, бинобарин, бу мулкдан халқ фойдасига истифода қилинмоғи керак. Унга сабр-қаноат билан тушунтиришди — давлатнинг пули йўқ, у назарда тутган бойликлар эса «партиянинг олтинлари». Уларнинг эгаси партия, фақат партия. Бу бойлик партия қўлидаги бўлажак меҳнат ва сармоё курашида муҳим стратегик қуролдир. Йўқ, тушунмади, тушунадиганроқ бўлсин деб қамаб қўйишмоқчи бўлишган эди, Ленин эски ошнасининг жонига ора кирди («Ким буржуйлигини ўзим ҳал қиламан»). «Илмий иш» қилсин деб, кавушини тўғрилаб қўйишди.

«Инқилобнинг ёрон куши» — қанотлари қайрилган ва юлинган Горький очларга ёрдам сўраб Лениннинг ҳузурига киришга муваффақ бўлди. «Очларга ёрдам қилишимиз учун пулимиз йўқ, — деб гапни чўрт кесди Ленин. — Буржуазиядан бизга вайронлик, муҳтожлик, қашшоқлик мерос қолди». Шундай бўлса ҳам, Горькийга баъзи бир жон сақлаб қолган зиёлилардан очларга ёрдам қўмитаси тузишга ва Ғарбдан мадад сўрашга рухсат берди.

Албатта, биринчи бўлиб Америкадан садо чиқди. Бу пайтга келганда Америка инсоний ёрдам Маъмуриятини (АРА) тузиб улгурган ва урушдан кейинги Оврупога ёрдам бераётган эди. 1921 йил декабрида Қўшма Штатлар Конгресси Россиядаги очлар учун ёрдамга деб 20 миллион доллар ажратди ва АҚШ фуқароларини ўз шахсий маблағларидан Россиядаги очлар фойдасига ёрдам кўрсатишга чақирди. АҚШнинг бўлғувси Президенти Гувер раҳбарлик қилган АРАнинг ихтиёрига ҳукумат ва хусусий одамлар томонидан 45 миллион доллар ўтказилди. Бу ишга бошқа халқаро ташкилотлар ҳам қўшилди. Улар ўз вакиллари орқали ёрдам қандай тақсим қилинаётганини қаттиқ назорат қилдилар ва ҳаммаси бўлиб 137 миллион доллар сарфлаб, 22 миллион 700 минг кишини ўлимдан сақлаб қолдилар.¹

¹ Америкаликлар экспертлари очларга кўрсатилаётган ёрдамларининг тақсимотини кузатиб турсинлар деб талаб қилишган, чунки Ғарб матбуотида большевиклар бепул хорижий ёрдамни олиб, шу ондаёқ уни Ғарбга қайтариб сотаётгани ҳақида гап-сўзлар пайдо бўлган эди. Бу шундай ният қилинганмиди, йўқми, айтиш қийин, лекин экспертлар ҳақидаги талабни эшитиб, Ленин ғазабга келади. Доҳий экспертлар комиссиясини бир зумда «жосуслар комиссияси» деб эълон қилади, америкаликларнинг ёрдами ҳақида эса шундай дейди: «Американинг, Гувер ва Миллатлар лигаси Кенгашининг разиллиги бекиёсдир. Гувер ва Браун — ёлғончи ва сурбет одамлар».

Ленин «Очлик» деб аталган жуда пухта ўйланган тадбирни охиригача етказишга юраги бетламади — очликдан «атиги» 6 миллион одам ўлди, холос. Бу эса сафдошларининг Ильич жаҳон пролетариатининг доҳийси бўлишга ортиқ ярамай қолди деган тахминлари тўғри эканини яна бир бор тасдиқлади. Аммо Ленин яна бир бор ўзининг сўнмас даҳосини намоийш этганда унинг ҳам ўнг томонидаги, ҳам сўл томонидаги шериклари роса ҳайрон қолишди. Очлик балосига қарши курашда «совет ҳокимияти»нинг буткул но-чорлигини кўриб, патриарх Тихон раҳбарлигидаги Рус Православ черкови ортиқ чидаб туrolмади. 1917 йилдан бошлаб «олтин вас-вас»ига йўлиққан «байналмилалчилар» императорларининг совғаларини, подшоларнинг қабрларини, қари авлиёларнинг гўрларини бузиб оёқости қила бошлагандан бери черковнинг янги ҳокимиятга қарши муносабати ошкора душманлик тусига кирганди. Ленин биринчи кунлардан оқ черковга қарши очиқ ҳужум бошлади, у черковни «давлатга мансублик» мақомидан маҳрум этиш ҳақида, черков ва монастыр ерларини мусодара этиш тўғрисида, черковга «диний маросимлар»ни ўтказишдан бошқа ҳар қандай фаолият билан шуғулланишни тақиқловчи декретлар қабул қилди.

Аммо вақти-соати келгунча оқлар билан ошкора Куролли кураш бораётган фурсатларда Ленин ўзининг ҳам, шерикларининг ҳам иштиёқларини тийиб туришга мажбур эди. Рус халқининг кўпчилиги ўртасида Черков жуда катта обрў-эътиборга эга эди ва фуқаролар уруши кунларида тақдирнинг омонат турган тарозисининг бир палласига бу обрў-эътибор оғир тош бўлиб тушиши мумкин эди. Тўғри, ўшанда ҳам руҳонийларни отишган, черковларга ўт қўйишган, талашган, лекин буларнинг бари уюшмаган ҳолда қилинган эди. Рост, ўшанда ҳам Ленин масаланинг энг муҳим жиҳатини бир дақиқа бўлсин унутган эмас. Черков ўзининг 900 йилдан ортиқроқ муддатдаги тарихи давомида беҳисоб бойликлар тўплаган эди. Шоҳлар ва императорлар, асилзодалар ва бадавлат савдогарлар черковга жуда катта миқдорда пул ва бойликлар совға қилишган, иконаларни олтин ва кумушга ўрашган, қимматбаҳо дуру жаҳоирлар билан безашган. Муқаддас китобларнинг муқовалари зарҳал безаклар билан нақшланганди. Бир неча авлодга мансуб моҳир заргарлар томонидан зеб берилган черков безаклари ибодатхоналар, монастырлар ва қавмларининг фаҳри эди. Черков жамоатчилик ўртасида жуда катта ишларни амалга оширарди — у бепул касалхоналар, етимхоналар, мактаблар, ўқув юртлари, қари-қартанглар учун бошпаналар қурган. Инқилобдаги

Чеккистлар Лениннинг диққатини ўз ишларидан чалғитиш учун жаҳон пролетариатининг доҳийсига уюм-уюм ҳар хил сохта «ҳужжатлар»ни рўпара қилишган. Бу «ҳужжатлар»да АРА ўз олдига большевиклар тузумини ағдариб ташлашдан бошқа вазифа қўймаган ҳарбий жосуслик ташкилотидир деган фикр ўтказилган. «Барановичида иш олиб бораётган Америка Қизил Жочининг очларга ёрдам кўрсатиш бўйича бирлашмаси,— деб ёзади Ленинга Уншлихт,— совет худудидан бораётган безорларга кийим-кечак беради, уларни озик-овқат ва қурол билан таъминлаб Украинага йўллайди». «Правда» газетаси 1922 йил 23 апрель сонисида АРА жосуслари Николай портида элеваторни ёқиб юборгани ҳақида мамнуният билан ёзади.

1921 йил 6 сентябрда Ленин номига йўлланган узундан-узук докладда Уншлихт «АРА»нинг Совет Россиясидаги директори полковник У. Н. Хаскель, унинг котиби — Петрограддаги собик Америка консули, разведкачи Д. Лерс, унинг ёрдамчиси эса разведкачи М. Филипп» эканини ёзади. Уларнинг жосуслик фаолиятларидан кўзлаган мақсадлари ҳарбий ва сиёсий ахборот тўплашдан ташқари «рус халқи чекаётган ёркин изтиробларни тасвирлаб беришдир». Америкаликларга халақит беришган, очликдан энг кўп жафо тортган районларга уларни қўйишмаган, очларга ёрдам берувчи «Горький кўмитаси» ҳақида-ку гапирмай қўя қолса ҳам бўлади. Кўмита аъзоларни қамоққа олиб, уларни ажнабий разведкалар, оқ гвардиячи муҳожирлар билан ва ҳатто Антонов исёнчиларининг штаби билан алоқада айблашган. Фақат АҚШ ҳукуматининг кескин норозилиги ва Гувернинг шахсан аралашувигина «Горький кўмитаси» аъзоларини отувдан қутқариб қолди. Отув ўрнига уларни хоржга чиқариб юбордилар. Алексей Максимовичнинг ўзи ҳам хоржга жўнаб кетди. АРА ҳақидаги хотира Катта Совет Комуси саҳифаларида ҳам сакланиб қолган. Унда ёзилишича, АРА ўз ходимларидан «жосуслик фаолиятида ва аксилинқилобий унсурларни қўллаб-қувватлашда фойдаланган. Аранинг аксилинқилобий фаолияти меҳнаткаш халқ оmmasининг кучли норозилигига сабаб бўлган». Такаббурлигимиз ана шунақа!

Россияда христиан маънавияти қуруқ гап эмас эди — XX аср бошига келганда кундалик турмушда одам ўлдириш камдан-кам учрайдиган воқеага айланганди. Мабодо бирон уездда қотиллик рўй бериб қолса, бу тўғрида ҳамма пойтахт газеталари ҳайрат билан ҳанг-манг бўлиб ёзар эди.

Черков ўша кездеги шароитда тилини тийиб, «фақир киши панада» қабилада иш тутиши кераклигини англарди, аммо «ишчи-деҳқон ҳукумати» ишчи ва деҳқонларнинг очликдан қирилиб кетаётганини худди Нерон янглиғ хотиржамлик билан томоша қилиб турганини кўриб ортиқ чидаёлмади. Патриарх Тихон Ленинга мактуб йўллаб, черков бойликларининг бир қисмини очларга ёрдам учун ғалла сотиб олишга сарфлашини таклиф қилди. Патриарх шўрликнинг анча анойи одам бўлганини айтмай кўя қолайлик — у ҳукумат черковнинг бу маблағини олади-ю, уни очларнинг эҳтиёжларига сарфлайди деб ўйлаган.

Ленин қаттиқ ғазабга келди. Патриархнинг мактубини у черковнинг дағдағаси деб қабул қилди. Доҳийнинг айниган миссида олижаноб ва фидойи хатти-ҳаракатларни англашга ўрин қолмаган эди. Ҳар қандай ҳаракатни у фақат сиёсий ҳаёт-мамонт жанги нуқтаи назаридангина баҳоларди. Черков ҳукуматни хижолатга солиб қўйганди. Ҳукумат фаолият кўрсатмаяпти, шунинг учун черков «бизни тақдирлаш мақсадида, ўзининг таъсирини кўрсатиб қўйиш ниятида» бояги таклифларини пеш қилмоқда. У гўё бизни назорат қилаётгандай. Бизга дашном бермоқда. Йўқ, ҳеч нарса қилолмайсиз, муғомбир поплар! Ҳеч нарса келмайди қўлингиздан! Биз бошқа йўлдан бора-миз!

Апил-тапил Сиёсий бюрони йиғиб, Ленин Патриархнинг мактубини ўқиб берди ва черков аъёнлари билан ҳисоб-китоб қиладиган фурсат келганини айтди. Черковни очларга ёрдам кўрсатиш учун ўз бойликларидан сарфлашни хоҳламаяпти деб айблаш керак, шунинг учун совет ҳукумати черковнинг ҳамма бойлигини мусодара қилишга мажбур. Сиёсий бюрога бу гаплар жуда хуш ёқди. Ахир, яхши-да! Ленин бўлажак тадбирнинг мақсадларини таъкидлади: партия жамғармасига олтин ҳисобида бир неча юз миллион (бир неча миллиард бўлса ҳам ажаб эмас) сўмлик маблағ қўшилар экан. Ҳеч ким қанча маблағ тушишини аниқ билмас эди. Бу эса жазавани зўрайтириб, қатъий ҳаракатларга ундар эди.

Патриарх Тихон ўзининг олижаноб таклифига совет ҳукумати нима деб жавоб беришини кутиб ўтирар экан, Ленин 1922 йил 23 февралда «Черков бойликларини очлар фойдасига мусодара қилиш ҳақида»ги декретга имзо чекди.

Бу декрет Ильичдан ҳафсаласи пир бўлганларнинг ҳаммасини, ҳатто Сталинни ҳам ғоятда хурсанд қилди. Жуда катта ишни амалга ошириш керак эди. Мамлакатда 80 мингга яқин христиан черкови бор эди. ГПУ отрядлари (эндиликда ВЧКнинг номини шундай атай бошлаган эди) ибодатхоналар ва монастирлар сари ташландилар. Художўйлар ўзларининг муқаддас буюмларини жон-танлари билан ҳимоя қилишди. Хужум қилаётганлар заррача иккиланмай уларга қарши ўт очишди. Черковларда қўлга илинадиган бойликларининг ҳаммаси тортиб олинди, ҳатто Иван Грозний ва Романовлар сулоласининг биринчи подшолари давридаги буюмлар ҳам сандиқлар ва қопларга жойланди. Безак тарзида ўрнатилган дуру жавоҳирлар ажратиб олинди, тилла ва қумуш пуллар мусодара қилинди. Қадимий иконалар, ноёб қўлёмалар, XIII асрга мансуб Инжил ёндирилди.

Аммо буларнинг бари ҳали ҳолва эди. Ленин декретидан гангиб қолган патриарх Тихон ўзига келиб «Россия Православ черковининг жамики қавмига» хитобнома билан мурожаат қилди (28 февраль). «Черков нуқтаи назаридан бунақа тадбир ашаддий куфр ҳисобланади. Биз ибодатхоналардан муқаддас буюмларнинг тортиб олиншини маъқуллай олмаймиз. Ҳатто улар ихтиёрий тарзда тухфа қилинганда ҳам, уларни олиш мумкин эмас, чунки умумжаҳон черковининг қарори билан муқаддас буюмлардан ибодатдан

бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади ва ашаддий куфр сифатида жазоланади».

Ҳазрат патриархнинг хитобномаси черков минбарларидан ўқиб эшиттирилди, қўлма-қўл бўлиб, оғиздан-оғизга кўчди, уйларнинг деворларига ёпиштирилди. Хитобнома халқни қаршилик кўрсатишга ундарди. Бутун мамлакат бўйлаб ибодатхоналар теварагида ҳақиқий қирғинбарот бошланди. Аммо қуролсиз художўйлар тиш-тирноқларигача қуролланган чекистларга уюшган тарзда қаршилик кўрсатолмас эди. Кўп жойларда оломонни пулемёт билан тарқатиб юборишар, қўлга олинганларни эса ўша куниёқ отиб ташлашарди.

Аммо оддий рус кишилари ўртасида черковнинг обрўйи нечоғлик баланд эканини тушунган ва умумхалқ исёнидан ҳадиксиратган ҳукмдор арбоблар ҳар доимгидек мунофиқлик йўлига ўтдилар ва ёлгон хитоблар билан «халққа» мурожаат қилиб, «меҳнаткаш омма»нинг қўлтиғига сув пуркадилар. 1922 йилнинг 28 мартада ҳукумат ахбороти эълон қилинди: «Черковни ва художўйларни қай бир йўсинда бўлмасин таъқиб қилиш ҳақидаги фикр ҳукуматга бутунлай ётдир. Бойликлар халқ меҳнати билан бунёд этилган ва улар алмаштирилса, диний маросимларни амалга ошириш бундан мутлақо зарар кўрмайди. Қимматбаҳо буюмлар эса етарли миқдорда ғалла, уруғ, чорва, асбоб-ускуна харид қилишга имкон беради. Бу эса ўз навбатида фақат одамларнинг ҳаётинигина эмас, балки Волга бўйидаги ва Совет Федерациясининг очликдан азоб чекаётган ҳамма жойларидаги деҳқонларнинг хўжалигини ҳам сақлаб қолади... Аммо ҳашамга кўмилган, тиллага, шоҳи-атласларга, дуру жавоҳирларга ўрганган черков раҳнамоларигина бу ҳазиналарни миллионлаб ҳалок бўлаётган одамларни қутқариш ишига беришни истамайди. Ҳар қандай қилиб бўлса-да, бойликларни ўз қўлида сақлаб қолишни истаган черков раҳнаمولари жинояткорона фитналар қилиш ва ошқора исёнлар уюштиришдан ҳам тоймапти. Художўйларнинг эҳтиёжларига аввалгидай диққат-эътибор билан қарашда давом этган ҳолда Совет ҳукумати черковнинг имтиёзли раҳнаمولари ишчи-деҳқон давлати ичида черков сардорлари учун алоҳида бир давлат тузмоқчи бўлсалар, бунга бир дақиқа ҳам тоқат қилиб туролмайдилар».

Эълон қилинган мурожаатнома черков билан художўйлар оммаси ўртасига нифоқ солишга қаратилган эди. Айни чоғда, унда Православ черкови раҳбариятига ошқора таҳдид ҳам мавжуд эди. Одатдагидек, бу мурожаатномада Кремлда аллақачон қабул қилинган махфий қарорларнинг акс-садоси яққол сезилиб турарди. Ленин жуда кўтаринки руҳда эди. Унинг аввалги ғайрати ва жангвор шижоати қайтиб келди. «Таланганни тала!» деган доҳиёна шиорни майдонга ташлаган пайтларидагидек кўзлари ялт-ялт порларди.

1922 йилнинг 19 мартада у Сиёсий бюро аъзоларига, ГПУ раҳбариятига, Адлия Халқ Комиссарлигига ва Инқилобий трибуналга махфий дастурий мактуб йўллайди. Бу вақтда уларнинг ҳаммаси черков бойликларини тортиб олиш тўғрисидаги Декретни яхшироқ ва ҳамжиҳатроқ бажариш масаласида кенгашга тайёрлик кўрмоқда эдилар.

«Бу кенгашда, — деб кўрсатма беради Владимир Ильич, — қимматбаҳо буюмларни тортиб олиш ҳақида, айниқса, энг бой монастирлар, ибодатхоналар ва черковларнинг бойликларини мусодара қилиш ҳақида махфий қарор қабул қилиш керак. Қарорда бу ишни шафқатсиз қатъият билан, ҳеч нарса ни юз-хотир қилмай, жуда қисқа вақт ичида ўтказиш зарурлиги таъкидлансин. Шунинг учун биз реакция буржуазия ва реакция руҳонийлар вакилларини қанча кўпроқ миқдорда отиб ташлашга муваффақ бўлсак, шунча яхши. Айни ҳозирги пайтда буларнинг таъзирларини шундай бермоқ керакки, токи улар кейинги ўнлаб йиллар мобайнида қаршилик кўрсатишни хаёлларига ҳам келтирмасинлар. 19.III.1922.

Халқ Комиссарлари Совети Раиси В. Ульянов (Ленин)».

Инсоният тарихида ҳеч қачон, ҳатто қадимги золим подшоҳлар замонида ҳам биронта давлат бошлиғи бунга ўхшаш ҳужжат остига имзосини қўйишга журъат қилмаган эди. Ўз тузумидаги жиноятларга кўп ҳолларда шахсан ўзи фатво берган Лениннинг қатъияти Сталиннинг ҳам, Гитлернинг ҳам ҳавасини келтирган эди. Сталин Лениннинг қатъияти ҳақида ҳамиша қойил қолиб гапирарди, бу билан у гўё ўзининг қатъиятсизлигини таъкидламоқчидай бўларди. Сталиннинг ўзи кўп ҳужжатларга имзо чекишдан ҳадиксирар, ҳатто ҳарбий зарурият мажбур қилганида ҳам Ленинград кўприклари ва Москва корхоналарини портлатиш ҳақидаги буйруқни имзоламаган эди.

Ўзига тобеларнинг жиноятлари учун масъулиятни бўйнига олган дохийнинг қатъияти уларни қойил қолдирмаслиги ва унга ҳурмат туйғуларини туғдирмаслиги мумкин эмасди, чунки сафдошлар жиноятни қилиб қўйиб, унинг гуноҳини буйруқ берганга ағдариши турган гап. Мазкур масалада эса ҳамма мамнун эди: Троцкий теварагида уюшларнинг мамлакатдан қочиб қолишни ўйлашар экан, бу тадбир туфайли ўзларининг ғарбий банкларидаги жорий ҳисобларида ётган миллион-миллион маблағларини янада орттиришга чоғландилар, Сталиннинг теварагига уюшаётган ва борган сари кўпайиб бораётганлар эса мамлакатда қолиб, забт этилган Россияда роҳат-фароғатда ҳаёт кечириб, уни бўлғуси кирдикорлари учун бир заминга айлантириш пайида эдилар. Улар бу мамлакатда қароқчилик мафқурасини давлат динига, Лениннинг ўзини эса янги диннинг муқаддас санамига айлантirmoқчи эдилар. Янги дин эса ҳамиша эскисини маҳв этишни тақозо қилади.

Черковлар, Ленин буюрганидек, «шафқатсиз қатъият» билан «жуда қисқа муддат» ичида талон-тарож қилинди. 40 мингта руҳоний, роҳиб ва дьяконлар отилди, бундан ташқари, черков жамоаларига кирувчи яна юз минг художўй отиб ташланди. Соф даромад олтин ҳисобида икки ярим миллиард сўмни ташкил қилди (қайта қуриш ва ошкоралик давридаги юраги пўкиллаган тарихчиларнинг ўта камтарона ҳисоб-китобларига кўра). Ғарб мутахассисларининг фикрича, бу рақамни уч барабар кўпайтириш керак. Ҳар ҳолда, ибодатхоналар ва монастрларнинг сони жуда кўп ва уларнинг ҳар бири камида 300 йиллик тарихга эга эди. Эслаш мумкинки, АРА 137 миллион доллар сарфлаб, 20 миллиондан ортиқ одамнинг қорнини тўйғазди ва ўлимдан сақлаб қолди. Совет статистикасининг кўрсатиши бўйича, 1922—1923 йилларда хориждан 1 миллион сўмлик галла харид қилинган (асосан уруғлик учун). Чорва ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналарига келсак, улар умуман харид қилингани йўқ. Бу беҳисоб бойлик қаёққа кетди? Ахир, ваъда қилингандай, шу бойликларнинг ўзинигина тепша-тенг бўлиб берилганда, ҳатто Россиядек хонавайрон мамлакат ҳам жуда қисқа фурсатларда Кувайтга ўхшаган бой ва гуллаб-яшнаган бир давлатга айланарди. Аммо, табиийки, бундай бўлгани йўқ, чунки кўзланган мақсад бутунлай тесқари эди.

Большевик раҳбарлар орасида энг расвоси ва энг кўрқоғи бўлган, шунинг учун ҳам инқилоб дохийсининг абжирлигига ҳаммадан кўра кўпроқ мадҳу сано ўқиб қойил қолган Бухарин ўша қаҳрамонона кунларни завқ-шавқ билан эслайди: «... биз черковни шип-шилдам қилиб шилдик, унинг «муқаддас қадриятлари»га ўзимизнинг оламшумул тарғиботимизни қарши қўйдик, бу бойликлардан очларга ҳемири ҳам ажратганимиз йўқ; православ поплар ёрдамида ГПУ қошида ўзимизнинг «черковимиз»ни барпо этдик. Биз Филаретнинг донишхонасидаги бўтқани менинг кўнглимга яқин «коммунизм алифбоси» билан, илоҳиёт қонунини сиёсий савод билан алмаштирдик, шогирд болаларнинг бўйинларидаги бутларини олиб ташладик, иконалар ўрнига «дохий»ларнинг суратини илдик, авом деҳқон учун коммунистча расм-русумлар билан Ильичнинг мақбарасини очмоқчимиз... Хўб аҳмоқона мамлакат-да!»

1922 йилнинг майида патриарх Тихон Муқаддас Синоднинг ҳамма аъзо-

лари билан бирга қамоққа олинди, 32 митрополит ва архиепископ отиб ташланди. Аммо расман «отилди» деган билан, аслида ваҳшийларча қийнаб ўлдирилди. Киев митрополити Владимир танаси момоталоқ қилиниб, бичилган, кейин отилган ва қип-яланғоч ҳолда чоғга улоқтирилган. Патриарх қазо қилган тақдирда унинг ўрнини эгаллаши керак бўлган Петроград митрополити Вениамин қаҳратон совуқда устидан сув қуйиб яхлатилган, кейин чўктириб юборилган. Бир вақтлар ўз ихтиёри билан подшо ёнидан сургунга кетган Тобольск епископи Гермоген тириклай кема чамбарагига боғлаб қўйилган. Чамбарак айланиб унинг танасини лахтак-лахтак қилган. Ўтмишда Японияда христиан динини тарғиб қилиб донг қозонган Пермь архиепископи Андроник тириклай ерга кўмилган. Чернигов архиепископи Василий бутга тортилиб, ёқиб юборилган.

«Айни ҳозирги пайтда буларнинг таъзирини шундай бермоқ керакки, токи улар кейинги ўнлаб йиллар мобайнида қаршилик кўрсатишни хаёлларига ҳам келтирмасинлар. Ленин».

«Тилланинг баҳоси кескин пасайиб кетиши туфайли жаҳон биржаларида вас-вас бошланди. Мутахассисларнинг фикрича, бунинг асосий сабаби — жаҳон бозорига Россиядан кўп тилла келаётганида. Ҳозирги пайтда бу шўрлик мамлакатда ҳукмронлик қилаётган большевиклар партиясини бемалол «сарик иблис партияси» деб атаса бўлади», — деб ёзган эди инглиз газетаси «Гардиан». 1923 йилнинг мартада «Тайм» газетаси унинг гапларини қувватлайди: «Сўл социалистлар томонидан Лондоннинг тадбиркорлар маҳалласида жойлашган иккита олти қаватлик уйнинг ҳар бирини ким ошди баҳосида олти миллион фунт-стерлингдан сотиб олингани ва тўрт миллион фунт-стерлингга Карл Маркс дафн қилинган жойга унинг ҳашамдор ҳайкалини ўрнатилиши шундан далолат берадики, большевиклар Москвада гўё очларга ёрдам учун черковдан мусодара қилган пулни нимага сарф қилишни яхши билишади. Маҳв этилган Россия нечоғлиқ бой мамлакат бўлганини биз эндигина англай бошладик».

Ўрта Осиё мўғуллар истилосидан сўнг, Оврупо ўттиз йиллик урушдан кейин, Франция ўн йил давом этган ўлатдан кейин ва ҳатто уларнинг бари-ни кўшиб олганда ҳам хароблиги жиҳатидан Россия Лениннинг салкам етти йиллик ҳукмронлиги оқибатида тушиб қолган ҳолатига қийслаб ҳам бўлмасди. Рус жамиятининг маърифатли аъзоларининг кўпчилиги ғойиб бўлди — улар ё қирилди, ё даҳшат ичида мамлакатдан қочди. Террор, ҳарбий ҳаракатлар ва очлик важдан иссиқ жойидан бегона бўлган миллионлаб одамлар мамлакатнинг ҳар томониغا тарқалиб кетди. Инқилобдан аввалги бир ҳовуч пролетариат бутунлай йўқ қилинди. Ўз хўжалигини Оврупо андозалари даражасида юритган энг илғор деҳқонлар ё ўлдирилди, ё номаълум томонларга қочиб кетди. Иқтисодиёт издан чиқди. Бир вақтлар дунёдаги энг қудратли дарё флоти ҳалок бўлди. Россиянинг ифтихори — унинг темир йўллари вайрон бўлди, вагонлар амалда йўқ қилиб битирилган эди. Хароб бўлган черковлар култепалар узра ҳалок бўлган цивилизацияга қўйилган ҳайкалдай қаққайиб турарди.

Россия ўликларнинг суяклари билан қопланган бепоен далага айланди — унинг на охи, на фарёди қолган эди. Ҳаммаёқда ҳорғинлик, ҳаммаёқ оёқости қилинган, ҳаммаёқ эзиб-янчилган, энг муҳими ҳамма нарса ўғирланган ва талаб кетилган. Подшоларнинг ағдар-тўнтар қилинган мақбараларидан тириклар ва ўликларнинг ағдарилган киссаларига, ҳамма асрларнинг «жаҳон инқилоби» деган ном остидаги энг улуғ муттаҳамгарчилик амалда хотимасига етиб қолганди. Бирон-бир рақам йўқки, бу тадбирни пулга чақиб, нархини айтиб бера олсин. Россия деб аталган бепоен ва улуғ мамлакатнинг жамики миллий бойлиги «ПАРТИЯ ОЛТИНИ» деб аталган битта баҳайбат ёмбига жо қилинди. Лекин бу билан ҳали иш битгани йўқ эди. Олдинда янада даҳшатлироқ келажак қора булут бўлиб кўланка ташлаб турарди.

1922 йилнинг декабрида қутилмаганда жуда нохуш бир воқеа рўй берди:

Швейцария банки Лениннинг вакили Ротштейнга у мансуб бўлган фирманинг (у эса большевиклар партиясининг вакили эди) сармоя пуллари учта алоҳида ҳисобга ўтказилганини маълум қилди. Шахсий ҳисобдаги пуллар шундайлигича қолипти. Қария Парвус яна бир бор Лениннинг адабини бериб қўйипти. Бу билан у ҳар қандай ишда, айниқса молиявий ишларда чаламул-лаллик кетмайди демоқчи бўлипти-да. Бу зарбадан Ленин йиқилди.

У ўзига келар-келмас, врачлар ва қариндош-уруғларининг норозилигига қарамай ўзини Кремлга олиб боришларини талаб қилади. Бу ерга келиб амин бўладикки, бежиз хавотир бўлмаган экан. Унинг кабинетини роса тинтишибди. Сейфни очишипти, ундан «ўта махфий» ҳужжатларни олишипти, шу жумладан, банк қоғозлари, чек дафтарлари ва турли-туман паспортларни ҳам олишипти. Садоқатли Горбунов ҳам ғойиб бўлипти.

Горкида улуғ князь Сергей Александровичнинг собиқ қасри теварагида байналмилалчи жангчилар туну кун соқчилик қилишади. 1923 йилнинг изғиринли қаҳратон тунларидан бирида улар даҳшатли увлашни эшитдилар. Бу овоз гўё уйнинг тагидан келаётгандай туюларди. Тун ярмидан оғиб қолган, осмонда тўлин ой нур сочиб турипти. Милтиқларининг қулфини шақир-шуқур қилиб соқчилар овоз келаётган жойга яқинлаша бошлади. Уларнинг назарида бўрилар хуруж қилгандай эди. Аммо келиб қарашса, бўри кўринмайди. Биринчи қаватдаги ойнаванд равонда юмшоқ ўриндиқда Ленин ўтирипти. Устида телогрейка, оёғида пийма этик. Ҳориган юзини ойга тутиб, у чўзиб-чўзиб увилламоқда эди. Ёвуз руҳ фазодаги биродарларига илтижо қилиб, уни ҳам ўзлари билан эркинликка олиб кетишларини ўтинмоқда эди. Ленин қилар ишини қилиб бўлган эди...

1924 йил январининг қаҳратон совуғида ишчилар белкурак ва мисранглар билан муваққат мақбара учун пойдевор кавламоқда эдилар. Бехосдан мисранг канализация қувурини тешиб юборди. Аммо совуқ шу қадар зўр эдики, тешик бир зумда музлаб қолди. Уни пайқашмади.

Илиқ баҳор кунлари келиши биланоқ қувур ёрилди ва мақбарани нажосат босди. Уй қамоғида толиқиб ўтирган патриарх Тихон бу хабарни эшитиб, ғусса билан деди: «Гуноҳига яраша жазоси!»

Давоми кейинги сонда

АРТУР ХЕЙЛИ

Оқшом хабарлари

7

Си-би-эй ўғрилар, уларнинг мақсадлари ва ўғирликда иштирок этган шахслар, тутқунларнинг Перуга олиб кетилгани ҳақида махсус кўрсатув эълон қилган жумадан буён орадан тўрт кун ўтди... Бу тўрт кун ичида Теодор Эллиотнинг эҳтиётсизлиги туфайли «Сендеро»нинг талабига нисбатан Си-би-эй муносабати ошқор бўлиб қолди. Аммо Эллиот бу масалада на шарҳ берди, на узр сўради — у ўзини ҳеч нарса юз бермагандай тутди.

Перуда ишлаётган Гарри Партриж, Минь Ван Кан ва овоз устаси Кен О'Харалар сафига шанба куни Рита Эбрамс, видеоёзувлар бўйича муҳаррир Боб Уотсонлар бориб қўшилди. Улар биринчи репортажларини душанба куни Лимадан сунъий йўлдош орқали Си-би-эйга узатишди ва «Оқшом хабарлари» кўрсатуви шу репортаж билан бошланди.

Гарри Партриж ўз репортажида Перунинг танг ҳолатга тушиб қолган иқтисодиётига ва мамлакатда авж олган қонунсизлик ва тартибсизликларга муфассал тўхталди. Унинг гапларини Серхио Хуртадо ва «Эсцено» журнали ношири Мануэль-Леон Семинарио тақдим этган қашшоқ аҳоли яшаётган кўчалар, полициянинг бурни тагида содир бўлаётган босқинчилик ва қотилликлар акс эттирилган тасвирлар тасдиқлаб турди.

«Биз Лотин Америкаликлар нега барқарор сиёсатли ҳукумат туза олмаяпмиз», деб савол берди Семинарио ва шу гапи биланоқ бу саволга аниқ жавоб йўқлигини билдирди. «Қандайин аянчли манзара бу? — давом этди у. — Бизнинг шимолдаги узоқни кўзловчи қўшниларимиз — Канада ва АҚШ эркин савдо-сотиқ эвазига келажак авлодлар гуллаб-яшнаши учун барқарор ва осойишта жамият қуриб, тараққиёт сари интилаётган бир паллада биз жанубликлар бир-биримизни отиш ва қириш эвазига кун кўраяпмиз...»

Лимадаги текширув гуруҳи Си-би-эйнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳи билан мунтазам алоқада эдилар. Шу сабабли ҳам улар Штатлардаги воқеаларнинг барчасидан, жумладан, Жессика ёзилган видеоёзудан ҳам, «Сендеро Луминосо»нинг талабларидан ҳам ва Эллиотнинг эҳтиётсизлигидан ҳам хабардор эдилар... Шунга қарамай, Партриж текширув усулини ўзгартирмади.

Энди ташаббус Нью-Йоркдан Лимага кўчган, бу табиий эди, зеро, сешанба куни Нью-Йоркдаги текширув гуруҳи йиғилишда матбуот текширувига оид арзимас масалаларни соатлаб муҳокама қилишдики, натижада мажлис охирида эртадан бошлаб, Қўшма Штатларда текширувни тўхтатишга қарор қилишди.

Давоми. Боши ўтган сонларда.

Уч соатдан сўнг эса — тақдир тақозосига кўра — уларнинг бу қарори чиппакка чиқди ва текширув гуруҳи шуғулланидиган иш чиқиб қолди.

Соат иккида кенгаш ўтказадиган хонада қўнғироқ жиринглади: гўшакни Тедди Купер кўтарди — қўнғироқ қилаётган Жонатан Мони эди. У бир оз ҳаяжонланган овозда гапирарди:

— Биз ўғриларнинг қароргоҳини топдик. Бунга шубҳам йўқ. Бу Нью-Жерси штатидаги Хакенсак шаҳарчаси ёнида. Биз маҳаллий «Рекорд» газетасидаги эълонни ўқиб, ўша ерга бориб қолдик.

Бир соатлардан сўнг Си-би-эй машинаси Хакенсакдаги иншоот олдида тўхтади: Дон Кеттеринг, Норм Жегер, Тедди Купер ва иккита суратга олувчи ходим тушишди.

— Сизларга тайёрлаб қўйган нарсамни кўрсатайми?— сўради Мони.

— Кўрсат,— деди Кеттеринг.— Бу ерда бирон нарса топганинга шубҳа йўқ.

Улар иншоот ичидаги катта бир ҳужрага кирдилар. Мони уларга чала ёнган лаш-лушга тўла печкани кўрсатди.

— Кўп нарсани ёқиб юборишган. Аммо баъзи нарсалар ёнмай қолган,— деди у ва печка ичидан ярим ёнган журнални олиб кўрсатди — журналнинг номи ёнмай қолган эди.

— Перуда чиқадиган журнал,— деди Жегер.— Бу журнални яхши биламан.

— Бу ерда яна бошқа нарсалар ҳам бор,— деди Мони.— Коки топди.

Шундагина улар Монининг орқасида турган малласоч аёлни кўрдилар. Аёл уларни ҳовли ўртасидаги дарахт тагига бошлаб борди.

— Кимдир яқинда бу ерни қазиган,— деди у.— Сўнг ўрани билинтирмаслик учун текислашган, бироқ барибир билиниб қолган.— Ҳаммаси дарахт тагига қарашди. Аммо Купер бу ердан бирон нарса чиқишига ишонқирамай қараб турарди; Жегер эса ҳафсаласи пир бўлгандек иншоотларни кўздан кечира бошлади. Бу ерда бирон нарса бормикин ўзи? Жасадми ёки жасадларми? Ким билади, балки шунчаки ахлат ўради?

— ФТБга хабар қилиш керак,— деди Кеттеринг.— Бироқ мен олдин бу ерда нима борлигини билмоқчиман.

— Қазноқда белкурак бор,— деди Мони.

— Олиб кел-чи,— буюрди Кеттеринг.— Бу ердагиларнинг ҳаммаси тоғни урса талқон қиладиган йигитлар. Келинлар, қазиб кўрамиз.

Ўрага жасад кўмилмагани тезда маълум бўлди. Ўғрилар бу ерга яширишга улгурмаган буюмларни кўмган эдилар. Бу ерда йўқ нарсанинг ўзи йўқ эди: озиқ-овқат қолдиқлари, кийим-кечак, кундалик зарур буюмлар, газеталар, дори-дармонлар, харита, испан тилидаги китоб, автомобил таъмирловчи калитлар.

Мони шу ёғи ҳам етар деб, ўрадан чиқмоқчи эди, оёғи остидаги қаттиқроқ жисмни сезиб қолди. Белкурак билан жисмни ковлаб олди.

— Эй,— деди у.— Бу ёққа бир қаранглар.

Унинг оёғи остида ғилофга солинган радиотелефон ётарди.

Радиотелефонни Куперга узатаркан, Мони деди:

— Менимча, бу ерда яна бор.

Ўрада битта эмас, яна бешта радиотелефон бор экан. Олтита ашёвий далилни қатор қилиб териб қўйишди.

— Радиотелефон орқали қилинган қўнғироқлар қайд этиладими?— сўради Жегер.

— Албатта,— деб жавоб берди Кеттеринг.— Нафақат қўнғироқ, балки радиотелефон рақами кимга тегишлилиги, манзили қайд этилади — яъни ҳисоб-китоб қилиш учун булар бўлиши шарт. Бунинг учун эса гангстерларга маҳаллий фуқаролардан бири ёрдам бериши зарур бўлади.— У Куперга ўгирилиб, гапида давом этди:— Тедди, ҳар бир радиотелефонда ё хусусий

шахсга ёки бирон ташкилотга тегишлилиги ҳақида маълум бир ҳудуднинг рақами бўлади...

— Тушунарли,— деди Купер.— Демак, мен ана шу рақам билан шуғулланишим керак.

Улар жўнаб кетишдан олдин маҳаллий полицияга телефон қилиб, бор гапни ФТБга етказиб қўйишларини сўрашди.

«Оқшом хабарлари» бошланмасдан туриб, Кеттеринг Нью-Йорк ва Нью-Жерси штатларига хизмат қилувчи телефон тармоқлари компанияси-НИ-НЕКС корпорейшндаги юқори мансабда ишлайдиган ошнасига қўнғироқ қилди. Олдига Тедди Купер ёзиб келган рақамларни қўйиб олди-да, ошнасидан Кеттеринг ушбу рақам кимга тегишли эканлигини ва манзилини аниқлаб беришни сўради: олтига радиотелефон қўнғироқлари икки ой мобайнида Купер аниқлаган рақамларга уланган эди.

Гўшақдан ошнасининг оғир хўрсингани эшитилди:

— Қани, ўша рақамларни айт-чи,— деди ошнаси малол келгандек. Кейин қўшиб қўйди:— Сен шу масала бўйича ФТБ эртага менинг олдимга келади, дедингми? Демак сенга бугун аниқлаб беришим керак, шундайми?

— Шундай. Ярим тунгача хоҳлаган пайтинг сим қоқавер. Ишда бўлмасам, уйга қўнғироқ қил. Телефон рақамимни биласанми?

— Минг афсуски, биламан.

Ошнаси ўн бешта кам ўн бирда — Дон Нью-Йоркнинг Шарқий томонидаги етмиш еттинчи кўчадаги уйга энди кирган маҳал — қўнғироқ қилди.

— Бугун сенинг кечки «Янгликларингни» кўрдим,— деди ошнаси.— Тушунишимча, сен ўғрилар фойдаланган радиотелефоннинг рақамини билиб беришимни сўрагансан?

— Ҳа, тўғри ўйлабсан,— тан олди Кеттеринг.

— Ундай бўлса, сени қувонтиролмаслигим мумкин. Чунки аниқлаганларим жуда оз. Барча рақамлар Хильга Эфферен номига қайд қилинган. Манзилини ёзиб ол.

— Энди унинг манзили йўқ. Хоним сўнгги манзилга қараб кетган. Уни ўлдиришган. Агар қарзи бўлса, нариги дунёда узишасизлар.

— Ё Парвардигор! Сиз журналистлар жудаям бағритош одамсизлар.— НИНЕКСнинг вице-президенти бир оз жимликдан сўнг давом этди.— Қарз масаласида кўнглим тўқ. Бу рақамлар хоним ихтиёрига берилиши билан кимдир олдиндан ҳар бирига беш юздан, жами уч минг доллар тўлаган. Бу пулнинг учдан бири ҳам сарф бўлмаган, чунки фақат битта қўнғироқдан бошқа барчаси шаҳар доирасида алоқа қилинган. Шаҳар ичидаги қўнғироқлар арзон туришини ўзинг ҳам билсанг керак.

— Биздаги маълумотлар террорчилар жуда интизомли ва эҳтиёткор бўлишганини кўрсатапти,— деди Кеттеринг.— Бироқ сен «фақат битта қўнғироқдан бошқа барчаси» деб айтдинг.

— Ҳа, ўн учинчи сентябр куни Перуга қўнғироқ қилинган.

— Бу ўғирликдан бир кун олдин дегани. Сен рақамини аниқлай олдингми?

— Албатта. Биринчиси 011 — бу халқаро алоқалар коди, сўнг Перунинг коди — 51, изидан телефон рақами: 14—28—94—27. Менга 14 Лиманинг коди эканини айтишди. Энди бу ёғини ўзинг аниқларсан?

— Шубҳасиз. Сенга катта раҳмат.

— Сенга ёрдам беролганимдан хурсандман. Омад тилайман.

Бир неча сониядан сўнг Кеттеринг ўзининг ён дафтарчасини олиб, 011—51—14—44—12—12 рақамини терди.

Гўшақдан «Хайрли тун «Сесар» отели» деган товуш келди.

Кеттеринг «Мистер Гарри Партрижни чақириб берсангиз, илтимос», деди.

8

Бутунги кун Гарри Партриж учун ҳар томонлама омадсиз кун бўлди. У итдай чарчаганидан соат ўнларда ётиб олди. Бироқ хаёллари унга уйку бермасди. У Перу ҳақида ўйларди.

Бу мамлакат эмас, ўйларди у, ўзини демократ қилиб кўрсатаётган зўравонлик ва мустабидликнинг чангалида эзилиб ётган ярадор тана.

Партриж террорчиликка қарши кураш полицияси бошқармаси бошлиғи генерал Раул Ортис билан суҳбатлашгач шундай хулосага келди.

Партриж интервью олаётганда Ортисга энг муҳим ва зарур саволни берди: Слоунларни каерда тутқунда сақлашаётгани ҳақида полицияда бирон-бир маълумот борми?

— Тўғриси айтсам,— деди генерал,— бундай маълумотни сиз менга айтсангиз керак деб ўйлагандим. Келганингиздан буён сиз шунчалик кўп киши билан учрашдингизки, уларнинг биронтаси шипшитган бўлиши керак.

Партриж генерал бу гапи билан ўзининг ҳар бир қадамини кузатиб юришганини тан олибгина қолмай, балки ўзлари билан пачакилашиб юрмасин деб огоҳлантираётганини ҳам сизди. Шу билан бирга Партриж сунъий йўлдош орқали Нью-Йоркка узатишаётган хабарлари яширин ёзиб олиниб, махфий жойларда муҳокама қилинаётганига ҳам энди шубҳа қилмасди. Бу Перуча «матбуот эркинигидан» дарак берарди.

Ўзининг елиб-югуришига қарамай, Партриж тутқунларнинг қаерда сақланаётганини билмаслигини эшитгач, Ортис гапни бошқа ёққа бурди:

— Бизнинг давлатимиз душманлари, жумладан, «Сендеро луминосо» ҳам, қанчалик пихини ёрганлардан эканини, махфий ишлашга мослашганини энди сезгандирсиз? Бундан ташқари мамлакатимизда одам оёғи тегмаган чангалзорлар бор; у ерларга учта тутқунни эмас, бутун бошли армияни яшириб қўйиш мумкин. Бироқ бизда тутқунлар қайси музофотда сақланаётгани ҳақида тахминий маълумотлар бор, у ерда биз иш олиб бораяпмиз.

— Айтинг-чи, у қайси музофот экан?— сўради Партриж.

— Ҳар қандай ҳолатда ҳам сиз у ёққа боролмайсиз. Ёки сизнинг бошқача режаларингиз борми?

Партрижнинг ростдан ҳам бошқача режалари бор эди, бироқ у «йўқ» деб жавоб берди...

Эски кадрдони, бутун дунё католиклар черковининг фаоли Сесар Асеведо билан суҳбат унинг кўнглига бир оз таскин берди.

Асеведо Католиклар мурувват ва шафқат комиссиясининг масъул котиби сифатида мамлакат ичкарасидаги овлоқ қишлоқларга тиббий ёрдам кўрғазиш ишлари билан шуғулланарди.

— Менинг билишимча,— деди Партриж у билан учрашгач,— сиз баъзи-баъзида «Сендеро луминосо» билан алоқада бўлиб турасиз.

Асеведо истеҳзо аралаш қулди:

— «Алоқада бўлиб турасиз» деган гапингизда аччиқ киноя тўла бўлса-да, бор гап. Черков, албатта, «Сендеро луминосо»ни ҳам, унинг кураш усули, қарашларини ҳам оқламайди. Бироқ шу билан бирга биз бу ташкилотдан юз ўгириб турмоқчи ҳам эмасмиз.

Кейин Асеведо ўзига хос босиқлик билан вазиятни тушунтирди. «Сендеро луминосо» диний жамоа сифатида черков билан душманлашишни истамайди. Бироқ бандитлар ҳукуматга қарши бирон тадбир ўтказмоқчи ёки исён қилмоқчи бўлса, руҳонийлардан сир тутишади; шундай тадбир бошланса, гувоҳлар бўлмаслиги учун ўзлари эгаллаб турган музофотдан руҳонийларни чиқариб юборишади...

Асеведонинг шу гапи Партрижда бирдан умид уйғотди.

— Айни шу кунларда сизнинг одамларингизни қайси қишлоқлардан чиқариб юборишди?

— Шундай қишлоқлар бор. Чиқиб кетишимиз у ерда тиббий вазиятни янада ёмонлаштиради. Сизга ҳозир харитадан кўрсатаман.— Шундай деб Асеведо қизил чизиқ билан белгилаб қўйилган Сан-Мартин туманини кўрсатди.— Уч ҳафта бурун бу ерда жуда катта тиббий ёрдам гуруҳи бор эди. Болаларни эмлаётган эдик. Бу туманда эмлаш ишлари кўп вақтни талаб қилади; атроф-муҳит ифлосланган, зарарли моддалар кўпайиб кетган. Уч ҳафта бурун «Сендеро луминосо» бизнинг одамлардан бу қишлоқлардан чиқиб кетишни талаб қилди.

Партриж қизил ҳалқа ичидаги қишлоқларга эътибор берди: ҳалқа катта худудни ўз ичига олганди. У бир-биридан узоқ-узоқда жойлашган қишлоқларнинг номини ўқиди: Токаче, Учица, Сион, Нуэва-Эсперанце, Начица. У ҳар эҳтимолга қарши бу қишлоқларнинг номини ёзиб олди.

— Нимани ўйлаётганингизни билиб турибман,— деди Асеведо.— Сиз тутқунлар шу қишлоқлардан бирида ушлаб турилмаганмикин деб ўйлаясиз.

Партриж «тўғри» дегандек бош ирғади.

— Менимча, адашаяпсиз. Агар сиз ўйлагандай бўлганда бирон миш-миш тарқаларди. Мен эса ҳеч нарса эшитганим йўқ. Бироқ у ерда бизга хайрихоҳ одамлар бор. Суриштириб кўраман. Бирон гап бўлса, сизга хабар қиламан.

Партриж Асеведодан бошқа бирон маълумот олишига умид ҳам қилмаганди. Бироқ вақт ўтиб борар, Перуга келгандан буён текширув бир қадам ҳам олдинга силжимаганди.

Асеведони учратган архиепископ саройидан у кўнглида умид билан чиққан бўлса-да, текширув натижа бермаётгани унинг юрагини сиқди. У меҳмонхонага қайтгач, ўзини мағлубиятга учрагандай, ҳеч нарсага эришолмагандай ҳис қила бошлади.

Худди шу пайт кўнгироқ жиринглади.

— Гарри, бу сенмисан?— Партриж Дон Кеттерингнинг овозини бирдан таниди. Улар ҳол-аҳвол сўрашгач, Кеттеринг мақсадга ўтди:— Биз бир янгилик топиб қўйдик. Буни сен билишинг керак деб ўйлайман.

9

Дон Кеттеринг берган телефон рақами кимга тегишли эканлиги чоршанба куни туш пайти маълум бўлди.

— Гап шундаки,— деди Виктор Веласко Энтель Си-би-эй учун ажратган монтажхонада ўзини сабрсизлик билан кутиб ўтирган Партриж ва Римага.— Бу маълумотни олгунча қоним оғзимга келди. Бир танишимни зўрга кўндирдим.

— Пул берибми?— сўради Рита. Веласко бош ирғади.— Биз сизни қарздор қилиб қўймаймиз.

Ён дафтарча варағига «Г. Кальдерон-Хуанкевелика кўчаси 547, 10 ф.хона» деб ёзиб қўйилганди.

— Фернадесни топишимиз керак,— деди Партриж.

— Айтдим. Келаяпти,— деди Рита.

Ғайрат-шижоатли хроникачи бир неча дақиқадан сўнг хонага кириб келди.

Унга Хуанкевелика кўчасидаги уй манзилини айтишди. У «биламан» деб бош ирғади, сўнг бу манзилдаги уйга нима учун қизиқишаётганини айтишди.

— Бу уйни яхши биламан. Бу Такна-авендаги эски ва овлоқ кўчалардан бирида жойлашган, умуман олганда уй деб бўлмайди.

Фернадес фикрини силлиқ қилиб, инглизча ифодалаш учун бир зум сўз тополмай қолди.

— Яъни хафсалаларингиз пир бўлади,— деб қўшиб қўйди охири.

Фернадес ёллаган «Универсал» Энтель ёнида турарди: унга ҳайдовчи

билан кўшиб ҳисоблаганда етти киши зўрға сиғди. Бироқ тиқилиб-суқулиб, бор-йўғи ўн дақиқа йўл юрилди.

Хуанкевелика кўчаси сершовқин ва гавжум Танка-авенни қоқ ўртасидан кесиб ўтарди. Шаҳарнинг бу қисми энг кўримсиз ва хароба жойлар бўлиб, каталакдан кам фарқ қилувчи исқирт уйлар жойлашганди. 547-уй кўп қаватли, бўёқлари ва сувоқлари кўчиб ётган кўримсиз иншоот эди: уй даҳлизи ёнида бир неча эркак суҳбатлашиб турар, қолганлари тик турганча гурунглашарди. Партриж, Фернандес, Томас машинадан тушишди; Рита, Минь Ван Кан, овоз устаси Кен О' Харалар ҳайдовчи билан бирга машинада қолишди.

Ўтирганлар ўзларига шубҳаланиб қараб туришганини кўриб, Партриж бу ерлар кимсасиз эмаслигидан хурсанд бўлди.

Даҳлизда мағзава ва шиптир ҳиди анқирди: поли эса кўчиб ётарди. Лифт худди ўзлари ўйлагандек, ишламасди: улар тўққизинчи қаватга исқирт зинадан кўтарилишди.

10-ф уй тап-тақир бўш даҳлизнинг охирида эди. Партриж ёғоч эшикни тақиллатди. Занжир ўтказиб кўйилган эшик эҳтиёткорлик билан қия очилди ва шу дафъа юракни зирқиратадиган чинқирик ҳамда пойинтар-сойинтар гапирилаётган испанча сўзлар эшитилди: шанғиллаётган аёл бўлиб, у тез гапирганидан Партриж сўзларни зўрға илғаб қолди:

— Ҳайвонлар. Қотиллар. Иблислар.

Фернандес Партрижнинг елкасидан тутиб, четга сурди. Ўзи қия очик эшикдан бош суқиб, худди аёл каби тез-тез гапира бошлади. Аёл аста-секин дағдаға қилишдан тўхтади, бир оз жим қолди, кейин занжирни чиқариб, эшикни очди.

Аёл олтмишлар атрофида эди. Бир пайтлар дилбар аёл бўлгани сезилиб турар, бироқ оғир ҳаёт унинг танасига ўз тамғасини босганди — юзи бадбуруш бўлиб осилиб қолган, сочлари хурпайиб турарди. Ҳозиргина йиғлаган бўлса керак, кўзидаги бўёқ ёноқларигача оқиб тушганди. Фернандес аёлнинг ёнидан ўтиб ичкарига кирди — қолганлар ҳам унинг изидан уйга киришди. Бироз ўзига келган аёл хотиржам қиёфада эшикни ёпди.

Партриж уйни дарров кўздан кечирди: қашшоқларга хос жиҳозланган хонада бор-йўғи оёғи синик эски курсилар, ранги ўчган диван, оддий ёғоч стол, ғиштдан ясалган, ораларига тахта кўйиб чиқилган китоб жавони турарди. Ғалатиси шундаки, жавонда қалин муқовали китоблар қалашиб ётарди.

— Унинг гапига қараганда бир неча соат бурун унинг мижозини ўлдириб кетишган, — деди Фернандес Партрижга. — У уйдан бирровгина чиққан ва қайтиб келгач, мижозининг ўлиб ётганини кўрган. Жасадни полиция олиб кетибди. У бизни ўзини ўлдириш учун келган ўша қотилларнинг шериги деб ўйлабди.

— Мижозингизни ўлдириб кетишганидан афсусдамиз, — деди Партриж мулойим оҳангда. — Уни ким ўлдирганини биласизми?

Аёл бош чайқаб, нимадир деди.

— У инглизчани билмайди, — деди Фернандес ва Партрижнинг сўзларини аёлга таржима қилиб берди.

Аёл куйиб-пишиб гапира бошлади ва Партриж унинг гапларидан «Сендеро луминосо» деган сўзни зўрға тушунди. Бу сўз Партрижнинг шубҳасини тасдиқлади. У кўришни умид қилган ва «Сендеро» билан алоқаси бўлган одам билан тирик пайти учрашишга улгуролмади — энди уни нариги дунёдан топасан. Бироқ аёл тутқундагилар ҳақида бирон нарса билармикин? Эҳтимол.

Партриж энди Долореснинг ўзига гапира бошлади:

— Агар бизга зарур маълумотларни айтсангиз, сизга пул беришим мумкин.

Долорес ва Фернандес ўзаро гаплашиб олишди. Кейин Фернандес деди:

— Хоним саволингизни бераверинг деярли...

— Мижозингиз нима иш билан шуғулланарди?

- У доктор эди. Махсус... доктор.
- Сиз мутахассислиги доктор демоқчимисиз?
- У одамларни ухлатиш билан шуғулланарди.
- Анестезиологми?

Жавоннинг ёнига бориб, Долорес у ердан четлари титилиб кетган жомадон чиқарди. Жомадонни очиб, ундан папка олди: сўнг папкани ҳам очиб, ундаги қоғозларни варақлай бошлади. Қоғозлардан бир нечтасини танлаб, Партрижга узатди. Булар тиббиёт мутахассислиги тўғрисидаги диплом кўчирмалари эди.

Биринчиси Бостон университетининг Тиббиёт мактабини тугатган Хартли-Хэролд Госсейж номига берилган тиббиёт билан шуғулланиши мумкинлиги тўғрисидаги диплом эди. Иккинчиси эса Хартли-Хэролд Госсейжнинг «анестезиолог мутахассислигини тасдиқловчи» ҳужжат эди.

Бир нечта қоғозлар фақат тиббиёт соҳасига алоқадор бўлгани учун ҳеч қандай қизиқиш уйғотмади. Кейинги қоғоз Тиббиёт ходимларининг Массачусет бюросига тегишли бўлиб, муҳр ҳам босилганди. У «тиббиёт доктори Х. Х. Госсейжга» жўнатилган ва шундай ёзувлар бор эди: «Шуни маълум қиламизки, сизнинг бундан буён тиббиёт билан шуғулланишингиз қатъиян таъқиқланади»...

Партриж хатни стол устига қўйди. Энди унга ҳаммаси аён эди... Бу собиқ доктор — Госсейж — тутқунларни ухлатиб қўйган, чоғи. Партриж ўзини бирдан ҳорғин ҳис қилди. Бахтга қарши, у бу собиқ докторни тирик ҳолда учратолмади... Фернандес ёрдамида у Долоресга яна савол бера бошлади:

— Сиз мижозингизни «Сендеро луминосо» ўлдирди деб айтдингиз? Нима учун айнан ўшалар деб ўйлаяпсиз?

— Чунки у ўша ярамасларнинг қўлида ишларди.

Долорес жим қолди. Сўнг бирдан эсига тушгандек:

— «Сендеро» унга Баудельо деб лақаб қўйганди, — деди.

— Баудельо кейинги пайтлар Лимадан узоқроқ ёққа кетганмиди?

Долорес тез-тез гапира бошлади:

— Бу ерда анча вақт бўлмади. Мен уни соғиниб қолгандим. — Бирпас жим тургач, қўшиб қўйди. — У менга Америкадан кўнғироқ қилди.

— Буни биз биламиз. — Ҳаммаси мос тушаяпти деб ўйлади Партриж. Баудельо ўғрилиқда иштирок этгани шубҳасиз. — У қачон қайтиб келганди?

Долорес жавоб беришдан олдин ўйлаб олди:

— Бир ҳафта бўлди. У ўзида йўқ хурсанд эди, бироқ мени барибир ўлдиришса керак деб кўрқарди.

Энди энг муҳим бир саволга жавоб олиш қолганди. Партриж жавоб ололмасам деган кўрқув билан шошиб саволини берди:

— Баудельо Америкадан қайтгач ва бу ерга келмасдан бурун бошқа бирон жойга бормаганми? Тўхтаб ўтмаганми?

Долорес борган дегандай бош ирғади.

— Қаергалигини сизга айтмаганми?

— Айтган. Нуэва-Эсперанцега борган.

Партриж ўзи кутмаган тарзда омади кулганидан ҳаприқиб кетди. Аниқлади. У энди Жессика, Никки ва Энгус Слоунларни яшириб қўйишган жойни билади.

Бироқ у айти пайтда телемухбир эди, вазифасини ўйлаши шарт эди. Шу сабабли у Рита, Минь ва О'Харалар билан суратга олиш масалалари бўйича гаплашди. Суратга олиш тугагач, Фернандес Партрижга деди:

— Долорес менга пул беришмоқчи эди, эсларидан чиқмадим, деб сўраяпти.

Партриж Ритага ўгирилиб, нимадир деди; Рита Долоресга минг доллар берди.

Энди Партриж энг асосий нарсани — Нуэва-Эсперанцедагиларни қандай қилиб тезроқ қутқариш йўлларини ўйласа ҳам бўларди. У қутқариш режаси-

ни тузар экан, қаттиқ ҳаяжонланарди — ҳар доимгидек унинг шуурида хатар билан ўйнашишдек ўжар бир истак пайдо бўлганди. Бу ҳиссиёт хатар олдида ўз кучини чамалашга ўхшаш одатий кўникма эди.

10

Кроуфорд Слоунга қўйиб берса Перуга қўнғироқ қилиб, Партриждан «Янгилек борми?» деб ҳар соат сўраб турган бўларди. Бироқ у бу истакни зўрға енгиб юрар, чунки агар бирор янгилек бўлса ўша заҳоти ўзини хабардор қилишларини яхши биларди. Бундан ташқари Партрижни ҳадеб тергайвериш ҳам одобдан эмаслигини сезарди: унга халақит бермаган маъқул, ўзи қандай маъқул кўрса, шундай ҳаракат қилсин.

Перудан охириги марта қўнғироқ қилишганига ҳам тўғриси, анча кун ўтган, бундан, Кроуфорд Слоуннинг жаҳли чиқар, бироқ қўнғироқ қилишмаяптими, демак Партрижнинг қўлида арзийдиган хабар йўқдир-да, деб ўйларди.

Лекин бу унчалик тўғри эмасди. Слоун Партрижнинг Нью-Йорк билан ҳар қандай алоқани тўхтатишга қарор қилганини билмасди, дарвоқе, қаердан ҳам билсин. Партриж Ортис билан суҳбатдан сўнг, хоҳ телефон, хоҳ сунъий йўлдош, хоҳ ёзма шаклда бўлсин, юборган маълумотларидан Перу полицияси хабардор бўлишини биларди. Партрижнинг эҳтиёткорлигига яна бир сабаб ҳам бор эди: Слоунларнинг ўғирланишига доир бирон янги далиллар излаб, Лимага журналистлар ва бошқа телестанцияларнинг суратга олиш гуруҳлари ёпирилиб келган ва уларнинг ҳар бири янги хабарни биринчи бўлиб ёритиш илинжида қулоқларини динг қилиб, изғиб юришарди.

Шуниг учун ҳам Партриж ўзининг Хуанкевелика кўчасига борганини-ю у ердан олган маълумотларини марказ билан муҳокама қилмасликка қарор қилди. Шунингдек, у ҳам гуруҳнинг барча аъзолари, ҳам Нуэва-Эсперанцега қилинадиган сафарни ҳам мутлақо сир тутишга келишиб олдилар. Ҳатто, Нью-Йорк, Си-би-эй ҳам ҳозирча бу режани билмай тургани маъқул. Ана шу сабабларга кўра, Лимадаги янги маълумотлардан беҳабар бўлган Слоун пайшанба куни эрталаб Си-би-эй бош биносига кириб келганда соат бешта кам ўн бир бўлганди.

Уни Айвен Унгар деган ФТБ ходими кузатиб келаётганди. ФТБ ҳали ҳам уни ўғирлаб кетишмасин деган эҳтиёткорлик юзасидан қўриқлаб юрарди. Террорчиларнинг Хакенсақдаги қароргоҳи топилгач, Отис Хэвелок ўша ердаги текширув гуруҳини бошқара бошлади. Слоуннинг сезишича, ФТБ нафақат Хакенсақни, балки унга яқин бўлган Тетерборо аэропортини ҳам фақат махсус кийимдаги телестанция соқчисини кўрди, ўғирликдан сўнг бир ҳафта мобайнида кеча-ю кундуз навбатчилик қилган Нью-Йорк полицияси кейинги кунларда кўринмай қолган эди. Кириш жойида, гарчи уларнинг ҳар бири ўта синчковлик билан текширилиши шарт бўлса-да, кирувчилар ҳам, чиқувчилар ҳам соқчининг олдидан бемалол ўтиб кетишарди. Слоун Си-би-эй соқчилари яна хўжақўрсинга ишлашга ўтганини англади.

Улар даҳлиздан тўртинчи қаватга кўтарилдилар. Слоун бир неча ходим ишлаб ўтирган «чамбарак»нинг ёнидаги хонасига йўл олди. Хонасининг эшигини очиқ қолдирди — эшик ёнидаги курсига Унгар ўтирди.

Плашини илар экан, Слоун столида, одатда ресторанлар буюртмачиларига овқат жўнатадиган пластик қутича турганини кўрди. Си-би-эй жойлашган ҳудудда ресторанлар сероб, у ерга қўнғироқ қилиб овқат буюртма берилса бўлди, кўз очиб-юмгунча келтириб беришарди. Бироқ Слоун ҳеч қачон бу хизмат туридан фойдаланмаган, асосан ўзи тамаддихонага тушиб овқатланарди. Шу сабабли у қутини менинг хонамга адашиб олиб келишган деб ўйлади.

Бироқ қути устидаги «К. Слоунга» деган ёзувга кўзи тушгач, бир оз

ажабланди ва қутини шошиб оча бошлади; боғичини қаламтарош билан кесди. Қути ичидан нимадир ўралган қоғоз чиқди — Кроуфорд қоғоз ўрамини оча бошлади.

У қоғоз ичидан чиққан нарсага икки-уч сония кўзларига ишонмай, бақрайиб тикилиб қолди, сўнг қулоқни қоматга келтириб, беихтиёр чинқириб юборди. Яқин атрофда ишлаётганлар чинқирикни эшитиб чўчиб тушишди. Унгар югуриб кирди. Бироқ хонада олдидаги очиқ қутига қараб, ақлдан озгандек чинқираётган Слоундан бошқа ҳеч ким йўқ эди.

Бошқалар ҳам эшикдан югуриб киришди... Унгар қутига кўз қирини ташлади ва у ерда қонга бўялиб ётган иккита бармоқни кўриб, томоғига бир ўқчиш тиклиди. Бироқ тезда ўзини қўлга олди-да, ҳаммага бақира бошлади.

— Илтимос, ҳамма чиқиб кетсин,— деди у эшик олдида йиғилиб қолган одамларга. Кейин телефонни олди-да, «алоқачи» деган тугмачани босди ва, — соқчини уланг,— деб бақирди. Симнинг нариги учидан соқчининг овози эшитилгач, олатасир қилиб, буйруқ беришга ўтди:

— ФТБнинг махсус ходими Унгар гапираяпти. Қулоғингизга қуйиб олинг. Барча соқчиларни йиғинг. Бинодан ҳеч ким чиқиб кетмасин. Ҳеч ким. Агар зарур бўлса куч ишлатинг. Соқчиларни йиғиб бўлиб, полицияга қўнғироқ қилинг. Мен ҳозир чиқувчиларни текширгани чиқаман — биронта соқчи лифтнинг ёнида мени кутсин.

Бу орада Слоун оромкурсига гупиллаб ағдарилиб тушди. Кейинчалик унга худди ўликдек чўзилиб қолдингиз дейишди.

Эшик олдидаги одамлар орасида Чан Инсен кўринди — у ходимларни бир четга суриб кириб келди.

— Нима бўлаяпти?— сўради у.

Унгар уни танигач, оқ қутини кўрсатиб деди:

— Фақат унга қўл теккиза кўрманг. Мен мистер Слоунни ҳам олиб чиқиб кетишларингизни ва токи мен келгунча эшикни қулфлаб қўйишларингизни сўрайман.

Инсен «тушундим» дегандай бош чайқади. Бу орада Инсен ҳам, бошқалар ҳам қутидаги жимитдай, кичкина бармоқларга кўз ташлаб улгурганди. Инсен Слоунга ўгирилиб, ҳамманинг кўз қарашидаги саволни берди. Слоун зўрға бош ирғаб, шивирлаб жавоб берди.

— Ҳа.

— О, Исон Масих,— гулдиреди Инсен.

Слоун ҳозир эс-ҳушидан айриладигандек ҳолатда эди. Инсен уни ўзининг хонасига етаклаб жўнади ва йўл-йўлакай буйруқ берди.

— Мистер Слоуннинг хонасини ёпиб қўйинглар.— Кейин котиблага таъинлади.— У ерга ҳеч кимни киритманг... анови ФТБ ходимидан бошқа... Алоқачига айтинг, тезда врач қақирсин.

Инсеннинг хонасида «чамбарак»ка чиқадиган катта эшик бўлиб, зарур пайтлари сурма тўсин билан ёпиб қўйиларди. Инсен Слоунни ўтирғизгач, тўсинни суриб, эшикни ёпиб қўйди.

Слоун юзини кафтларига қўйиб турган бўлса-да, аста-секин ўзини тутиб олди.

— Бу одамлар Никкининг пианиночи эканлигини билишган,— деди у Инсенга гапираяптими ёки ўзига-ўзими, билиб бўлмасди.— Буни қаердан билишди экан? О, ахир менинг ўзим уларга гуллаб қўйганман! Ўзим! Бошқа ҳеч ким эмас! Ўғирлик содир бўлган кундаги матбуот-конференциясида...

— Эсимда, Кроуф,— деди Инсен ҳамдардона оҳангда.— Бироқ сен берилган саволга жавоб бергандинг, ўзингдан-ўзинг мақтангинг келгани йўқ. Бундай бўлишини қаердан ҳам билардинг?— Инсен гаплари Слоунга далда бўлолмаслигини билиб, жим қолди.

Барча чиқиб кетувчилар бирма-бир текширилгач, бинодан чиқишни тақиқлаш ҳақидаги қарор бекор қилинди. Афтидан, қутичани бирон рестораннынг ходимаси олиб келиб қўйиб кетган бўлиши мумкин эди. Соқчилар

ҳар бир қутини текшириб киритишлари шарт бўлса-да, улар бундай бош-оғрик ва ортиқча ташвишдан ҳамиша ўзларини олиб қочишарди.

ФТБ Ларчмонтдаги боланинг буюмларини текшириб кўргач, бармоқлар ростдан ҳам Никкиникими ёки йўқми деган шубҳага ўрин қолмади.

Буюмларда боланинг бармоқ излари аниқ сақланиб қолганли ва бу излар Кроуфорд Слоун хонасига келтириб ташланган қутидан топилган бармоқ изларининг айнан ўзи эди.

Бугун Си-би-эйга балолар ёғиладиган кун экан, чоғи. Слоун каби маъмурийат номига — Стоунхенжга ҳам худди шундай қути юборилган эди. Қути пайшанба кунини эрталаб Марго Ллойд-Мэйсоннинг хонасида пайдо бўлди. Қутида «Сендеро луминосо» жўнатган видеотасмалар бор эди.

Бу улар учун янгилик эмасди. Шу сабабли Марго шу заҳотиёқ тасмаларни янгиликлар бўлими бошлиғига жўнатди. Тасма келиб тушганини эшитган Лэс Чиппингем Дон Кеттеринг ва Норман Жегерни ҳузурига йиғди ва учаласи унинг хонасида видеоёзувни бир сидра кўриб олишди.

Учаласи ҳам тасмадаги ёзувнинг сифатига ҳам, суратга олиш маҳоратига ҳам қойил қолишди. Видеоёзув «Жаҳон инқилоби: «Сендеро луминосо» порлоқ истиқболга чорлайди» деган сарлавҳа билан бошланарди. Сарлавҳа ортида Перунинг хушманзара жойлари,— Анднинг баланд чўққилари ва ваҳмли қоялари, ям-яшил чангалзорлар, Тинч океани қирғоғидаги қумлоқ ва дам олиш масканлари тасвири берилган эди. Тасвирга мос жаранглаётган мусиқани Жегер дарров таниди. Бу Бетховеннинг симфонияси эди.

— Бу ерда ўз ишини биладиган кишилар ишлаган,— деди Кеттеринг.— Тўғриси, мен жуда ҳам жўн тасвирларни кутгандим.

— Бунга ажабланмаса ҳам бўлади,— деди Чиппингем.— Перу ибтидоий тузумда яшаётгани йўқ. У ерда ҳам техниканинг пири бўлган истеъдодли одамлар жуда кўп.

— «Сендеро» жуда бадавлат ва қудратли ташкилот. Унинг ҳамма нарсани сотиб олишга қурби етади,— қўшимча қилди Жегер.— Бундан ташқари истеъдодини пулга сотувчилар сон мингга.

Экстремистлар юборган матнда, асосан, Лимада қилинадиган қўзғолон лойиҳаси жой олган бўлиб, унда гап ишчиларнинг иш ташлаш усуллари, намойиш билан полицияни сиқувга олиш, қишлоқлардаги ҳукумат қўшинларини қириб ташлаш йўллари ҳақида борарди. «Биз — дунёнинг бир қисмимиз,— дерди тасвир ортидаги шарҳловчи.— Дунё эса буюк инқилобга ташна бўлиб турибди».

Кейин «Сендеро луминосо» йўлбошчиларидан бири деб таништирилган қандайдир Абимаслем Гусман билан суҳбат берилди. Тасвирда йўлбошчининг қиёфаси кўринмади; уни орқа тарафдан суратга олишганди. Бу ҳолни шарҳловчи «Йўлбошчимизнинг жонига қасд қилувчи душманлари кўп. Шу сабабли унинг қиёфасини кўрсатмадик» деб шарҳлади.

Гусман эса испанчалаб қулдирай бошлади «Componeros revolucionarios, nuestro trabajo y objetivo es unir los ereyentes en la filosofia de Marx, lenin y Mao...»

Издан бошқа бир овоз инглизчалаб хитоб қилди: «Ўртоқлар, биз қонимизни сўриб яшаётган барча тузумларни йўқ қилиш тарафдоримиз».

Охирги ярим соатлик ёзувда яна Перунинг хушманзара жойлари кўрсатилди ва тасма шарҳловчининг «Яшасин, бизни истиқбол сари бошлаган марксизм-ленинизм-маоизм», деган чақириғи билан тугади.

— Худого шукр,— деб юборди Чиппингем тасмадаги ёзув тугагач.— Келишганимиздек, мен уни олиб, сейфга яшириб қўяман. Тасмани фақат уча-

* Инқилобчи биродарлар, биз Маркс, Ленин, Мао фалсафасига ишонган ва эргашганларни бирдамликка чақирамиз» (исп.).

ламиз кўрдик. Бу ерда нимани кўрганларимизни бирон киши билмаслиги шарт.

— Сен ҳали ҳам Карл Оуэнснинг таклифини маъқул деб ҳисоблайсанми? Тасвир ўчиб кетган деб айтаемизми?— сўради Жегер.

— Бўлмасам-чи?.. Ахир уни душанба кунги «Янгиликлар» ўрнига беролмаймиз-ку.

— Ҳа, сен ҳақсан. Бошқа иложимиз йўқ,— қўшилди Жегер.

— Тео Эллиотнинг «Балтимор стар»даги валақлашидан сўнг бизга ишонилари қийин бўлса ҳам барибир уриниб кўрамиз,— деди Кеттеринг.

Янгиликлар бўлими бошлиғи соатига қаради. Учдан эллик уч дақиқа ўтганди.

— Соат тўртда, Кеттеринг, кўрсатувларни тўхтатиб, махсус чиқиш қиласан. Биз тасмаларни олдик, бироқ, бузук экан, агар «Сендеро луминосо» видеоёзув берилишини истаса, бошқасини жўнатсин,— дейсан. Ҳозир эса мен алоқа хизматига радио ва матбуот учун баёнот беришимни айтаман. Бу баёнотни Перуга тезда узатишин.

Си-би-эй тўқиган ёлғон маълумот тезда бутун дунёга тарқатилди. Перу вақти Нью-Йорк вақтидан бир соат олдин бўлса ҳам, барибир Си-би-эй баёноти радио ва телевидениенинг кечки янгиликларида батафсил шарҳланди, эртасига газетада босилиб чикди.

Кундузги кўрсатувларда эса боши гангиб қолган ота ўғлининг кесилган бармоқларини олгани ҳақидаги хабар ҳам ўрин олди.

Аяқучодаги «Сендеро луминосо»нинг йўлбошчилари ҳар иккала хабарни ҳам маълумот учун қабул қилишди. Тасмадаги тасвирнинг яроқсизлиги ҳақидаги хабарга эса ишонишмади. Шу сабабли Си-би-эйнинг кўзини очиб қўйиш учун баёнотга боланинг бармоғини кесишдан ҳам таъсирлироқ усул билан жавоб беришга қарор қилишди.

11

Жессика ўша тонгда бир нохуш нарсани сезгандай кўнгли хира бўлиб уйғонганини кейинчалик кўп марта гапириб беради... Ўшанда туннинг учдан икки қисмини ухлай олмай ўтказдим дейди: унга умуман ҳеч ким ва ҳеч нарса ёрдам беролмасам-чи, деган фикр тинчлик бермасди. Кейинги уч кун ичида унинг ўзларини қачонлардир озод қилишларига бўлган умиди аста-секин сўна бошлади, бироқ юрагини қамраб олаётган тушқунликни у Никки ва Энгусга билдирмасликка тиришарди. Бу овлоқ чангалзордан, бу ваҳший ва ёвуз одамлар чангалидан уларни қутқариб олишга кимнинг ҳам қурби етарди? Балким улар энди уйларини бир умр кўролмас? Беҳуда кутиш билан ўтаётган кунларнинг маромига қараганда бу шубҳаси ҳақиқатга ўхшайди.

Жессика, айниқса, Никкига қилинган ваҳшиёна муносабатдан сўнг ўзини ожиз ва ҳимоясиз ҳис қила бошлаганди. Никкининг бармоқларини сешанба куни кесишганди. Бугун эса жума эди. Сокорро туфайли болакай кечадан буён бир оз тинчланганди: ҳамшира унинг жароҳатига ҳар куни малҳам қўйиб боғлаб қўярди. Бироқ бола бирдан умидсиз, бефарқ, тақдирга тан берган алфозга тушиб қолган, уни бу умидсизлик қудуғидан, қанча уринмасин, Жессика тортиб чиқаролмасди.

Шунинг учун ҳам бугунги тонг Жессикага нохуш нарсаларнинг бошланиши навбатдаги ёвузликдан даракчи бўлиб туюлди.

Тонг отиб, атроф ёришиб кетгач, Жессика ҳовлида жонланиш бошланганини сезди, салдан сўнг эшик олдида қадам товушлари эшитилди. Биринчи бўлиб, қоровулбоши Густаво кирди ва у тўғри Энгуснинг қафасига қараб йўл олди ва унинг эшигини шарақлатиб очди.

Унинг изидан Мигель кўринди. Унинг қиёфаси йиртқич ҳайвонникидай ифодасиз, совуқ эди. Устига-устига, қўлига қурол ушлаб олганди.

Ҳаммаси тушунарли эди. Қуролни кўриб, Жессиканинг юраги санчиб, кўз олди қоронгулашиб кетди: «О, йўқ. Энгусдан эмас, мендан бошлай қолишсин».

Густаво Энгуснинг қафасига кириб, бир силкиб, қарияни ўрнидан турғизди, кейин қўлларини орқага қайириб боғлади.

— Менга қаранглар, — кичқириб юборди Жессика. — Уни нима қилмоқчисизлар? Нимани ўйладинглар?

Энгус унга юз бурди-да, хирллаб деди:

— Жесси, кизгинам, ўзингни уринтирма. Қўлимиздан барибир ҳеч нарса келмайди. Булар ғирт ваҳший одамлар. Буларнинг фикрини ўзгартираман деб уришиб ўтирма, барибир тушунишмайди.

Жессика Мигель автомат стволини қисиб ушлаганидан қўлларидаги мускуллар бўртиб чиққанини кўрди. Ўз навбатида у Густавони шошилтирди: «Pese priso! No pierdas tiempo» .

Никки ҳам ўз қафасида у ёқдан-бу ёққа югурарди. У ҳам Мигель нега кўлида қурол олиб юрганини фаҳмлаган эди.

—Онажон, улар бобомни нима қилишмоқчи?— сўради у.

— Билмадим,— жавоб берди Жессика. Бироқ нима қилишларини жуда яхши билиб турарди.

— Энди видолашсак ҳам бўлади, — деди уларга Энгус. — Бироқ сизлар тушқунликка тушманглар. Эсларингда бўлсин, Кроуфорд сизларни қутқариш учун кўлидан келган ҳамма ишни қилади. Кутинглар, барибир озод қилишади...

Иккаласи ҳам энди Энгуснинг кунни битганини сезиб туришарди.

Уни саройдан олиб чиқиб кетишди.

Бир неча сония ўтди. Вақт имиллаб ўтаётганга ўхшарди — сўнг тўсатдан теварак-атрофни ларзага солиб ўқ овози жаранглади. Изма-из, тўрт марта. Салдан сўнг ўқ овозлари яна қайтарилди...

Ташқарида, чангалзорга кираверишда Мигель Энгуснинг жасади устида турарди. Дастлабки тўрт ўқ қарияни тинчитган эди. Бироқ Мигель чол сешанба кунни ўзини нима деб ҳақоратлагани эсига тушиб қолди. Ҳозиргина ҳам бу қари ҳўкиз уларни «ёввойилар» деб атади: унинг вужудини беадад нафрат чулғаб олди ва у жасадга қарата яна кетма-кет ўқ узди.

У кеча кечқурун Аяқучодан келган буйруқни бажарганди. Энди энг ёқимсиз вазифа Густавонинг зиммасига тушарди. У бошқа бандитлар билан ишни охирига етказишга киришди.

«Сендеро луминосо» ихтиёрида бўлган кичкинагина самолёт чангалзор ичидаги майдончага келиб кўнди — ана шу самолёт Нуэва-Эсперанцедан Густаво бошчилигида амалга оширилган ишнинг «меvasи»ни олиб Лимага учиб кетди.

Шу кунни чошгоҳ пайти Лимадаги Гарсиласо-де-ла-Вега-авендаги АҚШ элчихонаси ёнида машина тўхтади. Ундан хийла катта қути кўтарган эркак тушди ва у қутини элчихонага кираверишдаги зинага қўйди-да, изига қайтди. Машина бирпасда кўздан йўқолди.

Буни кўриб турган элчихона навбатчиси шу заҳоти бутун элчихонани оёққа турғизди. Кўрғон кўринишида қурилган элчихонанинг барча эшиклари бирдан ёпилди. Зинага қўйиб кетилган бомбани зарарсизлантириш учун Перу армиясидан взвод чақирилди.

Махсус мослама қутида бомба йўқлигини аниқлагач, уни секингина очиб кўрдилар: қутида сочлари оқариб қолган кекса кишининг кесилган боши ётарди. Қути ичида яна кесилган бош Энгус Макман Слоунга тегишли эканлигини тасдиқловчи бир талай ҳужжат — АҚШ ижтимоий таъминоти берган нафақанома, сурати бор шофёрлик гувоҳномаси, яна бир қанча қоғозлар ётарди.

* Тезроқ бўл. Вақт кетаётган (исп.).

Бу пайтда элчихонага «Чикаго трибюн»нинг репортёри ҳам иш юзасидан келган эди. У кесилган бош ва унинг кимга тегишлилиги ҳақида биринчи бўлиб хабар берди. Бу хабар телеграф агентликлари томонидан шу заҳоти қабул қилинди ва дастлаб АҚШ, сўнг бутун дунёга тарқатилди.

12

Нуэва-Эсперанцедаги тутқунларни қутқариш режаси ишлаб чиқилганди.

Жума куни режани сўнгги марта икир-чикиригача муҳокама қилдилар ва зарур ускуна, жиҳозларни тайёрлаб қўйдилар. Партриж ва унинг гуруҳи шанба куни эрталаб Сан-Мартин музофотига, чангалзорга, Хуальяга дарёси бўйига учадиган бўлдилар.

Чоршанба куни тутқунларнинг қаерда сақланаётгани аниқ бўлгач, Партрижнинг ичига қурт кирди. У шу кунгача учиб кетмоқчи эди. Бироқ Фернандеснинг маслаҳатига кириб, шошмашошарлик ярим мағлубият эканини англаб, сафарни кечиктириш зарур эканини сизди.

— Чангалзор билан ҳазиллашиб бўлмайди. Ёт киши учун у ҳам ёт,— деди Фернандес.— У ерга шаҳар хиёбонига боргандай сайр қилиш учун бормайдилар. У ерга бориш учун ишончли йўлбошчи зарур бўлади — жудаям ишончли. Аниқ ҳаракат режаси, бориш ва қайтиш вақтини қатъий келишиб олишимиз шарт.— «Келишиб олишимиз» дейиши билан Фернандес сафарга бирга бориш истагида эканлигини билдириб қўйди.— Мен у ерда ҳам сизларга керак бўламан,— деди ниҳоят очик қилиб.— Чангалзору чакалакзорларда кўп марта бўлганман. Қандай қилиб йўл топиб юришни биламан.

Асосан бирон улов топиш муаммо бўлди. Бироқ Фернандес пайшанба куни қаёққадир кетди, кейин қайтиб келиб, ўзи билан Партриж ва Ритани олди-да, Лима аэропорти яқинидаги бир қаватли ғиштин бинога бошлаб борди. Бинода бир нечта катта-кичик муассасалар бор эди. Улар тепасига «АЛЬСА-АЭРЕОЛИБЕРТАД» деб ёзиб қўйилган эшикка кирдилар. Фернандес биринчи бўлиб кириб, ўз ҳамроҳларини ҳаво хизмати муассасаси хўжайинига ва катта учувчи Освальдо Зилерга таништирди.

Зилер қирқ ёшлар атрофида, келишган, хушқомат, ўрта бўй, ўзини яхши сақлаган одам эди. У бир оз тантанавор, бироқ ишининг кўзини биладиган руҳда гапирди.

— Тушунишимча,— деди у дабдурустдан.— Сизлар Нуэва-Эсперанцега «меҳмон» бўлиб бораёпсизлар.

Партриж бош ирғади.

— Унда мен сизларга мана бу ерга қўнишни маслаҳат бераман,— Зилер қалам билан харита устига нуқта қўйди.

— Бу йўл эмасми?

— Ҳа, бу чангалзор ичидаги асосий йўл, бироқ камқатнов, машиналар деярли ўтмайди. Баъзи жойлари, масалан, мана бу ерларга бориб йўл хийла кенгайиб кетган, самолёт бемалол қўниши мумкин. Мен у ерга бир неча марта қўнганман.

Қизиқ, нега у ерга қўнган экан, ўйлади ичида Партриж. Қора дори учунми ёки биронта тутқунни олиб борганми? У Перудаги барча учувчилар бевосита бўлмаса ҳам билвосита қора дори сотишга алоқаси бор деб эшитганди.

Самолёт масаласини келишиб олгач, Партриж «Сесар» меҳмонхонасига қайтиб, Нуэва-Эсперанцега кимлар боришини муҳокама қилиш учун хонасига гуруҳнинг барча аъзоларини таклиф қилди.

Учта номзод муҳокамасиз ҳам тайёр эди: Партриж, Минь Ван Кан (суратга олиш учун) ва Фернандес Пабур. Қайтишда яна уч киши қўшилишини ҳисобга олсак, яна бир кишини олиш мумкин, деди Партриж.

Видеоёзувлар муҳаррири Боб Уотсон, овоз устаси Кнен О'Хара ва индамас кўриқчи Томаслардан бирини танлаш керак эди.

Ниҳоят Партриж ўзи яхши билган, синалган, мураккаб вазиятларда ўзини кўрсатган О'Харани танлади...

Партриж Фернадесга барча зарур нарсаларни олиб қўйишни топширди. Меҳмонхонага гамак, пашшага қарши сургич ва пуркагич, икки кунлик тамадди учун консерва, сув ва сувни тозаловчи дори, компас, бинокл, мачет кела бошлади. Фернадес яна ҳамманинг қуролланиб олишлари шартлигини айтди. Партриж унинг фикрига қўшилди. Айни вазиятда қурол билан юриш шубҳасиз зарур эди ва бахтларига тўрталаси ҳам қуролдан фойдаланишни билишарди...

Партриж чоршанба куни — тутқунларни Нуэва-Эсперанцеда сақлаб туришганини билган куни у бу ҳақда Перу ҳукуматини, терроризмга қарши кураш полиция бошқармасини хабардор қилсамми деб ўйлаб қолган эди. Пайшанба куни у бу борада маслаҳатлашиш учун радиошарҳловчи, илгари полиция билан ҳеч қачон алоқа қилманг деб маслаҳат берган Серхио Хустадонинг олдига борди.

Серхиони ушбу маълумотни сир сақлаб туришга кўндиргач, у радиошарҳловчига полиция борасида илгари берган маслаҳатини эслатди ва бу масалада ҳали ҳам фикринг қатъийми деб сўради.

— Қатъий ҳам гапми, полицияга лом-лим демаслигингни талаб қилман,— деди Серхио.— Ҳукумат кўшинлари бундай вазиятда ҳўлу қуруқ қириб ташлаш билан шуғулланади. Бўлмаса доғда қолишдан кўрқади. Улар гуноҳи борми-йўқми, қуроллими, қуролсизми, тутқунми, бандитми сўраб ўтирмай қириб ташлашади. Сўнгра эса ўзларини оқлаш учун баҳона ҳам тайёрлаб қўйишади.

Партриж генерал Рауль Ортис ҳам очиқ бўлмаса-да, террорчиларни тугатишнинг шундай усулига ишора қилганини эслади.

— Бошқа томондан эса,— кўшимча қилди Серхио,— агар ўзларингиз мустақил ҳаракат қилмоқчи бўлсаларингиз, бир нарсани — ҳаётларингизни хавф остига қўяётганингизни билишларингиз керак. Барча масъулият ўзларингизнинг зиммаларингизга тушади.

— Биламан,— деди Партриж.— Бироқ бошқа йўл йўқ.

Иш куни эндигина бошланганди. Серхио эса қўлида қандайдир қоғоз ушлаб турар, дамо-дам бир қоғозга, бир Партрижга қараб кўярди. Ниҳоят у сўрашга ўзида журъат топди.

— Гарри, токи менинг олдимга келгунга қадар бирон нохуш хабар эшитмадингизми? Яъни бугун демоқчиман.

Партриж «йўқ» деб бош чайқади.

— Унда ўша нохуш хабарни мендан эшитишингизга тўғри келади.— Серхио Партрижга қўлидаги қоғозни узатди.

— Бу хабар келишингиздан сал олдин ахборот бўлимига келиб тушди.

Қоғозда мусибатли ота Никкининг кесилган бармоқларини қандай қилиб олгани ҳақидаги Рейтер агентлигининг хабари ёзилган эди.

— Мадомики, ўзингиз олдимга келган экансиз, Гарри, сиздан бир нарсани сўраб олмоқчи эдим,— деди Серхио.— Си-би-эй айни пайтда «Глобаник индастриз»нинг тармоғи ҳисобланадими?

— Ҳа.

Радиошарҳловчи стол тортмасини очиб, у ердан кистиргич билан бириктириб қўйилган қоғозни олди.

— Мен турли манбалардан, жумладан «Сендеро луминосо» дан ҳам янгиликлар олиб тураман. Уларнинг мени кўргали кўзи, отгали ўқи йўқ, бироқ асқотиб қолишимни ўйлаб, янгилик бериб туришади. «Сендеро»нинг эса хуфиялари ва жосуслари ҳамма жойда тикилиб ётибди. Яқинда ана шундай хуфиялардан бири мана бу қоғозни радиода ўқиб беради деган умидда менга жўнатибди.

Партриж қоғозни олиб, ўқий бошлади.

— Кўриб турганингиздай,— деди Серхио,— гап «Глобаник» ва Перу ҳукумати ўртасидаги молиявий шартнома ҳақида кетаяпти. Бундай шартнома иқтисодиётда маҳсулот алмашув деб аталади.

Партриж бош ирғаб қўйди.

— Тўғриси, нима гаплигига тушунмаяпман...

— Унчалик мураккаб эмас. «Глобаник» жуда катта ерга, жумладан, иккита дам олиш масканига эгалик қилади, ўрнига эса Перу ҳукуматининг халқаро қарзини тўлаб юборади.

— Хўш, бу айирбошлаш қонунийми? Бирон қинғирлик йўқми?

Серхио елка қисди.

— Униси ҳам, буниси ҳам. Муҳими эса бу шартнома асосида «Глобаник» яна ҳам бойиб кетиши, Перу эса янада қашшоқланиши мумкин.

— Агар масала шундай экан, нега радио орқали чиқиш қилмадингиз?— сўради Партриж.

— Бунинг икки сабаби бор. Мен ҳеч қачон «Сендеро»нинг маълумотини жиддий ишга аралаштирмайман. Бироқ, текширдим, бу ҳужжат ҳақиқий. Бошқа томондан эса «Глобаник» бу улушга эга бўлиш учун ҳукумат доирасидаги кимгадир пора берган ёки бермоқчи. Ана шу жиҳати мени иккилантириб турибди.

Партриж ушлаб турган қоғозига ишора қилиб сўради.

— Менга нусха бераоласизми?

— Олаверинг. Мен аллақачон нусха кўчиртириб қўйганман.

Жума куни эса улар Перу радиоси орқали Энгус Слоуннинг фожеали ўлими ҳақида эшитдилар: унинг кесилган боши Лимадаги Америка элчихонаси олдига ташлаб кетилган эди. Партриж шу заҳоти воқеа юз берган жойга етиб борди ва сунъий йўлдош орқали «Кечки янгиликлар»га репортаж жўнатди. Бу пайтда Лимага бошқа телестанцияларнинг суратга олиш гуруҳи ва газета репортёрлари етиб келишганди. Партриж улардан ўзини олиб қочиб юрди.

Гап шунда эдики, Кроуф отасининг ўлдирилиши ва Никки бармоқларининг кесилиши унда оғир кайфият уйғотганди: буларнинг ҳаммасига ўзини айбдор деб ҳис қиларди. У ахир Перуга учаласини соғ-саломат кутқариш учун учиб келганди, лекин у ваъдасининг устидан чиқолмади.

Бир илож қилиб репортажни олиб бўлгач, у «Сесар»га қайтиб келди-да, ўзини тўшақка ташлади. Бироқ кун бўйи ва туни билан ухлай олмади. У ўзини ёлғиз, ҳеч кимга кераксиз ва ожиз ҳис этарди.

Эрталаб, тонг саҳарда у ўрнидан турди. У икки ишни амалга ошириш шарт деб ҳисобларди. Биринчидан, васиятнома ёзиш. Иккинчидан, телеграмма жўнатиш. Улар ижарага олинган «универсал» билан аэропортга етиб келишгач, у Ритани васиятноманинг ҳақиқийлигига гувоҳлик беришга қўндирди ва унга бир нусхасини қолдирди. Ритадан у яна Калифорния штатининг Оукленд шаҳрига телеграмма беришни илтимос қилди.

Улар яна «Глобаник» ва Перу ҳукумати ўртасидаги шартнома ҳақида гаплашдилар.

— Сен уни бир ўқиб кўр. Кейин уни Лэс Чиппингемга кўрсатамиз,— деди Гарри Ритага.— Бироқ Перуга келишимга бу қоғознинг алоқаси йўқ — биз тирноқ ичидан кир излагани келмаганмиз. Гарчи кейинги ҳафта Серхио уни радио орқали ўқиб бериши аниқ бўлса ҳам, мен бу ҳужжатга ёпишиб олмоқчи эмасман.— У жилмайди.— Бизга нону туз бериб турган «Глобаник»нинг шаънини кутқариш учун шундан бошқа ҳеч нарса қила олмай-миз.

«Чиен-11» самолёти Лимадан тонг пайти ҳеч қандай ортиқча нохушликларсиз учиб кетди. Етмиш дақиқадан сўнг у Партриж, Минь, О'Хара ва Фернандеслар тушиб қоладиган чангалзорга бориб қўнади. Бу орада тонг ёри-

шиб, пастда ястаниб ётган ерлар аниқ кўрина бошлади. Чангалзор ичидаги йўлда на автомобиль, на юк машинаси, на одам кўринарди. Йўлнинг икки қаноти худди атайлаб экилгандай қуюқ чангалзор билан қопланганди. Ўзининг назорат мосламасини кузатиб келаётган Освальдо Зилер йўловчиларга қаради:

— Кўнамиз. Тушишга тайёр бўлиб туринглар. Мен ерда самолётни тўхтатмоқчи эмасман.

Сўнг самолётни бир томонга оғдириб бурди-да, катта йўлга тўғрилаб пасая бошлади ва йўл хийла кенгайган жойда самолёт ерга қўнди ва секинлашди. Тўртала йўловчи самолёт секинлашиши билан ўзларини ерга ташладилар ва йўлга умбалоқ ошиб тушишди: самолёт эса яна ҳавога кўтарилди.

— Тезроқ, кўз тушмас жойга ўтиб олайлик,— буюрди Партриж. Тўртта халоскор чангалзор ичига кириб ғойиб бўлди.

13

Айни шу дақиқаларда, Нью-Йоркда, аксига олгандай, Партрижнинг боши устида қора булут айланмоқда эди.

Жума куни эрталаб Теодор Эллиот телефон қилиб, Плезентвиласга, «Глобаник индастриз»нинг маъмурий биносига тез етиб келишни тайинлаганини айтишганда Марго Ллойд-Мэйсон уйда нонушта қилаётган эди. Унга соат ўнда Тео кутиб туришини айтишди.

Марго компания президентининг хонасига кириб борганда, Эллиот ҳе йўқ, бе йўқ, унга ёпиша кетди.

— Сен нега журналистларинг Перуда нима иш билан шуғулланиб юришини назорат қилмайсан?

— «Назорат қилмайсан» деганинг нимаси?— сўради унинг муомиласидан эсанкираб қолган Марго.— Бизни ахир яқингинада долзарб масалаларни ёритаёйсизлар деб мақтаган эдинг.

— Мен ғаразли, воқеликни қорага бўяб кўрсатаётган репортажлар ҳақида гапираяпман,— кафти билан столга ураркан Эллиот.— Кеча кечкурун менга Лимадан кўнғироқ қилишди — президент Кастаньеда ўз хонасидан. Унинг айтишича, Си-би-эйдан Перу ҳақида ёритаёлаётган барча репортажлар бир томонлама ва Перунинг халқаро обрўсига путур етказаяпти. У телестанциянинг бундай муносабатидан жуда норози, шу жумладан мен ҳам.

— Бошқа телестанциялар ҳам, «Нью-Йорк таймс» ҳам худди шундай муносабатда бўлишяпти. Тео...

— Улар билан менинг бир пуллик ишим йўқ. Мен ўзимиз ҳақимизда гапираяпман. Ундан ташқари, президент Кастаньеданинг гапига қараганда, бундай муносабат асосан Си-би-эйдан чиқаяпти экан. Қолганлар бу фискал фасодни Си-би-эйдан олиб сасишяпти. У айнан шундай деди.

Иккаласи ҳам тик туришарди. Эллиот азбаройи ғазабланганидан Марго ни ўтиришга ҳам таклиф қилмади.

— Биронта аниқ далили бормикан?— сўради Марго.

— Бўлмасам-чи, жин урсин, бор-да.— «Глобаник» президенти столда ётган беш-олтита видеокасетани кўрсатди.— Президентнинг кўнғироғидан сўнг мен кеча кечкурун ўз одамимни ўтган ҳафтадаги кечки янгилкларнинг видеоёзувини олиб келишга юбордим. Шундагина Кастаньеда нимани назарда тутганини сездим: Перунинг аҳволи ёмон, у ердагилар мураккаб вазиятга тушиб қолишган. Кўрсатувларда Перунинг истиқболи порлоқ, ажойиб оромгоҳлар маскани эканлиги тўғрисида ва яна анави «Ойдин йўл»даги қароқчиларнинг тезда адабини бериб кўйяпти ҳақида лом-мим дейилмаган.

— Кўпларнинг фикрича, Перу ростдан ҳам таиғ аҳволга тушиб қолган.

— Нима учун президент Кастаньеда менга жаҳл қилганини сезиб турибман,— Маргонинг гапини эшитмагандан жазавага минди Эллиот.— «Глобаник» айна шундай паллада у билан орани узолмайди, нима учунлигини эса ўзинг яхши биласан. Мен сени огоҳлантирган эдим, лекин сен қулоқ солмадинг. Яна битта гап. Фосси Ксенос ҳам роса жиғибийрон, у сени шартномани атайлаб бузишда айблапти.

— Ғирт бемаъни гап бу, ўзинг ҳам буни яхши биласан.— Марго вазият қалтислигини, у ўзининг «Глобаник»даги шаън-шавкати путурдан кетиш арафасида турганини ҳис қилди.

— Ҳозир мен нимани буюрсам, уни сўзсиз бажарасан,— Эллиотнинг овози совуқ жаранглади.— Мен, анави, ҳар ковакка бурун тиқиб юрган репортёр Партриж тезда чақириб олиниб, ишдан бўшатилишини талаб қиламан.

— Уни чақириб олишимиз мумкин, бироқ уни бўшатишга қурбимиз етишига ишонмайман.

— Мен бўшатилсин дедимми, тамом. Нима, кейинги пайтда қулоғинг оғир бўлиб қолдими дейман, а, Марго?

Бу қарор Си-би-эйдагиларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлишини сезиб, Марго Теони яна мурасага чақирмоқчи бўлди.

— Тео, мен сенга Партриж телестанцияда анча йиллардан бери ишлаётганини эслатиб қўймоқчиман. Менимча, йигирма беш йиллар ишлаган, жуда катта обрўси бор.

Эллиот заҳарханда жилмайди.

— Унда ўша итваччага олтин соат совға қил, мен қарши эмасман. Бироқ ундан тезда қутул, токи мен Перуга душанба куни қўнғироқ қилиб, ҳаммаси сизлар талаб қилгандай бўлди деб айтай. Дарвоқе, Марго, сенга бир маслаҳат бермоқчиман...

— Қандай маслаҳат, Тео?

Эллиот столи айланиб ўтиб, ўз айланма курсисига ўтирди ва Маргога ҳам ўтир деб ишора қилди:

— Гап шундаки, халқ журналистларни жудаям зарур одамлар деб ҳисоблайди. Аслида эса уларнинг ҳаммаси бир пулга қиммат. Уларнинг бирини суғуриб олсанг, ўша жойдан яна иккитаси бош кўтариб чиқади.— Эллиот ижирғангандек афтини бужмайтирди-да, давом этди.— Қани айт-чи, бу дунёда ким асли ҳурмат-эътиборга лойиқ? Сену менга ўхшаш кишилар, Марго. Дунёни бизлар тебратиб турибмиз. Айтиш мумкинки, биз дунёнинг устунларимиз. Шунинг учун биз истасак, журналистларни тўдаси билан сотиб олиш қудратига эгамиз. Ҳеч қачон эсингдан чиқмасин, инглизлар айтганидек, пул бўлса чангалда шўрва. Анави кўшпак Партриж билан орани очиб қилганингдан сўнг ўрнига янғисини, дейлик, эндигина коллежни тугатганини ишга ол, яъни гаҳ десанг кўлингга кўнадиган бўлсин... Яна бир гап. «Глобаник»даги одамлар сен киму Фосси кимлигини жуда яхши билишади. Сизлар бир маррага қараб чопаетганларингизни унутманг. Агар сен билан Фоссини айна дақиқаларда қиёслайдиган бўлсак, унда бутун эрталабдан Фоссининг тарозиси босиб турибди. Сен тезлик билан эътиборингни тиклайдиган иш қил ва ҳаммага кўрсатиб қўй. Хуллас, кечқурун қўнғироқ қилгунимча, Перу масаласини ҳал қил.

Марго ўз хонасига қайтиб келиб, Лэс Чиппингемни ҳузурига чақиритиларини сўради. Янгиликлар бўлими бошлиғи тезда етиб келсин деб тайинлади.

Эрталабдан таъбини тирриқ қилишгани унга алам қиларди; шунинг учун ўзи ҳам кимнингдир таъбини хира қилгиси келарди ва ҳатто ҳозир шундай вазият пайдо бўлганидан хурсанд ҳам бўлиб кетди.

Фосси Ксенос ҳақида Эллиотнинг «тарозиси босиб турибди» деган гапи ёқмади. Агар ростдан ҳам шундай бўлса, вазиятни ўз томонига оғдириш учун отни қамчиллаган маъкул. Марго қандайдир арзимас ташкилий масала

учун ўзининг келажакни хавф остига қўёлмасди: бу масалани тезда, ўйлаб ўтирмай ҳал қилиш керак.

Шунинг учун ҳам тушдан сўнг Лес Чиппингем хонасига кириб келганда худди Эллиотга ўхшаб бирдан ёпиша кетди.

— Ҳозир мен айтадиган гаплар муҳокама қилинмаслиги шарт,— деди Марго зардали оҳангда.— Бу буйруқ.— Бир оз жим тургач давом этди.— гарри Партрижнинг бизнинг телестанциядаги хизматига яқун ясалиши шарт. Эртадан эътиборан Си-би-эйдан думи тугилсин. Биз билан Партриж ўртасида шартнома мавжуд. Ана шу шартномага таяниб ишдан бўшатилинсин. Яна бир гап: Гарри эртагаёқ Перудан чиқиб кетсин, ҳеч бўлмаганда якшанба кунин. Махсус самолётда бориб бўлса ҳам уни у ердан чиқариб юбор.

Чиппингем унга лол қолганча, қулоқларига ишонмай қараб турарди. ниҳоят ўзини тутиб олгач, ишонқирамай сўради:

— Сен буни жиддий гапираяпсанми?

— Мутлақо жиддий,— деди қатъий тарзда Марго.— Ахир айтдим-ку, муҳокамага ўрин йўқ деб.

— Нима... нималар деяпсан?— Чиппингемнинг овози ҳаяжонланганидан жаранглаб чиқди.— Сен энг яхши мухбирларимиздан бирини, Си-би-эйга йиғирма йилдан ортиқ хизмати сингган одамни ҳе йўқ, бе йўқ, муҳокама қилмай, маслаҳатлашмай кўчага улоқтир демоқчимисан?

— Бунинг учун асосларим бор, бироқ унинг сенга тааллуқли жойи йўқ.

— Яъни Янгилликлар бўлими бошлиғига тааллуқли жойи йўқ. Шундайми? Қани, менга айт-чи, Гарри нима гуноҳ иш қилибди?

— Агар жуда билгинг келаятган бўлса, эшит. Гап унинг кўрсатувлари ҳақида борапти.

— Жуда зўр кўрсатувлар. Ҳалол, яна истеъдодли, гапимга ишонмасанг, хоҳлаган одамдан сўра.

— Бунга ҳожат йўқ. Чунки баъзи бировлар бошқача фикрда.

Чиппингем Маргога шубҳа аралаш кўз тикди.

— Бу «Глобаник»нинг ўйини, шундайми?— У энди гапининг тўғрилигига шубҳа қилмасди.— Бу дўстинг ва шаҳаншоҳ Теодор Эллиотнинг ўйини.

— Оғзингга қараб гапир,— гапини бўлди Марго. Сухбат жуда чўзилиб кетгандай туюлди.— Мен сенга ахборот бермоқчи эмасман,— деди совуқ оҳангда Марго.— Агар буйруғим кечкурунчага бажарилмаса, унда сен ҳам ишдан бўшатиласан.

— Жиддий гапираяпсанми?— Чиппингем Маргога ҳайрат ва нафрат билан қараб турарди.

— Мутлақо. Агар ўз жойингда қолишни истасанг, унда менга кечкурун буйруғим бажарилгани ҳақида хушхабар олиб кел. Ҳозир эса, бор, туёғингни шиқиллат.

Чиппингем чиқиб кетгач, Марго зарур пайти ўзи ҳам қаттиққўлликда Тео Эллиотдан қолишмаслигини ўйлаб, ҳузур қилиб, жилмайиб қўйди.

Си-би-эй биносидаги хонасига қайтиб келгач, Лес Чиппингем Маргонинг буйруғини бажариш ўрнига ҳар хил майда-чуйда ишлар билан шуғулланди. Фақат соат учдагина котибасига токи ўзи айтмагунча ҳузурига ҳеч кимни қўймаслигини, ҳеч ким билан боғламаслигини тайинлади-да, ҳаммасини батафсил ўйлаб олиш учун хонасига кириб кетди.

Эшикни ичидан қулфлаб, столга эмас, Эндре Уайтнинг табиат манзараси акс этган сурати қаршисига ўтирди. Кўзлари суратда бўлса ҳам, бироқ хаёли Марго айтган буйруқда эди.

У ҳаёт-мамоти ҳал қилинадиган палла келганини сезиб турарди. Агар у Маргонинг айтганини қилиб, Партрижни ҳеч бир сабабсиз ишдан бўшатса, унда ўзининг ҳурмат-эътиборини йўқотади. У кимнингдир инон-ихтиёрини амалга ошираман деб, жуда маҳоратли мухбирга, дўстига ва ҳамма ҳурмат қилувчи кишига нисбатан шармандали ва адолатсиз муносабат қилган бўлади. Бўшатиш билан улар нимага эришмоқчи экан? Чиппингем буни

ҳам, бошқа нарсаларни ҳам вақти келиб билиб олишига имони комил эди. Бироқ ҳозир у бу ерда Теодор Эллиотнинг қўли борлигини сезиб турарди...

Агар буйруқни бажарса, кейинги шармандаликка чидаб яшай олармикин? Шу пайтгача амал қилиб келган ақидалари ичида буйруқни бажармасликка ундарди.

Бошқа томондан эса, агар у буйруқни бажармаса, барибир, эртага ўрнига келадиган бошқаси бажаради. Бу масалада Маргонинг қарори қатъий. У шундай одамни осонгина топа олади. Бунақа — салла деса калла оладиганлар тикилиб ётибди, жумладан, Си-би-эйнинг ўзида ҳам.

Хуллас, у ўжарлик қилишидан қатъий назар, Гарри Партрижнинг Си-би-эйдан кетиши аниқ.

Ҳа, муҳими ҳам шу: кетиши аниқ.

Гарри Партрижнинг ишдан бўшатиладигани тўғрисида миш-миш тарқашиб билан — бундай миш-миш ўша заҳоти тарқайди — у ўн беш дақиқа ҳам ишсиз қолмайди. Бошқа телестанциялар уни кўзларига суртиб олишади...

Бир сўз билан айтганда Гарри Партриж ҳеч нарса йўқотмайди. Аксинча, бошқа телестанциялар унга яна ҳам каттароқ пул таклиф қилишлари мумкин.

Янгиликлар бўлими бошлиғини бўшатса, унда аҳволи нима бўлади. Агар Марго ўз сўзида турса, — Чиппингем агар буйруқ бажарилмаса Марго ўз сўзида туришини, ўзини осонгина чертиб юборишини сезиб турарди — вазият мутлақо бошқача бўларди: ишдан бўшатиладиган бошлиққа ҳеч кимнинг кўзи учиб тургани йўқ.

Чиппингемнинг ҳам телестанция билан шартномаси бор эди ва шартномага кўра у жудаям жарангдор эшитиладиган миллион доллар олиши мумкин эди. Бироқ, афсуски, бу пулнинг фақат жарангдор эшитилишидан бошқа Чиппингемга ҳеч қандай алоқаси йўқ: солиқнинг ўзи ярмини шилиб олади. Бир қисми эса қарзга — у қулоғига қарзга ботгани — кетади; қолган-қутганини Стасининг оқловчилари шилиб олишади. Чиппингем охир-оқибат мана шу йирик маблағдан ўзига «Йилнинг тўрт фасли» ресторанида икки киши бўлиб бир марта тамадди қилишгагина етар-етмас пул қолишига ҳам ишонмайди. Иш топиш масаласи эса бундан ҳам аянчлироқ бўлиши мумкин. Партрижга ўхшаб, бошқа телестанциялар изидан югуриб юрмайди. Чунки битта телестанцияга битта янгиликлар бўлими бошлиғининг ўзи етиб-ортади. Ҳали бир жойга иккита бошлиқ бўлганини Чиппингем эшитгани йўқ.

Оқибатда у арзимас ҳақ тўланадиган, арзимас, эътиборсиз бир ишга рози бўлади, Стасия эса ундан илгаригидек мўмай пул талаб қилаверади.

Хуллас, ишдан кетишни ўйлаш — даҳшатнинг ўзи.

Албатта, Маргонинг буйруғини бажармаса... «Гарри, бунини мен ўз ихтиёримга қарши қилаяпман, — деди ичида у. — Бошқа иложим йўқ».

Ярим соатлардан сўнг Чиппингем хонасидаги дориломон кунлардан хотира бўлиб қолган «ундервуд»да кўчирилган хатни ўқиб ўтирарди.

Хат шундай бошланганди: «Азизим Гарри. Сенга таассуф билан шуни маълум қиламанки, бугундан эътиборан сен Си-би-эйдан бўшатиладиган. Си-би-эй сен билан тузган шартномага кўра...»

У бу хатни Лимага факс орқали жўнатмоқчи бўлди. Факс қабулхонада турарди.

У хатга энди имзо чекаман деб турганда, бирдан эшик тақиллади, қўлидаги хатни беихтиёр стол остига яшириб, эшикни ярим очди ва эшикдан Кроуфорд Слоун кириб келди. У қўлига телетайп лентасини кўтариб олганди.

— Лэс, — деди Слоун тушқин оҳангда. Унинг кўзлари тўла ёш эди. — Менга сенинг маслаҳатининг керак. Мана бу ҳозиргина келиб тушди.

У Чиппингемга телетайп хабарини узатди. Бу Энгус Слоуннинг танасиз боши топилгани ҳақидаги Лимада чиқадиган «Чикаго трибюн» хабари эди.

— Ё парвардигор! Кроуф, мен...

— Фақат кўнглимни кўтараман деб ўйлама,— деди Слоун.— Ўзимни зўрға тутиб турибман. Бугун «Янгиликлар»ни олиб боролмайман. Мен Тереза Тойни чақир деб киргандим...

— Бу масала билан бошингни қотирма, Кроуф,— деди Чиппингем.— Бу бизнинг ишимиз.

— Сен тушунмадинг,— деди Слоун бош чайқаб.— Мен бошқа нарса демоқчи эдим. Менга Лимага учишим учун самолёт керак. Жессика ва Никкини қўтқаришга ҳали имконият бор экан, мен ўша ерда бўлишим керак.— Бир оз жим қолиб, ўзини қўлга олди-да, қўшиб қўйди: — Дастлаб Ларчмонтга бораман, сўнг Тетерборога.

— Шундай қилишинг шарт эканлигига имонинг комилми? — бир оз ишонқирамай сўради Чиппингем.— Шундай қилишинг шартми?

— Кетишим керак, Лэс,— деди Слоун.— Мени тўхтатаман деб ўйлама. Агар харажатни Си-би-эй кўтармаса, ўз ёнимдан учаман.

— Бунга ҳожат йўқ. Мен самолётга жой буюртма қиламан,— деди Чиппингем.

Шу заҳоти жойга буюртма берди. Самолёт Тетербородан кечқурун учди ва эрталаб Лимада бўлади.

Энгус Слоун ҳақидаги хабар Чиппингемнинг Партрижга ёзилган хатини имзолашни кечиктириб юборди ва фақат кечга яқин хат телефон орқали Лимага узатилди. Котиба кетгач, хатни Чиппингемнинг ўзи узатди... Хатнинг тепасига «Мистер Гарри Партрижга. Шаҳсан» деб ёзиб қўйди.

Чиппингем хат ҳақида Кроуфорд Слоунга гапирмоқчи эди, бироқ ўйлаб кўриб, фикрдан қайтди: Кроуфнинг дарди ўзига етар; ўлганнинг устига тепган қилмаган маъқул. У хат Кроуфордни — худди Партриж каби — ажаблантиришини ва у изоҳ истаб, кўнғироқ қилишини биларди. Бироқ бу воқеа эртага содир бўлади.

Ниҳоят Лэс Чиппингем Марго — Ллойд — Мэйсонга кўнғироқ қилди — соат ўн бешта кам етти бўлганига қарамай Марго хонасида ўтирганди.

— Мен сенинг буйруғингни бажардим,— деди Лэс Маргога. Сўнг Энгус Слоун ҳақида гапириб берди.

— Бу хабарни эшитдим, жудаям ёмон бўлибди,— деди Марго.— Буйруқ масаласига келсак, сен ўз вақтида кўнғироқ қилдинг. Мен энди кўнғироқ қилмасанг керак деб, тайёрлана бошлагандим. Нима бўлганда ҳам сенга раҳмат.

14

«Чиенн-11» самолёти қўнган йўлга туташган чакалакзорли сўқмоқда юриш анчайин қийин эди; шунинг учун Партриж шериклари билан жуда секинлик билан илгарилаб боришарди.

Баъзан сўқмоқни чакалакзор буткул қоплаб олар, ундан йўл топиб юриш амри маҳол бўлиб қоларди. Шохлаб кетган новда ва буталарни чошиб, чакалакзорни ёриб ўтишга тўғри келарди...

Партриж Жессика видеотасвирда ишора қила олган бир ҳолатни ёдига яхши сақлаб қолганди. Кроуфорд Слоун Ритадан Перуга бериб юборган хатида ёзишича, Жессика чап қулоғининг учига билдирмай бармоғини тегизган бўлиб, бу «Соқчилар кам, бемалол хужум қилиш мумкин» дегани эди. Энди шу маълумотга таяниб, таваккал қилишга тўғри келарди. Ҳозир эса машаққат билан чакалакзорни оралаб борардилар. Тушдан сўнг барча ҳолдан тойди. Шундагина Фернандес Нуэва-Эсперанцега яқинлашиб қолган бўлсак керак, деб огоҳлантирди-қўйди.

У контур харита ва компас ёрдамида гуруҳни бошлаб борар ва ҳаммаларни тоққа қараб боришаётганини англаб турардилар. Бир соатлардан сўнг улар кенг ялангликка чиқишди ва кўзлари нариги томондаги дарахтлар орасидаги кулбага тушди...

Фернандес ялангликни ва кулбани кўздан кечириб, у ерда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилди. Шундан сўнг уларни яна чакалакзор оралаб шарққа бошлаб кетди... Бир неча дақиқадан сўнг у қирққулоқлар орасидан бош чиқариб, қаранглар дегандай ишора қилди. Орқадагилар навбат билан бош кўтариб қарашиб, ярим мил нарида ва ўзларидан икки юз фут пастликда жойлашган кулбаларни кўришди. Йигирматача кулба дарё бўйига жойлашган эди. Кулбалар орасидан ўтган тупроқ йўл бир неча қайиқлар боғланиб турган қирғоққа бориб туташганди.

— Оёқларимиз панд бермади,— деди секин Партриж ва бир оз енгил тортгандек кўшиб қўйди: — Менимча, биз Нуэва-Эсперанцени топганга ўхшаймиз.

Энди Гарри бошқарувни яна ўз қўлига олди.

— Кун ботишига жуда оз қолди,— деди у. Қуёш уфқ томон оғиб борарди: йўлга у мўлжал қилгандан кўпроқ вақт кетган эди.— Минь, яна бир бор дурбинни ол. Фернандес ва Кен, соқчилик қиласизлар ва орқамиздан биров келиб қолмаслиги учун навбат билан назорат қилиб турунглр. Навбатни ўзларинг ўзаро келишиб оласизлар, агар биронтага кўзингиз тушса, дарҳол менга хабар қилинг.

Партриж шериклари бегона кўз тушмайдиган чакалакзорга яширинишганидан кўнгли тўлгач, ўзи ҳам чакалакзорнинг чеккасига бориб, ерга юзтубан ётганча, қўлида дурбин билан олдинга эмаклаб кетди. Минь у билан ёнма-ён борарди.

Партриж пастликдаги қишлоқни бирма-бир, синчиклаб кўздан кечирарди.

У ерда деярли ҳеч ким кўринмас, қирғоқда эса икки эркак қайиқдан моторни олишаётганди. Кулбадан чиққан аёл қирғоққа келди-да, челагидаги ювиндини дарёга тўкиб, яна изига қайтди. Чакалакзордан бир киши чиқиб, бошқа бир кулбага кириб кетди. Ювиндихонада иккита ит тимирскиланиб юрарди... Умуман, Нуэва-Эсперанце борса-келмас жойдек таассурот қолдирганди.

Партриж ҳар бир саройни бирин-кетин ўрганишга киришди. Афтидан, асирларни улардан берида сақлашар, лекин айнан қайсисида эканлигини узоқдан билиш қийин эди. Энди Партрижга шу нарса аён бўлгандики, кузатув учун камида бир кун вақт керак бўларди, асирларни кечаси тунда озод қилиб ва эртага эрталаб учиб кетишга ҳаракат қилиш хом хаёлдан бошқа нарса эмасди. У яхшироқ ўрнашиб олиб, атрофга қоронғулик чўкишини кутишга қарор қилди.

Ҳар доимгидек бу ерларга қоронғилик тез туша бошлади... Партриж дурбинни тушириб, бир соатдан бери тикилавериб, толиққан кўзларини артди. Бугун бошқа бирор нарса билолмасликларига ишончи комил эди.

Шу пайт Минь унинг қўлига туртиб, пастликка ишора қилди. Партриж дурбинни яна кўзларига олиб борди ва бирдан хира ёруғликда икки қатор уйлар ўртасидаги йўлақда келаётган бир эркак кишининг қораси кўринди. Бошқа одамдан фарқли ўлароқ у қаёққадир тўғри бораётган эди. Унинг нимасидир борга ўхшарди — Партриж диққат билан кузатди... А-ҳа, кўрди: эркак киши елкасига қурол осиб олганди. Партриж ва Минь дурбинда ундан кўз узмай туришди.

Бошқа иншоотлардан чеккароқда якка сарой турарди. Партриж унга кўзи тушган, бироқ нимагадир эътибор қилмаган эди. Ҳозир эса эркак киши тўғри шу саройга кириб кетди. Саройнинг туйнуғи бўлиб, ундан ичкари гира-шира кўриниб турарди.

Бир неча дақиқадан сўнг саройдан кимдир чиқиб кета бошлади. Ҳатто қоронғу бўлишга қарамай бу бошқа киши эканлиги ва унинг елкасида ҳам қурол борлиги аниқ кўриниб турарди.

Вақт ўтиб борарди. Партриж шерикларига шундай деди:

— Биз кечаси Нуэва-Эсперанцеда нима воқеа юз беришини, қачон ва соат нечада ҳамма уйкуга кетишини, маёқлар қачон ўчишини аниқлашимиз керак. Ҳаммадан илтимосга, вақтини ёзиб борсин.

Партрижнинг илтимосига биноан Минь кузатув жойида яна бир соат назоратчилик қилди, сўнг унинг ўрнига Кен О'Хара борди.

— Ҳамма имкони борича кўпроқ дам олсин, — буюрди Партриж. — Бироқ кузатув жойида ва ялангликда битта кузатувчи бўлиши керак. Яъни икки киши кузатувчилик қилса, икки киши ётиб ухлаймиз. Улар ҳар икки соатда алмашиб туришга қарор қилдилар.

Фернандес кулбадан топиб олган, майда, тўрли беланчагини аллақачон осиб қўйганди. Баланчакда ётиш жуда ноқулай эди, бироқ одамлар шунчалик чарчаган эдики, бир пасда ухлаб қолдилар. Улар ўзлари билан юпқа тахталарни олиб келишгани жуда иш берди, йўқса кечаси тинимсиз ёмғир ёғиб, томдан чакка ўта бошлади. Фернандес ухлаётганларга ёмғир тушмаслиги учун тахталарни жуда ўнғай қилиб ўрнатганди...

Овқатланиш — ҳамманики алоҳида эди. Ҳар бир киши озуқа ва сувдан ўзига тегишли улушни олган бўлиб, ҳамма озуқани тежаш лозимлигини яхши биларди. Лимадан олиб келишган сувни аллақачон ичиб тугатишганди; Фернандес идишларга ирмоқдаги сувдан тўлдириб, унга микробдан тозалайдиган хабдори ташлаб қўйди. У бу ернинг сувлари қора дорига ишлов беришда ишлатилгани туфайли заҳарли эканини айтиб, огоҳлантирган эди. Идишдаги сув жуда тахир бўлиб, ҳамма иложи борича камроқ ичишга ҳаракат қиларди.

Эртасига эрталаб Партрижга Нуэва-Эсперанцедаги тунги вазият тўғрисида ҳамма нарса аён бўлган эди: тунда ҳаммаёқ сув қуйгандек жимиб қолади, фақат аҳён-аҳёнда гитара овози, кимнингдир хиргойиси ва маст-аласт кулгиси эшитилди, бу ҳам қоронғулик чўккандан сўнг уч ярим соатлар давом этди, холос. Соат 1.30 ларда эса бутун қишлоқ зулмат ва сукунат оғушида қолди.

Энди эса фақат — агар Партриж тутқунларни қаерда сақлашаётганини тўғри фаҳмлаган бўлса — соқчилар қачон ва қайси пайтда алмашишини аниқлаш қолганди. Эрталаб бу ҳақда ҳеч нарса маълум эмасди. Агар соқчилар тунда алмашган бўлса, улар буни сезмай қолишган.

Кузатув яна кун узоғи давом этди...

Кечга яқин Партриж беланчакда ётганча қандай вазиятга тушиб қолганликлари тўғрисида ўйларди. Наҳотки, бу туш эмас? Наҳотки ҳақиқат? Ахир улар бир неча соатдан сўнг одам ўлдиришга мажбур бўлишади.

Қоронғи тушиши билан Партриж шерикларини йиғиб шундай деди:

— Етарлича кузатдик. Бугун кечаси пастликка энамиз, — сўнг Фернандесга юзланди: — Бизни сен бошлаб борасан. Мен ўша саройга тунги 2 да кириб боришни мўлжалладим. Агар бирор нарсани хабар қилиш лозим бўлса, шивирлаб гаплашинглар. Саройга яқинроқ бориб, биринчи бўлиб ичкарига кирман. Минь, сен орқамдан кўз-қулоқ бўлиб турасан. Фернандес, сен эса уйлардан бирортаси чиқиб қолмаслиги учун ўша ёқни кузатасан, агар зарурат туғилса, бизга қўшилсан.

Фернандес бош ирғади.

— Сен эса, Кен. — Партриж О'Харага юзланди, — қирғоққа борасан. Кетишда қайиқларни ишга соламиз.

— Тушундим, — жавоб берди О'Хара. — Демак, мен қайиқларни қўлга киритишим керак.

— Шундай. Агар иложи бўлса бошқаларини ишдан чиқар, бироқ ёдингда бўлсин: шовқин-суронсиз.

— Моторни кўшганимизда бари бир шовқин бўлади.

— Йўқ, — деди Партриж. — Биз эшаклардан фойдаланамиз, дарё ўртасига етганда эса оқимнинг ўзи олиб кетади. Моторни эса жуда олислаб кетгандан сўнггина кўшамиз.

Партриж шуларни гапира туриб, агар иш ўнгидан келса, вазиятга қараб иш тутишга, эҳтимол қурошдан фойдаланишга тўғри келар деб ўйлади.

Эртага эрталаб соат 8 да «Чиенн-11» уларни олиб кетиш учун келиши Фернадеснинг ёдига тушиб сўраб қолди:

— Қайси майдондан ёриб киришга қарор қилдик — Сионданми, бошқасиданми?

— Қайиққа чиққандан сўнг бир қарорга келармиз — ҳаммаси ишимиз ўнгидан келишига ва ихтиёримизда қанча вақт бўлишига боғлиқ. Ҳозир эса, — хулоса қилди Партриж, — қурошларингизни текшириб кўринглар, тез ва чаққон юришга халақит бермаслиги учун ортиқча нарсаларингизни ташланглар.

Ҳаммани бирдан қўрқув ва ҳаяжон ҳисси чулғаб олганди.

15

Рита Эбрамс шанба кuni эрталаб «Чиенн-11» учиб кетгач, Лимага қайтиб келганда, уни иккита янгилик кутиб турарди.

Биринчидан, у Кроуфорд Слоун бу ёққа келиши мумкинлигини сира ўйламаган эди. Энтель-Перуда Слоуннинг Лимага учиб келаётгани тўғрисида хабар келган бўлиб, ҳойнаҳой у ҳозир бу ерда бўлиши керак эди. Рита дарҳол хабарда айтилгандек, Слоун тўхташи мумкин бўлган «Сессар» меҳмонхонасига кўнғироқ қилди. Меҳмонхона хизматчисига Слоун ўзига кўнғироқ қилишини тайинлади.

Уни янада кўпроқ ажаблантирган иккинчи хушхабар — бир кун олдин факс орқали Чиппингем Гарри Партрижга юборган хати эди. Хат жилдига «Шахсан ўзига» деб ёзилган бўлса-да, эътиборсизлик туфайли у бошқа хабарлар билан бирга очиқ ҳолда келган эди. Рита уни ўқиб кўриб кўзларига ишонмади.

Бу ҳақда қанча кўп ўйласа, хабар унга, ҳозир шунча бемаъни ва аҳмоқона бўлиб туюларди. Эҳтимол, Кроуф шунинг учун Лимага учиб келгандир? Бунга Ританинг ишончи комил эди. У сабрсизлик билан Слоунни кутар, қаҳру ғазаби эса тобора ортиб борарди.

Бунинг устига айни пайтда ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, чакалакзорда юрган Партрижни хатнинг мазмунидан хабардор қилиб бўлмасди.

Слоун эса кўнғироқ қилиб ўтирмади. Меҳмонхонага келиб, Ританинг кўнғироқ қилганини билгач, у таксига ўтириб, дарҳол Энтелга қараб жўнади. У Лимага илгарилари ҳам топшириқ билан кўп келгани учун шаҳарни яхши биларди.

— Гарри қаерда? — сўради у Ритадан дастлаб.

— Чакалакзорда, — қуруққина қилиб жавоб берди у. — Ҳаётини хавф остига қўйиб, сенинг хотининг билан ўғлингни қутқозишга кетди. — Шундай деб у Слоунга факс орқали келган хатни тутқазди. — Нима аҳмоқгарчилик бу?

— Нимани назарда тутаяпсан? — Кроуфорд Слоун ҳайрон бўлиб хатни олди-да, Ританинг кўз ўнгида ўқий бошлади. Сўнг яна бир марта ўқиб, бош ирғади. — Қандайдир англашмовчилик бўлган. Бундай бўлиши мумкин эмас.

— Нима, сен бундан хабарим йўқ эди, демоқчимсан? — деди гинадор оҳангда Рита.

— Албатта, йўқ. — Слоун қатъий бош чайқади. — Гарри менинг дўстим. Ҳозирги ҳолатимда ундан-да яқинроқ кишим йўқ. Уни чакалакзорда дединг,

у ерда нима қилапти ўзи? — Слоун худди хатни бош қотириб ўтиришга арзитайдиган бир нарсадек дарҳол унутган эди.

Рита жоникиб ютинди. Кўзларига ёш куюлиб келди.

— Эҳ, худойим. Кроуф, худо ҳаққи, кечир.— У илк бор мана шу саккиз кун ичида Слоун ўзини қанчалик олдириб қўйганини, кўзлари ғамдан чўкиб қолганини кўрди.

— Мен учувчи билан гаплашиб олмоқчи эдим,— деди Слоун унинг гапларини тинглаб бўлгач.— Унинг исми нима?

— Зилери.— Рита соатига қаради.— У ҳам қайтмаган бўлса керак, мен бир оздан сўнг унга қўнғироқ қиламан, кейин бирга борамиз. Нонушта қилганмисан?

Слоун йўқ дегандек бош чайқади.

— Шу яқинда ошхона бор. Кетдик.

Олдиларига қаҳва ва овқатни келтириб қўйишгандан сўнг, Рита секин деди:

— Биламан, Гарри вақтида ҳаракат қилмадик деб ўзини койиб юрибди, бироқ ўшанда ҳеч қандай маълумотга эга эмасдик...

Слоун имо қилиб унинг гапини бўлди:

— Мен ҳеч қачон Гаррини ҳеч нарсада айблаб олмайман — ҳатто ҳозир ҳам. Охири нима билан тугашидан қатъи назар. Ундан бошқа ҳеч бир одам бундан ортиғини қилолмасди.

— Фикринга қўшиламан,— деди Рита,— шунинг учун ҳам нега бундай қилишганини тушунолмаяман.— У сумкасидан Лэс Чиппингемнинг хатини чиқарди.— Бу англашмовчилик эмас. Буни пухта ўйлаб қилишган. Бундай пайтда янглишиб бўлмайди.

Кроуф яна бир бор хатни ўкиб кўрди.

— Юқорига кўтарилишимиз билан мен дарҳол Нью-Йоркка, Лэсга қўнғироқ қиламан.

— Қўнғироқ қилишдан олдин бунинг тагида сен билан биз билмайдиган нималар борлигини бир ўйлаб кўришимиз керак. Кеча Нью-Йоркда ҳеч нарса юз бермаганмиди?

— Менимча, йўқ...— ўйланиб жавоб берди Слоун.— Тўғри, Лэсни Марго Ллойд-Мэйсон зудлик билан чақиртирганини эшитган эдим. Бироқ нима воқеа юз берганидан беҳабарман.

— Бу «Глобаник» билан алоқадор бўлиши мумкинми? — Бирдан хаёлига келди Ританинг.— Эҳтимол, мана бу учундир.— Сумкасини очди-да, Гарри Партриж унга ерталаб берган бир неча варақ қоғозларни олди.

Слоун қоғозларга кўз югуртириб чиқди.

— Қизиқ. Ростдан ҳам мўмай даромад. Буни қаердан олдинг?

— Менга Гарри берди... Айтдики, буни ошкор қилмоқчи эмас экан... «Глобаник»нинг тузини еб тузлиғига тупирмоқчи эмасман деди.

— Гаррининг ишдан бўшатилишига шу қоғоз сабаб бўлса керак,— ўйламай жавоб берди Слоун.— Менимча, шундай. Юр, юқорига чиқиб, дарҳол Лэсга қўнғироқ қиламиз.

— У ёққа чиқишимиздан олдин мен бир ишни бир ёқли қилишим керак,— деди Рита.

«Бир ишни бир ёқли қилишим керак» деганда у Виктор Веласкони чақиртиришни назарда тутганди.

Бир неча дақиқадан сўнг Энтелнинг халқаро бўлими бошлиғи уларнинг хонасига кирганда, Рита унга деди:

— Мен Нью-Йорк билан тўғри боғланишим керак. Фақат ҳеч ким эшитмайдиган бўлсин.

Веласко хижолат тортди.

— Менинг хонамга кира қолинглар. Ўша ердан қўнғироқ қиласизлар.

Рита ва Кроуфорд Слоун Веласконинг изидан шу қаватдаги гиламлар тўшалган шинам хонага кирдилар.

— Марҳамат. Менинг столимга ўтиринг, — қизил телефонни кўрсатиб, Веласко кўшимча қилди: — Шундай қилсангиз ишончли бўлади. Мен кафил. Тўғри тераверинг.

Веласко одоб билан таъзим қилди-да, эшикни ёпиб, хонадан чиқиб кетди.

Слоун аввал тўғри Лэс Чиппингемга кўнғироқ қилди. Бироқ шанба куни, бунинг устига вақтли бўлгани учун гўшакни ҳеч ким кўтармади. Шундай бўлса-да, янгиликлар бўлимнинг бошлиғи — телефончи қизга ўзининг қаерда бўлишини билдириб қўймагани ажабланарли эди. Слоун ён дафтарчасини титкилаб, ундан Чиппингемнинг Манхэттендаги уйининг телефон рақамини излаб топди. Гўшакни яна ҳеч ким кўтармади. Слоунда яна Чиппингем баъзида кўнғилхушлик қиладиган Скорсдейлининг ҳам телефони бор эди. Бироқ у ерда ҳам уни топиб бўлмади.

Шунда Слоун Стоунхэнжнинг телефон рақамини терди. Унга телефончи қиз жавоб берди:

— Миссис Ллойд-Мэйсон бугун ишламайди.

— Сиз билан Кроуфорд Слоун гаплашяпти. Менга унинг уй телефони-нинг рақамини айтиб беролмайсизми?

— Бу рақам маълумотномада қайд этилмаган. Шунинг учун уни беришга ҳаққим йўқ.

— Бироқ сиз уни биласиз, шундайми?

Телефончи қиз иккиланиб қолди.

— Исмингиз ким?

— Норин.

— Чиройли исм, менга жуда ёқади. Гапларимга яхшилаб қулоқ солинг, Норин. Дарвоқе, сиз менинг овозимни танидингизми?

— Ҳа, албатта сэр. Мен ҳар куни «Янгиликлар»ни кўриб бораман. Бироқ сўнгги воқеаларни эшитиб, сизга жоним ачиб кетди.

— Раҳмат, Норин. Ташаккур. Ҳозир Лимадан — Перудан кўнғироқ қиляпман ва мен, албатта, Миссис Ллойд-Мэйсон билан гаплашиб олишим керак. Агар менга телефон рақамини берсангиз, буни ҳеч кимга айтмасликка ваъда бераман. Стоунхэнжда бўлганимда эса, албатта, олдингизга кириб шахсан ўзингизга миннатдорчилигимни билдираман.

— Ростданми, мистер Слоун? Жуда хурсанд бўлардим.

— Мен, албатта, сўзимнинг устидан чиқаман. Хўш, Норин рақами неча экан?

У Норин айтганларини ёзиб олди.

Бу гал иккинчи кўнғироқдан сўнг гўшакни кўтаришди — хизматкор бўлса керак — эркак кишининг овози янгради. Слоун ўзини таништириб, миссис Ллойд-Мэйсонни чақириб беришларини сўради.

Бир неча дақиқадан сўнг, Маргонинг ҳамишагидек беўхшов овози янгради.

— Эшитаман?

— Бу мен, Кроуфман. Лимадан кўнғироқ қиляпман.

— Шундай деб айтишди, мистер Слоун. Тўғриси, ўзим ҳам отангизнинг вафоти муносабати билан сиздан кўнғил сўрамоқчи бўлиб юргандим. Нима учун айнан уйимга кўнғироқ қиляпсиз?

— Миннатдорман сиздан...

Слоун Маргонинг гап оҳангидан сездик, саволига тўғридан-тўғри ҳеч қандай жавоб ололмади. Шунда у ҳатто энг устамон кишиларнинг ҳам бошини айлантириб қўядиган журналистларнинг эски ҳийласини ишга солди.

— Миссис Ллойд-Мэйсон, сиз кеча Гарри Партрижни Си-би-эйдан ишдан бўшатишга қарор қилганингизда, у менинг отамни, хотинимни ва ўғлимни қутқариш учун қанчалик жон куйдиргани ҳақида сира ўйлаб кўрмаганингизга ишончим комил.

Марго тутақиб кетди:

— Бу менинг буйруғим эканлигини сизга ким айтди?

Слоун ич-ичидан «Ҳозиргина ўз оғзингиз билан» айтдингиз-ку, демоқчи бўлди. Бироқ ўзини тутди.

— Телевидениедаги «Янгликлар» бўлимида ишловчилар ер остида илон қимирласа билади. Шунинг учун ҳам сизга қўнғироқ қилаётгандим.

— Бу ҳақда сиз билан валақлашишни истамайман.

— Афсус,— деди Слоун Марго гўшакни қўйиб қўймасин, деб шоша-пиша гапирар экан.— Мен эса сиз Гарри Партрижнинг ишдан бўшатилиши «Глобаник» билан Перу ўртасидаги битимга алоқадор эканлиги тўғрисида гаплашарсиз деган умидда эдим. Нима, Гарри ўзининг ҳалол репортажлари билан бу битимдан манфаатдор бўлганларнинг қитиқ патиға тегиб қўйдими дейман?

Гўшакнинг у томони узоқ жимиб қолди — Слоун Маргонинг оғир-оғир нафас олаётганини эшитиб турарди. Сўнг анчайин мулойим товушда сўради:

— Сиз буларни қаердан эшитдингиз?

Демак тўғри экан.

— Биласизми,— деди Слоун,— Гарри Партриж бу битимдан хабардор бўлган. Бироқ Гарри бу маълумотларни ошкор қилмоқчи эмас, у: «Глобаник»нинг тузини еб тузлиғига тупура олмайман» деган.

Орага яна жимлик чўкди. Сўнг Марго сўради:

— Демак, бу ошкор қилинмайди?

— Ана энди бу бошқа гап... Ҳамма гап шундаки, бу воқеанинг изига тушган Лимадаги бир репортёрнинг қўлида бу шартноманинг бир нусхаси бор ва кейинги ҳафтада уни радиога узатмоқчи. Ўшанда бу хабар Перудан ташқарига ҳам тезда ёйилса керак. Сиз нима дейсиз?

Марго жим бўлиб қолди.

— Сиз балки Гарри Партрижни ишдан бўшатганлигингиз учун афсусланаётгандирсиз? — сўради Кроуфорд.

— Йўқ... Мен бошқа нарсани ўйлаётгандим.

— Миссис Ллойд Мэйсон,— Кроуфорд Слоун худди «Янгликлар»да бирор-бир нохуш воқеа тўғрисида хабар қилгандагидек заҳархандалик билан гапира бошлади,— сўнгги пайтларда ҳеч ким сизга бераҳм қанжиқ эканлигингизни айтмаганми?

Слоун шундай деб қизил телефоннинг гўшак тугмачасини босиб қўйди.

Марго гўшакни қўйди,— вақти келиб,— ўйлади у,— ўзбилармон Кроуфорд Слоундан кутулишнинг чорасини топади. Бироқ ҳозир пайти эмас.

«Глобаник» ва Перу ҳақидаги хабар уни ростдан ҳам довдиратиб қўйганди. Бироқ илгарилари ҳам бундай ҳолатларга кўп бор тушгани учун, дарҳол ўзини қўлга олди.

Тео Эллотга «Глобаник»нинг битими тўғрисида перуликларга маълум бўлганини айтиб қўйиш керак... Си-би-эйнинг ҳам худди Америкадаги бошқа телестанция ва газеталарга ўхшаб, бунга сира алоқаси йўқ; фақат бу ҳақда Перуда ошкор бўлиши чатоқ.

— Бу жуда кўнғилсиз ҳодиса,— дейди у Теога. Ва у ҳеч кимни айблamoқчи ҳам эмас, фақат Фосси Ксенос Перуда бўлганида ортиқча валдираб қўймадимикан, шундан у хавотирда. Фоссининг енгилтақлиги ҳаммага маълум ва кўп нарса оғзидан чиқиб кетган бўлиши ҳам мумкин. Марго яна Перу матбуоти бу ҳақда шов-шув кўтаришганини, шунинг учун янгликлар бўлимидагилар ҳам бундан хабардор бўлганини, бироқ у Си-би-эйдагиларга лом-мим демасликни буюрганини айтади.

Агар иши ўнгидан келса, ўйлади у, кейинги ҳафтадан бошлаб бутун эътибор Фоссига қаратилади. Айни муддао.

Шуларни ўйлар экан, унинг хаёлига беихтиёр Гарри Партриж ҳам келди. Балки уни қайта ишга тиклаш керакдир? Кейин бу фикридан қайтди. Партриж — унчалик муҳим шахс эмас, шундай экан қарор ўз кучида қолавергани маъқул. Бундан ташқари душанба кунни Тео, албатта, Перу прези-

дентига телефон қилиб, ғаламис ишдан бўшатилиб, Перудан чақиртирилиб олинди деб айтиши керак.

Ҳамма иш ўзи ўйлаганидек бўлишига ишончи комил бўлган Марго мийиғида жилмайганча, телефон гўшагини кўтариб, Тео Эллиотнинг уйига кўнғироқ қилишга киришди.

«Аэролибертад»нинг хўжайини бўлган учувчи Освальдо Зилери Кроуфорд Слоун ҳақида эшитгани учун жуда ҳурмат билан муомила қилди.

— Дўстларингиз бу ёққа учиб келиш ҳақида гаплашганда, мен сабабини сўраб ҳам ўтирмагандим. Мана, ҳозир сизни кўриб, гап нимадалигини тушундим. Сизга ва дўстларингизга омад ёр бўлсин...

— Раҳмат,— деди Слоун. У Рита билан Лима аэропорти яқинидаги Зилерининг одмигина хонасида ўтиришарди.— Сиз Партриж ва бошқаларни у ерга ташлаб қўйганингизда вазият қандай эди?

Зилери елкасини қисди.

— Чакалакзор, ҳар доимгидек адоқсиз, ўтиб бўлмас, ям-яшил чакалакзор-да. Сизнинг дўстларингиздан бошқа ҳеч зог йўқ эди...

— Биз ҳам, иккаламиз ҳам сиз билан борсак бўладими?

Зилери унинг гапини бўлди.

— ...Миссис Эбрамс билан бирга учсак бўладими демоқчисиз-да?

— Ҳа.

— Бемалол. Ахир улардан бири ёш бола, бунинг устига ҳеч қандай юклари йўқ. Шундай экан, ҳаммаси жойида бўлади. Бу ёққа эртага тонгда келинглар.

Ританинг кўнглига тугиб қўйган бошқа ишлари ҳам бор эди. У Кроуфга ҳеч нарса демасдан душанба куни эрталаб Лэс Чиппингемнинг столи устида бўлиши керак бўлган хатни жўнатишга киришди. Матни у атайлаб янгиликлар бўлими бошлиғининг ўзига эмас, тўғри «Чамбарак»ка жўнатди. Ўшанда Чиппингемнинг Гарри Партрижнинг ишдан бўшатилгани тўғрисидаги хатидан ҳамма хабардор бўлганидек, Ританинг хати ҳам ҳаммага ошқор бўлади.

Рита бу ўжарлиги бирор натижа беришига ишонмасди, шубҳасиз, у янгиликлар тахтасига ҳам осилмайди. Бироқ «Чамбарак»да ўтирган ҳамкасблари унинг ниятини тез илғаб олишади. Кимдир хатдан нусха кўчириб олади, сўнг уни ўқиш учун бошқа бир кишига узатади ва у ҳам шундай қилади, яна ва яна нусха кўчирилади. Бу хат бориб етиб, муҳокама этилгандан сўнг, ўйлади Рита, фақат Гарри эмас, ўзи ҳам бошқа иш топишига тўғри келади. Бироқ нима бўлса бўлар. У Энтелдан жўнатилаётган факсининг бир неча дақиқадан сўнг Нью-Йоркда бўлишини билиб, елкасидан тоғ қулагандек, ўзини енгил ҳис қила бошлади.

16

Нуэва-Эсперанцеда соат тунги 2.10 эди.

Охирги соатларда Жессика гоҳ уйғониб қолар, гоҳ яна уйқуга кетар; босинқирар, аралаш-қуралаш туш кўрарди...

Бир-икки дақиқа олдин Жессика ётган эди — беихтиёр кўзига туйнукнинг хира ёруғида Гарри Партрижнинг таниш чехраси кўриниб кетгандек бўлди. Чехра қандай пайдо бўлган бўлса, шундай кўздан ғойиб бўлди. Туш кўрмаяптимики? Ростдан ҳам тушимикан?.. Эҳтимол кўзига кўринган шунчаки шарпадир?

Жессика бошини сарак-сарак қилиб, ўзига келишга ҳаракат қилди, шунда чехра яна пайдо бўлди ва унга узоқ тикилиб қолди. У қўли билан нима-

дир деб имо-ишора қилар, Жессика эса ҳеч нарса тушунолмай, унга тикилиб турарди. Наҳотки?.. Қувончдан юраги ёрилиб кетай дерди... Ҳа. Албатта. Бу ахир Гарри Партриж.

Унинг лаблари сассиз нимадир деб пичирлар эди... Жессика диққат билан қулоқ солгач «соқчи» деётганини тушунди. У «соқчи қаерда?» деб сўраётган эди.

Соқчи эса Висенте эди. У тахминан бир соатлар олдин соқчиликни қабул қилганди, афтидан, отиб олган бўлса керак. Ундан олдин соқчилик қилган Роман иккаласи ғижиллашиб қолишганди. Роман ғазабланиб, унга нимадир деб қичқирган, Висенте эса кайфи бордек, ғулдираб жавоб қилган эди. Жессика жанжалга қулоқ солмаган — у энг аввало — шафқатсиз ва бе-рахм Роман тезроқ кетса эди деб турганди...

Жессика ўгирилиб Висентега кўзи тушди. У катакнинг охирида стулда ўтирар, туйнукдан қараган киши уни кўрмасди. Жессикага унинг кўзлари юмукка ўхшаб туюлди. Автомат эса ёнида деворга суяб қўйилганди.

Висенте уйғониб, сезиб қолмаслиги учун, у секин соқчи томонга бош ирғаб Партрижга ишора қилди.

Партриж ҳам нимадир дегандек бўлди. Жессика унинг нима деётганини англашга ҳаракат қилди. Учинчи маротабада у: «чақир, уни» деётганини эшитди.

Жессика тушундим дегандай, бош ирғаб қўйди. Юраги қинидан чиқиб кетай дерди. Зеро, Гарри шу ерда экан, демак улар орзиқиб кутган дамлар етиб келган. Шунинг билан бир қаторда Жессика бу ердан қутулиб чиқиб кетиш осон эмаслигини ҳам тушуниб турарди.

— Висенте,— баландроқ товушда чақирди у. Сўнг яна баландроқ товушда тақрорлади: — Висенте!

Бу гал у қимирлаб қўйди. Кўзларини очиб қарагач, Жессика секин имлади...

Бирон баҳона ўйлаб топиш керак, дея ўйлади. Жессика Висентедан Никкининг ёнига киритишни сўрашга қарор қилди. У, албатта, рози бўлмайди, бироқ ҳозир бу муҳим эмас.

Гарри нима қилмоқчи эканлигидан у беҳабар эди. Фақат у ҳаяжон ва кўрқувдан титраб-қақшар, чунки у бу қуёнларни орзиқиб кутган, бироқ уни амалга ошади деб сира ўйламаган эди.

Партриж овоз чиқмайдиган браунингни қўлига қисганча туйнук ёнида писиб турарди. Ҳозирча ҳаммаси ўзи ўйлагандек борар, бироқ ишнинг энг қийини олдинда эканлигини у биларди.

Бир неча сониядан сўнг аниқ бир қарорга келиши ва уни дарҳол ҳал этиши лозим бўлади. Афтидан, у соқчига браунингни ўқталиб қуролсизлантира олиши мумкин; кейин эса оғзига латта тиқиб ё уни боғлаб ташлаш, ё асир қилиб ўзлари билан олиб кетишлари керак. Яхшиси асир қилмаган маъкул. Учинчи йўл — соқчини ўлдириш эди, бироқ, Партрижда бундай ният йўқ эди.

Фақат бир нарса: Жессиканинг аниқ, тўғри ва дадил ҳаракат қилаётгани қувонарли... У Жессиканинг икки марта соқчини чақирганини ва сарой ичка-рисидаги қадам товушларини эшитиб турди. Партриж нафасини ичига ютиб, агар соқчи ўзини кўриб қолгудай бўлса, устига ташланишга шай бўлиб турди.

Бироқ соқчи қарамади. У Партрижга орқасини ўгириб, Жессикага қараб турар, бу айни қулай вазият эди.

Партриж соқчининг қўлида автоматни кўрди ва унинг ўзини тутишидан жуда устаси фаранглардан эканини тушунди. Ўзининг браунинги автомат олдида ўйинчоқдай бир гап эди.

Бошқа илож йўқ: соқчини ўлдиришга, бунинг устига биринчи бўлиб ўқ узишга тўғри келарди.

Лекин бир нарса уни иккилантириб қўйди. Жессика... Агар соқчига ўқ узадиган бўлса Жессикага ҳам тегиб кетиши мумкин.

Партриж таваккал қилишга мажбур бўлди. Бошқа имкон ҳам, бошқа йўл ҳам йўқ эди. Ҳаммаси Жессиканинг фаҳм-фаросати ва чаққонлигига боғлиқ. Ўпкасини тўлдириб нафас олиб, Партриж дона-дона қилиб қичқирди:

— Жессика, ерга ётиб ол.

Соқчи дарҳол ўтирилиб автоматини тўғрилади. Бироқ Партрижнинг браунинги уни нишонга олиб улгурган эди...

Партриж секин илгакни босди ва браунингнинг «пфт» деган овози эшитилди... Партриж, яна ўқ узишга шай эди, бироқ бунга ҳожат қолмади... Ўқ соқчининг кўксига бориб текканди... Бир дақиқа унинг юзини ҳайрат қулғаб олди, сўнг автомат билан гурсиллаб ерга йиқилди — автоматнинг ерга тегиб чиқарган овози тун осойишталигини бузгандек бўлди...

Жессика секин ўрнидан турди...

Партрижнинг ёнида кимнингдир шарпаси пайдо бўлди. Бу Минь Ван Кань бўлиб, ўзига буюрилгандек унинг орқасида турарди... Минь соқчининг ёнига ҳатлаб ўтди-да, Партрижга бош ирғаб, ўлганлигига ишора қилди. Сўнг Жессиканинг катагига келиб, унда осифлик турган қулфга кўзи тушди.

— Калит қани?

— Нарёқда, соқчи ўтирган жойда бўлиши керак, — деди унга Жессика.

Шу вақт ёнидаги катакда Никки қимирлаб қолди. У ирғиб ўрнидан турди.

— Ойижон, нима гап?

— Ҳаммаси жойида, Никки. Ўзингни бос.

Никки ерда қонга бўялиб ётган гавдани кўриб, қичқириб юборди:

— Бу ахир Висенте-ку. Улар Висентени ўлдиришибди. Нега?

— Жим, Никки, — деди Жессика.

— Асло бундай қилмоқчи эмасдим, Николас, — деди секин Партриж. — Бироқ шундай қилмасам, у мени отиб кўярди. У ҳолда мен сени ва онангни бу ердан олиб чиқиб кетолмасдим — биз ахир шунинг учун келганмиз.

Никки уни таниб қолди:

— Сиз, мистер Партрижсиз, шундайми?

— Ҳа... Шошилмасак бўлмайди, узоқ йўл юришимиз керак, қани чаққонроқ.

Бу вақт эса Минь калитларни олиб келиб Жессиканинг катагини очишга уринарди. Ниҳоят қулф очилди. Эшик катта очилиб, Жессика озодликка чиқди. Бир неча дақиқадан сўнг Никки ҳам озод бўлиб, ўзини Жессиканинг бағрига отди...

— Ёрдамлашиб юбор-чи, — деди Партриж Минга. Улар иккаласи соқчининг ўлигини кўтариб, ёғоч охурга қўйдилар. Албатта, бандитлар асирларнинг қочганидан хабар топишади, бироқ нима воқеа юз берганлигини билгунларига қадар орадан анча вақт ўтади. Шу мақсадда у керосинли чи-роқнинг пилигини ўчириб қўйди...

Никки Партрижнинг ёнига келиб, босиқлик билан шундай деди:

— Сиз Висентени ўлдириб тўғри қилдингиз, мистер Партриж. Тўғри, у баъзида бизга ён босарди, бироқ у ҳам ўшаларнинг бири эди. Улар эса бобомни ўлдиришди, менинг бармоқларимни чопиб ташлашди, мен энди роялда куй чалолмайман...

Партриж жимгина Никкига тикилди. У илгарилари ҳам одамларнинг асаби бузилган ҳолатларни кўрган эди; боланинг ажабтовур гаплари, гап оҳанги, унинг асаби чатоқлигидан дарак берарди. Унга тиббий ёрдам зарур эди. Партриж Никкининг елкасидан кучиб, болани маҳкам бағрига босди...

— Кетдик, — буюрди Партриж.

Бўш қўли билан автоматни олиб, чўнтагига ўлган соқчининг ёнидан чиққан иккита ўқ халтасини жойлади.

Минь аллақачон эшик ёнида эди. У камерани қўлига олиб, катакларнинг

кўринишини ва саройдан чиқиб кетишни суратга ола бошлади. Минь одатда бундай хира ёруғ жойларни суратга олишда худди ҳозиргидек махсус тунги линзадан фойдаланарди...

Худди шу пайт бошқа иншоотларни назорат қилиб турган Фернандес уларнинг ёнига югуриб келди-да, нафаси ичига тикилгудек бўлиб, Партриж-ни огоҳлантирди:

— Бу ёққа бир аёл келаяпти. Менимча, қуроли бор.

Шунда яқинлашиб келаётган қадам товушлари эшитилди. Ўйлаб ўтиришга вақт кам эди. Ҳамма жой-жойида туриб қолди. Эшикка бошқалардан кўра Жессика яқинроқ турарди. Минь эса эшик рўпарасида — қолганлар қоронғиликда эди. Партриж автоматни кўтарди. Бироқ агар ўқ узадиган бўлса, бутун қишлоқ уйғонишини яхши билар, браунингни олиш учун эса, автоматни ерга қўйишга тўғри келарди. Бунга эса улгуриб бўлмасди.

Сокорро тезда сарой ичкарасига кирди. У халатда бўлиб, «Смит-энд-Вессон»ни кўтариб олганди. Жессика Сокоррода илгари ҳам қурол кўрган, бироқ у доимо қинида олиб юрарди...

Сокорро қўлида қурол бўлишига қарамай, бундай бўлишини сира кутмаганди: у дастлаб Минни соқчи деб ўйлади.

— *Pense que escuche**... — шунда у қаршисидаги соқчи эмаслигини тундунди ва чапга ўгирилиб, Жессикага кўзи тушди. Титраб кетиб, қичқириб юборди: — *Que haees?*** — Ва бирдан жим бўлиб қолди.

Шундан сўнг ҳаммаси шундай тез юз бердики, нима бўлганини англашга ҳам улгуришмади.

Сокорро қурол ўқталиб Жессикага қараб юрди. Афтидан, у Жессикани гаровга олишга қарор қилганди...

Жессика эса Сокорронинг ниятини пайқаб, ўрганган ҳимоя усули бирдан ёдига тушди; асир бўлганидан бери бир неча бор қулай пайти келган бўлса-да, фақат энг зарур пайтда қўлларман дея уни бирор марта ҳам қўлламаган эди.

Яшин тезлигида Жессика Сокорронинг ёнига сакраб борди-да, чап қўлига зарб билан ўнг оёқ билан тепди. Сокорронинг қўллари баландга кўтарилиб, бармоқлари орасидан пистолет учиб тушди. Бу шунчалик тез юз бердики, Сокорро ўзига келишга улгурмай қолди.

Жессика икки бармоғини Сокорронинг бўғзига тикиб, уни бўға бошлади.

Жессика Сокорронинг белига оёқларини қўйиб, бошини зарб билан орқага босди — Сокорро эса довдираб қолди... Шундан сўнг Жессика унинг бўйинини қайириб, ўлдирishi керак эди.

Жессика эса илгари ҳеч қачон одам ўлдирмагани учун иккиланарди. У Сокорро нимадир демоқчи бўлаётганини кўриб, секин бармоқларини бўшатди.

— Мени қўйиб юбор... Сизларга ёрдам бераман... мен йўлни биламан... бирга бораман.

— Сен унинг гапига ишонаяпсанми? — сўради Партриж. У Сокорронинг гапини эшитиб, уларнинг олдига келганди.

Жессика иккилана бошлади. Бирдан негадир Сокоррога раҳми келди: ҳар қалай унчалик шафқатсиз эмас эди...

Бироқ Жессика бирдан ўзини қўлга олди, бош ирғаб жавоб берди:

— Йўқ.

Уларнинг нигоҳлари тўкнашди... Сокорронинг кўзлари нажот сўрарди. Партриж бош ирғади ва юз беражак воқеани кўргиси келмай, тескари бурилди.

Жессика бармоқларини қаттиқ ботириб, Сокорронинг бўйинини синдирди.

* Мен сен эшитарсан деб ўйлагандям (*исп.*).

** Бу ерда нима қилаяпсан (*исп.*).

Худди бир нарса тарс этиб ёрилгандек овоз келди. Сокорронинг танаси Жессиканинг қўлида осилиб қолгач, у танани ерга қўйди.

Партриж бошчилигидаги гуруҳ ўз йўлларида ҳеч кимни учратмай қоронғи қишлоқни оралаб ўтдилар.

Қирғоқда эса уларни Кен О'Хара кутиб турарди.

— Ҳамма қайиққа чиқсин! — буюрди Партриж.

Беш кунлик ойнанинг юзини қоплаган булутлар аста-аста тарқала бошлаганди. Энди бир оз, айниқса, сувда атроф ёришиб қолгандек эди.

Фернандес Жессика ва Никкига қайиққа чиқишга ёрдамлашди. Жессика секин қалтирар, Сокоррони ўлдиргандан сўнг унинг кўнгли айниб, қайд қилгиси келарди. О'Хара арқонларни ечиб, эшкак билан итариб қайиқни жойидан кўзгатгач, воқеани бирин-кетин суратга олаётган Минь сакраб қайиққа чикди-да, иккаласи қайиқни дарё ўртасига қараб ҳайдадилар.

Дарёга кўз ташлар экан, Партриж О'Хара вақтини бекор ўтказмаганлигини англади. Бир неча қайиқлар қирғоқда сувга ғарқ бўлган, бошқалари эса оқиб борарди...

О'Харани ўзим билан бирга олиб тўғри қилганман, дея ўйлади Партриж: у илгарилари ҳам бунга бир неча бор иқрор бўлганди.

Қайиқда бирор-бир ўтирадиган ўриндиқ йўқ эди. Йўловчилар эса худди Жессика, Никки ва Энгусни бу ёққа олиб келишаётгандаги каби қайиқнинг тубида ўтирардилар. Эшкакчилар бор кучи билан қайиқни дарёнинг ўртасига ҳайдардилар. Дарё ўртасида эса оқим уларни пастга оқизиб кетар экан. Нуэва-Эсперанце ойнанинг ёруғида кўздан узоқлашиб борарди.

Улар қайиқда суза бошлаганларида Партриж соатига қараганда 2.35 бўлганди. Соат 2.50 да Партриж О'Харага моторни ёқишини буюрди.

О'Хара ипни қаттиқ тортди. Мотор дарҳол ўт олди... Иккинчи мотор ҳам ишга тушиб, қайиқ жадал сузиб кетди.

Осмон ёруғ эди. Чарақлаган ой эгри-бугри дарё ўзанида уларга йўл кўрсатиб борарди.

— Қайси қўниш майдончасига қараб юришимизни аниқладингизми? — сўради Фернандес.

Партриж Фернандес кўрсатган ва ўзининг хотирасида яхши муҳрланиб қолган харитани беихтиёр кўз олдига келтирди.

Дарёда кетаётганликлари учун ўзлари учиб келган катта йўлга чиқиб бўлмасди. Энди эса ё уларнинг гуруҳи бир ярим соатларда етиб бориши мумкин бўлган қора дори билан савдо қилувчилар фойдаланадиган қўниш майдончасини ё ундан узоқроқ бўлган, камида уч соатлар сузиб боришга, кейин эса чакалакзор оралаб уч мил йўл юришга тўғри келадиган Сиондаги қўниш майдончасидан бирини танлашга тўғри келарди.

Сионга «Чиенн-11» соат саккизга учиб келиши керак эди: вақтида етиб бориш мушкулроқ бўлади. Бироқ қора дори сотувчилар фойдаланадиган қўниш майдончасига эса самолётдан олдин етиб борадилар, лекин изидан қувиб келаётганлар етиб келишса, жанг қилишга тўғри келар, у ҳолда бандитлар куч ва қурол жиҳатидан устун бўлгани учун енгилишлари ҳам мумкин.

Шунинг учун яхшиси Нуэва-Эсперанцедан узоқроқ йўлни танлаган маъқул эди.

— Сионга қараб юрамиз, — деди Партриж ҳаммага қарата. — Қирғоққа чиқишимиз билан чакалакзор орқали тез юришимизга тўғри келади. Йўл жуда оғир, шунинг учун ҳозир нафас ростлаб олинглар.

Жессика вақт ўтган сайин аста-секин ўзига кела бошлади — қалтироғи босилиб, кўнгли айниши босилган эди. Тўғри, у даҳшатли воқеаларни сира унутолмасам керак, деб ўйларди. Сокорронинг шивирлаб унга ёлворганларини кўз ўнгидан сира кеткизолмасди.

Бироқ энг муҳими — Никки омон-эсон эди.

Афтидан, ҳозир болакай Партрижнинг пинжига тикилиб ухлаб қолган

эди. Болани оҳиста ётқизиб қўйиб, Партриж Жессиканинг ёнига ўтди. Буни пайқаган Фернандес ҳам қайиқдаги мувозанат бузилмаслиги учун қайиқнинг нариги томонига ўтди.

Худди Жессика каби Партрижнинг ҳаётида ҳам беихтиёр ўтмиш жонланган эди...

Бирга бўлган шу қисқа вақт мобайнида унга Жессика сира ўзгармагандек туюларди. Уни мафтун этган аёлда зеҳн, ирода, самимият, ақл ва топқирлик ҳамон ўша-ўша, латофатли ва жозибадор эди. Агар Жессика билан узоқроқ бирга бўлиш имкони бўлганда эди, у яна илгаригидек ошиқи беқарор бўлиб қолиши тайин эди...

Жессика худди унинг фикрларини уққандек унга ўгирилди. У ўша олис дамлардан буён шундай кун келишини биларди.

— У ерда эканлигинда буткул умидингни узганмидинг? — сўради Партриж.

— Тўғри, сира ишонгим келмаса-да, баъзан шундай хаёлга ҳам борардим, — жавоб берди Жессика. Сўнг майин жилмайди. — Албатта, агар бизни қутқаришга сен ўзинг киришганингни билганимда ўзимни бошқача ҳис этган бўлардим.

— Биз ҳаммамиз бир одаммиз, — деди Партриж. — Кроуф ҳам бундан мустасно эмас. У ҳам худди сенга ўхшаб дўзах азобини тортди. Сизлар бир-бирларингга жуда кераксизлар.

Жессика буни ўзича шундай тушунди: Партриж унинг ҳаётига вақтинчалик кириб келди, тез орада яна ғойиб бўлади.

— Бу ўй мени адо қиладиганга ўхшайди, Гарри. Сен нима қилмоқчисан? У елкасини қисди.

— Яна илгаригидек репортажлар уюштираман. Уруш бўлаётган бирон жойга кетарман. Бундай ишлар эса ҳозир кўп.

— Бошқа пайтлар-чи?

Баъзи саволларнинг жавоби бўлмайди. Партриж гапни бошқа ёққа бурди:

— Ўғлинг Никки жуда азамат йигит бўлибди. Мен ҳам шундай ўғлим бўлишини истардим.

«Бўларди ҳам, — ўйлади Жессика. — Кўп йиллар муқаддам иккаламизнинг фарзандимиз бўлиши ҳам мумкин эди»...

Иккаласи ҳам мотор овози ва дарё тўлқинига қулоқ тутганча жим бўлиб қолдилар. Сўнг Жессика қўлларини узатиб, Партрижнинг бармоқларини маҳкам қисди.

— Раҳмат сенга, Гарри, — деди у. — Ҳаммаси учун... Раҳмат... ўтмиш учун... Ҳозир учун... Менинг бебаҳо севгилим.

17

Мигель тун сукунатини бузиб уч марта ҳавога ўқ узди.

У фақат шу йўл билангина одамларни дарҳол оёққа турғизиш мумкинлигини яхши биларди.

Бир неча дақиқа олдин у Сокорро ва Висентеларнинг мурдасини кўргач, асирлар қочиб кетганлигини тушуниб етганди.

Соат учдан ўн беш дақиқа ўтганди. Ҳозирча Партриж ва унинг шериклари қайиққа ўтириб, Нуэва-Эсперанцедан жўнаб кетганига қирқ дақиқадан ошганди, албатта, буни ҳали Мигель билмасди.

Мигелнинг ғазаби қайнаб, жуда қутурган эди. У соқчи ўтирган стулни олиб деворга улоқтирди — стул майда-майда бўлакка бўлиниб кетди. У жон-жон деб асирларни қочирганларни тилка-тилка қилган, сўнг терисини шилиб олган бўларди.

Афсуски, айбдорларнинг иккаласи ҳам, аллақачон ўлган эди. Мигель бу ерда қисман ўзи ҳам айбдор эканини билиб турарди.

У, албатта, соқчиларнинг тартиб-интизомига унча эътибор бермади. Ҳозир вақт ўтгандан кейин у буни англаб етганди.

Бу ёққа келганларидан буён, у хушёрликни унутган эди... Тунлари асирларни ўзи назорат қилиш ўрнига, бошқаларга топшириб қўйган эди.

Бунга сабаб у Сокоррони ёқтириб қолгани эди. Хакенсакеда эканликларидан ёқтириб содир этилмасдан олдин ҳам, ундан сўнг ҳам қизга ошиқу беқарор бўлиб қолганини сездди. Бироқ у пайтларда бошида ташвиши кўп бўлгани учун Сокоррога бўлган тийиксиз муҳаббатини ошкор қилмаганди. Нуэва-Эсперанцеда эса вазият бошқача эди...

Бу ерда кун ҳам худди тунга ўхшаб жуда секин ўтар, Сокорро унинг шилқимликларига эрк бериб, унга жаннат эшигини очиб берганди.

Шундан буён улар кеча ҳам, кундуз ҳам доимо бирга эдилар — Сокорро шу пайтгача у билган аёллар ичида энг латофатли ва жозибалиси эди. Алал-оқибат у бир дақиқа бўлсин, қизни ўйламасдан туролмас, буткул унинг асирига айланган эди.

Энди эса бунинг жабрини тортмоқда.

Бугун тунда ишқ лаззатига тўйиб, қотиб ухлаб қолганди. Сўнг, йигирма дақиқалар олдин уйғонган, кўнгли яна Сокоррони тусаб қолган, бироқ, бахтга қарши қиз жойида йўқ эди. Бир оз вақт уни келиб қолар деб кутиб турди. Сўнг келавермагач, уни излаб ҳеч қачон қўлидан қўймайдиган автомат-тўппончани олиб ташқарига чиқди.

Ҳаммасини ўз кўзи билан кўргач, дунё кўзига қоронғу бўлиб кетди.

Мигель агар «Сендеро луминосо» асирларининг қочиб кетганлиги, айниқса, уларни буткул қўлдан чиқарганлигидан хабар топса, ўзининг боши кетишини билиб, кўнглини зулмат чулғанди. Демак, қандай қилиб бўлмасин — уларни қўлга тушириш керак.

Ҳозир ўқ овозидан уйғонган Густаво бошчилигидаги соқчилар уйларидан отилиб чиққандилар...

Мигель бутун қаҳрини Густавога сочиб, ўшқирди:

— Ҳой, ярамас аҳмоқ. Ялоқхўр ит ҳам сендан яхшироқ қўриқлаган бўларди. Сен атайлаб бу ёққа келган одамларга имкон яратиб бергансан, шекилли? Ҳозироқ аниқла, қаердан келишиб, қаерга кетишган. Бирор изи қолгандир, ахир?

Густаво бир неча дақиқадан сўнг хабар топиб келди.

— Улар дарёдан кетишибди, — деди у. — Бир неча қайиқлар йўқолибди, бошқаларини чўктириб юборишибди.

Мигель ғазаб билан қирғоққа югуриб келди. У ерда кўрганлари уни баттар қутуртириб юборди. Шундай бўлса-да, у агар ҳозир ўзини босиб, ҳовуридан тушмаса бир иш чиқаролмаслигини билиб турарди. Чор-ночор у ўзини босиб, бир қарорга келишга уринди.

— Дарёга оқизилган иккита яхши моторли қайиқни ушлаб келинглар, — деди Густавога испанчалаб. — Ўн дақиқадан сўнг эмас, ҳозироқ тайёр бўлсин. Ҳаммага буюр. Тез, тез ва янада тез ҳаракат қилинглар. Сўнг ҳамма қурол-аслаҳалари билан қирғоққа тўпланиб, кетишга тайёр туришсин.

Ҳамма имкониятни чуқур ўйлаб кўриб, у тутқунларни озод қилиш учун бу ёққа келганлар, шубҳасиз, самолётда келишган бўлса керак деган фикрга келди, чунки бу энг қулай ва осон йўл эди. Кетишда ҳам, шубҳасиз, шу йўлни танлашади, ҳозирча учиб кетишмагани турган гап.

Ҳозиргина Роман Висенте билан тунги соат бирларда алмашганини хабар қилди; ўшанда ҳеч нарса юз бермаган, тутқунлар ўз жойларида бўлган. Шундай қилиб, агар тутқунларни шундан сўнг дарҳол озод қилишган тақдирда ҳам, бу «кутилмаган меҳмон»лар Мигелни кўпи билан икки соатлар чамаси доғда қолдирган, Сокорро ва Висентенинг топилган мурдаси ха-

ли совимаганлиги назарда тутилса, орадан бундан ҳам камроқ вақт ўтганлиги аён бўларди.

Ўйлай-уйлай охири у шундай хулосага келди: Агар Нуэва-Эсперанцедан дарё орқали сузилса, у ҳолда чакалазордан фақат иккита кўниш майдончасига бориш мумкин. Биринчиси — жуда яқин бўлиб, гиёҳвандлар фойдаланадиган номсиз майдонча. Иккинчиси — Сионда, бу икки-уч барабар узокликда бўлиб, Мигель ўз гуруҳи ва тутқунлар билан уч ҳафтача олдин «Лирджет»да шу майдончага кўнишганди.

«Халоскорлар» шу икки майдончанинг биридан фойдаланиши мумкинлигини назарда тутиб, қайиқдаги қуролланган одамларни яқинроқдаги майдончага, иккинчисини эса Сионга жўнатишга қарор қилди. Ўзи эса Сионга борадиган қайиққа ўтирди...

Бу вақтда эса қирғоқда одамлар ғимирлаб қолишганди... Қишлоқ одамлари келиб, «Сендеро» гуруҳига қўшила бошлади. Агар «Сендеро луминосо» бошлиқлари қаҳру ғазаб қилсалар, қишлоқ аҳолисидан ҳеч ким омон қолмаслигини улар яхши билардилар. Бундай кўргуликни қишлоқдагилар илгари ҳам кўришганди.

Қанчалик жон койитмасинлар, улар барибир Мигель айтган вақтга тайёр бўлолмадилар. Тунги соат тўртга бир неча дақиқа қолганда иккала қайиқ ҳам бор тезлик билан оқим бўйлаб сузиб кетди. Мигель ўтирган қайиқ тез юрар, улар бошқалардан анча илгарилаб кетишганди. Қайиқни эса Густаво бошқариб борарди...

18

«Аэролибертад» ширкатининг «Чиенн-11» самолёти тонг ёришар ёришмас Лима аэропортидан ҳавога кўтарилди...

Рита ва Слоун иккинчи қаторда ўтиришар, олдинда эса Освальдо Зилера ва иккинчи ёш учувчи Филепе Герралар бор эди.

Атроф ёришгач, «Чиенн-11» юқорилаб, Кордильера марказий тоғ тизмалари чўққиси устида учиб борарди. Сўнг эса самолёт Хуальяга водийсининг юқори қисмига етгач, секин пастлай бошлади.

19

Партриж ҳисобда янглишганини, мўлжалланган жойга кечикиб келаётганликларини тушуниб турарди.

Сионни танилаётганда у қайиқ панд бериши мумкин деб сира ўйламаганди. Фалокат улар Нуэва-Эсперанцедан чиққанларидан кейин, икки соатдан сўнг юз берди; улар эса қайиқни ташлаб, у ёғига пиёда кетиладиган жойгача яна бир соатлар чамаси эшкак билан боришлари керак эди.

Иккала мотор ҳам бинойидек ишлаб турганди, бироқ бирдан уларнинг биридан ғалати чинқириқ товуши кела бошлади. Кен О'Хара дарҳол тезликни камайтириб, моторни ўчирди. Моторнинг чинқирган товуши бирдан ўчди.

Иккинчи мотор ҳамон ишлар, бироқ қайиқнинг тезлиги бирдан пасайган эди.

Партриж қайиқнинг думига ўтиб, О'Харадан сўради:

— Тузатса бўладими?

— Иложи йўққа ўхшайди.— О'Хара моторнинг қопқоғини очиб ичкарини кўздан кечирди.— Чинқирганича бор экан, мотор куйибди. Менимча, совутгич қурилмаси ишдан чиққан бўлса керак. Агар асбоб-ускуна бўлганда эди, моторни очсак бўларди, бироқ, шунда ҳам эҳтиёт қисм шарт бўларди. Бизда эса ҳозир униси ҳам, буниси ҳам йўқ...

— Демак, тузатишнинг сира иложи йўқ?

О'Хара йўқ дегандек бош чайқади.

— Агар яна юргизиб кўрсак-чи?

— Бир оз вақт ишлаши мумкин, сўнг эса буткул ишдан чиқади. Уни кейин ташлаб юборса ҳам бўлаверади.

— Унда юргиза қол,— деди Партриж.— Бошқа иложимиз ҳам йўқ.

О'Хара айтгандек мотор яна бир неча дақиқа ишлаб сўнг чинқириб, ҳавога аччиқ тутун ҳиди тарқатиб, бутунлай ўчди. Қайиқнинг сузиши яна секинлашди — Партриж эса ташвишланиб тез-тез соатига қараб кўярди.

Унинг тахминича, уларнинг сузиш тезлиги икки барабар камайган эди. Демак, қолган йўлга бир соат эмас, икки соат зарур бўлади.

Қолган йўлни улар икки соатдан ошиқроқ вақтда босиб ўтиб, эрталабки 6.50 да ниҳоят қирғоққа етиб келдилар. Партриж ва Фернандес уни харитага қараб аниқлашган бўлса-да, ҳар ер-ҳар ерда содали сувнинг идиши ва ахлат уюмлари сочилиб ётганини кўриб, кўнгиллари хотиржам тортиди. Энди эса улар Сионнинг кўниш майдончасига етиб олишлари учун уч миллар чамаси йўл юришлари керак эди. Бу йўлга ажратилган вақт улар ўйлагандан ҳам камроқ қолганди. Етиб бориша олармикан?..

Бир неча дақиқадан сўнг қирғоқдаги қумлоққа келиб урилган қайиқнинг таги ёрилиб кетди ва улар бирин-кетин қирғоққа чиқишди. Қаршиларида эса қуюқ чакалакзор ястаниб ётарди.

Агар бир оз вақти бўлганда Партриж қайиқни яширтирган ёхуд узокроққа оқиб кетиши учун дарё ўртасидаги оқимга қўйиб юборган бўлур эди. Бироқ ҳозир вақт зиқ ва улар қайиқни қирғоқда қолдиришга мажбур эдилар.

Чакалакзорга киришдан олдин, Фернандес бирдан тўхтаб, ҳаммага жим бўлинглар дегандек ишора қилди. У бошини ерга қўйиб қулоқ сола бошлади... У чакалакзорни ҳаммадан кўра яхшироқ билар ва ҳар бир товушни яхши ажрата оларди.

Партриж ҳам қулоқ солиб турди; улар сузиб келган томондан тириллаганга ўхшаш овоз келаётган эди.

— Нима бу? — сўради у.

— Қайиқ,— жавоб берди Фернандес.— У ҳали узокда, бироқ тез келаяпти.

Улар дарҳол ўзларини чакалакзорга урдилар.

Чакалакзордан юриш Партриж ва унинг шериклари уч кун олдин Нуэва-Эсперанцега бораётгандаги каби қийин эмасди. Бу ердан тез-тез одамлар ўтиб туришган чоғи, ўсиб ётган ўт-ўланлар ҳали сўқмоқни қоплаб улгурмаганди.

Бироқ бу ерда қадамни кўтариб юриш қийинроқ эди. Тупроқ текис эмас, ундан чиқиб турган илдизлар юришга халақит берар, баъзида эса оёқ ё ботқоқликка ё сувликка ботиб кетарди.

— Оёқларингизнинг тагига қараб юринглар,— оғоҳлантирди олдинда бораётган Фернандес...

Ҳаво дим, иссиққа чидаб бўлмасди, кейинроқ эса бундан ҳам баттар бўлиши турган гап эди. Ҳашаротлар ҳам ғимирлаб қолишганди.

Партрижни ташвишга солган нарса — Жессика ва Никки йўл азобига чидай олармикан деган хавотир эди. Жессика — шу бир амаллар дея ўйлади у... Бироқ Никки буткул ҳолдан тойган эди.

Дастлаб Никки худди Партриждан айрилгиси келмаётгандай орқада юрди. Бироқ Партриж унга Жессика билан Фернандес орқасидан юришни буюрди...

Партриж яна соатига қаради: соат эрталабки 7.35 бўлганди. Улар қирқ дақиқадан ошиқроқ йўл юришган эди. Самолёт билан учрашув саккизга мўлжаллангани ёдига тушар экан, йўлнинг тўртдан уч қисми ортада қолганига ишонч ҳосил қилди.

Бир неча дақиқадан сўнг эса улар тўхтаб қолдилар.

Ҳаммага эҳтиёт бўлиб юришни огоҳлантирган Фернандес тақдир тақозоси билан ўзи ерда чатишиб ётган илдизга қоқилиб кетиб, йиқилиб тушди. Партриж унга қараб югурди, бироқ унгача Минь Фернандесни турғизиб қўйишга, О'Хара эса оёқларини бўшатишга улгурди; Фернандеснинг юзи оғриқдан буришиб кетганди.

— Афтидан, бир балога йўлиққанга ўхшайман,— деди у Партрижга.— Мени маъзур тутасизлар. Сизларга панд бериб қўйдим.

Оёғини бўшатгандан кейин Фернандес юришга уриниб кўрди, бироқ яна оғриқ азобига чидай олмай ўтириб қолди. Афтидан, унинг тўпиги ё синган, ё пайи қаттиқ чўзилган эди.

— Бекор айтибсан, сен ҳеч қачон бизга панд берганинг йўқ,— деди Партриж.— Сен бизнинг йўлбошчимиз ҳамда дўстимизсан ва сени кўтариб бўлса ҳам олиб кетамиз.

Фернандес кескин бош чайқади.

— Бунга вақт йўқ, Гарри. Сизларга айтмагандим, бироқ аниқ эшитаёпман: изимиздан қувиб келаётганлар жуда яқин келиб қолишди. Кетинглар, менга қараманглар.

Жессика уларнинг ёнига келди.

— Биз уни бу ерда ташлаб кетолмаймиз,— деди у Партрижга.

— Биронтамиз елкамизда кўтариб кетамиз,— деди О'Хара.— Мен уриниб кўрай-чи.

— Шундай иссиқдами? — Фернандес уларнинг ўзини ташлаб кетмаётганларидан жаҳли чиқа бошлаган эди.— Ахир юз қадам ҳам кўтариб боролмайси.

Партриж қаршилиқ қилмоқчи эди, бироқ Фернандес ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилди.

— Агар қўниш майдончасида самолёт бўлса, албатта, имкон топиб сен учун қайтиб келамиз,— деди Партриж.

— Вақтни беҳуда ўтказманглар, Гарри. Менинг сизга айтадиган икки оғиз гапим бор.— Фернандес сўқмоқ ёнидаги дарахтга суяниб ўтирарди. Партриж унинг қаршисига чўккалаб ўтирди. Жессика ҳам ёнига чўкди.— Менинг хотиним ва тўрт болам бор,— деди Фернандес.— Агар уларга кимдир ғамхўрлик қилишини билсам, кўнглим анча хотиржам бўларди.

— Сен Си-би-эйда ишлаяпсан,— деди Партриж.— Си-би-эй сенинг оиланг учун ҳаммасини қилади. Сенга сўз бераман, ишонавер. Болаларинг маълумотли бўлишади ва умуман ҳеч қачон муҳтожлик кўрмайди.

Фернандес бош ирғади, сўнг ўзи билан олиб юрган ва ҳозир ёнида ётган автоматга ишора қилди.

— Буни олинглар. Сизларга керак бўлади. Бироқ мен ҳам тириклай қўлга тушишни истамайман. Шунинг учун тўппончани менга қолдилинг.

Партриж овоз чиқармайдиган қисмини олиб ташлаб, браунингни унга берди.

— Ох, Фернандес,— ҳўнграб юборди Жессика кўзлари жиққа ёшга тўлиб.— Биз Никки билан олдингизда бир умр қарздормиз.— У эгилиб Фернандеснинг пешонасидан ўпди.

— Кета қолинглар... Вақтни ўтказманглар. Эришган ғалабамизни бой бериб қўйманглар...

Мигель чакалакзорга олиб кирадиган сўқмоқ ёнидаги қайиққа кўзи тушгач, у Нуэва-Эсперанцега тегишли эканлигини дарров таниб, ўзи Сионга келаётганларга қўшилиб тўғри қилганидан хурсанд бўлди.

Қайиқдан сакраб тушиб, қирғоқдаги қайиқнинг моторини ушлаб кўрган Романнинг сўзлари уни яна ҳам хурсанд қилди:

— Un motor esta'caliente el otrofrio fundido*.

* Моторлардан бири ҳали иссиқ, иккинчиси совуқ — қуйганга ўхшайди (исп.).

Моторнинг иссиқ эканлиги ўлжасининг ҳали чакалакзордан узоққа кетиб улгурмаганидан дарак берарди...

«Сендеро луминосо»нинг бандитлар гуруҳи яхши қуролланган етти кишидан иборат эди. Мигель уларга испанчалаб шундай деди:

— Бу ярамас буржуйлар узоққа кетишолмаган. Уларни қувиб етсак, яхшилаб жазосини берамиз. Уларнинг устига худди Гусманнинг ғазабидек ёпириламиз...

Бирин-кетин «Ура» деган товушлар янграб, улар дарҳол чакалакзорга қараб юрдилар.

— Биз бир оз олдинроқ учиб келганга ўхшаймиз,— деди Рита Эбрамс учувчига Сиондаги қўниш майдончасининг йўл чизиқлари пастда кўриша бошлагач. Рита ҳозиргина соатига қараган: соат эрталабки 7.55 бўлганди.

— Ҳавода айланиб, кузатиб турамиз,— деди учувчи.— Ҳар ҳолда бу дўстларингиз билан учрашиш мумкин бўлган энг қулай жой.

Тўртовлон — Рита, Кроуфорд Слоун, Зилери ва иккинчи учувчи Фелипе худди яшил гиламдек тўшалиб ётган яйловни яна кўздан кечири бошладилар. Улар ҳар бир, айниқса, қўниш майдончасидаги дарахтларнинг атрофидаги ғимирлаган нарсага диққат билан тикилар, бироқ ҳеч зог кўринмасди...

Чакалакзор сўқмоғидан юришга Никки тобора қийналарди. Жессика ва Мишь унга кўмаклашар, қийин жойлардан қўлтигидан олиб, кўтариб ўтишарди. Никкини охир-оқибатда кўтариб кетишга тўғри келишини ҳамма тушуниб турар, бироқ ҳозирдан ўзларини чарчатиб қўйишини истамасдилар.

Фернандесни ташлаб келганларидан буён орадан ўн дақиқа ўтган, энди олдинда Кен О'Хара борарди. Партриж эса яна орқада борар, вақти-вақти билан ортига ўтирилиб қўярди. Ҳозирча ҳеч нарса юз бермаган эди.

Бошларига соя ташлаб турган япроқлар камайган сари, новдалар орасидан тушаётган нур катталашиб, сўқмоқ ҳам тобора кенгайиб борарди. Бу қўниш майдончаси шу яқин атрофда эканлигидан далолат берар, Партрижнинг бунга ишончи комил эди. Ҳатто у самолётнинг овозини эшитгандек ҳам бўлди, бироқ балки менга шундай туюлгандир деб ўйлади. У яна соатига қаради: соат салкам саккиз бўлганди.

Шу пайт орқада қарс-қурс деган овоз эшитилди — шубҳасиз, бу ўқ овози эди. Бу Фернандес бўлса керак, деб ўйлади Партриж. Ҳатто Партриж ташлаб келган браунинг билан ҳам Фернандес сўнгги бор уларга кўмаклашишга — изларидан қувиб келаётганлар яқинлашиб қолганларини огоҳлантиришга ҳаракат қилган эди. Гўё буни тасдиқлагандек яна бир неча ўқ овози янгради.

Афтидан, ҳалок бўлган Фернандесга дуч келган изқуварлар, қолганларни ҳам шу яқин атрофда деб ўйлаб, ўт очишганди...

Партриж тобора мадорсизланиб бораётганини хис қилиб турарди. Сўнгги эллик соат ичида кўзи уйқу кўрмай, ўзини буткул адо қилган, баъзида эса диққатини бир жойга жамлай олмасди.

Шундай лаҳзаларда унинг хаёли узоқларга кетиб, ўзининг зиммасидаги мажбуриятлардан буткул халос бўлишни истаб қоларди... Бу машмашалар тугагандан сўнг, у яна таътилини давом эттиради ва бу маротаба ҳеч ким топаолмайдиган жойга кетади... Қаерга кетмасин, албатта, Вивиенни ҳам ўзи билан бирга олиб кетади... Шунча вақт уни азоблаб келгани етар, энди унга уйлашиши керак... Ахир ҳозир ҳам кеч эмас... Вивиен буни жуда-жуда исташини у яхши билади...

Партрижнинг хаёли яна ўзига келди.

Улар бирдан чакалакзордан чиқдилар. Қўниш майдончаси уларнинг шундай қаршисида эди. Ҳавода самолёт, шубҳасиз «Чиенн-11» бўлса керак, айланиб юрарди. Кен О'Хара эса — ҳамма вақт ўз ишини билиб қилади, деб

ўйлади Партриж — доим ёнида олиб юрган ракета отгичга яшил ракета жойлаётганди. Яшил ракета: «Кўнаверинглар, ҳаммаси жойида» дегани эди.

Шу пайт жуда яқиндан яна ўқ овози эшитилди.

— Яшилни эмас, қизил ракетани жойлаштир,— қичқирди Партриж О'Харага.— Тезроқ.

Қизил ракета: «Тезроқ кўнинглар, ҳаётимиз хавф остида», дегани эди.

Соат саккиздан ўтганди. Самолёт Сион кўниш майдончаси устидан учиб ўтаётганда Зилери Рита ва Слоун томонга ўтирилиб шундай деди:

— Ҳеч нарса кўринмаяпти. Қолган иккита жойга учамиз.

У самолётни бурди. Шу пайт Кроуфорд Слоун ҳайқирди:

— Тўхтагилар. Афтидан, кимнингдир қораси кўринди.

Зилери самолётни яна изига бурди.

— Қаерда? — сўради у.

— Анави ерда.— Слоун қаердалигини кўрсатди.— Қаерлигини аниқ айтилмайман... Нимадир кўзимга кўриниб кетди...— Унинг ўзи ҳам бунга унчалик ишонмаётгани сезилиб турарди.

Зилери яна бир маротаба айланиб учар экан, улар яна пастга тикилдилар. Айланиб бўлгач, учувчи қарор қилди:

— Ҳеч нарса кўринмаяпти. Менимча улар бу ерда эмасга ўхшайди.

Шу пайт юқорига қизил ракета отилди.

О'Хара иккинчи қизил ракетани отди.

— Етар. Улар бизни кўришди,— деди Партриж.

Самолёт улар томонга бурилди. Партриж энди самолётнинг бурни қайси тарафда бўлишини аниқлаши керак эди. Шунга қараб Жессика ва Никки самолётга чиқиб олгунга қадар, қувиб келаётганларнинг зарбасини қайтариб туриш учун қулай жой танларди.

Бу саволга у тезда жавоб топди. «Чиенн-11» катта тезлик билан пастга шўнғий бошлади — демак, самолёт уларнинг боши устидан учиб ўтиб кўнса, думи ўқ овози келаётган сўқмоқ тарафда бўлади.

Партриж сўқмоқ тарафга ўтирилди. Зеро ҳеч ким кўринмаса-да, ўқ овози тинмасди. Бу ҳол унга тушунарли эди. Қувиб келаётганлар биронтасига тегиб қолар деган ниятда кўзларига қарамай ўқ узишаётган эди.

— Жессика ва Никкини йўлакка олиб бор — тезроқ. Ўзинг ҳам уларнинг ёнида бўл,— деди у О'Харага.— Самолёт йўлакнинг охирига бориб қайрилади. Югуриб унга чиқиб олинглар. Минь, сен мени эшитаяпсанми? — Минь камерага кўзларини тақаб, худди ҳеч нарса бўлмагандек суратга олишда давом этарди... Партриж Минга бошқа ҳеч нарса деб ўтирмади. У ёғини энди унинг ўзи билади.

— Сен ўзинг-чи, Гарри? — ташвишланиб сўради Жессика.

— Сизларни ҳимоя қилиш учун уларга ўқ узиб тураман,— деди у.— Самолётга чиқишларинг билан мен ҳам бораман. Бўла қолинглар...

О'Хара, Жессика ва Никки Партриждан узоқлашмасдан туриб, у чакалакзордан чиқиб келаётган қуролли кишиларнинг қорасини кўрди.

Партриж кичкина дўнглик ортга ўтди. Озтубан ётиб олиб, яқинлашиб келаётганларни автоматдан нишонга олди. Илгакни босгач, бостириб келаётганлардан бирининг ерга қулаганини, қолганлари ўзини панага олганини кўрди. Шу пайт у «Чиенн-11» боши узра учиб ўтганини эшитди. Зеро, Партриж қарамаса ҳам, самолёт кўнганини билиб турарди.

— Ана улар,— ҳаяжонланиб қичқирди Кроуфорд Слоун.— Уларни кўраяпман: ана Жессика ва Никки.

Самолёт нотекис ерда катта тезлик билан келар экан, сакраб-сакраб кетарди. Йўлак охири яқинлашиб қолгач, Зилери бор кучи билан тормозни босди. Йўлак охирига бориб учувчи самолётни тўхтатиб, моторни бир зум ўчирди-да, самолётни буриб, ортга қараб юриб кела бошлади.

«Чиенн-11» Жессика, Никки ва О'Хараларнинг шундай яқинига келиб тўхтади. Иккинчи учувчи ўрнидан туриб, эшикни очди.

Аввал Никки, сўнг Жессика ва О'Харалар самолётга чиқишди... Уларнинг изидан Минь етиб келди.

Кроуфорд, Жессика ва Никки бир-бирларининг қучоғига отилдилар. О'Хара эса ҳайқирди:

— Анави ерда. Гарри... Уни олишимиз керак. У террорчиларга ўқ узиб турибди.

— Уни кўрдим,— деди Зилери.— Эҳтиёт бўлинглар.— У яна моторни юргизди ва самолёт олға қараб кетди. Йўлакнинг охирида Зилери яна самолётни қайирди. Энди улар дастлаб қўнган жойида — эшигини очиқ ҳолда учишга шай бўлиб турардилар. Ўқ овози шундоқ эшитилиб турарди.

— Дўстингиз, шошилса ёмон бўлмасди. Бу ердан тезроқ кетганимиз маъқул.— Зилернинг овози ташвишли эди.

— Ҳозир келади,— деди Минь.— У бизни кўрди, ҳозир югуриб келади.

Партриж самолётни кўрган эди. Елкаси оша ўгирилиб, у самолёт жуда ҳам яқин келиб қолганини кўрди. Уларнинг ораси юз қадамча бор эди. У энкайиб, тез чопиб борарди. Бироқ олдин «Сендеро»чиларни чўчитиб қўйиш учун, уларга яхшилаб ўт очиб керак. Сўнгги бир неча дақиқа ичида у босқинчиларга яна бир неча киши қўшилганини кўриб; уларга қарата ўқ узди ва улардан яна бири ерга қулади. Қолганлари ўзларини дарахт панасига олдилар. Ўт очса, у самолётга югуриб боргунга қадар босқинчиларни панада тутиб туради.

Партриж автоматга янги ўқдон ўрнатди. Ва босқинчиларга ажал ўқиши ёғдириб, тўхтовсиз ўт очиб турди... Ўқдони тугагач, сакраб ўрнидан турди-да, эгилиб, югура бошлади. Самолёт унинг қаршисида эди. У югуриб бора оламан деб ишонган эди.

Партриж йўлнинг тўртдан уч қисмини босиб ўтганда, унинг оёғига ўқ келиб тегди. У дарров ерга қулади. Бу шунчалик тез юз бердики — у ҳатто англолмай ҳам қолди.

Ўқ ўнг тиззасининг кўзига текканди. У юролмасди. Вужудини кучли ва чидаб бўлмайдиган оғриқ чулғаб олганди. У самолётга энди етиб боролмаслигини англади. Вақт ўтганини ва самолёт учиб кетиши кераклигини ҳам тушуниб турарди. Унинг энди худди Фернадес каби тақдирга тан беришдан бошқа иложи йўқ эди.

Бор кучини тўплаб, Партриж ўрнидан турди-да, самолётга учиб кетинглар, дегандай қўл силкиди. Энг муҳими, улар тушунса бўлгани эди.

Минь эшикнинг олдида туриб, ҳаммасини суратга оларди. У камерани Партрижга қаратган ва унга ўқ текканини ҳам кўрган эди. Иккинчи учувчи эса унинг ёнида турарди.

— Унга ўқ тегди,— деди шошиб Фелипе.— Менимча, ишлар чатоқ: У қўлини силкиб, учиб кетинглар, деяпти.

Буни эшитган Слоун эшик томон отилди.

— Қандай бўлмасин уни олишимиз керак...

— Илтмос, Гаррини ташлаб кетманглар,— ёлворди Никки.

Минь уруш кўргани учун, қатъий хулоса қилди:

— Бундай қилмаймиз. Вақт тугади,— деди у.

Минь камера дурбинидан «Сендеро»чиларнинг яқинлашиб келаётганини кўриб турарди. Улар қўниш майдончасига қадам қўйган, ўқ узганча чопиб келардилар. Шу пайт бир неча ўқ самолётга келиб тегди.

— Мен учаяпман,— деди Зилери. У аллақачон учишга шайланиб қўйган ва энди моторни юргизган эди.

Минь камера билан орқага йиқилиб тушди. Фелипе тезда эшикни ёпиб, яхшилаб бекитди...

«Чиенн-11» ердан узилиб, ҳавога кўтарилди.

Жессика ва Никки бир-бирини қучоқлаб, ҳўнграб йиғларди. Слоун эса кўрганларига ишонгиси келмай, кўзларини тўсиб, бошини чайқаб ўтирарди.

Минь эса камерани ойнага тақаб, пастдаги воқеаларнинг сўнгги лавҳасини суратга оларди.

Ерда эса Партриж самолётнинг учиб кетаётганини кўриб турар, кўзларига ёш қуйилиб келарди... Яна бир неча ўқ унинг кўксини тешиб ўтгач, у ҳаёт билан буткул видолашди.

20

Мигель Гаррининг жасади устида турганча бундан буён ҳеч қачон кўнгилбўшлик қилмасликка сўз берди.

Энг мураккаб, амалга ошмасдай туюладиган ўғирликнинг биринчи босқичини у хамирдан қил суғургандай осонгина бажарди. Ҳаммаси осон, ҳеч бир қийинчиликсиз бажариш мумкин бўлган иккинчи босқичида у оғзидагини олдириб ўтирибди.

Бундан шундай сабоқ келиб чиқарди: ҳар бир нарсанинг оғир ва енгил жиҳати бор. Ҳеч нарса мутлақо осон ёки мутлақо мушкул эмас. У буни олдинроқ англаши керак эди.

Хўш, энди нима бўлади?

Биринчидан, Перудан қочиб қолиш керак. Агар у қолса ҳолига маймунлар йиғлайди — «Сендеро луминосо» бу соҳада устаси фаранг. Ҳатто Нуэва-Эсперанцега қайтиб бўлмайди. Бахтига бунга ҳожат ҳам йўқ эди. Нима воқеа юз берганини билгач, у Хосе-Антонио Салаверрадан олган 50 миң долларнинг сарфлашга улгурмаган қисмини — хийла катта маблағни ва барча қимматбаҳо буюмларини таъқиб қилиш учун йўлга чиқиш арафасида белига боғлаб олганди. Бу маблағ Перудан Колумбияга ўтиб олиш учун бемалол етади.

Ҳозир эса у чакалақзорга қайтиши керак. Бу ердан йигирма беш қақирим нарида қўниш жойи бўлиб, у ерга қорадори олиб кетадиган Колумбия самолёти учиб келади. Мигель учувчилар қўлидаги пулга ўзини жон-жон деб Колумбияга олиб бориб қўйишини биларди. Колумбияда унинг жони хатардан холи бўлади. Нуэва-Эсперанцеда кимдир уни бу йўлдан қайтармоқчи бўлса, Мигель уни итдай отиб ташлайди.

Тўғри, Колумбияда ҳам Нуэва-Эсперанцедаги шармандалик унинг обрўсига доғ туширади, аммо бутунлай шармисор қилолмайди. Колумбиялик «қора дори қироллари» ҳам шафқатсизлик борасида «Сендеро луминосо»дан қолишмайди. Бу «қироллар» ҳам қонхўр ва ёвуз. Бироқ улар энг аввало фойдани ўйлашади. Улар қандайдир таълимот жинниси эмас. Фойда олиш бобида эса Мигелнинг олдига тушадигани йўқ...

21

«Чиен-11» самолёти бортидагиларнинг гапиришга ҳам ҳоли келмай, жим ўтиришарди... Слоун ниҳоят бошини кўтарди-да, Минь Вандан сўради:

— Гаррини айтаяпман... Сен яна бирон нарса кўрдигини?

Минь кескин бош чайқади.

— Ўқ уни ғалвир қилиб ташлади. Шубҳага ўрин ҳам қолгани йўқ.

Слоун хўрсинди.

— У ахир маҳоратли мухбир ва ажойиб инсон эди.

— Энг ажойиб,— унинг гапини тўлдирди Минь ғалати бўғиқ овозда.— Одам сифатида ҳам. Мухбир сифатида ҳам...

— Суратга туширганларингни кўрсам бўладими? — бирдан кимлиги эсига тушгандек сўради Рита. Гаррининг ўлимига қарамасдан у бир соатлардан сўнг, Лимага боргач дарҳол кўрсатув тайёрлаш шартлигини биларди.

Яна у қўлларида бутун дунёга шов-шув бўладиган тасвирлар борлигини ҳам биларди.

Минь тасмани бир оз изига айлантириб, камеранинг кузатиш «кўзи»ни Ритага тўғрилади. Рита эгилиб, тасма тасвири берилаётган линзага қаради. Минь ҳамширагидек асосий воқеаларни туширган, тасвирлар маҳорат билан олинганди...

— Гаррининг бирон яқини, бирон қаллиғи бормиди?— сўради Слоун.

— Ҳа, бор эди. Яъни анчадан бери бор,— деди Рита.— Унинг исми Вивиен. У ҳамшира бўлиб ишлайди. Порт-Кредит деган жойда яшайди — бу Торонтога яқин жой.

— Уни хабардор қилиш керак. Агар истасанг, унга ўзим қўнғироқ қилардим.

— Мен ҳам сенинг ўзинг гаплашсанг яхши бўлади деб ўтирувдим,— деди Рита.— Унга Гарри сафар олдидан васиятнома қолдирганини айт. Васиятнома менда турибди. Вивиен буни ҳали билмайди. Энди у миллионер аёл. Афтидан, Гарри ўз пулларини дунёдаги барча банкка қўйиб чиққанга ўхшайди. Васиятнома билан бирга банкларнинг ҳам рўйхатларини қолдирган.

Улар гаплашиб турган пайтда Минь билдирмай Жессика билан Никкини тасвирга тушириб олди. Ниҳоят Рита ҳам камера Никкининг боғланган қўлига қаратилганини кўрди ва шундагина Лимада, Энтелга келган телетайп тасмасини шоша-пиша сумкасига тикқани эсига тушди.

— Бу ёққа отланаётганда,— деди Рита ҳаммага бир-бир қараб чиқиб,— Гарри Калифорния штати, Оукленд шаҳридаги бир жарроҳ дўстига қўнғироқ қилишимни сўради. Унинг ўша дўсти ясама қўллар бўйича дунёдаги энг зўр мутахассис экан. Гарри дўстидан Николаснинг қўли ҳақида сўраган эди. Мана, жавоб ҳам келди.

У Слоунга телетайп тасмасини узатди. Слоун товуш чиқариб ўқий бошлади: «СЕН ЮБОРГАН МАЪЛУМОТЛАР БИЛАН ТАНИШДИМ ВА ГАЗЕТАЛАРНИ ЎҚИБ КЎРДИМ ИҚТ ЯСАМА БАРМОҚНИ ТАВСИЯ ҚИЛМАЙМАН ИҚТ БУ ЁРДАМ БЕРМАЙДИ ХАЛАҚИТ БЕРАДИ ИҚТ У КЎРСАТГИЧ ВА ЖИМЖИЛОҚ БАРМОҚЛАРИ ЁРДАМИДА КАФТИ БИЛАН УЙНАШНИ ЎРГАНИШИ КЕРАК ВА ЎРГАНА ОЛАДИ ИҚТ БУНАҚА АМАЛИЁТ БИР НЕЧА БОР СИНАЛГАН ВА СЕНИНГ ЁШ ДЎСТИНГНИНГ ҲАЛИ ҲАМ БАХТИ БОР ЭКАН ИҚТ НИККИ БАРМОҚ БИЛАН БЕМАЛОЛ ЧАЛИШНИ ЎРГАНИШИ МУМКИН ИҚТ МЕНИНГ БИР АЁЛ МИЖОЗИМ ҲАМ ХУДДИ ШУ БАРМОҚЛАРИНИ ЙЎҚОТГАН ҲОЗИР БЕМАЛОЛ РОЯЛЬ ЧАЛАЯПТИ ИҚТ АГАР ХОҲЛАСАНГ ЎША АЁЛ БИЛАН УЧРАШТИРИШИМ МУМКИН ИҚТ ЎЗИНГНИ ЭҲТИЁТ ҚИЛ ГАРРИ ИҚТ СЕНГА ҲАМИША ОМАД ТИЛАБ ЖЕК ТАППЕР тиб.д-ри».

Орага сукунат чўкди. Бир оздан сўнг Никки жимликни бузди:

— Дада, кўрсам бўладими?

Слоун унга қоғозни берди. Никки телеграммани чап қўлига ушлаб ўқий бошлади. Сўнг доқа боғлаб қўйилган ўнг қўли — соғ бармоқлари билан ушлаб олди.

— Биз энди умр бўйи Гарри олдида қарздор бўлиб ўтсак керак,— деди Кроуфорд Слоун.

— Фернандесдан ҳам,— эслатди Жессика... Сўнг Кроуфорд ва Ритага Гарри Фернандесга сўкмоқда берган ваъдаси ҳақида гапириб берди...

— Қайтганимдан сўнг,— деди Слоун,— мен Гаррининг ваъдасини бажаришга ҳаракат қиламан. Си-би-эй номидан гапириш — бу ҳужжат асосида гапириш билан баробар.

— Бу ҳужжатнинг битта қусури бор,— эслатди Рита.— Гарри Фернандесга ишдан бўшатилгач ваъда берган... албатта, бундан унинг хабари йўқ эди.

Бу гапни эшитиб, Минь Ритага ҳайрон бўлиб қаради.

— Бунинг аҳамияти йўқ,— деди Слоун.— Гарри берган ваъда, албатта, бажарилади.

— Бунинг учун кўп ишлар қилишимиз керак,— деди Рита.— Бугунги репортажда Гаррининг бўшатилоганини айтаемизми?

— Йўқ,— деди қатъий қилиб Слоун.— Тўшагимизни ўзимиз ифлос қилиб, энди уни одамларга очиб кўрсатмайлик.

«Барибир ойна этак билан ёпиб бўлмайди,— ўйлади Рита.— Барибир ундан ҳамма хабардор бўлади».

У Лэс Чиппингемга факс орқали жўнатган хатдан Кроуфорднинг хабарини йўқ эди... Бир-икки ҳафта ўтиб, бу хат «Таймс» ёки «Вашингтон пост»да пайдо бўлишига имоним комил, деди ичида у.

Рита яна ўша хат сабабли айни пайтда ўзим ҳам ишдан бўшатилоган бўлсам керак, деб ўйлади. Ахир у «собиқ ходиминг» деб ёзганди. Аммо хатидан қатъи назар, у бу ишни, албатта, охирига етказди.

— Менга бир фикр ҳеч тинчлик бермаяпти,— деди бирдан Жессика.— Биз учган кўниш майдончаси масаласида.

— Сиондагими? — сўради Рита.

Жессика бош ирғади.

— Мен ўша кўниш майдончасида илгари ҳам бўлгандайман. Улар, афтидан, бизни ўша ерга олиб келишганди ва биз изма-из ҳушимизга кела бошладик... Яна бир нарса... Бизни ётқизиб қўйишган ҳужрага бир бегона одам кириб қолганди. Мен унинг кимлигини билмайман, бироқ ишончим комилки, у америкалик эди. Мен ундан ялғиниб-ёлвориб ёрдам сўрадим, бироқ у қайрилиб ҳам қарамади. Мана буни мен кейин эслаб чиздим.

Қочиш арафасида Жессика тўшагининг тагидан ўзи чизган суратни олишга улгурганди. Суратни сийнабандига яшириб қўйди. Уни олиб, Ритага узатди. Суратда «Лержет» учувчиси Денис Андерхиллнинг қиёфаси акс этган эди.

— Биз бугун кечкурун,— деди Рита,— буни «Оқшом хабарлари»да кўрсатаемиз. Балким кимдир танир? Ахир 20 миллионли телетомошабинлар ичидан биронта танийдиган топилар?

Самолёт ғувилларди: у баландроқ кўтарилаётган — Анд тоғи устидан учиб ўтаётганди. Кейин океанга ўтиб олгач Лимага қараб пасайиб жўнайди. Рита соатига қаради: тўққиздан ўтаётганди. У Кроуф билан бугун жуда қаттиқ ишлашлари кераклигини яхши биларди. Кўрсатувнинг қораламасини хаёлан аллақачон пишитиб бўлганди. Тутқунларнинг озод қилинганлиги ҳақидаги хабар ҳозирча фақат Си-би-эйга билдирилади. Шунинг учун «Янгилеклар»нинг биринчи қисми эфирга кетгунча — яъни ўн еттидан ўттиз дақиқа ўтгунча Жессика ва Никкини журналистлардан ва ёт кўзлардан асраш керак. Рита Кроуф, шубҳасиз, нима учунлигини тушунади, деб ўйлади.

Рита эрталаб Освальдо Зилери билан гаплашиб қўйганди: Зилери Мирафлоресга яқин жойда яшарди: улар самолётдан тушишлари билан уникига йўл олишади. Беш яримгача ўша ерда бўлишади: телевидение ва матбуот бор ҳақиқатни билгач, Жессика ва Никкини уларга кўрсатавериш мумкин. Мана шу синовга улар дош бера олишлари шарт.

«Оқшом хабарлари»ни ва ўғирликка доир бошқа кўрсатувларни ҳам Кроуфнинг ўзи олиб боради. Бу ҳақда гапириш, албатта, унга оғирлик қиладди. Ахир у отасининг ўлими, ўғлининг кесилган бармоқлари, Гарри Парtridge, Фернандес ҳақида гапириши керак бўлади. Ҳаяжоиланган пайтлари Кроуфнинг товуши бўғилиб қолади. Ҳечқиси йўқ, бу гапларининг яна ҳам ишончли чиқишини таъминлайди; Кроуф ўзини тутиб олиб, яна давом этаверади. Ахир у ҳам Рита каби, бошқа ҳамкасблари каби ҳақиқий ва маҳоратли мухбир.

Бироқ бир нарсани — Рита буни жуда яхши биларди — тутқунларнинг озод қилинганлиги, соғу саломат эканини кечгача яшириб ўтириб бўлмайди ва бунга ҳожат ҳам йўқ. Бу ҳақда хабарнома тарқатиш мумкин. Улар хабар-

номани Си-би-эйга — Нью-Йоркка жўнатишлари билан, у ердагилар кўрсатувларни тўхтатиб, хабарни дарҳол эълон қилишади ва шундай қилиб, Си-би-эй бу ҳақда биринчи бўлиб хабар бериб, ўз рақобатчиларини яна доғда қолдиради.

Рита яна соатига қаради — 9 дан 23 дақиқа ўтганди. Яна йигирма дақиқадан сўнг улар кўнишади. Ҳали аэропортдан Лимагача етиб олишлари зарур. Шундай экан, хабарномани ўн яримлардагина узатишлари мумкин. Бир ойча муқаддам Форт-Уорт аэропортида ҳалокатга учраган аэробус ҳақида ўзи, Гарри, Минь ва Кенлар зудлик билан хабар беришгани каби тунда олинган тасвирларни ҳам хабарномага қўшиб узатишади ва ўша хабар каби бу хабар ҳам бутун дунёни лол қолдиради.

Наҳотки ўша аэробус ҳалокатидан буён атиги бир ой ўтган бўлса? Рита-га орадан юз йиллар чамаси вақт ўтгандек туюларди.

Хабарномани узатиш учун йўлдошли машина зарур бўлади. Рита олдинга эгилиб, Зилерининг елкасидан туртди. Зилери ўгирилиб қаради, Рита радиоузатгични кўрсатди.

— Мана бу матоҳингиз билан рақамли телефонга кўнғироқ қилса бўладими? Мен Нью-Йорк билан боғланишим керак.

— Албатта, бўлади.

Рита телефон рақамини ёзиб, Зилерига узатди. Орадан бир неча сония ўтгач, радиоузатгичдан «Си-би-эй халқаро янгиликлар бўлими муҳаррири» эшитади» деган товуш эшитилди.

Зилери микрофонни Ритага узатди.

— Гапиринг,— деди у.

— Рита Эбрамс гапираяпти,— деди Рита узатгичнинг тугмачасини босар экан.— Ўн яримда Лимадан махсус хабарнома узатишим учун менга сунъий йўлдош тўлқинларини тўғриланг. «Чамбарак» дагиларни хабардор қилинг.

— Эшитдим. Айтганингиздай қиламан,— жавоб берди бир оз тантанавор овоз.

— Раҳмат. Кўришгунча.— Рита учувчига микрофонни қайтариб берди.

Энди Кроуф билан то самолёт кўнгунча ҳам ишлашга тўғри келади. Энди уни Жессика ва Никкидан ажратиб олиш керак: кейин дийдорларига тўйишаверади. Буни Кроуф ҳам тушунади. Касблари шундай. «Янгиликлар» билан ишлаётган ҳар бир одам кўрсатув олдидан ҳатто ажални ҳам бир четга суриб туради.

— Кроуф,— деди секингина Рита,— иккаламиз қиладиган ишлар кўп. Энди вазифамизни бажаришга киришайлик.

Тамом.

*ЖАББОР ЭШОНҚУЛ
таржимаси*

Гулларга бурканди олхўри шохи

Корея мумтоз шеъриятдан



СОН КАН (ЧОН ЧХОЛЬ)

* * *

Мен ёруғ дунёга келганман асли
 Бўлмоқ учун унга энг суюкли ёр;
 Бизни боғлагандир қисмат тоабад,
 Мумкинми билмаса бу ҳақда осмон?!
 Мен фақат унинг-чун диловар бўлдим,
 У ҳам ёлғиз менга лутф этди севги.
 Руҳим ёритган бу ажиб муҳаббат
 Ўшамас дунёда бошқа туйғуга.
 Танҳо энтикиш-ла ўтдим бир умр —
 Севгилим ҳажрини кўрсатма, деб ҳеч.
 Нега қариганда, умр сўнгида
 Бизлар ҳижрондамиз, мени қийнар ғам?
 О, нақадар бахтли, масрур эдим мен
 Ишқнинг саройида, дунёдан айро!
 Энди-чи, маҳкумман осий заминга,
 Эсимда, сўнги бор оролангандим,
 Уч йилки, сочларим кўрмади тароқ;
 Упа-эликларим бисёрдир, бироқ
 Пардозу андозни истамам бошқа,
 Чунки юрагимда ҳасрат бор, мунг бор;
 Санчилар кўксимга ҳар бир нафасим,
 Қўзларимдан ёшлар оқар шашқатор,
 Ҳар бир инсон умри чекли, ўлчовли,
 Бироқ менинг қайғум интиҳоси йўқ;
 Вақтни тўхтатолмас ҳеч нарса ҳеч вақт,
 Бежилов дарёдек оқар у бетин,
 Йил чархи кечади — ясаб доира,
 Кетиб улгурмайин, қайтар изига.
 Ниманики — кўрсам, нени — эшитсам,
 Севгимни ёдимга солар ҳаммаси.

Баҳорда у ёрини мана шундоқ соғинади:

Илк баҳор еллари эсиб ногаҳон
 Қорлар уюмини супурди ердан

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

114

Ва бир тонг деразам олдида яшнаб,
 Гулларга бурканди олхўри шохи.
 Бироқ у не сабаб бунчалар маъсум
 Ва нечун бўй тарар бунча муаттар?!
 Шом чўкиб, фалакка чиқар янги ой —
 Муздек болишимда ҳафиф шуъласи.
 Шу онлар ногоҳ у бўлар намоён,
 Мен бахтдан энтикиб кетаман тагин.
 Шохчани синдириб шунда дафъатан,
 Ҳадя қилгим келди у мунис ёрга.
 О, қанчалар завққа тўларди у дил,
 Сени кўрганида, олхўри шохи?

Ёзда у ёрини мана шундоқ соғинади:

Гулларини тўкди дову дарахтлар,
 Кўмилдилар ғужғон баргларга тагин;
 Бу пайт пашшахона ичра ёлғизман,
 Шоҳи пардаларни шиширар еллар.
 Тирик нилуфарлар палагин ёйиб,
 Олтин товус билан тўсаман олдин.
 Юрагим ёзғирар соғинчдан қаттиқ,
 Кун бунча узундир — кўринмас сўнги.
 Ўлтириб, кўлимга оламан шунда
 Шоҳи матойини ва иплар танлаб,
 Ҳар битта чокига меҳримни қўшиб,
 Тикаман ёримга бетакрор либос.
 Ахир, олтин эрур қўлларим менинг,
 Кўрган сари кўзим яйрар ишимдан
 Ва уни қордай оқ, нафис қутига
 Жойлайман, ул ёрга йўлламоқ учун.
 Қарайман мен мубҳам манзиллар томон,
 Чўнг тоғлар кўринар уфқда қат-қат.
 Оғир ва хавфлидир бу йўл нақадар,
 Минг-минг ли¹ масофа айирмиш бизни!
 Ким кўрқмас бундаин хатарнок йўлдан,
 Унга отланмоққа жазм этолар ким?
 Қандай бахт, қутини у агар очса,
 Нимаси ахир кам, бунинг висолдан!

Кузда ёрини мана шундоқ соғинади:

Бир кеч ҳаммаёқни қоплади қиров
 Ва ғозлар осмонни тўлдириб учди;
 Чиқдим шу палла мен болохонага,
 Биллур елпанани кўтардим баланд.
 Фалакда порларди бу сония ой,
 Ярқирарди шимол ёқда юлдузлар.
 Энтикиб ўйладим: бу — у муқаррар!
 Ва ойнинг нуридан олиб бир ҳовуч
 Унга қақнус янглиғ йўлламоқ бўлдим.
 Майли, у бу нурни тутиб юксакда
 Ёритсин коинот саҳнини буткул.

¹ Ли — ўлчов бирлиги.

Токи ғамгин тоғлар, тунд дараларда
Ёғдулар тарасин ҳеч сўнмас кундуз.

У ёрини қишда мана шундоқ соғинади:

Қалин қор борлиқни оққа белади,
Ерда ҳам, кўкда ҳам музлади ҳаёт;
На фақат одамнинг излари йитди,
Йўқолди жондору қуш изи ҳатто.
Агарки жанубда — бу Сяошуйда
Жаннатий ўлкада шунчалар аёз,
Мовий салтанатда қиш кечар қандоқ?!
Елписамми қуёш нурин у ёққа,
Севгилим ўлкаси илиса шояд.
Қанийди бу тансиқ ёғдулар унга
Замҳарир саройда ҳарорат берса.
Пушти ранг кўйлагим этагин тутиб,
Зангор енгчаларни отиб ичкари,
Остонада турган кўйи зикр этдим
Унинг олдидаги гуноҳларимни.
Оқшом қуюқлашди, борлиқ зимистон.
Ўлтирардим ёлғиз қаҳратон тунда,
Чироқнинг ёнида — шойи тортилган.
Коммунго¹ни чалгим келди шу лаҳза.
Соғинч! О, кўрсайдим уни тушимда,
Эгилдим тўшакка шу умид-ла мен,
Лекин жунжиктирди вужудимни у.
Қачон тугаркин бу шафқатсиз кеча?!
Кунлар ўтмоқдадир бирма-бир, секин,
Ўтди-ку ойлар ҳам қайтмай ортига,
Лекин уринмайин қанча — зинҳор, ҳеч
Унута олмадим унинг рухсорин.
Ўйлайман у ҳақда беадад, узоқ,
Ёди юрагимга ўрнашган қаттиқ,
Ҳасратларим менинг мутлақ чорасиз,
Бакор келолмайди юз Пянь Цяо ҳам.
Мен мубтало бўлган чексиз ғамларга.
Ҳайҳот! — севгилимнинг ўзи сабабкор.
Ўлимим истайман, оҳ, бирам — кейин
Тирилмоқ-чун қувноқ капалак бўлиб!
Учиб юрсам хушбўй гуллар оралаб,
Муаттар бўйларни тотсам, симирсам,
Кейин қўнсам унинг кифти узра нақ,
Таний олмасди у ўз маҳбубасин.

* * *

Ҳали ҳаёт бўлса гар ота-онанг,
Ўрнига қўя бил улар иззатин.

Бу ёруғ дунёдан кетишганида
Юрагингда армон қолмасин сира.

¹ Корейс чолғу асбоби.

Дунёда бетакрор ёлғиз шу нарса:
Уз ота-онангга буюк эҳтиром.

* * *

Бобо, бошингда не — бунчалар оғир?
Менинг қўлларимга бера қол уни.

Тўлиб-тошиб ётар билагимда куч,
Ўйната оламан харсанг тошни ҳам.

Раҳмим келар, ахир, заиф, қарисан,
Бошингда шунча юк бунинг устига!

* * *

Эргашса қария агар изингдан,
Суягил, етакла уни астойдил.

Маили, чол, сен билан чиқсин уйдан,
Асо тутқаз унга, ўзинг таянч бўл.

Чолни кузатиб қўй зиёфатдан сўнг —
Эҳтиётлаб, авайлаб уйига қадар.

* * *

Инонгин сўзларимга —
Мен сенсиз яшолмасман.

Сенинг-ла унутгайман
Ғам-ғуссани абадий.

Йўқса, қай ҳолат сени
Ташлаб кетаман, дўстим?

* * *

Оёқда турибманми
Ё мастман — нима фарқи?

Чўмичим борми ё йўқ! —
Қўпмайдими қиёмат?

Менга лутф айла, хоқон,
Меҳр қўйгум ҳаётга.

* * *

Анвои гуллар узра
Учар бир жуфт капалак.

Яшар икки зарғалдоқ —
Мажнунтоллар шохида.

Тирик жон борки —
жуфт-жуфт,
Дунёда ёлғиз менман.

* * *

Турар икки тош будда
Йўлнинг бўйида яйдоқ.

Шамоллар ялар уни,
Савар ёмғир, бўронлар.

Ҳавас қил! Улар асло
Билмаслар — ҳижрон нима.

* * *

Терагимни тарк этди
Узоқ кунларга турна.

Ким билар, қайтгайманми
Кетсам мен ёт юртларга?

Айрилиқлар — азалий,
Ичайлик, келинг, дўстлар!

* * *

Нега йўл чеккасида
Турибсан, қарағайим?

Яширгим келар сени
Одамларнинг кўзидан,—

Сен томон келар улар,
Болта кўтарган бари.

* * *

* * *

Оҳ, йиқарлар, йиқарлар бир-бир,
Юксак, мағрур қарағайларни!

Қўйиб беришсайди ўсишга озроқ,
Чиқарди улардан тўсинлар кўркам!

Бехосдан қийшайиб кетса тахт
агар...
Суягаймиз уни, хўш, нима билан?

Булутлардан юксак ложувард кўкда
Эркин қанот ёзиб юрган, ҳей турна,

Нега учиб тушдинг бадкор заминга,
Одамлар қошига нега талпиндинг?

Юларлар бу ерда патинг бешафқат,
Учолмай ўтасан кейин бир умр.



ЮН СОН ДО

БЕШ ДЎСТ

Яшил бамбук, дарё, тош ҳамда
Чўнг қарағай — дўстларим менинг.

Кечалари ой чиққан палла
Дилим бахтдан кетар ҳаприқиб.

Ҳа, керакмас, ишонинг, манга —
Ҳеч қанақа дўстлар ортиқча.

ДАРЕ

Дерлар, булут ранглари гўзал,
Бироқ бўлар у гоҳ қорамтир.

Шамол куйи ажойиб, дерлар,
Бироқ бот-бот тинар бу куй ҳам.

Бу дунёда, демак, ёлғиз сув
Доим гўзал ва оқар мангу.

ҚАРАҒАЙ

Ёз келганда гулга кирар у,
Қиш келганда тўкади баргин.

Не сабабдан, қарағай, сенга
Бўрон, аёз қўрқинчли эмас?

Мен биламан: илдизинг етган
Марҳумларнинг салтанатига.

ТОШ

Нега гуллар гуллайди,
Сўнг бўлар хазон?

Нега яшил гиёҳлар
Кейин сарғаяр?

Бу дунёда ёлғиз тош
Турланмас, собит.

ОЙ

Митти эрур чексиз фалакда,
Ёритади лекин борлиқни.

Айтинг, топиш мумкинми яна
Шундоқ мўъжаз нурни зулматда?

Термулади сизга сўз қотмай,—
Мана, асл дўстнинг сиймоси!

БАМБУК

Ўхшамайсан дарахтга сира,
Майсага ҳам ўхшамайсан сен.

Ичинг сенинг мутлақо бўм-бўш,
Сиртинг эса қаттиқ жуда ҳам.

Севаман мен шунинг учунки —
Ям-яшилсан бутун йил бўйи.

ТОҒЛАРДА

I

Мен бўтқадан қилдим тамадди,
Эртапишар мевадан тотдим.

Ўлтирибман сой бўйи — тошда,
Бениҳоя бахтлиман шундан.

Бундан бошқа нарсага, ҳайҳот! —
Ҳавас қилмоқ ғирт бемаънилик.

II

Мизғиб бўлдим — ёлғизман тағин,
Термуламан тоғларга яккаш.

Севар эдим сени, хоқоним,
Улуғвормас бу севги лекин.

Тоғлар менга лутф қилмас сира,
Азизроқдир бироқ юз чандон.

III

Вольчхуль тоғи гўзал ва юксак,
Лекин уни чулғар туманлар.

Чхонван ҳам кўринмай қолар —
Вольчхуль тоғин энг зўр чўққиси.

Лекин қуёш чиқар муқаррар,
Шунда туман тарқар, шубҳасиз.

IV

Ел эсдими — дарчани ёпгил,
Тун чўқдими — ўчир чироқни.

Чўмадирмиз ширин уйқуга
Менинг юмшоқ болишим узра.

Эшик қоқса мабода меҳмон,
Шу заҳоти уйғотгил мени.

V

Ўтди узун, қаҳри қаттиқ қиш,
Изғиринлар қайгадир йитди.

Анқир юксак тоғлар қўйнидан
Саховатли кўклам нафаси.

Очган эдим тонгда эшикни,
Қарши олди бокира кўклам.



ЛИ ХВАН

ТОҒЛАРГА ҚАЙТДИМ

Неники мўътабар билганман кеча
Мутлақ арзимас деб санайман бу кун.
Эгнимга тўзғиган жандалар илиб,
Қадрдон боғимга қайтмоқдаман мен.
Жўшқин сой, чўққилар ўшандоқ ҳамон,
Гуркирабди бироқ бамбук, қарағай.
Яна кулбамдаман — тўшаб шолчани,
Узала тушаман — юрак шод-хуррам.
Ётаман елларга тутиб бетимни,
Қолмас юрагимда заррача ҳасрат.
Ҳовуз яллуғланар нилуфарлардан,
Менинг ҳовлимда ҳам ёғдулар нақши.
Субҳидам қушларнинг сайраши гўзал!
Ердан ёнғоқ терар бир тўп болалар,
Эринчоқ ҳуриш-ла қаршилар кучук
Балиқ сотувчини кўча эшикда.
Шом кириб чорлайман қўшнилариمنى,
Кўнгил ёзмоқ учун дарё бўйига —

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Май-у кабоб билан меҳмон қилмоққа.
 Ҳечқиси йўқ камроқ бўлса кечки ов.
 Саватча белимга боғланган, мана,
 Ёмғирпўшни олгум, қалпоқ — гарданда.
 Оқ тўрни кифтимга ташлаб шу заҳот
 Новвос уловимда чиқаман йўлга
 Ва оқшом нурларин селига чўмиб,
 Дўстларим олдига жўнайман масрур.
 Кўзимни яшнатар қоялар аро
 Туташиб эшилган қадрдон сўқмоқ;
 Ложувард уфққа қоришиб кетар
 Шарқироқ дарёнинг ранглари эса.
 Нафис оқ иплардан тўқилган тўрни
 Отаман йўлдаги ёйилмаларга.
 Шу он тўр кўзида минглаб тангалар
 Ярқираб ўзини уради ҳар ён
 Ва тўрдан оламан — ов катта, бисёр,—
 Майдаю йирикроқ балиқчаларни.
 Қозонга ташлайман майдароқларин,
 Бир-бир бўлаклайман йирикларини.
 Сўнг қуя бошлайман кўзадан майни,
 Лим-лим илк қадаҳни ичаман ўзим,
 Пайдар-пай тутаман кейин даврага.
 Ичаман, ичаман, ошади кайфим.
 Заминга шом чўка бошлар шу асно
 Ва ёрқин ой чиқар тоғлар устига,
 Мен эса гоҳ туриб, гоҳо йиқилиб
 Қайтаман кулбамнинг остонасига.
 Уйга олиб кирар суюкли ўғлим,
 Қарши олар озғин хотиним шунда...
 Ва менга туюлар — бир ўзим гўё
 Якка ҳукмдорман дарё, тоғларга.

* * *

Тоғ олдиди — нақшинкор шийпон,
 Дарё оқиб ўтар остидан.

Гала-гала оқ чағалайлар
 Учадилар тўш уриб мавжга...

Чағалайлар нима сабабдан
 Ўйнамоқни ишташмас мен-ла?

* * *

Тоғлар гулга кирар ҳар баҳор,
 Куз тунлари ҳамиша ойдин.

Вақт ўтиши қатъий тоабад,
 Умр билан эшдир азалдан.

Балиқ ўйнар, лочин парвозда...
 Тасодифми булар шунчаки?

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

120

* * *

Тоғ ёнбағри — қуюқ ўрмонлар
Мангу яшил нима сабабдан?

Кундузи тун дарё оқими
Нима учун бир хил ҳамиша?

Мен ҳам сира ўзгармасайдим,
Суриб ёшлик сурурин мангу!

* * *

Қояларни йиқсин қалдироқ —
Эшитмас бу сасни туғма кар.

Офтоб кўкка чарақлаб чиқсин,
Кўролмади туғма кўр уни.

Гарчи биз кар, кўр ҳам эмасмиз,
Қолишмаймиз улардан баъзан.

* * *

Туманларга сингиб кетсайдим,
Шамол, ой-ла тутинсайдим дўст.
Қарши олсам қариликни мен,
Турфа дардсиз, азобсиз, сокин.

Бир нарсани истайман яна —
Соф асрасам исмимни ҳаргиз.



ЛИ ХЁН БО

* * *

Одам қайғу ғамдан бунда озоддир,
Балиқчи ҳаёти гувоҳ бус-бутун.

Мўъжаз қайиқни у киритар дадил
Ҳадсиз уммон аро мавжлар бағрига.

Дунё ташвишларин унутиб буткул,
Пайқамайди вақтнинг ўтишин сира.

* * *

Эгилиб қарасанг — кўм-кўк теран сув,
Теваракка боқсанг — ям-яшил тоғлар.

Нобакор дунёнинг гардлари асло
Етиб келмагайдир ушбу муҳитга.

Ой нур тарар сувли кенгликлар узра,
Юракда қайғу йўқ шунинг учун ҳам.

* * *

Нилуфар баргига гуручдан ўраб,
Тол шохин сих қилиб балиқлар терсанг.

Мўъжаз қайиғингни қантариб қўйсанг
Гуллаган қамишлар тиғиз сув узра.

Айтгил, эришолган тагин қай кимса
Ўткинчи дунёнинг бундоқ гаштига?

* * *

Тоғнинг чўққисига тўш урар булут,
Чағалай мавжлар-ла ўйнашар тинмай.

О, улар иккиси!
Бунчалар хуррам!

Жами ташвишлардан бўлиб мосуво,
Улардек қайғусиз яшайман энди!

* * *

Ортимга қарайман —муаззам пойтахт,
Маҳобатли қаср сержило унда.

Мўъжаз қайиғимга чалқанча ётиб,
У ҳақда ўйлайман ҳар бир сония.

Бироқ бу мен сураар ўй эмас асло —
Қутқарар дунёни доно менсиз ҳам.

* * *

Ҳамма айтар: «Тузқан юртига —
Кетмоқда у». Мен эса-чи, йўқ.

Хароб бўлди далам менингсиз,
Ййдоқ боғим ёввойиладди.

Унда аччиқ шамол, ой нури —
Кулбам аро ўйнайди ҳар кеч.



КИМ СУ ЧЖАН

* * *

Амалу мансабга меҳр қўйганлар,
Ёлборгум, ўйлашсин эртанги кунин.

Гўёки қумдаги болалар — улар.
Ўйнашар ҳозирча офтобрўяда.

Қуёш тоққа эниб кетгандан кейин,
Айтинг, нима кечар уларнинг ҳоли?..

* * *

Алвонранг булутлар ёқади сенга,
Менга оқ булутлар маъқулдир кўпроқ.

Сен учун муҳими — бойлик, донгдорлик,
Ҳаловат, фақирлик — менга кифоя.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Қанча кулишмасин устимдан рўй-рост,
Мен ўз ақидамда тургайман қатъий.

* * *

Кундан-кун турмушим соддалашар, жўн,
Мана, бисотимда қолди ниҳоят,—

Ўн чоғли узумнинг новдаси ҳамда
Юрагимга азиз шеърлар рўйхати.

Ва мени — ҳеч қачон тарк этишмайди
Демак — севишади: шамол ҳамда ой.

* * *

Уй тор жуда, мисли чиғаноқ,
Тевараги бироқ чамандир.

Тўрт девору китоблар нуқул,
Чол фикрини банд этган улар.

Ва туюлар — майда ғамлардан
Холи одам биргина менман.

* * *

Юракдаги эски дард-ҳасрат
Гул бўйлари билан юпанар;

Исмсиз ғам-қайғуга ҳар гал
Токзор берар таскин-тасалли;

Сочларга оқ тушганда эса
Юпанарлар ёлғиз кўшиқдан.

* * *

Ўнг кўшнилари — қоя тагида,
Чап кўшнилари чайлада яшар.

Ўт-ўландан — эгни, оч-наҳор,
Лекин бари сахий, очиқ юз.

Ажаб, нега қасрлардаги
Ҳамма бойлар очкўз ва бадбин?



КИМ ЧЖОН ТХЕК

* * *

Нима менга шон-шуҳрат, доврўғ?!
Олар ўрнин бир кун бадномлик.

Менга чин дўст саналур минбаъд —
Май кўзаси, сирдош каягим¹.

Улар билан қартайсам эди —
Фароғатда, хотиржамликда!

* * *

Дунё тўла майда ғамларга,
Табиатнинг қўйнига кетгум.

Чағалайлар хуррам бунчалар!
Тергамас ҳеч уларни биров.

Фақат улар яшар, менингча,
Бу заминда жанжал-нифоқсиз.

* * *

Инсон умри уйқудир гўё:
Нима менга доврўғ, шуҳрат-шон?!

Обрў, бойлик, ақл, тентаклик...
Тенгдир бари ўлим олдида.

Бу дунёнинг асл сурури
Фақат майда эрур, ишонинг!

¹ Корейс чолғу асбоби.



ПАК ГЕ ХВАН

* * *

Тунда тушларимга кирган севгилим
Кўзимни очган он йўқолди изсиз.

У улуғ муҳаббат кетди қайларга —
Сенинг юрагингни бир пайт ёндирган?!

Бот-бот кўрин, майли, тушларимда сен,
Йўқ-йўқ, керак эмас, туш — рўё, холос...

* * *

Ййдоқ тоғда сайраган какку,
Нега бунча чекасан фарёд?!

Худди мендек сени ҳам наҳот
Ёвуз қисмат домига олди?!

Чекмагин сен фарёд қанчалар,
Эшитмассан ҳеч қайдан имдод!

* * *

Дарё сувларидек — тўхтамай сира,
Зимдан оқаверар вақт дегани.

Яна кўклам келди ва томорқада
Яшилланиб қолди турфа экинлар.

Янги шароб билан сийла, ҳей соқий,
Қадаҳ тўлдирайлик кўклам шаънига!



АН МУН ЁН

* * *

Хризантема! Тушунтир, нега
Ёқтирмайсан кўклам елларин?

«Музлай, майли, — жавоб берди гул, —
Ёмғир пайти ғариб ҳовлида.

Лек истамам баҳор сурурин
Ўзгалар-ла баҳам кўришни».

* * *

Худди ўша ойни самода
Кўрган эдим бир йил муқаддам.

Йил ҳам кечди, айни шу оқшом
Тағин унга бўлдим маҳлиё.

Тушундимки: йиллар югурик,
Ўз жойида тураверар ой.

* * *

Боғнинг орти — кўпирган гулзор,
Толлар қатор — кўл қирғоғида.

Баланд сайрар унда зарғалдоқ,
Капалаклар чарх урар ғужғон.

Толлар, гуллар ва капалаклар...
Ёлғиз, беғам сайр этсанг бунда.



НОМАЪЛУМ МУАЛЛИФ ШЕЪРЛАРИ

* * *

Нега сен келмайдирсан?
Келолмайсан, айт, нега?
Ва ёки йўлларингни
Тўсдими чўян девор?
Балки унинг ортида
Мармардан уй тиклашиб,
Ичига ўрнатишган —
Мустаҳкам оғир сандиқ.

Сени шунга ташлашган,
Боғлаб зўр арқонларга
Ва олтин калит ила
Қулфлаб қўйганлар уни,
Келмайсан шунинг учун...
Бир йилда — ўн икки ой,
Ой эса — ўттиз кундир...
Топмайсан наҳот бир кун
Мени бир бор йўқлашга?!

* * *

Тоғлар ортидаги хушторим менга
Ваъда берган эди: «Кут, келгайман!» деб,
Мен кечки таомдан туриб барвақтроқ
Шошдим тезроқ уни қаршиламоққа.
Ўтдим йўлимдаги илк дарвозадан —
Кўринди олдимда тағин дарвоза.

Мана, етиб келдим тепаликка ҳам
Ва сўнг кафтларимни қилиб соябон,
Қарадим тоғларга — рўпарамдаги,
Ҳар бир йўловчига термилиб боқдим.
Қорайиб кўринар қандайдир шарпа
Ёки оқарарми — англаёлмадим,
Ўйладим, у ўша хушторим аниқ
Дарҳол қалпоғимни туширдим кифтга,
Пайпоқларим кўйлак ичра яширдим
Ва олдим қўлимга бошмоқларимни
Ўнқиру чўнқирга, балчиқ-кўлмакка
Қарамай у томон отилдим ўқдай,
Пешвоз чиқай дея — очилиб гул-гул,
Лекин, о, нимани кўрдим олдимда?!
У ўрилган наша ғарами экан,
Саратон ойининг учинчи куни
Боғ-боғ тахлабдилар қуритмоқ учун,
Умидларим менинг алданди шундоқ.
Яхшиямки, кириб улгурганди тун,
Ҳолим не кечарди бўлганда кундуз?!
Одамларга роса кулгу бўлардим...

Мирпўлат МИРЗО таржималари

Журжи ЗАЙДОН

Хорун ар-Рашиднинг синглиси

Тарихий роман

Ўттиз тўққизинчи боб

ХАЛИФА БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Хорун ар-Рашиднинг табаррук чехрасини икки дақиқагина кўриш шарафига муяссар этилган ҳинд элчилари халифа билан хайрлашиб, Катта девонхонадан чиқиб улгурмасданоқ, пардабон эълон қилди:

— Исмоил ибн Яҳё ал-Ҳошимий амирал-муслимин билан мулоқот шарафига муяссар бўлур. Амирал-муслимин унинг арзини эшитишга ҳозир!

Муҳтарам оқсоқол ўз арзини тезроқ баён қилишга қанчалик ошиқмасин, бу борада бош ишораси билан ўз муддаосини тасдиқ этмасин, расм-русумга риоя қилувчи пардабон, ҳарқалай, эҳтиром юзасидан сўради:

— Хожам шу ондаёқ ўз муддаосини ўрнига етказиш ниятидами ва ё бир фурсат таҳаммул қилса ҳам бўлурми?

Шайх Исмоил мулоқот зарур эканлигини яна бир бор уқдиргач, қоратан ахта қул пардани очишга тутинаркан, халифа билан бўладиган суҳбатга халал бермасликни илтимос қилди. Пардани суриб қўйдилар, шу чоғ ўзининг бутун ҳашамату савлати билан амирал-муслимин Хорун ар-Рашид муҳтарам оқсоқол кўз ўнгида намоён бўлди.

Пастаккина зарҳал тахтда халифа чордона куриб ўтирарди. Тахтнинг қора ёғочдан ясалган пояси, дастаси, суянчиғи, оёқлари ва қирғоқларига зарҳал нақш чизилган, ҳар бири лимудек келадиган ёқут ва гавҳарлар қадалган, кимхоб айлантирилган тўртта кичик-кичик устунларга катта қора шоҳи чойшаб осилган, чойшабга Қуръон оятлари битилган, унинг ҳар ер-ҳар ерига заррин юлдузлар қадалган. Кичик устунларни ашрафий олтиндан қуйилган ой суратлари безаб турибди. Сокин қуллар жимгина мушк-анбар тутатар, хос соқчилар қилич яланғочлаб тик туришарди. Хорун ар-Рашид халифалик улуғворлиғи ва шаън-шавкати рамзи ўлароқ расмий ҳашамдор жомада. Бошидаги қора салласи анвойи шуъла таратувчи олмос шодалари билан жимжимадор қилиб безалган. Пешонасида ёйсимон мовий товус пати ўрнатилган ва ўртасига йирик олмос қадалган заррин жиға. Товус патига асл тошлар ва оч пушти ранг йирик дур қадалган.

Охири. Боши ўтган сонларда.

Кора жуббаси устидан ҳазрати пайғамбарнинг табаррук суфона¹ ридоси ташланган.

— Ассалому алайкум, эй амирал-муслимин!— халифага салом берди шайх Исмоил ва расмиятга мувофиқ бир муддат сукут сақлагач, сўради:— Эй буюк салтанат султони, Оллоҳ-таолонинг шафқати ва шахсан Сизнинг илтифотингиз ила ҳузурингизга яқин бормоққа ижозат берсангиз!

— Ваалайкум ассалом, амакижон!— жавоб қилди Хорун ар-Рашид ва олий даргоҳ расмиятларини бир томон улоқтириб, кекса Ҳошимий истиқбол-лига ўрнидан қўзғалмоқчидай ҳаракат қилди.— Муборак сиймонгизни кўришдан бағоят мамнунмиз, амакижон! Энг ардоқли меҳмонимиз бўлғайсиз!

Халифани ўрнидан қўзғалмасин деган андиша билан шайх Исмоил одобтавозе юзасидан у сари шошилди.

— Бундан буён, амакижон, ҳузуримизга беижозат кирмоққа рухсати олий берилур,— деди илтифот билан Хорун ар-Рашид ва нима қилиб ивириб юрибди бу чол дея хаёлидан ўтказди-да, қўшиб қўйди:— Марҳамат қилиб, ўтиринг, қадрли меҳмон!

— Ташаккур сенга, жиян, илоҳо салтанатинг умри боқий бўлғай!— юзига фотиҳа тортиб жавоб қилди оқсоқол ва хизматкор суриб қўйган болишга ён-бошлаб, сукут сақлади. Ҳатто хусусий суҳбатларда ҳам халифа савол қилмагунча гап очиб одоб қондасига хилоф саналарди.

Хорун ар-Рашид гўё меҳмоннинг сабр-тоқатини имтиҳон қилгандек, бир неча сония сукутдан сўнг деди:

— Умидворманки, амакижон, келишингиздан муддао бундан буён ҳам саодатимиз равнақи ва халифаликнинг гуллаб-яшнаши йўлида саъй-ҳаракат қилмоқдир. Муборак сиймонгизни ҳар куни кўрмоқ эзгу орзумиз. Бироқ, фавқулудда зарурият бўлмаса, ҳузуримизга ташриф буюрмаслигингиз ҳам бизга аён.

— Ё амирал-муслимин, сенга маълумки, мен Басрада истиқомат қилурман,— эслатиб ўтди шайх Исмоил,— мабодо, бунда муқим бўлмоғим зарур бўлиб қолса, умримни остонанг тупроғида ўтказмоққа ҳозирман. Бугун, дарҳақиқат, жуда муҳим бир зарурат бунда келтирди ва олижаноблигингдан умидворманки, менга кўрсатган шунча лутфу иноятларинг қатори, яна бир марҳаматингни дариг тутмағайсан.

— Қани, эшитайлик-чи, амакижонимнинг муддаоси нима экан, тилагингиз биз учун вожиб.

— Эй жиян, бизнинг эмас, сенинг хоҳишинг — шоҳга ҳам, гадога ҳам баб-баробар вожиб,— дея хитоб қилди бошини эгиб, қўлларини дуойи такбирга очаркан оқсоқол.— Оллоҳ-таоло аҳли муслимга ягона бир ҳукмдор ато қилмиш. Халифанинг рақиблари бўлиши мумкин эмас! Амирал-муслимин бу фақир банда муддаосини эшитмоқчи экан, истардимки, иккимиз ёлғиз қолсак.

Фармонга ижозат юзасидан пардабон, шахсий соқчилар ва хизматкорлар катта девонхонадан чиқиб кетишди.

Хорун ар-Рашид, ниҳоят, кейинги пайтда кўнглига ғулғула солган воқеа ҳақида гап бўлурмикин, дея қизиқсиниб қолди.

— Сўзламоққа ижозат беринг, шоҳим!— деди оқсоқол ҳалқа шиқирлаб, эшик беркитилгач.

— Мўралагичларга бу ерга кириш йўл бўлсин,— тушунтирди халифа,— сўзланг, амакижон!

— Илтмосим ибн ал-Ҳодийга тааллуқли,— гапни чувалаштирмай лўнда айтиб кўя қолди шайх Исмоил ва бирдан амирал-муслиминнинг авзойи бузилганини кўриб, лабини тишлаб қолди.

¹ Суфона ридо — туя жундан тўқилган устки кийим.

«Нима бало, андак эҳтиётсизлик қилиб қўйдимми?»— ўйлаб қолди дафъатан.— Халифанинг ташвишлари беҳад. Менинг ташвишим ҳамма нарсадан муҳимроқмикин? Тўполоннинг боиси бу эмас-ку! Яхшиси, Бармакийларни ҳимоя қилиб гапирсаммикин? Гап бошландими, бўлганича бўлар...» Синовчан кўзларини Хорун ар-Рашиддан узмаган ҳолда деди:

— Жиянинг Ҳошимийларнинг энг қобилиятли йигитларидан.

— Ҳали бу ҳавойи гап!— кескин эътироз билдирди халифа, кейин юмшаб:— Лекин мен унга амаки бўламан ва ўз меҳр-оқибатимни ундан аямайман. Йигитга пул, совға-саломлар лозимдир?— деди.

— Ҳошимийлар керагидан ортиқ тортиғу инъомларга кўмилиб кетган. Ибн ал-Ҳодий олий марҳамат илнжида энг яхши умид-орзулар билан амирал-муслимин муқаррибларидан бири бўлиб қолиш иштиёқида.

Хорун ар-Рашид гап қизи тўғрисида кетишидан шубҳа қилмасди; ҳар қалай қувлик қилмоқчи бўлди.

— Жиянимни ўзига муносиб Ҳатима билан бажонидил бошини қовуштириб қўйишга тайёрман,— деди халифа баландпарвоз гап қилиб.— Иккимизнинг ҳам насабимиз пайғамбар зотидан.

— Йигитлик — йигитлик-да,— ўз гапини маъқуллашга интилди шайх Исмоил.— У халифа хонадони билан янада яқинроқ қариндошлик иплари билан боғланиш орзусида.

— Жигарбандимга жигарларча оқибат кўрсатишга ҳозирман,— деди жавобан Хорун ар-Рашид, имо-ишора жуда аниқ, энди ўзни тағофил тутиш ноўрин. Шайхдан олдинроқ отни қамчиламоқ зарурлиги ҳақида бош қоти-раркан, деди:— Жиянимга қизим Аълияни беришдан ўзга ҳамма тилақларини ўрнига етказишга ҳозирман.

— Таассуф, таассуф! Унинг ягона тилаги Аълия эди!— хитоб қиларкан оқсоқол ўз норозилигини изҳор этгандек расмий тарзда деди:— Ибн ал-Ҳодий ҳеч қандай эътирозсиз амирал-муслимин амру фармонига содиқ. Лекин, халифанинг менга бўлган иззату эҳтиромидан мамнунман. Яна бир савол билан мурожаат этмоққа ижозати олий бўлурму?

— Сўзланг, амакижон. Сиз билан ҳамсуҳбат бўлиш бизга хузур бағишлайди.

Ташаккур ишораси ўлароқ шайх Исмоил кўлларини кўксига қўйди.

— Не боисдан амирал-муслимин Ибн ал-Ҳодийни ўз қизларига муносиб билмагайлар?— сўради эҳтиром билан.— Ахир ҳар иккиси ҳам гўрлари нурга тўлгур жаннатмакон боболари олийнасаб, адолатпарвар халифа ал-Мансур пушти камаридан тарқаган фарзандлар-ку!

— Мен жияним қизимга муносиб эмас деётганим йўқ,— жавоб қилди Хорун ар-Рашид кўлидаги халифалик асосини маҳкамроқ сиқиб,— шубҳасиз, қизим энг эҳтиромли кимсага узатилғуси. Қошингизда чуқур таассуф билдиришдан ўзга иложим йўқ, амакижон, бир оз кечикдингиз. Аълия фотиҳа қилинган.

— Фотиҳа қилинган?!— сесканиб кетди нафаси бўғзига тиқилган шайх, бу борада ҳеч қандай ошкора овоза қилинмаганидан ҳайратланиб.— Афв этинг, амирал-муслимин! Аввалроқ хабар топганимда эди, бундай илтижо бялан сизни ташвишга қўймаган бўлурдим.— Халифа тахт устида безовта қимирлаб қўйди. Оқсоқол ўз фаҳм-фаросати билан ўрнидан туриб, чиқиб кетар, деб ўйлади. Аммо шайх Исмоил ўрнидан кўзғалмади. Ноилож Хорун ар-Рашид гапни аниқроқ тушунтирди:

— Вазир Жаъфар ибн Яҳё худди жиянимиз каби бизга амакивачча бўлмиш Иброҳим ибн Абдулмалик учун қизим Аълияни сўратди. Амакижон, мен сизга йўқ демадим, бироқ фотиҳа муҳри Оллоҳ эканлиги ўзингизга аён. Куёв бўлмишнинг насаби ҳам Ҳошимий-ку!— Оқсоқол лабларини тишлаб, бирон ноўрин гап айтиб юборишдан ўзини аранг тийиб турарди. Буни қаранг, ҳозиргина ҳимоя қилмоқчи бўлиб тургани Бармакий уни доғда қолдирибди!

— Майли, жиянимизнинг ўзга бир тилаги бўлса, изҳор этсин, — деркан, Хорун ар-Рашид Ибн ал-Ҳодийнинг асл мақсади нимада эканлигини аниқлашни дилига тугиб қўйди.

Қирқинчи боб

ЯНА БИР МАҒЛУБИЯТ

Шайх Исмоил тетиклашди: совчилик барбод бўлди, энди бу гапни унутмоқ керак, шунинг учун ҳам бу нохушликни кўнгилдан чиқаришга уринаётган халифанинг марҳаматини ганимат билмоқ даркор!

— Фотиҳани бузиб, ваъдадан айниш — Ҳошимий учун ор-номус, — деди шайх. — Мен буни жуда яхши идрок этурман. Мен Ибн ал-Ҳодийга обрў-эътиборини кўтариш борасида ширин ваъдалар қилгандим. Ваъдага вафо қилмоқ вожиб.

Хорун ар-Рашид шайх Исмоилнинг куйиб-пишиб ҳаракат қилаётганини диққат билан кузатарди — оқсоқол ўспирин йигитни тизгинламоқчи; халифалик манфаати учун бу хайрли иш, албатта. Лекин амирал-муслимин ўз ишига суқулганларни ёқтирмасди.

— Салтанатни мустаҳкамлаш борасидаги хатти-ҳаракатларингиз бизга маълум, буни аъло даражада қадрлаймиз. Донишмандлар маслаҳати ҳокимият асоси, — деди ғижиниб. — Хўш, Ибн ал-Ҳодий борасида қандай маслаҳатга келсак экан?

— Оллоҳ амирал-муслиминнинг умрини боқий қилғай, жиянининг қисмати борасида ғамхўрлик кўрсатмоғи ва менинг бу ишдаги жаҳду жадалим хусусида яхши фикрда эканлигидан бағоят бахтиёрман. Фикри ожизимча, ўспирин йигит юксак мартабага сазовор, — деди шайх Исмоил ва жим бўлиб қолди. Сўнг такаллуф билан сўзлади: — Аниқ бир нарса дейиш мушкул... Эҳтимол, унга Миср ва ё Хуросон ҳокимлигини берса бўлурмиди...

— Таассуф, амакижон, кўп таассуф қилурмен! — хитоб қилди Хорун ар-Рашид кафлларини белига қўйиб. Пешонаси тиришиб, ажинлар пайдо бўлди. — Кеча эрталаб Миср ҳокимлигини бўлажак куёвимизга марҳамат этдик, Хуросон бўлса аллақачонлар вазирга ваъда қилинган. Ҳозирча бу сир, вале, амакижон, ҳар қанча бекитиқча сир бўлмасин, сиздан яширишга ҳаққим йўқ.

Зарба кучли эди. Шайх Исмоил бошини қуйи солди ва шу ондаёқ ўзини ўнглаб олди.

— Амирал-муслимин, Оллоҳ ўз марҳаматини ундан дариг тутмағай, кўнглимда борини арз этмоққа ижозат берурмисиз?

Жоиз ижозат бўлгач, томоқ қириб сўз бошлади:

— Мен кексайиб қолган одамман, ҳаётда ўз мавқеимни яхши биламан. Халифаликка садоқатим равшан, хоҳишим шулки, амирал-муслимин муҳри зарб этилган салтанат узуги Хорун ар-Рашид бармоғида боқий қолғай, ҳазрат пайғамбарнинг табаррук ридоси елкаларида собит турғай. Мабодо Ибн ал-Ҳодий фитна борасида ўйлайдиган бўлса, бу хабар дарҳол Хорун ар-Рашид қулоғига етгай. Бу хайрли иш менинг зиммамда. Халифалик манфаати ваъда ва қасамлардан кўра муҳимроқ. Бироқ, фитнаю фасод илдизини буткул қирқиб ташламоқ даркор. Ташқи ғалваларнинг ўзи ҳам етиб ортади: румийлар Кастантинада ҳукм сурмоқда, умавийлар Андалусияга қочиб кетди. Биз Ҳошимийлар ҳар қачонгидан кўра ҳам жипслашмоғимиз зарур. Бир ёқадан бош чиқаришнинг энг яхши воситаси, фикри ожизимча, энг яқин қариндош-уруғларни Басрада сақлаб, ишрат ва разолат ботқоғига ботириш эмас, балки улардан халифалик хизматида истифода этмоқ, олий мартабаларга мушарраф қилмоқдир.

— Жуда соз, амакижон, биз аллақачон маслаҳатларингизга амал қила

бошлаганмиз!— гапни чўрт кесди Хорун ар-Рашид ғазабини зўрға босиб.— Мисрни, эшитганингиздек, Ҳошимий бошқаради. Ибн ал-Ҳодийни қаерга қўйса экан?

— Менда бир фикр бор эди...

— Гапиринг!

— Уни учинчи валиаҳд этиб тайинланса, қандай бўларкин?

— Нима-нима?!— Хорун ар-Рашид ғазабидан бир тўлғониб, ўрнидан сапчиб турди ва тахтдан пастга тушди. Халифалик ҳассаси қўлидан бир томонга отилиб кетди, пайғамбар ридоси елкасида илиниб қолди.

— Ҳа-ҳа, ҳали Ибн ал-Ҳодийнинг густохлиги шу даражага бориб етди-ми?!— амирал-муслимин елкасида осилиб қолган пайғамбар ридосини тўғрилаб, ғазабига чидолмай хонада ҳайқириб, чир айланиб бақирарди:— Мумкин эмас! Эшитдингизми, мумкин эмас!

Шайх Исмоил дик этиб ўриндикдан тураркан, ичидан зил кетди, нима қилишини билмай, каловланиб қолди, орқаси билан эшик томон тисарила бошлади. Дарғазаб халифадан ҳайқиқиб эмас, саройнинг расм-русумларини бузишни ўзига эп билмади: халифа ўрнидан кўзғалдимиди, қабул тугади деган гап эди. Индамай чиқиб кетиш оқсоқолга эриш туюлди. Эшик олдида бир сония тўхтаб деди:

— Амирал-муслимин меҳру шафқатларини сунистеъмол қилдим, чигал муаммоларни тилга олиб, яхши иш қилмадим. Дағаллик учун афв қилгайсиз.

Девор олдида туриб қолган Хорун ар-Рашид Курьон оятларига тикилиб қолди. Аста ўгирилди. Юзларида яна табассум ўйнади.

— Амакижонимиз эътиборга сазовор инсон,— деди мулойим оҳангда.— Ул зотдан хафа бўлишимиз ноўрин. Биз тарафдан содир бўлмиш қўполлик шахсан кишига қарши айтилган аччиқ сўзлар эмас. Мутлақо. У кишининг ўзига бўлган иззату эҳтиромимиз чексиз. Энг донишманд Ҳошимийлардан бирини ҳурмат этмаслик — гумроҳлик. Фақат унинг илтимосини ўрнига етказолмаганимиздан таассуфдамиз.— Оқсоқол халифа сўзларининг қиммати-ни яхши билар, тилининг тагида тилчаги борлигини хўб синаганди.

— Амирал-муслиминнинг хайрихоҳлигидан беҳад миннатдорман,— деди-да, шайх Исмоил ўзича ўйлади: «Ўзинг одам бўлиб, бирон марта рост гапирганмисан?» Сўнг қўшиб қўйди:— Иқбол юлдузи соядан офтобга чиқмаган Ибн ал-Ҳодий тақдирига мотамсаролик қисматим экан. Кетмоққа ижозат бергайсиз.

— Шуниси маъкулроқ бўлур, амакижон. Холи қолмоғимиз дуруст,— жавоб қилди Хорун ар-Рашид ва шайх Исмоил хонадан тисарилиб чиқиб кетмагунча, ундан кўзини узмади.

Қирқ биринчи боб

АБДУЛМАЛИК ИБН СОЛИҲ ВА АБДУЛМАЛИК ИБН БАҲРОМ

— Амирал-муслимин вақти-соати билан сенга муносиб бирон мартаба лутф этмоқни ваъда қилди. У ҳам худди мен каби Аълияга уйланиш борасидаги орзуйнинг рўёбга чиқмаганидан чуқур таассуфда. Биз сен билан кеч қолибмиз, холос. Нима ҳам қилардик!.. Сабр-қаноат — энг аъло донишмандлик. Ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилганича йўқ, иқболнинг олдинда,— деди халифа ҳузурда бўлган гап-сўзлар тафсилотини тамомларкан шайх Исмоил. У бутун салоҳиятини ишга солиб, Ибн ал-Ҳодийни хотиржам қилишга, қалбида умид учқунларини сўндирмасликка интиларди. Учинчи валиаҳдлик ё бирон олий мартаба иноят этилиши борасидаги жаҳду жадалидан бир иш чиқаролмаганлиги ҳақида эса эҳтиёткорлик юзасидан оғиз очмай қўя қолди. Кун ҳам қиёмига келганди. Ҳошимийлар оқсоқолининг Бағдоддаги чоғроқ

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

саройи пешайвонини офтобнинг сўнгги хира нурлари сийпалаб ўтди. Оқсоқол қаттиқ ранжиган. Бутун йўл бўйи қаерда ва нимада хатога йўл қўйдим, дея хаёл суриб кетди. Ўқтин-ўқтин ғамгин хаёллардан фориг бўлиш умидида бирга келаётган хизматкорлар аҳволига назар соларди: улар осуда, — хожасини эзаётган ғам-андухдан парвойи фалак...

— Ҳай, нима бўлса — шу-да! — уҳ тортди Ибн ал-Ҳодий, — Сиз йўғингизда Аълиянинг қандай фотиҳа қилинганини суриштириб билдим.

— Йўқ, — дея иқроф бўлди шайх Исмоил ва шу ондаёқ қўшиб қўйди: — Ҳар қалай ўйлайманки... Иброҳим — Абдулмаликнинг ўғли. Унинг вазир билан ораларидан қил ўтмайди. Ҳошимийлар орасида эса бундайлар жуда камдан-кам учрайди. Фикримча, Жаъфар ибн Яҳё Абдулмаликнинг илтимосига кўра совчилик қилиб орага тушган. Ахир, Иброҳим ҳам худди сенга ўхшаш Аълияга яқин амакивачча, унинг ҳам худди сен каби халифага куёвлик ҳуқуқи бор.

— Водариг, гап худди шундай бўлганида майли эди-я! — оҳ чекди ўспирин йигит. — Вазир ҳеч кимни назар-писанд қилмайди, кўнглига нима келса, шуни қилади, бизни истаганча таҳқирлайди. Бугун эрталаб унинг хизматкори бўлмиш ишончли кимса менга хабар қилди. Унинг айтишича, ўтган куни Жаъфар ибн Яҳё саройида ишрат базми тузилган, бошдан-оёқ шоҳи ва асл тошларга беланган қулвачча ўз муқарриблари билан мириқиб хурсандчилик қилган. Базми жамшид бўлиши аниқ эди, шунинг учун вазир хўжалик бошқарувчиси Абдулмалик ибн Баҳромдан бўлак кимсани яқин йўлатмасликни амр этган. Амирал-мажлис бўлса аниқ гаини эшитолмаган, Абдулмалик деган сўзигина кулоғида қолган, вассалом. Иттифоқо Абдулмалик ибн Баҳром қандайдир юмуш билан ҳаяллаб қолган. Базми жамшид борасида эса бошқа Абдулмалик — Иброҳимнинг отаси Абдулмалик ибн Солиҳ хабар топган. Бу кимса қачонлардан бери ўғлини тузукроқ жойга ўрнаштириб, ўз ишларини ўнглаб олиш йўлини қидирарди. У Жаъфар ибн Яҳё сархушлик мақомига етишмоғини мўлжаллаб, кейин саройга кириб келган.

Амирал-мажлис ҳеч гапдан беҳабар, кутилаётган кимса шу Абдулмалик деб ўйлаб, вазирга: «Абдулмалик келди! Киришига ижозат бўлурму?» — деган. «Сенга фармойиш берилган-ку, — дея бақирган Жаъфар ибн Яҳё, — дарҳол ҳозир бўлсин».

Базми жамшид авжида, барча шароб сипқормоқда, бирдан эшик очилиб, остонада қора жубба ва саллали, наинки шароб, ҳатто хурмо шарбатини ҳам оғзига олмайдиган тақводор Абдулмалик ибн Солиҳ пайдо бўлади. Аҳли мажлис саросимада, муқарриблар хижолатда, мезбон эса нима қиларини билмай ҳайрон. Абдулмалик, омад ўз оёғи билан келганини дарҳол фаҳмлайди. Бахт қушини қўлдан чиқармасликка интилиб, «мастона жом» келтиришларини илтимос қилади. Гап нима билан тугагини ўйлаб-нетиб ўтирмай, Жаъфар ибн Яҳё амр қилади. Тақводор ҳеч тараддудсиз ола-була ақиқ қадаҳга қўл чўзиб, барчанинг кўз ўнгида шаробни охиригача сипқорарди. Унга иккинчи қадаҳни тутадилар. Маккор тақводор одам бор овози билан: «Ниҳоят орзуларим ушалди! Бисмиллоҳир роҳмонир роҳим!» дейди. Вазир хурсандчилигининг чеки йўқ, — бўлмаса-чи, ҳамма иш хамирдан қил суғургандек битди-да! У пайдарнай шароб сипқораркан, бор овози билан аҳли мажлисга дейди: «Эй Абдулмалик, саройимга эндигина қадам ранжида қилибсан! Меҳмонимсан. Меҳмон қадри ҳамма нарсадан улуғ. Дейдиларки:

Меҳмон келган ерга ёғмиш худонинг раҳмати,

Кўтарилгай ул замон ҳам офатю меҳнати!

Тила тилагингни! Барчасини адо этурмен!»

Абдулмаликка худди мана шуниси керак эди. «Халифанинг мendan кўнгли қолган», — дейди аввалига. «Халифа сендан мамнун бўлгай!» — дея

наъра тортади вазир: «Тўрт минг дирхам қарзим бор», — дейди Абдулмалик. «Энди ҳеч қандай қарзинг қолмади!» — дея ишонтиради сармаст бўлиб қолган қулвачча. — Халифанинг марҳамат уммонидан баҳраманд бўлғайсан: қизи Аълияни ўғлингга фотиҳа қилғаймиз, боз устига Иброҳимга Миср ҳокимлиги инъом этилғай».

Шайх Исмоилнинг ғазаби қайнади. Аммо сир бой бермасликка ҳаракат қилиб томоқ қириб олди ва ўзини аранг қўлга олиб, деди:

— Ҳовлиқма, бўтам! Буларнинг барчаси айғоқчининг гаплари. Унинг гап-сўзларига ишониб бўлмайди. Сендан кўпроқ дирхам ундириш илинжида кўшиб-чатиб гапиреди.

— Эй устоз, сиз ўзи ҳеч кимсага ишонмайсиз! — эътироз билдирди ўспирин: — Яна ал-Аминни ишратбозликда айблайсиз. Қулваччанинг қил-мишлари эса барчага аён! Аълия эса шаробхўрлик қурбони. Яна халифа эмиш! Қизини Иброҳимга бермоққа рози бўлибди! Унинг бошида алам¹ кўтариб, Миср ҳокими этиб тайинлабди.

— Кўявер, ҳақиқатни вақт кўрсатади, — деди шайх Исмоил. — Энди биз бундан бу ёғига нима иш қилишимиз лозимлигини келишиб олмоғимиз зарур. Сен ҳозироқ Басрага жўна. Мен икки куллардан кейин етиб борурман.

Ибн ал-Ҳодий оқсоқолга эътироз билдиришга журъат этмади. Оқсоқол билан хайр-хўшлашгач, Бағдоддан жўнаб кетишдан олдин, Фазл билан кўришиб, янги хабарлар, Аълиянинг узатилиши ҳақидаги овозалар борасида у билан фикрлашмоқчи бўлди.

Сарой муқаррибининг калласи шишиб, хафагазак бир ҳолатда эди. Чунки опаси ҳузуридан сархуш қайтган ал-Амин Алавий ҳақидаги хабарни халифа қулоғига етказишнинг энг қулай воситасини ўйлаб топишини буюрган эди. Ибн ал-Ҳодий ўзида йўқ қувониб кетди: вазирга қарши фитна тайёрланмоқда! Жуда соз!

— Нима қарорга келдинг? — деди тоқати тоқ бўлиб.

— Вақт кутиб турмайди.

— Фитнага монанд шеър Абул Атахияда бор. — Тўнғиллаб деди Фазл. — Уни қандай етказиш керак — ҳамма гап шунда. Бир неча усул ўйлаб кўрилса, ёмон бўлмасди.

Мошоллоҳ! Ким ўқиб бериши мумкин?

— Агар мўмай пул тўланса, шоирнинг ўзи ўқиб беради.

— Аббосанинг болалари топилдими? — бирдан эсига тушиб сўради ўспирин йигит, — улар жуда қўл келарди-да.

— Керак вақтида қўлимизда бўлади, — очиқ жавоб бергиси келмай деди Фазл. У гапни кўпайтириб ўтиришни истамади. Қандай қилиб бўлмасин амирал-муслимин қўлидан ҳукмронликни тортиб олиш дардида юрган Ибн ал-Ҳодийдан фарқли ўлароқ, муқарриб халифанинг ўзига қарши бўладиган хавфли ўйинга аралашини хаёлига ҳам келтирмасди. Қайси ҳукмдор ҳузурида бўлмасин — у Хорун ар-Рашидми ё бошқасими, унга барибир эмасми, ишқилиб вазир бўлиб олса бўлгани! Жаъфар ибн Яҳё Бармакий бутунлай бошқа гап! Уларни тахтдан тобутга тортиш учун Фазл исталган фитнага бош қўшини таяёр!

— Таассуфки, устоз менинг Басрага қайтиб кетишимни буюрди, — деди ўспирин йигит.

— Вазирнинг куни битиб қолди, иншооллоҳ. Мурод-мақсадимга эришмоқ фурсати ҳам яқин. — Муқарриб боши билан тасдиқ ишорасини билдирди. — Ҳар иш Оллоҳ ихтиёрида!

¹ Ҳокимият байроғи маъносида.

Қирқ иккинчи боб

ХАЛИФАНИНГ ТАНҲО ЎЗИ

Шайх Исмоил кетгач, Хорун ар-Рашид чуқур хаёлга ботди. Нохуш оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган беҳуда гап-сўзлар бўлиб ўтди. Халифа икки ўртада бўлиб ўтган гап-сўзларни бирма-бир хаёлида тиклашга уринди. Ҳошимий сўзларининг тагида қандайдир хуфия мақсад яширин эмасмикин? Оқсоқолга ҳаққоний жавоб қилолдимми? Бирон хато ва ё камчиликка йўл қўймадиммикин? Йўқ, ҳаммаси тўғри ва ҳаққоний айтилди. Амирал-муслимин худди ана шундай жавоб қилиши керак эди-да. Лекин, барибир ичини ит тирнади. Анчадан бери Хорун ар-Рашид Бармакийларга чуқур эътиқод қўйган. Бу иши аслида тўғрими? Вазирнинг обрў-эътибори кундан-кунга ошиб бормоқда... Бир неча огоҳлантириш ва шамалар қулоғига аллақачон етказилди! Ҳозирча халифанинг на қариндош-уруғлари, на амакиваччалари ва на жиянлари шу қадар катта кудрат касб этолган. Тағин фитнаю ғалаёнлар бошланиб кетмасмикин? Ҳозирги кунда эҳтиёткорлик қанчалар зарур-а! Жаъфар ибн Яхё жуда керакли одам, буни инкор қилиб бўлмайди. Бармакийлар ўз ишларига пухта. Улар қилаётган фойдали ишлар туфайли кўп нарсани кечириш мумкин. Кўп нарсаними ё барчасиними?.. Вазирнинг ишбилармонлиги туфайли амирал-муслимин кундалик ташвиш ва халифаликни идора қилишдек оғир юмушдан халос этилган. Бироқ барча чора-тадбирларда ҳам давлатнинг асл манфаатлари йўлида иш тугилмоқдами? Жаъфар ибн Яхё форс — форс бўлганда ҳам қандай: жон-тани, фикру зикри билан, сочидан тирноғигача хуросонлик руҳияти омухта. Фаҳмимча, у исёнкор ал-Алавийни қўллаб-қувватлайди. Уларнинг ҳар иккиси ҳам хуросонлик...

Хорун ар-Рашид хонада нари-бери юраркан, ерда ётган шоҳона ҳассага кўзи тушди. Ҳассани ердан кўтараркан, боя шайх Исмоил билан суҳбат асносида ўтирган болиш тагидаги буклоғлик қоғозни кўрди. Бу қанақа мўъжиза ўзи! Хонага зоғ кирган бўлмаса! Қандай қилиб қоғоз бу ерда пайдо бўлиб қолди?

Халифа қоғозни очиб, нотаниш, жўртгага ажи-бужи қилиб битилган ҳажвияни ўқишга тутинди. Ўқиди-ю, хуши бошидан учди. Миясига қон ургандек бўлди. Чуқур оҳ тортиб, охирги мисраларни такрор ўқиди:

Кул ҳурмат қилмаса ҳукмдорни гар,
Салтанатга иснод солиб кеккаяр.
То ҳукмдордан у бўлмас миннатдор,
Қолар пасткаш бўлиб, ожизликда, хор.

Аччиқ қасида! Буни ким ташладийкин? Теварак-атрофда қаллоблик, сотқинлик... Ё Оллоҳ, ўзинг паноҳ бер! Шеър қалбингни ўртаб, заҳарли наштардек санчилади. Бу ўз вазирага ҳомийлик қилгани учунми? Ғирт масҳарабозлик-ку! Жаъфар ибн Яхёнинг давлатига айтиб ҳам, етиб ҳам бўлмайди, хазина унинг ихтиёрида, унга Хуросон ваъда қилинган. Минг лаънат! Қачонгача вазирнинг эътибори ортиб боради? Охир-оқибатда бу иш халифалик ишига хавф солмасмикин? Бу можароларга чек қўйиш вақти етди! Ҳажвияда бўҳтон ҳам бўлиши мумкинлигини Хорун ар-Рашид ўйлаб ҳам ўтирмади. У бошқа бир ҳажвияни эслаб, овоз чиқариб ўқиди:

Бўлса агар сенинг қўлинг шиддаткор,
Нашонга тегади ўқинг баякбор.
Куркув тузоғида қолар бўлсанг гар,
Шаксия етилади кескин режалар.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Учишни ўрганиб агар чумоли,
Эртага танг бўлса кушларнинг қоли,
Руҳингни баландроқ тутгин-да, сентез
Махлуқларнинг ҳамма-ҳаммасини эз.

Хорун ар-Рашид гўё кўринмас ганимларга ҳамла қилгандек, шоҳона ҳассани ҳавода ўйнатди.

Зару олтинлар, қимматбаҳо ашёлар, Исломнинг табаррук обидаси! Мабо-до у дунёи фонийдан кўз юмиб, боқий оламга рихлат қилгудек бўлса, улар-нинг барчаси вазирга қоладими? Ал-Аминнинг иродаси заиф, тентакнамо, тожу тахтни эплолмайди. Ҳа, ал-Маъмун бор-ку. У эглайди. Бироқ у ярим араб, ярим форс, Жаъфар ибн Яҳёнинг кўз ўнгида ўсди, Аббосийларниқига қараганда унинг ниятлари ўзгачароқ. Ҳа-я, унинг ўзи қай тариқа ва-лиаҳдликка муяссар бўлиб олди? Вазирнинг илтимоси, тўғрироғи, унинг кутқуси билан амалга ошди бу иш. Ўшанда Жаъфар ибн Яҳё қанчалик жажду жадал қилиб, жонини жабборга бермади? Бунда бир фитна яширин эмасмикан? Наҳотки, сулола ҳукмронлиги барҳам топса?

Ғазабининг зўридан Хорун ар-Рашид бармоқларини тишларди.

Воқеалар оқимини ўзгартиб, тарихни орқага қайтариб, хорижийлардан халос ўлиб, Аббосийлар ҳокимиятини барқарор қилиш мумкин бўлармикан?

У тишларини ғижирлатди. Яна ҳажвияни эслади:

Шунчалар журъатли эди бу ният
Ва кўп оқилона қилинганди ҳал,
Энди эса ишлар чалкашди ғоят,
Ва бизни шубҳалар енгди бемаҳал.
Ахир одамларга нечоғлик кийин,
Сигир сутин қайта куймоқ елинга.
Бизнинг шу кундаги режадан кейин
Ишонмай қолганинг каби йўлингга.
Бизга панд берганда башарти тақдир,
Қўрқаман, булардик ўлмоқдан бери.
У зилиб кетарди шу заҳот бир-бир,
Бизнинг ишни чатган зафар чалвири.

Вазирнинг дўстлари, ҳамтовоқлари бисёр, уни амирлар ёқлайди, олижа-ноб шахслар уни қўллаб-қувватлайди, вазир улар наздида муҳтарам. Хорун ар-Рашид дарпарда олдида тўхтаб, шоҳона ҳассаси билан унинг қатларини очди ва унда битилган шеърий мисраларни овоз чиқариб ўқишга тутинди:

Шошилмагин сира жиддий иш чоғи,
Ақлини ишлатган югади тайин.
Нимани олдиндан кўрмадик, токи
Уни удаламоқ мушкулдир кейин.
Ҳатолардан ўзинг оқлашга асос
Ахтариб, руҳингни эзмасин ғамлар.
Барча умидларинг — вазни йўқ бир хас;
Сени кечирмайди зинҳор одамлар!

Руҳи бирмунча таскин топди.

«Қасидани ким ташлади?— Неча бор ўз-ўзига савол қиларди халифа.— Балки, бунинг барчаси бўҳтондир? Киши ҳақ бўлса, ўғринча иш тутмасди. Ҳар нарса бўлиши мумкин, ҳар нарса бўлиши мумкин, ҳар нарсани кутиш мумкин»...

Қирқ учинчи боб

АМИРАЛ-МУСЛИМИН ОСТОНАСИДА

Халифа хонада у бурчакдан бу бурчакка танҳо ва ғамгин бориб келаркан, парда орқасидан қул ёнламасига чиқиб келди.

— Гапир!— ижозат берди юришдан тўхтаб Хорун ар-Рашид.

— Эй соҳиби давлат!— деди титроқ овозда қул.— Эрталабдан бери сарой аёёнлари лутфингизга мунтазир. Қабул қилгайларму ё йўқ?

— Кимлар экан?— савол қиларкан халифа ўзича ўйлади: «Эй Оллоҳ, нақадар тинчликка муҳтожман! Ҳеч гап кўнглимга сиғмайди! Барчасини қувлаб (улар шу қадар жонимга тегдики) юбориб, танҳо ўзим қолсам-чи? Йўқ, мутлақо... ғийбат, фисқу фасод авжига чиқади, иш бундан ҳам баттарроқ бўлади...»

Қулнинг титроқ овози узоқдан келаётгандек туюларди:

— Ҳар вақтдагидек, бутун Бағдод зодагонлари... амирлар, хорижийлар... яна бир бор, меҳру саховатингиз уммонидан бахраманд бўлиш орзусида...

— Хорижийларни бафуржа қабул қилурман,— деди у дарҳол.— Хазинабон совға-саломларни тахт қилиб қўйсин. Зодагонлар сабр қилсин... яна кимлар бор? — Алломалар, соҳиби давлатим: ал-Усмон, Абу Убайда, ал-Қисон.

Хорун ар-Рашид бетоқатлик билан қўл силтаркан: «Дийдорларини кўрмай! Уларсиз ҳам кўнглимга қил сиғмай турибди»,— деб юборишдан ўзини аранг тутиб қолди.

— Амри ҳукмдор вожиб!— деди бир гапни англагандай қул.— Шоирлардан Абу Нувос, Абул Атахия, Марвон ибн Хафсий қадам ранжида этишган.

Хорун ар-Рашиднинг чеҳраси ёришгандек бўлди.

— Уларни чақиртиурман. Муздек шарбатлар сақланувчи ертўлалик хонада кутиб туришсин.

Марвон ибн Абу Хафсийнинг вазир ва унинг ҳомийларини ҳажв этувчи шеър амирал-муслимига жуда хуш келарди, аммо бугун ҳажв эшитишга ҳафсаласи йўқроқ. Яна бош қотириб, имо-ишорали топишмоққа жавоб ахтаришми? Худо асрасин!

— Қулоқларимизга хузур бағишловчи эркак ва аёл хонандалар хизматга шайми?— сўради халифа.

— Эй давлатпаноҳим, улар хизматингизга аллақачон шай!— деди халифанинг ғазаби тарқалаётганини фаҳмлаган қул ич-ичидан севиниб.— Икки тоифа хонандалар хизматга шай: бири, биродарингиз Иброҳим Ибн ал-Маҳдий ҳофизлари гуруҳидан Ибн Жамна, Яҳё ал-Маккавий, Ибн Набо, Ибн Абу Авро ва Исҳоқ ал-Мосулий гуруҳидан бўлмиш ҳофизлар...

— Қандай хониш қилиш борасида яна мунозара бошламоқчиларми?— гапни бўлди Хорун ар-Рашид,— жонимга тегди уларнинг тортишувлари. Кимнинг ижроси яхши эканлигини менсиз ҳал этсинлар. Чақир Барсумани, най чалсин ва Абу Зақарони: бу ногироннинг қўлида рубоб гўё сайрайди. Яна қизиқчи Ҳусайини ҳам қўйиб юбор. Лекин, хонишни сарой чўриларидан эшитурмиз. Дарвоқе... қани менинг Масрурим?

Парда ортидан жаллод ҳозир бўлди.

— Мен бу ерда, давлатпаноҳим!

— Иброҳим ал-Мосулийни қидириб топ.

Масрур турган еридан кимирламади.

— Ҳа?

— Давлатпаноҳим, бугун Мосулийни маъзур тутгайлар. Уни қаердан қидириб топишни билмасмен.

— Ҳа, баттол, қонимга ташна қилиб юбординг-ку, ахир!— деди унга дағдаға қилиб халифа.— Бундан кўра Имом Ҳусайн шаҳодатида¹ ҳозир

¹ Алининг ўғли Ҳусайннинг шаҳид этилишига ишора.

бўлганим афзалроқ эди. Йўқол кўзимдан! Иброҳим ал-Мосулийсиз кўзимга кўринма!

Масрур қандай пайдо бўлган бўлса, ундан ҳам тезроқ ғойиб бўлди.

Хорун ар-Рашид қарсақ чалиб, ҳозир бўлмиш пардабонга «мастона жом» келтиришни буюрди.

Парда тортилди-ю, шу ондаёқ амирал-жома халифа хонасига кириб келди. Унинг орқасидан кетма-кет қўлларида гулдор нақшин шоҳи уст кийим, ҳарир шоҳи салла, муаттар буюмлар ва шифобахш ёғупалар солинган идишларни кўтариб қуллар кирди. Уларга ҳамроҳ чўрилар исриқдонни айлангирардилар.

Амирал-жома чуқур эътиқод ва эҳтиром-ла ҳукмдор елкасидан ҳазрати пайғамбар ридосини олиб, қора жуббани ечишга ёрдамлашди. Ахта қуллар халифа эғнига ҳашамдор жома кийдириб, соч фарқларини тўғрилаб, бошига салла қўндириб, муаттар исли ёғупа суришди. Хорун ар-Рашид ўша Амирал-жома ҳамроҳлигида ишрат мажлиси қурилажак намойиш хонасига йўналди.

Халифа тахтга ўтириши биланоқ хонага хонтахта келтириб қўйилди. Хорун ар-Рашид эрталабдан бери туз тотмай, очиққан. У одатда танҳо ўзи овқатланарди. Овқат енгил-елпи эди. Амирал-пазанда алоҳида таълим берган ахта қуллар дастурхончилик қилар, навбатма-навбат хилма-хил овқатлар — қувват бўлувчи бўталоқ шўрва, миср ловияси сепилган тустовуқ гўшти, кабутар қовурма, шўрвали балиқ гўшти, юзига седона ва мурч сепилган нон, қиймали кўмма тортилди. Ширинликка мева суви, ҳолва, шакар билан қовурилган бодом ва писта келтирилди. Унинг кетидан жанубий Арабистондан келтирилган узумларнинг «Сигир кўзи», «Шишача», «Ҳасайний», «Ҳусайний» навлари манзур этилди. Узумларнинг ҳар боши кумуш баркашларга аранг сиғарди.

Кимхоб дарпарда орқасидан бўғиқ мусиқа эшитиларди. Хорун ар-Рашид таом тановул қилиб бўлгач, оҳанглар тинди. Шу ондаёқ кимдир уд чалиб, кўшиқ бошлаб юборди. Кўшиқ янги ва оҳангдор эди. Халифа пешонасидаги ажинлар ёзила борди.

— Ким бу?— дея савол бериб, мақтаб қўйди.— Уни Оллоҳ ярлақай! Жуда соз!

— Карнафлэл-Марнафлэл,— чийиллади шоҳи дарпарда ортидан масхарабоз,— унинг овоз-мовози, чиннигулдек муаттар! Султоним ҳидлаб кўрса, ўзи ҳам инонарди.

— Карнафлэл дейсанми?— қайта сўради Хорун ар-Рашид.— Ҳа, Оллоҳнинг ғазабига йўлиққур, ҳеч эслолмаётибман.

— Оллоҳнинг ўзи ҳам эслолмаса керак, султоним,— гапида давом этди масхарабоз шоҳи дарпарда ортидан чиқмай.— Буниси янги чўрилардан. Шундай узумки, оҳ, оғзингнинг суви келади, қўй-чи,— чиннигул! Бадавлат ва бир оз кўхлик бўлганимда борми, қўлдан чиқармасдим. Умринг узоқ бўлиб, ризқинг фаровон бўлгур биринчи валиаҳд тортиғи. Қуйла, Карнафлэл, қуйлайбер, оппоғим! Сен халифага манзур бўлдинг, ёруғ юлдузим! Омадинг бор экан, дўмбоғим! Ҳай дариғ, мен сенинг ўрнингда бўлганимда борми? Шапалоқ ва тепкини камроқ ермидим!

Хона сарой аёнлари билан тўлди. Амирал-муслимин чехрасида ўйнаган табассумни кўриб ҳиринглашарди.

— Мен йиғлайман, бекорчилар куларлар!— ғазаб отига минарди масхарабоз Ҳусайн.— Кулиб қолинг, инсу жинслар! Мен ҳам сизлар билан биргалашиб кулай. Панжаларимни каттароқ очғум. Ха-ха-ха! Шошмай тур, сенларними!— таҳдид қиларди у.— Оллоҳ ризоси бўлса, мен ҳам чиннигулга айланиб қолғум! Лекин, сизлардек бўқчақорин тарвуз бўлибмас, асло! Ебтўймас бўқча қорнингизда ҳазм бўлиб кетиш учунмас. У жойингиз зулматдан ўтган зулмат. Қуйла, Карнафлэл, қуйла, оппоғим! Кўркма, ўйнаб оқар ариқчам! Оллоҳ мени шу зайлда қолдирғай. Ҳой, сиз тарвуз-марвузлар, у қулоқ-бу қулоғингиз билан эшитиб олинглар: тилимга илинганнинг ҳолига

вою шўри қуриғай! Валлох, аччиқ-чучук сўзларимни қулоққа олмаганларнинг икки бор шўри қуриғай, вассалом!

Сарой аъёнлари бараварига хохолашарди. Лекин халифа лабида ўйнаган табассум йўқолганини кўриб, улар бирдан жимиб қолишди. Халифа эса вужудини яна шубҳа ва даҳшат чулғаб олаётганини ҳис қила бошлагач, катта елпигични пастроқ туширинг дея қулларга ишорат қилди. Ёт кишилар унинг юзу кўз ҳолатини кўрмасликлари лозим. Қуллар эса бу ҳисобга кирмайди.

— Суюкли ўғлим тортиғидан мамнунман!— деди халифа елпигичлар паназида енгил тин оларкан ва шу ондаёқ яна ғазабн кўзғай бошлади.— Оллоҳнинг ғазабига йўлиққур Иброҳим ал-Мосулий қани?

— Масрур ҳали қайтиб келганича йўқ,— жавоб қилди амирал-мажлис. Қандай бўлмасин, халифанинг кўнглини овлаб, яна унинг ғазабини кўзғамаслик борасида зўр бериб бош қотирарди.

— Чорланг менинг энг яхши хонанда чўриларимни,— амр этди Хорун ар-Рашид.— Ва шароб келтиринг!

Қирқ тўртинчи боб

ХАЛИФА ҲУЗУРИДА БАЗМИ ЖАМШИД

Абадият қасрида рубоб, уд, танбур жўрлигида амирал-муслиминга ором бахш этувчи икки минг канизак, уч юзта чўри хонандалар ҳар вақт хизматга ҳозир унозир эди. Базми жамшид учун улардан энг саралари танлаб олинганди.

Амирал-шароб ишораси билан қуллар устига биллур, олтин, кумуш қадаҳлар, қутлуғ раббел шароблари, хурмо ва ўрик шарбатлари, олма шираси, бол шароб ва мева шиниларидан тайёрланган анвойи ичимликлар тўла нақшин кўзалар терилган кенг хонтахтани хонага олиб киришди. Ҳар гал қадаҳлар тўлдирилганда хонанда қизлар янги бир куйни бошлашар, уларга Барсума ва Абу Закардек донгдор машшоқлар жўр бўлишарди.

Халифа ишорасига мувофиқ амирал-мажлис ишратгоҳга шоирларни таклиф қиларкан, Хорун ар-Рашид:

— Бугун Абу Нувос бизни не билан мамнун қилур?— дея савол ташлади. Шоирлар ҳар вақт эҳтиёт юзасидан янги битилган шеърларини сақлаб қўяр эдилар. Халифа Абу Нувоснинг рубоийсини қизиқиш билан тинглаб, унга ташаккур айтгач, Марвон ибн Абу Ҳафсийга юзланди. У амирал-муслиминни кўкларга кўтариб мадҳ этувчи қасидасини, вазир ва ал-Алавий ҳажв этилган шеърларини қироат билан ўқишга тутинди.

— Бу гаплар бугун кетмайди!— шоир сўзини чўрт кесди дағдағали ҳайқирик.— Ўқи сен, Абул Атахия! Шеърларингдан кўпроқ дил ҳаловат топади.

— Менми?— ижикилаб сўради шоир.— Аммо... қаламкаш ҳамкасбларим шеър айтиш бобида мендан кам эмаслар, эй амирал-муслимин, ашъор сатрлари тўп ўқлари эмаски, уни ғанимлар устига ёғдирилса. Ошиқона ашъор — фаҳш гуллари, демиш кимса ва ҳақ гапни айтмиш.

— Ҳақиқий шеър ҳар вақт фаҳший заминда гуллайди!— деди хитобан Хорун ар-Рашид жонланиб.— Сенга ўқи деб амр этдик.

— Амри подшоҳ вожиб! Ижозатингиз билан бир оз эслаб олай,— тамшанди Абул Атахия. Шеър ўқиш асносида ўзида камдан-кам учрайдиган хавфсираш аломатини ҳис қилди шоир.

Унинг бахти қулиб, эшик очилди-ю, хонага Масрур кириб келди. Хорун ар-Рашиднинг диққати жаллодга қаратилди.

— Ҳа, қўлтиқости теридек қўланса, бу сенми?— деди хириллаб халифа.— Қани Иброҳим ал-Мосулий? Нега кўзимга кўринмаяпти? Қалланг оғирлик қилганга ўхшайди-а!

— Хонанда остонангизда мунтазир, давлатпаноҳим!— мағрурона жавоб килди Масрур. Мен уни дунёнинг у чеккасидан топиб келтирдим.

— Ҳа, олиб келдим дегин!— халифа ғазаби тарқаётганини ҳис қилди.— Майли, энди дунёнинг бу чеккасига кела қолсин. Ҳофизнинг бунда бўлиши хонанда қизлар учун кони фойда.

Халифа кириб келган Иброҳим ал-Мосулийни ўлтиришга таклиф қиларкан:

— Сизни кўришдан бағоят мамнунмиз, устоз! Узр, бизнинг шодонлигимиз сизнинг хордигингиздан қимматроқ баҳоланур,— деди.

— Биз барчамиз амирал-муслиминнинг хоки пойнимиз!— деди таъзим-ла ҳофиз.— Бизни ўз ҳузурига чорлашлари биз хоксор қулларига шафқат ва ифтихордир.

— Янги хонишни тингла!

Халифа фармонига итоаткор хонанда қизлар мураббияси шоҳи пардани кўтариб, Карнафлэлни заррин қушча дея эркаларкан, хониш қилишни сўради. Иззату икромининг тагида гап бор эди-да: бордию хушовоз чўри халифага муқарриба бўлиб қолса-чи!

— Ия, Карнафлэл шундами?!— деди мамнунлик билан Иброҳим ал-Мосулий.— Унинг овозини Абадият қасрида тинглашдан бахтиёрман! Ноёб овоз. Бунақанги овоз оқбадан аёлларнинг биронтасида учрамайди. Ўзим уни парвариш этдим. Карнафлэлни тинглаш — ҳақиқий ҳузур-ҳаловат!

— Тўғри, овози ажойиб!— деди тан бериб халифа,— аммо жамоли баркамолини кўриш ҳали насиб бўлганича йўқ.

— Валлоҳ, чехраси ҳам овозидек баркамол!

— Ана холос! Ҳамма гап унга аён экан-ку!— чийиллади шоҳи парда ортидан масхарабоз Ҳусайн.— Соҳибдавлатим аминки, устоз, чўрини балиққўз бошқа ишга эмас, фақат хониш қилишга ўргатган. Унинг ҳусни, унинг латофати — бу, Оллоҳнинг лутфу инояти билан худди менинг кўйлагимнинг ўзгинаси!

Хорун ар-Рашиднинг юзи ёришиб, амирал-шаробга ишора қилди, ахта қуллар қадаҳ тутаркан:

— Ич, ҳофиз! Ҳусайнга эътибор берма, у лўттибоз, тили аччиқ,— дейишди.

— Тили аччиқ!— шоҳи парда ортидан овоз эшитилди.

— Ҳа, шундайин кўникиб қолдим! Амирал-оламнинг адолатпарварлигини қаранг-а: менга қуруқ гап-у, устозга қадаҳ! Ҳар қалай у ҳақ: кимнинг тили аччиқ бўлса, унга қултум шароб даркор эмас. Алдамчилар на учун ичарлар? Аслида бўлмаган ақлларини чархлаш учунми...

— Ҳой сен, бадмаст сарқит! Тун тувагининг ликилдоқ оёғи!— тўнғиллади халифа.— Ақлдан оздингми дейман. Бу қандай тентакнамо савол: Алдамчилар на учун ичурлар? Аслида бўлмаган ақлларини чархлаш учунми... Яна киноя қилаётган бўлмагин?

— Асло, соҳибдавлатим!— жавоб қилди нодир эшитиш қувватига эга Ҳусайн.— Бўм-бўшдир қадахим, ичмай бадмаст бўлмишам. Ҳар дам, ҳар ёнда мастман, абад шундоғ қолурман. Тилга келган сўзланур, ҳар сўзим кароматдур. Узр ношоён сўзга, у аталган устозга.

— Ё амирал-муслимин, у ҳақ!— деди Иброҳим ал-Мосулий масхарабозни қувватлаб.

Қирқ бешинчи боб

БАЗМИ ЖАМШИД НА БИЛАН ТУГАДИ

— Хонишинга мунтазирмиз, Карнафлэл,— деди илтифот билан халифа. Чўри бармоқлари билан уд торларини чертиб, хониш бошлади. Куй ва

қўшиқ бир маромда баланд пардаларда, худди азим дарё тўлқинларидек салобатли мавжларда янграй бошлади. Шу аснода шоҳи парда ортидан шивирлаш овозлари эшитилди: афтидан, канизаклар янги хонанда қизнинг муваффақияти борасида гапиришарди. Хорун ар-Рашид норози тарзда қошларини чмирган эдики, амирал-мажлис шу заҳотиёқ уларнинг овозини ўчирди.

Кўшиқ охирлагач, хонандалар мураббияси халифа тахти олдига келиб, таъзим бажо қилди.

— Сўзла!

— Ё раҳматуллоҳ амирал-муслимин, Карнафлэл истеъдодини тўла-тўқис намойиш қилмоққа ижозати олий бўлурму?— сўради итоаткорлик билан.— Ҳукмдорим истасалар, хонанда янги шеърни бир лаҳзада куйга солиб, хониш қилиб бергай. Мажлис гули бўлмиш шоирлар бунда ҳозир. Балки улардан бири янги қасидасини Карнафлэлга лутф этар...

Бу қийин ўйин халифага хуш келди.

— Бу ишинг маъқул, эй мураббия! Бизнинг хушвақтлгимиз борасида азият чекишинг тақдирлашга лойиқ,— ардоқлади мураббияни халифа.

— Бизни Абул Атахия ўз шеърлари билан хушнуд этмоқчи эди. Жуда соз! Ҳозирмисан, эй шоир? Ўқи қасидангни! Карнафлэл уни куйга солгай!

— Амирал-муслиминнинг амри вожиб!— жавоб қилди шоир.— Сиздан илтижо.

— Сўзла!

— Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз.

Хонага сукунат чўмди.

Қошлари чимирилган Хорун ар-Рашид ишрат мажлисини бирма-бир кўздан кечираркан, ўзича ўйлади. «Бу қофиянавис нималар ҳақида баҳс этдийкин! Қизиқ, ашъорда на битилмиш — ғийбатми, пичинг-истеҳзоми ё тентакнамо хашаки киноями? Ундан ҳар нарсани кутиш мумкин... Сарой аёнларим гапнинг маъносини чақишга ожиз. Қаранг-а, қулоқлари динг! Мабодо ўзларини гўлликка солмаётган бўлсалар, чинданам не тариқа шеър эканини ҳеч кимса билмайди... Ҳамма бирдек гапнинг хулосасига мунтазир. Ҳар қалай, унинг бир қошиқ қонидан ўтмоқ даркор. Эҳтимол, бирон-бир қизиқ ҳангомани эшитарман!»

— Эй шоир, гуноҳингдан ўтдик,— деди барчага эшиттириб.— Калланг балки яна кунингга яраб қолар...

— Шукриллоҳ!— ташаккур изҳор этаркан Абул Атахия олийҳимматга сазовор этилганидан мамнун ўлароқ, яна бир айёрона хийла ишлатиб деди:— Мен анчадан бери ишрат мажлисида шеър ўқиш шарафига муяссар бўлмагандим. Амирал-муслиминнинг саховатлари бепоён. Ўзга шоирлар мўл-кўл инъому эҳсонга сазовор бўлмишлар...

— Сен ҳам инъому эҳсондан қуруқ қолмагайсан, шоир!

— Давлатпаноҳим беҳад саховатпеша ва олиҳиммат!— хитоб қилди Абул Атахия. Сарой аёнлари шеър тинглаш иштиёқида эканлар, Абул Атахия яна халифага мурожаат этди:

— Бугун амирал-муслимин меҳмонлари мўл. Шеър эса узлатни хуш кўрур. Балки, хонанинг бир зум холи бўлишига фармон берурсиз?

— Бу қанақа гап бўлди?— деди овозини кўтариб Хорун ар-Рашид. Калаванинг учи топилгандек бўлди, уш қўлдан чиқариш ярамайди.

— Муқарриблардан махфий тутадиган сиримиз йўқ. Бошла, биз муштоқмиз!

— Фармонбардордурман!— тили гўлдираб деди Абул Атахия.— Густоҳлигим учун фақирни афв этгайсиз.

Шоир қаддини ростлади ва қироат билан ўқишга тутинди:

Зиблиллоҳ давлатли султон,
Шукриллоҳ, бошда соябон.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

140

— Бас!— наъра тортди Хорун ар-Рашид. Жони ҳалқумига келган шоир чўнқайиб ўтириб қолди. Девордаги шоҳи дарпардалар шитирлаб кетди.

Халифа тахтига яширикча ташлаб кетилган қасида худди ана шундай сатрлар билан бошланарди! Ҳа, калаванинг учи топилди. Абул Атахиянинг чўчиётганича бор экан-да!.. Хониш ва рақсларни тўхтатса ҳам бўлади!

Халифа икки қарсақ уриб, амирал-мажлисни чорлади ва фармон қилди:

— Шеър тинглаш етар! Базми жамшиднинг давоми кейинроққа қолдирилади. Ташаккуримиз рамзи ўлароқ меҳмонларга инъомлар берилсин!

— Фармонбардорман!

Меҳмонлар не сабабдан халифа ишрат мажлисини қисқа қилганидан ҳайрон эдилар. Хорун ар-Рашид ўз хожасига зарур бўлиб қолиш андишасида ҳозир турган Масрурни йўқлатди. Масрур ҳозир бўлиб, меҳмонлар тарқагач, Абул Атахияни бунда қайтар деб фармон берди.

Тез орада халифа қошида ҳеч кимса қолмади. Иброҳим ал-Мосулий, Барсумалар чиқиб кетишди. Қуллар ногирон Абу Закарни етаклаб олиб чиқиб кўйишди.

Саросимага тушган Абул Атахия олағовурдан фойдаланиб, жуфтакни ростлаб қолмоқчи эди, бироқ йўлини жаллод тўсди.

— Ҳа-ҳа, думингни хола қилмоқчи эдингми?— дағдаға қилиб сўради Масрур мўйлабини ўйнатиб. Шоирни ёқасидан олиб, орқасига қайтарди.— Қайт, азизим! Қани, тезроқ югура қол!

Бўлажак қатлдан чехраси ёришган жаллод шамшир дастасини маҳкамроқ қисди, халифанинг ўзгаларга номаълум, аммо унга таниш лаб ишораси бўлса бас, ғаламиснинг боши танидан жудо бўлади-қўяди! Халифа ҳозиргина мусиқа ва хониш оҳанглари қуйилиб турган Катта намоёиш хонасида қабристон сукунати ҳукмрон. Ўзини оқлаш учун зўр бериб баҳона излаётган Абул Атахия амирал-муслимин оёқларига йиқиларкан: «Эй Оллоҳ, бу фалокатлар бошимга қайдин ёғилмиш? Зубайданинг буюртмаси ўлароқ қасида битдим. Уни бир оз ўзгартиб, ал-Алавий қочқинлиги ҳақида бир неча сатрлар кўшиб, қайта бошдин уни Фазлга пулладим. Барчаси хамирдан қил суғургандек битган эди. Қаерда хатога йўл қўйдим? Қасидани халифа қошида ўқисам, Фазл мўмайгина пул ваъда қилганди! Аттанг, йўқ десам бўларкан!»— деган ўйларни дилидан кечирди.

— Шафқат қилинг, ҳукмдорим, шафқат!— халифанинг оёқларини кучоқлаб ўпаркан, Абул Атахия айни вақтда Масрурни ҳам ер тагидан кузатарди.

— Афти-ангоринга боқ, шоир, кимга ўхшаб кетибсан-а? Биз сенинг қонингдан ўтган эдик-ку! Сен бизнинг шоиримизсан, шоирлар эса қошимизда мўътабар саналур. Тур ўрнингдан, ўз иззат-нафсингни ерга урма!— деди Хорун ар-Рашид жирканиб, афтини буриштираркан. Абул Атахиянинг икки кўзи Масрурда эканини пайқаган халифа жаллодга даф бўл ишорасини қилди.

¹¹ Жаллод чиқиб кетиб, кетидан эшик ёпилгачгина, шоир ўрнидан турди.

•6

ш

Қирқ олтинчи боб

АБУЛ АТАХИЯ ҲИКОЯТ ҚИЛУРКИ...

— Ҳаётинг хатардан холи бўлғай,— деди болишга ёнбошларкан Хорун ар-Рашид ва ишора билан шоирни ўтиришга таклиф этди.— Лекин, бир шарт билан: ҳақиқатни очасан!

— Пайғамбаримиз ҳаққи-ҳурмати, фақат ҳақиқатни сўзлагум!

— Ўлтир!

Абул Атахия кўз ёшларини артиб, гиламга ўтирди.

— Амирал-муслиминнинг меҳри дарёлиги менга аён,— деди шоир.—

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

Аммо вазир менга шафқат қилармиканлар? Нима бўлса ҳам мен ул зотнинг сирини ошкор қилдим. Албатта, бу хайрли ният юзасидан...

— Вазир? Ҳа-ҳа, яна вазир...— ачиққанди Хорун ар-Рашид.— Раҳм-шафқат қилурми дейсанми? Сен жуда серсавол чиқиб қолдинг-ку, шоир! Биз сени ўз ҳимоямизга олдик деб очиқ-ойдин айтдик-ку... Яна вазирга бало борми?

— Ҳайҳот! Амирал-муслимин бошқаю ўзгаси...— ух тортди шоир ва батамом ўзини тутиб олгач, қатъий оҳангда деди:

— Ҳаётим кемаси Дажла сувларини қоқ ёриб, фақат халифа чизган йўлдан борғуси!

— Сен — мушоира мажлисида эмассан,— гапини чўрт кесди Хорун ар-Рашид.— Қани, айт-чи, қасидани ким ёзган?

— А-афв қилғайсиз... та... тасодифан, лекин мен...— саросима ва даҳшатдан тили галдираб деди Абул Атахия.

— Мен ҳам бу сенинг ишинг эканлигига гумон қилмагандим,— деди «сенинг» сўзига урғу бериб амирал-муслимин.— Аммо, не сабабдан қасидани ишрат мажлисида ўқиб беришга жазм этдинг?

— Эй пушти паноҳим, мен уни танҳо ўзингизга ўқиб эшиттирмоқ умидида эдим, ўзини оқламоқчи бўлди шоир.— Ахир, ўзингиз рози бўлмадингиз-ку.

— Қасидангда на дейилмиш? Гапир энди!

— Бир қошиқ қонимдан ўтинг, эй амирал-муслимин! Бу гап кони ҳақиқат!

— Қанақасига? Бошдан-оёқ ҳақ гапми?

— Фақат ҳақиқатни айтаман, эй пушти паноҳим! Мабодо қаллоблик қилсам, ажал домига дучор бўлай.

— Хўш, хўш!— бошини ирғаб деди Хорун ар-Рашид.— Ҳақиқатни сўзла, ўшандагина ҳаётинг хатардан холи бўлғай.

Гоҳ ғудраниб, гоҳ довдираб, гоҳ бир жумлани қайта-қайта такрорлаб Абул Атахия ал-Алавийнинг қочқинлик можаросини сўзларкан, кўзларини амирал-муслиминдан узмасди. Халифанинг чеҳраси ҳамон лоқайд. Аммо, ботинан ҳар сўзни чуқур диққат билан тинглар, уларни бир-бирига чоғиштириб, таққослар, ҳатто шоирнинг пешонасида неча қатра тер пайдо бўлганигача билиб турар эди. Жаъфар ибн Яҳёнинг мунофиқлигини эшитгач, Хорун ар-Рашид бир зум ўйлаб қолди. Лекин, энг аввало ҳукмронлик обрў-эътиборига доғ ташламасин дея, ҳозирча ҳеч кимга ғазаб ўтини сочмасликка, вазир билан кейинроқ бафуржа ҳисоб-китоб қилишга қарор қилиб, босиқ овозда деди:

— Имоним комилки, сен халифалик ишига жон куйдирмоқдасан. Ҳеч бўлмаганда шундай ишонч ҳосил қилишни истайман. Аслида гапларинг фойдасиз бўлса-да, биз учун қилган жаҳду жадалларинг тақдирга лойиқдир. Жаъфар ибн Яҳёнинг хатти-ҳаракатлари эса бизга аён. Ал-Алавийни бўлса давлат манфаатлари тақозоси билан озод қилдик. Уқдингми, шоир?

— Уқдим, эй амирал-муслимин!— хитоб қилди Абул Атахия. Миясида ким ва нима мақсадда мени лақиллатди деган ўй чарх урарди. Аммо руҳи тетик эди: «Бошим омон қолди! Хавф-хатар йўқолди! Фазл ва Зубайданинг олтинлари, халифанинг инъомлари ҳам киссамда!»

— Оллоҳ-таолога минг қатла шукрлар бўлсинки,— яна амирал-муслимин оёқларини ўпгудек бўлиб хитоб қилди шоир,— вазир давлатпаноҳим изми билан иш тутмиш! Бу ҳақда барчага овоза қилурман! Вазир ҳақида ёмон гаплар айтиш хаёлимга ҳам келган эмас. Мен, фақат адолат тантанаси йўлида, фиску фасод ва ғийбатларга чек қўйиш иштиёкида вазир борасида чақимчилик қилишга журъат этдим. Энди кўнглим тўқ. Вазир ҳаётига хавф-хатар соя солмағай. Ҳа, айтгандек, менинг ҳолим не кечур?— тўсатдан сўради у.— Агар вазир билиб қолса, унда мен...¹⁵

— Вазир ҳеч нарсани билолмайди,— ваъда берди Хорун ар-Рашид ўрнидан туриб. Икки бор чапак чалди. Энди шоир кимлар томонидан юбо-

рилганини аниқлаш қолди, аммо бу у қадар мушкул иш эмас, шошилмаса ҳам бўлади.— Меҳмонимизни кузатиб қўй!— деди кириб келган Масрурга.— Лутф-иноятимиз рамзи ўлароқ хазинадон унга минг динар олтин берсин.

Ўзи танҳо қолгач, халифа қаттиқ изтиробга тушиб, мудҳиш хаёллар уммонига фарқ бўлди: «Бу ёғи қандай бўлди? Шайх Исмоил илтижоси рад этилди, вазирнинг хоинлиги эса хаспўшланадими? Асли зоти Ҳошимий таҳқирланди, келгинди иссиқ бағримга олинди. Бу адолатданми? Жаъфар барча ишларда мададкор... Лекин, қандай қилиб менинг ижозатимсиз бандини бўшатиб юборишга журъат этдийкин? Мартабаю амални суистеъмол қилмоқда! Ал-Алавий форс бўлгани учун ҳам шундай машъум ишга қўл урмадимикин? Ҳа-ҳа, ҳамюртининг манфаати араблар манфаатидан ортиқ бўлибди-да! Наҳотки мен шунчалар ғафлат уйқусига чўмган бўлсам? Кўзим кўру қулоғим қар бўлиб қолган экан-да? Вазир бўлса фурсатни бой бермай, мени масхаралаб, хонадонимга ўт қўймоқчи экан-да. Ё Оллоҳ! Унинг кўнгли нимани истаса, ҳаммаси муҳайё эди: пул, ер-мулк... амал... йўқ-йўқ, хоинлик асло тасаввурга сиғмайди! Жаъфарнинг ғанимлари, ҳасадгўйлар, калтафаҳмлар янгидан чоҳ қазимоқдалар, ҳийлаю найранг тузоғини қурмоқдалар... Бир-бирлари устидан чақимчилик ва бўҳтонбозлик... Булардан бирини танлаш пайти етганга ўхшайди. Уларни яраштиришга ортиқ имкон қолмади! Тинка-мадорим қуриди! Тоқатим тоқ бўлди! Ия, бу қандай бўлди?— чўчиб тушди халифа. Наҳотки, хонани чир айланиб бақираётган бўлсам? Дарҳол бир чора топмоқ зарур, йўқса ақдан озғум! Жаъфарни чорлатмоқ даркор, шу аснодаёқ! Ал-Алавийни бўшатиб юборгани ростми — ёлғонми, аниқламоқ зарур...»

Қирқ еттинчи боб

ШЕРНИ ОВҚАТЛАНТИРИШ

Халифа чапак чалди, Масрур киргач, амр этди:

— Жаъфар ибн Яхё олдига бор. Айт, ҳузуримизга кирсин!

— Яна нима дей, давлатпаноҳим?

— Дегилки, хонамишда оқшом зиёфати, вазиримизнинг бунда ҳозир бўлмоғини истаймиз. Бошқа чурқ этма.

Жаллод кетгач, Хорун ар-Рашид сарой баковулини йўқлатди, оқшомги зиёфат мажлиси борасида фармойиш берди, сўнгра сайр жомаси келтиришни буюрди. Хизматкорлар елкасига ридо ташлаб, сандалини тугмалаб қўйишди.

Халифа боққа тушди, дарахт шоҳлари орасида ботаётган офтоб шуъласи ўйнар, оёқлари остида қум ғичирларди; халифа боши оққан томонга қараб йўл олди.

Кутилмаганда у шерлар сақланувчи қафаслар томон бурилди. Кўнгли ғаш, хоотири паришон дамларда халифа хизматкорларга яқинда тутиб келтирилган ёш нарра шернинг жиғига тегилгани буюрарди. Тутқинда бўлса ҳам шернинг дарғазаб ириллаши халифа асабларига ором бахш этарди. Халифа қафас олдига келар-келмас қалъа девори олдида турган икки нафар қул ҳозиргина сўйилиб, наридан-бери териси шилинган қўйларни келтиришди. Катта-катта қилиб нимталанган, ҳали совиб улгурмаган қўй гўшти очликдан ириллаб, ўзини ҳар томонга ураётган шер қафаси олдига келтирилди.

— Олдига озгина гўшт ташла!— деди қоровулга Хорун ар-Рашид. Шернинг ўкиришидан қоровул сўзни эшитолмади, аммо сўз маъносини англаб, қўйнинг бир сонини қафас ичига ташлади. Бир неча дақиқа суякнинг қасирқусури, ириллаган овоз эшитилди-ю, қўй сонидан ному нишон қолмади, иржайган музволти тишлар орасида эриб кетгандек бўлди. Афтидан, шер гўштни бир ямлашдаёқ ютиб юбориб, аввалгидан баттарроқ ўкирди. Энди, қоровул гўштни бермас, қони қотмаган қўй нимталарини айлантириб, қафас-

нинг темир панжараларига қўйиб, яна тортиб оларди. Майса устига қон томчилар, думини гажак қилиб олган шер ерга писиб, қафас панжараларига ташланар, панжалари билан тимдалар, беҳуда бўйинини чўзиб, темир чиқиқларни ғажиб ташламоқчи бўларди.

«Ажабо, мен ана шу шергаю вазир эса уни гиж-гижлаётган хизматкорга ўхшаб кетмасмикимиз?— ўйлаб кетди Хорун ар-Рашид.— Ана, меннинг қудратим нимада-ю, ожизлигим нимада! Ғанимни бурда-бурда қилиб ташлардим-у, Оллоҳ йўл бермаяпти. Лекин, аслида бундай эмас. Инсонлар ҳукмдори билан ҳайвонот подшоши орасида тафовут бор. Ҳайвонлар подшоши ўз ҳиссиётини яширишга ноқобил, ириллайди, қутуриб ўкиради: одам эса сабр-тоқат билан йўл тутиб, қасос фурсатини зимдан тайёрлайди. Ҳозирги кунда мен учун энг муҳими, куч-қувватни бир ерга жамлаб, вазминлик билан иш тутиб, ўз хатти-ҳаракатларимни сир тутта билишда. Ана шундагина ғолиб келишим мумкин!» Халифа қоровулни бир тушириб қолишдан ўзини тийиб, шерни тўйгунча овқатлантиришни буюрди. Ғазаби тарқалаборган халифа қўй гўштини ямламай ютмоқда бўлган шерни кузатарди. Одамзоднинг қудрати — унинг ақлу фаросатида. Халифа шер бўлмоғи, шер бўлганда ҳам маккор шер бўлмоғи шарт. Халифанинг салласига қадалган жавоҳирлар янги ой нурида ярақлаб шуъла сочарди. Шернинг ўкиригини эшитиб турган хизматкор ва қуллар шуълани кўриб, ҳукмдорнинг қасрга қайтаётганини сезишди ва бир зумда чеккадаги хиёбонда ғойиб бўлишди.

Ички қалъа деворидан, дарвоза тарафдан отларнинг кишнаши, эгар-жабдуқларнинг шақир-шуқури, бақир-чақир, ола-ғовур овозлар эшитилди. Маҳрамлари билан Жаъфар ибн Яҳё келганди.

Хорун ар-Рашид қасрга бурилди. Катта девонхонада шамлар ёқилган, исирик тутаб турар, заррин шамдонларга анбар ва қуритилган жамбил солинган, олтин идишларга тушган шам нури ажойиб шуъла таратиб, мавжланарди.

Халифа кириб келгач, орадан дақиқа ўтар-ўтмас амирал-девон ҳозир бўлди.

— Сўзла!

— Жаъфар ибн Яҳё ташриф буюрмиш.

Қирқ саккизинчи боб

РИЁКОРЛИК

Девонхонага кириши биланоқ тутатилган мирра¹ пўстлоғининг ҳиди Жаъфар ибн Яҳёнинг димоғига урилди. Юзлаб шамлардан таралаётган ёрқин нур кўзларини қамаштирди. Вазир бу чорловдан ажабланмади. Бу чақирикни фарзандлари Ҳасан ва Ҳусайнларнинг дунёга келиш сири ошкор бўлгандан бери кутарди. Эртами-кечми бундай чорловнинг бўлиши аниқ эди. Вақти-соати ҳам етиб келди... Масрурдан сўраб-суриштиришдан бир иш чиқмади. Жаллод лом-мим демади. Афтидан, у қатъиян огоҳлантирилган бўлса керак. Хоҳлайсанми — йўқми, бориш зарур. Вазир ўзи билан садоқатли, яхши чиниққан шахсий соқчиларини бирга олди. Бирон кутилмаган ҳодиса содир бўлиб қолса, улар жон-жаҳди билан ҳимояга ташланади. Сарой соқчилари вазир маҳрамларини қалъанинг тўртинчи дарвозасигача қўйиб юборишди. Хайрли рамзийат! Бироқ, бу гумонсирамаслик, ғафлатда қолдириш учун қўйилган қоқдон эмасмикин? Бу — шавкатли амирал-муслимин феъл-атворининг худди ўзгинасига ўхшаб турибди!

¹ Мирра — хушбўй ва шифобахш ис таратувчи ўсимлик.

Чароғон нурга кўниккач (қоронғиликдан кирган одамнинг кўзини қамаштириш учун жўртгага шундай қилинмадимикин), вазирнинг кўзи ёнбошлаб ётган халифага тушди ва очиқ табассум қилди. Халифа ўрнидан туриб, вазир истиқболига юриб келди.

— Жуда мамнунман, дўстим! Нега энди жанговар либосдасан? Мен сени ҳарбий намойишга эмас, кечки зиёфатга таклиф этдим.— У вазирни тахт сари етаклади. Улар тахтга ўлтиргач, гап халифалик ишлари устида кетди.

— Қанчалар ташвиш, дўстим!— шикоятмуз сўз қотди Хорун ар-Рашид.— Бу ғалвалардан толиқдик. Сиз бўлсангиз Абадият қасрида камданкам кўринадиган бўлиб қолдингиз. Бутун ташвишларни бир менинг елкамга ортиб қўйиш инсофдан эмас-ку, ахир!— койигандек бўлди меҳмонни ва ҳинд элчилари билан бўлган гап-сўзлар, икки давлат орасида барқарор тинчлик ўрнатиш борасидаги даъват, афсонавий шамшир ва даҳшатли кўпаклар ҳақида сўзлади.

— Илоҳо Абадият қасри халифаликнинг улуғворлиги ва қудратининг ҳамиша барқарор рамзи бўлғай!— дея тантанавор сўзлади Жаъфар ибн Яхё.— Сизга, хорижий элчилар ҳамиша араблар билан иттифоқ бўлишга интилишларини тилайман!

Сухбат асносида бир-бирига садоқат, меҳру оқибат борасидаги сирти силлиқ иборалар, усти ялтироқ гап-сўзлар тез-тез такрорланди. Аслини олганда улар орасида дўстлик, ҳамжиҳатлик ва шунингдек самимият аллақачонлароқ йитиб кетгани, унинг ўрнида заҳри қотил ва маккорлик қолганини ҳамсуҳбатлар жуда яхши билишар, шунга қарамай, ҳар иккаласи иккиюзламалик билан бир-бирига тилёғламалик қилар, ораларида бир-бирларига ишонч собит дея тасдиқлашга уринишарди.

Қуллар анвойи таомлар ва кўзачалар терилган катта хонтахтани келтириб, ўртага қўйишди, ўзлари эса хожалар имо-ишорасига илҳақ тарзда, ярим доира қуриб тиз чўкишди. Хорун ар-Рашид вазирга навозиш қилиб, ўз қўли билан ҳали у, ҳали бу ноз-неъматдан тутар, тақаллуфни қайта такрорлар, Жаъфар ибн Яхё одоб юзасидан сертавозелик қилиб, фақат «олинг, енг» деб такрорлагандан кейингина луқмага қўл чўзиб, мазасини тотиб кўрарди.

Кўпроқ халифа сўзларди.

— Катлама сомсадан тотиб кўринг, дўстим! Унинг ичига солинган тустовуқ эрта тонгда ҳали учиб-кўниб юрганди.— Халифа қип-қизартириб пиширилган, оғизнинг сувини келтирадиган бир бўлак гўштни вазирга навозиш қилди.— Марҳамат, тотиб кўринг! Қалай? Тустовуқни тутиш осон иш эмас. Бу бобда худди ал-Алавийга ўхшаб ҳийла-найранг ишлата билиш зарур. Қаранг-а, у бечорани тамоман унутиб қўйибмиз! Яна бир қанотини тотиб кўрурсизми?

— Минг бор ташаккур! Оллоҳга шукрлар бўлсинки, тўйиб кетдим,— ташаккур билдираркан, Жаъфар ибн Яхё баттар ҳушёр тортиди, халифа ал-Алавий номини тасодифан эсладими ё чақимчилар аллақачон унинг қулоғига етказдиларми дея хаёлга чўмди.

— Энди мана бу қизил олмадан тотиб кўринг! Бу ҳам офтоб нурини эмган, фарқ пишган, кимдир уни узиб олган,— илтифот қилди яна Хорун ар-Рашид.

Тўсатдан олма қўлидан тушиб, гиламда думалаб кетди.

— Қаранг-а, ем бўлишни истамайди, эркинликка интилади,— олмани қулнинг қўлидан оларкан, кулиб қўйди халифа.— Худди ал-Алавийга ўхшайди-я! Бечора, тушида ҳам, ўнгида ҳам Хуросонни кўрса керак! Аслида ҳам шундай эмаслигига ишонасизми, дўстим?

Зиндон соқчиларининг башараси, саройнинг ахта қули, хонани супураётган чўри кампир, отхонадан аргумоқларни етаклаб чиққан отбоқарнинг башараси бир лаҳзада Жаъфар ибн Яхёнинг кўз ўнгидан лип этиб ўтди. Уларнинг қай бири хоинлик қилди? Қай бири?

— Ал-Алавий халифаликка қарши бош кўтармаслик ҳақида менга

қатъий ваъда берди. Унга ишондим ва бандини қўйиб юбордим,— деди тўғридан-тўғри вазир.— Бу, хуросонлик ҳамюртлари ўз раҳнамоларини озод қилиш учун қўзғолон кўтаришларининг олдини олиб қилинган хатти-ҳаракат-да, шаҳриёр!

— Оллоҳ сизни ярлакагай, дўстим! Худди кўнглимиздаги гапни топиб-сиз,— гапни илиб кетди Хорун ар-Рашид.— Шакарга ботирилган мевалардан тотиб кўрсангиз-чи? Ширинлик — ҳазми таом.

Зиёфат охирламоқда эди. Ҳамсуҳбатлар сертакаллуф эдилар. Улар ҳазил-мутойиба қилишар, кулишарди. Куллар кўзачаларда мусаффо булоқ суви келтириб, қўлларига қуйишди.

Халифанинг сертакаллуфлиги вазирни лақиллатолмасди. Ахир, ёришиб ёққан ёмғирдан, кулиб боққан подшодан кўрк, деганлар-ку! Хорун ар-Рашид қанчалик ширинсўз бўлса, шунчалик ундан ҳушёр бўлмоқ зарур! Ярим тунда Катта девонхонадан жўнаб кетаркан, шундайин ҳам қийин аҳволи янада оғирлашганини вазир яхши англари. Аммо, ал-Алавийни бўшатиб юборганига афсус қилмасди. Хуросонликни Бағдодга таклиф қиларкан, унга эркинлик ваъда қилган; аҳдномага амирал-муслимин ўз муҳрини босганди. Кейинроқ у аҳдномани топтаб, мунофиқлик билан ал-Алавийни тутиб, зиндонга ташлади. Энди эса гишт қолипдан кўчгач, маккорлик ва тилёғламалик билан ўзини опшоқ қилиб кўрсатмоқчи. Халифанинг ваъдаси — бир пул. Унинг чеҳрасидаги сохта табассум тагида чексиз ваҳшиёна ғазаб, захар-заққум яширинган.

Абадият қасридаги кечки зиёфат, ҳайтовур, кутилгандан кўра хайрлироқ ўтди. Суҳбат чоғида вазир вужудини қамраб олган хатарли ўйлар анча бўшаша борди. Хуросон ҳокимлиги насиб этгудек бўлса, ал-Алавий унинг катта ва ишончли таянчига айланади. Танҳо қолган Хорун ар-Рашиднинг даҳшатли қасамини, албатта, у эшитмади:

—Агар сени гумдон қилмасам, Оллоҳ урсин, Жаъфар!

Қирқ тўққизинчи боб

ШИКОР

Халифа алламаҳалгача ўзини босолмади, хобхонада одимларкан, шу куни бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир хаёлидан ўтказди: шайх Исмоилнинг ташрифи ва илтимосини рад этиши, вазирнинг иқрори — икки одам, бир-бирига зид икки хулк-атвор; бирида чексиз ҳақгўйлик ва мусаффо самимият; иккинчисида сохталик ва разолат. Ҳошимийлар оқсоқоли билан яна бир бор ҳамгап бўлиб, Жаъфар ибн Яҳёнинг хатти-ҳаракатлари борасидаги фикрини билиб, унинг гумдон қилинишига қандай муносабатда бўлишини аниқланса, ёмон бўлмасди... Суҳбат узункулоқдан холи бўлсин учун унинг шаҳар ташқарисида ўтгани маъқул.

Халифа Масрурни чақириб, фармойиш берди:

— Эрталаб Даджилга йўл олурмиз! Амирал-шикорга айт, барча шикор анжомини муҳайё қилсин! Шайх Исмоилни хабардор қилиб қўй! Унинг саройи қаердалигини биласан-а?

— Биладан, соҳибдавлатим!

— Амакижонимга тайинла, ҳузуримизга шикор либосида келсинлар!

— Бош устига!

Ёввойи қушларга сероб, Бағдоддан унча узоқ бўлмаган Даджил кўриқхона ҳисобланарди. Қирқ ва ундан ортиқроқ одамлар ўргатилган қоплон ва ов итлари ёрдамида шовқин-сурон солиб, ёввойи ҳайвонларни хас тўшалган хандақлар, атрофи қозиклар билан ўралган ов майдони томон ҳайдашар, майдоннинг очиқ томонида эса, ёввойи ҳайвонлар қайтиб қочиб чиқиб кетмасин учун қопқонхона этагидаги тиканли бутазорда ўзлари соқчилик қили-

шарди. Бу орада халифа аёну ақобирлар қуршовида Бағдод теварагидаги боғ-роғлар, экинзорларни айланиб, экин-тикинлар ҳолати, деҳқонлар тер тўкаётган узумзорлар, мевазор боғларни кўздан кечириб, ҳосил чўғини чамаларди. Яқин ўртадаги қишлоқларга кириб ўтар, фақат шундан кейингина ов майдони сари йўл олиб, каттароқ кийикларни овлашда иштирок қиларди. Шунингдек, халифа қоплонлар оҳуларни қандай босиши, кўйиб юборилган қирғияклар марбутларни қандай чангаллаши, ов лочинлари эса инидан қувилган тустовуқларни қандай уришини завқ билан томоша қиларди. Шикор маросими эса, ов майдони этагидаги қозиқ-дарвозаларни очиб, тирик қолган ёввойи ҳайвонларни бўшатиб юбориш билан тугалланарди.

Тонг отар-отмас шайх Исмоил Абадият қасри сари отланди. Йўлда у ов ҳайвонлари қувлоғичларини учратди. Улар бақувват ва келишган йигитлар бўлиб, тўдалашиб боришаркан, лочинларини овга тезлар, сакбонлар эса ов итларини олқишлашарди. Аनावи бирини занжирдан бўшатган ҳам эдиларки, ит йўл бўйида ўсган бир туп дарахт тагига югуриб борди, уни ҳидлаб кўриб, қулоқларини қисиб, яна эгаси олдига қайтиб келди. Қоплонлар боғланган занжирлар шарақ-шуруқ қилар, ҳуркиган отлар кишнашар, итлар ҳурар, қуллар бир-бирларини чақириб, қичқирешарди. Шовқин-сурон қулоқни қоматга келтирарди.

Қалъанинг тўртинчи дарвозасига келиб, отдан тушмоқчи бўлиб турган шайх Исмоил Масрурни учратиб қолди. Масрур унга, халифа сизни кутмоқда, отдан тушиб, азият чекиб ўтирмас экансиз, деди.

Кутиб олиш одоб-қоидаларига риоя қилиб, ҳар қалай шайх Исмоил отдан тушди. Дарвозалар очилиб, амирал-муслимин чиқиб келди. Халифага от келтирдилар. Отга минаркан, шайх Исмоилга кўзи тушган халифа, аёну ақобирлар қуршовидан чиқиб, оқсоқол ёнига келди.

— Қани, олға, амакижон!— қичқирди у арғумоқнинг жиловини тортаркан.— Оллоҳ насиб этса, бугунги кун хайрли бўлғуси!

Шайх Исмоил отига миниб, жияни кетидан йўлга тушди, унга етиб олгач, сал орқароқда кета бошлади.

Оқсоқол қатъий одоб доирасидан чиқмаётганини пайқаган Хорун ар-Рашид орқасига ўгирилиб, ёнма-ён юришга ижозат берди.

Эллигинчи боб

СУҲБАТ

Иккаласи ҳам жим борарди; чунки, шайх Исмоил муслмончиликнинг қатъий анъанасига мувофиқ, амирал-муслиминни безовта қилиш ва биринчи бўлиб гап бошлашга журъат этмади. Хорун ар-Рашид бўлса, қайта бошдан вужудини чулғаган ноҳуш хаёллар оғушига ғарқ бўлиб, сукут сақларди. Бағдод тепаликлар ортида қолди. Торгина йўл боғ-роғлар ва тоқзорлар ора-лаб кетган. Хорун ар-Рашид овқувлоғичларни илдамроқ ҳаракат қилишсин дея Масрурни жўнатди. Сўнгра жиловни тортиб, орқасига ўгирилиб қаради. Аёнлар унинг оқсоқол билан холи сўзлашмоқчи эканини сезиб, орқароқда қолишди.

Халифа елкаси оша орқага кўз ташлаб, яқин ўртада ҳеч ким йўқлиги, уларнинг суҳбатини чет кимса эшитмаслигига қаноат ҳосил қилгач, шайх Исмоилга ўгирилиб, деди:

— Кеча мендан, амакижон, кўнглингиз қаттиқ оғриди. Тўғрими?

— Ҳар на бўлганда ҳам, мен амирал-муслиминга барқарор ҳукмронлик ва узоқ умр тилайман,— жавоб қилди оқсоқол.

Унинг сўзлари самимийлигига заррача гумон қилмаса-да, умрида бировнинг сўзига ишонмайдиган Хорун ар-Рашид энгашиб гулдор шоҳи ёпқини тўғрилади, қўли билан от ёлини тараб, деди:

— Ҳай, майли, амакижон, келинг, очикчасига гаплаша қолайлик; кечаги хафагарчиликни кўнглингизга тугиб кўйдингиз. Сиздан хафа бўлишга ҳаққим йўқ. Иқрорман, яхши иш қилмадим, шунча яхшиликлар эвазига тузимни ичиб, тузлигимга тупураётган кимсани ардоқлаб, ўз жигарбандимнинг илтимосини рад этдим...— Оқсоқол нима деркин дея кутиб, халифа жим бўлиб қолди.

— Халифа Оллоҳнинг ердаги сояси! У фақат қодир Оллоҳ қошидагина жавобгар!— деди оқсоқол. Гап вазир борасида эканлигини у сезиб турарди. Ўрнида бошқа кимса бўлганида, дарҳол кечаги илтимосни такрорларди. Лекин шайх Исмоил ўта олижаноб одамлар сирасидан бўлиб, бундай пасткашликни хаёлига ҳам келтирмасди. Яна вазирнинг иқбол юлдузи қорайганга ўхшайди. Бунинг оқибати нима билан тугаркин? Ҳар иккисининг орасида ўтиб бўлмас жарлик пайдо бўлмасмикин? Бу даҳшат-ку?!

— Сезишимча, жияним ўз кўл остидагиларидан норозига ўхшайди,— қўшиб кўйди у «ух» тортиб.— Менга гумон туюлган муаммо борасида аниқ бир гап айтишим мушкул...

— Амакижон, гап ким ҳақида кетаётганлигидан тамоман беҳабарман дея мени ишонтирмақчи ҳам бўлаяпсизми?— заҳарханда тиржайди Хорун ар-Рашид.— Ўзингизни гўлликка солманг. Жуда яхши билиб турибсиз!

— Агар янглишмасам, амирал-муслимин Жаъфар ибн Яҳёдан норозига ўхшайди.

— Мана бу бошқа гап! Маъкул! Бироқ, ўз фармойиши билан иш тутишга тўла эркинлик берилган, халифаликни ишониб топширган одам ҳақида шундай дейишим ажабланарли эмасми? Ажабланарлигина эмас, бориб турган қабоҳат! Вазир мени лақиллатмоқчи, ҳалокатимни тўрт кўз бўлиб кутмоқда!

— Бўлиши мумкин эмас!— деб юборди шайх Исмоил.— Билишимча, Жаъфар ибн Яҳё амирал-муслиминнинг энг садоқатли аъёнларидан!

Хорун ар-Рашид сукут сақлади. Арғумоқлар аста одимлаб борарди. Дарахтзор сари пастлаб борган йўл бўйларидаги дафна дарахтининг шохлари бир-бирига чирмашиб кетганди. Суворийлар соя-салқинда боришарди. Пастликнинг чап томонида гўзал манзарали қишлоқ ястанган: бежирим қурилган пешайвонли, пастак томли уйлар, кунжутзор, сандалзор; нарироқдаги кенг ўтлоққа бир талай подалар ёйилган, ён-атрофда хурмолар кўкка бўй чўзган, усти берк хирмонларда деҳқонлар маккажўхори янчмоқдалар, дон беҳисоб мўл...

— Қизик, бу қишлоқлар кимга тегишли экан?— деди халифа ва гапнинг мароми қандай бўлишини аввалданоқ билиб, ичиқоралик билан жавоб кутди.

— Булар — вазирнинг ер-мулклари, жиян.

Халифа «ух» тортиб деди:

— Ҳа, баракалла, амакижон, вазирники! Бағдод атрофидаги қишлоқлар, боғ-роғлар, шудгору полизлар, токзорлар, хуллас, барча ҳосилдор ерлар Бармакийлар мулки! Гўё, араб салтанатида биз — Аббосийлар эмас, балки улар эгаллик қилаётгандек туюлмоқда менга. Ҳали бу — ҳолва! Бутун салтанат вазир ва қариндош-уруғлари қўлида! Наҳотки сиз буни кўра олмаётган бўлсангиз? Қани, айтинг-чи, кимнинг хазинасида олтин, кумуш ошиб-тошиб ётибди? Кимнинг ер-суви кўпроқ?

Шайх Исмоилнинг оёқлари остидаги ер чайқалиб кетгандек бўлди.

— Бармакийлар садоқатли хизматкорларингиз, жиян!— хитоб қилди шайх Исмоил ва кўнглида форсларга нисбатан кўпроқ ҳайрихоҳлик ҳис этди.

— Уларнинг молу давлати, ер-сувлари, саройлари сизники, фақат сизнинг мулкингиз!

— Ҳайҳот, сизга ҳайронман, амакижон!— дея халифа қўлларини баланд кўтарди.— Кеча сиз ўшалар туфайли жафо чекдингиз-у, яна уларни ҳимоя қиласиз! Давлатимиз истиқболига қанчалар жон олиб, жон берасиз! Шу туфайли уч бор раддия жабрини чекдингиз! Ҳар қалай, сиз ҳақми-ноҳақми, та-

нангизга бир ўйлаб кўринг. Ахир тушунсангиз-чи, мен ўзимни Бармакийлар устидан ҳукмдор деб ҳис қилолмаётибман! Улар менга қул эмас! Мен уларнинг қули! Ҳа, мен!

Бармакийларни ҳимоя қилиш тобора қийинлашиб борар, шоҳона ғазаб кўзғаб кетишининг олдини олиш истагида шайх Исмоил аччиқ-аччиқ гаплардан ўзини тийди.

— Кулларининг ҳолати бир амирал-муслиминнинг ўзигагина аён,— деб қўя қолди.

Оқсоқолнинг гапи Хорун ар-Рашидга ёқмади, чунки халифа сўзсиз итоаткорликни кутганди.

— Сиздан бошқача жавоб кутгандим, амакижон,— деди энсаси қотиб халифа оқсоқолга кўзининг қири билан қараб кўяркан.— Чап бермоқчи бўлаяпсиз, яъни мунофиқлик қилаяпсиз. Ғазабим кўзғаб кетишидан кўрқаяпсиз!

Ўзни оқлаш — бефойда, рад этиш эса — ундан беш баттар. Шайх Исмоил миқ этмади. Тўсатдан у доира йўлни айланиб, Бағдод томон қайтиб келаётганларини сезиб қолди. Бу ноқулай ҳолатдан қутулиш учун бундан бўлак имкониятни кидириб топиш амримаҳол эди.

— Қарасангиз-чи, жиян, биз янглишибмиз! Даджил у томонда-ку!— деди оқсоқол қўли билан орқа томонга ишора қилиб.

— Биз мутлақо тўғри кетаяпмиз,— эътироз билдирди Хорун ар-Рашид.— Йўлимиз Абадият қасри сари.

— Шикор нима бўлади?

— Шикор бир баҳона эди, амакижон. Шу зайл сиз билан узунқулоқлар эшитмайдиган ҳолатда сўзлашмоқчи эдим. Таассуфки, сиз ҳам ўзгалар деган гап-сўзларни такрорладингиз. Ҳайҳот, очиқ гапни бу қулоқларим бир умр эшитмайдиганга ўхшайди!

— Халифалик ҳукмдори билан фақат очикчасига гаплашмоқ жоиз! Истаган саволингизни ўртага ташланг, барчасига ҳеч иккиланмай ва бедаромад жавоб қилгум!— деди шайх Исмоил.

— Жуда соз, қолган гапларни Абадият қасрида давом эттирурмиз,— рози бўлди халифа.— Ана, аъёнлар ҳам яқинлашиб қолишди.

Эллик биринчи боб

УСТОМОНЛИК

Абадият қасрининг чоғроқ холи минорасида икки зот — халифа ва шайх Исмоил. Оллоҳ-таоло уларни ярлақағай! Зарҳал тахтда ёнма-ён ўтириб, шивирлашиб гаплашишмоқда.

Хорун ар-Рашид деди:

— Амакижон, сўзларимни рад этмагайсиз: Бармакийлар ҳокимиятда олий пояларни эгаллашгач, араблар манфаатига ва шаҳсан бизнинг манфаатларимизга қарши иш юрита бошладилар. Улар шу қадар беҳисоб давлат тўпладиларки, бу халифалик манфаатлари учун хавфли воситага айланиб бормоқда. Иш шу зайлда кетаверса, бир кунмас-бир кун форсларнинг қўли баланд келиши турган гап.

— Уларнинг хазинаю дафиналарининг ҳисобига етиб бўлмаслигини рад этмайман, жиян. Аммо бунча бойликлар, амирал-муслимин билан ҳамжиҳатликда орттирилганини инкор этмагайсиз. Мабодо амирал-муслимин андак норозилик ишоратини қилганларида эди...

— Ия, ҳали мен ўзимни талон-торож қилинг, дея буйруқ берган эканманда?— деди фигони фалакка чиққан Хорун ар-Рашид ва сўнгра бирмунча осойишта қўшиб қўйди:— Шундай даромадли гап қилинишига сираям кўзим

етмаганди, амакижон, форсларни салтанат танасига тушган куйдирги деб биламан.

Бармакийларга қарши халифанинг ғазаб ва нафрати жиддийлигига қарамай, шайх Исмоил беғуноҳ гуноҳкорларни ҳимоя қилишни ўз бурчи деб биларди.

— Ўз фикрларини ошкор этаркан, амирал-муслимин менга нисбатан беҳад иззат-икром кўрсатмоқда,— деди у эҳтиром билан.— Оллоҳ ва пайғамбарни шафъ келтириб, ҳақиқат ва фақат ҳақиқатни айтгум дея онт ичганим жиянимга яхши аён. Қуллар қуллигича қолсин дея яна бир бор тасдиқ этурман. Уларнинг халифаликка қанчадан-қанча бебаҳо хизматлари синггани ҳаммадан кўра амирал-муслиминга жуда яхши маълум. Давлатимиз шукуҳи ва шаън-шавкати борасидаги бебаҳо фаолиятларини санаб битириш қийин. Амирал-муслимин ҳам ўз қулларининг жаҳду жадалидан мамнун эди.

Хорун ар-Рашиднинг чеҳраси асабийлаша бошлаганини сезиб қолган шайх Исмоил, форсларни гап билан пайпаслаб ўтиб, кейинроқ яна ўз фикрини давом эттиришни ўйлаб, деди:

— Бармакийларнинг нафси бузуқлиги ҳаддан ошиб кетганини инкор қилиш инсофдан эмас, албатта. Дарҳақиқат, ҳаддан зиёда очкўзлик — инсонга хос хислат, бу унинг қон-қонига сингиб кетган. Вой-вой-вой, одамнинг очкўзлигига асло тараф йўқ! Ишқилиб, кўпроқ ва ёғлироқ луқмани узиб олса бўлгани. Аммо, ижозатингиз билан дегумки, вазир бева-бечораларга хайру саховат қиларди...

Халифа гапни тамомлашга қўймай, заҳарханда қаҳ-қаҳ урди. Сўнгра, нафаси бўғзига тикилгудек бўлиб, хитоб қилди.

— Қулгимни қистатманг, амакижон! Сиз мени пичоқсиз сўйдингиз, амакижон, пичоқсиз! Вазирнинг бева-бечораларга улашгани — дарёдан томчи. Биздан юлган жарақ-жарақ пуллар эвазига иккиланувчиларнинг оғзини мойлади, янги хайрихоҳлар ёллади, соқчиларини кўпайтирди, эндиликда, сўзларимга хоҳ инонинг-хоҳ инонманг, маълум қудратга эришгач, салтанатимизга қарши бош кўтариши турган гап.

— Лоҳавло вало қуввато... Ё алҳазар!— деди ёқасини ушлаб шайх Исмоил.

— Шубҳасиз, амакижон! Худди шундай бўлгуси!— гапни чўрт кесди Хорун ар-Рашид.— Биринчи қадам ташланди. Уни эркалаб, биродарим деб атаганим шу вазир давлат жиноятчиси ал-Алавий билан тил бириктирди.

— Тил бириктирди?— такрор сўради дуойи такбирни ҳам унутган оқсоқол.— Наҳотки?

— Оллоҳ ҳаққи, амакижон!

— Ўшандай тил бириктиришнинг моҳияти нимада?

— Олдидан вазир ал-Алавийни зиндондан бўшатиб юборди. Ўзи менга иқроқ бўлди. Ана шунақа гаплар! Кутмаганмидингиз? Ҳали буниси ҳолва. Барчаси қаллоблар, муттаҳамлар! Бармакийларнинг ҳаммаси кофир! Бир ўра ахлат!

— Зиндондан бўшатиб юборди?— такрор деди оқсоқол, кутилмаган машъум хабардан ўзини ўнглаб олиш учун вақтдан ютишга интилиб.— Не мақсад билан буцайин бебошликка журъат этмиш? Ҳеч нарсага тушунолмай қолдим.— Хорун ар-Рашиднинг ҳовуридан тушшини кутиб, бир оз тин олди-да, сўнг қўшиб қўйди:— Эҳтимол, устомонликдир? Баъзан шафқат ғазабдан устун келиши мумкин-ку. Бирини уриб-сўкилса, бирини бошини силаш зарур бўлиб қолади.

— Бас, жонимдан тўйиб кетдим!— Шайхнинг гапини чўрт кесди халифа.— Ал-Алавийни мен зиндонга ташлаганманми, у ўша ерда бўлиши шарт. Эшитяпсизми, бирон-бир бошқа ерда эмас, айти зиндоннинг ўзида! Вазир менинг ижозатимсиз уни хуфия тарзда бўшатиб юборган. Бунинг учун у ўлимга маҳқум!

— Амирал-муслимин кулларининг ҳаёти ва ўлими унинг ихтиёрида. Бу — ҳукми Оллоҳ! — Уни қувватлади оқсоқол ва шу ондаёқ эътирозга оғиз очди. — Лекин, вазирнинг қатл этилиши бошқалардан кўра, аҳли дониш султониغا яхшироқ аён. Аҳли дониш султони мазкур суҳбат асносида вазир беҳад хайрихоҳ деб эди.

Орага сукунат чўкди. Ҳамсуҳбатларнинг бошлари қуйи солинган. Оқсоқол энгикиб, халифа эса гўё ҳуштак чалгандек бурни билан оғир-оғир нафас олар, қаердадир қовоқари одамнинг ғашига теккудек ғувилларди. Ниҳоят, Хорун ар-Рашид бўшашибгина бошини кўтарди ва мушкулотда қолган одамдек, мажолсиз сўзларкан, сўради:

— Амакижоним менга не маслаҳат бергайлар?

— Аҳли дониш султониغا ақл ўргатиш мушкул иш, — қаддини кўтариб, осойишта жавоб қилди шайх Исмоил. — Менга қолса, Бармакийларни ҳар тарафга тарқатиб, хайрихоҳларидан уларни ажратиб ташлаб, кучини қирқмоқ даркор.

— Қандай қилиб? Қатл этишга ўзимнинг ҳам унча ҳушим йўқ, қатл — энг охириги чора бўлиши мумкин. Фикрингизни очиқ билмоқ тилагида мен қатл борасида сўз очдим.

— Вазирни Бағдоддан узоқроқ ерда, бирон каттароқ амалга тайинланса ёмон бўлмасди, — таклиф этди эҳтиёткорлик билан шайх Исмоил. — Зора шунда жаҳон пойтахтида осойишталик бўлса.

— Хуросонга даф бўла қолсин! — деди Хорун ар-Рашид. — Унинг оқсоқолга қадалган кўзларидан ғазабли учкунлар сачради. — Биродарим Жаъфарга Хуросон вилоятини ваъда этгандим, ўша томонга жўнай қолсин. Усиз Бармакийлар қисматини ўзимиз ҳал қиламиз. Гапларим ҳақми, амакижон?

— Ўз қарорининг нечоғлик ҳаққоний эканлигини амирал-муслимин кейинроқ чамалаб кўргуси.

— Амру фармонимиз ва қароримиз аҳли замонга ва келажак авлодга ибрат бўлиб қолгуси, Оллоҳу акбар! — худди давлат мажлисидагидек тантанавор эълон қилди халифа. — Қароримиз шу, амакижон! Орада бўлиб ўтган гап-сўзлар хусусида бировга лом-мим демаслик шарти билан. Тушунарлидир?

— Наҳотки тушунмасам, жиян! — жавоб қилди оқсоқол. — Оғзимдан гулласам, Оллоҳнинг қаҳрига учрай!

Халифанинг тахтда бетоқат қимирлашини сезган оқсоқол, уни холи қолдириш лозимлигини фаҳмлаб, ўрнидан турди. «Ҳар қалай, у билан хушомадсиз муомала қилиш анча мушкул, — кўнглидан кечирди у. — Ўшандагина ўз ҳаётинг ва ўзгалар ҳаёти учун хавфсирамасанг бўлади. Ишқилиб мени доғда қолдирмасмикан? Барчани баб-баробар лақиллатмасмикан?

Элик иккинчи боб

ШАЙХ ИСМОИЛ ВА ВАЗИР ЖАЪФАР ИБН ЯХЁ АЛ-БАРМАКИЙ

Соҳиби кудрат амирал-муслимин, — ҳамиша Оллоҳ таоло уни ярлақай, — вазирни иззату икром билан қабул қилгани, у билан оғаларча узоқ суҳбат қургани, Жаъфар ибн Яхё хайр-хўшлашиб, жўнаб кетгач, ортидан қимматбаҳо совға-саломлар юборгани, тортиқлар орасида эса нозик муомалага ўргатилган, хат-саводли ва ҳисоб-китобга омилкор гўзал ва навқирон қул ҳам борлиги ҳақидаги овозани жосус ва айғоқчилар шамол тезлигида ҳар томонга тарқатди. Орадан икки кун ўтгач, давлат мажлисида Жаъфар ибн Яхёни Хуросон вилоятининг ноиби этиб тайинланиши ҳақидаги фармони олий тантанавор эълон қилинди.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

151

Янги хабарни эшитган шайх Исмоил ўзида йўқ суюнди: халифанинг икки қудратли арбоби орасидаги муносабатлар яхшиланди, амирал-муслимин қасоскорлик аҳдидан қайтди, бу ҳазилакам гап эмасди, ҳайтовур ақлу идрок голиб келмоқда эди.

Давлат мажлиси тамом бўлгач, Жаъфар ибн Яҳё Бармакий хонадони ва саройлари жойлашган Шамассия мавзеи томон йўл олди. Саройларнинг энг катта ва ҳашаматлиси Яҳё ибн Халид тарафидан барпо этилган бўлиб, бири Бародан дарвозаси ёнида, бошқаси Шамассия дарвозаси атрофида эди. Иккинчи сарой вазирнинг қароргоҳи ҳисобланарди. Саройнинг ҳашамати ва афсонавий зебу зийнати ҳақида шоир Абул Атахия: «Эрон шоҳларининг саройи бойлик бобида бунинг қошида ип эшолмас!»— деган эди. Хазинаю дафиналар мўллиги Абадият қасри, Зубайда ва ал-Амин саройларидан қолишмасди. Ўз қароргоҳига қайтгач, Жаъфар ибн Яҳё сафарга ҳозирлик кўра бошлаш ҳақида фармойиш берди. Шамассия мавзеи ғивирлаб қолди: суворийлар келиб-кетар, хизматкор ва қуллар елиб-югуришарди. Вазир ҳомийлари Бағдод яқинидаги Нахравонда кўр тўкди. Барча жўнаб кетувчилар шу ерга йиғилишиб, Нахравондан Хуросон вилоятига равона бўлсин деган қарорга келинди. Жўнаб кетиш маросимига атаб бериладиган тантанавор зиёфатга тайёргарлик қилиб кетганди.

Халифанинг бундай қутилмаган ва бемаҳал қилинган лутф-инояти борасида чуқурроқ ўйлаб кўришга вазирнинг фурсати етишмас, зеро бу гап бош қотириб ўтиришга арзимасди ҳам! Бусиз ҳам ҳамма нараса аниқ-равшан эди: Аббоса ва ўғлонлар масаласидан Хорун ар-Рашид ҳозирча беҳабар, шошилиш керак! Ногаҳоний фалокат тўсатдан човут солиши ҳеч гап эмасди. Таажжубланарли жойи шундаки, вилоят ноиблиги борасидаги лутфу иноят халифанинг хушхоллик палласида эмас, балки орада нифок, хуфия ғазаб-нафрат мавжудлик палласида бунёдга келди. Айниқса, ал-Алавийнинг озод этилишидан сўнг Хуросон ҳақида орзу қилиш амримаҳол бўлган бир паллада бунчалик валломатлик қилиш анов-манов гап эмасди. Хайр, бунисига ҳам шукр! Амирал-муслимин Бармакийлар куч-қудратидан, уни тахтдан тобутга тортишларидан ўлгудек хавфсизарди. Бошқа сабаб бўлиши мумкин эмас! Ҳа, нотавон, разил, кўрқоқ шоҳ! Ўз ишининг билимдони бўлмиш биздек сadoқатли аёёнларсиз ҳолинг не кечаркин, кўрармиз! Жаъфар ибн Яҳё омилкорни чақириб, эрта билан Шамассия саройини бир умрга тарк этажagini, Нахравонда ўз ҳомийлари билан қовушиб, ўша ердан Хуросон сари жўнаб кетажagini эълон қилди.

Халифа тортиқ қилган қул жимгина кириб келди.

— Сўзла!

— Хожам! Самовий меҳмонхонада сизни шайх Исмоил ибн Яҳё ал-Ҳошимий кутмоқда.

— Ҳа-ҳа, ниҳоят хайрлашгани келибди-да!— ўйлади қонқиш билан ўзича ва қул очиб қўйган эшик сари йўналди.

Хуросон вилоятининг ноиб оқсоқолга кўзи тушиши билан деди:

— Марҳабо, шайх Исмоил ва раҳматуллоҳ оламин! Ташрифингиз ила бизни беҳад бахтиёр этмишсиз. Қадамларингизга ҳасанот, Ҳошимийлар оқсоқоли! Бармакийларнинг ардоқли меҳмони кексайганига қарамай, азият чекиб, қувғинди бир гумроҳ вазирни йўқлаб келибсиз, бошимиз осмонга етди!— Оқсоқолни юқорига ўтқазиб, кўшиб кўйди:— Таассуфки, осмонни булутлар қоплаган, кўнглимиз синик, қалбимиз қайғуга чулганган бир фурсатда учрашиб қолдик. Бу сўнги мулоқот. Эртага жаҳон пойтахтини тарк этурман.

Бир неча дақиқа давомида улар айрилиқ ҳасрати, бир-бирларига қилган яхшиликлари устида гаплашиб ўтиришди. Шайх Исмоил қулларга қараб-қараб қўяётганини сезган Жаъфар ибн Яҳё уларни чиқиб кетишга ишорат қилди.

— Сени қутлайман, Бармакий!— деди шайх Исмоил ўриндиққа суяниб,

соқолини тарамларкан. — Халифа сенга бебаҳо тортиқ инъом қилмиш! Хуросон вилояти бой ва бепоён. Сен фозил ва олийҳиммат одам эурсан! Халифага лойиқ мионатдорчилик изҳор этмагайсанми? Унинг ўғли ал-Аминга, Бағдод ёнидаги, ҳеч бўлмаса, Даджил йўлидаги қишлоқларингдан бир нечасини тортиқ қилсанг, олижаноб иш бўлар эди. Уларнинг сенга унчалик зарурати ҳам йўқ-ку! Бундай хотамтойлик амирал-муслимин қошида эътиборингни оширган бўлар эди.

Жаъфар ибн Яҳё жавоб қилишга шошилмади. У ўй сурарди. Оқсоқол халифанинг ундовига мувофиқ ташриф буюрган кўринади. Халифа орқасига тисарилиб, сулҳ йўригини ахтармоқда! Жуда соз! Бу ҳолатда Бағдодда қолишга тўғри келади-ку. Йўқ, бу бир фоже ҳалокат бўлур эди. Э воҳ, ўғлонлар ҳаёти қил устида, сир очилиш хавфи бор. Ана шу мушкулот бўлмаганида борми! Жаъфар кимлигини кўпларга кўрсатиб қўйган бўларди. Йўқ, сулҳга келишнинг иложи йўқ.

Қошларини чимириб, гап бошларкан, ачитиб-ачитиб сўзлаётганини яхши тушунган ҳолда, бунга кўп йиллар мобайнида қалбида йиғилган дарду алам боис деб биларди вазир.

— Жиянингиз ботган давлат сойи аслида мен қилган саъй-ҳаракатлар туфайли эканлигини яхши билурсиз, эй муҳтарам шайх! Халифаликнинг бор бисоти, қудрати, улуғворлиги ва шаън-шавкати Бармакийлар саъй-ҳаракати ила бунёд этилмишки, буни ҳам яхши билурсиз. Бундай жидду жаҳд, саъй-ҳаракат ва яхшиликларнинг биронтаси эътиборга олинди? Халифа мени Бағдоддан сургун қилмоқда. Майли, шундай ҳам бўла қолсин. Иқроп бўлурмен. Бу ҳам етмагандек, энди қариндош-уруғларимга қолдираётган ерсувларни ҳам тортиб олмоқчимиз? Тўғри, бу мулклар аллақанча. Аммо халифага бирон қишлоқни, ҳатто энг ташландиғини ҳам тортиқ қилмасман. Бу ҳақда оғиз очмасангиз маъкул бўларди. Йўқса, икки орада яна низо чиқиши мумкин. Қатъий сўзим шу!

Шайх Исмоилнинг Шамассия қасрида бошқа қиладиган иши қолмади. Ўрнидан туриб, хайрлашди. Жаъфар ибн Яҳё ҳузурига бекор келибман, дея ўз-ўзини надомат қилди. Одатда, вазир кекса Ҳошимийнинг сўзларига қулоқ осарди. Шайх Исмоил бугун ҳам шундай бўлишидан умидвор эди. Бироқ, бундай бўлишини Оллоҳ насиб этмади! Ҳаммаси ўз йўлига-ю, ишқилиб, сиримни ошкор қилмоқчи дея халифа гумонсирамаса бўлгани.

Муҳтарам шайх Самовий меҳмонхонани тарк этиши ҳамон, Жаъфар ибн Яҳё таассуфланиб, «Ҳаддан ошиб кетдим шекилли! Ишқилиб шайх Исмоил орада бўлиб ўтган гап-сўзларни оқизмай-томизмай амирал-муслиминга етказмасин-да», дея гашланди.

— Қочиш керак! Имкон борица тезроқ қочиш керак... — ўзича пичирлади у ва чапак чалди. Хомдон кириб келгач, унга оёғини қўлига олиб Аббоса саройига югуришни буюрди.

— Маликага нима дейишингни англадингми? — сўради сўзи охирида Жаъфар ибн Яҳё. Бу сафар гапни оғзаки элтасан.

— Тушундим, соҳибдавлатим, барчасини англадим!

Эллик учинчи боб

АББОСА ВА ХИЗМАТКОРИ УРЖУОН

Аббоса Хуросонда кечажак осойишта кунлар ҳақида хаёл сурарди, эри ёнида, ўғлонлари ҳам, бошқа ҳеч кимнинг кераги йўқ. Эҳ, орзу ва истаклар... Улар оддий, қалбни шунчалик чулғаб оладик, охири бошга битган бало бўлади!

«Мабодо акаси Ҳасан ва Ҳусайнлар борлигини эшитиб қолса нима

бўларкин?»— дея хаёлот олаמידан ер юзига қайтаркан, ўз-ўзига савол берди у. Сир очилгудек бўлса, унинг оқибати борасида калласига ўрнашиб қолган кўрқинчли фикрлардан даҳшатга тушди.— Ўз паноҳингда асра, эй Оллоҳ! Акам ғазаб отига минса борми, унда ҳеч ким омон қолмайди.

Аббоса васвасага чалинди. Икки кимса ўзаро шивирлашиб гаплашиб қолгудай бўлса, дарҳол гумонсирар, улар гўё Аббосани тутиб олиб, зиндонга ташлаш ҳақида тил бириктираётгандек туюларди. Саройга суворийлар тўдаси яқинлашса, мени олиб кетгани келдилар, дея хавфсирагани-хавфсираган. Хатибагина маликани юпатар, дилидаги сўзларни айтиб, кўнглини кўтарарди.

— Халифа вазирни меҳрибонлик билан қабул қилди (Абул Атахия даф бўлди, Саййида!), мажлис Жаъфар ибн Яҳёни Хуросон вилоятининг ноиби этиб тасдиқлади (ниҳоят, муродимизга етдик!); айтишларича, Шамассия саройида сафарга қизгин тайёргарлик кетмоқда...

Аббоса пешайвонда Хатиба билан ўтираркан, ўлганининг кунидан зўрма-зўраки илжаяр, ичига чироқ ёкса ёримас, дунё кўзига тордек, вужуди карахт. Панжарадан эгилиб, йўлга термуларди — сафар севинчлари унга татирмиди! Мажлис қароридан неча пуллик фойда? Уч кундан бери вазирдан дом-дарак йўқ. Ўзи Аббосасини унутиб юбормадимикан? Нахравон сари дам-бадам суворийлар ўтиб турарди. Тўсатдан у Хуросон чопари либосида қаср сари келлаётган кимсага кўзи тушди. Тикилиб қаради-ю, дарҳол таниди — Хомдон! Шу заҳотиёқ Хатибани истиқболига югуртирди.

— Унда вазирнинг номаси бор! Чаққон бўла қол!

Панжарага ёпишиб, канизакни кузатди. Ана, Хатиба пастга тушди, айлана панжарадан ташқарига чиқди, йўл бўйлаб югургилаб бормоқда. Ана, ниҳоят учрашдилар. Ия, бу нимаси?! Хомдон ҳеч нарса бермади. Ҳеч қандай номадан асар йўқ! Нима бўлдикин?! Улар гаплашиб, сарой сари бирга келишмоқда... Ё Оллоҳ!

Ўзини тутиб олган Аббоса тепасида энгашиб турган Хатибани, унинг ёнида куйманаётган Хомдонни кўзи илғади, унинг бўғиқ ва дўрилдоқ овозини эшитди:

— Азият чекма, Саййида, кўрқинчли ҳеч гап йўқ.

Саййида нима ташвишда эканлигини у қаердан ҳам билсин.

— Нахравонга жўнашинг керак, Саййида, вазир ҳам ўша ерга етиб боради.

Саййида ўзини тутолмай деди:

— Қандай қилиб уни ёлғиз ташлаб келдинг?

— Унинг соғлиғи ҳам, кайфияти ҳам жойида. Сенга ҳам шундай тилак изҳор этиб юборди.

— Вой-эй, сенга уқдириб бўлармиди!— қўлини силтаб Аббоса Хатибага ўтирилди.— Ахир биз Ҳасан билан Ҳусайнсиз Бағдодни тарк этолмаймиз-ку. Сен нима дейсан?

— Садоқатли кимсалар болакайларни Ҳижоздан олиб, тўнша-тўғри Хуросонга элтишар,— деди ҳозиржавоблик билан канизак.— Гапим тўғрими, Хомдон?

— Тўғри, жуда тўғри, қизгинам,— тасдиқлади кекса хизматкор.

— Қайси пайтда жўнамоқ лозим?

— Тонг палласида, Саййида.

— Мабодо шоир оғзидан гуллаб қўйгудек бўлганда ҳам биз Бағдоддан йироқда бўламиз, Ҳасан билан Ҳусайнни ҳеч ким ахтариб ўтирмайди,— деди Хатиба.

— Қақир-кукурларни камроқ ол,— деди насиҳатомуз Хомдон,— хизматкорлар биттадан йўлга тушишсин, токи кимса шубҳа қилмағай. Канизаклар кийиниб, Хатиба билан бирга йўлга тушинглар.

Аббоса жуда тез ва қутилмаган қарорга келди:

— Жаъфар мени унутмабди!— хитоб қилди хўрлиги келиб.— Наҳотки

орзулар рўёбга чиқса? Мен сафарга тайёр! Ҳатто Ҳофизанинг бўялган либосида ҳам!

Хомдон жўнаб кетгач, яна унинг авзойи айнади: қувонч ўрнини умидсизлик эгаллади. Ҳар нима бўлганда ҳам аёллар ўз ҳиссиётларининг қули. Аббоса бошини қуйи солганча сарой бўйлаб кезарди. Болалигиданоқ офтоб тушмайдиган ўтиш йўлақларини, муздек устунли айвонларни, жажжи ички ҳовлиларни, равоқларни, емакхонани, хобхонани, меҳмонхоналарни жуда яхши кўрарди. Хизматкорларга, соя-салқин боғларга, улуғвор Дажлага ўрганиб қолганди. Буларнинг барчасидан кўзни чирт юмиб кечмоқ керак, ҳаммасини ташлаб кетиш лозим... Нима учун, энди? Нега Оллоҳнинг қаҳрига учради? Уржуон бошлиқ хизматкор ва қулларни-ку, ҳаммасини битта қолдирмасдан олиб кетар. Лекин бошқа нарсаларнинг барчасини олиб кетолмайди-ку, ахир... Вой ўлмасам, ахам тўсатдан сирдан воқиф бўлиб, Хуросон сари лашкар тортса-чи? Қандайин даҳшат...

Хаёл уммониға ғарқ бўлган Аббоса ёнидан тугун кўтариб олган Ҳатиба ўтиб кетмоқда эди. Аббоса уни тўхтатиб, Уржуон қаерда, деб сўради. Қанизакнинг юзлари чанг ва қора терга ботиб кетганди.

— Саватларни жойлаштираётган хизматкорлар олдида.

— Чақир уни!

Барбар арабларидан бўлган ахта қул дарҳол ҳозир бўлди. У озгин, оёқлари узун ва тиззалари бўртиб чиққан. У болалигида бичилгани учун кўса эди. Болалигида бичилганлар каби унинг ҳам ёшини аниқ айтиш қийин эди. Сиртдан уни ўттиз-ўттиз беш ёшларда деса бўларди. Аслида Уржуон элликдан ошганди. Ахта қул ал-Мансур саройида катта бўлди. Аббоса туғилгач, қизалоққа доя ўрнида доялик қилди. Онаси шимолий Африка барбарларидан бўлган халифа ал-Мансур юртдошларига алоҳида эътибор билан муносабатда бўларди.

— Мен билан жўнайсанми, йўқми, Уржуон?— сўради ёшлигидан ёнида бўлган қорачадан келган кўса чехраға ўрганиб қолган Аббоса.

— Сенинг хоҳишинг мен учун фарз!— жавобан деди барбар Саййиданинг йиғидан қизарган кўзларига қараб, унинг ҳам кўзлари ёшланди.— Сенинг содиқ қулингман, Саййидам!

— Биласанми биз қаерга жўнаб кетяпмиз?

— Менга барибир! Ҳатто у дунёга бўлса ҳам!

— Ё Оллоҳ, унисини эмас, бунисини ўзинг насиб этгайсан!— деди вужудига титроқ турган Аббоса пичирлаб.

Эллик тўртинчи боб

ХОРУН АР-РАШИД СУЮКЛИ ХОТИНИ ҲУЗУРИДА

Халифа бировга кўпроқ, бировга камроқ ишонар, аммо ҳеч кимга кўнглидагини очиқ айтмасди. Шайх Исмоил билан учрашгач, кўпроқ гапириб юбордим шекилли, деб ўйларкан, тамоман аксинча иш тутишга киришди; майли, амакижоним вазирага Хуросон тортиқ қилинди, ал-Алавий воқеаси кечирилди ва унутилди деб ўйлай қолсин. Майли, Бармакийлар хоҳлаганча даврон сураверишсин! Вақт келиб қолар... Ҳали шунчалар ҳайратга тушарсизки, амакижон, ёшингиз шу ерга етиб, бунчалик ёқа ушламаган бўласиз!

Ёшиқ оғаси бўлмиш ахта қул кириб ер ўпгач, хаёл дарёсига чўмган халифага кумуш баркаш тутди; халифа баркашдан номани олгач, ердан бош кўтармай, орқаси билан тисарилиб чиқиб кетди.

Хорун ар-Рашид номани очди. У хуфия нома кутмоқда эди. Жаъфар ибн Яҳёга тортиқ қилинган қул хат-савод ва ҳисоб-китоб, нозик муомаладан ташқари жуда моҳир мўралагич, таъқиб қилиш, яширин тешиқлар очиб, гап-сўзларга айғоқчилик қилиш ҳунарларига ҳам омилкор қилиб ўқитилганди.

Бир текис хуснихатни кўриб, амирал-муслимин қаноат ҳосил қилгандек тин олди. Ҳийла-найранг ўз ишини қилибди. Халифа номани ўқишга тутинди. Номада, Жаъфар ибн Яҳё билан шайх Исмоил орасида бўлиб ўтган гап-сўзлар батафсил битилган. Халифанинг юзлари тундлашиб, пешонаси тиришди.

Вазир бўлар-бўлмас нарсаларга пасткашлик қилиб, ҳақоратлар ёғдиришгача бориб етибди-да! Ҳали Бағдодда туриб шунчалар ҳунар кўрсатар экан, тарафкашлари ва халойиқ қўллаб-қувватлаб турган Хуросонга бориб олгач, уни тутишга қўлим калталиқ қилган пайтда қандай номаъқулчиликларга қўл ураркин?» — номани охиригача ўқимай хаёл сурди Хорун ар-Рашид. У айвончадан сакраб турди-да, тоқатсизланиб, фавворали кичик ҳовлида чир айлана бошлади, тўлғоқ тутгандек ўзини кўярга жой тополмасди — эҳтимол, шайх Исмоил билан яна бир бор маслаҳатлашиб кўрсамикин?.. Ахир, қандай қарорга келиш, халифалик тақдири ва истиқболли деган гап-ку! Ундан бирон-бир бамаъни гап, ҳеч бўлмаганда бир оғиз ақлли сўз чиқармикин? Оқсоқол вазир билан мулоқоти ҳақида менга маълум қилишни ҳам лозим кўрмади! У билан маслаҳатлашишдан нима фойда: гапни чувалаштиради, сувдан қуруқ чиқмоқчи бўлади. Қатъий қораларга эътироз билдиради. Йўқ, эндиликда унинг менга зарурати йўқ! Қани энди олий мартабали кишилар орасида гапга унайдиган биттагина кимса топилсаydi. Зубайда! Қандай қилиб Зубайда ёдимдан кўтарилибди?! Бармакийларни кўргани кўзи, отгани ўқи йўқ-ку! Ана у менга мададор бўлғуси...»

Икки бор қарсақ чалди.

Офтоб Дажла бурилиши орқасига яширингач, Абадият қасри дарвозасидан икки шумшайган суворий чиқиб кетди.

— Кимнингдур боши кетгуси! — деди соқчи бесўнақай отда кеккайиб ўтирган Масрурга кўзи тушиб. Ой чиқди, шаҳар атрофидаги шиббаланган йўл ёришди. Кенг елкали фарғонийга кўзи тушган йўловчилар (уни Бағдодда ким билмайди дейсиз!) чўчиб ўзини четга олар, унинг ёнида нимдошгина абога ўралиб олиб, хожасига етиб олишга уринганча хачирни ниқтаётган хизматкорга биров эътибор ҳам бермасди.

Кўноржо қасри соқчилари келувчиларни сўраб-суриштириб ҳам ўтирмади: жаллод билан ади-бади айтишмоқнинг ўзи бемаънилик. Дарвозалар ланг очик.

Фарғоний билан бирга келган хизматкор жиндек имирсилаб қолган эдики, хожаси елкасига бир мушт туширди.

— Жаллоднинг жазоси шу! — деб тўнғиллади уни Масрурнинг ёрдамчиси деб ўйлаган соқчи.

Пастқам ердан юришга одатланган Масрур боғ ичкарасига етишгач, энгашиб деди:

— Кечиринг мени, хожам!

— Зубайда ёнига бор! — энтикиб деди Хорун ар-Рашид (хачир минган унинг ўзи эди) ва дағал жун абони ечиб ташлади.

У замонларда хотинларнинг хос хонасига оғоҳлантормасдан кириб бориш одобсизлик саналар, хотин ўз эрини ясаниб-тусаниб, силаниб-тараниб, пардоз-андозни маромига етказиб кутиб олмоғи шарт эди.

Орадан чорак соат ўтгачгина халифа яширин эшикка қадам қўйди, чароғон шуъладан кўзлари қамашиб қолди. Унга Зубайда пешвоз келарди. Зубайданинг лаъли лабларида табассум ўйнади. Яқингинада халифалик Саййидаси ўғлини кутиб олган меҳмонхонада юзлаб муаттар шамлар ёниб турар, улардан таралган шуълалар олтин тақинчоқларга, билагузукларга, жавоҳир шодаларига тушиб, ярақ-ярақ товланар, бир афсонавий гўзаллик пайдо қилар эди. Хорун ар-Рашид салом-алиқ қилгач, вужудида жўш ураётган ғазабга қарамай очик табассум қилди.

— Марҳабо, ё амирал-муслимин, марҳабо! — дея уни қарши олди Зубайда. Эрининг чехрасидаги табассумдан талтаймади, яширин равишда ташлан-

ган ҳажвий шеър ўз ишини қилганидан мамнун эди.— Табаррук қадамларингиздан бошим кўкка етди. Не буюргайлар — ичимликми, ширинликми?

Жавоб қилишдан олдин хотинининг бўйинини безаб турган, ўта санъаткорона ишланган жавоҳир шодасига, нозик тўғноғичларга ҳавас билан боқаркан, пастга қараганча, бутун халифаликка овоза бўлган олмос қадалган ковушни мақтаб қўйди. Сўнгра, йўл-йўлакай эслагандек, бу ерга кўнгил очиш учун келмаганини айтди.

— Менинг қошимга хайрли ишлар борасида ташриф буюргайсиз,— билинар-билинемас қизариб, эҳтиёткорона жавоб қилди Зубайда.— Оллоҳнинг буйруғи шундай экан, лутфу карамидан умидворман.

Хорун ар-Рашид кул юборган номани қўйнидан олиб, жимгина рафиқасига узатди; у номани ўқиб туриб, форсдан шикоят қилди.

— Сен менинг ҳам хотиним, ҳам туғишган амакимнинг қизисан, энг яқин кишимсан. У нокасга жуда катта вилоят инъом этсам-у, у ит атиги бир неча кишлоқнинг нари-берисига бориб ўтирса. Хуросонга ҳоким бўлиб олгач, халифаликдан ажралиб чиқишга уриниб кўрса ҳам ажаб эмас. Ана шу хавф мени қийнамоқда, сен бу савдоларга не дейсан, азизам?

Зубайда еттинчи осмонда. Эрини Бармакийларга гиж-гижлаш учун қанчалик макр-ҳийлаларни ишга солмади. Бироқ бирон иш чиқаролмади. Ана энди вақт-соати ҳам етиб келибди.

— Қувонишинг боиси не? — деди халифа овозини кўтариб, хотини лабларида ўйнаган киноятли табассумдан ажабланганча.

Зубайда номани ёнига қўйди.

Халифаликда бирон кимса очиқчасига гапиришга юраги дов бермаслигини яхши билган Зубайда, унинг бош хотини бўлганлиги учун эмас, балки кўп йиллик меҳру муҳаббат ва покдомонлик ҳаққи-хуқуқига суяниб (йўқса, унинг покдомонлигини саноксиз кўзлар муттасил кузатиб юришини яхши биларди) сўз бошлади:

— Бадмаст дарға ривояти ёдимга тушди. Эсингиздадир, кема чўка бошлайди... Тезроқ сувга сакраш керак, қирғоқ узоқ эмас. Бадмастнинг эса парвойи фалак, дунёни сел босса тўпигига чиқмайди. Тўлқинлар босиб келмоқда. Сиз ҳам, Хорун, худди ўша бадмаст дарғанинг ўзисиз! Халифалик кемасидаги ёриқ катталашиб бормоқда, кема ҳалокати яқинлашмоқда. Сакрашга ҳозирланинг! Вазир ал-Алавийни бўшатиб юборди — бу жиноят. Бир неча кишлоқни тортиқ қилишдан бош тортди — шарақлатиб тортилган тарсаки! Буниси ҳали ҳолва. У ҳали шунақанги қора кунларни бошингизга соладикки, шайтон ёқа ушлагай!

— Очиғини гапиравер, хотин, дилингда борини тўкиб сол! — жиддий деди Хорун ар-Рашид.— Бўлар иш бўлди, бўёғи сингди, бундан буён қайтарилмайди. Менимча, дарға билан халифа ўртасида унчалик ҳам ўхшашлик бўлмаса керак.

— Иффатли аёлга бундай беномус ишлар борасида сўзлаш ор-номус.

— Беномус дедимми? — такрор сўради халифа.

— Ҳатто эслашга ҳам ҳазар қиламан...— деди Зубайда ва эрининг кўзларида ғазаб учқунлари ўйнаб келаётганини кўриб, жимиб қолди.— Яхшиси, Уржуондан сўраб кўринг. Нима гаплигини у ҳаммадан кўра яхшироқ билади.

— Уржуон? Ҳа, синглимнинг қули...

— Ўшанинг ўзи. Фақат бир оз ваҳшат қилинг.

— Фармойиш бер, ҳозироқ келтиришсин! — даҳшатли ҳайқирди халифа.

Зубайда соқчини чорлаб, чапак чалди.

Эллик бешинчи боб

СИРНИНГ ОШКОР БЎЛИШИ

Ахта қуллар энг садоқатли ва ишчан хизматкорлар эди. Насл-насабдан маҳрум этилган зайфу нотавонлар ҳамиша хожалар бошида парвона, уларни худди ўз фарзандларидек парвариш қилишар, болаларини меҳру муҳаббат дарёсидан сероб этишар, оқ ювиб, оқ тарашарди. Бўш-баёв Уржуон Аббосани ёшлиқдан кўтариб катта қилгани учунми, унинг учун малика бир умрга гўдакдек туюларди. Ундан ҳеч нарсани, ҳатто жонини ҳам аямасди. Бугина эмас, бутун сарой аҳли Аббосадан жонини аямас, қўйгани жой тополмай, кафтда сақлар эдилар. Ахта қул йўл тадорикини кўриш билан овора бўлиб юрганида уни қидириб қўшни соқчиси кириб қолди:

— Бегойим сизни сўраяптилар, бирров чиқиб келаркансиз, Уржуон амаки,— деди кўпинча Зубайда юмушларини бажариб юрувчи ёлланма аскар.

— Ҳозир, бўтам, Саййида Аббосани огоҳ қилиб қўяй,— деди тараддуланиб кекса ахта қул.— Ҳеч ерга жилманг деган эди.

— Борасиз-у, тез қайтиб келасиз, Уржуон амаки,— деди қатъий буйруқ олган соқчи уни авраб.— Ҳаммаси бўлиб бир неча дақиқага. Тез кетиб қолишмас-ку? Малика тезда ухламоқчилар...

— Ундай бўлса бошқа гап,— рози бўлди Уржуон. У хизматкорларга малика хуш кўрган қовунларини ҳам жойлашни унутманг деб тайинлади ва соқчи кетидан боққа чиқди.

Бу орада Кўнаржо саройида сукунат чўкди. Агар меҳмон бўлмаса, барвақт уйқуга кетишарди. Фақат маликанинг хос хобхонасидаги чироқ ёниб турарди. Соқчи кетганига чорак соат ўтган бўлса-да, ўз ўйлари билан банд Хорун ар-Рашид ва Зубайда миқ этишмади. Сукунат оғир юкдек босиб турар эди. Вазир тарафидан қандай беномуслик содир бўлди экан дея ўйлаб ўйига етолмаган Хорун ар-Рашид равонга чиқди. Меҳмонхонага қайтиб кирганида рафиқаси кўринмасди. Бундан, сўроқ вақтида ҳозир бўлишни истамабди, нима қилибди, аёлларга хос бундай тортинчоқлик мақтовга лойиқ, деб ўйлади ўзича. Зийрак Масрур ерга тери тўшама ёзиб, устига кундани қўйди-да, эшик олдида чўккалаб ўтирди.

Барбарни келтиргач, гувоҳ бўлмагани яхшироқ, деб жаллод ёлланма аскарни чиқариб юборди. Сўнгра яширин эшикни очиб, овоз берди:

— Уржуон келтирилди!

— Кирсин!

Халифани кўрибоқ қотиб қолган ахта қулнинг бутун аъзойи баданига титроқ турди. Оёқлари қайишиб, оз бўлса узала тушиб ётиб қолгудек ҳолатда эди.

Хорун ар-Рашид пештахтадан турди ва хирқироқ товушда деди:

— Бобомнинг арвоҳи ҳаққи-ҳурмати, синглимнинг саройида нималар содир бўлаётганини очиқ-ойдин айтиб бермасанг, омон қолмансан! Алдамчилик жонингга ора кирмас, барибир ҳаммасини билиб оламан!

Ахта қулнинг тили калимага келмай қолди.

— Ҳа, жим тураверасанми, қилтириқ тева! — наъра тортди Хорун ар-Рашид ва жаллодга қаради: — Масрур, ҳозирлан!

— Бош устига, ҳукмдор!

Қиндан суғурилган шамшир енгилгина жаранглади. Шу замон Уржуон тўсатдан тилга кирди. Жонҳолатда қичқириб, халифанинг оёқларига бош уриб, ўпиб, илтижога сўз очди:

— Шафқат қилинг, эй амирал-муслимин, шафқат!

— Ҳа, тилга кириб қолдингми, ёлдор бўри! — Хорун ар-Рашид уни тепиб юборди.— Хўш, қандай беномусликлар бўлиб ўтди, барчасини оқизмай-томизмай тўкиб сол-чи! Бўлмаса бошинг танангдан жудо бўлгуси!

— Эй, амирал-муслимин, шафқат қилинг!

— Ҳаммасини бекитмасдан айтсанг, жонинг омон қолгай! — деркан халифа одам зотига хос гўллик, айниқса, ахта қулларда кучлироқ эканига ишонди ва бир оз ён бера қолай деган хаёлда деди: — Лекин билиб қўй, кўтир мушук, мени лақиллатолмайсан, сен демоқчи бўлган гаплар менга аллақачон аён.

Уржуон доврираб қолди. Боши қотди. Фикрлари чувалашиб кетди. «Халифа ўзи билиб олган экан, нега қайтадан сўрайди? Тафтиш қилиш учунми? Саййидани яна бир бор шармандаю шармисор қилмоқчимми? Борди-ю, ҳеч гапдан хабари бўлмаса-чи? Маликанинг сири менинг сирим! Йўқ, бурда-бурда қилсалар ҳам оғиз очмасман! — деб ўйлади у ва бирдан кўзи шамширнинг ярақлаб турган тиғига тушди.— Вой-бў, жуда ўткир бўлса керак: ҳамонки сир ошкор бўлган экан, оғиз очмасликдан на фойда? Мурдага айлангач, маликага фойдам тегмайди-ку, ҳатто уни огоҳ ҳам қилолмайман! Жўнаб кетишга беш соат қолди. Ё Оллоҳ, нега биз ҳалок бўлмоқдамиз? Тиррик қолмоқ — Саййидага хоинлик қилмоқ... Виждонан ўлим афзалми ё юзинг қора бўлганими?»

— Ҳа-ҳа, кал маймун, яна тилинг тутилдими! — ҳайқирди халифа.— Масрур, уни кундага бос!

— Эй амирал-муслимин, шафқат қилинг, шафқат! — Ёлворди Уржуон.— Саййида... У... унинг...

— Бос, Масрур, кундага бос деярман!

— Вой-дод!... Унинг уч фарзанди бор...

— Нима?! — халифанинг жони халқумига келгандек бўлди, ўзини аранг босиб деди: — Нима деб валдираяпсан, сассиқ кўппак?!

— Уч фарзанди,— такрорлади дудуқланиб Уржуон,— бири олти, иккинчиси етти ёшда. Учинчиси бир яшарлигида ўлди. Вазир уларни пайғамбар шаҳарига юборди. Саййида тўртинчисига ҳомиладор.

Эллик олтинчи боб

АББОСА ВАСВАСАДА

Жўнаб кетишга ҳозирлик кўраркан, Аббоса Хуросонда кечиражак осойишта, бир маромдаги ҳаёти борасида қайта-қайта ўйларди: у ерда на ғанимлар, на чакувчилар, на жосуслар бўлади... Жаъфар сараланган соқчиларни танлаб олади. Энг муҳими — эсон-омон жўнаб кетиш. Ҳошимийлар тарафқашларининг қўллари Хуросонга етмайди. Калталиқ қилади. Хуросон йироқ... Аммо, бу ерда-чи... Ишқилиб хунхорлик бўлмасин-да! Даҳшат! Асаблар қизиган! Лов этиб ёниб кетса борми! Бағдод деган ғамхонадан, ахлатхонадан тезроқ омон чиқиб олса бўлгани!.. Жаъфар билан ортиқ ажралишмайди, доим ёнида бўлади. Ота-онасининг бағрида яшаш фарзандлар учун мислсиз бахт!

Хатиба яқинлашди. Аббоса канизакнинг ранги-рафторини кўриб, эси оғиб қолди: Хатибанинг чеҳрасида қон қолмаган, таҳликада.

— Вой ўлмасам, нима бўлди?! — деярли бақириб юборди даҳшатга тушган Аббоса. — Гапир! Гапирсанг-чи, ахир!

— Ҳаммаси ўтиб кетади, Саййида... Гапирмоқчи эмасдим-у... — гудранди канизак. Овози дам-бадам тутилиб, жағи шақ-шақ титрарди.— Демоқчиманки... ҳеч кутилмаганда...

— Нима бўлди сенга? — баттар таҳликага тушди Аббоса.— Оллоҳ ҳаққи, гапирсанг-чи!

— Уржуон. Саййида... қаёққадир ғойиб бўлган!

— Қанақасига ғойиб бўлади? Яқингинада ўзим у билан гаплашдим-ку. Ўлдирдинг мени. Яхшилаб кидириб кўр, хизматкорлар орасидадир.

— Тўғри, хизматкорлар орасида экан. Дарвозабон менга Уржуоннинг саройдан чиқиб кетганини айтди.

— Чиқиб кетибди? — Хайратидан ёқа ушлади Аббоса. Яна вужудини даҳшат босди. — Ахир менинг фармойишимсиз ҳеч ким ҳеч қаёққа жилмасин деган эдим-ку!

— Уржуон дарров қайтиб келаман дебди, — деди томоғи қақраб Хатиба ва енгил йўталиб олди. — Аллақанча вақт ўтди, бироқ ундан дом-дарак йўқ.

— Ахир у қаерга ғойиб бўлди?

— Бишимча, Қўноржо саройига.

— Зубайданинг олдигами? — оҳ уриб юборди Аббоса ва лабини тишладди. Чехраси докадек оқариб кетди. — Нега Зубайдага зарур бўлиб қолибди? Ҳеч ақлим бовар қилмайди! Яна қандайин тузоқ қурмоқдайкин?

Хатиба малика олдида тиз чўкиб, унинг кўйлаги бурмаларига юзини яшириб, бидирлай кетди:

— Ёлланма аскар Уржуонни йўқлаб келибди. Қандайдир хатарли ўйин тайёрланмоқда. Ҳозиргина ўз одамимиз келди. Саройдан бир амаллаб чиқибди. Қўнаржо саройига Оллоҳнинг балосига йўлиққур Масрур келибди. У билан бирга амирал-муслиминга жуда ўхшаб кетадиган бир хизматкор ҳам бирга келганмиш.

— Акамга ўхшаш? — инграб юборди Аббоса, лабларига сирққан қонни ялаб. — Нега у хуфиёна келдйкин? Нега бирдан Уржуон ғойиб бўлиб қолди? Вой-дод, жинни бўлиб қоламан!

— Сайида, даҳшатли фалокат яқинлашмоқда! — Бакириб юборди бошини кўтариб канизак. У кўзларини Аббосанинг кўзларига тикди. — Қочиш керак! Ҳозироқ, вақт ғаниматда қочмоқ лозим!

— Билмадим, Хатиба, билмадим... Уржуон келиши биланоқ олдимга юбор.

— Болаларни ўйла, Сайида! Орқа-ўнгимизга қарамай қочайлик! Имиллаш — ўлим!

— Бу ишни қилолмайман! — деди қўлларини силкитиб Аббоса. — Оллоҳ ҳаққи, қилолмайман! Тезкор чопарни вазир ҳузурига йўлла. У бир қарорга келсин. У нима деса — шу. Бор, мен пешайвонда кутиб ўтираман.

Эллик еттинчи боб

ЖАЗО

— Ҳа, ана энди унинг бир неча ойлаб касал бўлиши ва Бағдоддан йироқда яшаши сири очилди! Қаранг-а, қандай касалликдан даволанган экан! — ғазабидан ғижиниб, халифа бакириб-чақирди, Уржуонга еб қўйгудек бўлиб тикиларди. — Ҳа, лаънати яғир эшак! Нима аломатлар бўлаётганини билиб туриб, оғзингга толқон солиб юрган экансан-да, хайвон!

Эти увушган ахта қул дағ-дағ титрарди.

— Эй, амирал-муслимин! — пичирларди унинг лаблари.

— Кундузими, тундами, вазир келса саройга киришига ижозат бергандингиз...

Хорун ар-Рашид тишларини ғижирлатди.

— Ҳа, мен ижозат бергандим. Лекин, вазир қуюшқондан четга чиқса хабар қилманглар, демовдим-ку, ахир? Нега жавоб бермайсан, думсиз қарға! — У Масрурга ўгирилиб, амр этди: — Боши танидан жудо қилинсин!

Жаллод буйруққа илҳақ эди. Худди ўзининг қон душманидек жаллод Уржуоннинг ёқасидан тутиб, силтаб кундага босди.

— Шафқат қилинг! Ўзингиз ваъда бердингиз-ку! Шафқат! — қичқирди жон ҳолатда Уржуон ва халифа сари талпинди, аммо Масрурнинг чайир қўллари уни тўппа-тўғри кундага отиб юборди.

Масрур силтаб шамширни қиндан суғурди. Ахта қул бир вақтлар фақат уч марта илтижодан сўнгина амирал-муслимин кечириши мумкин, деб эшитганди.

— Шафқа...

Уржуон сўзини тамомлашга улгуролмади. Шамшир шиғиллаб ҳавони кесди. Халифа сўздан қайтиб қолмасин деб хавфсираган жаллод шошилари. Бир зарб билан узилган бош унда-мунда қип-қизил доғлар қолдириб, тери тўшама устига думалаб кетди. Ҳали титраётган бошсиз танага қиё ҳам боқмай Хорун ар-Рашид қичқирди:

— Хотин!

Қўшни хонага чиқди. Бўлиб ўтган ҳодисалардан ҳаяжонга келган халифа яшариб кетгандек эди. Зубайда кенг катда ўтириб олиб, меҳмонхонадан келаётган шовқин-суронга диққат билан қулоқ соларди. Завжасини кўриб, ўтирган ерида тебраниб олди, аммо ўрнидан турмади: эрининг бурнидан ип ўтказиб олган, инон-ихтиёри унинг қўлида — энди бир кишинигина қатл этиш билан қаноатланиб қололмайди.

Хорун ар-Рашид одоб-ахлоқ қондаси бузилганини сезмагандек (ҳозир бунинг пайти эмас, кейинроқ ҳисоб-китоб қилади!) ҳайқириб юборди ва ово-зи хириллаганига ўзи ҳайрон қолди.

— Қара-я, келгинди қулнинг миннатдорлигини! Номус! Жамийй оламга шармандаи-шармисор бўлдик!

Унинг соқоли титрарди.

Зубайда олдинга энгашиб, гўё ҳеч гап бўлмагандек, эрини саволга тутди:

— Нега энди фиғонингиз фалакка чиқади, азизим? Ўзингиз пиширган ош, айланиб ҳам ичасиз, ўргилиб ҳам! Кўркам, басавлат, хушбичим, кийинган, мушк-анбарга беланган Бармакийни ким излаб топди? Ўзингиз, азизим, худди ўзгинангиз! Ҳали эркак бетини кўрмаган Аббосанинг олдига уни ким бошлаб келди? Ўша пайтда Аббоса, худди онт ургандек ориқ-тирриқ бўлса-да, халифанинг синглиси эди-ку! Қизлик иффату латофатини ер ютдимикин! Бу гапларни тасаввурга келтиришга ҳам ор қиламан... Хўш, қуруқ саржинга худди ўзгинангиз олов ёқдингиз, эндиликда ловиллаб ёниб, барчани дўзах ўтида қуйдираётган гулханга қараб, ҳайҳот, бу фалокат қайдан келди деб талвасага тушасиз?

— Гулхан узоқ ёнмаяжак, уни қон билан ўчираман!

— Ҳеч ишониб бўлмайди, — деди кесатиб Зубайда, кимхоб кўйлагининг енгларини шимараркан. — Яна вазиригизни учратиб қолгудек бўлсангиз борми, қайта бошдан меҳру муҳаббатингиз жўш урғуси: «Биродарим Жаъфар! Биродаргинам Жаъфар!» Энди унга ит боқмай қолади! Туф-ей, кўнгилни айнитади-я! Неча мароталаб шундай бўлмади!

Хотин кишининг бундай шаддодлиги ножоиз бўлса-да, у ҳақ эди. Зубайда уни неча мароталаб огоҳ қилди, аммо у, рашк — хотин кишига теккан азалий касал дея, гапларига қулоқ осмаганди.

— Йўк! Энди бу хато қайтарилмайди! Оллоҳни шафеъ келтириб айтаманки, энди бу ишларга хотима берилажак! — қичқирди ўз ўтига ўзи қоврилиб халифа. — Мен ҳозир бошқа гап ҳақида ўйлаб қолдим — шармандаю шармисорлигимизни нима билан хаспўшлаш мумкин? Шундай кўмиб ташлансинки, ҳатто исн ҳам чиқмасин! Кимки бу аломатлардан воқиф экан, тағтомири билан гумдон қилинғуси. — У жимиб қолди ва яна керагидан ортиқ гапириб юборганини ўйлаб (ҳатто Зубайда ҳам воқиф бўлмасин!) гапни чалғитди, — мен хизматкорларни кўзда тутяман. Мен унга омонлик ваъда қилган бўлсам-да, ажал домига йўлиқди. Нима бўпти, ваъда берсам берибман-да, осмон узилиб ерга тушибдими! Биронта қаллоб синглим билан вазирга тил тегизиб кўрсин-чи! — у яна тил тишлаб қолди («Тағин мен уларнинг ёнини оляпман, шекилли? Бор-е, Зубайда нима деб ўйласа ўйлайвермайдими! Барибир тезда у ҳамма можаронинг гувоҳи бўлур...») ва

тишларини ғижирлатиб, астагина деди: — Одам дегани ўзи нима? Хато ва нуқсонлар тўлдирилган меш. Гапни чўзишнинг ҳожати йўқ, чарчадим.

Зубайда эри жўнаб кетмоқчи эканини пайқади.

— Андак сабр, азизим!

Халифа жавоб қилмай, хўшлаша бошлади. Зубайда унинг қўлидан тутди.

— Аббосанинг ўғиллари қаерда эканини билишни истарсиз?

— Ҳа-я, унинг ўғилчалари бор эди... Қўшаложми? Эсимда. Уларнинг пайгамбар шаҳрида эканини Уржуон айтувди.

— Йўқ, азизим, улар шу ерда.

— Бағдоддами?

— Буткул сизнинг ихтиёрингизда.

— Ташаккур сенга, ҳам рафиқам, ҳам қариндошим. Хотирамда тутурман.— У ўгирилиб, қичқирди: — Масрур!

— Мен шу ердаман, ҳукмдорим!

Жаллод худди бўрон кўзгаган қуюндек хонага отилиб кирди.

— Бугун нима кўрдинг? Нималар эшитдинг? — Ҳар галгидек Масрур билан шартли иборада сўзлашарди Хорун ар-Рашид.

— Ҳукмдорим, мен гунгу лолман! — жавоб қилди жаллод. Унинг жавобидан, хожанинг имо-ишорасини англадим ва бирон кимсага миқ этмайман, деган маъно англашилди.

— Оллоҳ сени ярлақай! Қани, кетдик!

Қора тун қўйнида ҳачирда лўкиллаб бораркан, халифанинг миясини таҳликали ўйлар кемирарди. Халифадаги барча нарсалар: халифалик тожу тахти, ҳокимият, бойлик унинг хонадони бошига тушган номус доғини юволмайди. Уммонда чўкаётган одамга хазинадан не фойда! Тўлқинлар босиб келмоқда, зулмат тобора қуюқлашмоқда, қани энди бир қарич ер бўлса-ю, уни ушлаб, нафасини ростлаб ололса.— Беҳуда ўй! Оёқ ости — ўпқон.

Ўша ҳолатда синглиси кўзига кўринганида борми, жаллодга ҳам буюриб ўтирмай, ўз қўллари билан қатл этарди.

— Минг лаънат сенга, хиёнаткор сингил! — хитоб қилди баланд овозда халифа ва шу ондаёқ ўйлаб қолди. «Эртага бошқа бирон чора топсам-чи!» Ҳачирни ниқтаганча ғизиллатиб кетди.

Эллик саккизинчи боб

КУТИЛМАГАН ЙЎҚЛОВ

Тун зулмати ҳукмрон. Ойсиз кеча қора ишлар учун қулай палла...

Орқадан шитирлаган товуш эшитган Аббоса ўгирилиб қаради.

— Вой ўлмасам, Хатиба, нега мени кўрқитяпсан? — Тикилиб қаради-ю, «воҳ» деб юборди. Канизакнинг лабларигача докадек оқарган, сочлари тўзғиб кетган, кўз милкларига ёш қотиб қолган, авзойи даҳшатли эди.

— Сенга нима бўлди? Йиғлаяпсанми? Вазирдан хунук хабарлар келдими?

— Жим! — деди ғалати шивирлаб Хатиба ва Аббосани боққа олиб тушадиган зинапоя сари сургади.— Оллоҳ ҳаққи, Саййида, дамингни чиқара кўрма!

— Хунук хабарларми? — такрор сўради Аббоса ва юраги орқасига тортиб кетди.— Тезкор чопар қайтиб келдими?

— Жим! — аранг нафас урди канизак.— Амирал-муслимин!

Аббосанинг тиззалари бўшашиб кетди. Йиқилиб тушмаслик учун айвонча панжарасини тутиб қолди. «Наҳотки, ҳалокат? Қандай даҳшат! Акам нимага келдийкин?.. Фарзандларим шармандаи-шармисор бўлиб қолмасалар

эди?» Вужудининг қаърида туғилган эътироз тобора кучайиб, шиддат касб этгандек туюлди: «Дунёда адолат бор-ку! Ўз сўзимда қатъий бўлганим зарур! Ҳасан ва Ҳусайн авлодимиз номини келажакка элтсин! Акам уларни бир кўришдаёқ ўз акасини кўргандек бўлади! Ўғлонлар қуйиб қўйгандек унга ўхшаш!» Қалбининг қаърида яширинган кўз илғамас қудрат уйғониб, заифлик ғойиб бўлди. Аббоса қаддини тиклади. Хатиба тутиб турган биллагини тортиб олди.

— Йўқ! Халифанинг синглиси беҳаёлик қилиб қочиб кетмайди. Гуноҳқорлар қочади. Оллоҳ қошида покман. Бу менинг саройим, мен унинг соҳибиман, нега энди кўрқишим керак экан? Мени холи қўй, акам билан сўзлашмоқчиман!

Пешайвондан кавушларнинг тақиллагани эшитилди. Аббоса канизакка эгилиб, кулоғига тез-тез уқдириб деди:

— Иккинчи тезкор чопарни жўнат! Халифанинг ғазаби Жаъфар бошига ёғилмағай. Соқчиларни икки баробар кўпайтирсин! Оллоҳнинг ўзи унга мадаккор бўлсин!

Хатибани итариб юбориб, аста-секин халифа истиқболига йўналди, чеҳрасидан ғазаб ёғилиб турган халифага яқинлашиб, вужудини ўртаётган алам ва ҳасратни аранг босганча очиқ юз билан деди:

— Қадам ранжидангиздан бошим осмонга етди!

Халифа уни кўрмаган ва сўзини эшитмагандай, пинагини бузмади.

— На сабадан мени йўқлаб қолдингиз, ака? — сўради Аббоса; овози титрамаганидан Оллоҳга шукрлар қилди. «Ўзингни тут, Аббоса! Акам билиб қўйсин, заррача чўчимаيمان! Офатни кутиш офатнинг ўзидан ёмон! Ҳамонки балойи қазо ўз оёғи билан келибдими, у билан олишмоқ зарур!»

— Орқамдан юр! — деди халифа илгарилаб. Сингил итоаткорлик билан унга эргашди. Аббосани кўриши биланоқ устунга тақалиб, йўл бўшатаркан, унга икки букилиб таъзим қилган Масрурга кўзи тушган малика юзини терс ўтирди.

Қалъа девори ёнида қад кўтарган минора тагида даричасиз кенг тош камгак бор эди. Жаллод темир қоламали баҳайбат дарвозани очди. Зах жойга кирган халифанинг эти жунжикиб, абосига маҳкамроқ ўралиб олди, тош супачага ўтириб, Масрурга шам ёқишни буюрди ва кираверишда ҳозир бўлиб туришни тайинлади. Камгакка синглиси кириб келгач, куйдириб юборгудек ўт чақнаб турган кўзларини Аббосага қадади.

— Хўш, менга айтишларича, саройингдагилар жўнаб кетиш тадоригида эмиш. Ижозатинг билан айт-чи, қаерга бормоқчисан?

Аббоса унинг кўзларига тик қараб, қатъиятлик билан деди:

— Адолатсизлик бўлмаган, менга беҳад жабр-зулм қилинмайдиган ерга жўнамоқчиман, ака.

Эллик тўққизинчи боб

ТОШ КАМГАКДА

Хорун ар-Рашиднинг тўсатдан тунда келишидан мақсади Аббосанинг қочиб кетишига йўл қўймаслик, дағдаға билан кўрқитиб, унда эътирозга ўрин қолдирмаслик эди. Синглисининг йиғлаб юбориш, раҳм-шафқат сўраш, марҳамат тилаш ўрнига, ўз иззат-нафсини хорламай, маънавий ҳаққониятга комил эътиқод билан қилган журъаткор жавоблари Хорун ар-Рашидни ҳайратга солди. Бу ҳолат халифанинг қаҳру ғазабини баттар ловиллатиб юборди. Чунки, ҳукмфармолик дағдағаси, ўзгаларнинг итоаткорлиги ва бош эгишига одатланган халифа Аббосанинг шиддаткор жавобларидан тарс ёрилиш даражасига етганди.

— Хузурингга не сабадан келганимни биласанми? — деди кўпроқ сўраб, камроқ жавоб қилиш йўлини тутган халифа.

— Ҳали оғзингиздан ҳеч гап эшитмадим, — деди Аббоса ўз сири акасига маълум бўлиб қолганига заррача шубҳа қилмагани ҳолда. — Албатта, зарураддан бўлса керак. Йўқса, беҳудага уйқу ва ишратингизни ҳаром қилмасдингиз.

— Шундай, топиб гапирдинг... Аммо, беҳаёлигинг ҳаддан ошиб кетибди.

Хорун ар-Рашид ва Аббоса бир-бирларига ёвқараш қилар, хатарли вазиятда туришарди. Суҳбат давом этди.

— Сўрадингиз, жавоб қилдим.

— Кизик, ўз хиёнатинг борасида қандай жавоб қиларкансан?

— Мен ҳеч кимсага хиёнат қилмадим!

— Ҳали шундай дегин?

— Нима ҳақда сўраманг, барчасига ҳаққоний жавоб қилиб келганман.

— Ҳақ жавобларинг бир оз кечикди. Ҳарқалай, аввалбошдан менинг ўзимга айтиб, иқроор бўлганингда эди, иш енгиллашган бўлурмиди. Лекин бу гап хаёлингнинг кўчасига ҳам келмаган! Ҳа-да, калланг буткул хом хаёллар билан банд эди! Ахир, сен атайин бузуқлик қилгансан. Қандай қилиб халифа авлодининг сендек покдомон қизи келгинди қулвачча қўйнига кирмоққа журъат этдийкин?

— Қўйнига кирдинг дейсизми? У менинг шаръий эрим! Оллоҳ гувоҳ, виждоним пок! Менга қаранг, ака...

— Энди сенинг аканг йўқ! Эшитяпсанми, йўқ! Сен авлод-аждодимиз манфаатини тупроққа булғадинг. Мен сени фоҳишаликда айблайман. Бу — ҳар бир аёл учун айниқса пайғамбар зоти учун юз карра оғир гуноҳ. Ҳай бадбахт! Қатор-қатор итваччаларни туғиб ташлаб, гуноҳқорлигингни исбот этдинг, бутун эл-юртга шармандаю шармисор бўлдинг!

Аббосанинг ичида нимадир узилгандек бўлди. Фарзандлари ҳақида гап эшитиши биланоқ Ҳасан билан Ҳусайн борасида ўйларкан, эндиликда уларни ташландиқ, кимсасиз, хор-зор аҳволда тасаввур қиларкан, бутун журъат-жасорати ҳавога учиб кетгандек туюлди. Аббоса чўкка тушиб, қўлларини саждага кўтарди.

— Ё Оллоҳ, ё Раҳим, ё Раҳмон! Сендан ўзга мададкорим йўқ! Э-ҳа, сиз мenden воз кечдингизми? Воз кечдингизми?

Хорун ар-Рашид қаноат ҳосил қилгандек, орқасига суянди.

— Ниҳоят йиғлаганингни кўрдим! Кўз ёшларинг гуноҳларингга яна бир шоҳид. Ҳеч ишонгим келмасди. Энди билдимки, барча гаплар тўғри экан. Кизик, нега иқроор бўлақолдинг? Нега? Ҳа, бошқа иложинг ҳам йўқ эди-да! Кўз ёшлари билан гуноҳингни ювмоқчимисан? Афв-илтижо қилмоқчимисан?

Чўғ босгандек, Аббоса даст ўрнидан турди, қўлларини йиғиб олди. Кўз ёши таққа тўхтади.

— Олижаноблигингизга муҳтож эмасман! Қонун мен томонда, қонунга риоя қилишни талаб этаман! Мен сизнинг на чўрингизман ва на канизингиз!

— Яна бу қанақа янгилик бўлди? — хириллади Хорун ар-Рашид қаддини тикларкан.

— Ҳа-ҳа, ҳали тушунмадингизми, эй тариқул-ақл! Сизга очиқроқ тушунтиришга мажбурман, на қилайки, ўзга иложим қолмади. Бутун Бағдодга аёнки, сиз ўз қўлларингиз билан никоҳномага имзо чекдингиз, мен — вазирнинг шаръий хотиниман.

— Сен никоҳноманинг қандай шартлар билан битилганини билмайсан, шек...

— У ҳеч ерда битилмаган, эй тариқул-ақл, — акасининг сўзини чўрт бўлиб деди Аббоса. — Шунинг учун ҳам ҳеч қандай қонуний кучга эга эмас!

— Ҳа... Ҳа... Ҳа!.. Самимий ташаккур, фоҳиша! Сени ва вазирингдек махлуқни дунёда ҳар нарсадан афзал кўрардим. Энди-чи? Ҳар икковингни кўргани кўзим, отгани ўким йўқ! Ҳа, мана энди сен билан қай йўсинда гап-

лашишни ўзим биламан. Қилмиш-қидирмиш! Экканингни оласан! Шуни яхши билиб қўйки, қонунлар халқни итоатда сақлаш учун битилади. Халифаларга эса қонуннинг ҳожати йўқ.

— Эй тарикул-ақл, Оллохни унутдингизми? Оллоҳ халифалардан юксакроқ. Қонунларга қарши борилса, уларни менсимаса бўлар-у, аммо ҳеч ким Оллоҳ иродасига қарши боролмайди, ҳеч кимса Раҳмонир Раҳимга шак келтира олмайди.

Олтмишинчи боб

ОҒА БИЛАН СИНГИЛ

Ўзини адолат посбони деб билган Хорун ар-Рашид биров унинг фикрига қарши эътироз билдиргудек бўлса, тепа сочи тикка бўларди. Саройнинг аъёну ақобирлари нима учун яратилган? Халифанинг энг майда-чуйда хоҳишларини ҳам сўзсиз ижро этиш учун. Фуқаролар нима учун яшайди? Халифага садоқат учун. Аббоса халифанинг ноҳақлигини исботлашга уринарди. Ўзига баттар жабр қиларди. Халифадан мустасно ва халифадан бўлак ҳақиқат бўлиши мумкин эмас. Амирал-муслимин ер юзидаги бор ҳақиқат ва адолатнинг яккаю ягона тимсоли, буни ҳамма аллақачон у қулоқ-бу қулоғига қуйиб олиши шарт эди.

Халифа елкаларини учириб, деди:

— Менга қарши турганнинг бошига не кунлар тушиши сенга аёнди?

— Мени лаънатлашингиз мумкин, бу сизнинг ҳуқуқингиз! — деб юборди Аббоса. — Сўзим ҳақ ва бундан буён ҳам токи танамда жон бор экан, мен ва Жаъфар шаръий эр-хотин бўлиб қоламиз. У мени йўлдан оздиргани ҳам, алдагани ҳам йўқ.

— Бадбахт! Сен уни севиб қолгансан! — жазаваси тутган Хорун ар-Рашид синглиси устига ташланишдан ўзини аранг тутиб қолди.

— Ҳа, севаман! Севса арзийди ҳам! У бебаҳо, асл одам! — деди Аббоса чертиб-чертиб. Шундай деди-ю, бирдан қип-қизариб кетди. Чунки урф-одатга кўра севги ҳақида ошкора сўзлаш беадаблик саналарди.

Унинг хижолат чекканини кўрган Хорун ар-Рашид ҳам шу ҳақда ўйлади ва сўзни илиб кетди:

— Қандай қилиб ўз ҳис-туйғуларинг борасида оғиз очишга тилинг борди? Фаҳшона икдорингни бас қил! Нақадар юзгубан кетмишсан!

— Вазирнинг жаҳонда тенги йўқ! Ундан юксак ягона зот — амирал-муслимин! — қизишиб хитоб қилди Аббоса.

— Ўйнашинг — аслида қулвачча, сўнгги дамга қадар шундай бўлиб қолгуси. Дарвоқе, унинг ҳам куни битиб қолди.

— Жаъфардан адолатингизни дариг тутманг, акажон! Жаъфарнинг ҳаётига қасд қилманг, у халифалик учун керакли одам!

— Унинг ҳеч кимга кераги йўқ! Шунинг қаторида итваччаларингнинг ҳам! — бақирди ғазабига чидолмай халифа.

— Болаларимни ҳам қатл этмоқчимисиз ҳали! — Қичқирди Аббоса бошини чангаллаб. — Ҳали дунё лаззатини тотиб улгурмаган порасидаларни-я? Эй Оллоҳ! Шўрлик болажонларим! Хорун, шафқат қилинг уларга! Ўзингиз ҳам отасиз-ку! Нега тугишган синглингиз Аббосангизни бу қадар азоблайсиз? Болалигимизни ёдга олинг! Сиз билан шоҳ ва малика ўйинини қандай ўйнар эдик, кичкина тўпни отишиб ўйнардик, шундай эмасми?

Халифа бир лаҳза иккиланди: синглиси афв қилишни сўрамоқда, унинг мағрурлигидан асар ҳам қолмаганди.

— Гўрлари нурга тўлгур марҳум ота-оналаримизни эсланг! — ёлворарди Аббоса. — Ҳеч бўлмаса ота-оналар арвоҳи ҳаққи, шафқат қилинг! Онаимизни эсланг!

Тўсатдан яна қасоскорлик оташи Хорун ар-Рашид вужудини чулғади.

— Ота-оналаримизни дейсанми? — деди у бақириб. — Улар арвоҳини шафё келтиришга қандай тилинг борди? Сен аждодларимизнинг эзгу номига иснод келтирган гуноҳкори азимсан! Эртагаёқ аждодимиз шаънига тушган доғ бутун халифаликка ёйилур! Разил овозалар худди шарпадек бутун Бағдод бўйлаб кезгуси! Уларни ҳар қандай йўсин билан ҳам тўхтатиб бўлмайди! Мен халифаман. Халифалик шарафи қариндошликдан юксакроқ туради. Иснод қон билан ювилади!

Заррача умиди қолмаган Аббоса энди армонда кетмайин дея акасини қандай қилиб бўлса-да, қаттиқроқ узиб-узиб олишни ўйларди.

— Биласизми, сиз кимсиз: ёвузсиз, золимсиз!

Амирал-муслиминнинг лаблари талвасадан буришиб қолгандек бўлди.

— Қатл этгум сени, фоҳиша! — у ханжарига қўл чўзди. — Ҳаромзодаларингни ҳам! Сўйиб ташлашга амр этгум! Дарё-дарё қон билан шармандаликни ювиб ташлагум!

— Хунхор! Бадкор! — талвасага тушиб қичқирди Аббоса акасини сенсираб. — Кес бошимни! Нега қараб турибсан?!

— Ўчир овозингни, мажнуна!

— Йўқ, энди овозимни ўчирмайман! Сен мени фоҳишаликда айбламоқдасан, хўш, ўзинг-чи?.. Ўзинг нималар қилмаяпсан? Эримни севаман, вассалом. Сен бўлсанг, ҳар тун бир канизакнинг қўйнига кирасан! Қани айтчи, кимнинг гуноҳи кўпроқ? Муқаддас қонимизни ким кўпроқ булғамокда? Суюкли хотининг-чи? Сенинг сон-саноксиз гуноҳларингга шерик! Ўнлаб иф-фатли қизларни сенга тортиқ қилади, уни битикчилар тарих саҳифасига рақам қилмишларки, ҳар қанча ханжар билан ҳам қирқиб ташлолмассан — ўша саҳифалар тобутингга ўйилғуси! Бир қориндан талашиб тушган жигарбандинг, туғишган жияларингнинг онаси бўлмиш мушгинар бир аёл сендан шафқат тиласа-ю, сен уни тепиб ташлаб, устига-устак, норасида фарзандларини сўйиб ташлаш билан дағдаға қилурсен! Ҳайф сенга амир ал-муслиминлик! Яна адолатпарвар эмиш! Мудҳиш махлук!

Олтмиш биринчи боб

ҚАСОСКОР ХАЛИФА

— Бас қил! — бўкирди ўзини йўқотиб Хорун ар-Рашид. — Ҳой, Масрур!

— Лаббай, фармонбардормен, соҳиби давлат! — Ярим очик эшикдан фарғонийнинг боши кўринди.

— Бу сенми, дайди кўппак? Мен айтгандек, сарой атрофига соқчилар қўйилганми? Ким саройга киришга ва ундан чиқишга уринса, сўзсиз қатл этилсин!

— Сўзсиз адо этгум, эй тождор!

— Лаънати, ёрдамчиларинг қани?

— Шу ерда ҳозир нозир, тождорим!

— Фармонни ижро эт!

Бош ғойиб бўлди. Эшиклар ғичирлаб очилди. Иккита қул сарой ертўлаларидан қидириб топилган узунчоқ эски сандиқни олиб кириб, ўртага қўйишди.

Хорун ар-Рашид жаллодга қаради.

— Бугун сени гумдон қилғум! Тур ўрнингдан!

Масрур дик этиб сакраб, Аббоса орқасига ўтиб турди ва шамшир дастасига қўл чўзди.

— Ҳай ноинсоф, бу нимаси? — оҳ уриб юборди Аббоса. — Оллоҳдан қўрқиб, бандасидан уял! У ҳамма ишларга шоҳид, эшитиб ҳам кўриб турғуси!

Халифа юзини терс ўғирди, шундагина Аббоса паймонаси тўлиб, ажали етганини англади.

— Туф сендай қабих малъунга! — хитоб қиларкан Аббоса юзини четга бурди ва фикри-зикри Ҳижозга, фарзандлари сари йўналди, чуқур ух тортди, очиқ эшикдан кирган тоза ҳаво водийдан эсанг майин тонг шаббодасини эс-латди. Шамассия қасрида ооздлик тонгини сабрсизлик билан кутаётган зав-жасини ўқсиб-ўқсиб ёдлади. Кўлларини кўкрагига йиғиб, ғудранди:

— Эй Оллоҳ! Фарзандларимни ўз паноҳи исматингда асрағайсан! Бис-миллоҳир раҳмонир раҳим. Уларни раҳматинг дарёси-ла сероб этгайсан, эй поко парвардигоро!

Сажда билан банд Аббоса, халифанинг Масрурга имлагани ва боши узра шамшир кўтарилганини сезмай қолди.

— Эй Оллоҳ, менинг...

Аббосанинг боши дук этиб ерга тушди ва думалаб кетди. Бошсиз тана бир сакради-ю, сандиқ олдига йиқилди. Кўллар, гўё Оллоҳга илтижо қилган-дек, сандиқ қопқоғига осилиб қолганди. Кўрқиб кетган қуллар ҳали бўйнидан қон сирқиётган танани шоша-пиша ердан кўтариб, сандиққа солишди. Калласини оёқлари орасига қўйишди.

Халифа гўё тош қотгандек қимир этмасди. Сандиқ қопқоғи ёпилиб, миҳ-лангач, ўрнидан турди ва хириллаб сўради:

— Гўрковлар қани?

Жаллод сарой дарвозасига чопқиллаб бориб, Қўнаржо қасридан келти-рилган, соқчилар назоратида турган икки барзанги ҳабашийни минорага бошлаб келди. Иссиқ қон томчиларига хавфсираб қараркан, ҳабашийлар енгларини шимариб, кетмон билан ер ковлашга тутинишди. Белкураклар тупроқ отарди. Тезда чуқурча қирғоқларида тупроқ уюмлари пайдо бўлди. Уч ҳабаший ортиқча тупроқларни саватларга солиб, ташқарига таший бош-лади. Чуқур тагида сув кўринди.

— Бўлди! Туширинг!

Сандиқ чуқур деворлари орасига аранг тикиштирилиб, балчикқа қўйилди.

— Кўмиб ташланг, қоравотир маймунлар! — бақириб берди Хорун ар-Рашид ва сандалига ёпишган лойни қабр устига суриб туширди:— Гўри тўла нур бўлғай!

Бирон кимса бу ерда қабр борлигини гумон қилмасин учун чуқур яхши-лаб кўмилди, текисланди ва обдон шиббаланди. Фожиадан ном-нишон қол-маганди. Сўнгра халифа камгак эшигига баҳайбат қулф солди ва Масрурга деди:

— Гўрков ва ёрдамчиларингни рози қил! Ҳеч кимни саховатдан қуруқ қўйма. Сўзимни уқдингми? Ҳеч кимни!

— Фармонбардорман, тождорим!

— Сарой соқчиларини икки ҳисса кўпайтир. Кириш ва чиқиш йўлларини маҳкамла. Кейин ортимдан юр, Адабият қасрига равона бўлгум.

Ҳали тонг отганича йўқ эди. Само ёритқичлари, гўё бугунги бўлажак даҳшатли фожиани сезгандек, енгил булут пардасидан хиралашди. Ана шун-дай саросима ҳолатда халифанинг хос соқчилари жаллод назоратида Аббоса-нинг қатл этилишининг шоҳиди бўлган қулларни ҳам, номаълум қабр гўрковлари бўлмиш ҳабашийларни ҳам қиличдан ўтказишди. Мурдалар қоп-ларга солиниб, оғзи маҳкам тикилиб, қайиққа солинди ва Дажлага чўктирилди. Масрур абадият қасрига қайтиб келгач, кутиб ўтирган халифага арз қилди:

— Тождорим! Бадбахтлар билан тўла ҳисоб-китоб қилмишман!

Жаллод сўзларини эшитиб бўлгач, оғир калитни унга узатаркан, деди:

— Ма, ол, сенда сақлансин! Сўраганда берурсан. Бугун пайшанба. Ва-зир сафарга отланган кун. Ҳеч ерга жилма! Биродарим Жаъфарнинг узоқ са-фарга эсон-омон жўнаб кетмоғига кўмаклашмоқ ҳам қарз, ҳам фарз!

Олтмиш иккинчи боб

ХАЙРЛАШУВ

Хорун ар-Рашиднинг лутфу иноятидан бахраманд бўлган вилоятнинг янги ноиб Бағдодни тарк этишдан аввал хайрлашув маросимида ҳозир бўлиб, яна бир бор амирал-муслиминга садоқат изҳор этди — сафар олдида ер ўйиб, олий ижозатга сазовор бўлмоғи шарт. Мартаба поясига қадам қўйиш арафасида таомилга кўра собиқ амалдорлик вазифасини сўнгги бор бажариб, амирал-муслиминдан оқ фотиҳа олиш зарур. Хайрлашув маросими халифаликда катта байрам каби нишонланарди.

Башанг кийинган турна қатор суворийлар олдида басавлат Жаъфар ибн Яхё Абадият қасри томон от суриб борарди. Тонг палласида вазир Хомдонни чақириб, Аббоса қасрига ҳеч кимни юбормасликни буюрди.

— Эҳтиёткорлик зарар қилмайди. Шундоқ ҳам малика саройи атрофида шубҳали кимсалар ивирсиб юришибди. Нахравонга бориш лозимлигини рафиқаси яхши билади. Уша ерда учрашурмиз.

Шод-хуррам, айна пайтда юраги изтиробга тўла вазир чапдастлик билан қора айғир отини ўйнатиб борар, қалъа девори яқинидаги тупроқ дўнглик олдида йўлнинг икки томонида тантанали маросим шарафига соқчилар қатор саф тортган. Лашкарларнинг қутлови ва томошага тўпланган халойиқнинг қийқириқлари остида суворийлар хиёбон бўйлаб юриб, кенг ёштин арк орқасида кўздан ғойиб бўлди. «Энди умрим борица бу йўлдан ҳеч юрмагайман», ўзича ўйлади Жаъфар ибн Яхё, узоқ қамалларга мўлжаллаб қурилган баланд қалъа деворига назар ташларкан. — «Кизик, халифа мени неча бор алдади, мен ҳам ҳар гал лойиқ жавоб қилдим. Гуноҳимга иқроман. Узоқлашмоғимиз вақти етди. Қабулдан сўнг бошқа кўришмасмиз, илло ўзи қўшин тортиб бормаса...»

Давлат мажлисининг катта девонхонаси одамга тўла. Амирлар, саркардалар, аёнлар ўз мавқеига кўра батартиб ўтиришарди. Бағдоднинг бутун олий зотлари йиғилишган. Амалдан туширилган, бироқ ҳали қудратли вазирни тез-тез кўриш уларга насиб бўлмаганди. Жаъфар ибн Яхё ланг очик эшикдан кириши биланоқ барчанинг нигоҳи унга қаратилди. Товба, отдан тушса ҳам эгардан тушмабди ҳали бу вазир! Хурсанд кўринади. Хурросонга сургунлик унинг учун халос бўлмоқ демақдир! У халифага яқинлашиб, тиззаларини букди, Ҳазрати Усмон Куръонини ўпди. «Муҳаммадур расулulloх» деб оқ ҳарфлар битилган қора туғ олдида келиб, юзларига суртди, сўнгра Хорун ар-Рашид илтифотига кўра, унинг ёнига ўтирди. Чорак соат мобайнида халифанинг доною донишмандлиги, лутфу карами ва саховатиға ҳамду санолар ўқиди. Йиғилганларнинг бир оғиздан тасдиқлашича, хушвақт амирал-муслимин жўнаб кетаётган вилоят ноибига иззат-иқром кўрсатди, ҳатто жуда меҳрибон муомалада бўлди.

Муншийлар ишга доир қоғозларни келтиришди. Амирал-мунший бир ҳафта мобайнида келган мактуб ва илтимосномаларни вазирга узатди, уларни бирма-бир ўқир ва керак жойида баъзи гапларни аниқлар, тушунтирар, ҳозирлаб қўйилган жавобларни бир чеккадан ўқиб эшитишар, халифанинг пописанд бош ирғашидан сўнг имзо чекмоққа узатарди.

Имзо чекилган хужжатларни узатиб, амирал-мунший унга катта муҳр босиб бўлгач, Жаъфар ибн Яхё Хорун ар-Рашидга мурожаат этиб, тантанавор йўсинда гап бошлади:

— Эй акбарулкабир! Гул барглари қадар беҳад хайру эҳсон ва муруватга кўмиб ташладинг, худди жигарбандинг ва дўстингга ишонгандек, халифаликнинг энг муҳим ишларини менга инониб топширдинг. Мана, айриликнинг мунгли соатлари ҳам эшик қоқмоқда...

— Биродарим Жаъфар! — хитоб қиларкан халифа тантанавор руҳдан чекниганича уялиқирагандек, яна баланд, дабдабали оҳангда сўзлай кетди:

— Оллоҳ шоҳид, мабодо, халифаликни иккига бўлиб, ярмини сенга тортиқ қилганимда ҳам, мен учун қилган яхшиликларингнинг қарзидан қутулмаган бўлурдим: сени ва сенинг тимсолингда бизнинг энг яқин маслаҳатдошимиз ва кўмакдошимиз бўлмиш барча Бармакийларнинг чеккан риёзатларини, қилган жаҳду жадалларини жуда юксак қадрлаймиз.

Вазир бошини эгди.

— Мен қаерда бўлмай, Бағдоддан узокдами ё яқиндами, халифа табаррук қўлларининг бир ишорасию дилида хоҳиши бўлса бас, амирал-муслимин шаън-шавкати йўлида қонимни тўкиш ва жонимни тикишга тайёрман. Акбарулкабир фармон берса, мен ҳозир нозир...

— Сўзларинг, биродарим Жаъфар, Оллоҳ даргоҳида қабул бўлғай! Фаришталар омин дегай! Жаҳон пойтахтини эсга олдинг, хурсандмиз. У ёдиндан фаромуш бўлмағай! Қалбинг доим Бағдод-ла вобаста бўлғай! Айрилиқ туфайли қалбимиз андуҳга тўлмиш... Сени ўз ёнимизда бўлишингга ўрганиб қолгандик. Доно маслаҳатларингни кўмсаб тургаймиз. Халифаликнинг барча бойлиги ва шаън-шавкати сен туфайли бунёд бўлмиш!

Жаъфар ибн Яҳёнинг ранги бўзариб кетди. «Бу қанақаси бўлди? — ялт этиб хаёлидан ўтди.— Менинг сўзларим? Шайх Исмоил чақимчилик қилди-ми? Айғоқчи пайдо бўлиб қолдимикин? Янги қул бўлса-чи?»

— Барча еб-ичганимиз сенинг меҳнатларинг туфайли,— сўзида давом этаркан Хорун ар-Рашид, вазирда заррача шубҳага ўрин қолдирмади, сўнг юпатгандек бўлиб, кўшиб кўйди: — Гоҳо орамиздан ола мушук ҳам ўтди. Бироқ офтоб яна чарақлаб нур соча берди. Мурувватимизнинг ҳад-худуди йўқ.

Жаъфар ибн Яҳёнинг ягона хоҳиши — бу ердан тезроқ кетиб, кишининг жон-жонини тешиб ўтувчи халифанинг тикандек аччиқ шиғоҳидан халос бўлиш эди.

— Хоксор қулларга ўз хизматлари билан талтайиш ярашмайди, хизмат қилиш — уларнинг қисмати,— жавоб қилди вазир овозидаги титроқни аранг босиб. Амирал-муслимин кетмоққа ижозати олий бергаймулар?

У «Хуросонга жўнаб кетмоққа» деб юборишига сал қолди. «Кетмоққа» дейиш оддийгина эшитилиб, «қаерга жўнамоқ», «уйга кетмоқ» тарзида англашилди. «Хуросонга жўнаб кетмоқ» тамомила ўзгача маъно касб этиши мумкин эди. Зеро жўнаб кетиш ҳақида яна бир бор эслатишнинг ҳожати йўқ эди. Хайрлашув маросими адоғининг ўзиёқ Бағдоддан жўнаб кетишга рухсат деган гап эди.

— Ҳамма икир-чикирларни ҳисобга олиб, яхшилаб ўйлаб чиқдингми, йўл йироқ-ку, ахир? — меҳрибонлик билан сўради Хорун ар-Рашид. Мақсади (Бармакийлар уясини қўзғатмоқдан Оллоҳ сақлағай!) фақат бир вазирнинг ўзинигина васвасага солмоқ эди.

— Ҳа, барчаси ҳисобга олингандай... Албатта, сизнинг марҳаматингиз билан, эй акбарулкабир!

— Жуда соз! Юлдузлар нима деркин?

Жаъфар ибн Яҳё ўзини тута биларди. Қизиққонлик на ҳожат? Чунки ғазабни тобора қайнаб борарди. «У яна нима истайди? Алдаб қўя қолса-чи? Йўқ, қуръа билан ҳазиллашиб бўлмайди, юлдузлар қаллобликни кечирмайди...»

— Ҳақ гап, ҳали улгурганимча йўқ.

— Ҳой бадбахт,— ўта ҳайратлангандек хитоб қилди Хорун ар-Рашид.— Шу аҳволда сафарга чиқиб бўлурму? Юлдузларнинг самодаги ҳолати, ҳаракати одамлар қисматини белгилайди! Майли, сенга кўмаклашиб юбора қолай, биродарим Жаъфар.— У чапак чалди.— Ҳой мунажжим! — Худди ер остидан чиққандек, қилтириқ, қирра бурун ва чўққисоқол кимса амирал-муслимин олдида пайдо бўлди. Икки букилиб таъзим қиларкан, бидирлаб сўзлай кетди:

— Устурлоби офтоб, амирал-муслиминга маъқул бўлса, уч ярим соатни кўрсатиб турибди.

— Эй мунажжим, шу ондаёқ, эрта тунда самода сайёралар ҳолатин баён қила олурмисан? Вазиримизнинг сафарга чиқмоғи мувофиқ бўлурми?

— Бажо келтирилур, эй ақбарулкабир! Саройингиз пойнда илми нужум бирла машғул бўлиш шарафига муяссар мунажжим учун қуръа ташлаш ҳеч арзимас хизмат.— Бидирлашда давом этиб, қилтириқ мунажжим қаддини ростларкан, чўққи соқолининг учи Хорун ар-Рашиднинг тиззаларига тегай-тегай деб турарди.— Амирал-муслимин хоҳиш этарканлар, самода сўзламас сайёралар бўлмас. Энди кетишга ижозат берсинлар. Эрта тонгдан бери қорин оғриғи ва Миррих сайёрасининг ҳолати мени безовта қилмоқда.

— Бора қол, мунажжим! Бобомнинг устурлобидан фойдалана қол. Ҳисоб-китобни маромига етказиб қайт.

Халифа қароргоҳи ёнидаги минорада машҳур Абу Жаъфар ал-Мансурнинг устурлобий асбоблари саранжом-сариншта ҳолатда сақланарди. Улар қора дарахтдан ишланган ва атрофига фил суяги қадалган пояларда турарди. Устурлоб асбоблари ёрдамида ташланган қуръа ўз аниқлиги билан шухрат топганди.

Мажлис сукунатда, ҳамма таниқли башоратпарвар мунажжимнинг қайтишини сабрсизлик билан кутарди. Азбаройи сукунат зўридан гўё девонхонада тирик жон йўқдек. Ниҳоят, зинапоядан қадам товушлари эшитилди, мунажжим кириб, ўз одатича нималарнидир гудрашиб, ҳеч кимга қарамай, тўғри халифага яқинлашди. Ҳисоб-китобни бир неча бор тафтишлаб, нималар ҳақидадир маслаҳатлашишди. Кейин халифа ўрама қоғоздаги битиклардан кўзини узиб, эълон қилди:

— Эй биродарим Жаъфар! Бугун жўнаб кетишинг мумкин эмас! Қуръада фалокатли нишона аён бўлмиш! Миррих ҳалокат ва ўлим хавфидан дарак бермоқда! Жумъагача сабр қил.— Ҳали ҳам чўққи соқолини учи силаб ўтаётган ўрама қоғоздан бошини кўтармай нималарнидир ҳисоблаётган мунажжимга ўгирилиб:

— Қани, айт-чи, мунажжим, жумъа куни ҳолат қандай? — деб сўради.

— Ҳаммаси жуда соз, эй ақбарулкабир! — жавоб қилди мунажжим.— Бугун тунда вазир Нахравонда бўлсин, шанба куни йўлга равона бўлгай. Йўл очик, энг муҳими — бугун Бағдодда қолиб ҳалок бўлмаса. Сайёралар худди шундан хабар бермоқда: Бағдодда қолса-ю, ҳалок бўлмаса!

Жаъфар ибн Яҳё ўлгудек иримчи эди, шунинг учун ҳалокат хабари уни қаттиқ таҳликага солиб қўйди.

— Қани, мунажжим, ҳалокат чизиклари не ерда кесишганини менга кўрсат-чи?— деди ва унинг елкаси оша ўрама қоғозга кўз ташлади.— Саксон тўққиз, олти юз эллик уч, Миррихнинг терс ҳолати, икки юз қирқ икки, ўн етти....

Хорун ар-Рашид мамнун ишшайрди: Хуросоннинг янги ҳокими ҳар қанча ҳисоб-китоб қилмасин, мунажжим билан мунозара қилишга журъат этолмасди.

— Сен ҳақ, мунажжим,— хитоб қилди вазир қаддини тикларкан.

— Ўн икки бурж белгилари чап тарафга оғиб турибди. Эртага жўнаб кетмоқ керак. Эй амирал-муслимин, сен ҳаётимни қутқардинг!

Хорун ар-Рашид мамнун бош ирғади.

Олтмиш учинчи боб

ХАТИБА САРОЙДАН ҚОЧИБ ЧИҚДИ

Аббосанинг саройи халифанинг шахсий кўриқчилари билан ўраб олинган, эшик ва даричалар тақа-тақ берк, дарвозаларнинг мудофаа панжаралари туширилган, тўсиқ ортида кўриқчи соқчилар.

Сарой хоналарида зир югурган Хатиба, қандай қилиб бўлмасин, боққа чиқиб олишни ўйларди. Маликанинг тирик қолмаганига шубҳа қилмасди. Маликанинг сўнги истаги — вазирни огоҳлантиришни, рўй бермиш фалокатларни унинг қулоғига етказишни ҳам фарз, ҳам қарз деб биларди Хатиба. «Абул Атахия — мана менга ким ёрдам қўлини чўзиши мумкин! — ўйлади у муздек сувга тўла ҳовуз бўйига келаркан, бироқ бирдан васвасага тушди: кўмаклашмасачи? Бутун фалокатларнинг сабабкори ўшанинг ўзику! У мени севарди... Оббо, бадбахт, нега энди тўғридан-тўғри қошимга келиб, ўзим билан гаплашиб қўя қолмайди? Худди нарса сотиб олаётгандек халифа билан савдолашди-я? Уни саройга чақиртурса бўлармикин? Менинг озод этилишимга кўмаклашармикан? Ё мени унутиб юбордимикин? Қанча замонлар ўтиб кетди... Бу ишда фақат олтин иш бериши мумкин... Ё севги, ё зар. Ҳайхот, олтинни қаердан олади?»

— Аббосанинг қимматбаҳо тақинчоқлари! — Маликанинг сафар олдидан тайёрлаб қўйган ўймақор қутичасини эсларкан, қичқириб юборди канизак. — Қимматбаҳо буюмлар барча бандларни очиб юборишга қодир.

Енгилгина очилган қутичадан мрамар тахтачалар ётқизилган ерга тушган асл тошлар шодаси, тиора¹, билакузуклар, тошбақасимон тароқлар, узуклар, балдоқлар, олмослар ярақлар, ял-ял товланувчи дуру жавохирлар, кўкимтир ва зангори ёқутлар, яман лаъллари ял-ял ёниб, хилма-хил жило бериб мавжланарди. Хатиба қўлига илинган бир шода асл тошлардан тизилган тақинчоқни олди-да, бошига чодрасини ёпиниб, илгари ўзи мўлжаллаб қўйганидек, боққа олиб чиқадиган эшик олдида соқчилик қилаётган баланд бўйли ёшгина аскар олдига югурди.

У ўтиб бораётган теварак-атрофдаги хоналар бўм-бўш, ўтакаси ёрилган сарой хизматкорлари катта хонага йнғилиб олишган, ташқи эшик тақа-тақ берк. Хатиба эшикни тақиллатди. Андак кутиб турди, жавоб бўлмагач, яна қаттикроқ тақиллатди. Кўтарилаётган темир панжаранинг шақир-шуқури эшитилди; соқчи эшикни очди, норози тўнғиллади:

— Не дейсан?

Сўнг қаршисида келишган қад-қоматли аёлни кўриб, оғзининг суви келиб деди:

— Оллоҳ ҳаққи, тик қоматинг халифа шамширига ўхшайди-я. Кимсан ўзи?

— Соқчижон, мени чиқариб юбор! Раҳминг келсин! Канизакман... — Илтижо қилди Хатиба. Хизматкорлар билан муомалада бўлиб, Хатиба оддий фуқаро тилини яхши билиб олган, малика билан бошига чодра ёпиниб олиб, Фанхаснинг уйига боришганида кўпинча шу кўникма қўл келарди.

— Ижозат йўқ, жонгинам — жононгинам, момикқина болишчам! Орифнинг феъли ёмон. Бошингни оламан деб дағдаға қилди. Иложим қанча...

— Сен халифанинг соқчисисан. Ҳамма иш қўлингдан келади: бечора аёлни ким ушлаб оларди? Унинг кимга нима зарари бор? — илтижо қиларкан Хатиба бошидан тушиб кетаётган чодрасини тўғрилаб қўйди.

— Эй Оллоҳ! Бундай гўзални халифа саройидан ҳам излаб тополмайсан! — деди унинг чеҳрасига кўзи тушган соқчи. — Тўхта-тўхта, кимдир келаётганга ўхшайдими... Йўқ, ҳеч ким йўқ... Йўқ, ноғоранг кетмайди! Фармон — фармон-да. Қўриқчиликда турибман. Мени йўлдан урма, эшитяпсанми, хурлиқо! Кечки пайт Бағдод кўпригидаги чинор тагига кел, ана ўша ерда гаплашамиз.

— Ё келарман, ё келолмасман, соқчижон. Қандай бадбахтман! Хожам иш билан юборганди, мен эсам сичқондек қоққонга тушиб қолдим. Энди шўрим қурийдиган бўлди!

¹ Қадимги Шарқ подшо ва маликаларига хос олтиндан ясалган, асл тошлар қадалган бош кийими.

— Хикиллайверма, тентак хотин! Хожанг нима юмуш билан юборганди?

— Мана бу ўрама қоғозни маликага элтиб бер, деганди хошам,— алдашга ўтди Хатиба ва бошлаб ёлғонни дундираётганига ўзи ҳам хайрон қолди: — Мен келтириб бердим. Қайтиб кетишга улгуролмадим. Хошам баджаҳл, бошим балога қоладиган бўлди! У уйғонмасдан етиб борсам бўларди.

— Хожанг ўзи ким?— қизиксинди соқчи ва унга кўзини қисиб қўйди.— Во-ей, қани энди мен унинг ўрнида бўлсам.

— Абул Атахия, соқчижон, сарой шоири.

— Парвози баланд куш! Сен тунга қадар унинг ёнида бўлишинг шартмиди?

Хатибанинг юзлари қил-қизариб кетди.

— Нега индамайсан?

— Хизмат бажаряпман... Ўрама қоғозни топширдим, лозим мукофотимни олдим...

— Нима олдинг? — сўради соқчи ва кўзлари чақнаб кетди: — Ҳа-ҳа, бекитмоқчимисан? Бор, сен билан гаплашиш бефойда.

— Тўхта, соқчижон. Мен бадбахтни чиқариб юбор! Хожамдан тоза балога қоладиган бўлдим. Наҳотки менга раҳминг келмаса?

— Нега энди сенга раҳмим келаркан! Осмондаги тустовуқ жуда соз, аммо лоп этиб қўлга қўнмайди-да.

— Сен нуқул майнабозчилик қиласан, менинг эса ичимни ит тирнаяпти... Малика Аббосадан сўраб била қол, мен аҳли саройдан эмасман.

— Аббосангни қалъа деворидаги минорага олиб боришди... Аниқ, қонини тўкишди. Қани, изинга қайтиб жўнаб қол-чи! Хожангнинг ўзи ҳализамон югуриб келиб қолар. Тунда, ҳарқалай, ивир-ғивир бўлиб яхши ухлолмаган бўлса керак. Кўнгли тинчмай, излашга тушар.— Соқчи орқасига ўгирилиб, қўл силтаркан, темир панжарани тушира бошлади.

— Майли, сенга айта қолай! Эшит! — астагина қичқирди Хатиба ва шивирлаб деди: — Абул Атахия катта пул эвазига шеър битлади. Йўқса ундан бирон сатр ҳам олиш амримаҳол. Ҳамма шоирлар ҳам шунақа. Нима ҳам қилардик, улар олтинни қиссага урсалар бас. Ёки бирон аёлни. Аммо бундай ҳол жуда кам учрайди. Мен ҳаммасини яхши биламан-ку. Кеча хошам Аббоса мадҳида узундан-узоқ қасида битди. Ўрама қоғозни менадан юборди. Аббоса қабул қилди...

— Ҳақи нима бўлди?

— Тўлади.

— Тўлади? Қани? Кўрсат-чи?

Хатиба белбоғига қўл суқиб, ёқут шодасини чиқарди. Асл тошлар жилоси панжара орасидан ўтиб, хонани чарақлатиб юборди. Кўкимтир олов рангда товланиб, кўзни қамаштирарди.

— Атиги битта қасидага шунча мукофотми! Бер менга! Сени чиқариб юбораман!

Соқчи сеҳрлангандек шодага қўл чўзди. Хатиба сапчиб ўзини чеккага олди. Асл тошлар шуъласи бир сония ғойиб бўлиб, яна ярақлаб кетди.

—Хошамга нима дейман? Эсингни едингми?

— Аббоса ҳеч нарса бермади дея алдаб қўя қол!

— У ишонмайди...

— Ҳақиқатни билиб бўпти. Алдаб қўя қол! Биз бўлсак уни иккига бўлиб оламиз. Яرمىси менга, ярмиси сенга!..

Остонадан ўтиб, Хатиба маржонни узатди. Соқчи уни чангаллаб, ўзига тортди. Кумуш иплар бардош беролмай узилиб кетди. Хатибанинг қўлида бебаҳо тақинчоқнинг кичик бир бўлаги қолди.

Лекин бунинг эвазига у эркинликка чиққанди.

Олтмиш тўртинчи боб

ЯНА БИР БОР ТАКЛИФ

Бирмунча ҳаяллаб қолиш хабарини чопар орқали Нахравонга йўллагач, Жъффар ибн Яҳё Бағдоддан жўнаб кетиш шарафига ясатилган тўкин дастур-хон атрофига ўтирди. Шароб ва ширинликлар тановул қилгач, кўнгли куй ва кўшиқ тусаб қолди.

— Машшоқлар амалдан туширилган вазирни ташлаб қочмадиларми? — деб сўради атрофга сархуш назар ташларкан. — Бирон кимса қолдимизми?!

— Нега ундай дейсиз, хожам! — хитоб қилди амирал-ишрат. — Абу Закар фармонингизга ҳозир.

— Ох, Абу Закарми! Мен уни жондан азиз кўраман! Ногирон бўлса ҳам кўзи очиқлардан кўра узоқроқни кўради. Яхши кўшиқлар ижодқори! Олиб кел уни!

Етакчи қул уни бошлаб келиб, шоҳи болишга ўтқазди. Уд тутган кани-зақлар гир айлана ўлтиришди.

Абу Закар халифа Хорун ар-Рашиднинг кирдикорларини аллақачон сезиб олган эди. Унга ишончини йўқотган ногирон амирал-муслиминнинг ҳар бир илмоқли сўзларининг маъносини чақишга, аслида улар кимга ва нимага қаратилганини илғаб олишга уринарди. Сиртдан англаш мумкин бўлган аломатлар — халифанинг кайфияти, аранг илғаш мумкин бўлган сўзлашув маромига қараб, халифанинг асл мақсадини тушуниб олишга одатланиб қолганди.

Эрталабдан бошлаб халифа ўзини руҳи тетик, хурсанд ва шодмон қилиб кўрсатишга уринса-да, аслида тун бўйи беҳаловат, бетоқат бўлиб, мижжа қокмай чиққанлиги шундоққина сезилиб турарди. Икки бор халифа шаҳарда қандай миш-мишлар юрибди деб сўради. Нимага шундай деб ижикилади? Иброҳим ал-Мосулий ҳам бирон нимани сезгандек, халифадан, Бармакийлар амалдан тамоман четлатилди, вазирлик лавозимини Фазл ибн ар-Робия эгаллармиш деган гаплар ростми, деб сўраганди, Хорун ар-Рашид уни жеркиб ташлади. Саволдан норози қолган халифа: «Бекор гап! Бармакийлар давлатга зарур одамлар!» — дея тил учида жавоб қилди. Жавобининг ясама чиққанини сизди шекилли, уни хаспўшлаш учун Бармакийларнинг алоҳида хизматлари борасида узундан-узоқ гап сотди. Ҳеч ким гумонсирамасин дея кўкларга кўтариб мақтади... Гап нимада эди? Унинг дилида қандай хуфия режалари бор эди? Аббосанинг саройи халифанинг хос соқчилари томонидан ўраб олинбди, деган миш-мишларни қандай тушунса бўлади? Кўр хонанда Жъффар ибн Яҳё бошига қандайдир фалокат соя солганини аниқ туя бошлаганди. Ана шундай нотинч хаёллар қалбига ғулғула солиб, уни Шамассия қасрига олиб келганди. Вазирнинг хос хонасига киргач, торга кўл уриб, кўшиқ бошлади.

Бу оламда само боқийдир фақат,
Шундайдир таомил аввали-азал.
Инсонни изма-из пойлар бетоқат,
Туну кун демасдан касофат ажал.
Ва сен ҳам ажалга чап бериб бугун,
Кутулиб қолмоғинг ундан кўп хато.
Ўзинг содир этган жиноятлар-чун
Товонга зар олиб келсанг ҳам ҳатто.

Кўшиқ вазирнинг ичу ташини ағдар-тўнтар қилиб юборди. Абу Закардан баъзи гапларни сўрамоқчи бўлиб турганида хонага Ҳабаший дарвозабон кириб келди ва хонтахта олдида тўхтади.

— Сўзла! — Амр этди Жаъфар ибн Яхё.

— Хожам, сизни Масрур сўраяпти.

— Жаллод? Адаштирмадингми?

— Йўқ, хожам.

— Биз билан шаробхўрлик қилмоқликка келдимикин? — ҳазилга олди вазир. — Кирият!

Дарвозабон эшикни ланг очиб юборди. Шамшир тутган Масрур хона оралаб ўтиб келиб, икки букилиб таъзим қилди.

— Қандай юмуш билан ташриф буюрмишсан? — сўради Жаъфар ибн Яхё унга диққат билан тикиларкан.

— Халифа ўйлагандек, зиёфат устида экансиз, қанчалик ноқулай бўлмасин, Абадият қасрига бирров бориб келишингизни айтиб юборди.

— Меними? Ахир мен ҳозиргина халифа билан хайрлашиб, ўша ердан қайтиб келдим-ку?!

— Хуросондан элчи келмиш. Халифа сиз билан маслаҳатлашмоқчи.

— Энди бошқа кўришмасмиз деб ўйловдим! — дея тўнгилларкан вазир, унга ҳарбий либос ва шамшир келтиришга ишорат қилди.

Сархуш суворийлар тўдаси Шамассия саройидан йўлга тушиб, Абадият қасрига элтувчи йўлга қайриларкан, Дажла томондаги ёлғизоёқ йўлдан бир аёл шиддат билан чопиб келиб, уларнинг олдидан кесиб чиқди. Суворий тўдаси олдида кетаётган Жаъфар ибн Яхёга кўзи тушиши биланоқ қўлларини силкитиб, бақирди. Лекин оралик анча узоқ эди, тўда кўздан ғойиб бўлди. Катта йўлга етиб келган аёл аламига чидолмай, тупроққа мук тушиб, ўкраб йиғлаб юборди.

Суворийлар тўдаси анча ергача чўзилиб кетганди. Олдинда йўл бошловчи Масрур, унинг кетидан вазир, ортидан эса соқчилар борарди. Ичилган шаробдан бош айланар, шунинг учун шамолдек елиб бориш вазирга хуш ёкарди.

Абадият қасри олдида жаллодни қувиб ўтган вазир қалъанинг ланг очилган ташқи дарвозасига биринчи бўлиб қадам қўйди. Секинламай иккинчи, учинчи дарвозадан от чоптириб ўтди... Тўсатдан, қандайдир икки-уч соат мобайнида тикилган баҳайбат туркона чодирга кўзи тушди-ю, ақли шошиб, ҳайратда қолди ва отини бураркан, қандай қопқонга тушиб қолганини англади. Макқорона қўйилган тузоққа осонгина илиниш мумкин: отда елишга маҳлиё бўлган вазирнинг якка ўзигина дарвозалардан чопиб ўтди, маҳрамлари эса ижозат бўлмагани учун ортда қолиб кетди, охири дарвозадан ўтгач, у маҳкам беркитилди. Йўл-йўлакай Масрур соқчиларга қичқирди ва улар тезкорлик билан темир панжараларни туширишди. Барча соқчилар вазирдан ажратиб қўйилди.

Жаъфар ибн Яхё сакраб отдан тушди. Уч тарафдан қирққа яқин қуролланган ҳабаший аскарлар уни ўраб кела бошлади. Беркитилаётган дарвозалар қулоқни битиргудек ғийтиллади. Чодирнинг чети кўтариларкан, унинг ичкарасида ҳозирлаб қўйилган кунда кўзга ташланди.

— Халифанинг фармони! — деди отдан тушаркан Масрур. — Мен сени, вазир, қатл этмоғим керак!

Жаъфар ибн Яхё шамширга қўл чўзди. Шу ондаёқ қирқ ҳабаший найза ўқталди. Вазир қаршилик кўрсатиш бефойда эканлигини англади. Чалғитиш мақсадида қўлларини самога чўзди:

— Эй самовий қудратлар! Раҳм-шафқат қилинг! — Қўлларини тезда пастга туширди. Ер юзидаги ишлар ҳақида ўйлаш муҳимроқ. Сархушлик кўтарилиб, вазир хушёр тортди.

— Масрур! — хитоб қилди у ниҳоят. — Эсли-хушли одамсан! Бадавлатман. Сенинг хизматинг эса абадиймас. Мени бу ердан чиқариб юборсанг, минг-минг динорлар сендан айлансин. Минг-минг динор ва устига ажойиб бир арғумоқ, сени ҳеч зог қувиб етолмағай. Рози бўл. Ўз Фарғонангда сендан бой одам бўлмас.

— Садоқатли хизматкор пулга сотилмас! — жавоб қилди жаллод.

— Кейин пушаймон бўлиб юрма! Бундай бахткашлик ҳаётда бир бор бўлади. Пулни ҳамма ҳам олади. Бор давлатимнинг ярмини бераман. Эшит-япсанми? Яр-ми-ни!

— Олмасмен!

— Қойил! — мақтаб қўйди вазир ва шу заҳотиёқ гап маромини ўзгартирди. — Мен ҳам олмассан деб ўйлагандим. Шу дақиқадан бошлаб ҳурматимга лойиқсан. Мени Хорун ар-Рашид олдига бошлаб бор. У билан бир гаплашиб олишим керак, ўйлайманки, келишиб олурмиз.

— Халифа киришинга ижозат бермагай. Бошини келтир деб буюрдилар.

— Оббо сен-ей, ҳали ҳам халифани синамадингми, қаҳр-ғазаб устида фармон беради-ю, жаҳдан тушгач, афсусланиб юради. Эҳтимол, ҳозир ҳам афсус чекаётгандир. Унинг ҳузурига бор-да, мени ўлдирилди, дегин! Агар у афсус қилса, ҳамма ишга икром бўласан! Ана шунинг ўзи учуноқ ярим давлатим сеники бўлади. Олақол — у сеники!

Бу тақлифдан Масрур саросимага тушди. Бу хоинлик саналмасди. У ҳеч нарса йўқотмайди. Ҳеч нарса! Хорун ар-Рашид, дарҳақиқат қарорини ўзгартариши эҳтимолдан холи эмасди. Шундай қоллар бўлганди ҳам... Нима бўпти, бир бахтини синаб кўрса-чи?

У бош ирғатиб, индамайгина вазирнинг кўлидан шамширни тортиб олди, чодирга олиб кирди, асирни кўриқлашни қабашийларга тайинлаб, ўзи кетди.

Жаъфар ибн Яҳё хаёлга чўмди. Халифанинг омонат раҳм-шафқатига учиб ва ҳоким этиб тайинлаганига ишонганига, Бағдодни тарк этмаганига чуқур ўксинди. Худди ёш боладек алданди-я! Алоқани қайта тиклашга уриниб, аҳмоқлик қилди. Аввал-бошданоқ жавоб-муомалани шарт этиб узмоқ зарур эди. Эндиликда бирон ёрдамга кўз тутиш амримаҳол! Бу ердан саломат чиқишнинг иложини ўзи топиши керак! Аббоса кутиб қолди... Эй ази-зам, мени қандай қопқонга тушиб қолганимни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайсан! Нима керак инсонга ҳукмронлик? Инсон тириклигининг асл маъноси нимада? Тинч ва осойишта яшаш эмасми, ахир? Осойишта турмушнинг ўзи аъло бахт эмасми? Бахтиёр, таҳликасииз турмуш гўё эшик қоқаётгандек бўлувди-ю, тўсатдан...

Кираверишда тўнгадек жасад кўринди. Кириб келган жаллоднинг чимирилган қошларидан Жаъфар ибн Яҳё бор гапни англади. Гўё уйқусираётгандек жаллоднинг гапини тушда эшитгандек ҳис қилди:

— Сени қатл этилди деб халифага айтдим. Бошингни олиб келчини буюрди.

Жонҳолатда вазир зўрға ўзини қўлга олди ва амрона оҳангда буюрди:

— Сабр қил!

У Масрур қаршисига бостириб бораркан, унинг белида осифлик шамширдан кўзини узмасди.

— Сенга яна нимадир демоқчийдим... Йўқ, шафқат сўраб эмас... Тақдирга тан бермоқдан ўзга илож қолмади... Ҳа-я, эсладим! Аббоса! Халифа уни ҳам қатл этмоқчимми?

Шамшир дастаси шундоқ яқингинасида эди.

— Аббоса ўлган, — деди жаллод.

— Ёлғон айтяпсан, жаллод!

Шу ондаёқ вазир Масрур устига сакраб, шамширни қиндан суғурди ва жаллоднинг қосасидан чиқиб кетган кўзларига тикиларкан, унинг гапи ростлигига ишонди. Панжалари бўшашиди.

— Ҳайҳо-о-от!

Кўкрагидан отилиб чиққан фарёд ҳамма ёқни тутиб кетди.

Ҳаммаси тамом. Энди ҳаётнинг қизиғи қолмади. Жаъфар ибн Яҳё кундага энгашиди. Умрида илк бор вазирнинг кўзларида ёш ўйнади.

— Аббоса ўлган! Мени қатл эт, жаллод! Худо хайрингни берсин, қатл эт!

Олтмиш бешинчи боб

ХОРУН АР-РАШИД ВА ЖАЪФАР ИБН ЯХЁНИНГ БОШИ

Жаллоднинг алдаётганини Хорун ар-Рашид сезиб турарди. Аммо гап бошқа ёқда. Мухими, вазир Абодият қасрида. Мана шунинг ўзи кифоя. Жаъфар ибн Яхёни тузоққа илинтириш вақти жуда усталлик билан режалаштирилганди. Шошилиш ҳам, бепарволик ҳам ноўрин. Нега энди шошилиш керак?

Вазир ўз орзулари ушалганини нишонлаб, яхшигина ичиб олган. Бу ҳолатда уни қўлга олиш осонроқ кўчарди. Имиланса, у Аббосанинг қатл этилгани исини сезиб, мудофаага ўтади. Бармакийлар ва Нахравондаги бошқа тарафкашларини ёрдамга чақиритиш турган гап. Ана унда ўзаро жангу жадал бошланиб кетиши мумкин.

Соқолини чангаллаганча хиёбонда зир югурар, муштумини қисиб дағдаға қилар:

— Катл! Ҳозироқ!

Шу ондаёқ яна бўкирди:

— Йўк, сабр қилинсин!

Такроран қичқирди:

— Боши кесилсин! Дарҳол боши кесилсин!

Унинг фикрлари солинган тарозу паллалари гоҳ у томон, гоҳ бу томонга оғарди.

Деворда ҳашаматли гилам осифлиқ. Халифа бирдан тўхтаб, гиламга тўқиб битилган ҳикматга анқайиб тикилиб қолди. Жимжимадор чизиқлар унинг тасавурида бедаво қора ўргимчакка ўхшаб кетди. Чигал аста-секин ёзилгандек бўлди ва халифа шеър сўзларини ўқишга тутинди.

Сиз, эй ҳиндий шамширлар, қайда?

Ёвга зарба етмади нечун?

Нечун барбод бўлди қоида,

Қон йўк, жонни даволаш учун?

Қани ўша тилла гулчамбар

Ғолиб бошлар кийишни хоҳлар.

Жасурлар ўз ғанимин янчар.

Ўлдиролмас уни кўроклар.

Кумуш баркашда қонли бошни кўтариб Масрур кириб келди. Хорун ар-Рашиднинг ранги бўздек оқариб кетди. Ҳали қотиб улгурмаган кўзлар баркашдан унга тикилиб турарди:

— Эй биродарим Жаъфар! — хитоб қилди шавку завқ билан у.— Ҳаётинг шундай тугар деб ўйламагандим. Афсус, минг афсус, нега энди орадаги аҳдномага амал қилмадинг? Халифаликда менинг розилигимсиз бирон тадбир амалга ошмаслигини билмасмидинг? Сен-чи? Оллоҳ шоҳидки, ўз билганингдан қолмадинг, бадбахт! Мана энди, ўзбилармонликнинг аччиқ оқибати... Жуда қайғули, шундай эмасми, а? Мен ҳам ачинаман... Аммо сен экканингни ўрдинг! Ана шунақа, қулвачча! Мени шармандаю шармисор этишга қандай журъат этдинг?

Жаллод хонтахтага қўйган баркашга энгашиб, халифа қўлига қора дарахт чўпини олиб, оғзи очилиб қолган калланинг тиржайиб турган тишларига бир-бир уриб қўйди: та-та-та-та деган товуш эшитилди.

— Жазойинг шу, бадбахт! Шафқат илтижо қилдингми? Кечикдинг! Мана сенга, мана! Та-та-та-та...

Кўпни кўрган Масрурнинг эти жимирлаб, нафаси бўғзига тикилиб қолгандек бўлди.

Қутилмаганда эшик тақиллагани эшитилди.

Олтмиш олтинчи боб

ОҚСОҚОЛНИНГ ҲУКМИ

— Ассалом, амир ал-муслимин! Киришга ижозат беринг!

Гапираётган кимсанинг овози кексаларга хос тарзда дўриллаб чиқди. Бу — шайх Исмоил эди. Хорун ар-Рашид жаллодга имо қилди, у баркашни кўтариб, хуфия эшикдан чиқиб кетгандан кейингина, қўлидаги қора дарахт чўпни, худди гуноҳкор жиноятини яширишга урнаётгандек, хонтахта тагига шоша-пиша яширди-да, кейин жавобга оғиз очди:

— Ваалайкум ассалом, амакижон! Кўришганимиздан хурсандман!

Шайх Исмоил ётоқхонага кириб улгурганди. У такаллуфсиз келиб, мадорсизгина болишга чўккалади. Одатда тез йўл юрган ё ҳаяжонга тушган кексаларда бўлганидек, у ҳарсиллаб нафас оларди.

Халифа ўрнидан турди.

— Сизга нима бўлди, амакижон?

— Эй амир ал-муслимин! — нафаси қисилиб деди шайх Исмоил. — Ижозатингиздан истифода этиб, рухсатсиз кириб келдим. Бош дарвозабон мени киритиб юборди...

— Аслида шундай бўлиши керак эди, амакижон. Мен буюргандим. Хўш, нима гап ўзи? Нега безовтасиз? Қани гапиринг-чи!

— Шаҳарда ғала-ғовур, эй халифа. Бармакийлар норози.

— Чин дилдан ташаккур, амакижон! — дея гапни чўрт кесди Хорун ар-Рашид. — Чорасини аллақачон кўриб қўйганман. Тез орада, жуда ҳам тез орада Бармакийларнинг ҳаммаси битта қолмай, тинчиб қолади, ишонаверинг гапимга...

Шайх Исмоил қўлларини юқори чўзди:

— Шафқат қилсангиз-чи, ахир, эй амир ал-муслимин. Шафқат қилинг! Қатлни бекор қилинг!

— Катл? — такрор сўради халифа. — Ҳа, сиз Жаъфарни назарда тутяп-сизми?

— Ҳа, вазирни! У яшаши шарт! Халифалик манфаатлари йўлида!

— Эй-воҳ, амакижон!

— Уни қатл этдингизми? — қичқириб юборди сакраб турган шайх Исмоил. Худди ёш отчопарлардек унинг кўзлари чақнаб кетди.

— Сўзларингиз унчалик ҳақ эмас, амакижон, — гапни атайлаб чўзарди Хорун ар-Рашид, одатда оғир-вазмин Ҳошимийда содир бўлган қизиққонликдан ҳайратланиб. — Вазирни ўз қаллоблиги қатл этди.

— Йўқ, уни сиз қатл этдингиз! Сиз! Энг муҳтарам зотни қатл этдингиз!

— Овозингизни ўчиринг! — деди деярли наъра тортиб халифа, хизматкорларни чақириб, туғишган амакисини қасрдан ҳайдаб чиқаришига бир баҳя қолди. Лекин бундай хатти-ҳаракатдан ўзи иснодга қолишини яхши биларди. Унинг овози мулойимлашди: — Вазирим менга хоинлик қилди, амакижон. Унга лойиқ жазо берилди.

— Аббоса ҳам сизга хоинлик қилдими? У қаёққа ғойиб бўлди? Қани, айтинг-чи?

— Бу менинг шахсий ишим! — чўрт кесди халифа. — Бунинг снэсатга дахли йўқ. Аёлни давлат арбоблари билан тенглаштириб бўлмайди.

— Хўш, ўз ваъдангизга мувофиқ нега энди вазирни Хуросонга жўнатмадингиз? — саволга тутди шайх Исмоил. — Жаъфар ибн Яҳё вилоят хўжалигини изга солиб, фан ва санъат равнақига йўл очиб, халифаликка катта наф келтирарди-ку.

— У ғалаён уруғини сочарди, — деди босиқлик билан Хорун ар-Рашид. — Эҳтиёткорлик ва тадбиркорлик хавф-хатарнинг олдини олади. Хуросонни хавф остида қолдириш (унинг халифаликдан ажралиб кетишини Оллоҳ кўрсатмасин!) — бориб турган жиннилик эди.

— Қилган ишингиз-чи, жиннилик эмасми? Ундан беш баттар! Жиноят! Бундан буён мендан маслаҳат ҳам, ҳақгўйлик ҳам кутманг! Вазирнинг қатл этилиши ва яна билишимча, мўлжаллаб қўйган ишларингиз яхшиликка олиб бормади, бундай мудҳишликни на замондошлар ва на келажак авлод кечиради. Вазир билан бирга мендаги дўстликни ҳам қатл этдингиз. Энди мен барча ишлардан этак силкиб, гунгу лол ўлғум. Ўликка йиғлаган эсиз кўзим, нодонга сўзлаган эсиз сўзим. Ўз билганингизча иш тутаверинг. Кўрурман, оқибати не билан тугаркин. Истак ва орзуларим кўксимда қолди! Оллоҳ шоҳид!

Хорун ар-Рашиднинг ранги бўзариб кетди, аммо дарҳол ўзини тутиб, босиқ овозда деди:

— Амакижон, вазирни қай гуноҳи учун боши кетганини ҳеч қачон билолмасиз. Ал-Алавийнинг бўшатиб юборилиши, суллоҳликлари арзимаган ишлар. Сўзларимга охири бор ишонинг: мабодо вазир тирилгудек бўлса, уни иккинчи бор қатл этгум! Энди англагандурсиз унга бўлган қаҳру ғазабимнинг беҳадлигини? Бошқа сизга айтар сўзим йўқ! Халифа чуқур ух тортиб, давом этди: — Энди борақолинг, амакижон, таҳорат олиш вақти-соати ҳам яқинлашди. Бугун жумъа. Мени масжидда кутишмоқда.

Олтмиш еттинчи боб

ҲАСАН ВА ҲУСАЙН

Бармакийларга қарши қирғин-барот куппа-кундуз куни Жаъфар ибн Яҳёнинг отаси ва акасини ҳибсга олишдан бошланди. Ана шундан сўнг ишлар чапасига кетди. Шамассия саройи таланди. Аҳли сарой битта қолмай қиличдан ўтказилди. Шундай кулфат бошқа Бармакий саройлари хонадонлари бошига ҳам тушди. Вазирни кузатиш баҳонасида Нахравонга келган халифанинг махсус соқчилари қароргоҳни босди. Бармакийлар ва тарафқашларини ур-йиқит қилиш, қириш ҳамма жойда авжига чиқди. Ўша куни минглаб бегуноҳ одамларнинг ёстиғи қуриди. Мўъжиза туфайли тирик қолганлари эса зиндонларга ташланди, туб жойларидан ҳайдалди, дарбадарлик ва очьянғочликдан аста-секин ажал домига гирифтор этилди. Уларнинг ер-сувлари, бойлиги, қуллари халифа ихтиёрига ўтди. Нарӣ-бери чақирилган мажлисда қирилган, ҳайдалган ва зиндонга ташланганларнинг ҳатто номлари тилга олиниши ман этилди.

Зубайда еттинчи осмонда, қувончининг чеки йўқ. Барча орзулари ушалди. Шанба куни эрталаб вазирнинг фарзандлари — Ҳасан ва Ҳусайнлар халифа ҳузурига келтирилди.

Тўсатдан узилиб қолган ўйинларининг қизғин шавқидан совимаган ўғлонлар башанг кийиниб савлат билан тахтда ўтирган бегона кимсани кўришлари биланоқ чопқиллашиб унинг олдига келишди. Бир неча дақиқа ўтар-ўтмас укаси Хорун ар-Рашиднинг соқолини буйдалар, анча журъаткор акаси эса халифанинг елкасига чиқиб олди.

— Отларингиз нима, ўғлонлар? — сўради аранг тили калимага келган халифа ва ўғлонларга боқаркан, уларнинг биттаси қуйиб қўйгандек ўзига, иккинчиси эса Аббосага ўхшашлигини сезиб, даҳшатга тушди.

— Мен Ҳасан!

— Мен Ҳусайн!

— Ҳусайн ва Ҳасан, Ҳасан ва Ҳусайн, — дея қиқирлаб кулиб, шўхлик

қилишарди ўғлонлар. «Наҳотки мен уларни қатл этсам?! Эй Оллоҳ! «Қотил!» — деб бақирганди менга Аббоса. Қотил?! Йўқ, йўқ! Норасида гўдаклар, жиянларим яшаши керак! — Халифа нигоҳини Хусайндан олarkan, назарида Аббоса намоеън бўлгандек кўринди, Ҳасан шакл-шамойилида эса ўзининг узоқ болалик йилларини тасаввурга келтирди. — Ё тавба, менга нима бўлди ўзи? Менга отилган ҳақорат тошлари зарбини унутайми? Бундай иснодни кечириб бўлурму? Йўқ, асло йўқ! Бундай шармандаликни афв этиш — гуноҳи азим! Улар — менинг шаънимга тушган ўчмас қора доғлар! Тирик шохидлар!..»

— Масрур! — деб қичқирди Ҳасанни елкасидан туртиб тушириб ва Хусайнни нари итариб халифа.

— Фармонбардорман, эй пушти паноҳим!

— Мен сенга берган калитни ол-да, ҳозироқ буларни олиб бор... биласан-ку, қаерга... иккаласини... ёнида... қазисинлар... кичикроқ... Тушунгандирсан?

— Тушунмай ўлибманми, пушти паноҳим!

— Бора қол, садоқатли хизматкорим!

У Масрурнинг елкасига қоқиб қўйди, қўрқиб кетган ўғлонларга қараркан, тўсатдан кўзларига қуйилиб келган ёшни яшириш учун тескари қараб олди.

Амир ал-муслиминнинг нима сабабдан йиғлаб юборганини англаш мушкул; бу кечиккан пушаймонликнинг афсус ва надоматими, ё қаҳру адоватнинг аччиқ аламларими?

* * *

Дарича тирқишидан Дажланинг зилол сувлари кўзга ташланарди. Узоқда, Бағдод кўприги устида, вазирнинг қозикқа қоқиб қўйилган танаси қорайиб кўринарди.

Халифа синглиси Аббосанинг аянчли қисмати ана шундай ниҳояланди. Бу оламда мақтову шухратга сазовор кимлар? Одамлар орасида бахтга сазовор кимлар? Кимки омадгир бўлса, елкасига бахт қуши қўнган бўлса, ўшанинг ошиғи олчи бўлди. Мақталганлар таҳсинларга сазовор бўлгай! Хушбахтларга ҳамиша омад ёр бўлгай!

ТАМОМ

*Муҳсин ЗОКИРОВ
таржимаси.*

Жавоҳарлаъл НЕРУ

Дунё тарихига назар

Буюк сиёсат ва давлат арбоби, Ҳиндистон мустақиллиги учун кураш раҳбарларидан бири ва унинг биринчи бош вазирини Жавоҳарлаъл Неру қаламига мансуб «Дунё тарихига назар» асари унинг «Ҳиндистоннинг кашф қилиниши», «Таржимаи ҳолим» каби асосий китоблари сирасига киради.

Мазкур асар Жавоҳарлаъл Неру 1930 октябр — 1933 йил августларида, Ҳиндистон озодлиги учун курашдаги фаол иштироки учун турмага ҳукм этилган даврда, қизи Индира Гандига йўллаган тарихий-маърифий хатлар асосида яратилган. Унда инсоният юзага келган даврдан бошлаб то XX асрнинг 30- йилларига қадар кечган тарихий жараён мухтасар баён қилинган.

Уч жилдли китоб жонли, илмий-оммабон услубда ёзилган ва шаклан бадиий асарга яқин бўлиб, талай тарихий арбобларнинг сиймоси юксак бадиий тимсол даражасида чизилган.

Жавоҳарлаъл Неру асарида табиийки ўз мамлақати тарихини кенгроқ кўламда ҳикоя қилишга интилади, хусусан Бобурийлар сулоласи ҳукм сурган даврлар баёнига алоҳида урғу беради, Бобур ва Акбар каби улўғ зотлар фаолиятига, уларнинг Ҳиндистон тарихида тутган ўрнини муносиб баҳолайди.

Муаллиф ўзи яшаган давр тарих фани анъаналарига риоя этган ҳолда Бобурийларни Буюк Мўғуллар деб атайди (таржимада ҳам шундай қолдирилди). Асарнинг айрим бобларини бир оз қисқартиришлар билан эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.

БОБУР

...**Ҳ**индистоннинг майда-майда бўлақларга бўлиниб-емирилиб кетиши унинг шимолий қисми Бобур томонидан фатҳ этилиши билан якунланди.

Афғидан бу ерда яшаган кўп халқлар қадимги орийларга хос эркинлик ғояларини буткул унутган ва ҳар қандай ҳукмдорга бўйсуннишга тайёр куллар каби забун қолатга рози бўлган кўринарди. Ҳатто, ўзи билан бирга янги ҳаёт тарзини олиб келган мусулмонлар ҳам айнаиб, ўзга

эл-элатлар сингари мўмин-қобил бўлиб қолгандек эди.

Худди шу боисдан ҳам Европа қадимий маданий Шарқ давлатларида етишмаган қудрат ва куч-ғайратга эришиб, булардан ўзиб кетди. Олдисотди ва бойиш васвасаси Европа денгизчиларини Америка қитъасига отлантирди. Португаллар Малаккада араб салтанати ҳукмронлигига чек қўйди, Ҳиндистон қирғоғи ва Шарқдаги бошқа денгиз минтақаларида таянч истеҳкомлар бунёд этди.

Тез орада португалларнинг зирвор-дориворлар савдо-сотифи соҳасидаги ҳукмронлигига икки янги

давлат — Голландия билан Англия қаршилик кўрсата бошлади. Улар Португалияни шарқдан сиқиб чиқаришди, Шарқдаги салтанатига, бутун тижорат ишларига нуқта қўйилди. Голландлар қисман Португалия ўрнини эгаллаб, кўпгина шарқий оролларни босиб олди. 1600 йилда қиролича Елизавета Лондон савдогарларининг ширкати бўлмиш «Ост-Индия» компаниясига имтиёзли савдо ҳуқуқини туҳфа этди. Икки йилдан сўнг эса Голландиянинг «Ост-Индия» компанияси юзага келди. Шу тариқа Европанинг Осиёдаги бочқинчилик сиёсати даври бошланди. Узоқ вақт давомида европалликлар Малайя ва шарқдаги ороллар билан деярли чекланишди. Мин сулоласи ва ўн еттинчи аср ўртасида пайдо бўлган дастлабки манҷурлар ҳукмронлик қилган Хитой Европа назарида анча қучли давлат эди. Япония эса шунчаликка бориб етдики, ўз юртидан барча ажнабийларни қувиб чиқариб, то 1641 йилга қадар ўз чегараларини тақа-тақ ёпиб қўйди.

Ҳиндистон-чи?.. Ҳиндистон янги сулола — Бобурийлар ҳукмронлигида ғоят қудратли салтанатга айланди ва шу боис унга Европанинг хавф солиш ёки босқин қилиш эҳтимоли йўқ эди. Аммо Европа денгизларда ҳукмронлик қиларди.

1526 йилда Бобурнинг заиф ва разил афғоний Деҳли султони устидан қозонган ғалабаси туфайли Ҳиндистонда янги замон ва янги сулола — Мўғуллар сулоласи даври бошланди. Ҳиндистондаги Буюк Мўғуллар овозаси бутун Осиё ҳамда Европага кенг тарқалганди. Мазкур сулоланинг олти нафар энг йирик ҳукмдори бўлиб, шундан сўнг салтанат бўлак-бўлакларга ажралиб кетди ва мана шу бўлаклардан маратхлар билан сикхлар ўз давлатларини бир амаллаб «бичиб-тикиб» олишди. Ана шулар ортидан инглизлар келишди, улар марказий ҳокимият қулаб, мамлакатда тартибсизлик бошланганидан фойдаланиб, аста-секин ўз ҳукмронлигини ўрнатишди.

Бобур беқиёс даражада маданий, дилбар шахслардан бири эди. У мазҳабпарастликка хос маҳдудлик ва

диний мутаассибликдан йироқ эди, аждодлари каби вайронгарчилик билан шуғулланмади. Бобур санъат ва адабиётга қизиқар, ўзи туркий ва форс тилида шеърлар битар эди. У гуллар ва боғларни севар ва жазира-ма Ҳиндистонда Ўрта Осиёдаги ватанини тез-тез эслаб турарди: «...бинафшаси бисёр латиф бўлур... қалин лола ва гуллар очилур», деб хотирлайди у эсдаликларида.

Бобур Самарқанд ҳукмдори бўлган пайтда, ҳали ўн бир яшар бола эди. Бу осон иш эмас, албатта. Атрофини душманлар қуршаб турарди. Ўғил ва қиз болалар мактабга қатнайдиган ёшда унга қўлига қилич олиб, майдони ҳарбда жанг қилишга тўғри келди. У тахтини қўлдан бой берди ва жўшқин ҳаёт йўлида кўп саргузаштларни бошдан кечириб, яна тахтини эгаллашга муваффақ бўлди. Шунга қарамай, адабиёт, назм ва санъат билан шуғулланишга улгурди. Шону шухратга интилиш унга сира тинчлик бермасди. У Кобулни фатҳ этиб, Ҳинд тоғидан ошиб ўтди ва Ҳиндистонга бостириб кирди. Аммо бу билан Бобурнинг мушкуллари осон бўлмади, яна неча бор ҳаёти қил устида қолди. Бир гал бошига хавф-хатар ёғилган пайтда саркардалари унга шимол томонга чекинишни маслаҳат беришди. Лекин Бобурнинг жони темирдан эди, шу боис чекинишдан кўра ўлимни афзал кўришини айтди. У май (чоғир) ичишни севарди, аммо ҳаётининг чигал дамларидан бирида, майдан воз кечишга аҳд қилди ва барча қадаҳларни синдириб ташлади. Унга ғалаба ёр бўлди, шу бўйи у қасамига содиқ қолди.

Бобур Ҳиндистонда атиги тўрт йил яшаб, вафот этди. Мана шу йиллар жангу жадалларда ўтди, у ором нималигини билмади. У Ҳиндистон ҳақида кам нарса биларди. У Аграда гаройиб пойтахтга замин қурди ва Истамбулдан машҳур бир меъмори чақириб келтириш учун одам юборди. Бу — Сулаймон Конуний Истамбулни қураётган пайтлар эди. Синон — усмонли туркларнинг ўша машҳур меъмори — Ҳиндистонга севикли шогирди Юсуфни йўллади.

Бобур эсдаликлар яратди ва мазкур ажабтовур китоб бу инсоннинг қалб оламига назар солиши имконини беради. У бизга Ҳиндистон ҳақида, унинг ҳайвонлари ва гуллари, дарахтлари ва мевалари ҳақида ҳикоя қилиб беради, ҳатто қурбақаларни ҳам эсидан чиқармайди. У ватанининг қовунлари, узумлари, гуллари кўмсайди. Ҳиндистон кишиларидан эса жуда кўнгли қолганлигини ёзади. Унинг сўзларига қараганда, бу юрт кишиларида мақташга арзигулик биронта хислат йўқ. Эҳтимол, тўрт йил давом этган уруш пайтида у халқни ўрганиб олишга улгурмагандир, маданийроқ қатламлар эса янги фотиҳ билан мулоқот қилишдан ўзини четга тортгандир. Эҳтимол, бегона юрт кишисига бошқа бир халқнинг турмушини тушуниш, маданиятини англаш қийин кечгандир. Нима бўлмасин, у бирмунча муддат ҳукмрон синф мавқеидаги афғонларда ҳам, кўпчилик халқда ҳам қойил қолдирадиган бирон-бир хислат кўрмаган. Бобур ўта кузатувчан одам бўлган ва ажнабий сифатида ноҳақ фикр юритган, деб ўйлаганимизда ҳам, унинг эсдаликлари ўша вақтда Шимолий Ҳиндистон ачинарли бир ҳолатга тушиб қолганлигидан далолат беради. Жанубий Ҳиндистонда эса Бобур бўлмаган.

«Ҳиндистон мамолики васе ва пурмардум ва пурҳосил вилоят воқе бўлубтур,— ҳикоя қилади Бобур.— Шарқи ва жануби, балки ғарби ҳам Муҳит дарёсига мунтаҳиқ бўлур... Ғарби-шимоли Кобул ва Ғазни ва Қандаҳор воқе бўлубтур. Жамиъ Ҳиндистон вилоятининг пойтахти Деҳли эрмиш». Шуниси қизиқки, Бобур бутун Ҳиндистонни ягона яхлит бир давлат деб ўйлайди, ваҳоланки, унинг замонида келиб, Ҳиндистон кўплаб подшоликларга бўлиниб кетган эди. Ҳиндистоннинг бирлиги ғояси унинг бутун тарихи мобайнида сақланиб қолган.

Бобур Ҳиндистон тасвирини давом эттириб, ёзади: «Ғариб мамлакате воқе бўлубтур. Бизнинг вилоятларга боқа ўзга оламедур. Тоғ ва дарёси ва жангал ва саҳроси, мавозий ва вилоёти ва ҳайвонот ва набото-

ти, эли ва тили ва ёмғури ва ели борча ўзгача воқе бўлубтур... Синд сувини ўтгач, ер ва сув ва йиғоч ва тош ва эл ва улус ва роҳ ва расм тамоми Ҳиндустон тарийқидадур... Яна Ҳиндустон бақалари, агарчи ўшал бақалардектур, вале бу бақалар сувнинг юзида етти-саккиз қари югурадулар».

Сўнгра Бобур Ҳиндистон ҳайвонлари, гуллари, дарахтлари ва меваларини бирма-бир санаб ўтади. Кейин навбат одамларга келади: «Ҳиндустон кам латофат ер воқе бўлубтур. Элида ҳусн йўқ ва ҳусни ихтилот ва омизиш ва омаду рафт йўқ ва таъб ва идрок ва адаб йўқ ва қарам ва мурувват йўқ ва ҳунарларида ва ишларида сиёқ ва андом ва ража ва гўния йўқ ва яхши от йўқ ва яхши ит йўқ ва узум ва қовун ва яхши мевалар йўқ ва ях йўқ ва совуқ сув йўқ ва бозорларида яхши ош ва яхши нон йўқ ва ҳаммом йўқ ва мадраса йўқ ва шамъ йўқ ва машъал йўқ ва шамдон йўқ».

«Уларда ҳар ҳолда бирор нима бордур», деб беихтиёр сўрагинг келади. Бобур мазкур сатрларни битаётганида ҳамма нарсадан кўнгли қолган кўринади. «Латофатеким, Ҳиндустонда бор—улуқ вилоятдур,—дейди Бобур.—Ва олтун ва ярмоғи қалин бўладур... Яна бир латофати будурким, ҳар синфдин ва ҳар хирфалардин беҳад ва бениҳоят кўпдур. Ҳар иш учун ва ҳар нима учун жамиъ муқаррар ва муайяндурким, ота-оналаридан бери ул иш ва ул нимани қила келгандурлар».

Юқорида Бобур хотираларидан узундан-узоқ парчалар келтирдим, бу каби китоблар инсон тўғрисида кўпинча жуда соз тасаввур беради.

Бобур 1530 йилда қирқ тўққиз ёшида оламдан ўтади.

Бобурнинг жасадини Кобулга олиб бориб, ўзи севган боғига дафн этишади. Ниҳоят у ўзи соғинган-қўмсаган гулзорга қайтиб келган эди.

АКБАР

Бобур ўз саркардалик маҳорати ва куч-ғайратини ишга солиб, Ҳиндистоннинг кўп қисмини фатҳ эт-

ди. У Деҳлининг афғоний султониға, кейинроқ ражпут тарихида кўкларга кўтариб мақталган читорлик Рано Сингх бошчилигидаги ражпут қабилаларига талафот етказдики, бу эса яна ҳам оғир вазифа эди. Аммо Бобур ўғли Хумоюнға мушкул бир вазифани мерос қилиб қолдирган эди. Хумоюн ўта маданиятли ва маърифатли шахс эди, аммо падари бузруквори сингари ҳарб кишиси эмасди. Унинг янги салтанати бутун ҳудудида тартибсизликлар бўлиб турди ва ниҳоят, 1540 йилда, Бобур ўлимидан ўн йилдан кейин Биҳар вилоятининг Шерхон исмли афғоний ҳукмдори Хумоюн устидан ғалаба қозониб, уни Ҳиндистондан қувиб чиқарди. Буюк Мўғулларнинг иккинчи ҳукмдори дарбадарга айланиб қолди, яшириниб юришга ҳамда ҳар хил муҳтожликларни бошдан кечиршга мажбур бўлди. 1542 йил ноябр ойида айни қувғинлик даврида хотини ўғил туғиб берди. Рожастхон саҳросида дунёга келган бу фарзанд Акбар бўлиб етилиши керак эди.

Хумоюн Эронға қочди. Эрон ҳукмдори Таҳмасшоҳ Хумоюнға бошпана берди. Шу аснода Шерхон Ҳиндистонда олий ҳокимиятни қўлга киритиб, Шершоҳ номи билан ҳукмронлик қила бошлади. У қисқа бир муддат ичида ҳам ғоят иқтидорли шахс эканини намоён этади. У ажойиб ташкилотчи бўлиб, мамлакатни идора этишда фаоллик ва уддабуронлик кўрсатди. Жангу жадал билан банд бўлиб, заминдорларни солиққа тортишнинг янги тизимини жорий қилиш учун вақт топди. У — қаттиққўл, шафқатсиз эди, аммо бошқа бир кўп шоҳларға қараганда афғоний ҳукмдорлар ичида энг истеъдодлиси ва моҳири, шубҳасиз, Шершоҳ эди. Лекин, кўпинча талантли мустабидларға хос бўлгани каби, у ҳам ҳукумати зиммасидаги беистисно барча ишларни ёлғиз ўзи ҳал этардики, шу боисдан ҳам унинг ўлимидан сўнг бино қилган иморати қулади-қолди.

Хумоюн бу таназзулдан фойдаланиб, лашкарлари билан бирга 1555 йилда Ҳиндистонға қайтди. Омади келиб, ўн олти йилдан сўнг яна Деҳли

тахтини эгаллади. Аммо ҳукмронлиги узоққа бормади — ярим йилдан сўнг зинадан йиқилиб қазо қилди.

Шершоҳ мақбараси билан Хумоюн мақбарасини таққослаш — марокли иш! Афғоний подшонинг қabri Биҳар вилоятидаги Шоҳашромда Мақбараси ҳам ўзи каби улугвор ва салобатли. Хумоюн — Деҳлида дафн этилган. Мақбараси ғоят нафис ишланган. Икки тошмақбараға қараб 16-асрда салтанатға даъвогар бўлмиш бу икки рақиб тўғрисида мукамал тасаввур ҳосил этасан, киши.

Акбар бу пайтда эндигина ўн ҳат ёшга кирган эди. Бобоси каби у ҳам тахтға эрта ўтирди. Унинг Байрамхон ёки Бобохон деб аталмиш оталиғи бор эди. Лекин орадан тўрт йил ўтар-ўтмас, ўзга кишиларнинг ҳомийлиги-ю раҳнамолиги Акбарнинг жонига тегиб, мамлакатни идора қилиш ишини ўз қўлиға олади.

Акбар қарийб эллик йил — 1556 йил бошидан то 1605 йил охириға қадар Ҳиндистонни бошқарди. Бу — Европада нидерландлар исъён кўтарган, Шекспир яшаган давр эди.

Акбар номи — Ҳиндистон тарихида улуг ном ва баъзи бир жиҳатлари билан Ашока номини ёдға солади. Қизик, Ҳиндистоннинг эрамиздан аввалги учинчи асрда яшаган буддойи подшоси ва эрамизнинг ўн олтинчи асрида яшаган Ҳиндистон мусулмон подшоси деярли айни бир хил сўз-ибораларни ишлатишади. Эҳтимол, Ҳиндистоннинг ўзи икки буюк фарзанди тилида сўзлашгандир. Ашока тўғрисида ўзи тошға ўйиб ёздирган битиклардангина маълумот оламиз, Акбар ҳақида эса кўп маълумотларға эгамиз. Икки сарой муаррихи у ҳақда батафсил ёзиб қолдиришган, Акбар ҳузуриға келиб турган ажнабийлар, унга насронийликни тиқиштирган, незуитлар у тўғрида талай хотиралар битишган.

Акбар — Бобур бошлаб берган сулоланинг учинчи ҳукмдори эди, ҳокимияти ҳарбий кучға таянарди. Айни Акбар замонида Мўғуллар сулоласи қарор топиб, ҳиндча қиёфа касб этди. Худди Акбар даврида Буюк Мўғул ибораси Европада расм бўлди.

Акбар — мустабид ҳукмдор, чекланмаган ҳокимият соҳиби бўлган ўша даврларда Ҳиндистонда ҳукмдорларнинг ҳокимиятини чеклашни афтидан хаёлларига ҳам келтиришмаган. Не бахтки, Акбар—доно мустабид бўлиб чиқди, у ҳинд халқи манфаатлари йўлида кўп кучгайрат сарфлади. Маълум бир маънода Акбарни ҳинд миллатчилигининг отаси, деб ҳисоблаш мумкин. Мамлакатда миллий туйғу деярли бўлмаган, дин эса ажралиш-бўлиниш омили саналган замонларда Акбар умумҳинд миллий идеалини диннинг ажратувчилик даъволаридан устун қўйди. Унинг уринишлари тўла-текис амалга ошмади. Лекин шуниси ҳайратланарки, у бу борада кўп нарсаларга эриша олди, барча интилиш-уринишлари унга зўр ютуқ келтирди.

Аммо Акбарнинг муваффақиятлари фақат ўзигагина боғлиқ эмасди. Вақт-соати келиб, қулай шароит пишиб-етилмагунча бирон-бир инсон катта-катта вазифаларни ҳал этишда ютуққа эришолмайди. Улуғ инсон кўпинча воқеалар жараёнини тезлаштиради ва шу қулай шароитни ўзи юзага келтиради. Бироқ, буюк зотларнинг ўзи ҳам замонининг, унда ҳукмрон шарт-шароитнинг маҳсулидир. Акбар ҳам ўша даврдаги Ҳиндистон маҳсули эди.

Аввалги хатларимдан бирида сенга ҳикоя қилиб эдимки, Ҳиндистондаги кўзга кўринмас кучлар тақдир бу мамлакатда бирга учраштираган икки маданият ва икки диннинг синтезини яратиш устида кўп заҳмат чекишган. Сенга меъморчиликдаги икки услуб ҳамда Ҳиндистондаги тиллар, айниқса урду ва Ҳиндустони тилларининг ривожланиши тўғрисида гапириб бергандим. Шунингдек, Рамананда ёки Кабир ёхуд Нанак каби ислоҳотчилар ва дин пешволари тўғрисида сўз юритгандим, булар ислом билан ҳиндуизмнинг умумий хусусиятларини таъкидлаб, уларга хос удумлар-у маросимларни танқид қилиб, шу динларни яқинлаштиришга интилишган эди. Мазкур синтез руҳи мамлакатга ёйилди ва нозик фаҳм ва ўткир зеҳн соҳиби бўлмиш Акбар бу руҳни ҳис

қилиб унга муносабат билдириши лозим эдики, Акбар айна шу диний синтезнинг энг йирик намоёнчасига айланди.

У энди давлат арбоби сифатида ҳам ўз куч-салоҳияти ва миллатнинг куч-салоҳияти мазкур синтезга боғлиқ, деган хулоса чиқариши зарур эди. Акбар жуда мард жангчи ва истеъдодли саркарда бўлган. Ашокадан фарқли ўлароқ, у ҳеч қачон уруш қилишдан воз кечмаган. Лекин у меҳр-муҳаббат зафарани қилич келтирган зафардан устун қўйган, биринчиси мустаҳкамроқ эканини яхши билган. Акбар аста-секин Ҳиндуизм асилзодалари-ю ҳиндуизм динидаги омманнинг ихлосини қозона бошлайди. Акбар мусулмон бўлмаган кишилардан зиёратчи ҳиндлардан ундириладиган жон солиғи — жузьяни бекор қилди. Ражпут зодагон оиласида тарбия кўрган қизга уйланади, кейинроқ ўғлини ҳам ражпут қизига уйлантирди ва умуман бу каби аралаш никоҳларни рағбатлантиради. Асилзода ражпудларни салтанатидаги энг юксак лавозимларга кўтаради. Унинг энг жасур саркардалари, энг иқтидорли вазирлари ҳамда вилоят ҳокимлари орасида кўплари ҳиндуизм динига мансуб эди. Рожа Ман Сингх бир вақт ҳатто Кобул ҳокими қилиб тайинланган эди. Акбар ражпутлар ва ҳиндуизм динига мансуб кишиларнинг ихлосини қозониш учун шу қадар ҳаддан ошдики, ҳатто айрим вақтларда ўз мусулмон фуқароларига адолатсизлик кўрсатди. Лекин у барибир ҳиндларнинг ихлосига эриша олди. Ражпутлар унинг хизматиға, унинг зиёратига тўда-тўда бўлиб келишар эди. Меварлик Рожа Пратан Сингх бундан мустасно. Зўр матонат соҳиби Рожа Пратан Акбар ҳукмронлигини ҳатто номига тан олишни ҳам рад қиларди. У жангда мағлуб бўлгач, Акбар вассали сифатида беғам, ширин турмушдан кўра чангалзорларда хавфхатарли ҳаёт кечиришни афзал биларди. Бу мағрур ражпут бутун умри мобайнида Дехлидаги шаҳаншоҳга қарши курашди, унинг олдида тиз чўкишни истамади. Ҳаётининг сўнгги дамларида айрим ютуқларга ҳам

эришиди. Рожпутанда бу шавкатли ражпут хотирасини авайлаб сақлашди, бу ерда унинг ҳақида талай ривоятлар ҳам тўқишган.

Шундай қилиб, Акбар ражпутларни ўз томонига оғдириб, омма орасида зўр шуҳрат орттирди. У парсларга, шунингдек саройинга келиб турадиган иезут миссионерларига сабр-тоқат билан муомала қиларди. Аммо унинг ўзгаларга бу сабру тоқати, айрим исломий маросимларга эътиборсизлиги мусулмон зодагонлар орасидаги обрўини тушириб юборди ва булар неча бор Акбарга қарши исён кўтаришди.

Мен юқорида Акбарни Ашока билан солиштирдим, лекин бу қиёслаш сенда янглиш тасаввур ҳосил қилмаслиги керак. Кўп жиҳатдан Ашока Акбарга ўхшамасди. Акбар ўта шуҳратпараст эди ва у умрининг охирига бориб, ўз салтанатини ҳар қандай йўллар билан кенгайтиришга интилган фотиҳга айланди. Иезуитларнинг сўзларига қараганда, Акбар «жўшқин ва ўткир ақл соҳиби бўлиб, фикри соғлом, ҳар бир ишда эҳтиёткор, аввало хушмуомала, саховатпеша инсон эди. Бу хислатлар унда буюк ишларни бошлаш ва охирига етказишга қодир бўлган кишиларга хос мардлик билан кўшилиб кетган эди. У билимга интилувчан, ғоят қизиқувчан эди, ҳарбий ишлар-у сиёсатда билимдон бўлиб, айтиш чоғда кўпгина касбхунарлардан хабардор ҳам эди. Шахсан ўзини хафа қилган кишилардан ҳам меҳр-муруватини аямасди. Камдан-кам вазиятлардагина ўзини йўқотар, бундай пайтда ғазабдан қутурар, аммо бу ҳол кўп давом этмасди». Шуни унутмаки, мазкур таърифу тавсифлар сарой аъёнининг эмас, балки бегона юртдан келиб, Акбарни зимдан кузатиш имкони бўлган ажнабий фуқаронинг қаламига мансубдир.

Акбар — зўр жисмоний куч соҳиби, табиатан жўшқин-фаол инсон, унинг учун ваҳший ҳайвонларни ов қилишдан кўра мароқлироқ эрмак йўқ эди. Жангчи сифатида диловарлиги ҳам ҳаддан зиёда эди. Аградан Оллоҳободга машҳур юриши Акбарнинг бениҳоя куч-ғайратидан ёрқин

далолат беради, бу юриш тўққиз кун давом этган. Бир гал Гужаратда исён бошланади, шунда Акбар кам сонли кўшини билан Ражпутан саҳроси орқали шу жойга шошилинч отланади-ю, 450 миля масофани босиб ўтадики, бу ҳам жасорат эди.

Мазкур хислатлардан бўлак буюк зотларга яна бир фазилат ато этилган бўлади. Айтишларича, улар одамларни ром қилувчи жозиба соҳиби ҳамдир. Акбарда бу каби жозибадорлик ва дилбарлик бисёр эди. Иезуитлар моҳирлик ила тасвир этган Акбарнинг кўзлари «қуёш нури остидаги денгиз монанд ял-ял товланарди».

Акбар бутун Шимолий Ҳиндистон ва ҳатто Жанубни ҳам забт этди. Гужарат, Банголия, Орисса, Кашмир ва Синдни ўз салтанатига кўшиб олди. Марказий ва Жанубий Ҳиндистонда ҳам зафар қозониб, ўлпон ундирди...

Акбар атрофига кўпгина иқтидорли ёрдамчиларни тўплай олди, булар унга садоқат билан хизмат қилди. Улар орасида Файзи ва Абулфайз каби биродарлар ҳамда беҳисоб ҳикоятлар қаҳрамони Бирбол асосий рол ўйнади. Тодар Мал Акбарнинг молия вазири эди, айтиш шу вазир давлат солиқларини ундириш тизimini ислоҳ қилди.

Рожа Ман Сингх Жайпурий Акбарнинг энг моҳир саркардаларидан бири эди. Акбар саройидаги бошқа бир машҳур киши — улуғ хонанда Тансен бўлиб, у ҳозирги кунда Ҳиндистон ҳофизларининг муқаддас ҳомийси саналади.

Агра — Акбарнинг илк пойтахти эди ва у бу ерда зўр истеҳком қурдирди. Кейинроқ Фотихпур-Сикри деган жойда, Аградан тақрибан эллик миля нарида янги шаҳар бунёд этди. Акбар шаҳар учун айтиш шу ерни танлади, чунки унда авлиё Шайх Салим Чишти яшаб ўтган эди. Мазкур жойда у ғаройиб бир шаҳар барпо қилдики, ўша замонда яшаган инглиз сайёҳининг далолат беришича, бу шаҳар «Лондондан анча катта». Қарийб ўн беш йил мобайнида шаҳар Акбар салтанатининг пойтахти эди. Кейинроқ Акбар Лоҳурни ўз пойтахтига айлантирди. «Жаноби

олийлари, — деб ёзганди Акбарнинг дўсти ҳамда вазири Абулфазл, — ажойиб иморатларнинг тархини мияларидида пишитиб, сўнг ақл ва қалб меҳнатининг ҳосиласини тош ва лойдан тиклар эдилар».

Фотихпур-Сикри, унинг гўзал масжиди, ғаройиб Баланд Дарбозаси ва бошқа кўплаб ажойиб бинолари ҳозиргача сақланган. Бу — тарк этилган шаҳар, унда энди ҳаёт йўқ, бироқ кўчалари-ю кенг майдонларида жонсиз салтанатнинг шарпалари кезиб юргандек. Ҳозирги бизнинг Оллоҳобод заминини ҳам Акбар бунёд этган, аммо бу жойнинг ўзи жуда қадимги замонлардаёқ кишилар яшайдиган манзил бўлиб, Праяга — «Рамайна» даврларидаёқ гуллаб-яшнаган шаҳар эди. Оллоҳободдаги қалъани эса Акбар қурдирган...

Акбар 1605 йил октябр ойида, олтмиш тўрт ёшида, қарийб эллик йил ҳукмронлик қилганидан сўнг вафот этди. Агра яқинидаги Сикандар манзилгоҳида қурилган гўзал мақбарага дафн этилган.

ҲИНДИСТОНДА МЎҒУЛЛАР САЛТАНАТИ- НИНГ ИНҚИРОЗИ ВА ҲАЛОКАТИ

Гарчанд Акбар Бобурдан кейинги учинчи ҳукмдор эса-да, у Ҳиндистонда Мўғуллар сулоласининг асл асосчиси ҳисобланади. Хитойда Хубилайхон асос солган Юанлар сулоласи (хитой сулоласига айлангани каби — тарж.) мўғуллар сулоласига мансуб ҳукмдорлар Акбардан эътиборан Ҳинд сулоласига айланади. Акбар салтанатни бирлаштириш бобида зўр куч-ғайрат сарфлагани туфайли ҳам мазкур сулола Акбар ўлимидан сўнг яна юз йилдан кўпроқ давомида ҳокимиятни бошқарди.

Акбардан кейин навбат уч истеъдодли ҳукмдорга келди, аммо улар буюклардан эмасди. Акбар вафот этиши биланоқ ўғиллари орасида тожу тахт учун ноҳўя кураш авж олди. Саройда фитналар, мерос учун жангу

жадаллар, фарзандларнинг — оталарига, биродарларнинг — биродарларига қарши исьён-ғалаёнлари, қариндош-уруғларни қатл этишлар, кўзига мил тортишлар, хуллас-калом, мустабидлик ва мутлақ ҳокимиятга хос барча оқибатлар намоеън бўлди.

Бу даврда Францияда «офтобқирол» Людовик XIV ҳукм сураётган эди. У Версал саройини қурдирган, ажойиб сарой аъёнлари унинг хизматида эди. Лекин «офтобқирол» саройининг ҳашамати Буюк Мўғуллар ҳашамати олдида хира тортар эди. Эҳтимол, ўша замонда Буюк Мўғуллар энг бой-бадавлат ҳукмрон бўлгандир. Шунга қарамай, баъзан очлик, вабо ва бошқа касалликлар сон-саноксиз кишиларнинг ёстиғини қуритар, айни вақтда подшоҳ саройида серҳашам турмуш ўша зайлда давом этаверарди.

Акбар замонидаги хилма-хил динлар билан муросасозлик сиёсати унинг ўғли Жаҳонгир ҳукм сурган вақтда ҳам жорий эди, аммо унинг излари аста-секин йўқола борди, баъзи жойларда насронийлар ва Ҳиндуизмга мансуб кишилар ҳатто таъқиб эта бошланди. Кейинроқ, Аврангзеб даврларида Ҳиндуизм вакиллари очикдан-очик қувғин қилинди, эҳромлари вайрон этилди, манфур жон солиғи жузъя яна амалда бўлди. Шу тариқа Акбар зўр меҳнат-машаққат билан қурган салтанат замини бир-бир зил кетиб, силкиниб-тебраниб турди-да, сўнг бирдан кулаб тушди.

Акбар ўрнини ражпут хотинидан бўлган ўғли Жаҳонгир эгаллади. У маълум даражада отасининг анъаналарини давом эттирди, аммо мамлакатни идора этиш масалаларидан кўра у санъат ва рассомлик, боғлару гулзорлар яратиш билан кўпроқ қизиқарди. Жаҳонгирнинг ажойиб нигорхонаси бор эди. У ҳар йили Қашмирга ташриф буюрарди, тахминча, Сринагардаги Шаломирбоғ ва Нишотбоғ кабиларни Жаҳонгир бунёд этган. Жаҳонгирнинг хотинларидан бири — Нуржаҳон исмли соҳибжамол, тахт ортида турган ҳақиқий қудрат соҳибаси эди.

Жаҳонгир ҳукмронлиги даврида гаройиб бино қурилди, Эътимод-уд-давла мақбараси ҳам шу ерда. Ҳаргал Аграга борганимда шу меъморчилик дурдонасини тамоша қилиб, бениҳоя гўзаллигидан лаззатланаман.

Жаҳонгирдан кейин тахтга ўғли Шоҳ Жаҳон ўлтирди ва ўттиз йил (1627 — 1658 йиллар) ҳукмронлик қилди. У Франция қироли Людовик XIV замондоши бўлган. Шоҳ Жаҳон даврида Буюк Мўғуллар куч-қудрат чўққисига эришди ва айни замонда таназулнинг илк аломатлари ҳам намоён бўла бошлади. Подшо учун машҳур Товусли тахт ишланиб, нодир тошлар ила безатилди. Кейин Жамна дарёси қирғоғида, Аграда гўзаллик орзусининг тимсоли бўлмиш Тожмаҳал бунёд этилди. Ўзинг ҳам билсанг керак, Тожмаҳал — Шоҳ Жаҳоннинг суюкли хотини Мумтозмаҳал мақбарасидир.

Шоҳ Жаҳон шундай бир кўп ишларга қўл урдики, улар на ҳурматизат ва на обру-этибор келтирди. У дин масалаларида муросасиз эди, гарчи Декан ва Гужаратда даҳшатли очлик авжига минган бўлса-да, улар қисматини енгиллаштириш учун ҳеч бир тадбир кўрмади. Шоҳ Жаҳон саройининг бойлигу ҳашамати билан халқининг қашшоқлиги ва кулфати орасидаги кескин фарқ — нафрат уйғотади. Лекин, ҳар ҳолда Шоҳ Жаҳон мерос қолдирган, тош ва мармарда мужассам бўлган гўзаллик мўъжизаси учун унинг кўп қилмишларини, эҳтимол, кечириш мумкиндир. Шоҳ Жаҳон замонида Мўғуллар меъморчилиги юксак даражага эришди. Тожмаҳалдан ташқари у Аграда Моти-Масжид — Инжу-қалъани, Деҳлида Жомеъ масжидини, Аградаги саройда Девони-ом ва Девони-хосни қурдирди. Мана шу барча иншоотлар ғоят кўркамлиги билан ажралиб туради, баъзи бирлари — жуда маҳобатли қилиб қурилган эса-да, нозик, нафис ва эртақлардагидек гўзалдир.

Бироқ мана шу афсонавий чирой ортида қашшоқликдан эзилган халқ яшар, гарчи жуда кўпларида лой кулба ҳам бўлмаса-да, ўша саройлар

унинг пулига бунёд этилганди. Мамлакатда беҳад мустабидлик ҳукм сураар, кимда-ким подшо, унинг ноиблари ва маъмурларининг порозилигига сабаб бўлса, жуда қаттиқ жазоланар эди. Акбарнинг меҳр-муруввати, сабр-тоқати, намунавий идора усули ўтмишга айланган эди. Ола-говур замонлар бошланмоқда эди.

Кейин Буюк Мўғулларнинг сўнгги намояндаси Аврангзеб тахтга ўлтирди. У ишни қари отасини қамоққа ташлашдан бошлади. У 1659 йилдан то 1707 йилгача, қирқ саккиз йил ҳукмронлик қилди. У бобоси каби санъат ва адабиёт мухлиси, падари сингари меъморчилик ишқибози эмасди. У ўз динидан бошқа ҳар қандай динга муросасиз назар билан қарайдиган бағритош, мутаассиб одам эди. Сарой бутун ҳашаматини сақлаб қолган. Аврангзебнинг ўзи эса оддий турмуш кечириб, зоҳидликка мойил эди. У ҳиндуизм дини издошларини зимдан қувдиқувди қила бошлади, динларнинг муросасозлиги ва синтезига эришишига қаратилган Акбар сиёсий йўлидан воз кечди ва шу иши билан ўша вақтга қадар салтанат таянчи бўлиб келган негизларни кўпорди. Аврангзеб ҳиндлардан яна жузья солиғи ундира бошлади, имкон қадар ҳиндларни давлат лавозимларидан бўшатди, Акбар замонидан буён сулолани қўллаб-қувватлашда давом этган ражпут зодагонларини шундай ҳақорат қилдики, оқибатда ражпутлар билан уруш чиқишига сабаб бўлди. Аврангзеб ҳиндларнинг минглаб эҳромларини буздирди, кўплаб қадимги, гўзал иншоотларини култепага айлантди. Айни вақтда салтанати жануб томон кенгая бошлади: Бижapur ва Холконда унинг тасарруфига ўтди, у жанубдаги узоқ вилоятлардан ҳам солиқ ундирарди. Салтанат заминлари эса силкиниб, борган сари емирилиб ҳамма ерда душманлар пайдо бўлди. Ҳиндларнинг жузья солиғига қарши Аврангзебга йўлланган арзномалардан бирида мазкур солиқ «адолатга зиддир, яхши сиёсатга ҳам худди шундай қаршидир, чунки мамлакатнинг қашшоқла-

нишига сабаб бўлади, устига-устак бу янги тадбир Ҳиндистон қонуларини бузиш, демакдир», деб ёзилган эди. Салтанатда ҳукм сурган шароит тўғрисида арзномада: «Жаноби олийлари ҳукмронлиги замонида кўплар (вилоятлар — таҳририят) салтанатдан ажралиб чиқди, ҳудудларнинг бундан буён ҳам қўлдан кетиши муқаррар, чунки ҳамма ерда беҳад вайронгарчилик ва талончилик ҳукм сурмоқда. Сизнинг фуқароларингизни оёқости қилишмоқда, Салтанатингиз вилоятларининг ҳаммаси қашшоқлашиб, ҳувиллаб қолди, мушкулликлар тобора авж олмоқда,» деб битилганди.

Айни шу умумий ночор аҳвол Ҳиндистонда кейинчалик тахминан эллик йил мобайнида содир бўлган зўр ўзгаришларнинг дебочаси эди. Аврангзеб ўлимидан сўнг буюк салтанатнинг тўсатдан бошдан-оёқ емирилиши мана шундай ўзгаришлар сирасига кирар эди. Кенг миқёсдаги ўзгаришлар ва ҳаракатлар замирида деярли ҳамма вақт иқтисодий сабаблар яширинган бўлади. Европа ва Хитойдаги буюк салтанатларнинг қулашидан аввал ва у билан бир вақтда иқтисодий вайронгарлик ҳамда инқилобий ҳаракатлар содир бўлган эди.

Деярли барча салтанатлар сингари Мўғуллар салтанати ҳам ўз ички заифлиги туфайли қулаган эди. Салтанат том маънода бўлак-бўлақларга ажралиб кетди. Аммо мазкур жараёнга янги бир ҳодиса, яъни ҳиндларнинг онгли қаршилик ҳаракати мадад берган эдики, у Аврангзеб юритган сиёсат туфайли юзага келган эди. Лекин бу ўзига хос диний миллатчиликнинг илдизлари Аврангзеб ҳукмронлиги давридан ҳам аввалги даврларга бориб тақаладики, эҳтимол, мазкур ҳукмронлик ашаддий ва мурасасиз тус олишига худди мана шу ҳаракатлар сабаб бўлгандир. Маратхлар ва сингхлар ҳинд уйғонишининг пешқадами эди ва айни шулар пировардида Мўғуллар салтанатини қулатди.

Аммо уларга мазкур бой меросдан

фойдаланиш насиб бўлмади. Инглизлар зимдан, усталик билан ўйинга кўшилиб, бошқалар ўлжани қўлга киритиш учун ўзаро курашаётган бир пайтда, унга эга чиқиб олди...

Мўғуллар денгизни хуш кўрмас ва денгиз давлатлари қаршисида заиф-нотавон эди... Мўғуллар салтанати қулашининг сабабларидан бири — уларнинг денгизлардаги ожизлигида, деб ҳисоблашади. Ҳа, денгиз давлатларининг замонаси келган эди...

1662 йилда Англия қироли Карл II Португалия маликаси Екатерина Брагансага уйланади ва сеп тарифасида Бомбай оролини тасарруфига олади. Бу воқеа Аврангзеб даврида содир бўлганди.

Португалларни (шарқдаги денгизлардан — тарж.) қувиб, жуда ғурурланиб кетган Ост-Индия компанияси Мўғуллар салтанати заифлашди, деб ҳисоблаб, 1685 йилда ҳарбий куч ёрдамида Ҳиндистондаги ҳудудларини кенгайтиришга уринди. Аммо бу ҳаракат компания учун аянчли талафот билан яқунланди. Ҳарбий кемалар Англиядан Ҳиндистонга доғур бутун йўлни босиб ўтиб, айни вақтнинг ўзида шарқда — Банголияда ва ғарбда — Сураатда Аврангзеб мулкига ҳужум қилишади. Аммо мўғуллар уларни қақшатғич даражада мағлуб қилиш учун етарли кучга эга эди. Инглизлар яхшигина сабоқ олиб, бундан кейин жуда эҳтиётроқ иш кўрадиган бўлишди...

Қарийб тўқсон йил яшаган Аврангзеб қариб-чуриб, 1707 йилда вафот этди. У мерос қилиб қолдирган улуғвор мукофот, яъни Ҳиндистон учун кураш майдони очилди. Мазкур кураш иштирокчилари орасида Аврангзебнинг ношуд авлодлари ва баъзи бир йирик ноиблари, маратхлар ва сингхлар, ғарби-шимолий чегаралар ортидан Ҳиндистонга тикилган очкўзлар, шунингдек денгизчи миллатлардан — инглизлар билан французлар бор эди...

Илҳом СУЛТОНОВ таржимаси

Паҳлавон МАҲМУД таваллудининг 750 йиллигига

Матназар АБДУЛҲАКИМ

Илоҳий имтиёз

Фано — ўтаётган вақт воситачилигидаги мавжудот тараққиёт ва та-назулининг фалсафий сурати, ривожланиш ва инқироз белгиси, вақтнинг ҳаёт, ҳаётнинг вақт орқали ўтишидир. У борлик, оламлар мажмуасидан тортиб, бўлақларга бўлинмас зарраларнинг тинимсиз инқилоби, жараёни. Борлиқнинг йўқликка айланиш истилоҳидир. Фано йўли инсон учун мангуликдан узоқ, лаҳзадан яқин. Фано — аҳли башар учун халқ билан ҳақ ўртасидаги масофа. Мобайн.

Фано — Одам Атонинг тупроқдан ийланган лаҳзаларидан бошлаб, тонгла маҳшаргача бўлган вақт чизиғи. Айни бир вақтда фано лаҳзанинг ақл бовар қилмас бир улуши қадар нуқтачаси. Яъни фано бу «Ўзингдан кетдинг, менга етдинг!» демакдир. Ана шу маънода ҳам фано инсонга берилган илоҳий имтиёз.

Мумтоз адибларимиз фано тилсимининг мифтоҳини, маънавий калитини кашф этиш билан машғул бўлганлар. Ўткинчиликка иқрорлик абадиятга эришмоқнинг муҳим шарти деб қаралган. «Боқий топар улки, бўлди фоний, раҳравга фано бақо бўлибдур», — дейди Ҳазрат Навоий. Йилнинг тўрт фасли — қиш, баҳор, куз, ёз; Умрнинг тўрт даври — болалик, ёшлик, камолот, кексалик: рубойидаги тўрт мисра — биринчисидаги фикрнинг хулосасига қараб йўлга чиқиш, иккинчисидаги мазкур йўлнинг равонлашуви, учинчи ва тўртинчи мисраларда масаланинг кўндаланг кўйилиши ва ечим — буларнинг бари фанонинг ўзига хос кўринишидир. Албатта, бу талотумнинг замирида мутлақо бир самовий қонуният мавжуд. Ана шу қонуниятни идрок этиш борасида мутафаккир шоирларимиз ақл бовар қилмас теранликларга бориб етганларки, Паҳлавон Маҳмуд ҳазратлари мана шу кашфиётчилар даврасида, шак-шубҳасиз, фахрли ўринни эгаллади.

Вақтнинг тинимсиз оқими дарёсида Паҳлавон Маҳмуднинг тафаккур кemasи мавзу, мазмун жиҳатидан турли «юк»ларни ташиб сузади. Бу «кема» бу «дарё»да баъзан сокин туради, яъни фалсафий мушоҳадаларга машғул бўлади. Гоҳ оқимга қарши суза бориб, умрнинг тотти, завқи, замондошларнинг дийдоридан бахтиёрлик, бу ғанимат бахтнинг қадрига етиш ҳамда муваққатлигидан ҳасратланиш кайфиятларига берилади. Гоҳ оқим бўйлаб сузар экан, фано саодати, ўтаётган вақт шарофати туфайли Оллоҳ дийдорига етиш мумкинлигидан ифтихор, бу илоҳий имконият олдида тирикчилик ташвишларининг, ҳаёт шодликларининг аҳамиятсизлиги ҳақидаги хаёллар оғушида бўлади. Паҳлавон Маҳмуднинг фано фалсафаси билан боғлиқ шоирона тадқиқотлари зулматни пайпаслаб ҳақиқат излаётган нур толаларига ўхшайди. Уларда нажиб бир ўзаро ҳаракат мутаносиблиги бор. Юқорида

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

189

айтиб ўтганимиз кема ҳаракатидаги зоҳирий беқарорлик ботиний тафаккур устуворлигини таъминлаб турувчи фаолият, муборак бир руҳий безовталиқдир.

Паҳлавон Маҳмуд рубоӣётида фано фалсафасига бағишланган оҳангларнинг муҳим жиҳатларидан бири — ҳасратдир. Бироқ шуниси муҳимки, мисралардан уфуриб турган бу андуҳлар, ҳасратлар шунчаки обидийда эмас, лалъакс, жаҳоний бир дард, мулки борлиқнинг тараққийсию таназзулини фаҳм этиш, мушоҳада қилиш ҳамда ана шу оғир ўйлардан чиқарилган поэтик хулосаларни ҳаёт учун, муборак тириклик учун дастуриламал қилиб олиш истаги билан суғорилган.

Меъмор фалак қаср ила айвон этгай,
Нақшینی тамом этгай-ю, вайрон этгай.
Пештоқини бу кун ўзига тенг этгач,
Эртасига ер билан яксон этгай.

Бу — кечган умрдан мағрурланмаслик фалсафаси. Модомики, Оллоҳ абадияти қошида ушбу дунё қасрининг бизга азалий ва абадийдек туюлган умри бир кунликкина экан, нима учун инсон вақтни, ўтаётган умрининг бебаҳо лаҳзаларини бу даражада қадрламаслиги керак? Хулоса шундайки, шодон яшашга ошиқмоқ зарур. Умримиз бизга узундек туюлади. Аён бўладики, тақдир томонидан ажратилган вақтнинг, қазонинг кўлида омонатмиз. Ўзига хос маънавий гаровдамиз. Бизга берилган ҳаёт шунчаки тухфа бўлиб қолмасдан, бир кунмас бир кун ҳисоби сўраладиган армуғондир. Афтидан, ушбу сарҳисобдан чўчибми, бу тухфага муносиб сарҳисоб тайёрлай билмасликдан ҳадиксирабми, Паҳлавон Маҳмуд байтларининг лирик қаҳрамони ўтаётган вақт билан ҳисоблашмайроқ яшашни-да орзу қилиб қолади:

Йўқ андуҳимиз, нега хуш айём таъма,
Чошгоҳ эса, дейлик, не учун шом таъма.
Ҳар нарса келар бизга пишиб ғойибдан,
Ҳеч кишидан бўлмадик биз хомтаъма.

Бу — таваккул.

Бу — ўз қурби етмаган саодат васлига эришмак бахтини худодан илтижо қилиш. Бир қарашда бу мисраларда таркидунёчилик тўйғулари барқарордек туюлади. Бироқ, «бизга ҳар нарса ғойибдан пишиб келиши» учун биз ана шу «ғойиб» илтифотига сазовор бўла оладиган даражада ҳалол яшай билмоғимиз керак. Ана шу ҳолдагина, биз юқоридаги мисраларга ботиний бир кайфият, маънавий ташналик билан жўр бўла оламиз.

Бу оламда одамнинг йўқотиши мумкин бўлган энг азиз дунёси бу — азизлар дийдоридир. Паҳлавон Маҳмуд мисраларидан шу ҳикмат аён бўладики, инсоннинг барча дардлари, тортадиган бор уқубатлари, азобларидан мақсад — шод бўлмоқдир. Бошқалар томонидан унут бўлмаслик, ёдланиб туриш — асл шодликдир. Шунинг учун ҳам шоир уни ана шу шодликдан, яъни одамлар томонидан эсланиб турмоқ бахтидан тобора йироқ олиб кетаётганлигидан ҳасрат чекади.

Кўп чекдимۇ дард, бўлмадим ҳеч шод, дариф,
Бўғзимда бу жон, қилмадилар ёд, дариф.
Афсус, надомат юки елкамда маним,
Дийдор то қиёматгача барбод, дариф.

Дарҳақиқат, ноумид — шайтондир. Негаким, биз ҳаётимизда қандай балоларга гирифтор бўлмайлик, ҳатто бирон-бир сабабсиз, ҳатто чеккан ҳалол дардларимиз эвазига-да азизлар томонидан ёдланиб туриш бахтига сазовор

бўла олмасак ҳамки, бу дардлар, бу изтироблар беҳуда кетмайди. Чунки бугун, эрта ёхуд индин бўлмаса, тонгла қиёмат бор. Шоир бу оташин мисралари билан бизни, авваломбор, бир-бировни ардоқлашга даъват этади, бу дунёнинг ўткинчилигини эслатиб, бир-биримизнинг дийдоримиздан бебахра яшамасликка чақиради, қолаверса, бордию дийдор бахтига мушарраф бўла олмасак, умидсиз бўлмасликка ундайди. Бу рубоий қудратли бир даъват, муборақ бир тасаллодир.

Шоир тафаккур гирдибодларида ҳаёт кечирришда давом этади. У дунёнинг моҳиятига бориб етишга ҳаракат қилади, бир қарашда ҳаммага аён, бироқ аслида, энг қудратли тилсимкушо алломалар олдида ҳам ечимас жумбоқ бўлган мўъжиза мазмунини кашф этиши иштиёқда қалам суради.

Ҳусни сабаб эл дили парвоз қилар,
Тақлид қилиб унга, фалак ноз қилар.
Кўзга қилар жаҳонни Қофгардишли,
Сўнг кўзгусининг олдида пардоз қилар.

Қадимда ер сатҳи Қоф тоғи билан қуршаб олинган деган ақида бўлган. Мана шу тоғнинг ҳалқаси ичидаги мулки борлиқда акс этаётган жамики мўъжизалар Оллоҳнинг гўё кўзгуда акс этаётган акси деган тушунча ҳам бўлганки (пантеизм), шоир юқоридаги мисраларда ана шу тушунчани мўъжизакор бир шеърый образ сифатида ишлатади.

Албатта, бу — образ. Бунинг билан биз ота-боболаримиз Ер сатҳини текислик, ясси бир майдон сифатида тасаввур қилган эканлар-да, деган ғализ фикрга бормаслигимиз лозим. Паҳлавон Маҳмуд бу тушунчадан рўйи заминнинг нақадар мўътабарлигини таъкидлаш учун фойдаланади. Шоирнинг юқоридаги мисраларидан шундай хулоса чиқадики, ер юзи — Оллоҳ дийдорининг кўзгудаги аксидир. Шу боисдан ҳам биз бу дунёда, рўйи заминда кечираётган ҳаётимиздан, илоҳий кўзгу узра ўтаётган кунларимиздан масрур бўлмоғимиз, бу ҳаётни илоҳий бир туҳфа сифатида эъзоз этмоғимиз, яратган томонидан бизга нақадар улкан саодат бахш этилганлигини англаш бахтидан масъуд бўлмоғимиз ҳам фарз, ҳам қарз.

Фурсатдан фойдаланиб, Паҳлавон Маҳмуднинг ер куррасининг тузилишига ишора қилиб кетилган бир рубоийсини эслатиб ўтишни жоиз деб биламиз.

Ёрга қадах мисли куёш айланадир,
Шод бўламан ва аста... бош айланадир.
Ул мени тупрокка кўяр, йўқдир ажаб,
Сўнгра мазоримдагя тош — айланадир.

Шоир мана шу юмалоқ жаҳоннинг ҳам абадий эмаслигидан надоматлар чекади. Унинг фикрича, биз; одамлар ўзларимизнинг рўйи жаҳонда омонат эканлигимиздан ўкинмаслигимиз лозим. Негаки, биз устида омон бўлган, омонат бўлган дунёнинг ўзи ҳам абадий эмас, балки муваққатдир. Демак, фонийлик, ўткинчилик бутун борлиқ маҳқум бўлган бир қисматдир.

Йўқ тоқати ҳеч. Аста замон кетмоқда,
Хушёрману, дилда фиғон кетмоқда.
Кетганда санам кетгани янглиғ ошяк,
Ҳар ботганида куёш, жаҳон кетмоқда.

Бироқ Оллоҳ-таоло борлиқни бу қадар омонат қилиб яратгани билан, уни ўз санъаткорлиги ила зийнатлаб кўйибди, унга мунтазам илтифотлар қилдики, бунинг шарофатидан ақл бовар қилмас мўъжизалар рўй берарди.

Оқшомга назар солсанг, у кундуз бўлгай,
 Қинғирга нигоҳ ташласанг, у туз бўлгай.
 Қўлмакка оёқ ташласанг, оқ, ҳар томчи
 Осмон сари сачрайдики, юлдуз бўлгай.

Мана шундай азизликлар жо бўлган ҳаёт кучоғидан жудо бўлиш уқубатини тасаввур қилмоқнинг ўзи оғир.

Паҳлавон Маҳмуд рубоиётидан келиб чиқадиган ғоянинг мантиқи — мана шундай сеҳрли, мафтункор мулки борлиқни яратган ва суюкли ёр тимсолида истифода этиладиган Оллоҳ таоло дийдорининг ноёблигини, бу дийдорга муҳиб бўлиш, ҳамиша талпиниб яшашнинг ҳар бир инсон учун муқаддас бурч эканлигини поэтик жиҳатдан далиллашдирки, биз буни мисрама-мисра ҳис қилиб борамиз. Бундай маҳбубанинг васлига интилган одам, висол дамларида шу маҳбуба ишқидан бошқа ҳамма нарсадан воз кечмоғи керак бўлади.

Мен кеча даргоҳингга, ёр, йўл олдим,
 Сенмиш дея тиззамни кучоқлаб қолдим.
 Устимга ёпиб қопқоқларимдан кўрпа,
 Бошимга қулоқларимдан ёстак солдим.

Ёр даргоҳида ўзини ана шу тарзда тутишни орзу қиладиган ошиқ, бу ёрнинг васли нақдлаша борган сайин, унга етказадиган воситалардан, унга элтадиган нақд йўллардан, ҳатто умрдан ҳам воз кеча боради. «Умрининг маънисини не, айт менга, — дедим. Ё шаъм, ё чақмоқ, ёки парвона, — деди. Дунёга кўнгил боғласа кимки, не, — дедим, ё маст, ё аҳмоқ, ёки девона, — деди».

Дарҳақиқат, бундай маҳбуба дийдори ҳасратида нафақат инсон, балки унинг ўзи яратган гўзал борлиқ ҳам ҳасрат чекади». Уфқ томон томди куёш — бир лахта қон, Кесди кокил Зухро, Ой бўлди ниҳон. Тонгга тун мотам тутиб, кийди қаро, Бир совуқ оқ чекди, бир оташ фиғон. «Шундай. Дийдори учун олам ҳасрат чекадиган Моҳият соҳибининг дийдори олдида ўт ва сувнинг, оқ ва қоранинг, яхши ва ёмоннинг ҳам, баъзан, тафовути бўлмай қолади.

Даво қиласан, толибо, афлок менга,
 Хокман-ку ўзим, нега керак хок менга.
 Бахт бу — хашак тегса улуш денгиздан,
 Гавҳар насб этсин сенга, хашок менга.

Шоир қалами икки буюк дийдор — яратувчи ҳам шул яратувчининг тажассуми бўлмиш дунё гўзалликлари ўртасида туғён қилади, уларнинг бири-сига ОШИҚ, иккинчисига МАФТУН бўлиб ҳайратланади, бу ишқ, бу мафтунликни бизга англашмоқ тараддудида титрайди, қоғоз узра чарх уради. Бу жустужў лаҳзалари шоирнинг фикрати гоҳ ойдинликка, гоҳ зулумотга юз тутади, бироқ, қандай бўлмасин, уни бир лаҳза ҳам умид тарк этмайди. Чунки:

Дунёнинг иши тошу тарозу келади,
 Оқшом изидан тонг деган кулгу келади.
 Жаҳл зулмати гар қопласа тупроқ — тинни,
 Ҳақ нури билан кўзимга ёғду келади.

«Оқшом изидан келадиган тонг деган «кулгу», «ҳақ нури» билан кўзга келадиган «ёғду» илоҳий тасаллолардир. Паҳлавон Маҳмуд ўз рубоийларида инсон туғилиши билан ҳақ дийдори ўртасидаги олис масофа Оллоҳ таоло томонидан тухфа этилган бебаҳо неъматлар билан зийнатланиб турилишини алоҳида бир оташнафаслик билан гараннум этади. Шоир, ҳадиси шарифларда таъкидланганидек, Оллоҳ томонидан яратилган неъматлардан баҳраманд бўлишнинг савоби, бундай баҳрамандликда Ҳақ йўриқларига ҳеч қандай бир муҳолифлик йўқлигини алоҳида таъкид этади.

Аксинча, мулки борлиқдаги гўзалликларга муҳаббат қўйиш биру борнинг гўзал ҳукмларига иқрор бўлиш эканлиги мутафаккирнинг ҳикматли мисрларида тобора яққолроқ аён бўла боради.

Нур чимматини гул юзидан тортгани йўк,
Дилда хумор — май таъмини тотгани йўк.
Нега будард, ёр, сени уйғотгани йўк,
Ол қўлга қадаҳ, токи қуёш ботгани йўк.

Қуёш ботиши — бу рафлат тасвири. Биз жаҳоннинг малоҳатларидан ўз вақтида баҳра ола билмасак, тафаккур осмонимизда, дарҳақиқат қуёш ботгусидир. Шу боисдан ҳам Паҳлавон Маҳмуд шеъриятида гарчи одамлар атворида, бу дунёи дуннинг чарх уриб айланмагида бисёр кажликлар кўринсада, бир мўъжиза буюк юпанч оҳанглирида жараиғлайди. Бу ҳам бўлса, содда қилиб айтганда, табиат гўзалликларидир. Бу гўзалликларда, шоир талқинича, бетимсол бир маъсумлик бор. Она табиат, таъбир жоиз бўлса, энг буюк мўминдир. Негаки, она табиатимиз Оллоҳ таолонинг фармонларини мушоҳада қилмайди, мулоҳаза этмайди, бу фармонлардан ифтихор ҳам қилмайди, ўқинмайди ҳам. У ҳақ фармонига киши ақлини ҳайратда лол қолдирувчи бир гўзаллик билан итоат этади. Биз таажжубланадиганимиз гўзалликлар, аслида, мана шу улуғвор итоат туфайли шаклланган шукҳидир. Шунинг учун ҳам она табиатнинг ҳаёт кечираётган бирон-бир лаҳзаси, бирон-бир лавҳаси йўқки, у ўзининг бетакрор кўрки билан ақл ақлини, шавқ ақлини лол қолдирмасин. Шунинг учун ҳам:

Тонг бу — юзинг. Ва ундан, ёр, гул сочилар.
Ҳулқинг эса — фасли баҳор. Гул сочилар.
Хуш кечади давримиз. Ёришди уфқ.
Юз очади бу рўзигор. Гул сочилар.

Социлаётган мана шу гуллар ишқ ақлининг, дунё гўзалликларини илоҳий бир илтифот сифатида қабул этаётганларнинг юракларида дасталанади. Сўнгра бу мафтункорлик, бу ҳайрат, бу ишқ ақли башар томонидан бир-бирова армуғон этилади. Чинакам инсоний ҳаёт аслида шудир.

Табиат гўзалликларини таърифлар экан, Паҳлавон Маҳмуд уларни бир лаҳза бўлсин инсондан айру, унинг иштирокисиз тасаввур этмайди. «Шабнам каби баргда бесамар милтирама, гул бу — ўзинг, гулдаги хушбўй — ўзинг». Мана, Паҳлавон Маҳмуд томонидан мулки борлиқнинг идрок этилиши ҳамда таранум қилиниши.

Шуниси муҳимки, мулки борлиқ гўзалликлари фақатгина инсоннинг ўзидан айру ҳолда тасаввур этилмайдигина эмас, ана шу инсоннинг кундалик фаолиятисиз, унинг амалларисиз ҳам гавдаланмайди шоир назарида. Шоир тасаввурича, ичиладиган май ҳам («Ёмғир куйини тингла булут соясида, неча қадаҳ бўлса насиб, нўш бўлсин»), соғиниладиган соғинч ҳам («Байрам каби дийдамда экан дийдоринг, Хотир хушу, дил хурраму, жон тоза бўлур»), нишонладиган байрам ҳам («Жангу осойиш — сен, сукут, сўз ҳам сен, Ер чехрасини очгучи Наврўз ҳам сен») бир лаҳза бўлсин Оллоҳ-таолонинг буюк мўъжизаси бўлмиш она табиат иштирокисиз юз бермайди.

Ҳазрати Паҳлавон Маҳмуд инсоннинг табиатга мафтун бўлиши, унинг неъматларидан баҳрамандлик ҳиссининг суинистеъмол қилиниши одамни тавбадан тойдириши мумкинлигидан огоҳлантиришни ҳам унутмайди.

Қилдиму тавба, бўлди гоҳ ғам чил-чил,
Берди азоб дардима барҳам чил-чил.
Тавбамга тегиб бўлди қадаҳ чил-чил гоҳ,
Гоҳ тегди қадаҳга, бўлди тавбам чил-чил.

Демак, инсон икки дунёни ҳам айрича тасаввур қилмасдан, бирини ёлғон, бирини чин демасдан, ҳар иккала ҳаётни ҳам, яъни ер юзидаги тириклик ҳаётини ҳам, инсон вафотидан кейинги охираат ҳаётини ҳам бир-биридан айрича тасаввур қилмасдан, ҳар иккала ҳаётни бир-бирининг узвий давоми деб англаб, маънавий фаолиятда бўлса, аини муддао шулдир.

Боғларга не бахт, баҳор келиб кетгувси,
Шоҳларга униб, барор келиб кетгувси.
Топқилки қарор жаҳонда, чунки инсон
Топмоққа абад қарор келиб кетгувси.

Мана шу келиб кетиш, яъни фано, муайян маънода кетиб келиш ҳамдир. Шунинг учун ҳам Паҳлавон Маҳмуд айтадики, «Куз фасли ҳазон ўйнаса ғужғол қайда, шу жойда баҳор майсани бунёд айлар», шунинг учун ҳам Паҳлавон Маҳмуд айтадики «Ўтмиш-келажак тоғларининг ўртасида келган киши кетган кишини ёд айлаб».

Паҳлавон Маҳмуд шуни алоҳида уқтирадики, ўтиб бораётган дунёда мулки борлиққа кўнғил қўйиш ҳам Оллоҳга муҳаббатнинг ўзига хос бир белгисидир. Агар биз дунёнинг ҳалол гўзалликларига бефарқ бўлсак, шоирнинг фикрича, тузатиб бўлмас хатога йўл қўйган бўламиз. Яъни, иймонимиз ҳалокатга учрайди: Бўлдигу енгил бу жаҳон вазминни биз, қилолмадик на завқ, на шавқ расмини биз. Тонгга асир ҳидламадик гул, энди бошлайлик ҳалокат олди шўх базмини биз».

Фанонинг ҳикмати, бу дунёдан ўткинчилик ва бу дунёнинг ўтишига иқрор бўлиб яшаш сирини — ҳар иккала дунёга ҳам муносиб тарзда ҳаёт кечирмоқдир. Инсон бўлиш учун инсондек яшамоқдир. Ана шундагина одамзод халқнинг меҳрига, иншооллоҳ, Холиқнинг-да илтифотига сазовор бўлади. Бундай одам ўзининг покиза ҳаётини яшаб дунёдан ўтганда уни тириклик дунёси ғам чекиб, охираат дунёси хотиржам кутиб олади. Бундай одамнинг икки дунёси ҳам обод бўлади. Инсонга берилган илоҳий имтиёз мана шу — Оллоҳ тақдирини қутлуғ итоат, мана шу — ФАНО. Шунинг учун ҳам:

Ёр кетди шитоб... талпинади жон изидан,
Гулгулада эл бари ҳайрон изидан.
Дин аҳлига ўт кетди, кўриб бу ҳолни,
Бормоқда ловуллаб, ана, қарвон изидан.

Овисто сирлари

Буюк мутафаккир, шоир ва файласуф, давлат арбоби ва қонуншунос, дин ислоҳотчиси Зардушт бунёд этган Овисто дунёдаги муқаддас китоблар орасида энг нодир, бемисл ва ягона китобдир. У бир неча минг йиллик давр давомида башариятнинг энг эзгу орзу-умидларини, ғоятда олийжаноб, ижобий ҳис ва туйғуларини бедор этиб, бепоён ҳудудларда порлоқ илоҳий маънавият машғали бўлиб, инсонлар қалбини Эзгулик нури билан ёритиб турди.

Дунёда ҳеч бир муқаддас китоб душманларнинг шиддатли қаршиликларига Овисточалик кўп учраган эмас. У асрлар давомида сон-саноксиз зарбаларга дуч келди: ман этилди, оловга ташланди... Овистонинг буюклиги ва азимлиги шунда эдики, у ҳар сафар тақдирнинг ҳайбати ва қудрати билан енгиб чиқарди. Уни ёддан билган халқ наслдан-наслга ўтказиб, қайтадан китоб сурастига киритар эди.

Забардаст овистошунос олим Лоуренц Миллз ўзининг «Зардушт Гоҳлари» (Лейпциг, 1895) китобида Овисто ҳақида фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этган: «Зардушт бизга ҳар бир ҳижоси андишалар билан тўлиб-тошган сўзларни ёзиб қолдирди. Бу сўзлар қисқа ва лўнда айтилганлиги жиҳатидан дунёда тенги йўқ. Уч минг йил бурун изҳор этилган бу дастурлар бутун ҳам бизга нажот бахш этади. Агар бу дастурларни кўриб, ўзимизни кўрмасликка солсак, ё уларни яширсак, бу бизнинг оқибатсиз ва кўрнамак эканлигимизнинг белгиси бўлур эди.

Агар кишилик тафаккури бир дoston бўлса ва унинг қиммати борасида сўз юритилса, у ҳолда Овистони бу дostonнинг энг юқори поғонаси деб билмоғимиз лозим. Овисто маънавиятнинг энг қадимий тарғиботчисидир. Овистонинг яҳудий ва масиҳий илоҳиётига кўрсатган бениҳоят катта таъсирини назарга олсак, у ҳолда унинг дин яратишда ва инсонлар тақдирини белгилашда ўткир ва эътиборли нуфузга эга бўлганлигини кўраимиз. Ҳеч кимса, ҳеч бир тилда Овистодан бизгача етиб келган бу парчаларнинг («Гоҳлар»нинг) ҳайратда қолдирадиган даражада юксак эканлигини ҳаргиз инкор этмаган. Одамзод тафаккурида бунчалар юксаклик ва шуқуҳни ким, қаердан топа олади?!»

Овисто ҳақида бундай фикрлар антик даврда ҳам изҳор этилар эди: Мана бир мисол: «На Ҳомер ва на Ҳессиод, ҳеч қайси бири Зевснинг (Юнонда Аҳура — Мазда ҳам Зевс деб аталарди — М. У.) илоҳий арава ва отини Зардушт ўз шеърларида тараннум этгандек васф эта олмаганлар!» Бу сўзларни Юнон адиби ва муаррихи Плутарх айтганди. Ахир милоддан бурунги асрларда яшаган Ҳомер ва Ҳессиод нафақат Юнон, балки Оврупо адабиёти асосчилари эдилар!

Қадим Юнонда Зардуштни шоир сифатида ҳам яхши билишарди. Чунончи, «Табиат тарихи» муаллифи Плиний Птоломей замондоши (милоддан аввалги 247—222 й.) Гермипп сўзларига асосланиб, муғлар китоби Овистода икки миллион мисра шеър борлиги ва Гермиппнинг бу шеърлар мазмунини баён этганлиги ҳақида маълумот беради.

Ҳиндистондан Англия ва Америкагача кенг ҳудудларда жойлашган турли мамлакатларда Овистога бағишлаб мингдан ортиқ кўп жилдлик қомусий китоблар, луғатномалар, илмий рисоалар, турли маъруза ва мақолалар тўпламлари, махсус нашр ва ахборотномалар эълон этилди. Шу қаторда Овисто масалалари бўйича Торонто ва Чикагода бир неча маротаба ўтказилган Шимолий Америка симпозиуми натижалари ҳам нашр қилинди.

Шунинг учун ҳам биз бугун муҳтарам ўқувчиларни фақат битта китоб — Техронда «Марварид» нашриётида 1995 йилда босилиб чиққан Овисто китоби билан таништириб ўтмоқчимиз.

Табийки, ҳар қандай киши бирор китоб билан танишмоқчи бўлса, даставвал унинг номини ўқийди, сўнг варақлаб кўриб чиқади. Қўлимиздаги китоб муқовасида унинг номи катта ҳарфлар билан «Ависто» деб ёзиб қўйилган.

Аслини олганда бу сўз Овисто китобининг ўзида учрамайди. Ким билсин, унинг бошига тушган оғир кўргиликлар, бало ва офатлар натижасида Овисто исми битилган муқова ё қисмлар абадий йўқ қилиб ташлангандир. Маълумки, бир қатор паҳлавий манбаларда, жумладан, «Шаҳриҳон Эрон», «Динкард» (III ва IV жилдларида), «Бундаҳишн», «Арда-Вирофномак» ва бошқа китобларда ўн икки минг ошланган мол терисига олтин ҳарфлар билан битилган Овисто китобини Искандар Мақдуний Эронни босиб олгач, ёқиб юборганлиги ҳақида маълумотлар берилган. Овистонинг йўқ қилинганлиги тўғрисидаги маълумотни бошқа ўрта аср манбалари ҳам тасдиқлаганлар. Масалан, Масъудий (вафоти 955) ўзининг «Муруж-аз-зиҳаб» («Олтин водий») китобида ёзишича, Искандар Истахр шаҳрини ўз тасарруфига киритгач, Овисто китобидаги тиббиёт, фалсафа, риёзиёт ва нужум илмига доир матнларни юнон тилига таржима қилиб, ўзини ёқиб юборишни буюрган.

Овисто китобининг номи Сосонийлар ҳукмронлиги замонида (III—IV асрлар) пайдо бўлди. Бу давргача Овисто тили эскириб қолган эди. Бу тилни кам кишилар тушунар эдилар.

Эронда ҳам охириги вақтларда бир қатор олимлар Овисто сўзини ишлатмоқдалар. Жумладан, Ҳасан Пири Ниё ўзининг улкан уч жилдлик «Эрони бостон» («Антик Эрон») китобида бошдан-оёқ Овисто деб ёзган. Овистошунос Муроди Авранг «Яширин гавҳарлар ё Овисто сирлари» китобининг муқаддимасида ёзади: «Бир гуруҳ муҳтарам ёзувчиларимиз «Овисто» сўзини ишлатганлари учун мен ҳам бир қатор илм аҳли билан маслаҳатлашиб, шундай қилдим. Бошқалар ҳам шундай қилсалар яхши бўларди. Одамларнинг ўрганиб қолганликлари учунгина «Ависто» деб ёзиш муносиб иш эмас. Бизнинг ишимиз илмий тадқиқотдир. Бу ишда тўғриси яна нотўғрисида ажратиб кўрсатмоғимиз лозим».

Қўлимиздаги Овисто китоби Эроннинг буюк овистошунос олими Пури Довуд шогирди, таржимон ва тадқиқотчи, Исфаҳон университетининг профессори доктор Жалил Дўстхоҳ томонидан шарҳу изоҳлари билан нашрга тайёрланган. Ж. Дўстхоҳ аввал бошда бу асарни нашрга тайёрлаш жараёнида учраган қийинчиликлар, устод Пури Довуднинг дастурлари, шунингдек, энг асосий йўналишларни баён этади.

Овистонинг ҳамма шеърӣ қисмлари («Гоҳлар», «Ясна», «Яштлар» ҳам) наср билан таржима қилинган. Лекин улар шу қадар шоирона таржима бўлганки, китобхон наср эканлигини унутиб юборади ва лаззатланиб, завқ ва шавқ билан мутолаа этади.

Овисто мундарижаси олти асосий қисмдан ташкил топган ва ҳар бир қисм «дафтар» деб аталади. Биринчи дафтарнинг номи «Гоҳлар»дир. «Гоҳ» сўзини олимлар турли суратда талаффуз этадилар. Баъзилари «Госа», бошқалари «Гота» дейдилар. Овруполиклар уни «Гимн» деб ҳам атайдилар.

«Гоҳлар» аслида «Ясна» дафтарининг бир бўлагидир. Лекин унинг Зардушт шеърлари бўлганлиги ва тил, мазмун ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга эканлигини назарга олиб, уни кўпинча «Ясна»дан ажратиб нашр этадилар. Бир қатор овистошунослар бу шеърлар-

да ва умуман «Ясна» да берилган тарихий маълумотлар, ижтимоий тузум, турли қавму қабилаларнинг у даврларда яшаган жойлари, машғулоти, диний эътиқодлари, «Гоҳлар»нинг Веда тилига яқинлиги ва бошқа кўпгина далилларга асосланиб, Овистони милоддан илгари иккинчи минг йиллик охирларида вужудга келганлиги ҳақида хулоса чиқарганлар. Овистошунос-лардан А. Мейэ ва К. Гелднернинг айтишларига кўра, Зардушт шеърлари наср билан битилган парчалар орасида берилган ва бу насрий парчалар ёдлашга осон бўлмаганлиги учун аста-секин унутилган. Шунинг учун ҳам «Гоҳлар»нинг бандлари орасида баъзан узилиш пайдо бўлади. Маълум бир оҳанг билан куйланадиган ва вазнга, баравар бўғинларга ва содда бўлса ҳам мисраларда келадиган қофия узоқ аждодларимизга ажиб бир таъсир кўрсатарди ва хотираларида сингиб қоларди.

«Ясна» Овистонинг учинчи дафтариدير. «Ясна» сўзи (санскритча «яжна» ва паҳлавийча «язиш») ҳамду сано, муножот ва қурбонлик қилиш маъноларини билдиради.

Овистонинг тўртинчи дафтари «Виспирад» услуб ва мазмун нуқтаи назардан «Ясна»га ўхшайди ва поклик, тўғрилиқ йўлини тутган зотлар, порсолар, Ахура-Мазда яратган барча яхши хислат ва фазилатларга бағишланган. «Виспирад» бизгача фақат ўрта порс тилида етиб келган ва франсавий, олмон, инглиз, санскрит ва гужарот тилларига таржима қилинган.

Ориёий халқларнинг антик даври тафаккури ва маданиятини ёритиш учун катта аҳамиятга эга бўлган бешинчи дафтар «Хурда Овисто» («Кичик Овисто») деб аталади. Лекин у мазмун жиҳатидан Овистонинг бошқа дафтарларига нисбатан ўзгача ва мустақил эмас; у Овистонинг турли қисмларидан танлаб тузилган тўпламдир. Ҳар ҳолда «Хурда Овисто» кўп муҳим томонлари билан қимматли асардир, унда Овистонинг йўқолиб кетган жуда қадимий парчалари топилади.

«Хурда Овисто» тўрт қисмдан иборат. Уларда пайғамбар Зардуштнинг ўзи ва дўст-ёрлари айтган дуо ва ҳикматлар, диний аҳду паймон, қонуңчилик, бож фариштаси, поклик ва озодалиқ ҳамда бошқа мавзуларга доир парчалар, намоз вақтида ўқиладиган турли дуо ва мадҳу санолар битилган.

Овистонинг охириги олтинчи дафтари «Вандидод» деб аталади. Бу ном «Ви даэй ва дота», яъни «девга қарши қонуң» сўзларидан таркиб топган иборанинг нотўғри ва ўзгариб кетган шаклидир.

«Вандидод»нинг қисмлари фаргард (фасл) деб аталади ва у 22 фаргарддан иборатдир. Уларда Ахура-Мазда яратган ўн олти мамлакат ва Аҳриманнинг уларга етказган зарарлари (кўчманчи қавмларнинг босқинчиликлари ва талон-торожлари) ҳақида сўз юритилади, Жамшид ҳақидаги ривоятлар, Веда кўшиқлари, Маҳабхарата дostonлари нақл этилган. Ўн тўққизинчи фаргарда ҳикоя қилинган Зардушт билан Аҳриман зиддиятларини овистошунос олим Дармстетер Эдип қиссаларига ўхшатади. Йигирманчи фаргарда дунёнинг биринчи табиби Срита ва эронийларнинг табиблиқ ва турли дори-дармон сирларидан хабардор бўлганликлари ҳақида маълумот берилади.

Кейинги фаргардларда қадимий эронийлар чиқарган қонуңлар, кишиларнинг фардий (индивидуал) ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек, одамларнинг жамиятдаги бир-бирларига нисбатан тутган ўринлари, ахлоқ ва одоб, бадани ва руҳни чиниқтириш, кишининг ўзини ҳар хил ифлосликлардан асраши, пизишк (табиб) ҳаққи ва шунга ўхшаш кўп масалалар «Вандидод» дафтарида муфассал баён этилади. Бу нарсалар ўша узоқ замонларда яшаган қавмларнинг турмуш тарзи, тили, маданияти, адабиёти, тиббиёти ва бошқа билимлари ҳақида бебаҳо манба ва ҳужжат ҳисобланади. Америкалик забардаст овистошунос профессор А. Жексон хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференцияда ҳинд олими Ж. Ж. Модий маъруза қилиб бундай деган эди: «Қадим-қадим замонлардан бизнинг кунларимизгача етиб келган «Вандидод» антик Эрон жинойат қонуңларининг асосий мундарижасини ташкил этган ягона китобдир. Бундай қонуңларнинг кўҳна Эронда амалда

бўлиши ўша замон эронийларининг бугунги маданият аслияти ва меъёрларига яқин бўлганликларини кўрсатади... Агар биз тарих жараёнини орқага, яъни уч минг йиллик ўтган даврга қайтарсак ҳам, қадим Эрон қонуларининг таркиби, ташкилот ва идора усулларидаги кўп нарсалар бизни бугун ҳам тонг қолдиради ва биз уларга таҳсину офаринлар айтамыз.

Овистони мутолаа этганимизда, унинг ҳар бир дафтарыда, ҳар бир фасли ва сатрида Зардушт сиймоси, заковат ва даҳоси намоён бўлиб туради. Биз уни кўргандек, у билан суҳбатлашгандек бўламиз. Зардушт, шубҳасиз, тарихий шахс ва Спитамонлар сулоласига мансуб эди, шунинг учун ҳам Овистода Зардушти Спитамон дейилади. Лекин кўп буюк тарихий шахслар қатори унинг ҳақида ҳам афсона ва ривоятлар тўқилган. Бу ривоятлардан бирида нақл этилишича, фарвардин ойининг хурдод (олтинчи) куни илоҳий юлдузлар воситаси билан Фароҳим деган кишининг ўчоғига Тангри Фарраси нозил бўлади. (Фарра сўзи саодат, шуқуҳ, иқбол маъноларини билдиради ва бу фаррага мушарраф бўлган ҳар бир киши улуғлик, фармондорлик ва шоҳлик мартабасига эришади.) Бу фарра Фароҳимнинг Пурушаспа исмли йигитга турмушга чиққан қизи Дағдуга насиб этади. Ана шу фарра шарофати билан Заратауштра (тилларанг ё сариқ туя соҳиби), яъни Зардушт дунёга келади.

Одатан, ҳар бир чақалоқ туғилиши билан қичқириб йиғлайди. Аммо Зардушт кулар эди. Унинг туғилган чоғи кулганига «Динкард» ва «Зодспарам»да ҳам ишоралар бор, бу ҳақда қадим юнон тарихчилари ҳам ёзганлар. Маздапарастлар динида очиқ чеҳра билан табассум қилиб юриш муқаддас хислат ҳисобланади, чунки кулги ва шодликни инсонлар учун Аҳура-Мазда яратган, йиғи ва нолаю фиғон эса Аҳриман ижодидир. «Яштлар»нинг «Фарвардин-яшт» фаслида ёзилишича, «Зардушт туғилганда ва димоғи кўтарилганда барча наботот ва сув (фаришталари) хурсанд ва мағрур бўлишди: Сипанд-Майнйулар (осмоний Эзгулик зотлар) нажот топганлик хусусида хушxabар тарқатдилар:

«Давраимизга марҳабо! Демак, бир Отарбон (оташ посбони) дунёга келди: Спитамон Зардуштдир у!.. Бундан сўнг Мазданинг Эзгулик дини етти ўлкада жорий бўлғусидир. Бундан сўнг кенг яйловлар соҳиби Меҳр мамлакат султонларига куч-қувват бағишлаб, исёиларни бостиради. Бундан сўнг қудратли Апам-Напот (сув фариштаси) мамлакат ҳокимларига куч-қувват бағишлаб, итоатсизларнинг жиловини тортиб қўяди. Ана энди Ашавани (тўғрилиқ ва ҳақиқат курашчиси, адолат ва тартиб тарафдори) ва фравашни (асрагувчи) Мадюмоҳ, ашавани Орошти ўғли ҳақида тасанно айтамыз: у биринчи бўлиб Зардушт сўзларини эшитди!»

Зардушт ёш болалигидаёқ ўз зийраклиги ва ақл-фаросати билан ҳаммани ҳайратга соларди. Кейинроқ дунё ишлари тўғрисида ўй-хаёлларга чўмадиган бўлди. Йигирма ёшга етганда бутун жамиятни оғир аҳволдан нажот топтириш йўллари тўғрисида жиддий фикр юрита бошлади. Кам ухлаб, кам овқат ер эди. Ота-онаси уни деҳқончилик билан шуғулланишга ундадилар. Кўнмади. Бу пайт яна бир уруш бошланиб кетди. Бу уруш Эзгулик ва Ёвузлик масалалари устида доимо андиша қилаётган Зардушт тафаккурини янги жараёнга солиб юборди: у улўғ бир мақсад учун туғилганлигини ҳис этди, оқибат ҳақиқатни топгандек бўлди. Кўз ўнгида Аҳура-Мазда зухур этди.

Овистонинг «Гохлар» дафтарыда ва паҳлавий тилида битилган «Зодспарам» китобида бу ҳақда маълумот берилган. Зардушт тонг пайти муқаддас илоҳий ичимлик «ҳаума» тайёрлаш ниятида дарёга бориб, оқим ўртасидан сув олади. У шу лаҳзаларда ажиб бир руҳий ва жисмоний поклик ҳолатида эканлигини сезади. Қайтиб соҳилга келганида қаршисида ёрқин нур сочиб турган зот — Воҳуманани кўради. У Зардуштни Аҳура-Мазда ва яна беш нафар ёғду сочаётган раббоний зотлар олдига бошлаб боради. Ўшанда Зардушт Аҳура-Маздадан пайгамбарлик рисолатини олади.

Овистонинг «Фарвардин-яшт» ва бошқа қисмларида Зардушт бир неча маротаба Заотар ва Отарбон унвонлари билан тилга олинади. Демак Зар-

душт пайғамбар бўлишдан олдин бирмунча вақт диний ишлар билан шуғулланиб, эски динларнинг бутун камчилик ва нуқсонларини ўз тажрибасида синаб кўрган эди. Шунинг учун ҳам у кишиларни азоблантирувчи мураккаб, чигил расмлар, қонунлар ва урфу одатлардан халос этмоқчи бўлди. Аммо эски дин руҳонийлари, «Гоҳлар»да ёзилганидек, девпараст қарапонлар, қабила бошлиқлари, давр ҳокимлари Зардуштни турли йўллар билан таъқиб эта бошладилар. У кўп йиллар бир жойдан иккинчи жойга қочиб, яшириниб юришга мажбур бўлди. «Гоҳлар»да Зардуштнинг пажот истаб Олий Тангри Ахура-Маздага айтган сўзлари битилган:

«Эй Мазда! Қайси ерларга, қайси юртларга юз тутайин?

Мени қариндош-уруғларимдан, дўстларимдан ажратдилар.

Мендан узоқлашган ҳамкорларим (деҳқонлар) ва мамлакатнинг аён-ашрофлари ҳам мени ранжитмоқдалар.

Эй Ахура-Мазда! Мен сени қандай хушнуд этайин?

Эй Мазда! Нега нотагон (камбағал) эканлигимни ўзим биламан. Бунинг сабаби шуки, мол-мулким ниҳоятда оз ва кишиларим ҳам кам.

Эй Ахура! Мен толеим пастлиги учун кўнглимдаги хафаликни изҳор этаман. Сен ўзинг ишларимга бир назар сол. Мен сендан мадад беришингни ва қўллаб-қувватлашингни сўрайман, бу эса кўнглимга далда беради.

Эй Мазда! Қачон тонг отиб, шундай бир кун бошланадики, унда Ашани (ҳав ва одил низомни) халос этишни истаганлар ҳикмат ва ақл-идрок билан Эзгулик дунёсини яратиш йўлида ўз мақсадларига етадилар? Эй Мазда! Мен фақат сенинг таълимотингни таъналадим.

Ёмон ишлар билан бадном бўлиб юрган бузғунчи Друғванд (алдоқчи, қазоб) қишлоқ ва ўлка эли ҳаётини яхшилик томонга ўзгартирмоқчи бўлган Аша дастёрларини йўлдан оздирмоқда.

Друғвандга қарши бутун дилу жони ва бутун кучи билан олишган киши жаҳон аҳлини Эзгулик йўлига бошлай олади».

Зардушт ўз даврининг энг муҳим ва қизғин саволларига жавоб қидиради, давлат ва халқ, ҳукумат ва ҳукмдорлик, жаҳон ва бутун мавжудот, коинотнинг айланиши ва одамзод тақдири, ўлим ва ҳаёт масалаларини ҳал қилмоқчи бўлади. Ниҳоят Зардушт Ахура-Маздани оламга танитиб, хилқат — борлиқнинг яратилиш масаласини илоҳиёт йўли билан тушунтиради. У шунингдек, Спента-Майнйу (Спитамон)ни оламга танитиб, Ёвузлик муаммосини фалсафий жиҳатдан ҳал қилади.

Зардушт ўз «Гоҳ»ларида унинг таълимотини эшитиб ўргангани келган кишиларга муурожаат қилиб бундай дейди:

«Энди сиз менинг сўзларимга қулоқ солинг ва менинг очиқ-ойдин айтидиган гапларимни эшитиб, яхшилаб ёдингизда сақланг:

Эҳтиёт бўлингиз, токи бирор-бир «ўқитувчи» турмушингизни яна хароб этмасин ва Друғванд ўз тили ва ёвуз андишалари билан сизни (тўғри) йўлдан оздирмасин.

1) Демак, икки «майнйу» ҳақида сўз айтман.

2) (Дунё) яратилишида аввал бошдан Сипанд (Спента) Майнйу бошқа бир нопок (Ангра) Майнйуга деди:

«Биз икки майнйу»миз ва олам яратилишидан буён на табиату ниятимиз бир-бирига тўғри келади ва на таълимимиз, на ақлу идрокимиз, на эътиқодларимиз, на сўзларимиз, на амалларимиз, на динларимиз, на руҳимиз».

Бу Зардушт фалсафасининг энг муҳим ва диққатга сазовор жиҳатларидан биридир: агар масиҳийлик динида «ёвузликка қаршилик кўрсатмаслик» ғояси тарғиб қилинса, маздапарастлик дини ёвузлик кучи билан мураса қилишни эмас, аксинча, ёвузликка қарши бор куч билан курашмоқни буюради.

Зардушт фалсафасига кўра, яхшилик ва ёмонлик кишиларнинг ботинида — ички дунёсида яшайди. Инсон Ахриман ё Ахура-Мазда тарафида бўлиши мумкин, чунки Эзгулик фариштаси уни ҳамиша яхшилик қилишга, лекин

ёвуз Аҳриман уни ёмонлик қилишга ундайди ва бу тортишув киши ҳаётининг охириги дамларигача давом этади.

Инсон вафотидан сўнг унинг руҳи уч кун жасад атрофида бўлади, ундан кейин эсан шабадалар билан самовий оламга парвоз этади. У оламда Чинвот деб аталган кўприк бор. У жаҳаннам устидан ўтказилган. Уч нафар яздонлар (фаришталар) — Меҳр, Сурўш ва Рашна бу кўприк ёнида кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Руҳ бу хатарли кўприкдан ўтиши керак. Агар кишининг виждони пок бўлса ва гуноҳи бўлмаса, уни бир соҳибжамол ва хандон қиз кутиб олади. Руҳ ундан ҳайратланиб сўрайди: «Эй гўзал қиз, сендан чиройлироқ қизни ҳеч кўрмагандим... Кимсан, бу ерда нима қиласан?» Бу қиз (яъни руҳнинг виждони) жавоб беради: «Мен сенинг Эзгу андиша, Эзгу калом, Эзгу амалларинг тажассумидурман».

Киши руҳи Чинвот кўпригига яқинлашганда фаришталар уни тўхтатиб, хайру гуноҳ ишларини текширадилар, сўнг кўприкдан ўтишга ижозат бердилар. Ва агар кишининг яхшиликлари кўп бўлса, Чинвот кўпригидан осонлик билан ўтади, лекин гуноҳлари кўп бўлса, кўприк торайиб, тифдек ўткирлашади ва гуноҳкор киши руҳи ниҳоятда даҳшатли қоронғи жаҳаннамга тушиб кетади.

Қадим эронийлар ҳайвонларнинг ҳам руҳи борлигига, уларнинг ҳам худонинг зорини қилиб илтижо этишларига ишонардилар. Молларни сўйиш чоғи улар ҳаяжон ва ваҳимага тушардилар, қурбонлик қилиш пайтида ҳайвонлар руҳи ҳақида ҳам дуо ўқир эдилар:

«Биз шунингдек (моллар руҳи) Гавшравон ва Гившташанга (жониворлар бекасига), ҳамда ўз жону руҳимиз ва ҳаётимиз сармоясини бўлган чорва моллари, бошқа жониворлар руҳига дуо ўқиймиз; биз улар учун ва улар биз учун яратилган».

Агар биз Овистони улуг ахлоқ китоби десак, муболаға қилган бўлмаймиз. Зардуштийлар яхши сўз, яхши амал ва яхши андишани илоҳийлаштириб, бу уч асл номи билан аталган Муқаддас Рухларга ҳар кун уч мартаба намоз ўқир эдилар. Маздапарастлик динида ёлғон гапириш, бировни алдаш кечириб бўлмас гуноҳ ҳисобланади.

Зардушт ақидасига кўра, инсон зулмат ичида қолиб, саргардон бўлмаслиги учун ростлик ва ҳақиқат чироғини қалбида ёқиши керак, ўшандагина киши камолот чўққиларига етиши ва зулмат пардасини олиб ташлаб, ахуровий (илоҳий) тонг нурларини ошкор этиши мумкин. Инсон ёлғон ва ҳақиқатсизлик лашкарининг пешвоси Аҳриманнинг оқибат-натижادا мағлубиятга учрашига ишонмоғи лозим. Зардушт фикрича, ёлғон ва ҳақсизлик баъзида жуда дилкаш ва гўзал ниқобларни юзига тортади ва ўзининг манфигар афт-ангорини шу ниқоб остида пинҳон этади, фақат ҳақиқатпарастлик бу ниқобни олиб ташлаб, ёлғонни фош этиши мумкин.

Биз куйида Овистонинг турли дафтарларидан олинган Зардушт панд-насиҳатларидан намуна тариқасида бир неча мисол келтирамиз: «Забардаст ва қудратли бўлиш учун ҳамиша ҳақиқат юзасидан амал қилгин, ҳақиқат ва ростликка мувофиқ амал қилсанг, забардаст ва қудратли бўласан»; «Ҳақ сўздан ўзга ҳеч нарса тўғрисида ўйлама, ҳақ сўздан ўзга ҳеч нарса тўғрисида суҳбатлашма, ҳаққоний амалдан ўзга ҳеч нарса билан шуғулланма», «Дунёни тараққиёт ва камолот сари ҳаракатга соладиган кишилар бўлмоғимиз лозим», «Эй Аҳура-Мазда, ҳар кимки Эзгу андиша, Эзгу сўз, Эзгу амал билан ноҳақлик ва унинг тарафдорларига қарши курашса ва одамларни ростлик ва ҳақиқат йўлига ҳидоят этса, ўзининг пок муҳаббатидан сенга энг яхши туҳфа келтирган бўлади», «Ҳақгўйлик ва ростлик тангри ойини ва порсолик қонунидир», «Ёлғон гапириб тирик қолгандан кўра, рост гапириб ўлган яхши», «Ўз нафсини енгиб, жиловлаб ола олмаган киши, ҳеч нарса устидан голиб чиқолмайди».

Зардушт ўз издошларига дунё ҳаловатларидан, лаззат ва кайфу сафола-ридан воз кечишни, риёзат чекиб яшашни тавсия этмайди, аксинча, шоду

хуррамлик билан, кулиб, кўнгил очиб яшаш лозимлигини уқтиради. «Яштарлар»да Зардушт Аҳура-Мазда қизи Ашай ҳақида ҳамду сано ўқийди ва уни бахт, саодат, бойлик ва ҳаловат Олиҳаси сифатида таърифлайди.

«Эй эзгу Ашай! Эй гўзал Ашай! Эй порлоқ Ашай! Эй ўз нурлари билан шодлик келтиргувчи!

Эй Ашай! Эй ўз йўлдошларига эзгулик фаррини бахш этгувчи!

Эзгу Ашай қадам кўйган ҳар бир хонадондан хушбўй, ёқимли ҳид таралади, муросаю мадора ва туганмас дўстлик ҳамда муҳаббат (хонадон аҳлига) насиб бўлади.

Сен қўллаб-қувватлаган арбоблар мамлакатда фаровон нозу неъматдан баҳраманддирлар; диёрда турли таомлар тўкин-сочин, хушбўй ҳид димокқа уради, кўрпаю тўшаклар тўшалган ва бошқа қимматбаҳо буюмлар муҳайё этилган.

Ростдан ҳам сен қўллаб-қувватлаган кишининг турмуши қанчалар яхши!

Шунингдек менга ҳам ҳомий бўл, эй чексиз саховат ва қудрат соҳибаси!

Сен ҳомийси бўлган кишиларнинг уй-жойлари мукамал, яхши жиҳозланган, ҳиди хушбўй кўрпа-ёстиклар тўшалган ва поя (тиргаклари) олтиндан...

Сен ҳомийси бўлган эрларнинг азиз рафиқалари олтин пояли гўзал тахтлар саҳнида бежирим ёстикларга суяниб, ҳаловат билан роҳатланиб ўтирадилар, тўртбурчак илгаклик олтин билагузук, зираклар ва зарнишон маржонлар билан безанганлар ва бундай дейдилар:

«Хонадон эгаси қачон олдимизга келиб, биздан хурсанд ва танимиздан баҳраманд бўлар экан?»

«Сен ҳомийси бўлган кишиларнинг бокира қизлари оёқларини ҳалқалар ва белларини камарбанд билан зич боғлаганлар; бармоқлари узун ва қадду қоматлари келишган бу қизлар шунчалар сулув ва ҳусндорки, уларни кўрган кишининг баҳри-дили очилади»...

Овистода бундай ҳаётий тасвирлар кўпдир, уларни бахт-саодат қўшиқлари деса бўлади.

Ўтган асрда ва айниқса охириги ўн йилликларда олиб борилган тадқиқотлар Овистонинг Ҳахоманишлар империяси вужудга келишидан кўп асрлар илгари яратилганлигини тасдиқлайди. Академиклар В. В. Струве, К. В. Тревер, С. П. Толстов фикрича, Овисто ва зардуштия дини Ўрта Осиё ва қисман Хоразмда вужудга келган, сўнгра жанубга тарқалган. Оврупонинг забардаст олимларидан И. Маркварт, Х. Нюберг, Э. Бенвенист Овисто ватани Амударё этакларида жойлашган дейдилар. «Жуда кўп исботлар билан аниқланган бу ҳақиқатни, — деб ёзади Э. Бенвенист, — бошқа ҳар қандай фикр-мулоҳазалар билан йўқ қилиб бўлмайди».

Биз юқорида Овистонинг бир неча бор нобуд этилиб, қайта тикланганлиги ҳақида гапириб ўтган эдик. У аввал бошда 1000 фаслдан иборат бўлиб, 21 наск (китобни) ўз ичига олган, лекин Ҳахоманишлар замонида 815 фасл, Сосонийлар даврига келиб, фақат 317 фасл қолганди. Бу даврда Овисто 345700 сўздан таркиб топганди. Араб истилоси вақтларида Овисто яна ҳам фожияларга учради: унинг кўлёмалари ёқиб йўқ қилинди. Абу Райҳон Бериуний арабларнинг Хоразмда ҳам хоразмий тилида битилган китоб ва дафтларларни куйдириб йўқ қилганликлари, хоразмий ёзувини яхши биладиган ва билимини бошқаларга ўргата оладиган кишиларнинг барчасини ҳалок этганликлари тўғрисида маълумот беради. Шундай қилиб, араблардан Овистонинг битта «Вандидод» китоби тўла ҳолда ва бошқа китобларидан баъзи

* Ҳахоман — яхши ният, яхши мақсадли, яхши фазилятли киши маъносида. Бу атама Ғарбда асоссиз равишда «Ахеменидлар» тарзида ёзиб келинади. Биз сўз маъносига асосланиб ва Шарқ олимлари қўллаётганидек, «Ҳахоманиш» шаклида ёзишни маъқул кўрдик. — *Муаллиф.*

қисмларигина омон қолди, бу эса атиги 83 минг сўздан иборат чорак қисм эди холос!

Лекин ана шу жуда оз қисм ҳам икки катта жилдни ташкил этади ва бутун дунёда асрлардан буён ўрганиб келинмоқда. Бу ишда Оврупо олимларининг хизмати каттадир. Бу қитъада Овисто ва Зардушт ҳақида нашр этилган биринчи жиддий асар Барнаб Бриссоннинг 1590 йили Парижда босилиб чиққан китоби эди. Ундан сўнг инглиз шарқшуноси Томас Хайд зардуштия дини тўғрисидаги эроний, юноний, румий ва араб манбаларини йиғиб, ўрганиб, 1700 йили лотин тилида «Қадимий форслар, портлар (парфиялилар) ва модликлар дини тарихи» номи билан катта асарини чоп эттирди. Томас Хайд бу китобда маздапарастликнинг иккихудоликка асосланган дин эканлиги тўғрисидаги фикр нотўғрилигини кўрсатади ва зардуштия динига нисбат берилган бу хато ақидани юнонийлар ўзларининг кўпхудолигидан (политеизмидан) келиб чиқиб тарқатганлар, дейди.

1723 йили Оксфорд шаҳрининг Бодлеан кутубхонаси инглиз савдогари Фишернинг Ҳиндистондан олиб келган Овисто китобларидан бири «Вандидод»нинг асл нусхасини сотиб олди, аммо уни бир неча йил ҳеч ким ўқий олмади. Шундан сўнг шотландиялик Фрезер зардуштий порслар яшаётган Сурот шаҳрига борди, аммо улар ажнабий кишига бу тилни ўргатишни хоҳламадилар. Шундай бўлса ҳам Фрезер Овистонинг бир неча асл китобларини сотиб олиб, ватанига қайтди.

Оврупо овистошунослигининг ривожини кўп жиҳатдан Париж университети талабаси Анкетил Дюперроннинг номи билан боғлиқ бўлди. У 1754 йили Бодлеан кутубхонасидаги Овисто қўлёзмалари сирларини очиш ишатида ҳеч кимдан йўлланма ва маблағ олмаган ҳолда ўзининг бир оз пули билан Ҳиндистон сафарига чиқди ва йўлда кўпдан-кўп азобу-уқубатларга учраб, бир неча мартаба оғир касал бўлиб, охири Пондишери шаҳрига етиб келди. Дюперрон Ҳиндистонда олти йил яшади. Дороби Порсий исмли ўқитувчидан овисто тилини ўрганди, 180 та ноёб нусхаларни қўлга киритди. Сўнг Парижга келиб, бутун вақтини Овистони таржима қилиш ва изоҳ ёзишга бағишлади. Ниҳоят, унинг кўп йиллик меҳнати самараси бўлган уч жилдлик улкан китоб: «Занд-Овисто» Парижда 1771 йилда босилиб чиқди.

Шундан сўнг Олмон олими И. Клаукер Дюперроннинг «Занд-Овисто» китобини олмон тилига таржима қилиб, 1776—77 йилда Рига шаҳрида нашр эттирди. Яна бирмунча вақт ўтгач, Дюперрон фойдаланган манба борасида Оврупонинг турли мамлакатларида қизғин баҳс-мунозаралар ярим аср давом этиб, жуда кўп мақолалар, рисоалар, бир неча жилдлик илмий тадқиқот асарлари эълон қилинди. Шу равишда дунёнинг энг қадимий диний, адабий ва тарихий ёдгорлиги Оврупо ва Америка қитъасида ҳар томонлама илмий тадқиқотлар жараёнига киритилди.

Овисто ҳақида дунёда нашр этилган илмий асарлар рўйхати бир катта китоб бўлади. Бутун дунё Овисто ҳақида сўз юритади.

Биз назаримиздан ўтказган бу китобнинг сўзбошисида Овисто «бутун жаҳон аҳлининг муштарак маданий мероси» деб тавсифланган. Ҳақиқатдан ҳам шундай. Зардушт бизга порлоқ ва абадий маънавият машъалини мерос қолдириб кетган. У ёққан олов мангу самимият, эзгулик, меҳр ва садоқат рамзи бўлиб қолди.

Муҳсин УМАРЗОДА

ҚОЗОҒИСТОНДА МАДАНИЙ ҲАЁТ

«БИРГАМАН МЕН СИЗЛАР БИЛАН»

Ўзбекистон заминида туғилиб, Низомий номли педагогика институтида таҳсил олган, Қозоғистон Ёшлар Иттифоқи мукофотининг совриндори шоир Тўлеген Айбергенов ҳаёт бўлганида, 60 ёшга тўлар эди. «Қумдаги миноралар», «Армон софари», «Умрга саёҳат», «Бир тўйим бор» каби китобларнинг муаллифи бўлмиш марҳум Тўлеген Айбергенов халқчил шеърлари билан қозоқ адабиётига катта улуш қўшди.

Яқинда Олмаотадаги «Ана тили» нашриёти Тўлеген Айбергенов ҳақидаги эсдаликларни жамлаб, «Биргаман мен сизлар билан» номли китоб чиқарди.

Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов ва қозоқ шоир-ёзувчилари: Сирбой Мовленов, Абши Кекилбоев, Қодир Мирзалиев, Мухтор Шохонов, Тутқабой Иманбеков, Зокир Асабоев, Абдулла Тожибоев, Муқағали Мақатаев, Туманбой Мўлдағалиев каби ўнлаб ёзувчиларнинг шоир ижодига бағишланган мақолалари китобдан ўрин олган.

Қолдибек Сейданов, Серик Шуқин, Дароб Дарменов, Қалбай Адил каби ўзбекистонлик адабиётчилар ҳам ўз мақола ва хотиралари билан китобда иштирок этишган.

ШЕЪРИЯТ ОҚСОҚОЛИ БИЛАН СУҲБАТ

Қозоғистон Республикасининг Президенти Нурсултон Назарбоев илм ва фан, адабиёт аҳли оқсоқоллари билан тез-тез учрашиб туради. Давлат бошлиғи яқинда ўз қароргоҳида 90 ёшни қоралаган халқ шоири, таржимон ва жамоат арбоби Дихан Абиловни қабул қилди.

Қозоқ шеъриятининг бугунги оқсоқоли Президент Н. А. Назарбоевга истиқлол ғояларини собит ҳимоя қилаётгани учун миннатдорчилик билдирди. У пойтахтни Оқмўлага кўчириш режаси ҳар жиҳатдан тўғри ва асосли эканлигини ҳам айтди. Суҳбат давомида шоир: 1995 йилнинг 3 май куни сизга: «17 миллион халқнинг раҳбарисиз, ўз уйингизда ўтирмасдан, чет давлатларга бора беришингизнинг боиси нима?»— деб бир сўз айтган эдим. Шундан буён ўтган икки йил ичида бир нарсага аниқ кўзим етди — мен ўшанда шошқалоқлик қилибман. Негаки, 30 дан кўпроқ давлатларда бўлиб, дунёда қозоқ деган халқ борлигини, у мустақил эканлигини танитдингиз. Минг раҳмат Сизга»,— деди.

Қозоғистон Республикаси Президентини Н. А. Назарбоев оқсоқол шоир 90 йиллик тўйи муносиб нишонланишини таъкидлади.

АВЕЗОВ ВА ЗАМОН

Қозоғистон Республикасининг матбуот ишлари бўйича миллий агентлиги ва халқаро «Zaman — Қазақстан» газетаси улуғ ёзувчи, олим ва жамоат арбоби Мухтор Умархон ўғли Аvezов хотирасига бағишлаб ҳаётни ҳаққоний тасвирловчи мақолалар учун «Аvezов ва замон» мавзuida танлов эълон қилди.

Бу танловга шу йилнинг 15 сентябригача эълон қилинган қозоқ ва рус тилидаги мақолалар қабул қилинади. Ғолибларга қуйидаги пул мукофотлари белгиланган:

1-ўрин — 2000 АҚШ доллари ва Туркияга йўлланма;

2-ўрин — 750 АҚШ доллари (иккита);

3-ўрин — 500 АҚШ доллари (учта);
Рағбатлантирувчи мукофот — 250 АҚШ доллари (бешта).

ЖАРАСХОН ШОИР ПУЛ ЮТИБ ОЛДИ

Аҳмад Яссавий бобомизнинг замондоши ва сафдоши, таниқли дин арбоби Қорабуранинг Мақбараси Жанубий Қозоғистондаги қадимий Сўзоқ шаҳридадир. Яқинда бу авлиё мақбарасининг қайта таъмирланишига бағишлаб «Қорабура авлиё» жамғармаси шоирлар мушоирасини ўтказди.

Шеърят мусобақасида фаол қатнашган шоир Жарасхон Абдирашев мушоиранинг бош соврини — гилам ёпилган туяни ютиб олди.

ЎЛЖАСНОМА БОШЛАНДИ

Халқ ичида «Қанча ҳурмат қилсанг, тириклигида қил» деган ибора бор. Қозоқ қардошларимиз машҳур шоир Ўлжас Сулаймоновни жуда қаттиқ севади ва ижодини юқори баҳолайди.

Қозоғистон Ёзувчиларининг журнали «Жулдиз»да шоир Жакимбек Салиқовнинг забардаст шоирга бағишланган «У — инсоният шоири» деган достони босилди. Асар минглаб мухлислар қалбидан жой олишига шубҳа йўқ.

УЙҒУР ШОИРГА БАҒИШЛАНДИ

Қардош уйғур халқининг машҳур шоири, Қозоғистондаги уйғур адабиёти

асосчиларидан бири Изим Искандаровнинг 90 йиллигига бағишланган кеча Ёзувчилар уюшмасининг Адабиётчилар уйида бўлиб ўтди. Уни Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Нурлан Урозалин очди.

Изим Искандаровнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисида Савут Маматқулов маъруза қилди.

Кечада сўзлаган С. Шаймерденов, З. Батталхонов, М. Зулфиқоров, М. Абдураҳмонов, Р. Исмоилов, Д. Ясинов, И. Ушуров, А. Саидов, Р. Яхьяровларнинг эсдаликлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

Кечани ёзувчи Ш. Шаваев олиб борди. Кеча Уйғур театри артистларининг катта концерти билан якунланди.

Шундай йиғин Олмаота вилояти, Уйғур тумани маркази Чунжа кўрғонида ҳам бўлиб ўтди. Уни туман ҳокими М. Носиров очди, Ёзувчининг ҳаёти ва ижоди тўғрисида туман кенгаши котиби Абдужалил Саидов маъруза қилди.

Бу тўйда уйғур ёзувчисининг Қозоғистон халқлари адабиёти тарихида тутган ўрни ва адиб мероси тўғрисида Қозоғистон Ёзувчилар Иттифоқининг котиби Қалаубек Турсунқулов, ёзувчилар Саидолим Танекеев, Шоим Шаваев, меҳнат фаҳрийси Замонбек Батталхонов, Совутжон Искандаров, М. Зулфиқоров, М. Абдураҳмонов, П. Собитова, ёзувчининг қизи Чўлпон Искандаровалар сўз юритдилар.

Ёзувчига бағишланган яна бир йиғин Изим Искандаров номи билан аталадиган Обод қишлоғидаги мактабда ҳам бўлиб ўтди.

ТАРАС ҲАЙКАЛИ ҚАД КЎТАРДИ

Бултур бир ярим асрлик тўйи нишонланган Шевченко шаҳрига Украина давлати мустақилли, тенглик ва дўстлик куйчиси улуғ Қўбузчининг соф бронзадан қуйилган ҳайкалини тақдим қилган эди. Яқинда шаҳар марказидаги шоир музейида бу ҳайкалнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимда таниқли шоирлар, ёзувчилар, санъаткорлар, жамоат арбоблари қатнашдилар.

ЭР ТУРКНИНГ БЕШИГИДА

Яқинда Жанубий Қозоғистон вилоятининг Туркистон шаҳрида «Турк дунёсининг тарихи ва Туркистон ғояси» номли халқаро симпозиум бўлиб ўтди. Бу катта анжуманга Туркия, Хитой, Ўзбекистон, Қирғизистон, Мўғулистон, Бошқирдистон олимлари ҳам қатнашдилар. Унда 54 маъруза тингланди.

Ёш олим, шоир Оқазил Тўйшанўғли Мўғулистондаги кўхна турк ёдгорликларини — Қултегин, Билге қоон бошлаган улуғ боболар ҳайкалларини ёки уларнинг кўчирма нусхаларини Туркистон шаҳрига олиб келиб ўрнатиш керак, деган фикрни илгари сурди. Олмония тупроғида ётган Мустафо Чўқайнинг хокини Туркистонга олиб келиб дафн этиш масаласи ҳам кўтарилди:

«Турк дунёсининг тарихи ва Туркистон ғояси» халқаро симпозиуми 2000 йилгача ҳар йили Туркистон шаҳрида ўтказиладиган бўлди.

«ЕРТИС» МИ Ё «БУХОР ЖИРОВ!»

Олмаота шаҳрида Павлодар вилояти санъати ва маданияти кунлари бўлиб ўтди. Олимлар уйдаги учрашувда Павлодар вилояти ва шаҳрининг номи тўғрисида ҳам сўз бўлди. Шунингдек, республикадаги Петропавловск номига ҳам ҳеч кимнинг кучи етмаётганга ўхшайди.

Олимлар Павлодар номини ўзгартириш керак деган фикрни илгари сурдилар. Ёзувчи Оқсему Сейдимбеков Павлодар вилоятининг номини Ертис (Иртиш) дея ўзгартиш керак деган таклиф киритди. Олим Серик Негимов эса шаҳарни машҳур шоир Бухор Жиров номи билан аташни айтди.

Бу таклифлардан қайси бири амалга ошишини вақт кўрсатади.

«ЕЛБАСЫ» СЕВИМЛИ КИТОБ

«Ана тили» нашриёти Қозоғистон Республикасининг биринчи Президенти Нурсултон Абишўғли Назарбоевнинг ижтимоий-сиёсий хизматлари ва инсоний қиёфасини ёритувчи «Елбасы» китобини нашрдан чиқарди.

Китобдан Президентнинг хорижий давлат журналистлари саволларига берган жавоблари ҳам ўрин олган.

ЮРАКЛАРДА ЧЕГАРА БЎЛМАСЛИГИ КЕРАК

Умумжаҳон қозоқлари жамиятининг «Қозоқ эли» газетасида «Теран илдишлар» рукни остида таниқли ўзбек адиби Тохир Малик билан газета мухбири Мекембай Омарулининг мусоҳабаси ёритилди. «Тошкент вилояти ва Жанубий Қозоғистон вилоятининг чегарасида ер остидан чиқадиган минерал суви бор. Қизиқ жойи шундаки, қозоғистонликлар бу шифобахш сувни «Сариёғоч суви» дея аташса, ўзбекистонликлар «Тошкент маъдан суви» дейишади. Аслини олганда, иккаласи ҳам — бир сув. Мафқура ни бўлиб ташлаш ҳам худди шунга ўхшаш гап. Ота-боболаримиз яратган ҳаммамизга муштарак туркий халқлар муштараклиги мафқурасини Аму ва Сирдарёга ўхшатиш мумкин. Негаки, бу икки дарё қадим-қадимлардан буён шу ердаги халқларнинг бошини қўшиб, бирлаштириб келади. Оролни ҳам бир пайтда тўлқинлантирган — шу иккови. Ҳозирги пайтдаги бўлинишлар — бу улуғ дарёлар сувини бўлиб-бўлиб, йўқ қилиб ташлагандай гап»,— деди таниқли ўзбек адиби.

«Чегаралар юракларга кўчирилмаслиги керак»,— деди яна Тохир Малик.

Илойим, ўзбек адабининг айтгани келсин.

МИНГ ЯШАНГ, ОЛТИНБЕК САРСЕН- БОЕВИ

Қозоғистон Республикасининг Билим ва Маданият вазирлиги ҳамда Матбуот ва оммавий ахборот миллий агентлигининг раиси Олтинбек Сарсенбоевлар маориф ходимлари билан учрашдилар. Агентлик раиси О. Сарсенбоев Билим ва Маданият вазири И. Тасмағамбетовга республика мактаб кутубхоналарига аталган 10 миллион тангалик китоб фондини топширди. Бу китоблар вилоятларга текин етказилиб берилади.

ҚАЙРАТ РИСКҮЛБЕКОВ — ХАЛҚ ҚАҲРАМОНИ

1986 йилдаги Декабрь воқеалари пайтида Республика мустақиллиги учун кўрсатган жасорати ва мардлиги

учун Олмаота меъморчилик ва қурилиш институтининг собиқ талабаси Қайрат Ноғайбойули Рисқулбековга (марҳум) олий давлат нишони — «Халқ Қаҳрамони» унвони берилди.

Қайрат Ноғайбойули шоир сифатида ҳам эл-юрт орасида машҳур эди.

Унинг шеърлар китоби нашрга тайёрланмоқда.

Маҳкамбой УМАРОВ
тайёрлади.

ДОНАЛАР БИСОТИДАН...

Ватанга муҳаббат ҳар қандай тўсиқни енгиб ўтадир.

Вергилий

Авалло ватан манфаатини ўйлагил.

Сўнг эса қариндош-уруғ ва ундан кейин ўз манфаатинг йўлида қайғуртил.

Луцилий

Ватанни ҳудуди кенглиги учун эмас, балки у ўз ватани бўлганлиги учун севадирлар.

Сенека

Ватан йўлида жон фидо этмоқ — шарафли ва фахрли ишдир.

Ҳораций

Ватанга яхши хизмат қилиш — аъло иш, аммо яхши сўзлар билан хизмат этиш ҳам ундан қолишмайдир.

Саллисий

IN THIS ISSUE:

IGOR BUNICH. *The Party's golden reserves.* This historical assaye is about bolshevick party groups manoeuvres headed by Lenin dealing with the party's gold treasures.

ARTHUR HAILEY. «Evening Events». In the series of «XXth century Novels» the last part of the novel is given describing American journaist's difficult and dangerous work.

JURJI ZAIDON. «Khorun ar-Rashid's Sister». Ending of the novel. It will attract the reader's view with fascinatinf intrigues and accidents taken place in the Abbassid Khalifat.

Besides, historical, philosophical articles, new books' review and cultural news will be suggested to the reader of the journal.

КЕЛГУСИ СОНДА:

ИГОРЬ БУНИЧ. Партиянинг олтинлари. Давоми.

МИХАИЛ БУЛГАКОВ. Касофат тухумлар. Қисса.

ҚАЙСИН ҚУЛИЕВ. Сузиб борар дарёда гўзал. Шеърлар.

ЮЖИН ОНИЛ. Қайрағоч соясида. Драма.

Шунингдек, тарихий, фалсафий мақолалар, янги китобларга тақризлар, маданий ҳаёт янгиликлари ҳақида хабарлар билан танишасиз.

ЖАҲОН АДАБИЁТИ. 4. 1997

ИНДЕКС 828

829

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот кўмитасида рўйхатга олинган.
№ 172

Ижарадаги Тошкент полиграфия комбинати. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Таҳририят манзили:

7000129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Телефонлар: 144—41—60.

Навбатчи муҳаррир *Амир Файзулла*

Рассом *М. Карпузас*

Техник муҳаррир *В. Барсукова*

Мусаҳҳиҳ *Т. Арипова*

Теришга берилди 20.08.1997 й. Босишга рухсат этилди 29.10.1997. Бичими 70x108 1/16. Офсет қоғози. Офсет босма. Шартли босма табоқ 18,2. Напирёт боёма табоғи 20.0. Жами 5000 нусха. 5320 рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.